

0-68

Абдулла ОРИПОВ



АДОЛАТ
КУЗГУСИ

Абдулла Ориповдай шоир юз йилда бир марта түгилади.

Ислом КАРИМОВ

Шеъриятда куттимаган янги нафас пайдо бўлди. Томчини кузатган бўлсангиз, тўлишгандан кейин томади. Абдулла жоннинг шеърлари ҳам ана шундай. Олдин сўзма-сўз, сатрма-сатр юраги қонида қайнаб пишади. Ана ундан сўнг қофозга тушади.

Абдулла ҚАҲХОР

Катта шоир ҳамиша ўз вақтида майдонга келади, у – ҳамиша тарихий. Зотан, катта шоир ўз халқининг овози, унинг орзу умидлари ва инсон қалби изтиробларининг ифодасидир. Бироқ энг асосийси, у – ўз даврининг ҳаками ва куйчиси, у – жарчи ва файласуф, у сўз сеҳргари ва узлатга чекинган мутафаккир-дарвеш. Буларнинг бари унга қалб изҳорини ҳаммага бирдай тушунарли, севимли ва, шу билан бирга, кўтаринки, теран маънолар моҳиятини ифодалаш учун ато этилган. Шу боис шоирнинг сўзларидан замондошлари ҳам, келгуси авлодлар ҳам фахрланиб юрадилар.

Абдулла Орипов менга XXI асрга қадам қўйган давримизнинг буюк маданий аҳамиятга молик ана шундай шоири булиб гавдаланади...

Чингиз АЙТМАТОВ

Абдулла Орипов сўзнинг ифода кучини бехато сезади, ҳаётни ўз билишича, уни ўзига хос янги назар билан кўради. Ўзбек поэзиясини янги, катта истеъдод билан табрикласа бўлади. Абдулла Орипов шеърлари билан ҳар бир учрашув шеърият байрамига айланиб кетади.

Қайсин ҚУЛИЕВ

Азизим Абдулла! Бир вақтлар ёш ёзувчилар семинарида Қайсин Қулиев билан биргаликда сенга чин дилдан қувониб оқ фотиҳа берганимиз кечагидай ёдимда.

Яна шу нарса эсимдаки, сен инсониятнинг даҳо шоирларидан бири *Дантенинг* “Илоҳий комедия”си таржимасига қул урган эдинг. Улкан истеъдодинг туфайли ўзбек халқи *Алишер Навоий* билан бир қаторда *турган* буюк итальяннинг илоҳий сузига ҳам лойиқ булди.

Сен буни қойил қилиб уddaладинг! Ва бугун узинг ҳам улуғ шоирга айландинг!

Давид ҚЎФУЛТИНОВ

Қойилман, “Ҳаким ва ажал” достони жонажон адабиётимизнинг жуда ноёб мулки сифатида, поэзиямизнинг шоҳ асари сифатида ўқилади. Бу ижодий зафар билан Сизни чин дилдан табрик қиласман. Ана шундай достонни ўқишига муюссар булганимдан баҳтиёрман.

Шароф РАШИДОВ

Кн
ие

Кол

437401

0-68 Орлов А
Абдесат күзгүсү


2005 4550c

437401

Абдулла Орипов

АДОЛАТ КЎЗГУСИ

**Тошкент
“Адолат”
2005**



Абдулла Орипов. Савас Константинидис чизган сурат
Мато.мойбүек, 1988 йил

Абдулла Орипов

АДОЛАТ КҮЗГУСИ

*Шеърлар,
Мақолалар,
Сұхбатлар,
Таржималар*

Тошкент виляти
«ТУРОН» күтубхонаси

Тошкент
“Адолат”
2005

0-68

Орипов Абдулла.

Адолат кўзгуси: Шеърлар, Мақолалар, Суҳбатлар, Таржималар /Абдулла Орипов; Нашрга тайёрловчи ва изоҳдар муаллифи Дониёр Бегимқулов.-Т.: Адолат, 2005.- 400 б.

ББК 84(5Ў)6

**Сўзбоши муаллифи Ўзбекистон Қаҳрамони
Озод Шарафиддинов**

**Нашрга тайёрловчи, изоҳдар ва сўнгсўз муаллифи
Дониёр Бегимқулов**

O 1201000000 - 004
— — — — —
(04) - 2005

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги
“Адолат” нашриёти, 2005 йил

МУВАШШАХ



МУВАШШАҲ

Модомики, бу сўз сарлавҳага чиқарилган экан, гапнинг индаллосидан, яъни мувашшаҳнинг ӯзидан бошлаб кўя қолганимиз маъқул.

Оҳ уриб ҳар ёнда изғийди шамол,
Замон макон бермай уни қистайди.
Орзуси фақат шул — у ҳам тоғ мисол
Дили ором олиб ётмоқ истайди.
Асоратда инграр тоғлар ҳам аммо,
Кўхи замонадан тополмай илож.
Армон қиласар у ҳам: шамолдай гүё
Мовий кенгликларда ёзсин дер қулоч.

Мувашшаҳ тилига тушунадиганлар бу дилбар шеърнинг ҳар қайси сатридаги биринчи ҳарфларни ажратиб олиб, “Озод акам” деган иборани ўқий оладилар. Ҳа, бу мувашшаҳ менга бағишлиланган. Унинг ёзилганига ҳозир роппа-роса 36 йил буляпти. Мувашшаҳ Абдулла Ориповнинг қаламига мансуб булиб, шоир уни “Қўзларим йўлингда” деган китобининг биринчи бетига менга бағишлилов сузлари ўрнида ёзив берган эди. Китобча ёш шоирнинг, адашмасам, учинчи китоби эди. Уни “Тошкент” бадиий адабиет нашриети 1966 йилда чоп этганди. Яна бир тафсилот — бу китобга шеъриятимизнинг яна бир порлоқ юлдузи Эркин Воҳидов муҳаррирлик қилган.

Китобнинг иккинчи бетида муаллифнинг қисқагина кириш сўзи ҳам бор. Бу муқаддима кўп жиҳатдан диққатга сазовор — шунинг учун уни-да тўлиқ келтираман:

“Дўстларим! Шундай пайтлар бўладики, киши уз боғидаги гуллардан қўнгилдагидай дасталанмаган бўлсада, ёр-биродарларига тақдим этишни хоҳлаб қолади.

Лекин ушбу тўпламдаги шеърлар ҳали гул билан таққослагудек эмас. Демак, ҳали гулдаста ташбеҳининг ўзи ушбу китоб учун ножоиздир. Камолга етмаган мисралар, фаромуш фикрлар кўп. Бу гапларни камтарлика йўймаслик керак. Чунки дунёдаги энг қаттиққул китобхон — вақт ҳам борки, у билан юзма-юз келиш ниҳоятда оғир ва изтироблидир”.

Хүш, “күнгилдагидай дасталанмаган” бу гулдаста қандай гуллардан тартибланган экан? Китоб “Сен баҳорни соғинмадингми?” деган шеър билан очилади. Кейин “Одамлар”, “Бургут”, “Тилла балиқча”, “Дорбоз”, “Темир одам”, “Муножот”ни тинглаб”, “Куз хаёллари”, “Отелло”, “Пушкин”, “Қасамдара”, “Мұхаббат”, “Хурозқанд” каби ва яна бошқа аллақанча шеърлар кирганки, булар вақт синовидан үтганини мұхтарам үқувчимиз үзи яхши билса керак. Шоирнинг үзи ҳарчанд бу түплемдаги шеърларига талабчанлик билан ёндашган бұлса-да, улар XX аср шеъриятининг энг нафис, энг жүшқин, энг дилрабо намуналари бұлиб қолган.

Табиийки, шундай гулдастанинг менга тақдим этилиши, бунинг устига шоир ўз дастхати билан менинг номимінгә мұвашшақ ёзіб тақдим этиши ғоятда ифтихор қылса арзидиган ҳолдир. Лекин уни шу пайтгача эълон қилишга истиҳола қилиб келдим. Аввало, шоирнинг үзи бирор китобига киритар, деб үйладим. Билмадим — хаёлидан фаромуш бұлғанми е болшынан бирон сабаб биланми Абдуллажон китобига киритмади. Ўзим эълон қилаудан десам, назаримда, мақтанчоқлик қилаётгандай туюларди. Энди ёшим фалон жойга етганда шундай ноёб бир лирик шеърни ҳеч кимга құрсатмай босиб ётаверишим инсоффдан эмас экан. Шу важдан шоирнинг үзидан ижозат олиб, уни эътиборингизга ҳавола этмоқдаман. Бундан яна бир күзлаган мақсадим бор — мен адабиётшунос сифатида Абдуллажоннинг ижодидан уч-түртта мақола эълон қилғанман-у, лекин унинг ижодини ҳар томонлама тақдик, этувчи, XX аср шеъриятида, қолаверса, жағон шеъриятида Абдулла Орипов феноменини тұла бұлмаса-да, бир қадар мұкаммалроқ очиб берадиган дурустроқ бир мақола ҳам ёзған эмасман. Ҳар гал бу ишга киришмоқчи бұлғанимда, бу шеърият қаршиисида қаламимнинг бенихоя ожизлигини ҳис қиласым. Ҳозир ҳам мазкур эссени ёзишга киришар эканман, шоир шеъриятини адабиётшунос сифатида таҳлилдан үтказишни ният қилаётганим йўқ. Лекин күнглимда Абдуллажон ҳақида анча-мунча гаплар йиғилиб қолган. Абдуллажон, үйлаб қарасам, менинг ҳаётимга анча сингиб кетган экан. У билан бирғаликда қанчадан-қанча адабий кечаларни үтказдик, турли сафарларда бұлдик, ииғинлар, анжуманлар ва ҳоказоларда иштирок этдик.

Кўпдан-кўп ёрқин хотиралар, қувноқ эсдаликлар тўпланиб қолган. Назаримда, шулар тўғрисида ҳам озми-кўпми гапириб бериш менинг бурчим бўлса керак. Шундок экан, “Мувашшаҳ”ни эълон қилаётганимни мақганишга йўймаслик керак — бу кўнгил дафтарини жиндан варақламоқ учун бир баҳона, холос. Истасангиз, Абдулла Орипов тўғрисидаги эссега муқаддима...

Саратон авжида фарахли бир оқшом

Усмон Кўчкор яхши шоир, яхши таржимон, яхши ношир ва яхши инсон. Ҳар ҳолда, уни кўрганда одам ўз-ўзидан яйраб кетади. Бир вақтлар Бухородан Тошкентни забт қилгани келган бу хушфеъл, хушмуомала, самимий йигит шу ерда қолиб кетди. Хуллас, ҳар жиҳатдан мақтаса, мақтагулик бир ажойиб инсон. Фақат битта нуқсони бор. Билмадим, буни “нуқсон” дейиш ҳам унча тўғри эмасдир. Лекин мен унинг бир ишини сира тушунмаяпман — ана шу туппа-тузук, эслик-хушлик йигит гўё бошқа вақт қуриб қолгандай авжи саратонда — 18 июлда туғилипти. Наҳотки, бухоролик бўлатуриб, 18 июлнинг ҳамма нарсани жизғанак қилиб кўйдирадиган алангалари борлигини билмаган бўлса? Аммо бўлар иш бўлган, бўёғи синган. Ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди. Фақат туғилган куни муносабати билан Ёзувчилар боғида дастурхон ёзишга аҳд қилгани унинг туғилган кунни танлаш масаласидаги хатосини жиндай бўлса-да, ювиб кетади. Хуллас, 18 июль кун пешиндан оғанида Абул Фарожнинг бир нодир китобини қўлтиқлаб, Усмонжоннинг туғилган кунини нишонлагани Дўрмонга — Ёзувчилар боғига йўл олдим. Баҳонада Абдулла Ориповни ҳам зиёрат қилиб келишга қарор қилдим. У яқинда Япония сафаридан қайтган эди, албатта, аллақачон келиб, унинг суҳбатини олиб кетганимда ёмон бўлмасди, лекин шоир Япониядан қайтиб, уч-тўрт кун туриб-турмай, Швейцарияга йўл олди. Мендай ногирон одам тўрт мучаси бутун одамнинг кетидан югуриб, етишиб юрмоги маҳол экан-да, деб афсусланиб қолаверган эдим.

Абдуллажоннинг Ёзувчилар богининг ичкарироғидаги уйи таъмирланаётган экан, шунинг учун у меҳмон-

хонасини бошқа жойга – бое чеккасида ўсган чинорлар соясига күчирипти. “Меҳмонхона” битта ёғоч чорпояю битта стол ва беш-олтита стулдан иборат экан. Лекин жуда салқин. Тангадек офтоб йўқ. Қўшини девор остида жилдираб ариқ оқиб турипти. Эски ижодхона олдидағи гулзордан хушбуй ҳидлар таралади. Мен кириб борганда Абдуллажон сирдарёлик адабиётшунос Умрзок Ўлжабоев ва жиззахлик ижодкор Туроб Мақсадов билан гурунглashingib утирган экан. Мен келиб, даврага кўшилгандан кейин бир оз ўтгач, андижонлик Тұлан Низом келди. Гурунгимиз энди қизий бошлаган эди, утирган жойимиздан 20-30 қадамлар нарида бирдан ола-ғовур кўтарилиди. У ерда темир ўчоққа каттагина қозон осиб, балиқ қоврилаётган экан. Бирдан унинг ёғи ёниб кетипти. Аланга вишиллаб чинорлар шохигача етди. Кўпчиликлашиб ўчириб олишди. Бўлинган гурунгимиз қолган жойидан давом этди. Гурунгимизнинг султони, албатта, Абдуллажон эди. У кечагина Швейцариядан келган булса-да, бу сафаридан оғиз очмай, фақат Япониядан гапирап эди. Афтидан, Япония таассуротлари унинг қалбини тўлдириб юборган бўлса керакки, уларни гапириб, адо қилолмас эди.

Уч-турт кун аввал бир қанча газеталарда унинг Япония ҳақидаги суҳбатлари босилганди, лекин Абдуллажон у гапларни такрорламай, Япониянинг шоир нигоҳи билан кўрилган узига хос жиҳатлари, халқнинг баъзи бир урфодатлари, езувчилари тўғрисида гапиради.

— Токио ажойиб шаҳар экан. Шу бир шаҳарнинг узида Ўзбекистоннинг ярим аҳолисига teng келадиган одам яшар экан. Лекин шунга қарамай, шаҳар жуда саришта ва озода. Ишонасизми, шунча юриб, нафақат Токиода, балки бошқа жойларда ҳам лоақал нишона учун бирон дона сигарета чиқиндисини ёки ерга ташланган биронта музқаймоқ қофозини кўрмадим.

— Нима бало, улар музқаймоқни қофози билан ейишар эканми?

— Бунисини билмадим. Буни узингиз борганда биллиб келарсиз.

Ҳазилим Абдуллага малол келганини сездим.

Хижилликни тарқатиш учун мен ҳам японларнинг уюшқоқлиги-ю, интизомини мақтадим.

— Оврупонинг қайси бир шаҳарига уч минг япон томошага борган экан. Улар футбол ўйинига боришипти.

Ўин тугагач, ҳамма чиқиб кета бошлапти-ю, японларнинг биронтаси ҳам чиқишига шошилмапти.

Улар ўринларидан туриб, ўтирган жойларидаги қозғоз парчаларини, оёқ остида ётган бошқа майда-чуйдаларни йигиб олиб, ҳаммаёқни ёғ тушса ялагудай топ-тоза қилиб, кейин стадиондан чиқиб кетишипти.

— Мен японларнинг юртида кўп юрмаган бўлсан ҳам, бир нарсани англадим — япон мўъжизаси деган нарсанинг замирида бу ҳалқдаги аҳиллик, уюшқоқлик ва интизом ётар экан.

Абдуллажон Япониядан олиб келган совға-саломларини тарқатса бошлади — булар одатдаги ручка, қаламтарош ва шунга ухшаш бири-биридан бежирим ёдгорликлар эди. Менга бир финжон тегди. У чинни бўлса керак, оппоқ, ҳар ҳолда сирланган, унчалик катта эмас. Сиртида рангли расм — оқ чўққили Фудзияма ва яна бир манзара. Унинг бежиримлигига маҳлие булиб, у ёқ-бу ёғини айлантириб кўриб турсам, Абдуллажон “Унга иссиқ чой қуиб кўринг-а”, деб қолди. Кўйдим. Бир дақиқа ҳам ўтарутмас, финжондаги сувратнинг ранги ўча бошлади, кейин у бутунлай фойиб бўлди. Унинг ўрнига эса... Ўзбекистон байроғи, Самарқанд ёдгорликлари, тuya карвонларининг рангли тасвири пайдо бўлди. Чинакам мўъжиза! Буни қарангки, японлар ҳатто мана шу арзимас ёдгорликда ҳам ўзларининг юксак истеъодод эгаси эканини, фоят укувли ва қорувли ҳалқ эканини намойиш қила олипти. Калланинг ишлагани, топқирилик бундан ортиқ бўладими.

Мен совгадан мамнунлигимни айтиб улгурмасимдан Абдуллажон Япония билан боғлиқ яна бир жиддий гапни гапирди.

— Японлар ўзбекларни жуда ҳурмат қилишар экан. Айниқса, Сурхондареда Қоратепадаги археологик қазилмаларда будда ҳайкаллари ва ибодатхоналари топилгандан бери, уларнинг қизиқиши яна ҳам ортган. Профессор Като ҳозир ҳам тадқиқотларини давом эттиряпти. Умуман, буддавийликнинг бир илдизи ўрта Осиёда деган илмий фаразлар ҳам йўқ эмас. Шунинг учун, Японияда японча-ўзбекча луғат чоп этилди, “Бобурнома”нинг танқидий матни, Фитрат асарларининг бир жилдлиги босилди. Япон университетлари ва колледжларида ўзбек тили ўрганиляпти. Менинг Токиога келганимни эшлитиб, ўзбек

тилиниң бир нечта мухлиси ўзбек билан ўзбек тилида сұхбатлашмоқ учун мен тұхтаган жойға келишди.

Гап шу жойға етғанда, ёғи ёниб кетған балиқ олиб келинди. Билмадим, бир зумда бошқа балиқні тозалаб, қозонға солишиғанми, ҳар ҳолда балиқ сира күйган эмасди. “Е пири, — деб дилимда ёқа ушладим мен — ўзбекларнинг ҳам маҳорати, гарчи пазандалик бобида намоён бўлса-да, умуман, чакки эмас. Балиқ жуда лаззатли тайёрланган эди. Балиқпазимизни мақтайдар уни тановуву қилишга киришдик. Гурунг балиқхўрлик устида ҳам тұхтамади.

— Манави китоб сизга — бир кўриб чиқинг, маъқули бўлса, таржима қиласиз, — деди Абдуллажон. Бу китоб Тадзеки Цузии деган япон ёзувчisinинг ўтган йили Москвада рус тилида нашр қилинган “Сарҳадларнинг интиҳоси” деган ҳикоялар түплами эди. Мен бу ёзувчининг бирор асарини ўқиши тугул, номини ҳам эшиитмаган эдим.

— Бунинг ажабланадиган жойи йўқ, — деди Абдуллажон. — Бу китоб унинг рус тилида эълон қилинган биринчи китоби. У жуда ажойиб одам экан. Япониянинг энг машҳур миллионерларидан. Ўнлаб завод-фабрикалари, компаниялари бор. Булар ҳам етмагандай, савдо-сотиқ ишлари билан ҳам шуғулланар экан. Одатда у ҳеч кимни қабул қилмас экан — бунақа ишларга мутлақо вақти йўқ экан. Менинг Ўзбекистондан эканимни билиб, қабул қилишга рози бўлди. Қадди-қомати келишган, хушбичим киши экан. Мен унинг шаҳдам ҳаракатларини, дадилдадил гап-сўзларини кўриб, ўзимга тенгқур бўлса керак, олтмишларни қоралаб қолгандиров, деб ўйладим. 79 га кирган экан! Сұхбатимиз жуда қизиқарли бўлди. У япон адабиётидан ўзбеклар нималарни билишини сўради, адабий ҳамкорликни йўлга қўйиш тўғрисида жуда бамаъни гапларни айтди. Охир-пировардида боядан бери мени қизиқтирган саволни бердим: — “Ҳеч нарсага муҳтоҗлигиниз йўқ, вақтингиз йўқ, нима зарур сизга ёзувчилик қилишнинг? Ахир, бунинг ҳам ўзига яраша машаққатлари бор-ку?” “Нима қилай? — деб оддийгина жавоб берди у. — Ёзмасам туролмайман. Кўнгил шуни хоҳлайди”. Сұхбатимиз охирида у менга китобини тақдим этди — бағишлиловини японча ёзипти. Нима деб ёзганини билолмай гарангман.

Мен Абдуллажоннинг гапларини тинглаб ўтирибман-у, бошқа хаёллар қалламда ғужғон ўйнаяпти. “Ё тавбангдан кетай! Бу Абдуллажон ўша мен билган, қирқ йилдан бери мулоқот қиласидиган Абдуллажонми? Ўша учта нимжон, жуссаси кичик Толмас Норов, Бегали Қосимов, Абдулла Орипов деган қашқадарелик талабанинг биттасими? Ёш бўлса-да жўшқин, ҳеч қанақа қолипга сифмайдиган, илҳоми тошқин дарёдай ёпирилиб келадиган шоир йигитми? Йўқ, бугун қаршимда ўтирган Абдулла Орипов салобатли, ийллар юки бироз гавдасини букиб кўйган, ортиқча соchlари тукилиб, пешонаси янада ялтираб қолган, гапларида Шарқ донишмандларига хос мантиқ ва теранлик касб этган нафақат ижодкор, балки етук, сермулоҳаза, кенг кўламда фикрлайдиган давлат арбоби эди. Унинг чақмоқдек қараашлари ёки ногаҳоний пешонасининг тиришишлари, қошининг чимирилиши унча-мунча одамни шошириб қўйиши ҳеч гап эмас эди. Кейин мен Абдуллажонни Сото университетининг профессори бўлгани билан табрикладим. Абдуллажон профессор, деб эълон қилиш маросимининг тафсилотини айтиб берди. Гап айланиб, яна ўзимиздаги баъзи бир ишларга тақалди.

— Республикамиз мустақил бўлгандан бери анчамунча шоиру адибларимиз чет эллардаги турли жамиятлар ва ҳатто академияларга аъзо бўлишяпти. Ўзбекистонда ҳам Фанлар академияси бор. Бир вақтлар унинг яхши анъанаси бор эди — энг етук шоир ва адибларимиз Академияга аъзо қилиб сайланишарди. Масалан, Ойбек,Faфур Фулом ва бошқа улуғларимизнинг номи Академиянинг обрўйини кўтарган бўлса кўтарганки, сира тушириб юборган эмас. Нима, бугун академикликка муносиб ижодкорларимиз қолмаганми? — деб сўрадим мен анчадан бери кўнглимда айланиб юрган саволни. Абдуллажон ҳазил аралаш жавоб берди:

— Ижодкорларимиз-ку етарли, лекин бугунги Академия уларнинг фикр-мулоҳазаларига, маслаҳатларига муҳтоҷ бўлмаса керак-да...

Суҳбатлашиб ўтириб, вақт ўтганини ҳам билмай қолибмиз. Ёзувчилар боғи ошхонасида Усмон Кучқорнинг таваллуд кунига йиғилганлар бизга маҳтал булиб ўтиришган экан. Ҳаммамиз у ерга кирдик. Дастурхон устида яна мароқли суҳбатлар, алёрлар давом этди. Абдул-

лажон дарҳол йиғиннинг жиловини қулига олди ва кеча охиригача уни қўлидан чиқармади.

Олис йилларнинг баъзи бир ҳикоятлари

Хаёл мени яна ўша олис йилларга – Абдуллажон адабиёт майдонида илк қадамларини қўйган йилларга олиб кетади. Унинг шеърлари биринчи марта 60-йилларнинг бошида эълон қилинди. Бу ишга менинг бевосита дахлим булгани учун, баъзи тафсилотлар устида тухталиб ўттай. Ўша кезларда менинг ҳозирги ўзбек шеърияти тўғрисида бир-иккита мақолам чиқиб, “шеърият бўйича мутахассис адабиётшунос” сифатида ном чиқарган эдим. Шунинг учун ёшлар тез-тез менга шеърларини бериб, маслаҳатлар сўраб туришарди. Кунларнинг бирида Абдуллажон бир даста шеърини қўлимга тутқазиб, ўқиб беришни илтимос қилди. Шеърлар менда жуда катта таассурот қолдирди. Уларда фикр жуда тиниқ ва теран, одатдаги куникиб келинган силлиқликдан маҳрум, туйғулар ҳам фоятда жўшқин эди. Улар ёш шоирнинг қалбига сифмай тўлқин ураётгани, кўпириб-тошиб ташқарига интилаётгани сезилиб турарди. ҳали 20 ёшга тўлиб улгурмаган, матбуотда бирон асари чиқмаган ҳаваскор шоирнинг бу қадар юксак шеърлар ёзишига одамнинг ақли бовар қилмасди. Шеърларни “Шарқ юлдзузи” таҳририятига олиб бордим. Уларга ҳам маъқул бўлди. Мендан ярим бетгина оқ йўл езив беришни илтимос қилишди.

Орадан кўп ўтмай, шеърлар босилиб чиқди. Абдуллажоннинг адабиётдаги катта йўли шу тариқа бошланган эди.

Шу ўринда кўпдан бери кўнглимга туғиб юрган бир гапни айтмасам бўлмас. Ўшандан бери одамлар мени “Абдулла Ориповнинг устози”, деб эслашади. Албатта, бу ном жуда шарафли ва ҳар қанча ифтихор қилса арзийди. Лекин шу билан бирга унга ҳаддан ташқари ортиқча қиммат бериб юбориш керак эмас. Масалан, мен бўлмасам, Абдулла Орипов ёки Эркин Воҳидов каşф этилмай қолиб кетарди ёхуд уларнинг шоир сифатида туғилиши чузилиб кетарди, деб ўйлаш мутлақо хато бўлур эди. Уларнинг истеъдодлари шу қадар улуғки, ҳар қандай

шароитда ҳам бирор ёрдам берадими-йуқми – бунисидан қатын назар – намоён булиши муқаррар эди. Албатта, менинг иштироким уларнинг рӯёбга чиқишига бир турткі бўлган булиши мумкин, лекин қолган ҳаммасини шоирларнинг ўзи адо этган. Лекин очиғини айтиб тан олмоғим керак – Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидовнинг устози, деган унвон менга бошқа кўпгина мартабаю унвонларимдан ортиқроқ еқади.

Шундай қилиб, шеъриятимиз осмонида янги юлдуз пайдо бўлди. Кейинчалик Абдулла Қаҳҳор ёшлар ижоди ҳақида ёзган бир мақолосида: “Баъзилар адабиётга бурқ-сиб, тутаб киради, баъзилар эса чақмоқдек ёниб киради”, деб ёзганида ёниб кирганлар қаторида, биринчи навбатда Эркин билан Абдуллани назарда тутган эди.

Абдуллажон шеърларининг матбуот юзини кўришида менинг иштироким борлигига ҳеч қанақа ажабланадиган жойи йўқ — ҳар нима бўлганда ҳам, яхшими-ёмонми — мен Абдуллаларга дарс берганман ва уларнинг ёзган нарсаларига эътибор билан қарашиб менинг бурчим эди. Бу ишнинг ҳайрон қоладиган бошқа бир жиҳати бор. Гап шундаки, 1956 йилда шахсга сифиниш кескин танқид қилинганидан кейин мамлакат ҳаётида жиндай бўлса-да, ўзгариш содир бўлди. Мафкура иқлимида бироз илиқлиқ пайдо бўлди. Шунда бирдан маълум бўлдики, бутун мамлакат бўйлаб, қалблари занг босган, мудроқ ҳолга тушиб қолган одамлар уйғона бошлади, бу уйғониш ҳаётда, одамлар ўртасида ҳақиқатга, янги нафасга ва умуман руҳий янгиланишга эҳтиёж жуда катта эканини намойиш қилди. Одамлар янги, ҳаққоний ва инсоний сўзда, янги адабиётда ўз ташналикларини қондирадиган асосий воситаларни кўрдилар. Мамлакатда мислсиз воқеалар рўй бера бошлади — масалан, Москвада Евтушенко, Вознесенский, Рождественский каби шоирларнинг кечаларига 10 минглаб одам йиғилдики, уларни отлиқ милиционерлар тартибга солишига мажбур бўлишди. Ўзбекистонда ҳам худди шу аҳволни кузатиш мумкин эди. Масалан, 60-йилларнинг бошида мен Билимлар уйининг 1000 киши сифадиган залида бир шеърият йиғинига раислик қилганим эсимда. Кечага чипта сотилган эди. Унинг устига кеча рўза ҳайитига тўғри келган эди. Шунга қарамай, залга одам тўлиб кетган, унда биронта ҳам бўш жой қолмаган эди.

Янги шеъриятга эҳтиёж ана шунаقا эди. Мени шу пайтга қадар ажаблантирадиган нарса шундаки, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби янги шеърият вакиллари қандай қилиб шу эҳтиёж авж нуқтасига чиқсан бир пайтда олдинма-кетин адабиёт майдонига кириб келишдийкин? Бу – тасодифми? Ёки бунинг тагида қандайдир бошқа бир омиллар ва сирлар бормикин? Нима бўлганда ҳам тўла мастьулият билан айтаманки, бу икки шоирнинг пайдо булиши, уша йиллари кетма-кет нашр қилинган шеърий тўпламлари XX аср ўзбек шеъриятини бекиес юксакликка қутариб юборди. Бу шеърият мудроқ қалбларни узил-кесил уйғотди, занглаған ва муз қотган ҳисларни эритди, уларга қўпгина изтиробли дардларини унтишга ёрдам берди.

Бу шеърият билан учрашиш юз минглаб одамлар учун чинакам шеърият байрамига айланиб кетди. Фақат тўпламлар эмас, айрим шеърлар ҳам маънавий ҳаётда ёрқин из қолдириб, узоқ вақт порлаб турди. “Булбул”, “Қасам дара”, “Темир одам”, “Биринчи муҳаббатим”... Бу рўйхатни давом эттириш мумкин. Китобхонлар, айниқса, ёшлар уларнинг пайдо бўлишини интиқлик билан кутишар, уларни нафақат шеърият кечаларида, балки ўzlари ёлғиз қолишганда ҳам ҳузур қилиб ўқишар, том маънодаги гузал шеъриятга ошно бўлганларидан руҳиятлари бениҳоя бойиганини ҳис қилишарди. Ҳаммасини эмас, биргина “Онажон” шеърини айтай. Шеър 1966 йилда шоирнинг онаси Турди Карвон қизининг вафотига бағишлиланган марсиядир. У шунаقا изтироб билан, шунаقا самиими эҳтирос ва ҳаққонийлик билан ёзилганки, ҳозирга қадар ҳар қандай одамни ҳам ларзага сола олади. Ўзбек шеъриятида онага бағишлиланган шеърлар кўп. Уларнинг ичидаги бениҳоя зўр қувват билан ёзилганлари ҳам бор. Назаримда, шулардан бири Миртемирнинг ўз онасига бағишлиланган шеъри эди. Бироқ Миртемир шеърини асло камситмаган ҳолда айтаманки, Абдулланинг “Онажон”и ундан бекиес устун туради. Менга қолса, Абдулланинг бу шеърини Моцартнинг ўлмас Реквиумига таққосласа бўлади.

Хуллас, уша йилларда ва кейинги 70-йилларда ҳам Эркин билан Абдулла том маънодаги улуф шеърият яратишган ва ўзбек шеъриятини жуда юксак погоналарга

кутаришган эди. Бу икки шоирнинг дурдона асарлари юз минглаб шеърият ихлосмандларининг бутун фикри-зикрини, ҳис-туйфуларини эгаллаб олганди — шоирларимиз қалбларнинг ҳукмдорларига айланган эди.

Аммо шўро замонида ҳукмрон мафкуранинг соғлом ақлга тўғри келмайдиган ғаройиб ўйинлари бўларди. Бу мафкура муҳиблари узларини истеъдодпарвар қилиб курсатишни яхши куришарди, гуё уларга узлуксиз ғамхўрлик қилиш билан банддай кўринар эдилар. Аммо истеъдод эгаси бир баҳя чегарадан чиқса, парвози ута шиддатли бўлса, одамлар ва, айниқса, ёшлар ўртасида эътибори меъердагидан ортиқроқ кетса, дарҳол бундай ижодкорнинг оёғидан тортиб, ерга тушириб қўйиш пайдан бўларди, керак бўлса, бошига бир уриб, пачоқроқ қилиб қўйишидан ҳам тоймасди. Абдулланинг парвози эса борган сари шиддатли тус олиб бормоқда эди. Бунинг устига 60-йилларнинг иккинчи ярмида ҳукмрон мафкура нима сабабдандир кўп соҳаларда фаол ҳужумга ўтди: турли қарорлар қабул қилинди, кўп ижодкорлар қораланди, анча масалаларда янги таъқиблар бошланди, етакчи партиявий газеталарда таҳдидлар ва пўписаларга тўла мақолалар, бош мақолалар эълон қилина бошланди. Бундай шароитда Абдулла ҳам үзининг тегишли насибасини олмай қолмади. Тирноқ тагидан кир излайдиган мафкурапастлар Абдулланинг бир қанча шеърига ва, айниқса, “Тилла балиқча”га ёпишиб олишди. Кейинроқ эса баъзи бир ёзувчилар “Жаннатга йул”ни ғоявий заарли асар, деб эълон қилишди. Бунақа зарбаларга дуч келмаган ёш шоир анча саросималикка тушди, бир қанча вақт қаламини қантариб қўйишга ҳам мажбур бўлди. (“Олти ойки, шеър ёзмайман...”). Бахтимизга, унинг тушқунлик даври узоқ чўзилмади — катта-кичик, узоқ-яқин дўстлари Абдуллани тушқунлик ботқофига ботиб кетишига йул қўйишмади. Даҳшатли мафкура чифириғидан бир марта ўтган шоир энди янада кескинроқ, янада ҳаққонийроқ шеърлар ёза бошлади.

Шундай шароитда Абдулла Ориповга ўша пайтдаги республика раҳбари Шароф Рашидов эътиборини қаратди. У Абдуллани ҳузурига чақирди, у билан узоқ суҳбатлашди, ёш ижодкорга унинг порлоқ истиқболини кўрсатиб берди ва тўғридан-тўғри шахсан унга Дантенинг

“Илоҳий комедия”сини таржима қилишни топшириди. Республиканинг раҳбари шундай муомала қилса, ҳар қандай одамнинг ҳам кўнгли кўтарилиб, ҳатто эсанкираб қолиши ҳеч гап эмас. Абдуллажон унинг гапларини, топширигини дастуриламалдай қабул қилди. Шароф Рашидов ёш шоирга бошқа илтифотлар ҳам кўрсатди. Абдулла енг шимариб, бу топшириқни бажаришга киришди. Билмадим – Шароф Рашидов Абдуллага бу ишни топширганда нимани кўзда тутди, қандай нияти бор эди – буларни билмайман. Лекин Дантенинг асари жуда катта асар эди (унинг таржимаси ҳали ҳам тугагани йўқ), уни битириш учун жуда катта билим, қунт, ҳафсала керак эди. Нима бўлганда ҳам шундан кейин шоир илҳомининг аввалги замзамалари бироз пасайғандек булди, ёзган шеърлари ҳам баъзан юрак қаъридан чиқмай, авжи паст қўшиқдай сустроқ чиқа бошлади, шоир ижод изтиробларига тушганда аламини бошқа нарсадан оладиган, нажот кўприклирини қидирадиган булиб қолди. Ниҳоят, бир неча йил ўтгач, таржима тугади – Абдуллажон “Илоҳий комедия”нинг биринчи китобини зўр маҳорат билан, юксак шоирона руҳда таржима қилган эди. Лекин айни чоқда, аввалги даражада кишини ларзага соладиган шеърлар камайгани сезилади. Мен бу гапларни таъна тарзида айтиётганим йўқ, негаки, биламан, ҳар қандай истеъдоли ижодкорнинг ижоди ҳам муттасил кўтарилишдан иборат бўлмайди. Ижод йўли фоятда мураккаб йўл – унда тушишлар ва кўтарилишлар алмашиниб туриши табиий. Биз муҳлислар эса, енгил-елпи хulosалар чиқариб, шоирни алқаш ёки унга дашном беришдан аввал уни тушунишга ҳаракат қилсак, унга ҳамдард булишга тиришсак яхшироқ бўлади.

Ориф бобо ва Турди момо ҳақида сўз

Табиийки, Абдулла билан ўртамиздаги муносабатлар тез орада оддий домла-шогирдлик муносабатлари доирасидан ўсиб чиқди. Абдуллажон бошқа шоир ва адилларнинг ҳам ҳурматини қозонди. Улар ҳам Абдуллажонга энг яқин қариндошларига, туғишган укаларига қарагандек қарай бошладилар. Абдуллажон анчадан бери бизни Қаш-

қадарега, ўзи туғилиб үсган қишлоққа таклиф қиласы. Нихоят, бунинг вақти-соати 1966 йилнинг эрта баҳори экан – Асқад Мұхтор, Одил Ёкубов, Пиримқул Қодиров, мен ва Абдулла Орипов биргаликда Қаршига келдик. У ерда бизга ўша кезларда Қаршида ишлаётган Абдуғафур Расулов құшилди. Сафаримиз хусусий мәҳмандорчилликка үхшамасин деб, Қарши пединститутиде учрашув қиладиган бұлдик. Институт домлалари бизни илиқ кутиб олишди. Институт яқинида ботаникларнинг мәҳмонхонаси бор экан – ҳаммамизга ўша ерда жой тайерлаб қойишган экан. Ўша кезларда Министрлар Советининг раиси булиб ишлаётган Раҳмонқул Қурбоновнинг Қаршидаги уйи шундоққина биз тушган мәҳмонхонанинг рұпарасыда экан. Биз борган күнлари у кишининг оналари қазо қилған булиб, уйларда фотиҳагарчилик булиб турған экан. Албатта, биз ҳам фотиҳага кирдик. Билмадим, фотиҳа әгалари бизни танишдими-йүқми, ҳар ҳолда бошдаги шляпаларимиз ва бүйинбоғларимизни күриб ичкари уйга олишди. Хона ичидә ҳам дастурхон тузалған экан. Биз дастурхон теварагига үтирдик. Чой келтиришди. Нонлар ушатилди. Лекин ҳеч ким тиловат қылғани йүқ. Биз уй әгаларига қарадик, улар бизга қараңды. Мен: “Тиловат қилинмайдими?” – деб сүрәмоқчи бұлғандым, Асқад ақа мени қайтарди: “Шошманг, Озоджон, шошманг, үzlари билишади”. Тиловат қилинмади. Бироздан кейин фотиҳага құл очиб, ўрнимиздан күтарилдик. “Ха, энди, қозончининг ихтиёри ўзіда қайдан қулоқ чиқарса...” деган мақол есимга түшди.

Некүзда бизни кутиб туришган экан. Қишлоқ поёнсиз адирлар бағрида жойлашған. Эрта баҳорда борганимиз учун ҳар томон ям-яшил – худди үркак-үркак түлқинлари қотиб қолған яшил денгизга үхшайди. Бу ерларнинг хуснтаровати йилда бир марта очиладиган гулға үхшаб, фақат баҳор чоғидагина ўзининг бетакрор латофатини тұла на-мойиш этади. Аммо баҳор ўтиши билан ҳаммаёқ офтобнинг қақшатқыч тафти остида қовжираши, бир хил, кишини сиқиб юборадиган даражада якранг тусга киради. Некүз Қаршидан унча узоқда әмас экан. Күп ўтмай етиб бордик. У бизга зангори денгиз үртасидаги бир оролчадай туюлди.

Абдуллажонларнинг ҳовлиси анча кенг экан. Ҳовлида қатор қилиб қурилған бир қаватли лойсувоқ уйлар.

Дараҳт йўқ ҳисоб! Хонадон бошлиғи жиккақкина Ориф ота бизни дарвоза олдида қучоқ очиб кутиб олди. Биринчи марта кўришаётган бўлсак-да, эски қадрдонлардек бир лаҳзада тил топишиб кетдик. Серҳаракат, симободй бир жойда тиниб туролмайдиган, жуда сўзамол бу одам кўп йиллар мобайнида қишлоқнинг каттаси бўлган экан. Унинг гаплари маънодор, том маънода ўзбекона, яъни тагдор ва образли эди. Ҳовлига кирдик. Ҳовлида Турди момо билан кўришдик. У ҳам жуссаси кичик, лекин истараси иссиқ. Юзларида ажин қўп, устидаги кийимлари одми — дашт аёлларининг одатдаги лиbosларидан. Кузлари foятда маънодор чақнайди. Бу аёлнинг бутун вужудидан меҳр ёғилиб туради. У турт ўғил, турт қиз курган экан. Албатта, уларнинг ҳаммаси ҳам унинг учун жуда азиз, суюкли. Лекин ўғилларнинг кенжаси Абдуллахон суюкларнинг суюклиси эди. У ўғлиниң теграсида парвона бўлар, уни еру кўкка ишонмас, ўтқазгани жой тополмасди. Назарида, Абдуллахон ҳали ҳам жуда ёш, ўзини эплаб юролмайди, бир зум она қарамаса, бирон шўхлик қилиб, азият чекиб қолиши мумкин. Айни чоқда, онанинг Абдуллахондан мамнун экани, ундан фуурланиши ҳам яққол сезилиб туради. Бугун унинг хонадонига ўғли туфайли Тошкентдай шаҳри азимдан унинг домлалари ва қаламкаш дўстлари кириб келганидан боши осмонга етган эди.

Турди момо қўлини очиб, ҳаммамизни узоқ дуо қилди, ҳаммамизга яхши тилаклар тилади, ҳаммамиз қатори фарзандларига ва, айниқса, Абдуллахонга ҳам яхши тилаклар тилади. Кейин бу ҳовлидан ташқарига чиқдик. У ерда кенг бедапояда бизга жой тайёрлаб қўйишипти. Жой деганимиз бедапояга ёзилган каттагина қулбола гиламдан иборат эди. Унинг тўрт томонига кўрпачалар тушалган, семиз-семиз ёстиқболишлар қўйилган, уртада дастурхон, унинг усти турли-туман мева-чевага, қанд-қурсга тўла эди. Ён-веримизда бирон туп дараҳт йўқ, тепадан баҳор қуёши жизғанак қилиб куйдирмаса-да, ҳар ҳолда сезиларли тарзда қиздириб турипти. Даврамизда қишлоқ оқсоқлларидан ҳам бир-икки киши бор эди, Қаршидан бир-иккита домла билан шоир Умаржон Исмоилов ва Сувон Соқиев ҳам бирга келишган.

Сунг Абдуллахоннинг акалари — энг катта акаси Халил ака, кичик акалари Мели ва Раззоқ билан орадан

кўп ўтмай апоқ-чапоқ бўлиб кетдик, бегона одамлар орасида бўладиган тортиниш орадан кўтарилиди. Қарабизики, устимиздаги костюмлар ечилган, бўйинбоғлар олиб қўйилган, кўйлакларимизнинг очиқ ёқаларидан ҳаммамизнинг кўксимиз кўриниб турипти, уни баҳорнинг илиқ шабадаси силаб-сийпаб, роҳат бағишлай бошлади, оқибатда қуёшнинг тафти ҳам унчалик билинмай қолди.

Суҳбатимиз қизигандан-қизиди. Баҳс қиласидан бирон мавзу йўқ эди – гап мол-ҳол тұғрисида, об-ҳаво, унинг инжиқликлари, рўзгор ташвишлари, фарзандларнинг ўқиши тұғрисида борарди. Яна, албатта, қишлоқ одамларининг соддалиги, шу туфайли турфа можароларга йўлиқиб туришлари тұғрисида ҳар хил кулгили ҳангомалар айтилди.

Дилингга хуш ёқадиган одамлар билан ўтиранг, вақт қандай ўтганини ҳам билмай қолар экансан. Шўрва тортилди, янги сўйилган гўштларнинг тотли эканини мақтай-мақтай тановул қилдик. Кейин Ориф бувадан кетишига ижозат сўраб, фотиҳа беришини илтимос қилдик. Ориф бува мийигида кулиб деди:

— Мен шўрванинг фотиҳасини билмайман. Фақат ошнинг фотиҳасини биламан.

Қоринлар жуда тўйиб кетган бўлса-да, “ошнинг фотиҳасини” кутишга тўғри келди, ахир, мезбоннинг рухсатисиз дастурхонни тарк этиш ўта одобсизлик бўлади-да.

Ниҳоят, дастурхонга фотиҳа ўқилди, ўрнимиздан турдик. Бизни кузатар экан, Ориф бува мен билан Пиримқулга алоҳида тайинлади:

— Абдуллажон Тошкентда қолди. Энди қайтиб бу ерларга келиб туролмаса керак. Ҳали жуда ёш, турмуш нималигини билмайди. Ўзинглар бош бўлиб, панд-насиҳат қилиб, тўғри йўлга солиб турмасанлар бўлмайди. Абдуллани сизларга, сизларни Худога топширдим.

Ха, ота ҳам Абдуллажонни Турди момодан кам яхши курмас эди, эрта-ю кеч унинг ташвишини чекар экан. “Менинг кўнглим болада”, деганлари шу экан-да.

Кейин бу қишлоқ бизнинг Қашқадарёдаги зиёратгоҳларимиздан бири бўлиб қолди. Абдуллажон билан биргами ёки Абдуллажонсиз Қашқадарёга нима иш билан келмай, албатта, бирров Некўзга ўтадиган, Ориф бувага бир қур салом бериб, унинг суҳбатини олиб қайтадиган

булиб қолдим. Ориф бува ҳам Тошкентга келгандаридан бизнигига ҳам келиб турар эдилар. Бир куни у киши менга совға қилиб, қоракұл тери олиб келипти. Тери жуда антиқа эди. Уни сур деб айттар эканлар. Терининг ипакдек майин гуллари товланғанда, олтин тусга кирап экан. Бундай терилар мингтадан битта чиқиб қолар ва шунинг учун жуда қиммат турар экан. Жуда хурсанд булиб кетдим. Күпдан бери шунақа бир телпак кийишни орзу қилиб юрардим. Бешёочда телпак тикадиган устахона бор эди. Терини құлтиққа уриб, оёқни құлимға олиб устахонага югурдим. Устахонанинг хұжайини анча ёшга бориб, буқчайиброқ қолган яхудий экан. У құзойнагини тақиб, терини обдон құздан кечирди-да:

— Терингиз яхши, асл тери экан. Лекин биз тикиб беролмаймиз. Мұхр керак.

— Қанақа мұхр?

— Қанақа бұларди — ҳукумат мұхри-да. қоракұл терининг ҳар биттаси ҳисобда туради. Устахоналар уни мұхрсиз олишга ҳақлары йүқ.

— Мұхрни қаерда уриб беради?

У негадир маккорона күлди-да, жавоб берди:

— Министрлар Советида. Ыша ерга боринг.

Мүйнадұзининг нега күлганини кейин англадим — ушанда ўн беш кун идорама-идора қатнадим, лекин бирон жойда мұхр урдиришнинг иложи бұлмади. Терини целлофанга үраб олиб қўйишга тұғри келди. Орадан бир-икки йил үтгач, Гоголнинг қаҳрамонларидек, бисотимизни офтобга ёйиб шабадалаштиришга тұғри келди. Не күз билан қўрайки, целлофанни очиб, терини кўрсам, оппоқ булиб, тагининг ўзи қолипти-ю, қоракулнинг гулидан эса нишона ҳам йўқ. Сурнинг мазасини куя қўрипти. Ориф буванинг қоракұл терисидан телпак кийиш ношудлигим важидан насиб қилмаган экан.

Ориф бува узоқ умр кўрди — у 1998 йилда юз бирга яқинлашиб оламдан үтди. Бу донишманд нуроний инсонни мангу маконига узатиб қўя олмадим — ўша кезларда мен кесилган оёғимни парваришилаб, касалхонада ётардим.

Некўзга биринчи сафаримиздан кейин күп үтмай, Ориф буванинг топширигини бажаришга киришдик, яъни Пиримқул Қодиров билан икковимиз Абдуллажоннинг

тарбиясига дарров киришмасак бўлмайди, бу ишда фурратни бой бериш мумкин эмас, деган қарорга келдик. Бу тўғрида Абдулланинг ўзига ҳам маълум қилдикки, ажойиб кунлардан бирида Ёзувчилар боғига йўл олдик. У ерда асрий арғувоннинг соясига чоғроқ бир столни қўйиб, Абдуллани рӯпарамизга ўтқаздик-да, тарбия ишларини бошлаб юбордик — биримиз олиб, биримиз қуиб, ижод ишининг мураккаблиги, дунёда ҳасад деган нарсалар борлиги, шуҳратпарастлик истеъдоднинг қушандаси эканидан гапирдик. Айниқса, ичкиликни қаттиқ қораладик, ичкилик туфайли не-не улуғ одамларнинг истеъдоди яшнамай, нобуд бўлганини таъкидладик. Гапларимизнинг ҳаммаси тўғри ва бениҳоя доно эди. Фақат, бир масалада андак хатога иўл қўйибмиз, шекилли — гапимиз гапимизга улансин, сухбатимиз ширин бўлсин деб, анави сабилдан бир-икки шишани дастурхонга қўйган эканмиз, Абдуллажон насиҳатгўй акаларининг гапини бўлмай, одоб сақлаб, бошини қуии согланича тинглаб утири, ичган бўлса, бир-икки пиёла чой ичди, холос. Биз эса ўзимиз гапираётган гапларга ўзимиз маҳлиё булиб, бир қултумбир қултумдан қилиб утириб, анча жойга бориб қолибмиз. Албатта, Пиримқул ҳушёрикни қўлдан бермаган, мендан қўра тетикроқ ва бардамроқ эди. Тарбиянинг чаласини у охирига етказиб қўйган бўлса керак.

Эртасига бу ишлардан ёмон хижолат чекдим: “Насиҳатчи бўлмай кет-а, аввал ўзингга боқ, кейин ногора қоқ-да”, — дея ўзимни ўзим койидим, лекин Абдуллажон билан куришганда сир бой бермадим, отдан тушсан ҳам, эгардан тушмай: “Ичкиликка ҳирс қўйган одамнинг аҳволи қандоқ булишини кўрдингми? Бундан ибрат ол!” — деб писанда қилдим.

Бу гаплар утиб кетди, лекин мен кейинчалик бу тўғрида кўп ўйладим. Ўшанда Абдуллажон жуссаси кичкина, нимжон, ҳали уйланмаган, фўргина бир йигитча эди. Албатта, ҳаётнинг паст-баландини қўрмаган тажрибасиз одам тўғри йўлдан чалғиши, тоийб кетиши, адашмоғи осон гап. Бироқ у ҳали ёш бўлгани билан, бизга фўр кўрингани билан шеърларида ўзининг фавқулодда сифатларини исбот қила олди-ку? Унинг ҳис-туйгулари ҳам, фикрлари ҳам купни кўрган донишманд одамники янглиф эди, у инсон ва ҳаёт тўғрисида ўша кезлардаёқ етук мутафаккир сингари фикр юритарди.

Дунё деган шундайин англаб булмас сир экан,
Гоҳ кенг экан, гоҳида туйнуксиз қаср экан.

Бу ҳикматнинг мағзини чақиб кўринг – у буюк Шарқ классикларининг шоирона умумлашмаларидан нимаси билан қолишади? Буларнинг бари Абдуллажоннинг ўзимиз қатори одам эмаслигидан далолат бермайдими? Унинг истеъоди фавқулодда хусусиятга эга эканини исбот қилмайдими? Шундоқ экан, бу одамга сийقا гаплар, хашаки ҳақиқатларни рўкач қилиб, насиҳат қилиш жоизми?

Шундан кейин орадан кўп ҳам ўтмай, яна бир воқеа рўй бердики, у менинг Абдулла шахсиятида оддий инсоний қарич билан ўлчашга буй бермайдиган жиҳатлар мавжуд экани ҳақидаги тусмолимни яна бир бор тасдиқлади.

Абдулла ўқиши битиргач, ўз-ўзидан уни Тошкентда олиб қолишиди, ишга ҳам жойлашди, газета-журналларда шеърлари тез-тез босила бошлади, китоблари бир зумда қўлма-қўл бўлиб кетар, қай бир учрашувларга борса, муҳлислари уни минбардан соатлаб туширмай, шеър ўқишига мажбур қилишарди. Хуллас, ёш шоир ўзининг юлдузли онларини бошидан кечирмоқда эди. Аммо... аммо ана шу баҳтдан кўзлари чақнаган, манглайи ярқираған, ҳар қандай даврада танқис бўлган, ашаддий муҳлислари жону жаҳонини баҳш этишига тайёр бўлган шоирнинг шеърият мажлисларидан чиқиб борадиган маскани йўқ эди. У — уйсиз эди. Дастрлаб, ошна-офайнингариникида ётиб юрди, кейин ижарада турди, лекин ҳамманинг суюкли шоири бўлганига қарамай, уйсиз, ночор аҳволда эди. Бунинг ажабланадиган жойи йўқ. Тошкентда уй-жой масаласи жуда танқис эди. Айниқса, Тошкент зилзиласидан кейин жуда танг аҳвол вужудга келди. Тўғри, зилзиладан кейин Тошкентда уй-жой қурилиши жуда авж олиб кетди. Лекин шунга қарамай маҳаллий аҳоли вакилларининг уй-жойга эришмоғи жуда қийин кечарди. Бунинг учун йиллаб кутмоқ керак эди. Бу масалада Абдуллажонга ёрдам бериши мумкин бўлган бирдан-бир ташкилот Ёзувчилар уюшмаси эди, лекин ҳадеганда бу масалада унинг сўзи ўтавермади. Хуллас, биринчи қадамлариданоқ шеърият дунёсига баркамол шоир сифатида кириб келган Абдуллажон тишини-тишига қўйиб, ўз юр-

тида мусофирилик дардини чекиб юришга мажбур эди. Кунлардан бирида мұжиза рүй берди. Ўша куни у қадимги Туркистон шаҳрида тасаввуф шеъриятининг буюк нағояндаси Аҳмад Яссавий мақбарасини зиёрат қилған ва унинг руҳига тавалло қилиб, бошқа тилаклар қаторида бирор бошпана бұларлық маскан ҳам сұраган эди. Кечаси Абдуллажон туш күради. Тушига оқ кийимли, оқ саллали, соқоли құксига түшгән пир киради. Абдуллажон бу муборак зотнинг құлыми олади. У эса әрталаб вақтли туриб Тошкентта жұнаши кераклигини, у ерда унинг турар жойи масаласи ҳал қилинишини айтади. Фойибдан келган бу муждадан әсанкираган Абдуллажон зерта тонгданоқ қанот боғлаб Тошкентта йүл олади. Бу ерга етиб келса, чиндан ҳам уюшмадагилар уни икки-уч кундан бери қидирмаган жойлари қолмаган экан. Бугун охирги кун экан, бугун ордерни олмаса, куяр экан. Бу уи Чилонзордаги – аввалдан уюшмага қарашли 1-мавзедаги каттакон уйда жойлашған икки хонали квартира эди. Унинг иккала хонасида бир вақтлар уюшмада ишлаган иккита кампир истиқомат қиласы.

Шу хоналардан бири бушаган экан. Абдулланинг севинчи ичига сиғмасди. Шу куннинг үзидағы уйға жойлашды. Мен ҳам жуда хурсанд булдым. Айниқса, унинг уйининг бизниги яқынлигини айтмайсизми? Биз құшни әдик, үйимизни нари борса, ярим чақирим масофа ажратыб турарди. Тез-тез учрашиб, бирга хиёбонларда сайр қилиб, сұхбатлашиб турардик. Ҳатто баъзан боқчага бирга бориб, ундан кичик ўғлимни олиб ҳам келардик. Бир-икки йилдан кейин иккінчи хона ҳам бушади ва Абдуллажон югуриб-елиб юриб, бу хонани ҳам олишга муваффақ булди. Шундан кейин кичикроқ түй қилиб уйланди. Қаршидан Ҳанифахонни олиб келди. Шу тарзда ҳар қандай шоир учун ҳам китоб чиқаришдан күра кам аҳамиятга эга бүлмаган үй-жой масаласи ҳал бұлды.

Шоирлик истеъдодининг бир жиҳати

Шоирлик истеъдоди қуп қирраларга эга. Мен бу ерда истеъдоднинг анатомиясини текширишни мақсад қилиб олғаним йўқ. Абдуллажон истеъдодининг таркибий жиҳатларидан бири – унинг хотираси билан боғлиқ эди.

Бошқача айтганда, унинг қувваи ҳофизаси ҳам худди истеъоди каби фавқулодда хусусиятга эга эди. Шахматчилар ўртасида бир ҳазил гап айланиб юради. Бирор шахматчидан: “Сиз неча юришни олдиндан кўраоласиз?”— деб сурашади, шахматчи эса ҳазилга ҳазил билан: “ҳозирги ўйнаётган ўйинимнинг охиригача қўриб, кейинги ўйнаидиган ўйиннинг ҳам ярмигача кўраман”, деб жавоб беради. Шунга ўхшаб Абдуллажондан: “Ёзган шеърларингиздан қанчасини ёд биласиз?” — деб сўралса, у мутлақо жиддий оҳангда: “Ёзганларимнинг ҳаммасидан ташқари, энди ёзадиган шеърларимнинг ҳам ярмини биламан”, — деб жавоб беради. Бу ҳақиқатан ҳам шундай. Мен шу пайтга қадар унинг юзлаб кечаларида иштирок этганман ва бирор марта ҳам бирор шеърини қофозга қараб ўқиб берганини кўрган эмасман. Абдулла минбардан ёд ўқишини жорий қилди, десак муболаға бўлмайди. Бугун минбарга чиқиб, ёнини титкилаб, “шпаргалка”сини олиб, ушанга қараб шеър ўқиб берадиганлар анча эриш кўринадиган бўлиб қолган. Бироқ Абдулла фақат ўзининггина эмас, барча атоқли узбек шоирларининг, кўпгина класикларимизнинг шеърларини ёд билади. Билмадим — унинг ёд билганлари неча минг мисрани ташкил қиласкан. Албатта, моҳирлик билан ёддан ўқилган шеър китобхонга, муҳлисга чуқурроқ етиб боради. Умуман, Абдуллажоннинг бу қобилияти унинг шуҳратининг кенг тарқалишига ҳам сабаб бўлди.

1968 йилда Тошкентда Осиё ва Африка ёзувчилари конференциясининг ун йиллиги нишонланди. Ҳар хил мамлакатлардан кўпгина адабий делегациялар меҳмон бўлиб келди. Мени Озарбайжон делегациясига бириктириб қўйишиди. Улар Мирза Иброҳимов, Бахтиёр Ваҳобзода, Балаш Озор ўғли, Марварид Дилбозилардан иборат эди. Мен уч-тўрт кун эргадан кечгача улар билан бирга бўлиб, ҳар томонлама қунгилларини олишга ҳаракат қилдим. Ниҳоят, симпозиумнинг охирги куни меҳмонларни уйга чақирадиган бўлдим. Дастурхоннинг кам-кустига қарашмоқ учун узим уйда булишим керак эди. Абдуллажондан уларга ҳамроҳлик қилишни илтимос қилдим. Абдуллажон рози бўлиб, меҳмонлар билан театр залида қолди. Кейин орадан уч соатлар вақт ўтгач, у меҳмонларни бошлаб уйга кириб келди. Буни қарангки, шу қисқа мулоқот давоми-

даёқ у меҳмонлар билан эски қадрдонлардек апоқ-чапоқ булиб олипти, уларнинг ҳаммасини ўзига маҳлиё қилиб қўйипти. Улар ҳар хил мавзуларда гаплашиб ўтиришипти. Гап айланиб шеъриятга кўчипти. Шеърият деганда, албатта, ҳар бир озарбайжон, биринчи навбатда Фузулийни тушунади. Улар Фузулийдан ўқиб, ўзларининг зукколикларини кўрсатиб, ёш шоирга бир сабоқ бериб қўимоқчи булишипти. Абдулла эса улар билан бараварига озор тилида Фузулий фазалларидан ёд ўқий бошлапти. Кўп ва хўп ўқипти. Озарбайжон шоирлари унга тан беришипти. Уйимизга келган Мирза оға ҳам, Баҳтиёр Ваҳобзода ҳам оғизларидан бол томиб, Абдуллани менга таърифлашди, Абдулла улар учун бу галги сафарларидаги энг катта кашфиёт бўлганини айтишди.

Шу таҳлитда Абдуллажон кўпгина атоқли шоирларни ўзига ром қилиб олабиларди. Яна бир воқеа эсимга тушади. Қайси бир иили Москвада Ёзувчилар уюшмасидаги ўзбек адабиёти бўйича комиссияда ёш ёзувчиларнинг ижоди муҳокама қилинадиган бўлди. Муҳокамага Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаев, Умарали Норматов ва яна бир-икки ёш ижодкорлар таклиф қилинган эди. Мен уларнинг раҳбари сифатида бордим. Сафаримиз ҳангомаларга тұла бўлди. Бизга “Балчуг” (ўзбекчасига “Балчик”) меҳмонхонасидан жой тайёрлаб қўйишган экан. Биринчи куниёқ меҳмонхонада бир ажойиб ҳангома рўй берди. Умарали устки кийимларини ечиб, жавонга илиб қўйипти. Ҳамхонаси аллақаерга чиқиб кетиб, анчагача келавермапти. Умарали кўчага чиқиб келмоқчи бўлипти. Бироқ пальтосини олай деса, жавоннинг қалити йўқ эмиш. Роза қидириб тополмапти. Ҳамхонаси келиб қолиб, у ҳам қидиришипти. Калит ерда ҳам, осмонда ҳам йўқ. Шу пайт хонадаги бесаранжомликни пайқаган навбатчи аёл хабар олгани кириб қолипти. “В чем дело? Что ищете?” — деб сўрапти у. Умарали авваллари ҳам рус тилининг Бешариқ лаҳжасини биларди, холос. Ҳозир эса аксига олиб, қидираётган нарсасининг номи сира тилига келмас эмиш. “Ну говорите же”, деб қолипти навбатчи аёл. “Килет! Килет потерял. Ищу килет”, депти. Аёл тушунмапти. Имо-ишора билан англатишга уринипти Умарали. “А-а, ключ. Так и сказали бы” депти-да, чўнтағидан бир шода қалит олиб, ичидан кераклигини топиб берипти.

— Оддий нарса экан-ку. Нега шуни аита қолмадингиз? — деб сурапти Абдуллажон.

— Ким билади дейсиз. “Килет” десам ўрисчароқ буладими, деб ўйловдим-да.

Ўша куни куннинг иккинчи ярмида дастурга мувофиқ Москва ташқарисидаги бир музейга зиёратга бордик. Қалин ўрмон ичида жойлашган музейни томоша қилиб булгандан сўнг, ярим соатча оёқнинг чигилини ёзиб, ўрмон ҳавосидан нафас олиш учун ҳаммага рухсат берилди. Ярим соатдан кейин ҳамма йигилди, бироқ Абдуллажон, Умарали ва Ўткирдан дарак йўқ эди. Яна ярим соат ўтди. Улар ҳамон йўқ эди. Хавотир ола бошладик. Гарчи улар уч киши булишса-да, ҳар қалай бегона жой. Бир соат ўтди, хавотиримиз энг сўнгги нуқтага етди. Милицияга хабар қилишимизни ҳам, қилмаслигимизни ҳам билмаймиз. Бунинг устига қоронғи тушиб боряпти. Московгача ҳам анча йўл босишимиз керак. Кимдир: “Яна бир оз кутайлик, келиб қолишар”, — деди. Яна кутдик. Ниҳоят, бир маҳал фира-ширада ўрмон ичида олдинма-кетин келаётган уч ўртоқнинг қораси қуринди.

Билсак, улар маҳаллий йигитларга дуч келишипти. Бу ерга хориждан кўп одам келиб тураг экан. Маҳаллий йигитлар улар билан муомала қилиб, баъзида ҳар хил хориж матоҳларини арzon-гаров сотиб олишар экан. Улар Умаралидан: “Кимсизлар?” — деб сурапти. Табиийки, Умарали ёлчитиб жавоб беролмапти. Шундан кейин Ўткир гапга аралашиб, Умаралини Комбоджа ёзувчиси, ўзини Таиланд адаби, Абдуллани эса Вьетнам шоири деб танишитирипти. Ўша кезларда Вьетнам Америка империализми томонидан ноҳақ эзилган, деб ҳисобланарди. Биз Вьетнам билан дўст эдик, унга ҳар томонлама ёрдам берардик. Маҳаллий йигитлар ҳам Вьетнамга хайриҳоҳ экан. Жуда хурсанд булиб кетишипти. Абдуллани, у билан қўшиб Умарали ва Ўткирни ҳам кўярда-қўймай қишлоқларига олиб бориб, уйларида роса сийлашипти, русчасига меҳмон қилишипти, яъни шурбалиқ, картошка, пиёз, қора нон билан бирга ароқ қуишипти. “Ичмаймиз” дейишганига қулоқ ҳам солишмапти. Ҳатто ҳамиша сўфи булиб юрадиган Умаралининг ҳам оғзидан қўйгандай қилиб ичиришипти.

Биз бу ерда хавотир олиб, оёғи қуйган товуқдек у еқдан-бу ёққа изғиб, уларни қидириб юрганимизда, улар

совет-вьетнам, камбоджа ва таиланд дүстлигини мустаҳкамлашга ана шундай ҳисса қўшиш билан банд экан.

Ниҳоят, эртасига Ёзувчилик уюшмасида мажлисимиш бошланди. Пиримқул Қодиров уша кезларда Москва-да ўзбек адабиёти бўйича маслаҳатчи булиб ишларди. Бу йиғинни уюштиришда ҳам асосий жонбозликин у кўрсатган. Хуллас, адилларимиз ҳам, шоирларимиз ҳам яхши баҳоларга сазовор бўлишди. Мен бу масалаларга кенг тухтамоқчи эмасман, фақат бир нарсага эътиборингизни жалб қилмоқчиманки, Абдуллажон билан атоқли шоир Қайсин Қулиев ўргасидаги ижодий ҳамкорлик, устоз ва шогирдлик муносабатлари айни уша қунлардан бошланган эди. Булбул тилини булбул билади деганларидек, шоир тилини ҳам шоир билар экан. Бунинг устига Қайсин Қулиев уша даврадаги москваликлар ичидаги ўзбек тилини мукаммал биладиган, унда бемалол гапириб, ўқий оладиган ягона одам эди. У Абдулланинг шеърларини ўзбек тилида ўқиб, уларга жуда юксак баҳо берди, Абдулла тўғрисида кейинчалик бир неча марта мақолалар ҳам ёзди ва ҳатто адашмасам, Москвада чиқсан бир тўпламига сўзбoshi ҳам ёзиб берди. Бу ёш ўзбек шоири учун жуда катта шараф эди. Чунки Қайсин Қулиев нафақат донғи жаҳонга тараған атоқли шоир эди, у айни чоқда жуда ҳалол, жуда мард, ўз ҳалқига ўта содик, ундан айри яшащдан қўра, ҳар қандай сургун машаққатларини чекишга тайёр одам эди. Бир турк шоирининг ватан тўғрисида бир байт шеъри бор эди: “Кимлардир ватан тўғрисида гап сотади, кимлардир ватан учун бошини тикади!” Қайсин Қулиев шу кейинги тоифага мансуб эди. Гапларим қуруқ бўлмасин учун Қайсин Қулиев ҳаётидан бир лавҳани келтираман. Қайсин Қулиев уруш бошлангандан сўнг ихтиёрий равища фронтга кетади ва жангларда қаттиқ ярадор булиб, госпиталга тушади. Бу ерда ётганида, бир қанча Шимолий Кавказ ҳалқларини, шу жумладан, Қайсиннинг она ҳалқи болқарларни ҳам гүё фашистлар билан ҳамкорлик қилганлари учун ўрта Осиёга ялпи бадарға қилишади.

Бир куни Қайсин Қулиев палатада танасидаги жароҳатлардан қўра, ҳалқининг бошига ёғилган кулфатлардан азоб чекиб ётар экан, унинг палатасига ўзи хизмат қилган ҳарбий қисмнинг генерали кириб келади. У Қайсин Қулиев билан ҳол-аҳвол сўрашгач, тантанали оҳангда эълон қиласиди:

— Ватан шарафини мардона ҳимоя қилиб, жасорат билан жанг қилганингиз учун сиз жанговар орден билан мукофотландингиз. Орденни топширишга рухсат этгайсиз.

Лекин генералнинг орден ушлаган қули ҳавода муаллақ қолди. Қайсин Қулиев шикаста овозда жавоб берди:

— Мен бу орденни ололмайман. Мен сиёсий айблар билан қувғин қилинган болқар миллатига мансубман.

Қайсин Қулиев госпиталдан чиққандан сўнг ҳарбий хизматдан бўшатилади. Шунда баъзи бир ижодий ишларини тўғрилаш учун Москвага келади. У пайтларда сиёсий айбдор ҳисобланадиган одамлар Москвадан юз чақирим нарида яшамоқлари, Москвага қадам қўймасликлари керак эди. Қайсинни урушдан олдинги пайтлардан бери яхши танийдиган уюшма раиси Фадеев жуда қаттиқ елиб-югуриб, унга Москвада туришга ижозат олиб беради.

Аммо шоир бунга ҳам кўнмайди.

Шоир халқ билан тирик. Мен халқим билан яшайман.

Шундай деб, у Қирғизистонга жўнайди ва Сталин қатағонларига барҳам берилгунча ўша ерда яшайди.

Ана шундай покиза ва олижаноб инсон Абдуллага ҳомийлик қилди, умрининг охиригача унинг ҳаётини ҳам, ижодини ҳам кузатиб борди.

Тува кенгликларида

Адашмасам, 1976 йилнинг август ойида Красноярскда совет адабиёти кунлари ўтказилди. Унга Ўзбекистондан тўрт киши — мен, Шуҳрат ака, Абдуллажон ва қорақалпоқ шоири Кенесбой Раҳмонов юборилган эди. Ўн кун давомида Сибирдаги йирик қурилишлар билан танишдик, қишлоқ жойларида бўлдик, Сибир ўрмонларининг беқиёс ғузаллиги билан ошно булдик ва ҳар қайсиси чумчуқнинг боласидек келадиган Сибир чивинлари нақадар “жоннинг роҳати” эканини амалда билиб олдик. Бундай сафарлар ҳарчанд мароқли бўлмасин, бирор ҳафта утиши билан уйни қўмсаб қоласан. Биз ҳам сафаримиз охирлаган сари, унинг тугашини кутиб, чамадонларимизни йифиштира бошлаган эдик. Бироқ бундай кунларни

уюштирувчи Тарғибот бюросининг вакили Лариса Жарова шаштимизни қайтарди:

— Бекорга отланаяпсизлар, сизлар ҳали Тувага боришиларинг керак.

— Қанақа Тува? Бу түғрида ҳеч қанақа гап булгани йўқ эди-ку? Шу ўн куннинг үзидаёқ бўларимиз булиб булди. Уйга кетмасак бўлмайди.

— Тувада ўзбек адабиёти кунлари ўтмоғи керак. Туваликлар кутиб ётишипти. Ҳамма тайёргарлик кўриб қўйилган. Афишалар чиқарилган. Бормаса бўлмайди. Биз ўз вақтида Тошкентга хабар қилганмиз.

Тувага боришдан ўзга илож қолмади. Бу ишдан бошида хабар топганимизда-ку, унча-мунча тайёргарлик куриб келган булардик. Бўйнидан боғлагандек йўлга тушдик. Ҳатто бу кўнгилсиз, файриихтиерий сафаримизни узаро ҳазиллашиб: “Сибир сургуни”, деб атай бошладик. Бироқ кейинчалик — шерикларимни билмадиму, мен бу сафарга борганимдан жуда мамнун бўлдим. Бу сафар туфайли Тува деган жуда ажойиб, ўзига хос, кичкина, лекин мўъжизаларга бой бир гўзал диёрни кашф этдим. Ҳозир орадан салкам ўттиз йил ўтиб кетган бўлса-да, Тува сафарининг деярли ҳамма тафсилотлари шундоққина куз ўнгимда турипти.

Тува Осиё қитъасининг қоқ ўртасида — жуғрофий марказида жойлашган бир кичик үлка экан. Ҳатто унинг марказида — Қизил шаҳарида улуғвор Энасой дарёсининг соҳилида сўлим бир хиёбон барпо этилиб, унинг ўртасига обида ўрнатилган, унга: “Бу ер Осиёнинг тубидир”, яъни марказидир, — деб ёзib ҳам қўйилган экан. Туваликлар кўринишларига кўра мўгулларга ухшаб кетсалар-да, асли туркий халқ экан. Уларнинг тили ҳам туркий тиллар гуруҳига мансуб бўлиб, жуда кўп сўзларини луғатсиз ҳам тушиниб олиш мумкин. Масалан, уларнинг етакчи газетаси “Шин” деб аталади. Бу — “Чин”, яъни ҳақиқат дегани. Туваликлар бошни “бос” деб аташади, марказни эса “туб” дейишар эканлар. Аниқ билмайман-у, лекин Тува деган сўзнинг ўзи ҳам шу “туб” сўзидан олинган бўлиб, Осиёнинг маркази, деган маънони билдириши мумкин.

Хуллас, бизнинг карвонимиз Ҳакасиядан йўлга чиқиб, Саян тоғларини ошиб ўтиб, Қизил шаҳарига етиб келдик. Бизни Тува обкомининг биринчи котиби Салчак

Тока кутиб олди. У етмишлардан ошиб қолган, лекин анча бардам, гапга чечан, қувноқ бир одам экан. У ўша жойда бутун мамлакат бўйича биринчи котиб вазифасида энг узоқ ишлаган одам экан. 7 марта Ленин ордени олган экан. Мамлакатда ҳеч ким бунчалик кўп Ленин ордени билан тақдирланмаган экан. Меҳнат қаҳрамони унвонига сазовор бўлган экан. Бунинг устига у адид экан — унинг “Аратнинг сўзи” деган романни булиб, унда Тува халқининг ижтимоий-сиёсий ва маданий тарихи муҳтасар тарзда баён қилиб берилган. Обкомнинг биносида у бизга Туванинг бугунги ҳаётини қизиқ-қизиқ тафсилотлари билан гапириб берди. Биз ҳаммамиз очиқ чеҳра билан, баъзан кула-кула унинг ҳикоясини мароқланиб тингладик. Ҳатто ўша кунларда ҳамманинг оғзига тушган бир масала ни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Гап шундаки, ўшандан бир оз олдин партия Марказкомининг ичкиликка қарши бир қарори чиққан, унда ароқ, самогон, чача ва бошқа ичимлик турларини ичиш тақиқлаб қўйилган эди. Туваликлар ароқни “араҳа” дейишар экан.

— Бу қарорнинг бизга дахли йўқ, — деди Салчак Тока ҳаммамизни ҳайрон қолдириб. — Қарорда тақиқланган ичимликлар қаторида араҳа тилга олинган эмас. Шунинг учун бизда уни бемалол ичавериш мумкин.

Ҳаммамиз яна кулдик. Фақат биргина Абдуллажон кулмади. Кулмадигина эмас, унинг башараси тобора бужмайиб бормоқда эди.

— Нима гап, тинчликми? — деб сурадим мен.

— Тишим... — деб жавоб берди Абдуллажон.

Тиш оғригининг азобини таърифлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ — бутун дунё қўзингга қоронғи булиб кетади. Оғриқ борган сари қучайиб бормоқда эди, аксига олиб, биронтамиизда оғриқ босадиган дори йўқ экан. Мен аҳволни Салчак Токига айтдим. Қизилда ҳам ҳукумат аъзоларига қарайдиган поликлиника бор экан. Бироқ уша куни якшанба эди, ҳамма ташкилотлар ёпиқ эди. Салчак Тока ходимига буйруқ берди. Орадан кўп ўтмай қўнғироқ бўлди — тиш доктори уйида дам олиб ўтирган экан, уни поликлиникага олиб келишибти. Биз — Абдуллажон икковимиз дарҳол етиб бордик. Масофа яқин бўлса-да, Абдуллажон оғриқقا зўрға чидал бораётгани, ҳаддан ташқари қийналиб кетгани сезилиб турарди. Мен уни суюб,

тиш кабинетига олиб кирдим. Доктор унинг кўнглини кўтариадиган гаплар айтиб, бемор ўтирадиган ўриндиқقا утқазди. Аммо Абдуллажон ўриндиқга ўтириши билан “шилқ” этиб боши бир томонга қийшайиб, ҳушидан кетиб қолди. У тиш докторидан жуда қўрқар экан. Абдуллажоннинг аҳволини куриб, мен жуда қўрқиб кетдим. Доктор ҳар ҳолда ўз ишини яхши биладиган одам экан – Абдуллажонга укол қилди, ҳушига келгач, оғзини очдириб, бир нималар қилди. Мен амаллашиб Абдуллажоннинг кўнглини кўтариб турдим. Йўқ, докторнинг дориси кор қилди шекилли, бироз ўтгандан кейин Абдулла анча ўзига келиб қолди. Докторга миннатдорчиликлар билдириб, унинг кабинетини тарк этдик.

Кейин Тувани кашф этиш бошланди. Қизилда ҳар хил учрашувлар ўтказдик, Тува чорвадорларининг меҳмони булдик. Тува ҳам бениҳоя хушманзара жой экан. Энасой шу жойлардан бошланар экан. Менимча, Энасой дунёдаги энг узун дарё бўлмаса ҳамки, энг серсув, жуда энли дарё. Руслар уни “океаннинг укаси” деб бежиз атамаганлар. Унинг ўрта ва қуи қисмларида денгиз кемалари ҳам суза олади. Бу ерда уни Бик Хем деб, яъни Буюк дарё деб атар эканлар. Туваликларнинг баъзи бир одатлари қашқадарёлик чўпонларникига ўхшаб кетади. Масалан, қайси бир совхозда бизни ерга шолчани, кигизни солиб кутишди. Унинг устига кўрпачалар ёзилган. Ўртада дастурхон, унда ҳар хил таомлар. Иссик овқатлардан кабоб тортилди. Тўғрироғи, сих ўрнига новдаларга гўшт тизилиб, пиширилар экан, дастурхон чегига новда ерга суқиб қўйилар экан. Истаган одам новданинг учидан ушлаганча ўзига эгиб, кабобдан олаверар экан. Уларнинг яна бир таоми эсимда қолди. Бизнинг росмана пиёламииздан каттароқ, чинни косалардан кичикроқ пиёлада таом олиб келишди. Пиёланинг устига худди ноғорага қопланган терини эслатадиган хамир парда тортилган. Уни тешсангиз ичидан қиймали шўрва чиқади. У буфда пиширилар экан, мазаси худди ўзимизнинг мантига ўхшайди.

Тува бўйлаб сафаримизда бизга маҳаллий ёзувчилар ҳамроҳ бўлди. Улардан баъзилари ўзбек адабиети ҳақида нималарнидир эшигтан экан. Ҳатто бундан 20-25 йил аввал қайсиидир ўзбек ёзувчиси бу ерга келиб-кетган экан. Лекин уларнинг ўзбек адабиёти ҳақидаги тасаввурлари шу

билимларини тұлдирмоқ ниятида теварагимизда парвона булишди.

Абдуллажон бу орада тишининг оғриғи анча боси-либ, үзига келиб қолди. Энди у ҳам аввалгидай құвноқ, кузатувчан, күрган нарсаларининг күлгили жиҳатларини кула-кула айтиб бера оладиган даражага келди.

Нихоят, Тувадаги үзбек адабиети кунлари ёпилади-ган кун ҳам келди. Тадбирларнинг охирида Тува ҳукумати үзбек әзувчилари шаънига катта зиёфат берди. Буни қарангки, уша куни Тувага итальян журналистлари ташриф буюрган экан. Бизнинг зиёфатимизга улар ҳам таклиф қилингандык экан. Туваликларнинг арахаси росмана ароқ-нинг олдида газли сувдай беозор күрінса-да, лекин ҳар қалай құлфи-дилни очишиң қурби етар экан. Бир зумда томонлар билан апоқ-чапоқ бўлиб кетдик. Мен уларнинг шарафига қадаҳ айтдим, итальян ва үзбек халқларининг қадимиий алоқалари тұгрисида гапирдим. Дантенинг үзбеклар уртасида обруси баландлыгини айтдим-да, Абдуллани уларга таништирдим. “Мана шу йигит, шоир Абдулла Орипов Дантенинг “Илоҳий комедия”сини үзбек тилига афдарган”, дедим. Итальянларнинг күzlари чақнаб кетди, аввалига шундай кичик жуссали ёшгина йигитнинг бу қадар буюк асарни таржима қылғанига ишонишмади, уни саволларга күмиб ташлашди. Мен Абдуллажондан таржимадан парча үқиб беришни илтимос қылдым. Абдулла жиндайгина араханинг таъсирида эди.

— Эсимда йўқ, — деди у узр сураган оҳангда.

— Э-э, қизиқсиз-а, бирорта шеърингиздан үқийвермайсизми?

Абдуллажон шундай қилди. Ҳозир қайси шеърини үқигани эсимда йўқ, лекин ҳар қалай унинг ичиде “үзбек”, “Тошкент”, “метро” каби сұзлар ҳам бор эди. Итальянлар уларнинг фарқига бормади, шекилли, Абдуллани қарсаклар билан муборакбод қилишди. Кейин таржимон орқали ундан нималарни дарслашып, Абдуллажон жавоб берди, итальянлар шоша-пиша ён дафтарларига бир нарсаларни ёзиб олишди. Аммо Салчак Тока күпни күрган одам эмасми — ҳамма нарсани фаҳмлапти. У қитмирлик билан мийиғида кулиб гап қотди:

— Бу Данте деганлари ёмон зўр одам бўлган эканда-а? Ўша пайтдаёқ “узбек”, “Тошкент” деган гапларни билган бўлса...

Биз кулиб юбордик.

Ниҳоят Қизилдан жунайдиган кунимиз ҳам келди. Биз бу ердан Красноярскка, у ердан эса Олмаота орқали Тошкентга жўнашимиз керак. Бироқ бу гал ҳам яна Абдуллажон ғойиб бўлиб қолди. У ярим соатча кечикиб келди. Биз аэропортга жўнаёлмай, унга маҳтал бўлиб қолгандик.

— Янги дустларим хайр-хўшлишиб кетасан, деб сира қўйишмади. Юзларидан ўта олмадим.

Кейин билсак, унинг бу ерда орттирган ўртоқлари ҳукумат аъзоларини олиб юрадиган 2-3 та ҳайдовчи йигитлар экан. Улар роса зерикишиб ётганда Абдулла рўпара келиб, гап-сўзлари, ҳазил-мутобийбалари билан уларни ўзига маҳлиё қилибди-қўйибди. Шофер йигитларнинг зерикишига сабаб шу эканки, Қизилда масофалар қисқа, уйдан идорагача ҳам, идорадан бирор корхонагача ҳам ярим чақирим-бир чақиримдан ортмайди, шунинг учун кўпчилик раҳбарлар пиёда юришни маъқул қўришади. Улар фақат шаҳардан ташқарига чиқиб, олис районларга боргандан машинада юришади. Бошқа вақтларда эса уларнинг шофёрлари пашиб қўриб ўтиришаверади. Шунинг учун Абдуллажоннинг сұхбатлари уларга маъқул тушиб, шоир билан бир зумда апоқ-чапоқ бўлиб кетишган экан. Шу куни бизни куттириб қўйиб бўлса-да, улар кичикроқ дастурхон ёзиб, шоир билан хайр-маъзур қилишган.

Биз шу тарзда Қизилни тарқ этдик ва шу куни оқшомда йулда яна баъзи бир ҳангомаларни бошдан кечириб, Тошкентга етиб келдик.

Бағрикенглик ёхуд Мансурхўжанинг ҳикояси

Мансурхўжа Қуқонда довруқли одам — каттадан-кичик, ҳамма уни жуда яхши танийди. Ўрта буй, урта яшар, истараси иссиқ бу одамнинг чехрасидан табассум аримайди. Дўстликнинг қадрига етади, яқин одамларига жону жаҳонини бafiшлашга тайёр. Нисбатан ёш бўлса-да, Мансурхўжа ҳаётнинг аччиқ-чучугини қўрган, тақдир

замзамаларидан кўп қимматли хulosалар чиқариб олган. У дунё кезган, ҳаж зиёратига бориб келган. Фарзандлар кўрган, яқин одамларидан аирилиқ изтиробларини ҳам бошидан кечирган. Шоиртабиат.Faқат кўчма маънода эмас. Бир нечта шеърий китоблар чиқарган. Эсселар ҳам ёзиб туради. Тарихий тадқиқотларга ҳам майли бор. Яқинда “Ер ости сирлари” деган бир тадқиқотини эълон қилди. Унда Кўқондаги баъзи қабристонлардан мангу масканини топган бир қанча улуғ алломалар ва зоти муборакларнинг хотирасини тиклашга уринган. Унинг бунаقا савоб ишлари кўп. Ўзи жуда серзавқ одам. Завқи қўзиб кетганда, ҳаяжондан энтикиб кетади, гапи оғзига сифмай қолади. Бу одам шеър ёзгани билан касби шоирлик эмас. Шеър унинг учун тириклик манбаи эмас, шунчаки кўнгил иши. Унинг бошқа асосий касби бор. У – ўрмончи, Кўқон ўрмон хўжалигининг бошлиги. Ўз ишини жуда яхши билади, яхши биладигина эмас, жондилидан яхши ҳам кўради. Ишнинг кўзини билади. Шунинг учун жуда оғир иқтисодий қийинчиликлар даврида ҳам унинг хўжалиги муттасил даромад олиб келмоқда. Шунинг учун бу соҳанинг мутасаддилари бошқа ўрмон хўжаликларида ҳам Мансурхўжа тажрибаларини кенг ейиш устида бош қотиришади, у ерда турли семинарлар ўтказишади. Шу тарзда у неча йиллардан бери табиат неъматларини асраш ва кўпайтириш соҳасида самара билан меҳнат қилиб келмоқда.

Шу фазилатлари етмагандай, Оллоҳ унга яна бир сифат ато қилган – у жуда очиқкўнгил, саховатпеша, меҳмондўст одам. Кўқонга келган ошна-оғайниларига бир пиела чой қуиб бермаса, кўнгли жойига тушмайди. Таниқли адаб Дадаҳон Нурий “Олтин девор тирқишидан” деган китобининг кўпгина саҳифаларини Мансурхўжага бағишилаган. Унинг ёзишича, Кўқонга келган бирор қадрдан унинг олдига бормай кетса, Мансурхўжа унинг кетидан ҳатто довонгача қувиб бориб, орқасига қайтариб олиб кетиб, меҳмон қилиб, кейин жўннатар экан. Мен бу гапни ёзувчиларга хос бўлган одатдаги бир муболага, деб ўйлаган эдим, лекин Мансурхўжанинг меҳмондўстлигини ўз кўзим билан кўргандан кейин бунинг чинлигига амин бўлдим. Ўшанда биз ўткир Ҳошимов билан Бешариқда дам олаётган эдик. Бир куни Кўқонга тушдик, у ердаги

танишларимиздан бирининг ҳузурида Мансурхўжа билан танишдик. У бизни қўярда-қўймай, ўз салтанатига олиб кетди.

Қўқоннинг шундоққина биқинидаги Найманча деган жойдан дарё томон кетдик. Бир-икки қишлоқдан ўтдик. Кейин ҳақиқий ажойиботлар бошланди. Биз ҳақиқий Саҳрои Кабирга кириб қолдик. Йўлнинг ҳар икки томони кўз илғаган даражада кум. Баъзан улар текис ёйилиб ётади, баъзан эса кум барханлари бамисоли тоғдек қад кутарган. Мен ҳатто уларни кўрганда устимизга ёпирилиб, босиб қолмаса гўрга эди, деб ваҳимага тушдим. Буни қарангки, ўзим қўқонлик булиб, шунча йилдан бери Марказий Фарғонада бепоён күмлоқлар борлигини била туриб, ўнлаб марта Қўқонга келиб-кетиб юриб, унинг ёнгинасида шунаقا жойлар борлигини билмаган эканман. Күмлоқлардан ўтиб, дарё бўйига бордик, унинг қирғофида ўтириб, роса меҳмон бўлдик. Қайтишда эса яна бир “муъжиза”га рўпара келдик. Йўлнинг бир жойида бир эшак-арава кўндаланг туриб олибди – ўтиб кетишнинг иложи бўлмади. Араванинг эгаси – кексайиброқ қолган, аммо ҳаракатлари бардам ва тетик бир киши отимизни айтиб, эски қадрдонлардек кўришди.

— Мен шу ерларда қовун экаман. Сизларнинг келгандарингизни эшлиб, аравада қовун олиб келдим. Шуни олиб кетмасанлар, қаттиқ хафа буламан.

Биз кўнмадик – қовун кўп эди – уни машинамизниң юкхонасига сифдиришнинг иложи йўқ эди. “Майли, биттасини сўйинг, шунинг ўзи етади”, дедик. Шу ерда кучанинг қоқ ўртасида туриб, машинанинг юкхонаси устида битта қовунни паққос туширдик. Қовун жуда ширин эди. Лекин бу билан иш битмади – деҳқон бобо “қовундан бошқа олмаймиз”, деганимиздан астойдил хафа бўлди. Чор-ночор ўнтача қовунни машина юкхонасига ортишга мажбур бўлдик. Кейин билсак, бу “муъжиза” Мансурхўжанинг иштирокисиз бўлмаган экан.

Шу ажойиб инсон Абдуллахон билан боғлиқ бир қизиқ воқеани айтиб берган эди. Яхшиси – унинг ўзига сўз бера қолайлик.

— Биласизми, — деб гап бошлади Мансурхўжа, — Ўзбекистонда Абдуллахоннинг мендай ашаддий муҳлиси йўқ бўлса керак. Мен унинг биринчи китоби – “Митти юлдуз”ни ўқиб чиқсанман-у, узил-кесил, бир умрга уни

яхши күриб қолганман. Шундан кейин унинг чиққан ҳар бир китобини ийгадиган, шеърларини қайта-қайта ўқийдиган бўлганман. Қизиқ, Абдуллајоннинг шеърларида аллақандай бир сир бор – улар эскирмайди. Бир шеърини ҳозир ўқиб, ҳар жиҳатини чуқур ўйлаб, узлаштириб олсангиз, яна бир ой ёки олти ойдан кейин қайта ўқисангиз, сизга мутлақо оҳори тўкилмагандай кўринаверади. Бу шеърларни ўқисангиз, дилингиз равшан тортади, кўнглингиз кутарилади, баъзан эса беихтиёр кўзингизга ёш келади. Шоир деганинг фикри шунчалик ҳам теран бўладими, туйгулари шу қадар тиниқ, шу қадар таъсирчан бўладими? Баани мумтоз шоирларимизнинг энг сарағазалларига ухшаб кетади. Шоир: “Дунё англаб бўлмас сир экан”, — деганидек, унинг қаҳрамони бўлмиш инсоннинг ўзи ҳам минг йил ёзган билан адо қилиб бўлмайдиган бир тилсим экан-да... Хуллас, Абдуллајоннинг шеърлари энг яқин сирдошим, энг ардоқли дардкашим булиб қолган. Ҳамиша юрагим сиқилган чоқларда, дунё кўзимга тор кўриниб кетган пайтларда бу шеърлар менга малҳамдек қувват беради. Шундоқ бўлгандан кейин уларни севмай, изламай бўладими?

Албатта, менга шу қадар манзур бўлган шеърлар ёзадиган муаллиф билан куришиш, унга ҳурматимни изҳор қилиш, унинг суҳбатини олиш менинг энг эзгу орзуим булиб қолганди. Лекин анча вақтгача бу менга насиб бўлмай келди. Бунинг устига бизнинг ўрмон хўжалигимизда ишлайдиганлар ҳам тез-тез Абдулла Орипов билан учрашув иштиёқини билдира бошладилар. Ҳатто: “Нима учун Абдуллајон бизнинг хўжалигимизга келмайди? Нима, биз уни ёлчтиб кутиб ололмаймизми?” — деганга ухшаш ўксик аралаш таъналар ҳам айтадиган булиб қолишиди. Хуллас, кунлардан бирида Абдулла Орипов қандайдир иш билан 2-3 кунга Қўқонга келар эмиш, деган хабар тарқалди. Мен буни эшлишим биланоқ оёғимни қўлимга олиб Қўқонга югурдим ва шоирнинг Қўқон сафарига дахлдор ўртоқларга учрашдим. Улар илтимосимни охиригача ҳам эшитиб ўтирасдан: “Нима деяпсиз, шоир атиги 2 кунга келяпти, Қўқонда нима кўп – хўжалик кўп, жамоа кўп, қайси бирига боради. Сафар дастурида сизникига бориш кўзда тутилмаган”, деб рад жавоби бердилар. Лекин мен буш келмадим: ялиниб-ёлвориб, гоҳ дўқ-пўписа қилиб, “Шоирнинг хўжалигимизга боришини дастурга

киритасизлар”, деб оёқ тираб туриб олдим. “Лоақал Тошкентга қайтиши олдиdan 3-4 соатга кириб ўтса ҳам майли”, дедим. Ниҳоят, мутасаддилар кўнишди, Абдуллажонни бирров хўжалигимизга олиб боришга вайда бериши. Дарҳол изимга қайтдим. Энди шоирни яхшилаб кутиб олиш тадоригини кўрмоқ керак эди. Қаерга жой қилиши, жойларни ким супуриб-саришта қилишини, кимлар табрик сўзлари айтишини — ҳамма-ҳаммасини белгилаб чиқдик. Дастурхонни тузаш масаласи ҳам кўрилди. Кимдир шоирнинг пойига қўй сўямиз, деб таклиф қилди. Кимдир бунга эътиroz билдири: “Бу билан шоирни ҳайрон қолдириб бўлмайди, унинг ўзи чорвадорлар ўлкасидан”. Дарҳақиқат, бу гапда жон бор эди. Яна қўплашиб, анча ўйладик — каклик шўрва қилсакмикан, тустовуқ қовурсакмикан? Лекин негадир булар ҳам кўпчиликка унча маъқул келмади. Шу пайт миямга бир фикр келиб қолди — балиқ пиширамиз. Ахир, бизда шундоқ йигитлар борки, уларни балиқ пишириш бобида жаҳон чемпиони деса бўлади. Улар қовурган ёки димлаб пиширган балиқ — балиқ эмас, асал бўлиб кетади. Бир марта уни татисангиз, таъми умрбод оғизда қолади. Баъзилар ҳазил қилганидек, дарёдаги кўп балиқ: “Кошки эди, мени Мансурхўжа акамнинг пазанда йигитлари пиширса”, деб орзу қилишар эмиш. Хуллас, маслаҳатимиз балиққа тўхтади. Ҳаммаси шойиста, жойида бўладиган бўлди. Бироқ бу ишимизнинг ҳам бир ишқали бор эди.

Гап шундаки, бу ишлар балиқларнинг дарёдан қочадиган фаслига тўғри келиб қолганди. Ҳар йили маълум фурсатда улар дарёнинг юқори қисмига юриш қилади, ҳамиша балиқ сероб бўладиган жойларда пичоққа илинадиган биронта ҳам балиқ учрамайди. Бу гал ҳам шундай бўлди — тўрт-беш киши ярим кун тинмай уриниб, биронта ҳам балиқ илинтиrolмади. Чор-ночор бир гуруҳ балиқчиларни моторли қайикда дарёнинг юқори оқимига жўнатдик. Бироқ улар ҳам икки қўлларини бурунларига тикиб, қуруқ қайтиши. Мен уларни ношудликда айблаб, қаттиқ койидим, чунки меҳмоннинг келадиган вақти яқинлашиб қолган, балиқдан эса ҳамон дарак йўқ. Асабийлашишнинг фойдаси йўқ. Яна икки гуруҳни водийдаги балифи бор жойларга шошилинч “сафар”га жўнатдик. Ҳар қалай, шунча уринишлар бекор кетмади — гуруҳлардан бири ўлжа билан қайтди. Улар қайси бир сув

омбориданми ёхуд күлданми каттагина балиқни ушлашга муваффақ булишипти ва уни сувли “цистерна”га солиб, тирик етказиб келишипти.

Орадан бир соат ўтар-ўтмас меҳмонлар ҳам етиб келишди. Абдуллажон билан эски қадрдонлардек құчоқлашиб, қуюқ күришдик. “Қадамингизга ҳасанот! Бизнинг хўжалигимизга хуш келибсиз!” — деган хитоблар янгради. Абдуллажоннинг Қўқон сафаридан толиққани сезилиб турган бўлса-да, кайфи чоқ, чехраси очиқ эди.

Кейин мен балиқни келтиришни буюрдим.

— Абдулла ака! Арзимас совғамизни қабул қиласангиз. Ўзингиз фотиҳа беринг... — деган гаплар билан балиқни унга тутқаздим.

Абдуллажон балиқни қулига олиб, у ёқ-бу ёғига қаради. Балиқ ҳам кўрса кўргудек эди — танаси каттагина, ўзи ҳам миқтидек, тангалари ялтираб турарди. Аввалига думини бир-икки қимирлатди, гавдасини бир силкитгандай булди. Кейин тақдирга тан бергандай жимиб қолди. Фақат кўзлари фоят мунгли эди — гё уни иссиқ жойидан қузратиб, бу ерларга олиб келганлари учун ранжигандай мунғайиб қараб турарди. Абдуллажон яна бир-икки лаҳза балиққа назар солиб турди-да, кейин бир сўлиш олиб, деди:

— Сен ҳам тутқин экансан-да, эй балиқ! Майли, бор, менинг сояи давлатимда яйраб юравер.

Шундай деди-ю, балиқни дарёга ирғитди. Шалоп этиб сувга тушган балиқ хайр-маъзурни насия қилиб, сув тубига шўнғиди.

Мен эса... мен эса ловуллаб кетдим. Бутун аъзойи баданим қақшаб кетди, тилим калимага келмай қолди. Билмадим, ўша аҳволда Абдуллажон ҳам қўзимга жуда ёмон кўриниб кетди-ёв... Ахир, бу балиқни топиб келгунимизча, она сутимиз оғзимизга келган эди-ку? Шунча одамнинг икки кунлик машақатли меҳнати осмонга учди. Лекин шайтонга ҳай бердим, ўзимни босдим, ҳар нима деганимизда ҳам “меҳмон” деган номи бор. Кейин яна ўйладим: биз балиқни шоирга туҳфа қилдик, балиқ уники. Демак, биз ўз ҳурматимизни ифодаладик, энди бу ёғига нима қилса, ихтиёр ўзида.

Шундай ўйлар билан ўзимга таскин бериб, меҳмонни кутишда давом этдим. Абдуллажон бизнинг хўжаликдан мамнун жўнаб кетди.

Орадан бир неча муддат вақт үтди. Эҳтирослар бо-
силиб, бўлган воқеани бамайлихотир идрок этиш имкони
туғилди. Шунда қарасам, Абдулла Ориповдан ўшандада бе-
ҳуда ранжиган эканман. Унинг бу ишида бир неча қун
захмат чекиб, балиқ топиб келган одамларга нисбатан бе-
писандлик ёки ҳурматсизлик йўқ экан. Бу қилиқ Абдулла-
жоннинг табиатидан туғилган, унинг ҳаётга муҳаббатидан,
Оллоҳ яратган ҳар бир тирик мавжудотга теран эҳтиро-
мидан далолат берар экан. Унинг бу ишида алланечук
ажиб бир бағрикенглик, шоирона баландлик ва эркалик
бор эди. Ҳар қалай, шу воқеадан кейин унинг ўзига ҳам,
шеъриятига ҳам меҳрим яна ўн чандон ортди.

Мансурхужа ҳикояси мени ҳам тўлқинлантириб
юборди – бу ҳикоя туфайли кўз ўнгимда шоир тийнати-
нинг яна бир қирраси жилоланди – унинг қалби меҳрга
тўла эканини кўрдим.


Зотан, қалбida ҳаётга, табиатга, жамики мавжудотга
меҳр бўлмаса, одам шеър ёза оладими?

* * *

Абдулла Орипов ҳақидаги ҳикоямизга шу уринда
нуқта қўйсак ҳам бўларди. Куриб турибсизки, менинг ёз-
ганларим шоир ижодини ипидан игнасигача таҳлил қилиб
берадиган тадқиқот эмас ёхуд ҳаёт йўлини батафсил ёри-
тадиган танқидий очерк ҳам эмас. Мен бор-йўғи икки-уч
эпизод ёрдамида Абдуллажоннинг нафақат фавқулодда
шеърий истеъодини таъкидламоқчи бўлдим, балки айни
чоқда, унинг инсоний хислатларини ҳам кўрсатишни мақ-
сад қилиб олдим. Ҳа, Абдуллажон ҳаммамизга уҳшаган
инсон ва инсонга хос бўлган хоҳ ижобий, хоҳ салбий
сифатлар унга ёт эмас. Буни таъкидлашимнинг боиси
шундаки, биз ижод одамларига муайян нигоҳ билан қа-
рашни билмаймиз, уларни илоҳийлаштириб, сифинишдан
бошқага ярамайдиган санамга айлантириб юборамиз.
Ҳолбуки, биз шоирни инсон сифатида қабул қилиб, у
яратган бебаҳо дурданалардан руҳиятимизни бойитища
кенг фойдаланмоғимиз жоиз. Абдуллажон яратган шеъри-
ят эса чиндан ҳам XX аср ўзбек адабиётининг энг ёрқин
саҳифаларидан бирини ташкил қиласиди. Бундай шеърият
 билан нафақат унинг муаллифи, балки бутун ўзбек халқи
 ҳар қанча фахр қиласа арзийди.

2003 йил

ШЕЪРЛАР



ИЛК ШЕЪРЛАРДАН

ҚҰШИҚЛАР

Құшиқлар...

Нур булиб оқсангиз дейман,
Жүшқин илҳом булиб сингсангиз
қалбга.

Құшиқлар...

Тонг булиб боқсангиз дейман,
Умр чаманининг латиф ҳуснига.
Юрак таронасин нозли пардаси –
Құшиқлар, нақадар ҳароратта бой,
Ажыб оқангида баҳор нафаси,

Бу – нурли жозиба, бу – гул, бу – чирой.
Дилрабо құшиқлар, мафтунман,

сизга,

Сиз – қалбда шодлигим, ҳамдам,
ҳамнафас,

Нозик ҳис, чүнг қудрат, латофат
сизда,

Дилдан аримассиз ҳар дам, ҳар нафас.
Ёшлик жилвалари – шүхлиги сизда,

Сизда гузалликнинг ноз-карашмаси.

Құшиқлар, оламча мазмун ҳам
сизда, –

Жүшқин ҳиссиёт-у, илҳом чашмаси.

Құшиқлар...

Нур булиб оқсангиз дейман,
Жүшқин илҳом булиб сингсангиз қалбга.

Құшиқлар...

Тонг булиб боқсангиз дейман,
Умр чаманининг латиф ҳуснига.

1959 йил, 30 август

ХАЁЛЛАР

Хаёлларим, о сиз хаёллар
Кечмишларни эсга соласиз,
Гоҳ фикримни осуда дамлар,
Узоқларга олиб қочасиз.
Келажакка ошиқиб, баъзан
Қаршингизга чиқаман пешвоз.
Истиқболдан нур олиб жадал,
Илҳом булиб этасиз парвоз.
Сиз хаёллар, учқур хаёллар,
Беҳудамас, жонлисиз ўқтам!
Яратувчан, ўти қалбларнинг
Алангасин учқуни кўркам.

1959 йил, 30 август

НОЗ

Тонг елида ноз этган гулни,
Узиб дединг: — Серноз экансан.
— Ҳа, сени ҳам гул дейишимнинг
Боиси шул: гулноз экансан.

1959 йил, 30 август

ШАФАҚ

Тонгнинг гўзаллигини курмоқ бўлсангиз,
Билмоқчи бўлсангиз саҳарнинг сирин,
Шомда сайр этингиз, чунки одатда
Шафақ таҳрир этар тонгнинг тасвирин.

1960 йил, 17 январь

МАЖНУНТОЛ

Негадир у эгмиш бошини,
Нега мунча ғамгин мажнунтол?
Ишқ ўтида ёнган Лайлими,
Ёзиқ сочи сув узра хол-хол.

Елларга ҳам келдингми, демас,
Парво қилмас, ғамгин эккан бош.
Айт, зилол сув, нега у ғамгин,
Агар билсанг, жавоб бер қүёш.

Жавоб бермас, фақат гувлар ув,
Күёш тортмиш юзига парда.
Инграгандек тұлғонади сув
Фалаёнми, құшни дарада!..

Ошиқ бұлсанг, сенинг ишқингни
Ким экан у топтаган юрак?
О, табиат! Балки қалбингни
Ұғырлаган ҳув мағрур терак.

Ишқ обрўга ҳайф деб балки у
Қўкка томон бўй чўзмиш мағрур.
Сени Мажнун демишлар, балки
Ғамгинлигинг боиси шулдир?

Бўрон мисол ўқирап гирдоб,
Бу зўр қудрат ишқмикин, некин.
Тошни тошга уриб келару
Мажнунтолни эркалар лекин.

Шивирлайди алланимани,
Қани еллар! Қани, қулоқ сол!
Тўлқин кетар, ҳайқириб яна,
Кўз ёш тўкиб қолар мажнунтол.

Дарё бўлиб юпатармикан
Мажнунтолни ёки муҳаббат.
Уради-ю тошларни тошга,
Фақат унга роз сўйлар, фақат...

Дарё увлар: “Хей, кар юраклар,
Кўзларимга кўринма, йўқол”.
Ҳайқир дарё ва лекин ишқнинг
Содигига ошно бўлиб қол.

1960 йил

КИНДИК ҚОНИ ТЎКИЛГАН ЖОЙ

Ташқарига чиқдим, шамоллай деб бироз
Терлаб кетиб уйнинг тафтидан.
Ёнимдаги скамейкада ўтирап бир чол
Ва бола – невараси экан афтидан.
Ҳасса билан ер чизиб бобо
Алланима дерди неварасига.
Дам қулоқ солар бола, дам тупроқ солар
Кўнғизча тангилган аравасига.
Қизиқсиндим, бордим яқинроқ.
(Деманг, бола аравасига)
Гапларини эшиздим элас
Бобо дерди неварасига:
– Синиқ қулба эди, сен билмайсан
Шу бинонинг ўрни – мен туғилган жой,
Кўзимга кўп иссиқ кўринар,
Киндик қоним томган, ҳойнаҳой.
– Уйимизда сув йўқми? Қандай қон бобо?
Бола таажжубда, чол чўмган уйга.
Бироз ўтиришгач бола қимтинди:
– Кўп ўтирдик, бобо, кетайлик уйга.
О, сен Ватан, киндик қони томган жой
Сени сўрмай, кўрмай булурми?
Кўз кўргани ёшу қарининг—
Она бағрин севмай булурми?

О, сен Ватан, киндик қони томган жой
Тупроғингни үпмай булурми?
Бобо тупроғидан бино бўлган жой—
Невараси учун ҳеч ёт булурми?

1960 йил, 11 февраль

ИККИ ДАРАХТ

Зилол ҳовуз бўйи, тупроқда
Икки дараҳт ўсар ёнма-ён.
Бир уруғдан кўкарган, шаксиз, —
Илдизлари туташ бегумон.

Бири чапга томон анқайган,
Бесўнақай, нимта ва кесик.
Бири эса серсоя, мағур
Салобатли, тўғри, типпа-тик.

Биз туташмиз шу дараҳтлар каби,
Бир онани эмган талашиб...
Ачинаман, тўғрилаш мушкул
Ҳув дараҳтни кесиб, тарашлаб...

1960 йил 19 февраль

* * *

Ширин сўзу камон қош,
шахло кўзингни соғиндим.
Тишу, лабу, қаро қошинг,
хуллас, ўзингни соғиндим.

1960 йил, февраль

* * *

Соат янглиғ лекин тинмасдан,
Кеча-кундуз ураг юрагим.
Баҳтли эдим дўстларим учун
Соатчалик бўлса керагим.

1960 йил, февраль

КҮКЛАМ

Олча боғларидан эсган шүх шамол,
Кўзларимни бирдам ёшлаб кетади.
Сўнгра ижод гули кўрсатиб жамол—
Сирли суҳбатларга бошлаб кетади.
Севган ва севилган диллар кўйининг
Мусиқасин топар бундан ғазалхон.
Кулгудан сачраган баргларда шудринг,
Қизлар қаҳқаҳаси — чашмалар хандон.
Мени излаб яна келдингми, гўзал,
Меҳнат ва ижодни севдинг — севидинг.
Севганим, эй үлкам, баҳорсан азал,
Қалбимга шеърдек туюлдинг...
Кумуш тонг саҳнидан нурлар таратгин,
Сени кутар олдда меҳнат, ижод, иш.
Яна ҳам дилбарроқ куйлар яратгин,
Нозик сезги каби билмасдан тиним.
Майсазор шовуллар, қушлар чийиллар.
Каштакор қуёшнинг кўркам зиёси...
Фасллар китобин асл бобисан
Ўлкамнинг эй кўклам поэзияси!

1960 йил, март

ДЎСТИМГА

Биласанми, дўстим, бу нима!
Бу ғам эмас, алам ҳам эмас.
Фигонингда ижод бор дема
Шеърни севган шеърдан ғам емас.

Бу — ёнмокда тунларим менинг
Бу — тунларга сифмас ҳақиқат.
Бу — дард тортган қуйларим менинг
Юрагимда жой олган қат-қат.

Куйларимни қучар кенг фазо,
Қўйсалар ҳам унга чегара.
Дил сўзимни сен тингла фақат,
Сен, мен, борлиқ! Ўзга на чора?!

Биласанми, мен ҳам қүш каби
Кенг фазони құчгим қелади.
Тоғу тошга солиб гулдурос,
Лочин каби учгим қелади.

Кел, қадаңлар жарангоси соз,

Күшиғим-ла дўстлар қалбига,
Дунёга завқ сололсам, дейман.
Дўстларимнинг шодлик завқида
Бир умрга қололсам, дейман.

1960 йил, март

ГЕЙНЕ

Немис шоириман.
Немис тупроғида қозондим шұҳрат.
Эсланганда соғдил, тұғри инсонлар,
Эслашарлар мени ҳам албат.

Менда неки бұлса, шаксиз, азизим,
Хос эрүр күпчилик немисларга ҳам.
Қаерда эсланса ёмону бадбин,
Эслашарлар унда мени ҳам.

1960 йил, март

* * *

Эшитаман тонглар баъзи-баъзида
Тушларимда Пушкин алвидосини.
Сунгра хаёлпаст! Билсам йигимда
Тинглайман дилимнинг қалб видосини.
Авлодлар келади, авлодлар кетар,
Алмашишар улар хаёлдек тез-тез.
Аммо минг йилларнинг сўзи-зикрида
Қолишин билмаган ўша черкас қиз.

1960 йил, март

ЭРИГАН БУЛУТ

(Ҳазил шеър)

Улкан чуққидаман, ёнимда дилдор,
Қайноқ лабларига босдим лабимни.
Нозик ҳис тўлқини гурлар улуғвор,
Шўх нигоҳ элитар, тирнар қалбимни.
Шу пайт етиб келди, ҳув паға булут,
Бошимизда ҳеч ҳам солмай гулдурос.
Виқорла тўхтади, сокин ва жим-жит,
Сунгра тўлғондида сув қуйди шаррос.

Қизарган лабларинг титради бехос:
— Наҳот бошимизга ёмғир тўкилса?
— Ажабланма, дилдор, бу зўр эҳтирос,
Ажабмас, булут ҳам эриган бўлса.

1960 йил, март



ЎЗБЕКЛАР

Ушбу шеърий манзумани достон қилиш ниятида 1985 йилда ёза бошлаган эдим. Қандайdir йўллар билан мақсадимдан хабар топган юқори идоранинг бир вакили: “Ўзбеклар” деган достон ёзаётган экансиз, дарҳол тұхтатинг”, деди. Ўзим қатъиятсизлик қилдимми, ўша гапдан ҳафсалам пир бўлдими, хуллас, асар бошланганича битмай қолиб кетди.

Яқинда бисотимдаги ёзувларни кўздан кечираётганимда ўша қўләзманинг тайёр саҳифалари чиқиб қолди.

Мен достонни давом эттиришим ҳам мумкин эди. Сюжети ҳамон хаёлимда. Бироқ уни шу ҳолича, қалам урмасдан чоп этишга қарор қилдим. Бунинг сабаби шундаки, асардаги ўша ниятимнинг асл ечимини олти йил ўтгач, тарихнинг ўзи ҳал қилиб берди.

Муаллиф.
2004 йил, 26 ноябрь

Холиқ самовотдан сочарди зиё,
Тунлар юлдузлардан фонус ёқарди.
Ўзин ижодига Ўзи маҳлиё,
Заминга юксакдан хушнуд боқарди.

Кўринар булутга чулғашиб бошин
Чашмаси қайнаган қиррадор тоғлар.
Уммонлар уфқа ёзган қулочин,
Саҳролар беадад, чексиз ўтлоқлар.

Юз рангда товланган камалак узра
Жайрон уюрлари кўринарди гоҳ.
Тенгсиз бу ҳолатга тўймасдан сира
Яратганинг ўзи ташларди нигоҳ.

Нечун қувонмасин Буюк иРОДА —
Бунёд эта олди олий уйғунлик.
Ўзини ҳар қайда этди ифода,
Дарёда шиддату тоғда турғунлик.

У фоят шод эди: ҳаммаёқ сокин,
Осойиш яйрарди бандалар хуррам.
Бўлиқ замин узра кун кўриб, локин
Унумас эдилар самовотни ҳам.

Шундоқ тутув эди Инсон фарзанди,
Иблис қутқусидан ҳозирча йироқ.
Холиқни шу нарса мамнун этганди,
Уни тинчлантирган шу эди кўпроқ.

Ҳарир булатларнинг ортидан бир кун
Холиқ тағин пастга ташлади назар.
Тубанда қўш дарё оқарди дуркун,
Тоғларнинг бошида ялтиради зар.

Куркам водий эди — жаннатдан парча,
Қайси бир хуш соат яралган Ватан.
Чинорлар фалакка бўйин чўзганча
Абадий бир умр сўрарди Ҳақдан.

Тириклик шаънига айтиб қасида
Безавол кечгандек бу ерда замон.
Ва лекин водийнинг қоқ уртасида
Фужон қайнар эди уч туп оломон.

Икки туп келарди иккала ёқдан,
Ногоҳ бир-бирига ташланар эди.
Учинчиси эса боқиб узоқдан
Гижларди, талотўп бошланар эди.

Сал утмай қай бири фоятда юзсиз
Авлод-аждодларни этарди бадном.
Охир чидаёлмай уч тараф тифиз
Муштлашиб кетарди бесуз, бекалом.

Тамом ҳайрат ичра қолди Биру Бор,
Қайта-қайта боқди булатни серпаб.
Бу қандай синоат? Бу қандай асрор?
Унинг паноҳида бу қандайин гап?

Сокин ва осойиш бу гузал маъво
Наҳот торлик қилиб қолмиш дафъатан?
Қутқу бошладими унда Иблис ё?
Қандайин юртдир бу? Қай эл? Қай Ватан?

Қай бир армон боис — нотинч у букун,
Қандайин муҳтоҷлик этмиш уни хор?
Холиқ фоят дилгир, фоятда забун,
Шаҳодат дафтарин очди бояқбор.

Унда битилганди: “Аҳли дунёга
Бердим иқтидору насибаю ком.
Қўш дарё ораси — ушбу маъвога
Ато этдим яхлит Ўзбек деган ном.

Уммон бермадиму, кўнгли тулсин деб
Бердим ушбу элга уммондай юрак.
То абад заминда баҳтли бўлсин деб
Идрок бердим унга ва толмас билак”.

Холиқ дафтарини ёпди қўп дилгир,
Коинот жо бўлган кўксига яра.
Тубанга бўйлади тағин бесабр,
Ҳануз уша ҳолат, уша манзара.

Чуввос солар эди уч тараф, уч ёқ,
Ҳар тўпнинг бошида битта сардори.
Шундоқ ҳукм қилди ахийри Ҳаллоқ;
Бу — аршдан қувилган Иблиснинг кори!

Ғубордай тўзмасин бу ажиб маскан,
Тупроққа қормасин эллар бир-бирин.
Чора ахтарарди энди Яратган
Тинчлантирмоқ учун ўзбеклар ерин.

Охир Холиқ келди шундоқ қарорга:
“Иблис қудратимни, майлига, билсин.
Бир зот жўнатайки мен бул диёрга,
То у Ўзбек элин бус-бутун қилсин”.

1985 йил

МУРАББИЙ

Куллуғ айта билиш мумкинми Сизга,
Тойилган чоғимда тутган, эй Одам!
Балки, Акамдирсиз, балки Сиз Ўзга,
Балки, Сиз хайриҳоҳ бутун бир олам.

Балки, мўъжазгина меним ҳаётим
Тушди бошингизга оқ тола бўлиб.
Рози бўлур эдим бир умр токим
Шу ойдин шуълаға кетсан йўғрилиб.

Мен ҳам англайдурман – Ҳаёт бу нима,
Яхшилик, разолат, ўқинч ҳам савоб.
Ҳайҳот, бу оламда камдир биргина
Яхшилик аталган туйғу бир ноёб.

Сокин кўчаларда кезаман шодон,
Хушбаҳтмен, билмайман кимдан? Ва нега?
Оҳ, нечоғ фараҳли экан бу осмон!
Инсонмен, раҳматим айтурман Сенга...

1990 йил

ОЗОД РЕСПУБЛИКАМ

Айни чоғ, етти йил бундан муқаддам,
Ижобат топғанди асрий ниятим.
Ўзингсан интилиб етишган Каъбам,
Озод Республикам – Жумҳуриятим!

Қадим боболарим ёдимга келгай,
Сен ўзинг гуурум, сен – ҳамиятим.
Сенинг қанотингда авлодлар елгай,
Озод Республикам – Жумҳуриятим!

Уч минг йиллар аввал Зардуштий бўлиб
Дунёга келгандинг сен – жамиятим.
Кутлайман мен сени фахрга тўлиб,
Озод Республикам – Жумҳуриятим!

Етти Ҳаж савобин топгум бегумон,
Сени бир куйласам, эй Ҳурриятим!
Ўзбекистон – юртим, Ватан жонажон,
Озод Республикам – Жумҳуриятим!

1998 йил, август

НАВОИЙ

Абадият билан қай сўз эгизак,
Балки яхши орзу, яхши ниятдир?
Мангулик англана Навоий десак,
Навоийнинг үзи Абадиятдир.

2001 йил, 6 февраль

БАХТ

Менинг мавжудлигим ўзимга керак,
Тахтим – оиласминг балки тахтидир.
Ислом ака, Сиз бор, биз ғолиб бешак,
Сизнинг борлигингиз халқнинг баҳтидир!

2001 йил, 22 марта

ҲАММА ГАП ШУНДА...

Ёшинг олтидами ёки олтмишда,
Майли, қай иш билан машғулсан, бандсан.
Қайси кенглиқдасан, қай муюлишда,
Баривир Ватанга фарзандсан.

Барчага бағрини очар шу Ватан,
Мунаввар қундузу қоронғу тунда.
У сени фарзанд деб олгаймикан тан?!
Ҳамма гап шунда.

2001 йил, 23 марта

ВАТАН УЧУН ЯШАЙЛИК

Ўн гулингдан бир гулинг очилмаган дердилар,
Йулларингга сочқилар сочилмаган дердилар.
Ўн гулинг ҳам чарақлаб очилди-ку, оҳ, юртим,
Йулларингга зар-кумуш сочилди-ку, оҳ, юртим.

Ўзбекистон – ягона Ватан учун яшайлик,
Ватан ичра бу гўзал чаман учун яшайлик.

Айтмасинлар фанимлар, кимларгадир зор бу юрт,
Буюк Соқибқирони, Алишери бор бу юрт.
Аллоҳ ўзи етказган инъомини асрагай,
Тўғросини, тахтини, Исломини асрагай.

Ўзбекистон – ягона Ватан учун яшайлик,
Ватан ичра бу гўзал чаман учун яшайлик.

Кел, азизим, ёнимга, юлдузмисан, оймисан,
Ўзбегимсан ҳамиша, юпунмисан, боймисан.
Ватандошим, шу тенгсиз Ватанини кўйлашайлик,
Замон келди, бизлар ҳам дунёга бўйлашайлик.

Ўзбекистон – ягона Ватан учун яшайлик,
Ватан ичра бу гўзал чаман учун яшайлик.

2001 йил, август

САҲАРЛИК

Рўза кунларида бизнинг уйда ҳам
Ўчмасди тонггача тоат чирофи.
Ибодат қиласиди отам ва онам,
Мен ҳам уйғонардим саҳарлик чофи.

Мұъжаз дастурхонда шукронга таом:
Битта чалпак нону майиз ё ўрик.
Саҳарлик жимгина этарди давом,
Буларнинг барига мен ҳам бир шерик.

Йиллар утиб кетди, энди мен учун
Армон у кунларнинг ҳар бир фурсати.
Ўша азизларим... улар йўқ бугун,
Битган улар учун рӯза муддати.

2001 йил, 20 ноябрь

ОГОҲЛИК

Кимдир бошқаларга тилар омонлик,
Кимдир соғинади фақат ёмонлик.

Бир қарасанг ўхшаш рангу рўйлари,
Бироқ тамом бошқа фикру ўйлари.

Сиртдагисин кўриб турибсан ҳар он,
Ичдаги олангдан огоҳ бўл, инсон!

2001 йил, декабрь

ОТА ВА БОЛА

Ота дер: – Алдама сен мени, болам,
Бари қилмишингни сезиб юраман.
Агар қуйилмасанг мендан кейин ҳам,
Билиб қўй, гўримда тикка тураман.

Бола дер: – Отажон, мени биласиз,
Бирга давру даврон сура беринг-да.
Ўша қора гўрда нима қиласиз,
Мана, уйда тикка тураберинг-да.

2001 йил, декабрь

ҚҮМИҚ БИЛАН СУҲБАТ

Йироқ Европага қилиб саёҳат,
Битта қўмиқ билан бўлдим ҳамсуҳбат.

У деди, мен кичик қўмиқ эрурман,
Балки олам аро мен йўқ эрурман.

Асло қизиқмасман сиёсат билан,
Бу юртда юрибман тижорат билан.

Гузал Европага асло йўқ тараф,
Лекин бир сўз айтгум уларга қараб:

Ямоқни ямоққа улайди улар,
Одамгарчиликни билмайди булар.

2001 йил, декабрь

САЙЁХЛАР

Балки сайёхларга туюлар шундоқ:
Нафас олиш осон бу манзилларда.
Бир зум яйрар инсон бу манзилларда,
Ташвишлардан узоқ, ғамлардан узоқ.

Балки сайёхларга туюлар шундоқ:
Ҳорғиндек бу ернинг одамлари ҳам.
Улар ҳам қайгадир кетсан дер ҳар дам,
Ташвишлардан узоқ, ғамлардан узоқ.

2001 йил, декабрь

СЕВИШГАНЛАР

Хиёбонда кезар икки ёш ҳабаш,
Йигит пачоқ бурун, лаблари дүрдоқ.
Ёнида нозланар матьшуқа — маҳваш,
Оёқлари қийшиқ, тишлари сўйлоқ.
Дунёда хунукни изласанг агар
Булардан ортигин топмагинг гумон.
Йигит севгилисинг қучиб авайлар,
Қиз ҳам ошифига боқар нигорон.
Ушбу манзараға бокдиму, гуё
Бирдан қулаб тушди аршидан азал.
Қани у лайливаш — сарвиноз барно,
Қани у эр йигит — етуқ, мукаммал.
Демишлиар, нисбийидир ҳар қандайин ҳол,
Ҳар ким ўз севгиси учун сурингай.
Анов икковлонга, балки, эҳтимол,
Қолганлар беўхшов бўлиб қўрингай.

2001 йил, декабрь

ЖОНИБЕК

Набирамга

Шу яқин қунларда дунёга келган
Набирам бор менинг, Жонибек деган.

Унга совға излаб, кезиб ҳар ёқни,
Ола кетай дедим битта тойчоқни.

Женева қулининг бўйида яшнаб,
Онаси билан у турарди кишинаб.

—Юр, тойчоқ, мен билан, Тошкентга кетдик,
Ўртоғинг бор сенинг, исми Жонибек.

Тойчоқ иргишиларди, кетдик, дер эди,
Бир чопсак Тошкентга етдик, дер эди.

Онаси-чи, боқар гүё ҳоли танг:
—Меҳмоним, бекорга хомтама бўлманг.

Дунёда энг хушнуд, бой чоғимдир бу,
Бу тойчоқ ўзимнинг тойчоғимдир бу!

Яххиси, мен сизга берай маслаҳат,
Эшигинг, у сизга ёққайдир албат.

Митти Жонибекка биздан эҳтиром,
Тойчоқ деб атангиз уни. Вассалом!

2001 йил, декабрь

СҮЗ

Суз асли пайғамбар,
У боис балки
Одамзот таниган ўз Худойини.
Эриган темирнинг томчиси каби
Ўртаб юборар у теккан жойини.

2001 йил, декабрь

ВАТАНДОШ

Магар бир лагандан ош еган билан,
Ёки битта тилда сўз деган билан,
Улар ҳали буткул елкадош эмас.

Тўғри келса агар дили дилига,
Садоқати бўлса туққан элига,
Улар ватандошдир ҳар зум, ҳар нафас.

2002 йил, 2 январь

ЭЪТИРОФ

Ҳар ким ўз умрини қылса сарҳисоб,
Турфа ҳодисалар тушгай ёдига.
Кимдир ариқ қазган ё чалган рубоб,
Ҳар ким баҳо бергай ўз ҳаётига.
Турфадир дунёниң ҳатто озори,
Шодлиги ҳам ҭурфа қадимдан-қадим,
Мен ҳам шеърлар ёздим күплар қатори
Лекин бошқалардан күпроқ... алдандим.

2002 йил, 2 январь

* * *

P.Бобожонга

Мұхаббат ҳиссини асрамоқ учун
Иморат шарт әмас, макон шарт әмас.
Синамоқ бұлсанг гар мұхаббат күчин
Вақт-соат шарт әмас, замон шарт әмас.

Үтли мұхаббатни қуілабсиз тулиб,
Бир Лайли ёдининг Мажнуни булиб.
Уни ҳеч битта күч ололмас юлиб,
Ҳатто, таърифлашға забон шарт әмас.

2002 йил, 11 январь

ДҮСТЛИК

Биз битта дарахтнинг шохчаларимиз,
Бир боғнинг туташган боғчаларимиз.
Замин коинотда бир тоғ бұлса, биз –
Бир-бирин сұяган тоғчаларимиз.

2002 йил, 13 январь

БУ ЙОРТНИНГ

Тулпорлари, тойлари бор бу юртнинг,
Ботмайдиган ойлари бор бу юртнинг.
Кечани ҳам кундуз каби еритган,
Шұртандайин жойлари бор бу юртнинг.

Динораси, Бахтиёри, Фузори,
Нуриддиндек ҳеч кимга үйқ өзори.
Эргаю кеч қизиб турған бозори,
Ориятли бойлари бор бу юртнинг.

Бу диёрнинг Кеши бор, Насафи бор,
Темурбекнинг ўчмаган нафаси бор.
Тарихига дунёнинг ҳаваси бор,
Ҳеч қуrimас сойлари бор бу юртнинг...

2002 йыл, январь

ЁЗГИН, ДЕДИЛАР

Шоир бир шеърида қүйлади гулни,
Уни үқіғанлар: — Такрор! — дедилар.
Яна бир шеърида ёзды булбулни,
Уни ҳам: Бу — эски ашъор,—дедилар.

Шоир кунларини улади тунга,
Борлықни васф этиб, айлади хониш.
Парво қымадилар барибир унга,
Дедилар: —Бу гаплар барчаси таниш.

Шоир шеър тұқиди севгига доир,
Гүе мұхаббатнинг үтли баҳиси.
Дедилар: —Буни ҳам, эй ошиқ шоир,
Ёрингнинг ўзига үқи яхиси.

Наҳот одамларда сүнганаң ақида,
Наҳот шеър йўлидан озгин, дедилар?
Шоир шеър ёзғанди Она ҳақида,
Ёзабер, дедилар, ёзгин! — дедилар!

2002 йыл, март

ТЕРМИЗИМ

Сен қуёш шаҳрисан, нурли бустоним,
Ватан сарҳадида қадим қўрғоним,
Аждодлар зиёси – илму урфоним,
Сен шонли тарихим, ҳеч ўлмас сўзим,
Она диёrimning фахри – Термизим.

Минг йиллик карвонлар изи сенда бор,
Боболар қаломи мозийдан ёдгор,
Алпомиш қудрати бўлсин мангуб ёр,
Сен шонли тарихим, ҳеч ўлмас сўзим,
Она диёrimning фахри – Термизим.

Бахшилар созида янграп истиқлол,
Полвонлар ҳамиша қурашда ҳалол,
Ҳур Ватан бағрида топдинг сен камол,
Сен шонли тарихим, ҳеч ўлмас сўзим,
Она диёrimning фахри – Термизим.

2002 йил, март

УНИВЕРСИАДА

Муҳташам майдонни тўлғизиб турган
Ватанинг кўз нури, дилбандларири.
Келажак боғидан чечаклар терган
Она Ўзбекистон фарзандларири.

Бу сафлар камолот шиддатига мос,
Гўё яралгандир чақиндан, нурдан.
Мардлик ва жасорат уларга мерос
Маҳмуд Торобийдан, Амир Темурдан.

Авлоди етук юрт голиб ҳамиша,
Авлоди соғлом эл қўрмагай завол.
Юртбоши бор экан зафарга пеша –
Фарзандлар улғаяр, демак, баркамол!

Универсиада, бу – құрик ва синов,
Осоийш құнларга ярашиқ дамлар.
Сизнинг юрақдаги аланга, олов
Минглаб тенгдошларнинг қалб құрін жамлар.

Хар бир қадамнинг шаҳдам ва ўқтам,
Маҳорат күргазиб, шавққа түлгайсиз.
Омад ҳамроҳ эрур барчангизга ҳам,
Сиз Ўзбек диерин фахри бўлгайсиз!

2002 йил, май

САНЬАТИМ

*Бастакор Мутал Бурхонов
хотирасига*

Ўлмагай жисмимдаги жон, санъатим,
Тоабад қалбимда иймон, санъатим.

Икки дунё мулки бирла тенг ўзинг,
Менга ҳам бўлдинг шараф-шон, санъатим.

Гоҳ Навоий, гоҳ Хайём, гоҳ Ҳофиз
Жўр бўлишди сенга гирён, санъатим.

Фунчага хор ҳеч тараҳҳум қилмади,
Хар табассумингда исён, санъатим.

Ўтди умрим, ёр дедим, ёлғиз сени,
Зурриёдим – дилда армон, санъатим.

Сен улуғ юрт мадҳи бўлдинг, минг шукр,
Тўлди шавққа еру осмон, санъатим.

Рози бўлгил, мен Мутал Бурҳон эдим,
Ёдга ол, жон Ўзбекистон, санъатим.

2002 йил, июль

ҮН БИРИНЧИ ДУР

Ҳар йилга мен үзни масъул сезгайман,
Ииллар шодасига бир дур тизгайман.

Фараҳбахш кунлардан то күнглим түлди,
Шодада дурларим ўн битта бўлди.

Ҳар битта дуримнинг номи бор, алҳол,
Ҳар бири бетакрор, юлдузлар мисол.

Озод Ватанимдан нишон ҳар бири,
Жам унда халқимнинг фахри, фурури.

Умр тугар балки, туганмас шода,
У инсон умридан фузун, зиёда.

Бу Ҳурлик маржони қолмагай яrim,
Уни тўлдиради набираларим.

2002 йил, август

ЯХШИ ОДАМ

Бир кун донишмандга бердилар савол:
Айтинг-чи, дунёда яхши одам ким?
Севиб ардоқласа элу юрт хушҳол,
Чиндан яхши одам ўшадир балким?
Донишманд дедики: –Майли, ҳар ким ҳам
Яхши бўлгум дея ҳар зум уринсин.
Майли, яхшиларга ёқсин у одам,
Лекин ёмонларга ёмон кўринсин!

2002 йил, август

ЧАЛА ИМОРАТ

Оғзин очиб ётар чала иморат,
Атрофи ўраю тошдан иборат.

Ҳар ён чакалакзор, бурган ва янтоқ,
Остона ўйилган, узилган равоқ.

Хотирами дейсан у қаттол жангдан,
Ё ёдгор асрлар қолдирган чангдан.

Қора туйнукларда увиллар шамол,
Қамиш том ғижирлар маҳзун, bemажол.

Баҳор, ёз ўтади, ҳануз у чала,
Каламушлар ғуж-ғуж, қушлар ҳам гала.

Ташландиқ бу уйнинг соҳиби кимдир?
Ё фалак! Бу ҳолнинг сабабин билдири!

Бир қуш ярим тунда беради садо,
Саволимга жавоб қилгандай гүё:

— Не керак гапингнинг негаси, негаси,
Ё шоир, ё марҳум бунинг эгаси.

2002 йил, август

ЗИЁРАТ

Бобо набирасин етаклаб бир кун,
Қабристонга борди зиерат учун.

Марҳумларга тилаб ажру ҳаловат,
Бобо тиз чўкканча қилди тиловат.

Набира сўради: — Бобо, булар ким?
Бобо жавоб қилди: — Яхшилар, ўғлим.

Набира дафъатан сўз қотди шу он:
— Емонларнинг қабри қайдা, бобожон?..

2002 йил, август

УСТОЗ

Дедилар, дунёда асли ким азиз,
Айтдилар, устоздир, устоз бегумон.
Тағин айтдиларки, азиз шубҳасиз
Устозин қадрига етолган Инсон.

2002 йил, август

ЖАННАТ ҚУШИ

Ю.Усмоновага

Жаннатга етишган банда яйрабди,
Оҳанг эшитилмиш даставвал унга.
Бугун боғимизда булбул сайрабди,
Тегмангиз лоақал сиз шунга...
Майли, у тўйганча таратсин оҳанг,
Тегмангиз, муҳлислар, тегманг, дарғалар!
Ахир қулоқларни қилганди батанг
Қағиллайверишиб қарғалар...

2002 йил, август

ИЛТИЖО

Фоятда чарчадим,
Толикдим фоят,
Ҳисоб қилавериб ғанимни, ёвни.
Тирноқча яхшилик тиласанг, фақат,
Ука, ёмонлама менга бировни.

Инсон яшар ахир эзгуликка зор,
Санаб етарми у йўлларда говни.
Мен ҳам ором олай ҳеч курса бир бор,
Ука, ёмонлама менга бировни.

2002 йил, август

ОСОН ЭМАС

Яшаш осон эмас яхши одамга,
Алдов нималигин билмайди чунки.
Гўдак кўзи билан боқар оламга,
Мудом бошқаларга бўлади кулги.
Яшаш осон эмас яхши одамга,
Чунки ёмонликдан қиласар у ҳазар.
Яхшининг кераги камдир оламга—
Ёмонларнинг дасти узун бўлса гар...

2002 йил, август

РИВОЯТ

Бир кун халойиқнинг олдида ошкор
Муттаҳам ўгрининг қўлин чопдилар.
Ниҳоят жазосин олди-ку маккор!
Йигилган одамлар таскин топдилар.
Ўфри-чи, атрофга боқиб ҳар нафас,
Сизнинг гўллигингиз билгандим, дерди.
Ўша ўғирликни у қўлим эмас,
Буниси билан мен қилгандим, дерди.

2002 йил, август

ҚУМСАШ

Оҳ, яхши кунларим,
Сизни қумсайман.
Сиз энди боламнинг ўйисиз.
Оҳ, яхши кунларим,
Сизни қумсайман.
Сиз энди набирам туйисиз.
Оҳ, яхши кунларим,
Сизни қумсайман.
Сиз энди эртага саломим.
Оҳ, яхши кунларим,
Сизни қумсайман.
Сиз балки қолажак каломим...

2002 йил, август

ТОШКЕНТИМ

Истиқлол шавқида жўшган Тошкентим,
Юртбошим назари тушган Тошкентим.

Тонгда салом билан балқади қуёш,
Унга пешвоз чиқар аввал кўҳна Шош.

Буюк кошоналар, кенг, равон йўллар,
Чаманзор боғларим, фаввора, кўллар.

Мангу чарақлагай жамолинг сенинг,
Юртим камолидир камолинг сенинг.

Истиқлол шавқида жўшган Тошкентим,
Юртбошим назари тушган Тошкентим.

2002 йил, август

* * *

Тошкентим, Тошкентим, Онажон,
Элларга меҳрибон, жонажон.
Ўзбегим фахрисан, Пойтахтим,
Маърифат, зиёга бой тахтим.

Нақорат:

Қадимий Шош шаҳрим,
Юртимда бош шаҳрим.
Истиқлол йўлида
Довонлар ош, шаҳрим.

Сен улуғ аждодлар макони,
Озод, тинч авлодлар ошёни,
Меҳмондўст халқимнинг шонисан,
Табаррук Тошкентим нонисан.

Нақорат:

Дарёдек жўш урган кўчалар,
Чароғон юлдузли кечалар.
Санъатим, нурафшон пешонам,
Сен ўзинг энг олий кошонам.

2002 йил, август

БУ ЙЎЛЛАР

Боши, охири бор ҳар қандай йўлнинг,
Бу йўлларнинг эса адоги бўлмас.
Эзгу ниятларга ошно ҳар дилнинг
Йўлини Аллоҳим ўзи бергай, бас!

Бу йўллар таратгай Ўзбекнинг шонин,
Неча манзилларда машъял ёққайдир.
Бу йўллар... Айланиб ҳали, дунёнинг
Чаккасига гуллар тақгайдир!

2002 йил, 23 август

БЎЛДИЛО

Дедим: Ёшлигимни қайтиб бер, замон,
Деди: У гулларинг пайҳон бўлдило.
Дедим: Тик қилсанг-чи қаддимни, даврон,
Деди: У тоғларинг сайҳон бўлдило.

Фалакка етмади чеккан унларим,
Тийра кундузларим, қора тунларим,
Бахтиёр, беармон кечган кунларим
Энди тутқич бермас жайрон бўлдило.

Йиллар жароҳатин борми давоси,
Бормикан Луқмони, борми Синоси.
Мұҳаббат мулкининг нозик биноси
Хижрон сели ила вайрон бўлдило.

Бахтга зор бўлсам-да қўйладим бахтни,
Саробга термулиб, бой бердим нақдни.
Гоҳида сомондек совурдим вақтни,
Кўрганлар тамоми ҳайрон бўлдило.

Сув излаб, қумларга дуч келдим баъзан,
Мадад беролмадим дўстга дафъатан.
Ёвларим қуршади мисоли тикан,
Не-не орзуларим армон бўлдило.

Бу фоний дунёда мен ҳам бир сайёх,
Гоҳида шошилдим, шошилтиридим тоҳ,
Асл манзил экан у Олий даргоҳ,
Қолгани шунчаки сайрон бўлдило.

2002 йил, сентябрь

АДОЛАТ КЎЗГУСИ

Ўлтирган жойингда сакрайверма, бас,
Жимгина ором ол топган аршингда.
Қанча буюкликни қилмагил ҳавас
Адолат кўзгуси турар қаршингда.

Гарчи барчамизга тақдир ҳукмрон,
Гарчи тенг қошида чинордир, хасдир,
Пушкин аталмагай ҳар битта қурбон,
Ҳар бир қамалган ҳам Чўлпон эмасдир...

2002 йил, сентябрь

ЮПАНЧ

Бечораман, дея ўқинма, иним,
Сенга ўхшаганлар дунёда бисёр.
Бир парча нон учун, ўтсин деб куним,
Томирдан қонини бергувчилар бор.

Бахтиёр зотлар ҳам мавжуддир, бироқ,
Улар ҳам тириклик оворасидир.
Зимдан назар солсанг, шу ер – думалоқ—
Асли бечоралар сайёрасидир.

2002 йил, сентябрь

МУТОЙИБА

Дунә кенг, шаталоқ отиш мумкиндири,
Ёки харсангтошдай ётиш мумкиндири.
Эсиргап айтгандек, ҳақиқий дүстни
Сотиб олиб бўлмас, сотиш мумкиндири.

2002 йил, сентябрь

ШЕЪР

Тўй қил, ошинингга ҳам шеър ёзилгайдир,
Тўлган ёшинингга ҳам шеър ёзилгайдир.
Сен шеърга беписанд боқма, эй нодон,
Ўлсанг тошинингга ҳам шеър ёзилгайдир.

2002 йил, сентябрь

МУАЛЛИМ

Шоирга дедилар:
— Сиз баҳтли инсон,
Халқингиз ардоқлар, ҳамма танийди.
Шоир жавоб қилди:
— Менда бир армон:
Муаллим десалар мени қанийди!

2002 йил, 30 сентябрь

ЎГИТ

Мана, ўтиб олдинг асал ойидан,
Энди сув ичгайсан турмуш сойидан.
Етти ўлчаб бир кес, етмиш ўлчаб кес,
Лекин кес, Ёшули айтган жойидан.

2002 йил, 1 октябрь

ОМАД

Шогирд хитоб қилди устозга ҳараб:
— Омадим келмайди сира, во ажаб!
Устоз жавоб қилди: — Сиз күп, омад оз,
Ҳаммага етмайди омад. Шу сабаб.

2002 йил, 1 октябрь

САВОБ

Савобдир, жилғага сойсан, деб айтсанг,
Ё хунук аёлга ойсан, деб айтсанг.
Бойни камбағал де, хурсанд бұлади,
Камбағалға эса бойсан, деб айтсанг.

2002 йил, 10 октябрь

ЖАННАТ

Күзларинг тубидан топдим мен макон,
Киприкларинг бұлды панжарасимон.
Бул ажиб жаннатта ноил булғаннинг
Ҳаққига лабларинг үқирди Қуръон.

2002 йил, 12 октябрь

АРМОН

Бир дўстим дер эди: — Гарчи қорним тўқ,
Бир инсон умрини яшадим тўлиқ.
Курдим бойликни ҳам, мартабани ҳам,
Лекин ўз уйимда кун кўрганим йўқ.

2002 йил, 12 октябрь

ИНСОН

Бириң юлдузларни күзлайсан Инсон,
Бириң мангуликка битасан достон.
Бириң тор күчага номим қүйі деб,
Елиб-югурасан, эрта-кеч сарсон.

2002 йыл, 14 октябрь

ХАЛҚ

Дунёда мантиқсиз ҳеч иш бўлмайди,
Томчи йигилмаса жом ҳам тўлмайди.
Биз томчи эрурмиз, халқ эса уммон,
Халқ ўлмас, томчи ҳам демак, ўлмайди!

2002 йыл, 16 октябрь

ҚАДР

Яхшиларни утқаз уйнинг тўрига,
Тан бер, инсонларнинг асл — зўрига.
Ва лекин ҳеч қачон топшира кўрма,
Донони нодонга, қўйни бурига.

2002 йыл, 21 октябрь

ХУСУМАТ

Куролмасанг бирорни сувига банд бергайсан,
Заҳар солиб ошига ёвига қанд бергайсан.
Куролмасанг подшоҳни камситгайсан юртин ҳам,
Чавандозни кўролмай отига панд бергайсан!

2002 йыл, 21 октябрь

ҚИЁФА

Күрингай дунё бор қиёфасида:
Гоҳ сичқон, гоҳи мор қиёфасида.
Лекин таажжубки, Азройил гоҳи,
Күрингай шифокор қиёфасида.

2002 йил, 27 октябрь

ХАТОЛИК

Одам қучди бир кун Шайтон – жононни,
Бу ҳол хурсанд қилди ҳар икковлонни.
Шайтон дер: Одамни йўлдан урдим-ку,
Одам дер: Кўрмовдим фақат шайтонни.

2002 йил, 28 октябрь

ШАЙТОН

Шайтон – шайтон эди, текканди жонга,
Одам Ато тутиб тиқди қозонга.
Сўнг роса қовурди, еб ҳам тутатди,
Шайтон шод, кирганди у энди қонга!

2002 йил, 30 октябрь

ВАҚТ

Сув келаётир, деди битта набирам,
Сув кетаётир, деди бошқаси шу дам.
Мен улар фикрига бир сўз демадим,
Чунки, ҳақ эди-да, иккаласи ҳам.

2002 йил, 31 октябрь

ОҚСАРОЙ

Қанча жағонгирлар изсиз йүқолди,
Мозий барчасини бағрига олди.
Нияти оқ экан Соҳибқироннинг,
Ундан мангу ёдгор – Оқсарой қолди.

2002 йил, 1 ноябрь

ЭПИГРАММА

У ҳамма-ҳамманинг теккан жонига,
Закқум сингиб кетган буткул қонига.
Ундан ҳазар қиласар ҳатто ажал ҳам,
Чақирса кучук ҳам келмас ёнига.

2002 йил, 12 ноября

ЁЛГОН

Аввал ҳилол булиб күринди Ёлғон,
Сұнgra қулоч ёзды улкан ўйсимон.
Роса күчга кириб түлин ой бұлғач,
Дунёни Ёлғон деб айлади эълон.

2002 йил, 14 ноября

СҮҚМОҚ

Сұқмоққа беписанд боқма, эй ўғлон,
Ажина йули деб қилмагил гумон.
Наинки шоқоллар ўтгайдир бундан,
Арслон ҳам ўтгайдир гоҳи-гоҳи он.

2002 йил, 16 ноября

ЛАЙЛАТ УЛ-ҚАДР

Қадр кечасида жами мусулмон,
Аллоҳ муждасига құз тикар гирён.
Хар йили бир бора юз берса ұмкі,
Мен уни қутгайман ұар тун нигорон.

2002 йил, 2 декабрь

ЖУМБОҚ

Қадим донишмандлар демишлиар бундоқ:
— Уч одамнинг бири Хизр эрур, боқ.
Мен-ку ишонаман, Хизрдир бири,
Қолган иккови ким? Буниси жумбоқ!

2002 йил, 2 декабрь

СОВФА

Шамол эсар эди түхтамай қирдан,
Одам ұам учарди илдамроқ нурдан.
Сизга бир совғам бор дегандим, ажаб,
Улар иккиси ұам түхтади бирдан!

2002 йил, декабрь.

АФАНДИ

—Күй етаклаб үтди-ку биروف,
—Менга нима, деди Афанди.
—Сизниңика қараб кетдиёв,
—Сенга нима, деди Афанди.

2002 йил, 16 декабрь

ИЛТИЖО

Дунёдан утаркан улуг бир даҳо,
Худога сүнгги бор қилди илтижо:
—Мендан сүнг номимни бирор зурёдим
Пеш қилиб юрмаса бўлди, Илоҳо!

2002 йил, 20 декабрь

ТИЛАК

Тангрим, ҳар бандангга ўзинг қил шафқат,
Жисмига қувват бер, руҳига рағбат.
Ахир нималарни орзу қилмас у,
Фақат эзгуликка йўл бергин, фақат.

2002 йил, 31 декабрь

ҒАЛАТИ МАНТИҚ

Ажал келса не дийдалар
Ёшланади.
Хонадонда ғам-ташвишлар
Бошланади.
Қабристоннинг ғалласин-ку
Кўятуринг.
Зудлик билан кўчасини
Қайта қуринг.
Анов эски симёғочни
Бўяш керак.
Кесинг дарров, кўринмасин
Манов терак.
Ўйдим-чуқур йўлларни тез
Асфалт қилинг.
Жанозага ахир кимлар
Келар, билинг!..
Бундай чоғда ҳамма тотув,
Эш бўлади.
Бир кечада ҳамма ишлар

Беш бүлади.
Воқеалар бирданига
Эврилсайди.
Шүрлик мархұм бир фурратга
Тирилсайди.
Күрар эди, маҳалласи
Нечоғ түкис.
Кұчаси ҳам бинойидек,
Равон, текис.
Холбуки, у шу йуллардан
Үтганди-ку.
Қиши-қировда автобус ҳам
Кутганди-ку.
Босим ошиб, күзлари ҳам
Тинган эди.
Яхда тойиб, оғи ҳам
Синган эди.
Йұл тузалди, бироқ мархұм
Юрмай кетди.
Тиригіда бу ҳұрматни
Кұрмай кетди.
Гапларымдан бошқа маъно
Ахтарманғиз.
Йүқни бору, борни йүқ ҳам
Деманғ ҳарғиз.
Бундай ҳолга на йиғлаб, на
Кулиш керак.
Наҳот бир иш битиш учун
Үлиш керак.

2002 ыил, декабрь

ДАЬВО

Бир шапалоқ урди гадони гадо,
— Исмим Худо, — деди, — қиласбер дәльво.
Даъвогар қозига дод солиб борди:
— Мени Худо урди, урди-ку худо!

2003 ыил, 6 январь

МЕХР

Майли, гўзалликка битайлик достон,
Майли, муҳаббатга фидо бўлсин жон.
Лекин жиндек меҳр кўргазса ёринг,
Уларнинг баридан афзалдир, ишон!

2003 йил, 6 январь

ДУНЁ

Учрашди жаҳоннинг икки зўр пири,
Уларни қийнарди дунёнинг сири.
Бири йиғлаб дерди: — Уни тушундим,
— Тушунмадим, — дея йиғларди бири.

2003 йил, 10 январь

ПОСБОН

Ўғлим, ҳақ деганни қўллагил фақат,
Парвоз қилар бўлса — осмони бўлгил.
Ёвузликка қарши қудратинг кўрсат,
Мудом эзгуликнинг посбони бўлгил.

2003 йил, 13 январь

ДИАЛЕКТИКА

Ҳар иш бир-бирига боғлиқ туолгай,
Агар ерни уйсанг — тупроқ уюлгай.
Сенинг қовоғингдан қор ёғса агар,
Менинг кўзларимдан ёмғир қуюлгай.

2003 йил, 20 январь

ХИКМАТ

Шундоқ ҳикмат билан гүзалдир ҳаёт:
Ҳар кимга нияти бўлгайдир қанот.
Мехру муҳаббатга лойиқдир асли —
Мехру муҳаббатни қадрлаган зот!

2003 йил, 20 январь

ҚАРЗ

Дилингга жойлаб ол ушбу қаломни:
Вақтида узиб қўй қарзу саломни,
Токи, ажринг сураб боланг бир умр —
Етаклаб юрмасин домла И момни.

2003 йил, 23 январь

КАРОМАТ

Қудуқда сув азиз, тандирдачи — нон,
Тоғларнинг бисоти неча-неча кон.
Бел боғлаб майдонга чиқдингми, энди
Сен ҳам бир каромат қўрсат, эй ўғлон!

2003 йил, 24 январь

БУЮКЛИК

Тавоб қил, майлига, яхшилар изин,
Лекин, ет қадрига буюклик сўзин.
Кимнидир элу юрт бошга кўтаргай,
Буюклар кўтаргай эл-юртнинг ўзин!

2003 йил, 29 январь

НУСХА

Қайси жойда курсатмасин қорасини,
Бузади у одамларнинг орасини.
Қочганданку бир нимани юлиб олар,
Кувгандан ҳам талаб қиласпорасини.

2003 йил, 9 март

ЖУМБОҚ

Тикланиш бир ёнда, нураш бир ёнда,
Жавоб бир ёнда-ю сўраш бир ёнда.
Бу кўхна дунёни тинч қўрмадим ҳеч,
Аҳиллик бир ёнда, кураш бир ёнда.

2003 йил, 15 февраль

ИСМ

Исмда нима айб, бир аравакаш,
Болаларин тўплаб, койирди яккаш:
Одам бўлмадинга, Шоҳжаҳон ўғлим,
Комрон, бекорчисан, Ҳумоюн саркаш.

2003 йил, 15 февраль

ОЛЛОҲНИНГ ИШЛАРИ

Оллоҳим гоҳида болага уҳшаш,
Шўхликни ёқтирап, ўйинқароқдир.
Тоғларга қарасанг – келгудай түқнаш,
Аслида йироқдир, жуда йироқдир.

Гоҳида томоша қиласай деб Халлоқ,
Бировнинг юмушин бошқага бергай.
Чунончи, бир эркак бўяса тирноқ,
Хотини ҳовлида гувала тергай.

Ҳазили оғир ҳам бұлар гоҳи дам,
Шодликка эш қилиб юборар қулфат.
Агар бир шаҳд қылса Яратган Эгам,
Арслонга шоқолни айлагай улфат.

Кимнинг ўз уфқида иқболи күлса,
Масхара бўлмайди ўша ягона.
Менга амалдорлик қанча ёт бўлса,
Сенга шоирлик ҳам шунча бегона.

2003 йил, 16 февраль

ЯХШИЛИК

Бу ёруғ дунёда даврини суреб,
Бирорга яхшилик қилмаганлар бор.
Ва лекин бир умр яхшилик кўриб,
Унинг нималигин билмаганлар бор.

Оғир дард чеккандим мен ҳам бир замон,
Бегона элларда, дўстлардан йироқ.
Мадад берган эди улуғ бир инсон,
Мен унинг сиймосин унугтай қандоқ.

Ярқираб турибди кўксингда юлдуз,
Осмондан тушмаган у ҳам, ҳойнаҳой.
Кимдир сен ҳақингда айтди яхши сўз,
Шундан кўкрагингда юлдуз топди жой.

Дейдилар, дунёнинг доим бири кам,
Яхшилик қилиш ҳам осонмас бироқ.
Менинг назаримда, яхшилиқдан ҳам,
Унинг қадрин билмоқ минг бор яхшироқ.

2003 йил, 16 февраль

БИЗ

Матлаб бир бўлмаса – жам бўлмагаймиз,
Жам бўлсак – бошимиз хам бўлмагаймиз.
Жам қилсак инсофу диенатни ҳам,
Дунёда ҳеч кимдан кам бўлмагаймиз.

2003 йил, 17 февраль

ШИКОЯТ

Битта сўзинг билан дунёлар бунёд,
Битта ишорангдан ҳаммаси барбод.
Эътибор қилмадинг фақат Ўзингга,
Сенга боғлиқ дил ҳам бўлмади обод.

2003 йил, 2 март

ПАСТНАЗАР

Баланд бўлса ҳамки мартабанг магар,
Сен элнинг наздида тубан, пастназар.
Кўрсанг бир тангани, жондан ҳам кечиб,
Пиёда кетгайсан Ҳиротга қадар.

2003 йил, 2 март

АЁЛ

Кимдир бир юмушдан юзини бурди,
Кимдир ваъда берди, кимдир ўй сурди.
Аёлга эҳтиром навбати етгач,
Ҳамма бирданига оёққа турди.

2003 йил, 6 март

ОНА

Бир умр ахтардим самимиятни
Ва уни оналар кўзида кўрдим.
Заминда кимгадир топинмоқчийдим,
Уни ҳам онанинг ўзида кўрдим.

2003 йил, 8 март

ШУКР

Жаннат сени илҳақ кутиб турганмас,
Дўзах ҳам сен билан, албатта, тўлмас.
Битта сени ютиб ер ҳам тўймагай,
Энди шукр қилу яшайвергин, бас.

2003 йил, 11 март

НАВРЎЗ

Яшадим қиши фаслин узун тунида,
Кўрдим ёруғликни тун якунида.
Жоним, Сен ҳам энди тараҳҳум айла,
Сен ҳам табассум қил Наврӯз кунида.

2003 йил, 19 март

ДАРД

Нега ёмонларга дард бермас Худо,
Ҳатто товонига тикон кирмайди?
— Ҳамманинг жонига теккан у бало,
Худо дардини ҳам раво кўрмайди.

2003 йил, 19 март

САБОҚ

Дунёning ишлари ғалатдир, билсанг,
Сени кўзга илмас – сен кўзга илсанг.
Ёмонлик шу заҳот қайтади, аммо
Кутма жавобини, яхшилик қилсанг.

2003 йил, 31 марта

ОМОНАТ

Қалбингда қувончми ё борми алам,
Жимгина юрабер, билдирма ҳеч ҳам.
Ҳатто ҳурсинсанг ҳам тўкилиб кетар,
Омонат дунёга тегмагин, болам.

2003 йил, 1 апреля

ОРИЯТ

Вакиллар йигилди турли томондан,
Турли ирқ, турли дин, турли забондан.
Яхшини ҳар бири менини деди,
Ва лекин ҳаммаси тонди ёмондан.

2003 йил, 17 апреля

ТУШ

Гуноҳкор бир ўғил маҳзун, ҳоли танг,
Үйқудан кўз очиб ингарди аранг:
– Мени ўйлабсиз-да у дунёда ҳам,
Ота, арзимасман, тушимга кирманг.

2003 йил, 21 апреля

ХАЁТ

Ёмон кўрсанг ҳамки ё севсанг жондан,
Барибир, маломат ёфар ҳар ёндан.
Магар шундоқ экан, ширин сўзингни
Аяма ҳеч кимдан, ҳеч бир инсондан.

2003 йил, 5 май

ХОТИРА

Хотира дунёда азиз, мўътабар,
У – она, у – устоз, у – суюк падар.
Ва лекин қиммати қолмасди унинг,
Эслайдиган зурёд бўлмаса агар.

*2003 йил, 9 май
Хотира майдони*

БУТУНЛИК

Ношир Рустам акага

Ўчоқдаги ўтин – ўша ўтиндир,
Ўша-ўша олов, ўша тутундир.
Излама дунёда бағри бутунни,
Туғилмаганларнинг бағри бутундир.

2003 йил, 15 май

МЕҲМОН

Афанди бир куни борди меҳмонга,
Ажойиб уй экан, хуш ёқди жонга.
Сўнгра тўрга ўтиб, ётиб олдию:
— Энди мен кетмайман! — деди мезбонга.

2003 йил, 20 май

ХАССА

Осмон улканлашди, кичрайди жуссам,
Шодлик – бир дақиқа, узундир ғүссам.
Умр сүқмоғида тошларга тегиб,
Кунба-кун қисқариб бормоқда ҳассам.

2003 йыл, 2 июнь

ХАССА

ЯПОН ОҲАНГЛАРИ

ЯПОН

Бошимда дўппию, эгнимда чопон,
Меҳмон булиб келдим, мен сенга япон.

Саке¹ шаробингдан бир қултум ютдим,
Оролдан оролга сакрадим, ўтдим.

Японча салом бу – қаддим – токи ё
Сенга эҳтиромим бўлсин, Токио.

Сайр этдим Киото кўчаларида,
Ўй сурдим ёмғирли кечаларида.

Қадрдон кўриндинг менга чиндан ҳам,
Камтарин тоғамдай ё мушфик холам.

Ихчам қадамларинг, қисиқ кўзларинг.
Бунча дилга яқин ўғил-қизларинг.

Сира парво қилмай ўтар умрга,
Жон бериб турибсан тошга, темирга.

Рулсиз машинада асрса омонда,
(Хайдовчи ўлтирас бошқа томонда.)

Сўрайман уртага қўйиб виждонни:
Сен қандай забт этдинг буткул жаҳонни?

Шеър ёзиб, гап сотиб турибман шу он,
Япон-чи, иш билан машгулдир япон!

2003 йил, июнь

¹ Саке – шаробнинг номи.

БУДДА

Тош ҳайкал. У – Будда, буюк пайғамбар,
Мафтун эта олган ярим дунёни.
Умматин жисмида мисли жон қадар,
Тош каби мустаҳкам Будда иймени.
Бахтлидир ким бўлса унга муносиб,
Япон кулбасида тутмиш у ватан.
Қандоқ келди экан, шунча йўл босиб,
У олис Сурхондан – Қоратепадан...

2003 йил, июнь

РУҲИЯТ

Қайдадир толиқиб, тин олар денгиз,
Ям-яшил қирларга чўка бошлар тун.
Сокин ҳаво узра тараалар унсиз –
Япон оҳанглари маҳзун ва узун.

Ёмғир ёға бошлар – номсиз бир армон,
Руҳимга мўралар ўзга бир дунё.
Улар бари таниш... Балки бир замон
Мен ҳам Япон бўлиб яшадимми ё.

2003 йил, июнь

ИБРАТ

Мендан Япон ким деб сўрама, укам,
Ўзингча бежама ўз палагингни,
Агарчи юмaloқ эрур бу олам,
Дунё деб уйлама ҳандалагингни.
Тақдирдан ўзгаси қўпинча ёлғон,
Хеч ким була олмас бахтнинг ўғриси.
Ўргатгани келмас дунёга инсон,
Ўргангани келар, тўғриси...

2003 йил, июнь

ОСАКОДА ЎЗБЕК ЧОЙХОНАСИ

(Тадбиркор ўзбек йигитига)

Осако шаҳрининг қоқ ўртасида
Ўзбек чойхонаси бунёд бўлмишdir.
Бетакрор маза бор ош, хўрдасида,
Тановул қилганлар кучга тулмишdir.
Тандир гурилласа, ўт ёқсан они,
Ахир қўзғатмайди кимнинг ҳавасин.
Кичкина қуёшдек ўзбекнинг нони
Қиздириб турибди япон ҳавосин.

2003 йил, июнь

КАРВОН

Дунёда тугамас экан армонлар,
Ўтди қанча замон, қанча сарбонлар.
Ўтираберибман буюкман дея,
Манзилга етибди бошқа карвонлар.

*2003 йил, 13 июнь
Токио шаҳри*

ЯПОН

Сенинг амалингга қойилдири жаҳон,
Бургани тақалаб қўйгайсан осон.
Нозик санъатингга тикилавериб,
Кўзларим қисилиб кетди-ку, япон.

2001 йил, 18 июнь

МАРТАБА

Гарчанд комил эмас күхна бу жаңон,
Гарчанд ҳар қадамда яхши ва ёмон.
Масхара қиласан ўз шоириңгни,
Шу сенга мартаба бұлдими, инсон.

2003 иил, 1 июль

ГУМОН

Зинҳор яқынларинг бўлмасин нодон,
Бўлмасин фаҳмсиз, таъмагир шайтон.
Сен бирор мансабда ўтирган бўлсанг,
Улар сени бой деб қилгайлар гумон.

2003 йил, 3 июль



СОФИНЧ

Учқур уchoқлар ҳам дунёни кезиб,
Охир бир манзилга бориб қўнарлар.
Ёниғисин олиб, режасин тузиб,
Сунг бошқа элларга томон жўнарлар.

Масофасин билар ақча ҳам, тил ҳам,
Ўзгалар уларни кўзига илмас.
Фақатгина бир ҳис топмас ҳеч барҳам,
Фақатгина софинч масофа билмас.

2003 ийл, 7 июль

МАКТУБ

Она Ўзбекистон! Фарзандинг бу кун
Сенга йироқлардан мактуб иўллайди.
Жаҳон карвонида мақоминг бутун,
Иншооллоҳ, Яратган ўзи қўллайди!

Мен ҳам номинг айтиб дуода турдим,
Сен омон ўтгайсан жару ўрлардан.
Мен фақат қўрқаман, қўрқаман, юртим,
Ичингдаги турли балоҳўлардан.

2003 ийл, 8 июль

ТОЙЧОҚ

Женевада бордир ажиб бир тойчоқ,
Кўрсам, унут бўлган ҳисларим қайтар
Менинг назаримда кишнаб у ҳар чоқ,
Жажжи набирамга саломлар айтар.

У дейди: — Мен ҳайкал шаклида бегам,
Юз йиллар ўзгармай бир хил тургайман.
Ҳали Жонибекнинг набирасин ҳам
Балки учратгайман, келса — кўргайман.

Сиз-чи, шоир бобо, йил сайин баттар
Маъюс тортмоқдасиз. Нимага? Нечун?
Ҳушиңгиз бўлмаса одамларга гар,
Келинг, бизлар билан сўйлашмоқ учун.

2003 йил, 8 июль

ҚОРА ЮРАК

Сайёд таъқибидан қочди бир оху,
Бир одам бу ҳолнинг гувоҳи эди.
Сайёд ҳар қанчалик солмасин кутку,
У одам: – Охуни кўрмадим! – деди.

Ҳорғин бир йўловчи авжи иссиқ дам
Ўлар ҳолга келди, фоятда ташна.
Дуч келган бир Инсон деди: – Бўл бардам,
Яна ўн қадам юр, булоқ бор, ошна!

Сен-чи, у охуга раҳм этмай, ҳатто
Ўзинг сайд этардинг, кўзин ёшлардинг.
Ташна йўловчилар ичмасин деб то,
Ўша булоқни ҳам кўмиб ташлардинг.

2003 йил, 8 июль

ЁЛФИЗЛИК

Ёлғизмисиз дединг,
Ёлғизман дедим.
Сўнгра қўшиб қўйдинг:
Ёлғизман мен ҳам.
Мен-ку хор, бенаво
Бир инсон эдим,
Мендан ҳам бечора
Экансан, жўрам.
Бас, маълум бўлдики,
Иккита хордан
Жамоа яралмас,

Яралмайди зўр.
Яхшиси, мен сендан
Сурамай ёрдам.
Сен ҳам боравергил,
Ўз кунингни кўр!

2003 йил, 8 июль

ҲАДЯ

Кимдир ҳадя қиласар сенга ароғин,
Кимдир тамакисин, кимдир яроғин.
Мен узбек дўпписин тарқатдим фақат,
Тарқатдим ўзбекнинг тўнин, белбоғин.

*2003 йил, 8 июль
Женева*

МУСОФИР

Мусоғир узи ким? То мавжуд жаҳон
Бу лашкар ҳеч қачон камаймас, тўлмас.
Демишлар уни гоҳ мисли имтиҳон:
“Мусоғир бўлмасдан мусулмон бўлмас”.

Сайри саёҳат-ку мусоғирга баҳт,
Иzzату ҳурмат ҳам келгай қошига.
Ва лекин мусоғир яшамоқ ҳеч вақт
Тушмасин ҳеч битта Инсон бошига.

Кимдир Ватан дея жўшса, ҳойнаҳой,
Бир ҳовуч тупроқни ўпса қалтираб,
У ўзин қўярга топа олмас жой —
Мусоғир осмонга боққай мўлтираб.

Қабристон ёнидан ўтаркан секин,
Қўксидан узилар унсиз фарёди.
Ҳеч қурса бу жойда юпанч бормикин?
Бормикан бирори? Бирор аждоди?

Улар йўқ! Йўқ демак унинг ўзи ҳам,
Ҳеч ким уни кутмас, кузатмас бирор.
Қадди тик бўлса-да мудом боши ҳам,
Унинг на дўсти бор, унга бор на ёв.

У-ку ўтказади умрин амаллаб,
Бундан ҳам аянчли кулфат бор аммо.
Ўз түкқан юртингда кун кўриб, яшаб,
Мусофири бўлишдан асрасин худо!

Лоқайдлик тегрангни олса гар қуршаб,
На муслим аталсанг, на осий кофир.
Боқса дўстларинг ҳам ётларга ўхшаб,
Билгилки, ўша кун сен ҳам мусофири.

Сен ҳам мусофиран, мисли ёлғиз от,
Уюрга кирмасанг – ташландиқ бўлсанг.
Бир қултум сувни ҳам кўп кўрса ҳаёт,
Гўрни ҳам қизғанса, пайт қелиб ўлсанг.

Сендан йироқ бўлса Ватанинг кўзи,
Ажраб кетган бўлса эт билан тирноқ.
Ким деб аташ керак номингни ўзи?
Мусофири десалар тўғридир кўпроқ.

Беҳад улуғ эрур замон матлаби,
Заминда мусофири эмасдир башар.
Ҳар ким ватанига ярашган каби,
Ҳар кимга дунёда Ватан ярашар.

2003 йил, 9 июль

ДИПЛОМАТ

Дипломат ҳаётин булдир мазмуни:
Икки кунки ҳеч ким тополмас уни.
Подшоҳ чақирганди биринчи кунда,
У кир ювмоқдайди иккинчи куни.

2003 йил, 14 июль
Женева

ОРОМ

Фақат ором эди кўнгил матлаби,
Шабада ҳам ўтди юпқа пўстимдан.
Шаҳарнинг шовқини етмаган каби,
Улкан самолётлар учди устимдан.

Сўнгра ер остила қурдим мен ватан,
Келармикин дея оромнинг дами.
Эшитилар эди энди теппамдан
Чумоличаларнинг гурс-гурс қадами.

2003 йил, 14 июль

ЎЗБЕК НОНИ

Қайси бир замонда, қайси бир Султон
Топибди ақчани, топибди шонни.
Ва лекин дуч келиб тақдир беомон,
У орзу қилибди бир бурда нонни.

Бир улуғ аллома фикрин айлаб жам,
Сўзимни мatalга йўйманглар, дебди.
Токчага бўй чўзсанг, Қуръон турса ҳам,
Нонга сира оёқ қўйманглар, дебди.

Нон ва Ўзбекистон уйқашдир азал,
Бу юрга не эллар нон деб келганлар.
Саргашта кушлар ҳам доим, галма-гал
Бу юртдан ризқини териб еганлар.

Юртим, буюклигинг билди кенг жаҳон,
Тўлди омборларинг ўз донинг билан.
Сийлайсан оламни ёзиб дастурхон,
Мехнатдан яралган шу нонинг билан.

Сени ушбу кунда қутлайман, юртим,
Ризқингни бут қилди олтин хирмоним.
Ҳар иссиқ нонингни қуёшдай кўрдим,
Дунёга нон берган Ўзбекистоним!

2003 йил, август

ТҮЛИН ОЙ

Дейдилар, ой айни түлишган маңал,
Құзіб қолар эмиш турфа хил касал.
Бу-ку бор гап, шекилли, юзингга боқсам
Гапимдан адашиб қоламан ҳар гал.

2003 йил, август

ЭЛЛИКҚАЛЪА

Нәйматуллаға

Гулдан гулга құниб саҳар палладан,
Болари бол үйғар қирдан, даладан.
Шоир ҳам болари бұлсайди агар,
Ишин бошлар эди Элликқалъадан.

2003 йил, 14 август

ВИЖДОН

— Бугун синдердингmi құнғилда найни,
Мулзамсан, гуноқкор зотсан баайни?
Ох, виждон үйғонди!
Сүнг үйғлаб деди:
— Кеча сотган эдим сени, оғайни...

2003 йил, 19 сентябрь

ОНА ЮРТ

Сиз, сохибдатлатлар, зотлар мұхтарам,
Үзингизга сийлов уяларингиз.
Мени эшитмассиз әхтимол ҳеч ҳам,
Бироқ, етказади хуфяларингиз.

Етказади, гүё Ўрта Осиёда
Аллақандай шоир бир гап айтипти.
Сайловчилар тиргак сизга дунёда,
Бу түлқин бир кун бор, бир кун — қайтипти.

Эътибор айлангиз, азиз туралар,
Ўйланг сиз ҳам ахир ўз танингизни.
Тутаб ёнмоқдадир ўрмон, қўралар,
Нега ўйламайсиз Ватанингизни?

Сира ўйламайсиз остоңангизда
Имдод сураб ётган гадоларни сиз.
Ҳар куни кутгайсиз кошонангизда
Ўзингизга ўхшаш подшоларни сиз.

Аммо менинг учун жуда фалат ҳол:
Бир чеккага қўйинг шараф ҳам шонни,
Нега фалвангиздан юз буриб дарҳол,
Сиз ўйлай бошлайсиз Ўзбекистонни?!

Ўзбек дер: ўзингга енг бўлолмасанг,
Асло бўлолмассан бошқага этак.
Кимлигим ҳақида олам чалган занг,
Азал буюклигим бўлган-ку эртак.

Менинг тоғларим бор – баланддир, пастдир,
Нима бўлганда ҳам улар меники!
Бахши овозими, мақомми, сасдир –
Нима бўлганда ҳам улар меники!

Меники саналур Жайхун, Сайхун ҳам,
Муштипар мусича ку-кусигача.
Меники аталур Истиқбол – болам,
Жажжи набирамнинг қулгусигача.

Меники шу Ватан, меники шу юрт,
Бозорим, мозорим, шаҳру кентим ҳам.
Ҳуқуқим меники, айламанг унут,
Меники сайлаган Президентим ҳам!

Сизга шоирона битта сўз айтай:
Фаҳм этинг юмалоқ-япалогини.
Унутмай турибсиз балки, ҳар қалай,
Бобом Амир Темур шапалогини.

2003 йил, 11 октябрь

ИҚРОР

Сен яхши күрасанми
е ёмон күрасанми –
Шу дарё меники.

Сен яхши күрасанми
е ёмон күрасанми –
Шу тоғлар меники.

Сен яхши күрасанми
е ёмон күрасанми –
Шу саҳро меники.

Сен яхши күрасанми
е ёмон күрасанми –
Шу бозор меники.

Сен яхши күрасанми
е ёмон күрасанми –
Шу мозор меники.

Яхшидир, ёмондир –
шу Ватан меники.

2003 йил, октябрь.

КҮЗТУМОР

Демишлар, дунёда қиз бола учун
Душман бұлар әмиш ҳусни аввало.
Юртим, ахир сени ўйламай нечун,
Тенгсиз чирой бермиш Тангри таоло.

Демишлар, дунёда шундай зотлар бор,
Борни күролмайды, иўкқа беролмас.
Юртим, неъматинг ҳам бисёрдан-бисёр,
Бир ёнда суқ бұлса, бир ёнда ҳавас.

Демишлар, дунёда ҳасад ҳам иллат,
Унинг йўлин боғлаб, қилгайлар ирим.
Юртим, дарвозангда майли бир фурсат,
Қанийди, кўзтумор бўлолса шеърим.

2003 йил, ноябрь

МЕНИНГ ҲАСРАТЛАРИМ

Менинг ҳасратларим,
Сизлар бунча кўп,
Инон-ихтиёрим қўлга олгансиз.
Гоҳи ёлғиз-ёлғиз, гоҳида тўп-тўп,
Гўё туғишганим бўлиб қолгансиз.

Бириңгиз — боламдан яралган ҳасрат,
Оғрийсиз, эзасиз юрак-бағримни.
Бириңгиз — ҳасаддан қолган жароҳат,
Ичимга ютганман заҳримни.

Бириңгиз — оғамдек илтифот этиб,
Лекин бегонасан, деган сўздансиз.
Бириңгиз — эрта-кеч заволим кутиб,
Ёвуз ният билан боққан кўздансиз.

Бириңгиз — туну кун тарқатиб миш-миш,
Дўстларим орасин бузганлардан доғ.
Бириңгиз — қўлимдан еб туриб эмиш,
Ишонч ришталарин узганлардан доғ.

Қочган ҳам, қувган ҳам Худойим дермиш,
Ҳар кимнинг орзуси — эгарланган от.
Дунёда кўрганинг — кўргулик эмиш,
Балки бут эмасдир ҳасратсиз ҳаёт.

Майли, синовларга дуч келай ҳар он,
Розиман, баҳш этдинг ҳаёт нусратин.
Лекин қўрсатмагин, Тангрим, ҳеч қачон
Фарзанд ҳасратию Ватан ҳасратин.

2003 йил, ноябрь

НОКАСЛАР

Улар дон эдилар — сомонлашдилар,
Бир Инсон эдилар — томонлашдилар.
Аввал ёмонлашди подшоҳни роса,
Сунгра бир-бирларин ёмонлашдилар.

2003 йил, 19 ноябрь

БОЗОР

Бу не бозор эрур, ҳамма жим ва жам,
Оладиган ҳам йўқ, сотадиган ҳам?
Бу — мозор, у ерда ҳамма жам ва жим,
Олмайди, сотмайди бирорта одам!

2003 йил, 26 ноябрь

КОШКИ

Ўзингча бир одим отсанг, кошкийди,
Ёки шон-шуҳратга ботсанг, кошкийди.
Бугун-ку тунимни кийиб юрибсан,
Кириб гуримга ҳам ётсанг, кошкийди.

2003 йил, 10 декабрь

МЕХР

Бир бола чинқириб йигларди чунон,
Уни юпатолмай қўпчилик гирён.
У қайсар ҳеч кимга қулоқ солмади,
Бошин силашганди — тинчили шу он.

2003 йил, 10 декабрь

САВОЛ

Дейсан, ҳар нарсага сабабдир замон,
Аммо, мавжуд яна виждон ва имон.
Мен битта саволни ечолмадим ҳеч:
Қайсиға мансубдир Яхши ва Ёмон!

2003 йил, 18 декабрь

ЯНА АНДИЖОН...

Юртда галибликнинг қутлуғ яловин
Ҳамиша юксаккса илар Андижон.
Мудом гуркиратиб қалбда оловин,
Жаҳон йўлларида елар Андижон.
Илму маърифатга у доим ошно,
Гул экар уйининг томигача то.
Ёввошdir, ёвига дуч келса, аммо
Нима қилишини билар, Андижон.
Бу шундай маъводир — меҳнаткаш, ҳалол,
Пешона теридан тополган камол,
Омадинг юрмаса, келиб ўrnak ол,
Сенга ҳам омадлар тилар Андижон.
Кулида кафтгири, мийифда қулиб,
У меҳмон кутади фуурга тўлиб.
Не-не пойгаларда биринчи булиб
Келган, келаётir, келар Андижон.

2003 йил, декабрь.

САДОҚАТ

Кимдир шеър ёзади ё кирап жангга,
Хизмат қилсан дейди ҳар ким Ватанга.
Бундан манфаат не, недир муддао?
Күш ҳам ўз ошёнин асрар доимо.
Шу Ватан қўйнида топдик то камол,
Унга чин садоқат – энг эзгу аъмол.
Аслида меҳр ҳам, мурувват ҳам шу,
Демак, шонинг мангу, шавкатинг мангу.
Онадан оқ сутнинг ҳаққи сўралмас,
Ватан розиман деб жавоб қиласа, бас!

2004 йил, январь

ЗУВАЛА

Биродар, тушмадим мен ҳам осмондан,
Сен ҳам келмагансан бирор томондан.
Бир юртнинг фарзанди иккаламиз ҳам,
Зуваламиз битта, меҳр бир жондан.

2004 йил, 17 февраль

КОМИЛЛИК

Майли шоирликни қилмагил ҳавас,
Балки олимлик ҳам сенга шарт эмас.
Англасанг дунёнинг ўткинчилигин,
Комил бўлмоқликка шунинг ўзи бас!

2004 йил, 1 март

КЕЛИНОЙИ

Бошлиқ ишга келар тонгда тунд ва жим,
Бүйинбоги қишик, шими ҳам ғижим.

У ёқдан бу ёққа тинмай одимлар,
Бу ҳолдан ташвишга тушар ходимлар.

Дейишар, ишлар-ку жадал, жойида,
Демак, ҳамма сабаб келинойида.

Бошлиқ ишга келар эртаси, бироқ,
Унинг куриниши бошқадир мутлоқ.

Бүйинбог ҳам силлик, шими ҳам силлик,
Муомала эса илиқдан илиқ.

Учраган ҳар кимга табассум қилар,
Барчага, барчага омадлар тилар.

Энди бошлиқ эмас, балки ходимлар
Бир-бирин қутлашиб, тинмай одимлар.

Дейишар, бор бўлсин хизмат жойимиз,
Бор бўлсин меҳрибон келинайимиз!

2004 йил, март

ТИЛСИМ

Гарчанд Инсон қавмин биттадир исми,
Гарчанд муштаракдир қиёфа, жисми.
Лекин қилмишлари унинг турфадир,
Бир қисми алданар, алдар бир қисми.

2004 йил, 12 март

ХАҚИҚАТ

Дедилар: — Аē, пир, айлагил шафқат,
Хақиқат бормикин, ростин айт фақат.
Пир деди: — Тириксан, ҳақиқат шулдир,
Бир куни улгайсан, бул ҳам ҳақиқат.

2004 йил, 16 март

НАСИҲАТ

Ёшлик ортда қолди, турдинг оёққа,
Азму шижаатни унутма, болам.
Насиҳат ёқмайди энди қулоққа,
Ақлу фаросатни унутма, болам.

Бу дунё аслида алдамчи бозор,
Унда лүгтибозу нокаслар бисер.
Сен мардлар қошида мард бүлгил, зинҳор
Хайру саховатни унутма, болам.

Балки дастурхонинг доим мүл бўлмас,
Омад ҳам ҳамиша чарақлаб қулмас.
Ким айтар, суюнган падаринг ўлмас,
Сабру қаноатни унутма, болам.

Ёвуз кимсалардан айлагил ҳазар,
Уларнинг қалби пуч, тиллари заҳар.
Ахтара-ахтара дўст топсанг агар,
Мехру садоқатни унутма, болам.

Оғам деб кимлардир силар бошингни,
Укам деб еб кетар бирор ошингни.
Минг бир тарозига солар тошингни,
Макру хиёнатни унутма, болам.

Каслар бор, қадрингни гоҳо билмаслар,
Гоҳо билсалар ҳам кўзга илмаслар.
Гарчанд улар сенга парво қилмаслар,
Фазлу диёнатни унутма, болам.

Турфа синовларга дуч келгай инсон,
Гоҳида шодондир, гоҳида нолон.
Чорасиз қолсанг ҳам, лекин ҳеч қачон
Адлу адолатни унутма, болам.

Қадамда учрагай азизлар хоки,
Йулингни ёритгай ақлу идроки.
Илоё, руҳлари шод бўлсин, токи
Зикру зиератни унутма, болам.

Нодонлик белгиси – ҳавои ғуур,
Оллоҳ душманидир кимки такаббур.
Мағзи тўқ бошоқнинг эгилишин кўр,
Сирру синоатни унутма, болам.

Айтурман мен сенга ушбу гапни ҳам:
Билиб қўй, ғоятда гўзалдир олам.
Бироқ пайти келса, тепамда бир дам
Сидқу тиловатни унутма, болам!

2004 йил, март

ЯШИЛ НОВДА

Расул қабристондан бораркан ўтиб,
Шафқат ва иноят ҳиссин туйдилар.
Бир қабр қошида тиловат этиб,
Сунг яшил новдани қадаб қўйдилар.

Саҳобалар деди: — Ё Расулуллоҳ,
Бу новда жисмида яширин қай сир?
Расул жавоб қилди: — У энди, валлоҳ,
Гўрнинг азобини енгиллатгайдир.

Чиндан сеҳр билан тўлиқдир олам,
Чиндан ҳар қадамда илоҳий асрор.
Зўр қудрат эмасми ҳаёт ўзи ҳам,
Яшил новдада ҳам унинг кучи бор!

2004 йил, март

ОЛЛОХ МАРҲАМАТИ

Оллоҳим кимгадир берди бойлик, зар,
Балки раҳм айлади ийқисил жонига.
Валекин тўймасин дея у баттар
Нафсни қўшиб қўйди ёнига.

Оллоҳим кимгадир мансабни берди,
Амал пояларин қилди мустаҳкам.
Валекин нариги томонда қурди
Қайтиб тушадиган зиналарни ҳам.

Оллоҳим кимгадир берди истеъдод,
Майли, таратсин деб гузал қуиларни.
Валекин бир умр чексин деб фарёд,
Унга ҳамроҳ қилди ҳасадгўйларни.

2004 йил, март

ЭВРИЛИШ

Болалик йилларнинг шўхликлари бор,
Ўйин жанжалга ҳам охир етарди.
Енгилган жўрамиз тўнғиллаб ночор:
— Отамга айтаман! — дея кетарди.

Сунгра мактаб бордик, улғайдик гуё,
Кимдир “оддий” бўлди, кимдир “атаман”.
Аlam чекканимиз дер эди гоҳо:
— Сени директорга айтаман!

Бир кун катта булдик бизлар ростдан ҳам,
Ўйлаб гапирмоқ шарт энди ҳар кимга.
Сени қўрқитарди бундайроқ одам:
— Партикомга айтаман, партикомга!

Замонлар ўзгарди, ўзгарди дўст-ёв,
Давр ҳам ўзга бир либосни кийди.
Бугун хафа қилса бировни биров,
Дарҳол “Би-Би-Си”га айтаман!” дейди.

2004 йил, март

ТАВБА

Балки бўлолмадим Сизга муносиб,
Буни кеч билганим учун ҳам тавба.
Сизга шеърлар битиб, мактублар ёзиб,
Безовта қилганим учун ҳам тавба.

Дунёда бормикан Сиздек жафокор,
Сиздек меҳри тансиқ, парвосиз дилдор.
Вафо деган сўзни бекордан-бекор
Кулоққа илганим учун ҳам тавба.

Ахир юрмасмидим мен ҳам шўх, шодон,
Сизнинг борлигингиз билмасдан, хандон.
Сизни деб шунча йил саргашта-сарсон
Бағримни тилганим учун ҳам тавба.

2004 йил, март

НОДОН

Дунёга яшай деб келади Инсон,
Яшамоқлик учун ахтарар имкон.
Сен-ку бу дунёдан тўйган экансан,
Бошқаларни нега қийнайсан, нодон?!

2001 йил, 29 март

ШАМБАЛА

Олис Ҳимолойда, Тибет томонда
Бор эмиш Шамбала номли мамлакат.
Биздек даврон сурмиш қай бир замонда,
Хозир ер остида яшармиш фақат.

Лемур, Атлант эмиш уларнинг насли,
Хатто коинотга сололган титроқ.
Улар одомзотнинг пуштидир асли,
Танлари муз қотган, руҳлари уйғоқ.

Магар ер юзини чулғаса бало,
Инсон худо деса ақчани, зарни,
Иймонни ҳимоя айлаб Шамбала
Жүнатиб туармиш бир пайғамбарни.

Улар орасида бормикан ўзбек —
Буниси, албатта, менга ноаён.
Бироқ ер устида айбимиз бирдек,
Бузилиб кетди-ку тағин бу жаҳон.

Одамзот чароги ўчмасин токи,
Шамбала, қавмингга яна парво эт.
Бирор вакилингни жўнатгин, ёки
Ўша диёрингга бизни олиб кет.

2004 йил, апрель

САФАР

Келсангу демаса бирор марҳабо,
Кетсанг ҳеч бир кимса айтмаса видо.
Бундайин сафардан мурод не бўлди,
Нега келтирилдинг кеткиздинг, Худо?!

2004 йил, 18 май

ТАЯНЧ

Мулку мансаб бўлса, азизсан ҳар он.
Дўсту ёр ҳам бисёр, олам чароғон.
Шу икки таянчдан айрилган чоғинг,
Сен ҳам ожиз банда, дунё ҳам зиндон.

2004 йил, 21 май

ХАВОТИР

Бир куни дедилар: – Айтгил, аё Пир,
Шартмикан ҳар кимга биттадан қабр.
Пир деди: – Ҳаммани бир жойга құмсанг,
Низо чиқиб кетса ёмонку ахир.

2004 йыл, 22 май

ДИЙДОР

Онам эрта кетди дунёдан нолон,
Ёшидан үтганман мен аллақачон.
Қартайған ўғлингни охират куни
Таний олурмисан, билмам, онажон!

2004 йыл, 25 май

ХАҚИҚАТ

Дарвеш умр бүйі чекиб ғам, заҳмат,
Дунёда ҳақиқат ахтарди фақат.
Бир кун ўраб деди уни оломон:
Ҳақиқат ўзинг-ку, ўзинг ҳақиқат!

2004 йыл 16 август

БИРДАМЛИК

*Шахмат бүйича жаҳон чемпиони
Рустам Қосимжоновга*

Пойтахт аэропорти.
Гавжум чунон ҳам.
Ерга тушмас эди сочсанг тангани,
Гүе чиққан эди мамлакат шу дам
Чемпион Рустамни қарши олгани.
“Балли”, “Баракалла” дер ҳар бир юртдош,
Ҳамма қутлар эди бир-бирин шодон.
Менинг кўзларимдан тирқиради ёш,
Бизни бирлаштиридинг, раҳмат, Рустамжон!

2004 йил, 17 июль

АНГЛАШ

Тонгларим тийрадир, оқшомлар пурғам,
Бир-бир кетаётир жўраларим ҳам.

Бирорин йўлини касаллик тўсса,
Бирорин ийқитди заман билан фусса.

Бошига тушса ҳам қанчалик савдо,
Ношукур бўлмади улар, ажабо!

Билдимки, нолишни наинки замон,
Аллоҳ ҳам ёқтирилас экан ҳеч қачон.

2004 йил, 25 сентябрь

ЭЪТИРОФ

Аввал шогирдларга берилди навбат,
Улар шарҳ айлади ўз илмларин.
Сўнгра жўр булишиб мақташди фақат,
Таълим берган устоз – муаллимларин.

Эсладилар гүё бергандай ҳисоб,
Берунийдан тортиб Оқил бобони.
Тушунарли эди бундайин одоб,
Ҳамма англар эди бундан маънони.

Кекса бир мураббий сўз олиб шу тоб,
Минбарга чиқди-ку шошилмай, аста.
Ва бир шогирдини этди эътироф,
Олқишлир ёғилди унга бир пасда!

2004 йил, 28 сентябрь

ИККИ ҚАРИЯ

Қариялар уии.
Икки мўйсафид
Дардлашар эдилар сокин, жимгина.
Бири дер: яшадим, гарчи эгним бут,
Фарзанд кўрмадим мен, оқибат – мана...

Иккинчиси эса оҳ чекди шу он,
Деди: армонингиз чексиздир, билдим.
Мен эса дардимни этолмам баён,
Фарзандлар дастидан бул ерга келдим.

2001 йил, 15 ноябрь

ҚАНОАТ

Менга шабнамчалик кўз ёшинг етар,
Менга зигирчалик бардошинг етар.
Майли, тансиқ неъмат бермагил менга –
Беминнат бир қошиқ сўк ошинг етар.

2004 йил, 16 ноябрь

ИМОМ

Ҳазратим, аслида Сизга ҳам қийин,
Сомелар күпинча қилишар үйин.
Аввал ортингизда намоз үқишиар,
Қатиққа сув құшиб сотишар кейин.

2004 йил, 16 ноябрь

ДАЪВО

ХХ аср зотлари аро
Менинг ҳам үрним бор шаксиз мутлақо.
Мен асли шоирман, жаноб муҳаррир,
Шуни унутманг деб Эргаш фуқаро.

2004 йил, 23 ноябрь

НАПОЛЕОН

Дүхтири даволади беморни узок,
Тузатгач маслағат берди у шундок;
— Наполеон менман, деб юрмагил энди,
Наполеон мен ўзим, билиб қўй, уртоқ!

2004 йил, 25 ноябрь

ҲАММУАЛЛИФ

Йўлнинг чеккасида тургай у фақат,
Пиёда юришга унда йўқ тоқат.
Отлиқ утадими, эшаклими ё,
Мингашиб олади унга шу фурсат.

2004 йил, 26 ноябрь

“ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ” МАДХИЯСИ

Ошёнингга илое
омон-эсон қайт,
Ёру дўстга Ўзбекнинг
саломини айт.

Нақарот

Кабутардек учирди
Ватан қўллари,
Ўзбекистон ҳаво йўллари,
ҳаво йўллари.

Сўйлашасан қуёшли
кундузлар билан,
Бўйлашасан тунлари
юлдузлар билан.

Нақарот

Кабутардек учирди
Ватан қўллари,
Ўзбекистон ҳаво йўллари,
ҳаво йўллари.

Яхши ният ҳамиша
йўлдошинг бўлсин,
Қайга борсанг эзгулик
кўлдошинг бўлсин.

Нақарот

Кабутардек учирди
Ватан қўллари,
Ўзбекистон ҳаво йўллари,
ҳаво йўллари.

2004 йил, 3 декабрь

ШОИРЛАР ВА ЮЛДУЗЛАР

Балки коинотнинг қай пучмоғида,
Қайсиdir юлдузда яшар бир шоир.
У ҳам бизга үхшаб жүшган чоғида,
Балки шеърлар ёзар самога доир.

У ҳам балки бедор оламни кезиб,
Йироқ-Йироқларга учмоқ истайди.
Ўзининг ғалвали буржидан безиб,
Бошқа дунёларни құчмоқ истайди.

Балки у тунлари энтикиб боққан
Юлдуз бизнинг ердир, бизнинг Сайёра.
Балки юрагида оловлар ёққан,
Шимол ёғдулари – мовий шарора.

Балки Фарғонанинг сұлым боғлари,
Уни чорлаб турар күм-күк нур булиб.
Сирли севги ҳиссин туйған чоғлари,
Термулар, шеър ёзар шавқларга тұлиб.

Оҳ, у содда шоир, билсин қаёқдан,
Гұзал бу сайёра синоатларин.
Мафтуңкор күрингай тоқи равоқдан,
Яшириб ҳисобсиз жароҳатларин.

Унинг бағри бутқул заққумга тұлиқ,
Инсон деган жонзот етған бошига.
Күксидан тараптар мунгли бир құшиқ,
Тавалло қилас у үз Күёшига.

Йироқ юлдуздаги шоирим-жұрам,
Сен ҳам үз шеърингни ёзвергин, бас.
Менға ҳавас билан боқмагил күп ҳам,
Майли мен ҳам сенға қылмайин ҳавас.

2004 йил, 24 декабрь

ЭР ЙИГИТ

Үелим, бул ҳикматни қилгил бошга тож:
Хеч кимса бўлмасин номардга муҳтож.
Эр йигит қалқондир юртига доим,
Мангудир Ватанда мардга эҳтиёж.

2005 йил, 13 январь



ҚИРҚ БИРИНЧИ УСУЛ

Киноновелла

I

Катта түй. Күплаб одамлар түпланган майдонда курашга тайергарлик. Ёғоч устунларга, дарахтларга болалар чиқиб олишган. Курашга қўйилган соврин – товоқقا барваста полвон талабгор бўлади. Полвон яктак, белида белбоғи билан майдонга чиқади. Даврадаги бошқа бир полвон талабгор бўлиб уртага чиқади. Полвонлар анъана бўйича қўл олишадилар, даврани айланиб курашга шайланадилар. Томошибинлар орасида, айниқса, бир бола курашга фоят ишқибозлик билан қарайди, унинг хатти-ҳаракатларида, кўз қаражаларида бетоқатлик сезилиб туради. Кураш бошланади. Товоқ олган полвон бир неча уринишдан сўнг рақибини йиқитади. “Ҳалол” деган қийқириқлар эшитилади. Ҳалиги ишқибоз бола, айниқса, бошқалардан фарқли, ўрнида иргишлиб “Ҳалол”, “ҳалол” деб қичқираади.

Кураш тугаб, одамлар тарқала бошлайди. Бола фолиб полвондан кўз узмайди. Полвон даврадан совринни (отни) етаклаб кетаётганда ҳалиги бола унга эргашиб кета бошлайди. Бола полвонга етиб бориб, полвонга таъзим ва ҳурматини билдиради. Полвон жилмайиб, унинг елкасига қоқади, мушакларини ушлаб кўргандай бўлади.

II

Полвон уйида (ҳовли саҳнида) полвонлик машқларини бажармоқда. Ёнида ҳалиги болакай. Полвон турли ҳаракатлар билан болакайга гуё кураш сирларини ўргата бошлайди. Бу қўриниш бир неча бор такрорланади. Боланинг улфайиб йигитга айлангани қўриниб туради. Энди у устоз полвон билан машқ үтказиб, росмана беллаша бошлайди. Устоз полвон кураш усусларини шогирдига эринмай ўргата бошлагани кўрсатилади. (Ўн ёки йигирма усул.) Ёш полвоннинг ўзини тутишида ўзгариш кузатиласди. Унда ўзига ишонч пайдо бўлган.

Яна тўй манзараси. Энди товоқни ёш полвон олади ва бир неча рақибларини йиқитади. Бундай тўй манзараси

бир неча бор тақрорланади, лекин турли күринишларда күрсатылади. Ёш полвон үзини енгилмас ҳисоблай бошлайды. У ҳеч кимни писанд қымай құяды, устозига ҳам истар-истамас салом беради. Яна түй манзаради. Энди кекса устоз полвон биринчи товоқни олади. Үнга талабгор чиқмайды. Ўртага сукунат чүкади... Шу ерда шогирд полвон одамлар орасидан гердайиб майдонға чиқади. У устози билан кураш тушишга қарор қылған эди. Устоз полвон **кайфиятида** ўзгариш, ўқинч сезилади. Устоз полвон гүе курашдан бош тортгандай бўлади. Лекин шогирд полвон даврани айланиб гүе устозини курашга чорлайди. Устоз полвон ниҳоят майдонға тушади. Бир мунча олишувдан кейин устоз полвон ҳали ҳеч қўлламаган усулини (қирқ биринчи усулни) қўллаб, шогирд полвонни бир силташда йиқитади. “Ҳалол”, “ҳалол” деган қийқириқлар янграйди. Ёш полвон ниҳоятда мулзам. Улар даврадан бирга чиқиб кетадилар. Устоз полвон бир вақтлар болакайни (бўлгуси шогирдини) эркалаб елкасига қоққани каби меҳрли хатти-ҳаракатлар кўргазади. Ёш полвоннинг эса боши эгик. Улар қўлтиқлашиб кета бошлайдилар.

2003 йил, июль,
Женева



МАҚОЛА ВА СУҲБАТЛАР



СЕВИНЧ-ДАРДИМ – БАРИ ВАТАНИМ

*Филология фанлари доктори
Бахтиёр Назаров билан сұхбатдан*

— Мендан касбдошларим, танқидчилар үпкаламасин-у, лекин ҳәётимизни хом-хатала, юзаки тасвиrlаган асарларни қўкларга кўтаришда, ва аксинча, халқимизнинг ташвишлари учун жон куйдириб, камчиликларни очик кўрсатишга ҳаракат қилиб ёзилган асарларни “фош” этишда, уларни салкам зарарли деб баҳолашда танқидчилик ҳам узоқ йиллар мобайнида “тегирмонга сув қўйиб” келди. Натижада, халқчиллик деб аталмиш адабиётимизнинг муқаддас принципини догма ҳолида, бир ёқлама, чекланган равишда, гоҳида эса, ҳатто янглиш талқин этиш ҳоллари рўй берада бошлади.

— Гапни халқчиллик масаласига олиб келиб боғлаётган экансиз, мен бу ҳақда шуни айтгим келади: ҳар қандай ижодкор учун халқини куйлашдан, юртининг оғриклиари билан яшаشдан ҳам муқаддасроқ нарса бўлиши мумкин эмас. Мен шундай тушунаман ижодни. Туғри, мавзува масалаларнинг чеки, канораси йўқ. Лекин шахсан мен учун севинч-дардим-бари Ватанимдир. Шунинг учун қайси бир шеърда мунгли оҳанглар, дардли туйғулар учраб қолса, буни Ватандан зорланиш, халқнинг ҳәетини бузиб кўрсатиш сифатида талқин этиш, бу бориб турган саводсизлик ёки бефаҳмликдир. Агар халқ учун, Ватан учун қайғуришки шундай баҳоланса, яна нима дейиш мумкин. Ахир уйлаб кўринг, қайси бир шоир уз халқини, Ватанини аброр қилишни истар экан. Қизиқ, баъзида шоирни халқ дардини эмас, шахсий дардни, тор туйғуни ёзаяпсан, деб савалаб қолишиади. Ахир бу шуринг қурғур шоир ҳам узи мансуб халқ этининг бир парчаси-ку. Шу халқнинг бир вакили, аъзоси бўлмай ким у? Осмондан тушибдими?

— Адабиётимизда типиклик деган нарсалар бор. Биз буни ҳам унутмаслигимиз керак-да.

— Сиз назарда тутаётган типикликка мен ҳам қарши эмасман. Лекин худди мана шу профессионализм – керагидан ортиқ даражадаги профессионаллашув баъзан адабиётимизнинг қон томирини заҳа қиласи. Назариянинг туғри ва йўналтирувчи кучи яхши маълум. Лекин

фақат назариягина адабиётни белгиламай, амалиёт ҳам назарияни ривожлантириб, бойитиб бориши зарур ва лозимлигини унутмаслигимиз керак. Айниқса, бу ҳодиса бадиий ижодда ўзига хос кўринишларда зоҳир бўлишини ёдда тутишимиз зарур. Бир вақтлар Қодирий, Оибек, Абдулла Қаҳҳор асарларига шу типикликни дастак қилиб олиб, берилган нотўғри баҳолар бизга ибрат бўлмоғи керак.

— Сиз мисолларни классикларимиз ижодидан ва бироз олис йиллардан олдингиз. Ҳолбуки, масалага шундай қараашлар яқин йиллар ичida, хусусан, сизнинг айрим — “Тилла балиқча”, “Биринчи муҳаббатим” сингари асарларингизга бўлган муносабатлардан ҳам топилади-ку.

— Фақат бу шеърларимгина эмас. Мен сизга 1968 йилда ёзилган “Илфор ишчи ва чақон мухбир қиссаси” деган бир шеърим билан бўлган воқеани айтиб берай. Унинг қисқача мазмуни шундай: Мухбир бир ишчини “Балиқчилар куни вахтасида туриб меҳнат қилаяпти” деб газетага ёзди. Биринчи маротаба ишчи “ҳа энди, ёзибдида” деб қўя қолади. Кун етиб ишчининг хотини туғиб қолади, шунда у энди икки сменада ишлайди. Ейиш керак, у керак, бу керак, талаб купаяди. Мухбир тагин келадида, демак, ишчи пешқадам бўлиб, бу сменада юз эллик фоиз планни бажарайпти, деб яна катта бир мақола билан чиқади. Ишчи бунга яна чидайди. “Ҳа майли, ёзибди-да” деб қўя қолади бу сафар ҳам. Учинчи марта ишчининг онаси қазо қилиб қолади. Шеърда “Мархумнинг ўзи бориб кирмайди-ку қабрга” деган сатрлар бор. Энди у уч сменада ишлайди. Энди мухбир: “ишчи Май байрами вахтасида туриб планни уч юз фоиз бажарди” деб мақола ёзиб, суратларини газетада катта қилиб чиқаради. Энди ишчи бунга чидай олмайди. “Биринчисига чидадим, иккинчисига чидадим, яхшиликка тўғри келиб турувди, энди буниси яхшиликка тўғри келмайди. Онам қазо қилганида масхара қилишнинг нима кераги бор, одам ўлиб турибди-ку, мен Май вахтасида туриб меҳнат қилганмишман. Нега ахир одамнинг дилини англамасдан ёзасан. Сен айтаетган улуғ ғоялар бизнинг дилимизда ҳам лиммо-лим. Лекин одамнинг дилини сўрасанг бўлмайдими? Аҳволинг қандай? Нима деб ўйлайсан?” — деб ишчи фифони чиқиб мухбирни қидириб редакцияга боради:

Кейин билса, мухбирнинг ҳам
Бор экан ўз ноласи:
Чиқим учун ёзган экан,
Туққан экан холаси.

Албатта бу ҳолатни типик деб қараш керак эмас. Воқеа содир булиши нуқтаи назаридан асар типик бул-маслиги мумкин. Лекин ундан чиқадиган хулосалар типикдир. Бу ерда асар ва унинг воқеасидан кўра хулоса ва фоя биринчи планга чиқади.

Шеърни матбуотга йўлатишмади, албатта. Шеър матбуотда чиқиши у ёқда турсин, мени анча дашномларга рубару қилди. Уй масаласида у ёқдан бу ёққа кучиб юришларим натижасида шеър йўқолиб кетди. Ўша пайтларда қайсиdir мушоирада ўқиганимда шеърхонлардан бири магнитофон лентасига ёзиб олган экан. Яқинда Фарфона водийсидан топдим бу шеъримни.

Абдулла Қаҳҳор бир учрашувда: “Бу бола ўзи ишонмаган, билмаган нарсасини ёзмайди” деган эдилар. Ҳозир бу гапни Абдулла ака айтгандари учунгина фаҳр билан тилга олаётганим йўқ. Айтмоқчиманки, адабиётимизда ҳақ гапни, тўғри гапни жасорат билан айта оладиган Абдулла Қаҳҳордек ёзувчиларимиз бор эди. Менга у кишининг пиёласидан сув ичиш насиб этганига фаҳранаман. У киши бизнинг баҳтимиз эди. Лекин афсуски, у киши тўғри сўзи учун ноқақ азият чекиб кетди.

— Моддий ҳаётимизда рўй берган алдам-қалдамчилик, қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик ҳақида очиқ-ойдин гапиряпмиз. Бу жуда яхши. Камчиликларни дадил фош этяпмиз. Лекин шунга ўхшаш ҳодисалар идеологиямизда ҳам, таълим-тарбия ишимида ҳам оз эмас эди. Деярли бир авлод баландпарвоз, илиги пучроқ, реаллиги куринмай турган вайданамо сўзлар ва агар очигини айтиш мумкин бўлса, ҳатто ҳаётда тадбиғини топмаган баъзи бир партиявий хужжатлар, шиорлар таъсирида вояга етди. Адабиётининг ҳам мана шу оқим таъсирига тушган пайтлари бўлди.

— Ҳозирги кунларда айтилаётган кўзбўямачилик, дабдабабозлик, ёлғон, алдамчилик фақат моддий ҳаётнинг ўзидағина эмас, балки маънавий жиҳатдан одамларни лақиллатишда ҳам руй берди. “Эртага ёки индинга бутун остона тиллодан бўлади, ҳаммаёқ гуллаб кетади, яшнаб

кетади, ҳеч қандай қийинчиликлар йўқ”, каби гапларнинг ҳаммаси 60-йилларда айни гуллаб турган маҳали эди. Ҳозир энди “ёв қочса, ботир кўпаяди” деган гап эмас бу. Ўша вақтда ҳам вижданли ёзувчилар бу масалаларни эътибордан четда қолдиришган эмас.

А. Каҳдор узининг асарларида айтган бундай гапларни. Бир куни Абдулла ака “Нурли чўққилар” номли ҳикояларига эпиграф ёзид беришимни илтимос қилдилар ва ҳикоянинг мазмунини айтиб бердилар: “Бир эгизак опа-сингил бўлади. Биттаси ердан оёғи узилмаган, меҳнат қилади, ҳамма нарса осмондан эмас, меҳнатдан келишини яхши билади. Лекин унинг опаси қандайдир улуғ-улуғ шиорларни айтиб юраверади. “Бизни “нурли чўққилар” кутаяпти”, деган ҳавоиғи гоя бутун қалбини чулғаб олган. Шу ёлғон умид уни таназзулга олиб келади”.

Мен ҳикояга йигирмага яқин вариантда тўртлик ёздим. Устозга ушбу тўртлик маъқул келди:

Гоҳо ер меҳрини ўйларкан,
Эсга тушар дорнинг сиёғи,
Ажаб ҳикмат: одам уларкан
Узилганда... ердан оёғи.

Дорга тортилган одам ердан оёғи узилгандан кейин улади. Бу хотирани келтиришимдан муродим шуки, ўша йилларда ҳам давр иллати — фирромчилик, алдамчилик, маънавий ёлғончиликларни пайқаган ёзувчиларимиз бўлган. Лекин, афсуски, бундай асарларнинг ҳаммаси ҳам чиқавермас эди. Матбуотда чиққанлари эса муаллифларига анчагина маломатлар “туҳфа” этарди.

“Тилла балиқча” ҳақида ҳам ҳалигача ёзид туришади. Мен бу шеърни ёзганда, Ўзбекистонни ҳам, Ўрта Осиёни ҳам, мамлакатни ҳам ҳеч қачон кўзда тутган эмасман. Бу шеърни ҳар қандай мамлакатда, ҳар қандай тузумда яшайдиган шоир ҳам ёзиши мумкин. Бундай шеър ҳозир эмас, икки юз йил бурун ҳам ёзилган бўлиши мумкин. Изласангиз классик шоирларимиз байтлари орасида шунга ўхшаш фикрлар “ғуж-ғуж” топилиши мумкин. Одамга алам қиласидиган жойи шуки, балиқча бор дунёни ўзи яшаётган сассиқ ҳовуздан иборат деб билади. Ҳолбуки, дунё — сассиқ ҳовуз эмас, анча каттакон, гўзал, мўъжизакор бир олам. Лекин шу балиқни сассиқ ҳовузга

келтириб ташлайдилар, бунга балиқ айбдор эмас. Нима қылсын, тилла балиқнинг айби йўқ бунда. Ҳовуз шундай бир суви айниган ҳовуз экан, унинг ичидағи балиқ, у тиллами, дурми, илоҳий балиқми, Пушкиннинг ўша мӯжизакор олтин балиғи бўладими, барибир, шунга тушгандан кейин нима бўлади, бошқа ер юзини кўрмагандан кейин дунё шу экан, дейди-да.

— Лекин, Абдулла ака, очигини айтсак, сизнинг ҳам ўша йиллар шамолига бурилган, давр йўриғига қараган шеърларингиз ҳам йўқ эмас. Улар ичида мавсумий бўлишига қарамасдан ўз услубингизда ёзилганлари ҳам ва айни вақтда ўзингизнинг изчил услубингизга бироз бегонасираб турганлари ҳам бор. Ана шундай шеърларингизни комил ишонч билан ёзганимисиз, ёки шунчаки ўткинчи шеърлар бўлади, деб ўйлармидингиз! Балки уларнинг айримлари пайдо бўлишига иложисизлик мажбур қилинадир!

— Сиз менга юрагимнинг тубида бир неча йилдан бери тошдек чўкиб ётган ва жавоб беришим, эҳтимол, сиз ўйлаганчалик осон бўлмаган савонни бердингиз. Тўғри айтаяпсиз. Лекин ўз навбатида шуни айтишим керакки, мен ҳам одам боласиман. Бу билан барчага тааллуқли бўлган камчилик менга ҳам бегона эмас, деб ўзимни оқламоқчи эмасман. Мутлақ. Агар шундай деб ўйласам, дунёда ҳеч қайси бир шоир бундай қусурлардан истисно бўлмаган ва бўлолмаган деб жавоб беришим мумкин эди. Мен бундай демоқчи эмасман. Ижодкор минг уринсин, яхши маънода ҳам, ёмон маънода ҳам жамиятдан узилиб яшай олмайди. Чунки у жамият фарзандидир.

Эсингиздами, агар ўқиган булсангиз Я. Полонскийнинг қайси бир “Альбомга” дейилган шеърида қўидаги сатрлар бор:

Гар адабнинг жаъмики бори
Бўлса ҳалқнинг виждони, ори.
Ҳақиқатнинг маҳ бўлгани он
Енгилмоғи унинг ҳам аен.

Мен ҳам бор гап, ҳақ гап шу экан деб, ўйлаганман. Идеал ҳақидаги ўз тушунчаларимни илгари сурган шеърларим оз эмас. Буни сиз ҳам, адабиёт ихлосмандлари ҳам яхши билишади. Лекин идеал тушунчасида фақат замонага, даврга хос бўлганлари ҳам бор. Доимо, ҳар бир шеър-

да замондан ташқарига чиқиб кетавериш мүмкин эмас. Мактабда стандарт идеаллар асосидагина тарбия топган бұлсак, ана шундай идеаллар билангина тұлиб-тошған адабиётни үқиб вояга етган бұлсак, кун ора қатнашадиган мажлису минбарлардан ҳамма нарсаны қотириб ташладик, әртега бундан ҳам зұрроқ бұлади деган гапларни зшитиб түрсак, күчага чиққанингизда пешонанғизга “ярқ” этиб епишадиган шиорлар шулардан иборат бұлса, кундалик матбуот шундан бошқа гапни гапирмаса, баъзан, “коммунизмни фалон кун, фалон числода қурамиз”га олиб келиб қўйған бұлсак... Ишонмай қўрингчи?..

— Абдулла ака, Сиз менга бир вақтлар “Ложувард осмон” деган тұплам тайёрлаганингизни айтгандингиз, янглишмасам, ҳатто китобнинг муқовасини ҳам кўрган эдим. Лекин шу китобнинг негадир нашр этилмай қолди. Аслида бу шеърларнинг қўпи матбуотда чиқсан эди. Лекин шунга қарамасдан у китоб ҳолда юзага чиқмади.

— Тұгри, шундай бұлган. Афсуски, биз кўпинча ўтган кўп камчиликларни жамиятнинг, даврнинг бўйнига юқлашга ўрганиб қолғанмиз: жамият шунаقا буюрган эди, шунаقا шароит эди, деймиз. Бу — жудаям осон йўл. Одамларнинг ўзидағи шахсий жавобгарлик, масъулиятни бошқага, умумга тұнкаш бир жўн гап. Баъзан жамиятнинг жузъий нобопликлари айрим қилвир шахсларнинг мақсадларига, шумликларига мувофиқ келса, иллатлар, фиромликлар гуллаб кетади. Шунинг учун мен адилари мизнинг ўзаро муносабатлари деган ниҳоятда мұхим масалани кўпинча четлаб ўтишимизга қаршиман. Асар муҳокама қилинади, кейин нашрга тавсия этилади. Дейлик, Ойбекнинг “Навоий” романни, А. Қаҳҳорнинг пъесалирию романлари, қиссалари ҳам танқидга учраган. Лекин шу асарлар танқидга учраганда маълум бир нуқталардан албатта маҳсус топшириқлар муттасил келиб турганига баъз�다 шубҳаланаман. Адилар, шахслараро ички келишмовчиликлар, низолар бұлади. Лидерлик учун кураш бўлиши-ку, бу бир табиий ҳол. Лекин ўзаро муносабатларда ҳасад, ғараз бу ёмон нарса. Ана шулардан келиб чиқиб, кўзга қўриниб турған муваффақиятли асарларни яксон қилиш, уларни халққа етказмаслика уриниш, унинг авторини бир ёқли қилиш, четга суриш, шахсига

қора чаплашлар бўлиб туради. Мана шундай фаразли мақсадлар билан купгина асарлар бошига мағзавалар түкилган. Шуни биз бундан кейин ҳам назардан қочирмаслигимиз ва бунга қарши жуда жиддий курашувимиз керак. Ўша “Ложувард осмон” деган китобимга кирган шеърларнинг тўқсон фоизи магбуотда чиққан. Баъзилари аввалги китобларимда ҳам босилган эди. Демак, тегишли ташкилотларнинг вакиллари ҳам шу шеърларни олдиндан уқиған. Лекин янги китоб ҳолига келтирилганда бу шеърлар кимларгайдир ёқмай қолибди. Шундай қилиб китоб чиқмасдан қолиб кетди. Хуш, энди бу ёғига нима дейсиз. Ундан кейинги бошқа бир нашриётда чиққан китобимда уша шеърлар bemalol нашр этилиб кетилаверди. Демак, уша маҳалда нашриётда ўтириб китоблар тақдирини ҳал қилувчи менинг касбдошларим тупламнинг чиқишини хоҳламаганлар. Ва буни жамиятнинг бўйнига тўнкаб, бу асарлар бизга туғри келмайди қабилида китобни йўққа чиқариб юборгандар. Аслида эса китоб авторининг ижод қилиши ҳам, барҳаёт юриши ҳам уларга ёққан эмас. Шунинг учун бир қараганда узаро низолардек туюлган, аслида жуда муҳим мана шундай иллатларга кескинроқ муносабатда булишимиз керак. Қадимгилар айтганки, ҳар кимнинг гури бошқа, азройили булак. Ҳеч ким бирорвнинг шон-шуҳратини тортиб ололмайди ёки бирорвга шон-шуҳрат бахш этолмайди ҳам. Олам, табиат шундай қурилган. Ҳар ким уз овозида, уз даражасида куилайди. Шунинг учун мен мана шундай ҳасад, фараз туйгуларга ниҳоятда нафрат билан қарайман. Ҳаттоқи ажалдан ҳам кўра — ана шулардан купроқ нафратланаман.

Бир одамга антипатия-симпатиядан келиб чиқиб муносабатда булишга ва буни жамият номидан баҳо сифатида тақдим этишларга чек қўйишимиш зарур. Буларнинг ҳаммаси, турган-битгани заарadir. Демоқчиманки, каттами-кичикми, бундан қатъи назар биз истеъодли ижодкорларимизнинг ҳар бирини астойдил қўллаб-куватлашимиз, муваффақиятларидан хурсанд булишимиз, буни эътироф этишимиз керак. Буни мен адабиёт воситаси ила ҳалқ умрини — ҳали келажақда минглаб йиллар мобайнида давом этиши керак бўлган ҳалқ умрини узайтириш деб тушунаман. Истеъододларни қадрлай билиш, мубҳам биққиқликлардан мустасно миллий маданият рав-

нақига жонкуярлик халқ, унинг жонкуяр фарзандлари онги юксаклигини белгилайдиган мезонлардан биридир.

— Сиз шахснинг, инсоннинг маънавий поклиги, тозалиги, интеллектуал даражаси билан алоқадор бўлган мұхим масалани ургага ташлаяпсиз. Шу муносабат билан яқинда “Оғонёк” журналида зълон қилинган мақолаларидан биридаги ёзувчи Виталий Коротичнинг фикри ёдимга кеяди. Чернобилдаги фожиа, даҳшатли моддий фожиадир. Энди бундай ҳодисалардан ниҳоятда эҳтиёт бўлишимиз зарурлиги ҳақида гапириб ўтириш оргиқча, — дейди у. — Лекин даҳшати ундан кам бўлмаган фожиалардан янада эҳтиёт-роқ бўлишимиз керак. Инсоният маънавият Чернобилларидан эҳтиёт бўлмоғи зарур.

— Ҳаёт ҳеч қачон силлиқ жараёнлардан иборат бўлган эмас. Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши деган диалектик қонун бор. Бусиз тараққиёт йўқ. Ижодий принциплар кураши ҳам доимо бўлиб келган. Лекин чиркин шахсий адватлар ёмон. Търма ижодкор учун энг катта фожиалардан биридир. Ошкоралик деган жуда яхши тушунчани ниқоб қилиб олиб айрим одамлар бир-биридан шахсий ўч олиб юришини, билмадим, нима дейиш мумкин. Бу — ўща одамлар ўз ожизлигини намойиш қилишдан бошқа нарса эмас-ку, ахир.

— Энди, Бахтиёржон, майдароқ гап бўлса ҳам бир мисол келтираман. Ёзувчилар союзидаги зал тўла йиғинлардан бирида катта бир шоиrimiz минбарга чиқиб: нега фалончи китобхонлар билан кўп учрашувга боради, нега бундай учрашувларга одамларнинг кўп келиши ташкил қилинади, нега унга одамлар кўп қарсак чалади, бошқаларга эса бундай қилинмайди, деса бўладими?

— **Балки, ҳазиллашгандир!**

— Йўқ, жиддий гапирияпти. Буни эслашимнинг сабаби шуки, менга нисбатан ҳам шундай писандалар бўлиб турди. Демак, бояги гап якка ҳодиса эмас. Мен ҳам кўп учрашувларда бўламан. Учрашувга келганларнинг ҳар бирининг исми-фамилиясини албатта билмайман. Улар менга қариндош-уроф эмас, улар билан борди-келди қилиб, бир пиёла чой ичиб юрган эмасман. Улар мингминглаб одамлар. Уларга рўбарў бўлиб битта шеъримни ўқиб берсам, ёқса керакки, ўз эҳтиросларини, миннатдорчиликларини чапак чалиб изҳор қиласилар. Баъзилар

буни түгри тушунишади. Баъзилар эса, бундан газабини яширолмайды: “Нега улар сенга қарсак чалишади”, — дегандек. Мен қайдан биламан, уларга қарсак чал, деб үргатиб күйган бұлмасам. Тұртта қарсакни эшитиб хурсанд булиб юрадиган ешдан үтган бұлсам. Мен матбуотдаги шеърларни муттасил қузатиб бораман. Улар ичида бир шоирнинг иккинчи шоирға қочирим билан өзган шеърлари ҳам учраб туради. Унинг ичидаги эпитетлар, истек-золар, кинояларни айтмайсизми? Буларнинг миллион-миллион одамларга, халққа нима алоқаси бор? Бу үз аламларини мухолифларига айтишнинг бир усули. Лекин унинг мухолифи битта ёки иккита булиши мүмкін. Бунинг каттакон халққа нима алоқаси бор? Шу гапларни матбуотда чиқарамиз. Халқ үқимайды, тушунмайды. “Кимга айтаяпти бу гапни”, — дейди. Ҳа, айтмасликка жуда чидаёлмасанғ телефон қилиб үзиге айтаб қоя қол. Жанжалинг, келишмовчилигинг бұлса маҳаллий комитет мажлисида чиқиб айт. Маҳаллий комитет мажлисига муносиб гапни, шеър қилиб, құкрагингта уриб, уни яна матбуотда бостириш учун олишиб, чиққандан кейин эса, қалай, болладимми, дегандек одамларга иржайиб, гап кутиб юриш шартми? Умр үтәпти, ахир, үзингдан бир тайинлироқ нарса қолдирсангчи. Очифи, раҳмим келади шундайларга... Хуллас, агар қуйиб берсалар, яхши ёзуучимисиз, ёмон ёзуучимисиз, бундан қатын назар, кимларгадир ёқмадингизми, бас, истаганча олиб бориб — олиб келишга тайёр бұлган, ҳеч нарсадан тоймайдиган одамлар бизнинг қавмимиз орасида ҳанузгача топилади.

— Сиз кейинги ўн йилликда “Савоб”, “Тулки фалса-фаси”, “Учинчи одам”, “Нажот қальаси”, “Самовий мең-мон, беш донишманд ва фаррош кампир қиссаси”, “Она-жоним шеърият”, “Ишонч күприклари” сингари бир қатор шеърлар яратдигиз. Улар элиmezга манзур бұлди. Таңқид-чилик уларни ҳозирги шеъриятимизнинг юзи, сара намуналари, деб баҳолади. Лекин сизнинг асарларингизни эътироф этиш бугун ёки кеча бошланғани йўқ.

Чамаси, 70-йилларнинг ўрталарида ёк атоқлы шоир Николай Тихонов сиз ҳақингизда: “Янги авлод орасида умидвор қиласидиган, құдратли овозга эга бўлган шоир Абдулла Ориповдир”, деган эди. Тихоновдек жаҳон адабиетини яхши биладиган, давримиз шеъриятидан чуқур хабардор

кишининг ёш бир узбек шоири ҳақидаги “қудратли овозга эга бўлган шоир” деган фикрлари шахсан мени ниҳоятда тўлқинлантиради, гуруримга гуур қўшгандек бўлади. Тихонов сизнинг:

Кимдир кўрмай кетган баҳтни мен кўрдим,
Кимдир айтмай кетган сўзни айтдим мен...
Мен кўрмаган баҳтни кимдир кўражак,
Мен айтмаган сўзни айтажак кимдир,—

деган мисраларингизни келтириб, уларга юқори баҳо берган, яна “Истеъодди шоир Абдулла Орипов ўз ижодининг маълум даврига якун ясади”, — деган эди. Қаранг, атоқли шоир эндигина ўғтиз бешга кирганингизда, ижодингизнинг маълум босқичига якун ясалди, деб хулоса чиқармоқда, қудратли овози бор шоир деб баҳо бермоқда. Мен унинг бу фикрларида шу вақтгача ёзилган асарларингиз қимматини белгилашдан ташқари ҳали келгусида, ёзилажак асарларингизга билдирилган катта ишончни кўраман, потенциал имкониятларингизга билдирилган катта умидни сезаман. Ҳолбуки, 70-йилларнинг ўрталарида ҳали “Маломат тошлари”, “Икар”, “Онажоним, шеърият”, “Кўриқхона”, “Жаннатга йўл” сингари асарларингиз майдонга келмаган эди. Бу шеърлар катта санъаткорнинг янгилишманини яна бир карра тасдиқлади.

Мен бу фикрларни фақатгина сизга эмас, бошқаларга ҳам алоқаси бўлган яна бир фикрга ўтиш учун келтирмоқдаман. Гап шундаки, биз у ёки бу ижодкор, айниқса, ёш ижодкор ҳақида мулоҳаза юритганимизда унинг таланти барқ уриб туришига қарамай, яратадиган асарлари нечоғлик гўзал ва дилбар эканига қарамай, у ҳақда юқори пардаларда гапиришдан ўзимизни тийиб турамиз. Осмонга кўтаравермайлик, гуурланиб кетади, ҳатто бу нарса унинг ижодига салбий таъсир кўрсатиши мумкин, деган гаплар одат тусига кирган. Тўғри, аслида бундай фикрларда ҳам жон бор. Мақтovларга учиб ўзини ялтоқлантириб қўювчилар ҳам оз эмас. Адабиёт дунёсидан бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Умуман, керагидан ортиқ даражадаги мақтов фойдадан кўра кўпроқ зарар келтириши турган гап. Лекин, бу деган гап ўзининг ҳақиқий юқори баҳосига муносиб бўлган ёш ижодкорлар, уларнинг асарлари ҳақида ўзимизни “қониқтириб” фикр

юритишга мажбур қилишимиз керак, деган гап ҳам эмас, албатта. Шу муносабат билан бир нарсаны сўрамоқчи эдим. Сиз анчагина ёш кезларингиздан бошлабоқ умумхалқ эътиборига тушдингиз. Асарларингиз мана, деярли йигирма йилдан буён не-не катта санъаткорларнинг юқори баҳосини олиб келади. Вақтида ўринли-ўринсиз қаттиқ дашномларни ҳам эшлишингизга тўғри келди. Асоссиз танқидларнинг салбий таъсиrlари ҳақида нима дея оласиз? Мақтовлар шодасию, умумхалқ эътибори сизни бироз гарангситиб қўйган вақтлари бўлганми? Умуман, бу ҳар икки ҳолатнинг инсон ва ижодкор сифатида ўсишингиз, ўзгаришингизда қолдирган излари ҳақида нима дея оласиз!

— Камтарликка йўйманг-ку, лекин тўғрисини айтсам, мақтовлардан ҳеч қачон гарангсиган эмасман. Ишқилиб, баҳоли қудрат қоралаган, тунни тонгларга улаб ёзган нарсаларинг ҳақида илиқ гапларни эшлиши кимга ёқмайди, дейсиз. Лекин яхши гапни ёқтиришда ҳам меъёрни унутмаслик керак. Акс ҳолда ёзувчи ҳам сўргичга ўрганган гўдакка ўхшаб қолади. Гўдак ярим тунда уйғониб сўргич талаб қиласвергандек, мақтовга сел бўлган ёзувчи билан гаплашганингизда ҳар икки сўзингизнинг биридан мақтов ҳиди келмаса, бошингиз балога қолади. Мақтов қулига айланган кўплаб ажабтовур ёзувчиларнинг ижоди бевақт сўлганини яхши биламан. Шу нарсадан воқифлигимми, билмадим, ишқилиб шукур шеърларим ҳақидаги Ойбек, Куфултиновдек, Расул Ҳамзатов, Кайсин Кулиевдек жуда катта санъаткорларнинг менга нисбатан айтган ширин гаплари ёки бояги айтганингиз Тихонов домладек машҳур кишиларнинг баҳолари мени ортиқча талтайтиrmади, гангитмади. Лекин ниҳоятда хурсанд қилгани бор гап. Қилаётган ишларинг тўғри ва одамларга керак эканини билиш, бу — сўз билан ифодалашга доим ҳам бўйсинавермайдиган ажиб бир туйғудир. Қўлига қалам ушлаган ҳар бир киши, ҳар бир ижодкор каби мен ҳам яхши гапнинг, илиқ гапнинг гадосиман, яшириб нима қилай? Шунинг учун кимдир яхши асар ёзса-ю, унинг баҳосини билатуриб, ўз фикрини айтиши мумкин бўлган одам оғзига толқон солиб юраверса, бундай одамнинг гуноҳи ўзида деб биламан. Мен буни фақат ўз номимдангина эмас, қатор яхши асарлар ёзаётган кўплаб укаларим учун ҳам айтяпман.

— Ўзимизнинг адабиётдаги устозларингиз, дўстларингизни кўпчилик яхши билади. Қардош халқлар адабиётдаги дўстларингиз, устозларингиз ҳақида нималар дея оласиз?

— Умуман, мен адабиётларимиз тарихидаги ёзувчилараро ҳукм сурган дўстликка ҳавас қиласман. Ойбек ва Мухтор Аvezov, Fafur Fulom ва Собит Muqonov, Ҳамид Олимжон ва A. Fадеев, Абдулла Қаҳҳор ва K. Симонов... Бундай дўстликаро халқлар дўстлиги мустаҳкамланади.

Менинг ҳам Үлжас Сулаймонов, Мўмин Қаноат сингари яқин дўстларим бор.

Устоз деб билган кишилардан Қайсин Қулиевни ҳеч қачон унутмайман. Қайсин оға менга жуда катта ердам берган. Шеърларим эълон қилинмай, қийин шароитларда юрганимда бу киши менинг “Муножотни тинглаб”, “Тилла балиқча” каби шеърларимни Твардовскийга тавсия этди, босишга кафолот берди. Твардовский уларни таржима қилдириб, “Новый мир” журналида эълон қилди. Кўп утмай Твардовскийдан телеграмма олдим. У киши янги шеърларимнинг сўзма-сўз таржимасини юборишини сўрадилар. Юбордим. “Новый мир”нинг муқовасида “кейинги сонларда A. Ахматова, A. Орипов шеърларини эълон қиласмиз” деган хабар чиқди. Лекин Твардовский оламдан ўтгач, бу гаплар қолиб кетди. Кўряпсизми, ижодкор учун раҳнамо кишининг аҳамияти қай даражада муҳим. Ана шундай катта қалбли инсонлар, катта қалбли адиллар сафида мен Мирзо Турсынзода домлани кўрдим. Бир куни Мирзо Турсынзода билан Fafur Fulomning Москвада ўтган (агар янглишмасам 70 йиллик юбилейида) Колонна залида бирга бўлдик. Мен ҳам шеър ўқидим. Чиққанимиздан кейин “Абдуллажон, (узбек тилида жуда яхши гапиарди у киши) кузатиб қўйинг, гаплашиб кетамиз”, — деди. Изғирин, қор учқунлаб турган эди. Аста юриб, кўп гапларни гаплашдик. “Мана, курдингизми, Fafur ҳам йўқ..., бизнинг ёшлиларимиз билан борди-келди қилинглар, дўст бўлинглар” деган гапларни айтди. Кейин “Литературная газета”да мақола эълон қилиб, мен ҳақимда илиқ фикрлар билдириди. Мен у кишига мактуб йулладим. Демоқчиманки, бизнинг авлод бу устозлардан фақат маҳорат сирларинигина эмас, одамийлик илмини ҳам ўрганиши керак. Мана шундай мукаммал, бағри ни-

ҳоятда кенг, ҳар нарсани туб-тубидан тушунадиган, қолаверса, кечиримли, одамларда яхши фазилатларни биринчи бўлиб ахтарадиган, халқлар уртасида миллий адоват эмас, меҳр-муҳаббатни алангалатишни мурод қилган одамлар, жуда ноёб бўлар экан. Ана шундай одамларга биз ҳозирги қунларда жуда муҳтоjmиз. Масалан, ўзимизнинг республикамиизда ҳам шундай одамларга муҳтоjmиз. Шундай одамлар баҳтимизга бор. Уларнинг айримлари масъул вазифаларни бажармоқдалар, айримлари ҳозир масъул вазифаларда ишламасалар ҳам ўз улуғ хизматларини керакли жойларда адо этмоқдалар, улардаги катта тажриба оталарча меҳр, боя сиз айтгандек, республикадаги маънавий муҳитни соғломлаштириш ишида ўзининг самараларини бермоқда. Бундай шахсларга муҳтоjлик жамиятда ҳамиша бўлган ва булади.

— Мана шундай, адабиётимизга жиддий ёрдамлар бера олиш қўлидан келадиган, кучи етадиган, раҳбарликда катта тажрибаларга эга бўлган ўртоқлар, айниқса, таржима ишларимизда ўнлаб йиллардан буён ҳукм сурib келаётган камчиликларимизни ҳам бартараф этишга кўмаклашишса жуда яхши иш бўларди-да.

— Бу жуда муҳим масала. Муҳим гап. Уни ҳал қилишда ташкилий ишнинг аҳамияти катта, албатта. Лекин шунинг ўзи етмас экан, шекилли-да. Гап шундаки, таржимон одатда, бир жойда ўтириб, ким нима келтириб берса, шуни таржима қиласман, деб кутиб юрмаслиги керак экан. Афсуски, бизнинг ҳозирги Россиядаги, Москвадаги таржимонларимиз узбек адабиётидан яхши хабардор одамлар, дейиш қийин. Улар келиб Ўзбекистонда ўн беш-йигирма кун туришсин, дейлик. Шундаям бир нозик томони борки, қайси шоир, қайси носир уни етаклаб юради. Қандай қилиб тушунтиради, бугунги адабий жараённи. Шунда ҳам, тушунтира билишда одамга кўп нарса боғлиқ булади. Агар у объектив бўлса, фалончининг, пистончининг асарлари, энг сара асарларимиз, мана шуларни таржима қилинг, деб айтса-ку хўп гап. Лекин акси бўлади, кўпинча. Бу масалага республикамиз раҳбар ташкилотлари миқёсида қарашимиз керак булади. Таржимонларни ҳукумат миқёсида чақириб, уларга маҳсус, объектив равишда айтиш керак булади. Бўлмаса ёзувчи халқи қизиқ, ўзингиз биласиз. Уларнинг ҳаммаси: ўр-

тасаси ҳам, саёзи ҳам, каттароги ҳам мен яхшиман, мен зўрман, мени таржима қилишсин, жаҳонга танилишим керак, дейди. Биронтасини ҳали эшитганим йўқ, мен бўш ёзувчиман, таржимага арзимайман, деганини. Шунинг учун биз адабиётимизни катта миқёсга кутариш учун холислик, объективликни биринчи навбатда ўртага қўйишмиз керак. Таржима қилинадиган шеърнинг муаллифига эмас, шу асарнинг бугунги адабиётдаги ўрнига қараш керак. Шеърнинг ўзи адабиётда яшаб қола оладими? Келажаги борми, унинг. Ана ўша шеърни олиб таржима қилиш керак. Она тилида ёзилган шеърни ўз тилида ўқилмаса, ўз ерида ҳеч кимга зарурати бўлмаса, бирор уни эшитмаса, адабиётда қиммати бўлмасаю, у нари бориб кўшнининг ҳовлисида ноғора чалиб юрса, тўй бу ерда бўлса-да, томоша томорқада. Таржимонга талаб қушишни, таржимон танлашни ҳам ўрганайлик-да. Ўртача шоирнинг қўлига Пушкиннинг шеърини таржимага беринг. Нима қиласи. Ўзининг даражасига тушириб олади. Ўзининг бўйи билан баб-баравар қиласи. Ундан бошқа илож йўқ.

Унинг фикрлаши, талант даражаси, тил билиш уқуви, ҳис қилиш савияси, ҳаяжонлари ўзининг қолипида бўлади. Таржима қилаётган одам, бугун ўртача бир шоир дейлик, ўгираётган муаллифини ҳам албатта, ўртача шоирга айлантириб беради. Бу биринчидан. Иккинчидан, таржимон ва оригиналдаги муаллифнинг услублари бир-бирига мос келиши лозим. Масалан, Роберт Рождественский Расул Гамзатовнинг асарларини таржима қилди. “Известия” газетасида босилди. Роберт яхши шоир, бу шубҳасиз, лекин у ўзига хос, пиллапоя шаклда қисқа-қисқа туроқларда ижод қиласи. Илож борича услубда мукаммалликка эришилмас экан, таржимадан муваффақият кутиш қийин. Мен албатта, буни назарий масала деб биламан. Биласизми, ҳатто ҳар бир халқнинг хоҳлайсизми, йўқми, ўзининг фикрлаш тарзи, манераси бўлади. Ўз фикрини, ҳис-ҳаяжонини изҳор қилиш йусини бўлади. Дейлик, шарқ халқларида қандайдир бир тавозе, қандайдир жиндаккина кутаринкилик, оқибат, маҳзун ибо, илтижоли ҳаё, лутф, маъракаю маросимларда ўзини тутиш, аёлларнинг ўзаро муносабатлари, аёллар билан эркаклар ўртасидаги суҳбатдаги ўзига хослик, бир-бирига мурожаат қилишдаги ўзаро интонациялар, оҳанглар — уларнинг

ҳаммаси фикрлашни, шу жумладан, бадий фикрлаш тарзини ташкил этади. Уларни таржимада бера билиш керак. Бу эса осон эмас. Улар рус тилига таржима қилинار экан, Ўрта Россиянинг, соф рус кишисининг фикрлаши ёки фикрининг шакл-шамойилини таржимага ҳам утиб қолиши ҳеч гап эмас.

— Абдулла ака, сухбатимиз миллий фикрлаш, умуман, тил масаласига келиб боғланяпти. Бадий асар тилидан ташқари, умуман, халқ тили, айтайлик ўзбек тилининг ривожи, тараққиёти, уни асраб-авайлаб, янада юксалтириш, деган масалалар ҳам бор. Ўрта мактабларда, айrim олий ўқув юртларида ўзбек тилига ажратилган соатлар йилдан-йилга камайиб боряпти, деган гаплар қулоққа чалинмоқда. Бундан ташқари қатор актёрларимиз, таникли, машҳур режиссёрларимиз борки, ўзбек тилини яхши билмайдилар. Шундай олимларимиз борки, радио ва телевидение орқали ўзбек тилида гапиришга нихоятда қийналадилар. Умуман, тилимизга эътибор бироз кўнгилдагидай бўлмаяпти, шекилли, деган фикрлар ҳам келиб чиқади.

— Тиллараро ҳеч қачон узаро кураш бўлган эмас, бўлмайди ҳам. Масалан, сайраётган булбул ёнида сайраётган саъва билан ҳеч қачон жанжал қилмайди. Саъва ўзининг репертуарини куйлайди, булбул ўзининг нотасига қараб қушиқ айтади. Демак, одамзод ҳам шундай яратилганким, ер юзида саккиз мингга яқин тил бор экан, саккиз мингта қуш ўзича сайрайяпти, шундай деб қураш керак. Шунинг учун чумчукқа саъванинг тилини мажбурий ўtkазиш керак деган нарса бу — тарихга ва умуман, табиатга қарши катта зуфум ҳисобланади. Шунинг учун бизнинг тилларимиз, масалан, ўзбек тили қадимдан араб тили, форс тили, мана, тожик тили билан ёнма-эн дустона яшаб келди-ку. Ҳозир ҳам яшаб келяпти. Бир-бирини еб, бир-бирини йўқотиб юборган эмас, ҳеч қачон. Аксинча, битта одам иккита тилни билса бойийди. Учта тилни билса, ундан ҳам кўпроқ бойигани. Пушкин француз тилини жуда яхши билган, француз тилида шеърлар ёзган. Лекин бу унинг улуғ рус халқининг миллий шоири булишига заррача ҳалал берган эмас. Рабинранат Тагор улуғ бенгал езувчisi, шоири, Ҳиндистоннинг буюк фарзанди. Лекин бу одам инглиз тилини она тили бараварида билган ва ёзган ҳам. Лекин бу унга Ҳиндистон миллий

адиби булишига ҳеч қачон халақит берган эмас. Кимки агар қўп тилни билса унга ҳавас қилиш керак, холос. Агар модомики, давр, шарт-шароит тақозоси билан бир тилни мукаммал билмаган экан, уни камситишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Чунки унинг ўз она тили бор. Ва бу тил ҳалиги биз айтганимиз каби жаҳон тиллари хазинасида гүё бир дурдона, майли, қиммати қай даражада булмасин, шу хазинанинг битта бўлаги ҳисобланади. Жаҳон цивилизациясини, жаҳон маданиятини яратаетган бир маданият ҳисобланади. Мана Шалом Алайхум ирвит тилида яхудий адабиётини яратди. Ҳеч ким унга дашном бермади-ку, “нега сен яхудий тилида ёзгансан”, — деб. Худди шунингдек, бизнинг тилимизга ҳам баъзи бир нуқталарда, баъзи тарбияси номукаммал одамлар камситиш билан қарайдиган бўлсалар, бундай одамларни, ҳали тўла шаклланмаган одамлар деб ҳисоблашимиз керак. Ҳатто гаплашиб утиришга лойиқ эмас бундай одамлар. Умуман, улар, ўз тилининг ҳам аҳамиятини тушунмайдиган одамлар ҳисобланади. Шунинг учун бизнинг ўзбек тилимиз ҳақида гапирганда, баъзи бир шундай кимсалар, бу миллатчилик қилаетибди, деган гапларни айтиши эҳтимолдан узоқ эмас. Бундай типлар бор. Тил бу — одамларга табиат томонидан берилган, инсонларнинг минг йиллар мобайнида ўзаро муносабатларида сайқалланиб қелган шундай бир жавоҳирки, бу жавоҳирни сочиб юбориш, беҳурмат қилиш эмас, кўз қорачигимиздек асранимиз керак.

Болаларимиз рус тилини, бошқа тилларни: инглиз, француз, немис, испан тилларини яна ҳам кўпроқ ўрганса, нур устига аъло нур бўлади. Лекин бошқа тилни ўрганиш ҳисобига ўз тилини оёқ ости қилишга ҳаракат қиливчилар ҳам учраб туради. Бу ўз она тилига муносабатнинг совуқлонлиги шаклида кўринади, унга меҳр билан қарамаслик шаклида кўринади. Шаҳар шароитида ўсган баъзи болалар ўз она тилида гаплашишдан ҳазар қилишга ўхшаш ҳоллар ҳам учраб туради. Шунинг учун қайси тилини ўрганишдан қатъи назар, биз она тилимизнинг обрусини таъминлашимиз керак. Тил учун, курашнинг энг биринчи босқичини мен тил обрўсини таъминлаш масаласи деб биламан. Интернационал фикрим, ҳамиша шундай. Она тилимиз — ўзбек тилининг обру эътиборини баланд кутаришда ҳали қўп иш қилишимиз керак.

— Яна таржима хусусидаги сұхбатимизга қайтсак... Сиз Дантеңинг “Илоҳий комедия”сини ўзбекчага ўтиридингиз. Бу таржима таъсири натижасида “Жаннатга йўл” номли драматик достонингиз майдонга келди. “Илоҳий комедия”нинг қолган қисмини негадир ҳанузгача таржима қилмаяпсиз. Ҳар қалай жаҳон адабиётининг бу шоҳ, асарларидан бири устидаги таржима ишинингизни мукаммал тутатиб ҳалқимиз мулкига айлантириб қўйсангиз ёмон бўлмасмиди. Боя ўзингиз айтдингиз, оригинал ижодда ҳам, таржимада ҳам асар руҳига монандликдан келиб чиқувчи ёш масаласи муҳим роль ўйнайди, деб. Йиллар ўтиши “Илоҳий комедия”нинг қолган қисмига бўлган эҳтиросли муносабатларингизни ўзгартириб қўймасмикин!

— Бу менинг ҳаётимдаги энг катта армонларимдан бири бўлиб турибди. Биринчи китоб жуда катта қийинчилик билан, жуда катта мароқ билан таржима қилинди. Таржимадан мен озми-кўпми сабоқ олдим. Иккинчи китобнинг таржимасини ярмигача етказдим. Энди бу асарга шундай муносабат билан қарайманки, унинг таржимасига киришиш учун маҳсус равишда бир йил, бир ярим йилми ажратиб олиш керак. Кунда эрта билан ишга бориб, кечқурун келиб таржима қиласиган асар эмас бу. Бу асар ўзи битта дорилфунундир. Бунинг устига таржима қилишга киришган одам ҳар бир сатрдаги қанча таъриф бор, номи тилга олинган қанча шахслар бор, шартшароитлар бор, бунинг ҳаммасини маълум манбалар орқали ўрганиб, мағзини чақиб, териб бориши керак бўлади. Бунинг учун маҳсус равишда, жамоат ишларидан ажralган ҳолда, масалан, ўзининг ижодий ишидан ҳам воз кечган ҳолда, астойдил киришмоқ зарур. Шунинг учун мен бу йил бўлар, ёки янаги йил бўлар деган орзу билан шу ишни столим устига қўйиб, ҳар доим унга қараб юрагим безиллаб туради... Энди жиндаккина тўхтаб турганлигим сабабларидан яна бири, бу ишнинг ниҳоятда оғирлиги, жуда катта масъулияти мени доимо чўчитиб туради. Иккинчидан, бу асар таржимасини бир руҳий созланишга тушиб олиб, шундан чиқиб кетмасдан тугатиш керак. Агар создан бир чиқиб кетсангиз унга қайтиб тушиш қийин. Яна ўша ҳолатга тайёрланиш учун маълум муддат керак бўлади. Агар бир марта совисанг, ўз оригинал асаринг ҳам узоқ вақт битмай қолиши мумкин.

“Ўзбекистон” шеъримни олайлик. Мен уни 1964 йилда бошлаганман. Шу орада унинг ярмини ёздиму қолган ярмига уша маҳалда нафасим етмади. Шеърни тұхтатдым кейин. Орада бошқа кайфиятлар билан боғлиқ шеърларни өзіб юравердім. Вақти-соати келиб яна шу шеърга кайфиятим рұпара келди. Күтиб турған эдім шуны. Худди келган жойидан яна қаттық бир меңнат билан шеърни тугатдым. Энди шунга қандайдір бир олти-етті йил вақт кетди. “Онажон” деган шеъримни тугатиша ҳам худди шундай бўлган. Мен кичик шеърлар ҳақида айтаётібман. Катта асарлар ҳақида гапиргандা ўзингиз тушунасиз. Шунинг учун Дантенинг “Илоҳий комедия”-сини бир киришгандаёқ таржима қилиб тугатиш мумкин бўлмаган иш. Бу, ўйлайманки, вижданан ишлайдиган таржимонга ҳеч қачон тўғри келмайди. Мумкин эмас. Дантенинг “Илоҳий комедия” сидек буюқ, муҳташам асарини бир ўлтириб, кетма-кет ишлаб, бошдан-оёқ таржима қилиб чиқиб кетиш учун одам боласи эмас, балки қандайдір бир бошқа мавжудот бўлиш керак. Бунга ҳеч кимнинг кучи етмайди. Бунинг учун маълум бир танаффус бўлмаса — бу эзіб ташлайди одамни. Шунинг учун ҳам менинг дўстларимдан бири Ўлжас Сулаймонов: қизиқ Абдуллајон, Данте таржимонларидан бирортаси ҳам таржимадан тирик чиқмаган, мен ҳисоблаб чиққанман, деган эди. Ирим қилган эмасману мен жуда ўйлаб қолганман шунда. Масалан, мана, Озарбайжон таржимони Али оға Курчайли таржима қилган. У ҳам дунедан утиб кетди. Қозоқлардан Маҳамаджон Мацатоев — у ҳам дунедан утиб кетди... Буларни шу таржима ўлдириб юборди, демайман. Лекин бунинг тагида бошқа бир маъно борки, бу асарнинг улуғлигини, оғирлигини рўйи-рост, дилдан, қалбдан ҳис қилиш керак. Бу асар узига шунчаки енгил муносабатда бўлишни кўтармайди. Унга киши узини тамомила бағишкаши, унинг ичига кириб кетиши керак. “Дузах”ни таржима қилган кезларим, тушларимда Қўлимда кетмон билан одамларнинг суюкларини қазиб юрадим. Бундай туш қуриш — кетмон билан қабрларни кавлаб, каллалар, суюклар билан гаплашиб чиқиш — кимга ёқади, дейсиз.

— Демак, Данте буткул борлигинизга, ҳәётингизга, қонингизга, фикрингизга, тафаккурингизга сингиб кеттан-да...

— Мен ҳозир Дантеңинг феъли қандай булган, нимани яхши күрган, нимани ёмон күрган шуларни бир даражада тасаввур қила оламан. Агар ҳозир бир мұжиза бұлсаю, у киши билан гаплашишга түгри келиб қолса, худди у кишининг туғишидан укасидай ёки бир фарзандидай қийналмасдан, бемалол гаплашиб кетган булардим. У кишининг характерларини биламан: нимани яхши күриши, нимани ёқтирмаслиги, кайфиятлари қанақа булишларини, бир кунда неча хил ҳолатта тушишларини, үтмишга, тарихга, келажакка, замондошларига муносабатларини ёки бугунги воқеа-ҳодисаларга қандай мурожаат қилишларини, муносабат билдиришларини мен тасаввур қиласман, биламан шуни. У боя сиз айтгандек, менинг қандайдир бир қонимга сингтан, менга қадрдон, таниш одамимга айланған. Шунинг учун мен Италияга борганимда у киши бұлган, үтган жойларни күриб, уларга худди Дантеңинг күзи билан қараётгандек туюлғанман үзимга үзим. Денгиз атрофлари, Сицилия буқаси деган жойлар, у ердаги ҳайкаллар гүё үзим бутун умрим давомида билган, таниған нарсаларимга үхшаб күринди. Мен үйлайманки, таржимон учун мана шу керак. Таржимон маълум даражада авторга айланып қолиши зарур. Изтироби ҳам шундай булиши керак.

— Абдулла ака, үйингизда, боғда, айрим сафарларимизда, масалан, Москвада бир неча кун бирга бўлганимизда янги асар бошлаганингизни, баъзи шеърларингиз устида қайтадан ишләётганингизни, баъзан эса ҳали бошланмаган асарингиз ҳақидаги фикрларингизни айтиб, кейинчалик унинг тугалланган шеърга айланғунча кечган жараёнларнинг гувоҳи бўлғанман бир неча марта. Бир-биримизга халяқит бермай бир хонада бўлганимиз кезлар ишлаш жараёнингизни кузатғанман. Баъзан фикр, жумла, ибора, образлар у ёқда турсин, битта сўзни эртадан-кечгача бир кун давомида излаган пайтларингизни кўрдим. Даста-даста қўл-ёзмаларингизни кўздан кечириб, шеърларингизнинг ҳомаки нусхаларини ўқиб, айрим иборалар, сатрларнинг ўн-ўн бешлаб вариантларига дуч келдим. Бу үз-ўзингиздан қаноатланмаслигингизми ёки шеърий мукаммалликка эришишга интилишми?

— Билмадим. Одам яшаши учун нафас олиши керак.

Лекин яшашым учун мен қандай нафас олайпман деган хаэлга одам сира бормайди. Сиз айтаётган бояги ишлеш жараёним менга ана шундай оддий бир нарса бўлиб туюлади. Шунинг учун бу ҳақда сира ўйлаб кўрмаганман.

— **Поэзиядан бошқа жанрларда ҳеч куч синааб кўрганмисиз?**

— Бир вақтлар икки-уч драма қоралаганим бор. Лекин улар ўзимни қаноатлантирумади.

— **Каттароқ прозага мурожаат этиш истагингиз йўқми?**

— Ҳозирча бирор нарса дейиш қийин. Лекин Жан Жак Руссо, Гельвеций, Спинозаларни кўп, такрор-такрор ўқийман. Мабода, прозада ёзиш истаги тинч қўймаган тақдирда ўшалар типидаги нарсалар ёзиш ниятим йўқ эмас. Бироқ, барибир, прозани ўйласам, ўкувчини зериктириб қўйищдан қўрқаман. Шеър бошқа, проза бошқа. Шеър менга ўз ётогимга, наср эса меҳмоннинг уйига ўхшаб куринади.

— **Ҳаким ва ажал”, “Жаннатга йўл”ни ҳисобга олмаганда, мана, деярли ўттиз йилдан буен жиддий ёзишингизга қарамай, негадир достон, поэмага кам мурожаат қиласиз?**

— Езган талайгина достонларим бор. Лекин талабимдаги мукаммалликка эришолмагандек бўлиб туюлди, шунинг учун матбуотга бергим келмади. Сабаби, яна кўнглим тулмаётгандек бўлиб куринди.

— **Неча ёшигиздан шеър ёза бошлагансиз!**

— Аниқ эсимда йўқ. Ҳар қалай олти-етти ёшларимда бўлса керак. Ҳарфларни эндиғина таниб, бир-бирига қўшишни ўргангандек кезларим эди, шекилли. Шеърга ишқибозлигим саводим чиқишини тезлаштиргани эсимда, ҳар қалай.

— **Болалиқдан шоир бўлишни орзу қилганмидингиз!**

Шеър ёзишни жуда яхши қўрадиму, лекин болалигимда шоир бўлишни орзу қилганимни пайқамаганман. Ҳозир ўйлаб қарасам, болалигимнинг ўзи шоирлигим эканми, ким билади? Лекин ёшлигимда осмон илмига жуда қизиқардим. Астроном бўлишни орзу қилган пайтларимни яхши эслайман. Қишлоғимиз осмонидаги товоқдай-товоқдай келадиган юлдузларга маҳлиё бўлиб қандай сир бор экан у ерларда деб куп ўйлардим. Болалик орзу-

лари барибир қалбда абадий муҳрланиб қоларкан. Ҳозир ҳам юлдузлар дунёсига кўп қизиқаман. Юлдузлар ҳақидаги китобларни кўп ўқийман. Боғда кичиккина телескопим ҳам бор. Бўш вақтларимда юлдузларни кузатишни яхши кўраман.

— **Ижодни, шеъриятни ҳисобга олмаганда энг яхши кўрган нарсангиз, машгулотингиз нима? Юлдузлар ва фалакиётми?**

— Шеърдан кейин юрагимга энг яқин нарса нима эканини, қаранг, ҳозиргача сира жиддий ўйлаб кўрмаган эканман... Йўқ. Фалакиёт эмас. Шеърдан кейин юрагимга энг яқини — болалар. Бу дунёнинг энг азизи болаларимdir. Яна, кенгликларни жуда севаман...

1987 иил

АГАР БОШИМ ЗАРУР БЎЛСА...

— Бир савол неча асрлардан буен одамзотнинг бошини қотириб келади. Яъниким, бахт нимада деган савол бу. Эсимда, 60-йилларда “Ёш ленинчи” газетасида шу масала бир йил давомида муҳокама қилинган эди. Ўша пайтда кўпчиликнинг фикри рўзномада бир даражада эълон қилинган. Кимдир бахтни муҳаббатда, кимдир ўқишга киришда, яна кимдир эса, саломатлигу бадавлатлиқда деганди. Туғри, буларнинг барчаси якка-ёлғиз инсон учун зарур. Очга нон, беморга соғлиқ керак. Умуман, халқнинг бахти нимада? Афсусу надоматлар бўлсинким, бу ҳақда ўша пайтларда ҳатто ўйлаш ҳам мумкин эмас эди. Модомики, халқ айрим шахслару ва оиласлардан таркиб топган жамоа экан, унга юқоридаги биз айтган унсурларнинг барчаси зарур бўлади. Бироқ такрор айтаман: халқнинг бахти нимада? Халқнинг бахти озодлигу мустақилликда эмасми? Истакларинг барчаси рўебга чиққани билан бироқ, халқ мутелиқда яшаса ундей халқни бахтли деб бўлмайди-ку. Шукрким, надоматлар орқада қолди.

Яқдиллигимиз бу — яхши. Ягона Оллоҳу ягона Президентни эътироф этишимиз шарафли. Биттагина гапимни она халқимга эркалиқ билан айтиб қўяй. Яъниким, биз ўзбегу бошқа халқлар боболаримиз қадриятларини

химоя қиласуриб, үзимиз ўзгалардан сиесий тарзда озод булсак-да, бироқ бир нарсага қул булиб қолсак, унда үзимизни тұла маңнода мустақил дея оламизми?! У ҳам бұлса нафс қуллиги. Нече асрлар Яссавию Нақшбанд бобомиз, Темуру Навоий инсониятни мана шу қулликдан озод қилишга чорлаб үтмадими. Навоий бобо деганлар:

Улдир әркін, сайд этиб нафсоният.
Фолиб үлса умрида руҳоният.

Яньиким: мустақил шахс улким, тоинки нафс балосини енга олса. Шу билан баробарида унинг умрида руҳият дунеси фолиб келолса. Шу маңнода үйлаб құрайлыкчи, биз тұла мустақилликка эриша олдикми? Тұғри, сиёсий, жүғрофий маңнода ушбу озодлик юз берди ва бунинг учун улуғ, дадил дарғамизга ташаккур айтамиз. Лекин ағсуслар бўлсинким, ватандошларимизнинг барчаси ҳам тарихий неъматнинг қадрига етолган эмаслар. Келинглар, дұстларим, гузарон умрнинг нималигини яхшилаб фаҳмлайлигу, үзимиздан үтган хатоларни ичимизга ютиб, фарзандларимизга оқ йўл тилайлик. Мана шу йўлда агар менинг бoshim зарур бўлса олақолинг.

— Абдулла ака, маълумки бобомиз Амир Темурга қўйилган ёдгорликни қабул қилиш ҳайъати аъзосисиз. Ёдгорликнинг нусхаларини танлаш қандай кечди?

— Биринчи навбатда таниқли ҳайкалтарош Я.Шапиронинг нусхаси ўртага қўйилди. Бизнинг тилда айтганда, Ёқубжон Шапиро (адашингиз) бюст яратишга уста экан, чунончи, унинг Шароф Рашидов, Владимир Жонибековларга қўйилган бюстларини эътироф этамиз. Шунингдек, унинг Бухородаги “Лаби ҳовуз буйидаги Насриддин Афандига қўйилган ёдгорлик” асари ҳам диққатга сазовор. Бироқ, Амир Темурга келганды Шапиронинг кучи етмай қолибди. Биз, албатта, ҳайкал муаллифининг миллатини ҳисобга олган эмасмиз. Биродарим Шапирони бошқа ютуқлар билан табриклаш мавриди келар, лекин ўзбек боласи Илҳом Жабборнинг ушбу асари сўзсиз равишда барчага манзур бўлди. Комиссия аъзоси сифатида қўйидаги гапни айтдим: Соҳибқирон Темур чап қўллари билан тулпорнинг юганини тортиб турибдилар. Бу билан демоқчиларки, ҳой одамзот, юганини қўйиб юборсам чатоқ бўлади... Ўнг қўллари эса фалак ва заминга қаратил-

ган дастпанжа. Унда қиличу қалқон йўқ. Темур бобомизнинг асосий ғояси “Рости-русти” – куч бу адолатда деган шиор намоён бўлаяпти. Шиддаткор ва ғолиб Темур инсониятга омонлик тилаётир. Балки баҳш этаётир... Бу рамз эски ва нотанти дунё учун ғоятда ибратли ишорадир. Мақтансам, мақтана қолай: мен ҳам Темур бобомнинг асл набирасиман. Афсуслар бўлсинким, неча йиллар мобайнида бобомнинг номини айтолмай келдим. Уни баъзан Соҳибқирон, баъзан Жаҳонгир деб атадим. Номларини ошкора айтиш мумкин эмас эди.

Дустларим, Темурдек зотнинг обру эътиборини қайтадан ўрнига кўя билиш учун Темурдек шижоатли одам керак экан. Баҳтимизга ул зот пайдо бўлди. Минг раҳмат, Президентимизга!

1993 йил, август

ВИЖДОН БҮЙРУГИ

Бу кўхна тарих нималарни бошидан кечирмаган дейсиз. Кекса дунё пешонасига нима битилган бўлса ўшани кўриб келаётиди. Қисмат-ку ўз йулига, бироқ бир мантиқ мени доимо ҳайратга солади. Бир корсон атала атрофида йифилганлар қошиқни навбати билан айлантиргани сингари бир ҳалқа кеча қошиқ теккан булса, иккинчисига эрта ё индин тегади ва ҳоказо. Дунёни титратган Чингизхоннинг Мўгулистани бугун камтаргина бир давлат. Ёхуд қадимги Юнонистонни эсланг. Искандарнинг номини эшитганда одамларнинг лабига учук чиқсан. Ўзимизнинг буюк Темуримиз-чи? Улуғвор Рим-чи?

Кечаги буюк салтанатлар эндиликда кўп қатори давлатларга айланиб турибди. Собиқ иттифоқ ҳам ана ўшандоқ империялардан бири эди ва қуни кеча оламдан куз юмди. Энди уни қўмсаш ғалати-ку. Қумсаётганларнинг юрагида, ҳеч шубҳасиз, фарази бор. Ҳукмдорлик, бошқа ҳалқларни уз чизган чизифидан юргизиш, катта-катта луқмалар кимларнингдир тушига кириб, тинчлигини бузмоқда, шекилли.

Дунёда ҳеч бир ҳалқ қуни-қушнисиз, якка ўзи яшай олмайди. Савдо-сотиқ, олди-бердилар – иқтисодиётнинг

бош мезони. Бироқ масаланинг бошқа, сиёсий жиҳати ҳам мавжудки, бунда бирор кимсанинг қули баланд келиши тарихий ҳақиқат мувозанатини бузиб юборади. Яъни ҳар кимнинг бошпурти узига буюрсин. Ватани дахлсиз, миллати мустақил бўлсин!

Бундай эзгу тилак, назаримда, елкасига кеча офтоб теккан ҳар бир қардошимизнинг юрагида бор. Аммо бизнинг шоввоз сиёсатчиларимиз ҳар ой бўлмасада, йилда янги бир “фоя”ни кўтариб чиқадилар. Мана бугун, МДҲдан бошқачароқ – Евроосиё деб аталмиш иттифоқ тузиш ҳақидаги гап-сўзлар қулоққа чалиниб қолди. Унинг тузилишига асосий сабаб – МДҲнинг “ишимамётгани” эмиш. Шоввозларнинг фикрича, янги иттифоққа аъзо бўлган давлатларнинг иқтисодий, мудофаа ва ташқи сиёсатини мувофиқлаштириб турадиган олий идораси тузиларкан. Бу иттифоқнинг Олий Совети ягона бўлиб, ҳар бир давлатнинг қонунлари бир-бириникига мослаштириларкан, давлатлараро ижроия котибият ва ҳоказолар фаолият кўрсатаркан. Фуқароларда бир хил бошпурт, ҳатто валюта ҳам ягона... ва шунда ўйлаб қоласан: бу иттифоқнинг собиқ иттифоқдан фарқи нимада бўлади? Мустақиллик дегани шуми? Қани давлатнинг ташқи дунёдаги қиёфаси? Миллат овози қани? МДҲ доирасида қабул қилинган ҳужжатлар, келишувларнинг амалга ошмаслигига ким, нима сабабчи бўлаётир? Шундай экан, пешлавҳани ўзгартирган билан бирор нарса ўзгариб қоладими? Саволлар беадад, жавобнинг эса тайини йўқ. Бундай фоя тарафдорлари нималарни соғинаётгани бизларга аён. Чунки биз давлатлар устидан назорат этиб борадиган идорани кимлар бошқаришини сезиб турибмиз. Янги иттифоқ Европадаги иттифоқдан андоза олармиш. Айни ўринда бизнинг сиёсатчиларимиз Европадаги иттифоқ неча ийлдан кейин юзага келгани, нима мақсадда тузилгани хусусида жиндай бош қотирсалар чакки бўлмасди.

Такрор бўлса-да эслатайлик: ўтган мана шу уч ийл мобайнида мустақиллик шарофати туфайли, айниқса маънавий соҳамизда қанчадан-қанча ютуқларга эришдик. Қолаверса, бизни жаҳон таниди. Куни кеча собиқ иттифоқнинг номи ҳам дунё наздида Россия эди. Бизлар гўёки мавжуд эмас эдик. Хориждагилар кўп борса Самарқанду Бухорони эшитган бўлиб, Тошкентни эса олтмиш олтинчи йил офати – зилзиладан кейин танигандай бўлдилар.

Худо кўрсатмасин, яна бўйнимизга бўйинтириқ тушадиган бўлса, гаврон қўтариб дағдаға қилувчилар яғринимизни яғир қилиб юборадилар. Ҳой инсофли кишилар, бу гапларни сира ҳам ташвиқот деб ўйламанг, виждоннинг буйруги – шу!

Ватандан айри кўнгилни билингки яиратиб бўлмас,
Бааний банди булбулни чамансиз сайратиб бўлмас.

1994 йил, апрель

ҲАЁТИЙ ДАСТУР

Шу кунларда халқимиз, кенг жамоатчилик, қолаверса, дунё аҳли фоят муҳим бир китоб яратилганига гувоҳ бўлиб турибди. Юртбошимиз, академик Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бусагасида” асарини мутолаа қиласар эканман, хаёлимдан жуда кўп фикрлар кечди. Аввало, ушбу китоб илмий тадқиқот, айни маҳалда, ниҳоятда самимият билан яратилган сиёсий дастурдир.

Тарихда айрим-айримгина буюк давлат арбоблари ўз йўриқларини қўлланма ҳолида ёзганлар. Масалан, Темур бобомизнинг “Тузукот” и ёхуд Бобуршоҳнинг “Воқеот”ида ул сиймоларнинг дунёқарашлари акс этган. Шундоқ мисолларни фарб давлатлари тарихидан ҳам келтириш мумкин.

Албатта, боболаримиз билан бизнинг замонамизни катта вақт масофаси ажратиб турибди. Гарчанд, биз буюк меросга эга бўлсак-да, неча аср давом этган парокандалик ва қуллик занжиридан қутулиб, янги давлат туздик. Бу уринда давлатни ҳокимият сифатидагина тушунмаслик керак. Энг муҳими, бизга зўрлаб тиқиширилган тузум ўзгарди. Мана шу янги давлат ҳамда янги тузум асосчисининг, ислоҳотчисининг фикру мулоҳазалари, режалари, наинки бугунги кун учун, балки эрта учун ҳам фоятда кераклидир. Ушбу нодир қўлланмани яратиш учун илмий-назарий иқтидор баробарида буюк сиёсий тажриба, бетимсол фидойилик, ҳақиқий халқпарварлик ва ватанпарварлик зарур эди. Худди шу жиҳатлар муаллифнинг фаслиятида тўқис равишда мужассамдир. Асарнинг мазмуни ва моҳиятини ўзимча қўйидаги тарзда қисқача

шарҳлаган бўлардим. Ўзбекистон – ўтмиш; Ўзбекистон – бугун; Ўзбекистон – келажак; Ўзбекистон – жаҳон. Мана шу мавзулар мазкур тадқиқотда ҳар жиҳатдан юксак даражада таҳлил қилинган. Бундай тадқиқот, албатта, ўз-үзидан дунёга келмайди. Жараёнларнинг иштирокчиси, унинг оғир-енгилини татиб қўрган инсонгина ўз фикрини баралла айтиши мумкин. Шу ўринда мен ўзим гувоҳ бўлган баъзи воқеаларни эслаб ўтишга журъат қиласман. Ислом Каримов Қашқадарёда ишлаб турган пайтлари машъум “Пахта иши” бошланганида у кишининг судсиз, айбловсиз ҳибсга олингандарнинг инсоний хуқуқини,adolatни мардона ҳимоя қилганига шоҳидман. Ёхуд Москвада Ўзбекистон миллий бойликларининг дахлизлиги учун собиқ империя раҳбарлари билан қандай “олишгани”га ҳам гувоҳ бўлганман.

Биз ҳали мустақилликка эришмасимииздан бурун она ўзбек тилимизга давлат тили мақоми берилди. Бу олий даражадаги қаҳрамонлик эди ва уни одил тарих ҳеч қачон унутмайди.

Мазкур китобда Ўзбекистоннинг бугунги ҳолати ва истиқбол режалари ҳар жиҳатдан теран тадқиқ этилган. Муваффақияту муаммоларимиз яширилмасдан рўй-рост айтилган. Китобнинг мундарижасини “Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” деган ниҳоятда муҳим йўналишлар белгилаб турибди. Мустақил Ўзбекистонимиз озодликнинг олти иили мобайнида равнақ топиб келаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Айни чоғда муаммоларимиздан ҳам куз юмаётганимиз йўқ. Иқтисодиёт, сиесат жабҳаларида босаётган шаҳдам қадамимиз, юртимиз осойишталиги, албатта, бебаҳо ютуқдир. Лекин буларнинг барчасидан ҳам муҳимроқ бир туйғу бор. У ҳам бўлса халқнинг руҳиятидир. Худди шу жиҳатга муаллиф ургу бериб қўйидагича ёзади: “Ўзбек халқи Руҳининг тикланиши, миллат маънавий-ахлоқий идеалларининг шаклланиши, чуқур миллийлик билан умуминсонийлик чамбарчас боғлиқ бўлган ҳодисадир. Ўзбекистонда яшаётган халқлар, ўзига хосликни йўқотмаган ҳолда, умумий руҳиятга, хулқ-атвор фалсафасига эга бўлмоқдалар. Бу эса мустақиллик йиллари мобайнида миллатлараро тотувлик манбаи бўлиб келган ягона маънавий-руҳий негизни вужудга келтирди”.

“Ўзбекистон XXI аср бўсағасида” китобида, менимча, ҳаттоқи тарих илми учун муҳим янгилик даражасида айтилган яна бир хulosани эслатиб ўтиш жоиз. Муаллиф Ватанимиз тарихига назар ташлаб, ўтган замонларда юз берган давлатчилигимиз асосларини ниҳоятда адолатли равишда баҳолайди. Ҳақиқатан ҳам ўтмишимиздаги давлатчилик тизимлари (албатта, Амир Темур ҳазратларини истисно қилганда) миллат бирлигига эмас, балки сулолаю шажаралар манфаатлари заминига қурилган эди. Ислом Каримов уқтирадики, биз энг аввало, ўзбекистонликмиз, сўнгра эса фарғоналик, хоразмлик, самарқандлик ё қашқадарёлик бўлишимиз мумкин.

Бу фикрлар бизнинг истиқболимизни белгилайдиган, миллатимиз бирлиги, бутунлигига давват этадиган ҳаётий foялардир.

Модомики, зиёлиларнинг бир вакили эканман, ушбу китобда мафкура масалаларига берилган улкан эътиборни ҳам айтиб ўтишим керак. Миллий қадриятларимиз, топталган мозорларимиз, унугилган китобларимиз ёруғлик кўрди ва кўраётир. Амир Темур, имом Бухорий, Хожа Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанддек зотлар она юртида яна ўзларининг муборак рутбаларини топдилар. Хусусан, эътиқод эркинлиги учун катта йўл очилди. Айни маҳалда ушбу эркинликка мутаассиблик зид эканлиги ҳам юртбoshимиз китобида ниҳоятда зукколик билан уқтириб ўтилган. Биз адиблар бу хulosаларни бугунги ва келажак мафкурамиз учун муҳим дастур сифатида қабул қиласиз. Ҳақиқатан ҳам, мустақиллик боис адабиётимиз ўзининг асл моҳияти томон юз бурди. Биргина мисол келтириб ўтайлик: тижоратчи ёхуд савдогар адабиётда доимо салбий қаҳрамон бўлиб келган эди. Дин арбоби, сарой вакили, албатта, муттаҳам ҳисобланар эди. Энди ўйлаб қарасак, инсофли одам насабидан қатъи назар, ижобий қаҳрамон булиши ҳам мумкин экан.

Бу жараёнда мезонни белгиловчи асосий ҳакам – халқ ҳамда тарих эканлиги маълум бўлди. Юртбошимизнинг китобида мана шу каби зарур қайдлар ёрқин ифода этилган. Асарни мутолаа қиласар эканман, кўз олдимда давлат арбоби ва айни чоғда, улкан олим намоён бўлди. Китобда баён этилган фикрлар наинки катта Шахснинг мулоҳазалари, балки келажаги буюк бўлган, каттакон бир

мамлакат раҳбарининг насиҳатлари, армонлари, иул-иуриқларидир. Муаллиф ўтмиш ҳамда бугунни таҳлил этиб, наинки, замондошларимизга, айни чоғда, келажак авлодларимизга ҳам мурожаат қилаётир.

Ер юзида қурилажак, мустақилликка эришажак ҳар қандай мамлакат ва миллат Ислом Каримовнинг ушбу китобида илгари суринган фикрлар, тажрибаларни истифода этади деб ишонаман.

1997 иил, июнь

КОМИЛЛИКНИНГ СИНОВ МАКТАБИ

Буюк бобомиз Мир Алишер Навоий ҳазратларининг муборак хотираларини ҳар лаҳзада ед этиш авлодлар учун ғоят шарафли бир анъанага айланиб қолди.

Ҳаётнинг, тарихнинг бирор жиҳати йўқки, унга Навоий бобомиз муносабат билдирамаган бўлсалар; инсонлар феълининг бирон-бир қирраси йўқки, унга Навоий бобомиз муносиб баҳо бермаган бўлсалар. Шу маънода Ҳазрат Навоий ижоди барча даврлар учун кўзгу ҳисоблана олади. Бироқ шоир ижодини бутун теранлигича мукаммал истифода этиш учун киши ўзига хос тайёргарликка эга бўлмоғи, маънавий муҳит мавжуд бўлмоғи шарт эди. Ниҳоят, ҳурриятимиз буюк мутафаккир ижодини теран ўрганишимиз учун ҳам имконият берди.

Жумладан, қатағон қилинган тасаввуф илмининг калити қўлимизга тегди. Ёхуд тарихий жараёнларга фақатгина тор синфий нуқтаи назардан қарашга барҳам берилди. Кўриниб турибдики, ҳар Фикрга, адолатга, наинки, барҳаёт авлодлар, аждодларимизнинг руҳлари ҳам илҳақ бўлиб турган эканлар.

Ҳар бир давлат ҳазрат Навоийни ўз маънавияти даражасига кўра кашф этиб бораверади. Ҳусайн Бойқаро “Рисола” асарида Навоий ҳазратларини шундай таъриф этади: “...яъни Навоий тахаллуси билан машҳур Мир Алишер турк тилининг ўлган жасадига Масиҳ (Исо) нафаси билан руҳ жон киргизди... Ва бу кун назм дунёсининг рубъи маскунида (Ер юзининг кишилар яшидиган қисмida) қаҳрамон удир ва уни бу мамлакатни кўлга киритган соҳибқирон деса бўлади”.

Тұгри, турли тарихий босқичларда, турлича мағкуралар намоен булиши мүмкін. Бироқ ожиз бандаларнинг Аллоҳ берган фазилатларию шайтоний қусурлари-чи? Беш аср муқаддам яшаган инсофсиздан XX аср ноин софлари фарқ қиласыларми? Албатта, йўқ! Навоий бобомиз не чоғлик муҳташам ва юксак орзуларга ошуфга булмасинлар, барибир, Алишер исмлик банда сифатида муҳитдан, одамлардан қанчалар озор чекканлигини яширамайдилар.

Кимсага бир яхшилик қилсанг ундан ўнта ёмонликни қутабер, – дейди шоир оғриниб. У үзи ҳақида гапириб:

Вафо бустонининг достон саройи,
Маломат булбули, яъни Навоий,

дейди. Ёки:

Гаҳи топдим фалақдин нотавонлиғ,
Гаҳи кўрдим замондин комронлиғ.
Басе иссиқ-совуқ кўрдим замонда,
Басе аччиқ-чучук тотдим жаҳонда,

дейди.

Навоий ҳазратлари атрофидаги нокомилликдан нолиди, маънавиятсизликни куриб изтироб чекди. Шу маънода Алишер Навоий ижоди комилликнинг синов мактаби ёки маънавиятнинг бетимсол хазинасидир. Шоир ӯзининг буюқ ғазалиётини бежиз “Ҳазоин ул маоний” деб атамаган.

Навоий ижоди маънавий камолот сарчаашмасидир. Улуғ боболаримизнинг муборак номларини ёд этар эканмиз, демак ӯзимиз ҳам юксак инсоний мажбуриятларни бўйнимизга олган бўламиз.

Бу ҳақда ҳам бобомиз лутф қилмишлар:

Яхшилар ичра Ватан тутса Навоий не тонг,
Кимки ёмонлар била бўлди, ёмон бўлдило.

Бугун мамлакатимизда инсоний комиллик қадр топмоқда. Президентимиз маънавиятни юксалтиришга катта эътибор беряпти. Улуғ бобокалонимиз Алишер Навоий эса маънавиятимиз карвонининг сарбонидир.

Диенат, яхшилик, адолат, меҳр-шафқат, оқибат томон астайдил юз тутган набираларга Бобомизнинг руҳлари ҳар доим мададкор бўлсин, илойим.

1998 ийл, февраль

ХУРРИЯТНИ АВАЙЛАНГ

— Аввало маҳалла урф-одатларимиз, анъаналаримизнинг қад ростлаётгани, эъзозлаётгани ҳақида сўз юритсак.

— Буларнинг ҳаммаси Истиқлол шарофати туфайли бўлди. Бу рўйи заминда ҳалқнинг ҳалқ сифатида, МИЛЛАТ тимсолида танилмоғида бу жуда муҳим. Меҳроқибат, миллий фурур маҳаллада ўз сайқалини топган.

Энди кузатишлар бўйича ҳам, купчиликнинг фикри бўйича ҳам маҳалла уюшмаси, маҳалла жамоаси биз тушунган, шаклланган ҳолда бошқа мамлакатларда учрамас экан. Улар квартал дейишади, ЖЭК дейишади. Лекин уларнинг иш фаолияти, йўналиши тамоман бошқача.

Албатта, бу гаплар газетхонларимиз учун янгилик эмас. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш лозим, маҳаллаларимиз ҳалқимиз ҳаётида муҳим аҳамият қасб этади. Уларнинг жамиятимиз ҳаётида тутган ўрни ҳамиша баланд бўлган. Айниқса шаҳар жойда, катта-катта шаҳарларда маҳалланинг ўзига яраша мавқеи бор. Аҳолининг турлитуман қатламларини бошқаришда маҳалла йўналтирувчи куч ҳисобланади. Эътибор берган бўлсангиз жамоатчилик фикри, ҳалқнинг гапи, элдан чиқма, деган тушунчалар бор. Ана шулар бевосита маҳаллага алоқадор. Эл деганимизда кўз олдимизда МАҲАЛЛА гавдаланади. Ҳалқимиз муқим яшаш жойини, яъни жўғрофик ўрнини ихчам қилиб “Маҳалла” атамаси билан юритиб келади. Албатта, маҳалланинг гузари, бозорчаси, чойхонаси ва бошқа жиҳатлари мавжуд. Шуларнинг ҳаммасида ўзини ўзи бошқариш тамойилига амал қилинади.

Урф-одатларимиз, анъаналаримиз маҳаллада пайдо бўлиб, ривож топиб, шаклланган. Шу нуқтаи назардан ҳалқ ҳаётида, жамиятимиз тараққиётида маҳалланинг тутган ўрни бекёёсdir.

Мозийга назар ташласақ, турли халқ сайллари, Наврұз байрами, Ҳосил байрами каби құхна аńъаналар маҳалла орқали ҳаётта татбиқ этилған. Бугунги кунимизда Мустақиллик кунидек қутлуғ байрам маҳаллага кириб келди. Турли миллат вакиллари бир аҳил оила сифатида ушбу айёмни нишонламоқдалар.

— Абдулла ака, яқында мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов түй-ҳашамлар, оиласын тантаналар, маърака ва маросимларни, мархұмлар хотираларига бағишлиңган тадбирларни тартибли ўтказиш ҳақида Фармон чиқардилар. Ушбу Фармонға нисбатан муносабатингизни ҳам айтиб ўтсангиз.

— Халқимизда маҳалладан чиқма, деган гап бор. Кейинги пайтларда бәзі босар-тусарини билмай қолған мансабпараттар әл күзіда түй қилиб оргиқча дабдаба-бозлик, манманлық ҳолатларини очиқдан-очиқ намойиш эта бошладилар. Бундай ҳолатлар халқимизга мутлақо ёт ҳисобланади.

Түйлар доим бұлған, ҳаёт давом этар экан, бундан кейин ҳам бұлаверади. Урф-одатларимизнинг азалий күриниши, орзу ҳавасларимизнинг рүеби түй орқали ўз ифодасини топади.

Мен Фармонни халқчил Фармон сифатида қабул қылдым. Ҳақ рост, уша дабдаба қилиб ортиқча исрофгарчиликларга йўл қуючилар халқдан ажралиб қолған, ундақалар халқ ҳисобига кирмайди. Чунки халқнинг ортиқча исроф қиласидиган мулки йўқ. У эртанги кунини ҳисобга олиб яшайди. Режали иш тутади. Мол-мулк топиб ақл топмаганлар эса даромади шубҳали кимсалардир. Улар халқ орасидан чиққан иллатлар холос. Халқнинг бу иллатларга ҳеч қанақа алоқаси йўқ. Түй бизники, деб манманлық қилишган уша бўйни йўғонларга ким ҳуқук берди? Түй халқники, аńъана халқники. Улар эса эзгу аńъаналаримизни бузмоқчи бўлдилар. Нопок йўллар билан топилган бойликларини куз-куз қилмоқчи бўлдилар. Шунинг учун ҳам уларни ҳаётимизга доғ солаётган иллатлар деймиз. Агар ёдингизда бўлса, мен шундай кимсалар ҳақида бир туртлик битган эдим.

Халқим деб югурар ҳовучлаб жонни,

Халқига бағишлар шұхрат-шонини.

Лекин шу чопишда кетаркан, чунон

Тозалаб боради халқ ҳаменини.

Анъаналарни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Масалан, қайси анъанада бор: нонни молга бериш ёки сават-сават манти, сомсаларни ариққа оқизиш?..

Қайси халқнинг удумида бор бунаقا одат? Бундай йўл тутганлар қадимда қаттиқ жазоланган, сазойи қилинган. Тўқликка шўхлик қилганларнинг бўйнига “ношукур”, “нонкўр” деган тавқи лаънат осилган.

Мана шунаقا одамлар ҳозир ҳам бор, ичимиизда.

Ҳа, шунчалик ошиб-тошиб кетган бўлсангиз бева-бечораларга тарқатинг, савобли ишларга сарфланг. Бу савобга ким етсин... Кўпгина маданий ва мусулмон давлатларида, масалан Саудия Арабистонида бойлар шу йўлни тутадилар. Ўша ерда бўлганимда бир булоқбошилик қария билан гаплашдим. Болалари ҳар ёққа тарқаб кетган, чол-кампир тирикчилик қилолмайди. Ёшлари жуда улуғ, саксон-тўқсон орасида. Мен, қандай қилиб кун қўрасизлар, деб сўрадим. Ишламасангиз, болалар кетган бўлса, дедим. Қария рамазон ва қурбон ҳайитларда эшигимизга қоп-қоп гуруч, бидон-бидон ёғ, фаллаю гўшtlар ташлаб кетадилар. Кимdir ташлаб кетади, лекин кимлигини биз билмаймиз, деди. Улар яхши билишади, қаерда қанақа камбағал яшашини. Ўша овқатларни ҳайитдан ҳайитгача етарли даражада эҳсон қилишади. Биз аниқ билганимиз шуки, уларни бойлар ташлаб кетадилар.

Энди ҳаммага ҳам шундай йўл тутинглар деб жарсолиши шарт эмас. Ҳайр-эҳсон қилиш ҳар бир мусулмоннинг иймон-эътиқодидан келиб чиқади.

Давлатимиз кам таъминланган оиласларни үз ҳимоясига олган, маҳаллалар қўмиталари орқали моддий томондан таъминланиб турибди. Лекин ўша бойларнинг тутган йўллари ибратли эканлигини таъкидлаб ўтмоқчиман холос.

Бугунги кунда ҳам бойлик, ҳам ақл топган кишилар керак бизга. Ана шундай олижаноб инсонлар мамлакатни ҳам бой қилади. Ақл-фаросатли, тадбиркор инсонлар мамлакатимиз келажагини ўйлаб иш тутади. Юртбошимиз айтганларидек, элим деб, юртим деб сидқидилдан меҳнат қилади.

Элдан чиқмайдиган, халқини ўйладиган киши ёнверидаги қўни-қўшниларига меҳрибон бўлади. Бой бўлсангиз бўлинг, лекин қандоқ қилиб бечораҳол қўшнин-

гизнинг боласи ёнида болангизни башанг қилиб кийинтириб қўясиз? Болалар бой-камбағалнинг фарқига бормаслиги мумкин. Бола ҳамма вақт ўз тенгдошини ўзи билан баравар кўради. Аслида, болалар уртасида тафовут бўлмаслиги керак. Оиласи башанг кийинтиришга ночорлигини билиб қолган бола кўнгли ўксисб ўсади. Улғайгач, теварак-атрофга нафрат кузи билан қараши мумкин. Унда ичиқоралик деган, одамларга ишончсизлик деган иллатлар, дунеда адолат йўқ, деган тушунча пайдо булиши мумкин. Мен нега ўртоғим каби кийина олмайман, деган оғир уй болани эзиши мумкин. Бунга асло йул қўйиб бўлмайди.

— Болалар ҳар қандай янгиликка интилувчан, қизиқувчан бўлишади. Улар дабдабозлиқ кўринишидаги тўйларни кўриб туришади. Кибр-ҳаво билан тўй қилиш, оддий халқни менсимасликдек ҳолатларининг гувоҳи бўлишади. Ўша таассуротлар остида “тарбияланишади”. Ошна-оғанингарчилик, қариндош-уругчилик ёрдамида бекаму кўст “яшаш” мумкинлигини тушуниб етишади. Бу халқимиз учун улкан маънавий зарар.

— Худди шу нуқтаи назардан ҳам Президентимизнинг Самарқанд ва Навоий вилоятлари йиғинларида сўзлаган нутқларидаги фикрлар айни ҳақиқат. Ижтимоий турмушимизда юз берган салбий ҳолатларнинг аччиқ ҳақиқат орқали очиб ташланганлиги халқимиз учун айни муддао бўлди. Буларнинг ҳаммасида узвий боғлиқлик бор.

Бугунги кунда мустақиллик шарофати билан жуда катта ишлар амалга оширилаётган экан, мустақиллик бизга шунчалик эркинлик берган экан, биз узимизга қўйилган талабларнинг уддасидан чиқишимиз керак. Худо таоло берган тарихий инъом — мустақилликни эплашимиз керак.

ҲУРРИЯТ — бизнинг онамиз, **ҲУРРИЯТ** — бизнинг опамиз, **ҲУРРИЯТ** — бизнинг синглимиз. Яъни, бу деганим — мана шундай буюк неъматни авайлашимиз, ориятини, номусини асрай билишимиз керак.

Лекин, мана биз мустақилликка эришдик, деб бизнинг мушугимизни ҳеч ким “пишт” демас экан, деб билган ишини қиласвериш ярамайди. Мустақиллик дегани, авваллари коммунистик даврда қўрқардик, энди

ўзимизга хон, ўзимизга бекмиз, деб күчада ҳар ким хоҳ---лаганини қилишни англатмайди. Ахир одамзотни ҳайвонатдан, бошқа жонзотлардан фарқ қилдирувчи ёзилмаган қонун-қоидалар бор-ку. Айниқса, Марказий Осиёда ўзбек халқи тарбияли, ориятли, фаросатли халқ деб танилган. Меҳмондўст, олижаноб, етимпарвар, гурурли — бетгачопар эмас, жуда кўп ибрат бўларли хусусиятлари бор халқимизнинг. Шундай халқقا муносиб булиш керак-ку, ахир! Авлодлар бу ҳақда ўйламаса ким ўйлади?

Дунеда кибру ҳаво дегани, билингким, мол-дуне билангина пайдо бўлмайди. Мол-мулк билан, мана, тўйларда кибр-ҳаво билан манманлик қилиш ҳақида гап кетаяпти Фармонда. Бу гаплар қўпроқ тўй-маъракаларга алоқадор. Булардан ташқари бўлган ишлар ҳам бор-ки, уларда ҳам кибр-ҳаво бор. Уларда ҳам дабдабозлик зоҳир.

Масалан, юбилейбозликни олиб кўрайлик. Купчиликка сир эмас, бу касаллик ижодкорларнинг ҳаётida илдиз отиб, ривожланиб кетган эди. Ҳозир ҳам давом этяпти. Элликка ё олтмиш ёшга кирган баъзи дўстларимиз бутун мамлакатни йигиб, карнаю сурнай билан ҳаммаёқда ўзини осмонга чиқариб қўйиб, “мени кўриб қўйинглар” қабилида ўзини кўз-куз қиласди. Бу нарса Фармонда кўрсатилмаган бўлса-да, бевосита алоқадорлиги бор. Юбилей баҳонаси, ўзимни қўрсатиб қолай, дейдиганлар оз деб ўйлайсизми?

Кибр-ҳаво, ёлғончилик, соҳтакорликнинг кўринишлари йўқми ана шундай юбилейларда? Бор! Бу ҳам — савиянинг пастилигидан. Бу ҳам ўша шайтони лайндан қолган иллатлардир. Биз шулар ҳақида ҳам уйлаб куришимиз керак.

Мен буларни нимага айтаяпман? Аравани куруқ олиб қочиш ҳам дабдабозликка киради. Ижоди сариқ чақага арзимайдиган, ўзини фидойи қилиб кўрсатмоқчи бўлганларга қараб туриб ҳам аччиғинг келади, ҳам кулгинг қистайди. Қарангки, шундайларнинг талаби ҳам катта: шаҳарни оёққа турғазиб беринг, фалон ёшга тўлдим, дейди. Бунақа мисолларни кўплаб келтиришим мумкин.

Буларнинг ҳаммаси, такроран айтаман, савиянинг пастилигидан. Маънавиятнинг етишмаслигидан. Тарбия-

нинг сустлигидан. Биз бундай ҳолатларни мукаммал дея олмаймиз. Ҳолбуки биз, халқимизни осмонга кутариб катта шеърлар ёзамиз. Уларни ёзганда халқнинг умумий даражасини кўзда тутамиз. Лекин синчилаб назар солиб кўрсангиз, халқнинг ичида мен халқнинг вакилиман, деб адашиб юрган, халқнинг жигига тегиб юрган унсурлар анчагина.

Бизда плағиатор ҳам бор, кисавур ҳам бор, угри ҳам бор, ўзини босолмаган манманлар ҳам бор – ҳаммасидан топилади. Шунинг учун ундоқман, мундоқман деб мақтаниверманглар, деб Президентимиз бекорга куйинаётгани йўқ. Ойнани олиб, ўзингга қарасанг бўлмайдими, деяпти. Орқа-олдингга қараб иш қил, деяпти. Келинглар, эй яхшилар, биз учун шунчалик куйинаётган давлат раҳбарини тушунишга ҳаракат қиласлилик.

Энди иккинчи бир жойи: бу гапларни халқимизга таъна деб қабул қиласлик керак. Дунёнинг ярмини аёллар ташкил қиласди. Айниқса, ўзимизнинг юртимизда. Мана шу гапларнинг түқсон фоизини аёлларимизга айтиш керак. Оналарга, бувиларга айтиш керак. Эркакларни йўлга соладиган мана шулар ҳисобланади. Шулар “топиб кел”, дейди. Ундан қил, бундай қил, дейди. Эркаланиб қизи туради, эшигимиз тагида йигирмата “Мерседес” бўлмаса эрга тегмайман, дейди. У қил, дейди, бу қил, дейди. Ишонасизми, кўпинча эркакларни йўлдан уриб, тарбиясини бузиб юборадиган шулар ҳисобланади. Порага ҳам ўргатади. У йўқ, бу йўқ, опкелинг, дейди. Унисини ундан қилинг, бунисини бундай қилинг, дейди. Иродаси сал сустроқ бўлган эркак бир кунмас бир кун аёлнинг етовига кириб кетади. Бў-ў-ўлди – пошло – поехало: ундан кейин порахўрлик бошланиб кетади. Аёлнинг ўзи ҳам олаверади, керак бўлса. Раҳбар эрнинг ходимларидан ҳам, бошқалардан ҳам олаверади!

Аёлларимизга малол келган тақдирда ҳам, айтмасак бўлмайди: ўша эр қонун олдида қанчалик жавобгар бўлса аёл ҳам шунчалик жавобгар. Албатта, ғалвир сувдан кўтарилиганда аёлга тегилмайди. У қул қўйган эмас, олган эмас, бошқа-бошқа дейилади. Ўша аёл нима бўлганини билади. Уйида бирданига қозони вақирлаб қолганини балодек билади! Эри олиб келган нарсани керакли ерга яшириб қуяди, тўғрими? Сандиқقا яширади, – панага

құяди. Эрининг пайтавасига құрт тушиб қолганида эса “мени нима айбим бор?”, дейди. Айбинг – үша олиб келинган нарсаны ҳаммасини жуда яхшигина санаб-санабгина үтиргансан, яшириб күйгансан. “Тани жонингиз соғ бұлсın” деб миннатдор ҳам бұлгансан. Ҳа, қонун бүйіча сен ҳам шерік ҳисобланасан-ку, дейдиган одамнинг үзи иўқ. Аслида эринг билан панжаранинг остида сен ҳам үтиришинг керак. Сенга тегишмабди-ку, шунга шукур қилиб теккина үтиравер, дейдиган иўқ.

Энди бу ерда эңг ёмон нарса – болаларнинг ота меҳрисиз қолиши. Үша болаларга қийин. Үша ерда ақллигина қызлари усаётган бұлса, бирор эшик тақиллатиб е келади, ёки булмаса – иўқ. Диёнатли бир ўғли булса унга ҳам оғир – фалон порахұр, ёки мұттахамнинг ўғли-да, дейишади. Бунақа гапни у күтариб юра оладими? Кейин – үзиге үхшаган қаровсиз, нашавандларни топиб үшаларга қушилиб кетади, ҳалиги бола. Рисоладаги давраларга қушила олмай юради, ор қилади – шу тарзда бутунлай бузулиб кетади. Агар үша бола отаси қамалмасдан унинг йулиға кириб кетмаган бұлса – хұп! Қийин қийин – үша болаларга қийин.

– **Ҳалоли пок одамнинг фарзандиман, дейишга нима етсін!**

– Ҳа-да! Шу ерда бир яхши инсонни эслаб үтмоқни лозим деб үйлайман. Ҳабиб Абдуллаевни биласиз – катта олим, қирқ олти ёшида үтиб кетди шу одам... Шу аллома далабоғ қурғанда үша пайтдаги фирмә құмитасынинг иккінчи секретарлари тұхмат қилиб, миллатчи деб дала-хөвлисіни тортиб олишган. Үша сарық мансабпрастлар шундай буюк олимнинг үлемини тезлаштиришган. Шунда – охирида жон берәётганида олимнинг болаларини чақыриб айтган гапи битта: “Болаларим, саноқлы күним қолди. Лекин айтадиган гапим шу: Сизларни мен ҳалол пул билан – топғаним билан боққанман. Умрларинг бүйі дадам ҳалол киши эдилар, дейишга ҳақларинг бор. Бошларингни мағур күтариб юринглар, ҳеч ҳам әзилманглар, деган. Булар нима деса деяверади” деб болаларига таскин берган. Үша гапнинг үзи жуда ҳам мұхим гап! Ҳамма одам ҳам айта олмайди буни!

Биби Ойиша қавмларидан бұлган оналаримизга, аәлларимизга аччиқ булса ҳам айтиш керак, әрқакларни

ҳам авайланг. Ўзингизнинг, хонадонингизнинг соябони бўлган эркакларни қуфр йўлларига бошламангиз. Сизнинг эътиборингиздан четда шундай иш тутаётган умр йўлдошингиз, ўғлингизни нопок йўллардан қайтаринг. Илоҳим, умрингизга умр қушилсин, сермазмун умрингиз давомида эл-юрт кўз ўнгидагиз баҳту саодатини кўринг. Тўйлар қилинг. Ҳаммамиз шу тилак билан яшайлик, Ўзбекистондек фахрли Ватан учун сидқидилдан меҳнат қиласайлик.

— Албатта, бир тишлам нонни ҳам ҳалоллаб хонадонга олиб келиш учун кишида Орият, Фидокорлик, Одамийлик каби фазилатлар бўлиши керак. Ана шу хислатларни унугтган кимсалар ҳаром-хариш пул топиб, дабдабали тўйлар қилиб, ўз инсоний қиёфаларини йўқотадилар. Лекин ҳамма ҳатти-ҳаракатнинг ҳам савол-жавоби бор. Шаҳар бедарвоза эмас, деганлар. Маънавий йўқотишининг ўрнини олтину гавҳарлар билан тўлдириб бўлмайди...

— Президентимизнинг юқоридаги Фармони бундан кейинги маданий-маърифий ҳаётимиз — маънавият дараҷаси мукаммаллашсин, деган мақсадда чиқарилган. Юртбошимиз ҳалқни инсонпарвар, ҳалқпарвар кишилар бошқарсан, деяптилар. Маҳалла оқсоқоллари ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлашда ҳам ана шу томонларга жиддий эътибор қаратилмоғи лозим. Эски қолипдаги бошқарув тизими ўзининг умрини яшаб бўлган, бугунги кунда маҳаллаларга улкан, масъулиятли имтиёзлар берилётгани бежиз эмас. Оқсоқоллар ана шу имтиёзлардан келиб чиқувчи талаблар асосида иш юритмоқликлари зарур.

— Абдулла ака, ҳозирги кунда нашриётларга “кўмакдош” булиб китоб чиқариш билан шуғулланувчи шахсий ва хусусий корхоналар пайдо бўлди. Улар ҳалқнинг дидига, адабиёт мухлисларининг таъбига мос келадими, мос келмайдими — бу тўғрида ўйламасдан дуч келган қўлёзмаларни китоб ҳолида нашр қилмоқдалар. Ҳалқ ичida тарқатмоқдалар. Албатта, уларнинг савобли ишларини қора қилиб кўрсатиш ниятидан йироқмиз. Лекин бадиий савияси паст китобларнинг кимга кераги бор? Улар билан танишиб қолган ўзбек китобхонининг маънавий савияси бу билан юксалиб қолмайди-ку. Сиз шу масалага қандай қарайсиз?

— Ҳозирги кунда ўз ҳисобидан китоб чиқараётган, ҳаттоки бир неча жилд китоб чиқараётганлар ҳам пайти келиб, “мени ҳам қадрлай билинглар, шунча китоб чиқарғанман”, дея аюҳаннос солишлари мумкин, демоқчилиз-да. Яна ўша юбилейбозликлар давом этиши мумкин, ўшанда маънавий савиямиз нима бўлади, деган ўйда айтмоқчисиз-да. Фикрингизни туғри тушундим, шекилли?

Ҳомийлар ёрдамида, ўз ёнидан китоб чиқараётган ижодкорларнинг ичида истеъодли муаллифлар борлигини ҳам инобатга олиш лозим.

Афандига айтишган экан:

Сизни жуда яхши ашула айтади, деб эшитганмиз. Нега тўйларда ашула айтмайсиз, дейишса, Афанди айтган экан: Туғри, мен ашула айтаман, лекин овозим ҳаммомда яхши жаранглайди!

Ашула айтишни орзу қиласиган кўп булиши мумкин. Бирор расм чизишни ҳавас қиласи. Бирор шеър ёзишни ҳавас қиласи. Лекин у қандай ижод қилганига ён-еридагилар — маҳалла-кўй, халқнинг ўзи керакли баҳосини беради: Биродар, ҳа, шу нарсангда маза-матра бўлмаса, ҳеч кимга кераги бўлмаса... Шундан кўра фойдалироқ иш қилсанг бўлмайдими? Пулингни сарфлаб шунча килограмм қофозни китобга айлантириб, мақтаниб юргандан кўра ушанга кетган маблагни савобли ишга сарфлассанг бўлмайдими? Бу гапни ҳаммамиз айтишимиз керак. Ҳозирда чиқарилаётган ҳом-хатала, бадиий савияси буш тўпламларга Ёзувчилар уюшмасининг алоқаси йўқ.

Бу масалани кенг кўламда ўйлаб кўриб, матбуот қўмитаси, нашриётлар билан ижобий ҳал қилиш йўлини изламасак бўлмайди, шекилли. Бу ҳақда бугун ўйламасак, эртага кеч бўлади. САВИЯ бундан ҳам сустлашиб, оддий савия ҳолида қолиб кетиши ҳеч гап эмас. Бунга эса асло чидаб бўлмайди. Биз маънавий бойлигимиз ҳисобланмиш адабиётимизни ана шундай қусурлардан ҳимоя қилмоғимиз зарур.

1998 йил, ноябрь

КИТОБ – НАЖОТ ФАРИШТАСИ

Қадим-қадим замонлардан буен ҳар қандай жамият уз иул-йўриқлари, талабларининг дунеқарааш, ҳаттоқи, эътиқод даражасигача кутарилишини орзу қилган. Дарҳақиқат, ҳар қандай ғоя ҳам халқ онгига сингигандан кейингина кучга аиланиши мумкин. Масалан, Ватан озодлиги ғояси шу Ватан фарзандини жангга чорлай олади ва ҳоказо.

Бугун Узбекистонимиз жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида юксак тараққиётга интилаётган экан, халқимизни ижодий изланишга, бунёдкорликка чорлайдиган, уни бир халқ сифатида жипслаштирадиган ғоя, эътиқод зарурлиги равшан.

Истиқлолимизнинг биринчи кунларидан то ҳозиргача Президентимиз уқтириб келаётган, амалга ошираётган маънавиятга доир барча ишлар ана шу ғояни яратиш ва уни эътиқодга айлантиришга қаратилган.

Миллий истиқдол ғояси, миллий ифтихор тимсоллари, миллий қадриятларимиз ҳамда урф-одатларимизга садоқат, миллий давлатчилигимиз ва она тилимиз мақоми сингари ҳеч қаҷон қадрини йўқотмайдиган тушунчалар ана шу ғояга асос бўла олади. Бадиий адабиёт эса бу тамойилларни образлар воситасида талқин этувчи қудратли кучdir. Демак, биз бадиий ижодимиз орқали миллий ғоямизни тайин этишга бурчлимиз. Токи, бизнинг шеъру ҳикояларимизни ўқиган жаҳон китобхони ҳеч адашмасдан “мана бу асарда ўзбекларнинг руҳи бор”, дея олсин.

Айни чоғда биз миллий маҳдудлик тарафдори эмасмиз. Жаҳон адабиёти ва маданиятида рўй бераётган илфор изланишлар, тажрибалардан ўзимизни олиб қочмаймиз. Асосий ният-мақсадимиз халқнинг маърифий даражасини ҳар томонлама юксалтиришdir. Ана шу ўринда кўз ўнгимизда нажот фариштаси янглиғ КИТОБ тимсоли ҳам намоён бўлади. Китобнинг нечоғлик азиз ва мукаррамлиги биз ўзбекларга яхши маълум. Биз ҳатто қофозга муқаддас нарса сифатида қараган халқмиз. Кутубхоналарнинг қадри эса ибодатхоналардан баланд бўлса баландки, сира паст эмас. Афсуски, муайян сабабларга кўра айрим туманлар ва қишлоқ жойларимизда бундай маърифат ўчоқларига эътибор сусайиб кетди. Шунинг учун ҳам бугун унинг мавқенини кутаришга эҳтиёж сезмоқдамиз. Кутубхоналари-

миз, айниқса, ёшларни үзига күпроқ жалб эта олса қанииди. Ахир, уларда қанчадан-қанча юксак инсоний тафаккур неъматларини саҳифаларига жо этган китоблар ўз муҳлисларини кутиб ётибди.

Яқинда Сурхондарёнинг Кумқурғон туманидан бир хушхабар эшийтдим. Шу туманинг маърифатли ишбилар-монлари “Дуст” деб аталган қутубхона ташкил этишибди. Мен шу қутубхонага ўз китобларимдан икки нусхани дастхат ёзиб жўнатдим. Отасига раҳмат, деймиз уша тадбиркорларнинг. Даврнинг, замоннинг маънавий эҳтиёжларини ўз вақтида англаб етган бундай одамларимиз кўпайсин, шу сингари ташаббуслар қанотини кенг ёисин.

Шу муносабат билан табиий бир истак туғилади. Жойлардаги корхоналар ва хўжаликлар, касаба уюшмалари, маданият ташкилотлари ўз тасарруфларидағи қутубхоналар аҳволидан хабардормилар? Уларни бугунги куннинг маънавий эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда жиҳозлаш, янги китоблар билан бойитиш назардан четда қолаётгани иуқмикан? Бу ҳақда ҳам излансак, ҳатто ҳашарлар уюштириб булса ҳам қутубхоналарни ободонлаштиrsак, улар ёшларимизни үзига жалб этувчи чинакам нурхоналарга айланган булур эди. Чунки, эътиқодни шакллантиришда китобнинг ўрни бениҳоя каттадир.

Аслида ҳам дунёни ушлаб турган устунлар эътиқод, фоялар-ку. Ана шу фазилатлар бор бўлган тақдирдагина инсон комил, маънавий етук булиши мумкин. Алишер Навоий ҳазратлари “Сўз ҳабар берур ўликка жондин” деганлари каби адабиёт эътиқодни камол топтиришда фоят қудратли восита. Бинобарин, мустаҳкам эътиқодни шакллантириш биз ижодкорларнинг бевосита вазифамиздир.

2000 йил, апрель

ЖОНФИДОЛИК

Иймон – Нур демак. Кулли башарни соир мавжудотдан фарқлагувчи Нур. Одамни одам қилгувчи Нур. Ҳали ёруғ дунеда бирор Сўз устаси бу тушунчани унинг узидек сифатлаш қудратини касб этмади. Бу Нур ишқида валийлар ёқа йиртишди, шоирлар хома синдиришди. Ва

ниҳоят бир шүрлик дедики, агар денгизлар сиөх, бутун дунёдаги дов-дарахтлар қалам ва осмон саҳифа бұлса-да буни, яъни Нурни таърифламоққа ожиздир. Ниҳоят, бутун дунё шуароси бунга иймон келтирдилар.

Шеърнинг муқаддаслиги шундаки, у Ватан ва Иймон тушунчалари билан фоятда эгиздир. Шеър, мен айни Шарқ шеъриятини назарда тутяпман, шунинг учун муқаддаски, унинг бир вазни илоҳий, бир вазни инсонийдир; унинг бир сатри осмоний, бир сатри заминийдир. Бизнинг шеъримиз шунинг учун башарият назмининг гултожи ҳисобланади. Бу назм заминида ҳазрат Навоийдек зотларнинг улуғ бир шажарадек қад ростлашига, бу назм заминида шоҳ ҳам, гадо ҳам шоир булишига, бу заминда валийлар ҳам байтлар ижод қилганига сира ажабланмаслик керак. Зеро, бу адабиёт илоҳийдир. Унинг пири комиллари бор. Унинг хокдек фақири ҳақир муридлари бор.

Биз ана шундай адабиётнинг ворисларимиз. Биз шундай адабиётта соҳибмиз. Башарият карвонида сарбонлик мақомимиз бор, албатта.

Мен шеъриятимизда улкан мавқега эга бўлган истеъододли шоирамиз Ҳалимахоним Худойбердиева ҳақида сўз юритмоққа жазм этдим.

Сўзимни Замон ва Иймон тушунчаларининг шеърият билан эгизлиги ҳақидаги жумладан бошладим. Бу бежиз эмас. Айни ана шу олий тушунчалар уммонлар қаъридаги садафлар бамисоли шоирамиз шеърларининг замир-замирида пинҳондир.

Қон аслан ёруғлик. Ёруғлан, тиз чук.
Асл мард Ватанга тиз чўкиб утар.
Қанча қонинг бўлса, Ватан учун тўк,
Қанча шонинг бўлса – Ватанни кутар!

Шеъриятимизда Ватан мавзусида ёзилган шеърлар, одатда фахр-иiftихор ёхуд шир урён ҳамду саноларнинг бир қоп ҳидсиз алафларидан иборат бўлганига ҳам гувоҳ бўлганмиз. Ватан, деганда ҳар қандай маддоҳни ҳам доғда қолдириб кетадиган шоиrlаримиз оз булмаса-да, аммо ҳайтовур бу табаррук мавзуда ўлмас асарлар ёзиб қолдирган пири комилларимиз бир талай. Юқорида шоиранинг “Даъват” шеъридан келтирилган турт қатор хотимавий бандлиги Ватан бу ҳамиша ҳузур-ҳаловат қилиб яшаш

мүмкін бұлған алланечук гулзор әмас, балки керак бўлганда қонимизни ва жонимизни ҳам беришимиз жоиз бўлган бир азиз гўша, бир муқаддас қадамжо экани уқтирилмоқда. Дарвоқе, оламда қон ва жон баробарида илоҳийликка даъвогар ёхуд ҳаёт қадар муқаддасликка муносиб Ватандан бошқа нима бор?

Шу нуқтада яна бир муҳим жиҳатни таъкидлашни истардим: “Она Ватан” деб сифатланмиш ва киндиқ қонимиз тўкилган бу табаррук замин, жонфидо халқимиз, бетакрор табиатимиз, мардонавор ўғил-қизларимиз, бир сўз билан айтганда, мана шу Туркистонимиз, Туронимиз, айниқса Мустақиллигимиздан кейинги йилларда Ҳалима-хоним шеърларида асосий мавзуга айланди. Шоиримиз Туркистон кенгликларида, Сайхун ва Жайхун еқаларида неча минг йиллардан буен яшаб келаётган туркий элатлар, уларнинг муштарак тарихи, шонларга бурканган қаҳрамона кечмиши ҳақида туркум шеърлар яратди. Бу шеърларда шоира фақат шуҳратманд тарихда кечган аждодларимизнинг ибратли ҳаётларини васф этибгина қолмай, бугунги авлодни ғолиб боболар изидан бориб, Ватанга садоқатли фарзанд бўлишга чақиради. Бу чақириқ донишманд файласуфнинг ўғити, қаҳрамон бобонинг насиҳати, ярадор сарбознинг битиги бўлмай, балки шу турроқнинг ҳар заррасида энг аввало илоҳий бир меҳр ва муқаддасликни теран мушоҳада қилган, жону тани шу замин билан қоришиб кетган, ҳар барги, ҳар гиёҳи, ҳар бир боласининг жон толаларига жигарининг қон томирлари туаш Она – шоиранинг нидолари, фарёдлариdir.

Мен Туроннинг қадим қўнғироғимен,
Жаранг берсам қир-даласи уйғонар...

Болам, кимсан, ким бобонгнинг қотили,
Билармисан туркнинг тўқсон зотини?
Томиримдан чиққудайин отилиб
Найман онанинг ноласи уйғонар.

Тарих, агар унда ҳикмат ва маъно бўлмаса, бир валингор саройдир. Ҳазрат Навоий Тус вайронлари ҳақида битган қитъаларида бундай деганлар:

Авлиёуллоҳ мазори Тус вайрони аро
Кўптурур ўйқ боқ агар тавфида кўрса ранж.

Мунчаким вайрона кездим, ганж бир ҳам йўқ эди.
Бўйла вайрон ким кўруптур анда мадфун бунча ганж.

Бутун Туркистон қаламравида, ҳазрат таъбири билан айтганда, Аллоҳ валийларининг мозору марқадлари жобажодир. Улар вайроналар ичидағи пинҳон ганжлар. Та воғ этаман, деб ҳар қанча азият чексангиз шу қадар қувватга тўласиз. Қалбингиз нурланади.

Куни-кеча Туркистон ҳам Тус вайроналари каби эмасмиди? Бутун олам сўфийларининг қадамжосига айланган Хожа Буҳоуддин Нақшбанднинг муҳташам мақбара ва масжидлари “ганж кўмилган қабристон” эди-ку.

Ҳа, тарих қаърларидан чиқиб келаётган аждодларимизнинг руҳи шарифлари бизни ҳамиша сергакликка, хушёрлик ва мардонаворликка чақиради.

Мусулмонмиз,
Ҳар инсон
Инсон тарафга юрсин.
Бир-бирига пешвуз
Имкон тарафга юрсин...
Талотўп дунё ичра
Тузим топмоқ истаган,
Минг ёлғонни оралаб
Бир чин топмоқ истаган,
Томирларида юрган
Сўзин топмоқ истаган,
Ўзин топмоқ истаган
Қуръон тарафга юрсин!
Мусулмонмиз,
Ҳар инсон
Инсон тарафга юрсин!

Мана шу тарихдан олинадиган сабоқ. Ибрат шу. Шарафманд аждодлар ким эдилар? Бугун дунёга фурур билан кириб келаётган Мустақил Ўзбекистон, унинг мардонавор халқи аллақандай пучмоқлардан чиқиб келган инсониятнинг янги гуруҳи эмас, балки узоқ тарихи давомида бир неча салтанатнинг тамал тошини қўйган халқдир. Бу ўша халқ. Бухорою Самарқандни олам узугидаги кўзга айлантирган, мусулмон оламига сабоқ берган алломай киромонларни тарбиялаган, жаҳон маданияти, инсоният тараққиетининг бешиги бўлган Туркистон.

Эсимда бор. Ҳалима эндиғина ижодга кириб келган ийларда адабиётнинг катта билимдони, муҳтарам, суюкли устозимиз “Ўзбек шоирлари” китобини нашр эттириб

кўп савоб ишга қўл урган раҳматли Тұхтасин Жалолов Ҳалиманинг шеърлари хусусида “Түйғулар түғёни” сарлавҳали мақоласида шундай деган эдилар: “Ҳалима ўзбек аел шеъриятида кутилмаган ҳодиса, унгача бу санъат кошонасида қандайдир сукунат, осудалик ҳукм суриб, кишини мудроқ босарди. Ҳалима бу даргоҳга бурон бўлиб, сурон булиб кириб келди-да, тулиқиб, ошиқиб, тошиқиб баланд пардаларда қўшиқ бошлади.

Мен шунчаки ўйлагим келмас,
Хаёл – шароб мисол қўлсин сархуш, маст.
Мен шунчаки куйлагим келмас,
Овоз пардаларим чидаб берса бас.

Шу сатрлар билан бошланадиган мумтоз, шиддаткор шеър менга шоиранинг ижодий, ахлоқий, инсоний программаси булиб туюлди. Бу шеър тулигича олганда түйғуларнинг түғёни, жасоратнинг намойишидир.

Мен сизларни шу шеърнинг охирги байтларига эътибор қилишингизни истар эдим:

Шунчаки ёзмоқ-чи, кўнгил тўлмайди,
Шунчаки ёзмоққа бормайди қўлим.
Шунчаки ёзганга чидаб бўлмайди,
Шунчаки ёзмоқ, бу – шоирга ўлим!

Ҳақиқатан ҳам шунчаки ёзмоқ – фақат шоирнинг эмас, адебнинг ҳам, олимнинг ҳам ўлимидир”.

Бу мақола ёзилгандан буён 26 йил утди. Яқинда Ҳалима “Ўзбекистон овози” газетасида бир туркум янги шеърлар эълон қилди ва бу шеърлар орасида яна ўша бизнинг азалий қисматимиз – шоирлик хусусидаги шеърга кўзим тушди. Бу ерда мен ўша “Демакки, сен шоирсан...” шеърини тулиқ ҳолда келтиришни лозим топдим:

Нафақат
Ўтсанг ёзиб,
Куз янглиғ сулиб, озиб,
Бозиллаган чўғ босиб,
Курдаям ҳайқиролсанг,
Демакки, Сен шоирсан!

Олтинми
Е олмосда,
Тифда юролсанг, рост-да
Итқитса, оёқ остда,

Тұрдаям ҳайқиролсанг,
Демакки, Сен шоирсан!

Нафақат
Кутарса халқ,
Күксингдан итарса халқ,
Пешонанг намакоб, талх,
Шұрдаям ҳайқиролсанг,
Демакки, Сен шоирсан!

Нафақат
Зар, зүрларни,
Узсанг, түсін, түрларни,
Чайқалтирсанг гурларни.
Гурдаям ҳайқиролсанг,
Демакки, Сен шоирсан!

Дарвоқе, ҳамон Турку Турун даштларини томири бақувват қадим халқимизнинг гүрдаги Яссавий пирам, ҳазрат Навоий, улуғ Бобур, улкан Бедил абад ўлмас фарзандларининг ҳайқириқлари тутиб етмаяптыми?!

Ҳалима Худойбердиеванинг шеърларидаги ватанпарварлық жонфидолик, мардонаворлық маъносига уйқаш. Шеър руҳи лақзада сизни забт этади. Эҳтиросларнинг гүвлаб, тошиб келган оқими қаърига тортиб кетади. Сұзлар алланечук жонли-жисмли түйғуларнинг тифиз сағидек, уларни ёриб үтгудек күч-құдрат ӣүқ, беихтиер сиз ана шу оқим қаърида қолганингизни ҳис қиласиз. Мана бу “Ватан байроғи” шеъридан айрим сатрлар:

То бу байроқ, Ватан, нурлар
Ич-ичингга ~~кетсін~~ кириб.
Токи ғаним ватанхұрлар
Ололмасынлар суғириб.

Шундай үргат қулни, хонни,
Учмас күш ҳам учар бўлсин.
То байроқдан олдин жонни
Бермоқ осон кечар бўлсин.

Юқорида таъкидлаганимдек, жонфидолик Ҳалима Худойбердиева шеърларидаги асосий нуқталардан бири-дир. Бу энг олий мақсад йўлидаги фидойилик. Бу югурик замонда умрини ҳар нечук хору хазонга сочиб юрган, бораётган манзилининг қандай ва қанақа эканини тасаввур ҳам қилолмайдиган, шунчаки ивиришиб юрган касу нокасларга хитоб қилаётган шоира дейди:

Аввал ичингда қил ибодатингни,
Аввал ичингда ей шаҳд-қанотингни...

Фам ема. Бир камдир, тулдириб бўлмас,
Аввал ўз ичинга кир, кириб бўлмас.
Ички бургут кўклаб, узни урарми,
Ташқарида Сени ўлдириб бўлмас.

Одам боласи ўзининг бутун қисмати жараёнида бошидан қечирган кўргиликларини ўз қўли билан ясаган фожиавий бир “дурадгор” баайни, десак шоёни диққатдир. Ўзининг кимлигини англаб етмаган, ёруғ оламга нима учун келганини фаҳм этолмаган, шоира айтганидек, ўз ичидағи ибодатхонада “ибодат қилолмаган” кимсалар ҳар нечук нурдан кўзи қамашган, бироқ заррача бўлсин иймон нури билан борлиғи ёришмаган зотлар дурадгор дегинг келади.

Ҳаёт, муттасил курашдан иборат, деган маълум ва машҳур, қарийб ҳикматомуз гапга айланаётган қураш доимий ур-ийқит, ҳайлоҳув, ғавфо дегани эмас, албатта. Ҳаёт бу ҳар бир зотнинг ўз-ўзи, ўзининг жисмидаги файриодамий хуружлари билан кураши ва уни батамом бартараф этиши деган мазмунни ифода этади. Курашиш мумкин бўлса, аввало нафс билан, қабоҷат ва разолат билан мардларча курашиш жоиз. Ҳар нечук ҳолда, бошқа қандай мушқулот тушмасин, эл-юрт, мамлакат тақдиридаги энг қалтис синовларда ҳам таҳликага берилмасдан бошни тик тутиб яшаш керак.

Утган қора кунлардан ҳали –
ҳануз карахтман.
Ҳар япроғи юракдай титраб
Турган дараҳтман.
Шу ҳолда ҳам олдинга ташлангуви
Тик шаҳдман –
Болаларим,
қадни кўтаринг!

Ҳалима Худойбердиева кейинги пайтда бир туркум тўртликлар ёзди. Маълумки, адабиётимиз тарихида бу шеърий услубда ўз истеъодини синаб кўрган шоирлар бармоқ билан санаарли. Аммо айни шу шеърий йўл билангина адабиёт тарихидан мустаҳкам урин олган забардаст шоирларимиз бор. Менинг назаримда, шоиранинг бу йўналишдаги изланишлари унинг ижодий тафаккуридаги янги бир жиҳатларни кашф этгандек. Шоиранинг бутун

ижоди асосидаги чуқур фикрчанлик, безовталик, кутылмаган ташбәхларнинг мақсад билан ғоятда уйғунлашуви унинг бу ихчам шеърий йўлда муваффақиятли изланишларига омил бўлган. Бу шеърларнинг бир жиҳати, яъни унинг либоси хусусидаги мулоҳазалар. Аммо ана шу либос ичидағи ботиний маъно ҳам зоҳирий қўриниш билан бағоят сингишиб кетган. Натижада мухтасар шеърий услубда гўзал сўз тасбиҳлари яралгандек:

Тенгисизликка чопарлар, тенглига бормас,
Минг қўилига борар, мунглига бормас.
Тўйига, уйига борар, во дариф,
Ҳеч ким бир-бирининг кўнглига бормас.

* * *

Гарчанд ер юзининг қора-оқимиз,
Гарчанд ганж-гувала, томи, тоқимиз.
Гузал дунёларга бошлар йўл асли,
Сизнинг билан маним иттифоқимиз.

Одатда шеър изоҳланмайди, шеър англанади, деган гапни эшитганингиз бордир. Шунга амал қилиб мен бу ерда Ҳалиманинг 4-5 тўртликларини келтироқчиманки, бу асарларга изоҳ ортиқча деб ўйлайман:

Навоии – нон. Тўсма. Унга борар йўлдан қоч,
Фашлик қилма, тўрт ённи ҳам ёритаркан тож.
Навоийга ўзин урса, урма кофирни,
Ахир нонга мусулмону кофир бирдай оч.

* * *

Бирор гудак, бирорлар ит боқиб боради,
Бирорга гул, бирорга қул ёғиб боради.
Бу бенаво дунёсидан наво тиланиб,
Мендек бир адашган даре оқиб боради.

* * *

Бу дунёда менинг каби ғамдан барпо йўқ,
Тоғдай ғамин тил учига чиқармас тоғ йўқ.
Ҳеч ким мендек уз кўз ёшин селида оқмас,
Ерда мендек гуррос солиб йиғлар даре йўқ.

* * *

Бу умр – утар кучадир. Фофил ётма, туриб ўт,
Ётганлар бор, ҳолин сура, кулбасига кириб ўт.

Бу күча – байрам күчадир, дүст-дүшман орасидан
Зийнатланиб, зеболаниб қүшдай енгил юриб ут.

* * *

Сөхру сабогимиз устидан юринг,
Дог ўлдик. Догимиз устидан юринг.
Чорланг. Биз борайлар. Е ўзингиз келиб
Қошу қабогимиз устидан юринг.

• • •

Ютдиңану ютганимиз нимага арзир,
Үтмагану ўтканимиз нимага арзир.
“Бошин олиб бир сорига” кетганда Бобур
Сизу бизнинг кетканимиз нимага арзир?!

Кулингиздаги “Сайланма”дан түртликлар кенг ўрин олган. Мутолаа чоғида сиз бунга амин бұласиз, аммо мен бошқа бир нарса хусусида гапирмоқчиман. Шоира ҳам қандай шароитда, хоҳ долғали, хоҳ суронли, хоҳ осудалик ҳолатларida ҳам шеър ижод қила олиш салоҳиятига эга.

Яқин тарихимиздаги энг мудхиш ҳодиса – “Ўш-Ўзган фожиаси” деб тарихга кирган воқеалар таъсирида ёзилган машхур туркумини эслайлик. Ёхуд Мустақиллик-кача бұлган даврдаги шоиранинг ижтимоий публицистикаси ва унга ҳамоҳанг шеърларини бир ерга олайлик. Аммо, менинг назаримда, шоира ижодидаги янги оҳанглар түлқини бу, шубҳасиз, Мустақиллигимиз билан чамбарчас боғлиқдир. Шоиранинг кейинги пайтда қатор газета ва журналларда босилаётган туркумларida озодлик, эрк каби муқаддас тушунчалар, уларнинг миллат ва халқ тақдиридаги бемислу монанд аҳамияти ниҳоятда таъсирили тарзда үз ифодасини топмоқда. Шундай булиши табиий, албатта.

Энг муҳими, юрт бошида ҳақиқий эркинлик қүёши балқиди. Аждодлар, ота-боболарнинг муқаддас орзусини рүёби бизга насиб қылған экан. Биз шу күнларга етиб келдик. Бунинг шукронасини шеър билан адo қилиб бўладими? Шоиранинг ўзи айтганидек: “Бу қунларга етганлар бор, етмаганлар бор...”

Мен бу муҳтасар мақоламда шеърият муҳлисларини Ҳақиқий Суз билан мuloқотга чақираман. Менинг назаримда шоиранинг ўзи бир бутун, тикланаетган Сузга айланиб бораётганга ўхшайди. Қуйидаги сатрларга диққат қилинг:

Хурлик иули – кураш иули. **Тик** роҳларига
Чиқар экан гард тегмасин элнинг барига,
Кураш куйин қуийб элнинг қулоқларига,
Тун буйи оёқ учида юриб чиқар Сўз.

Оққан бўлсан ҳамки унинг пойида тинмай,
Элга нафим кам менинг деб нечун уксинмай.
Мен биргина сўз ўстирдим,
Мангу куз юммай
Туркий элни балолардан қуриб чиқар Сўз!

Таъбир жоиз бўлса, мен Ҳалима Худойбердиева
ижодини, унинг шоир юрагини даврнинг доимий таранг
торларига ўхшатган бўлардим. Чунки бўлиб ўтган, ўтаёт-
ган ҳар бир ҳаётий жараёнлар бу юракдан ўз акс-садосини
топиб бормоқда. Гоҳ мунгли, гоҳ забардаст, гоҳ тасдиқ-
ловчи, гоҳ инкор этувчи... умуман, бу йўлларда у ўзининг
ўчмас изларин қолдириб бормоқда деб айтишга ҳар
жиҳатдан ҳақлимиз, деб ўйлайман.

Узига түқ, кўркам, хушбичим, оқ дуст,
Йиглайман, Сизгамас, қўкси бедоф дуст,
Пок, нопокни бирдай сўёвчи тоғ дуст,
Иигим сўлаётган болалар учун!

Олма сабогидай ингичка бўйин,
Гоҳ етиб, гоҳ етмай кўрмадик түйин.
Ўлмасайди... буюк буларди тайин,
Йигим ўлаётган болалар учун!

Ичиб, учиб ётган боболари деб,
Тузғиб, кўчиб ётган боболари деб,
Бир-бирини сотган боболари деб
Тұлов тұлаётган болалар учун!

Ишонч иуқ иимону, ҳаж, додларига,
Жаҳолат муҳр урган каж ёдларига,
Бир-бирин қырганда аждодларига
Ушаб кетаётган болалар учун!

Агар биз бугун қаердадир хатога йўл қўйсак, адаш-
сак, юртга нифоқ уругини сочсак, булар беиз кетмаслиги,
буларнинг барчаси учун бизнинг йўлимиzinинг давомчила-
ри бўлган, оптимиздан келаётган болаларимиз, авлодлари-
миз “тўлов” тұлаши муқаррардир. Мен бу ерда халқимиз
бошига тушган қора кунлар, биродаркушлик фожиала-
рида ёзилган “Ўш-Ўзган фарёди” хусусида бир лаҳза
тұхташни лозим топдим. Зотан, эслаб, юракдан ўтказилиб

турилгандагина фожиалар қайтарили маслигига кафолат булади деб үйлайман. Қуидаги “Бизлар ожиз...” шеъри Ҳалиманингadolatsizlikka, бегуноқ түкилган қонларга қасос булиб янграган үша “Унутганинг күйсин икки дунёси” туркумiga кирган эди...

Биз қайда-ю ҳақиқат, Ҳаққа
Багир очган осмон қаерда!
Шарпа сезсак тұхтаймиз таққа,
Юрагида арслон қаерда.
Ҳали уз-о-о-қ бизлар чүкиб тиз
Яшагаймиз. Ҳоқон қаерда?
Тұниб-музлаб қолған қонимиз,
Алмаштироққа қон қаерда?
Йұ-ұқ, гарчанд кетмади шұримиз,
Очимиз оч, тұқимиз түйган.
Бизлар ожиз она бұримиз
Болаларин одамлар сүйгән!
Бугун дунёи дун тескари
Бүриларни одамлар тишлар.
Сенга одам булиб үсгани
Йул қўймайди бугунги ишлар.
Кўз ёшимиз кетгандир қуриб
Кон ювмоққа кўз ёш етмайди.
...Боласининг қасосин бўри –
Ўз гўрига олиб кетмайди.

Мен бу ерда Ҳалима Худойбердиева ижодида қасоскорлик руҳи устунлиги билан ҳам бошқа ижодкорлардан кескин фарқ қилишини айтиб ўтишим керак.

Бухенвальднинг қора мұрыларидан
Тутун булиб қочиб чиққанлар – Ватан,

дейди у уруш ҳақидаги бир шеърида. Устозимиз танқидчи Озод Шарафиддинов шоира ижоди хусусида тұхталиб шундай дейди: “Ҳалима фожиавий руҳни берганды шундай сўзларни танлайдики, бу сўзлардан тутун, дуд чиқиб тургандай туялади”.

Бало Олой төг ошганин унутинг,
Бало бизга ёндошганин унутинг.
Қорачиқлар ўйиб олингани-ю,
Қароқлардан қон тошганин унутинг.
Унутганинг күйсин икки дунёси!

Тозаланиб, қызғиши гилам өзилиб,
Қонли излар кетаверсин босилиб,
Лабларининг четларидан қон сизған
Болачалар тураверсин осилиб...
Унутганинг күйсин икки дунёси!

Ҳа, рассом кўзи билан қузатилган, чизилгандай бу сатрлар, фожиалар ҳали узоқ йиллар бизни ҳушёр яшашга ундаидики, бу ҳушёрик, бу бедорлик оқибати – иншо-оллоҳ, бундай дўзахий жараёнлар бошимизга қайта келмас!

Менинг фикримча, Ҳалима халқимиз бошига тушган қулфатлар, ғам-андуҳлар, қувончли кунларнинг бирортасига бефарқ қараб ўтмайди. Ҳалқимиз “совет армияси” сафларидан темир тобутларда қайтган ўғлонлари боис озмунча озор чекдими? Ҳалима бу катта ғамни бутун даҳшати билан “тобутларда сарсон армон” лар даражасига кўтариб, ўзининг ихчамгина “Каромат” шеърига сифдириди:

Кунглимда кўнглимнинг минг синиги бор,
Кунглимда ғамларнинг ўтқир тифи бор.
Ииги бор, олдинда катта Йиги бор,
Элнинг болалари ўлмас бекорга.

Обдон ювган билан ювиларми қон,
Қотилидан қочиб йўлга чиқсан жон.
Тобутларда сарсон, армон-а, армон.
Бу болалар қони ёзилмас қорга.

Бу кун тинч денгиздай қалқсанг-да тек, жим,
Қаърингдан укириқ келмоқда, халқим.
Эртага бу жонсиз болалар қалқиб
Жонли вижданларни тортажак дорга!

Мен Ҳалиманинг ижодини синчков қузатиб яна бир марта дунёдаги жамики воқеа-ҳодисотлар аввало она юрагида, аёл қалбида зарбланиши, акс-садо беришига амин бўлдим. “Худойим, элимга подшоҳлик бер”, – илтижо қиласи у бир шеърида.

Унинг шеърларида

Тирикликнинг ғами ҳам совға

еки

Ай, дунё-я сен шундайин құхна бозор
Нарх-навосин тайини йўқ, тайин ғам бор

каби ҳикмат бўлиб дунёга келадиган ҳайратомуз сатрларга тез-тез дуч келиш мумкин.

Ҳалима Худойбердиева ижодида муқаддас юрт камоли, бутун бошимизга қўнган Ҳумо қуши – Мустақил-

ликкача бўлган орзу, армон, нафрат, исёнлар бугун бошқача, хотиржамроқ рангларда кўриниш бермоқда. Аммо эътиқод, принцип ўша-ўша. У чучмаллик, ўрталиқни ёқтирмайди.

“Ҳаётим ё жаннат бўлур, ё дуд, жаҳаннам” деган сатрларини ўқигандим унинг 1-курсдалигида чоп этилган “Илк муҳаббат” китобида. У ўша-ўша Ҳаққа ёвук, хоксорга йўлдош.

Мен фарзандман тупроқ юз ҳаққа,
Мен бурчакдан отилганини,

деганди у кейинроқ ўзининг “Тарафкашлиқ” сарлавҳали шеърида.

Ўша-ўша кескин.

Жонажон Ватан шаъни, эрки хусусида гап кетганда, ҳеч иккиланмай азиз жонини гаровга қўйиб қўлига қалам оладиган ижодкорлардан деб биламан мен уни. Биз ўшандай яшаганда, ижод қилгандагина бугунги эркимиз бедаҳл бўлади, мангу бўлади. Мана бу унинг энг сўнгги шеърларидан бири – “Эрк Йули”:

Бари ёлғон,
Шу йўлгина чин.
Бу йўлда юрмайсан, учасан.
Фақат унда кетмоқлик учун
Ўзинг бор-йўғингдан кечасан.

Отланаркан тонг ёки кечда,
Ичга тўлдир озодлик кўйин.
Бор лаш-лушинг бирма-бир еч-да,
Бошдан-оёқ ҲУРЛИКни кийин!

ЭРКка тўйин!
Керак тамоми.

2000 йил

“ЯХШИЛАР ИЧРА ВАТАН...”

Навоий бобомизнинг табаррук номлари ҳар бир узбек учун жаҳон адабиёти кошонасида фахр билан кўрсатишими мумкин булган гувоҳномадир. Халқимиз улуғ шоирини асрлар давомида бир дақиқа бўлсин ҳам

унутган эмас. Бунинг сабаби наинки ифтихор, балки бу беназир ижоддан баҳраманд булиш истагидир. Қанча даврлар ўтди, бироқ вақтнинг шафқатсиз оқими шоир абадиятига заррача кор қила олган эмас. Халқимизнинг хур фикрини, фурурини писанд қилмайдиган зуравон мағкураларгина Навоий ижодини юзаки ташвиқ қилишдан манфаатдор эдилар. Шу маънода, Истиқол биз учун Навоий кошонаси томон ҳам кенг ва ёруғ йўл очиб берди. Биз энди тӯла маънода ушбу кошонада сайр қила оламиз. Унинг нақшу нигорларидан баҳра ола биламиз. Юртбошимиз худди ана шу мақсадни кўзда тутиб бобомиз ижодини янада чуқурроқ урганишга даъват этаётирлар, ниятларимизнинг ижроси учун астойдил кўмак бериб, муттасил ғамхўрлик қилаётирлар. Келгуси йил Навоий бобомиз таваллудига 560 йил тӯлади. Бу кутлуғ санани нишонлаш учун саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилган. Асосий гап, албатта, шоир ижодининг халқ дилига, қолаверса, ҳар бир хонадонга нечоғлик табиий равишда кириб боришидадир. Тұғри, навоийшунослик фани бир жойда тұхтаб турган эмас. Тұғри, шоир ғазалларини ҳофизларимиз туну күн мароқ билан ижро этаётирлар, лекин бобомиз ижодидан халқимизнинг барча қатламлари тӯла баҳраманд бўлмоғи учун ҳали кўп ишлар қилмоғимиз лозимдир. Бобомизнинг муazzам ҳайкали поэтига ҳар куни қанчадан-қанча келин-куевлар, қанчадан-қанча фарзандларимиз ихлос билан гуллар қўядилар. Улар ўзлари эҳтиром курсатаётган бобокалоннинг ижодидан етарли даражада хабардормилар? Ҳар бир фарзандимиз шоир ижодидан бирор байт ёд айтишини ёхуд келин-куевлар бир-бирларига сеп жунатарканлар унинг орасида дейлик “Хамса”нинг ҳам бўлмоғини орзу қиласиз. Албатта, бу ҳурмату эътиқод кўр-кўронада бўлмаслиги керак. Қадимдан қолган бир гап бор: Ҳар бир нарсани севиш учун ҳам ёки ёмон кўриш учун ҳам аввало уни яхши билиш керак. Президентимиз бизларни Навоий ижодини айнан билишга, билганда ҳам теранроқ билишга чорламоқдалар. Навоий ижодидан лоақал бир ялам бол татиган кишининг қўли ҳеч қачон ёмонликка бормайди, деб ўйлайман. Бу ижод наинки руҳиятимизни, балки ақлу фикриятимизни ҳам бойитадиган, ҷархлайдиган қудратли ижоддир. Бу ижод фақат яхшиликка, фақат эзгуликка чорлайдиган ижоддир. Ҳазрат Навоий-

нинг соддагина қилиб айтган биргина мана бу ўгитига эътибор қиласилик:

Яхшилар ичра Ватан тутса Навоий, не тонг,
Кимки ёмонлар ила бўлди ёмон бўлдило.

Бундай ҳикматлар бобомиз ижодида минг-минглаб-дир.

2000 йил, февраль

КАТТА ҲАҚИҚАТЛАР ТАНТАНАСИ

— Мен бугунги гапни айни ёшимда етиб келганим, түгри деб топганим асосий холосамдан бошласам. Бу асло баландпарвоз иборалар эмас — умримнинг энг муҳим, энг нурли саҳифаси, ҳеч шубҳасиз, ўз халқимни, миллатимни тарихан озод кўриш насиб этгани бўлди. Ҳаётга келиб ортирган жуда катта ғалабам ҳам, баҳтим ҳам, иқболим ҳам мана шу, деб биламан. Зеро, бу кунларни кўриш насиб этмаган қанчадан-қанча устозларимиз, сафдошларимиз ўтди...

Биз инсонлар устидан ҳукмронлик қилган мудҳиш бир тузумни, унинг даҳшатли томонларини ҳам, ўзига яраша “улуворлиги”ни ҳам курдик. Муҳими шундаки, бизнинг миллатимиз баҳтига мана шу тузум емирилди. Менинг тақдиримнинг ҳам энг еруғ томони, шубҳасиз, мана шу!

Қоронғу жиҳатлар эса... Биласизми, Одам боласининг феълу атвори бир йил-икки йилдагина эмас, балки асрлар мобайнода ҳам ўзгариши қийин. Дейлик, мен ўша иигитлик йилларимда дуч келганим турли салбий сифатлар, ҳодисаларга ҳозир ҳам рӯпара келиб турибман. Яхши одам, бундан беш юз иил олдин ҳам яхши одам бўлган, ёмон одам бундан беш юз иил кейин ҳам ёмонлигича қолди, шекилли. Бу табиатнинг, Аллоҳнинг тирикликка, инсон боласининг, тақдирнинг пешонасига битган бир ёрлиғи бўлса керак...

Шунга қарамасдан, менинг ўйлашимча, оламда катта ҳақиқатлар ва бирмунча кичикроқ ҳақиқатлар мавжудга

ухшайди. Бизнинг миллатимиз, ҳалқимиз мустақилликка, ҳурлилкка, озодликка эришгани бу жуда ҳам катта ҳақиқатлар сирасига киради!

Тузумларнинг ўзгаришидаги иккинчи муҳим жиҳат шуки, аввалги даврдаги қонсираган жаллодлар энди фаолият кўрсата олмайдилар. Масалан, аввал бир бева-бечорани қон қақшатганлар ҳар қадамда учраган бўлса, энди бева-бечоранинг эгаси бор, унинг ҳақини, ҳуқуқини ҳимоя қиласидиганлар бор. Шу маънода, бояги – ўзгармасдек туюладиган ёмонликнинг йўли тусилади, қўли қайрилади.

Тақдирнинг қоронгулик томонлари эса... Мен ўша ийллари бир тўртлик ёзган эдим:

Дейдилар, ит ҳуар – ўтади карвон,
Ранжу балолардан ёнмасин жонинг.
Лекин алам қиласар, бир умр гирён
Итлар орасидан ўтса карвонинг.

Чамамда, карвонлар кўпинча турли шовқин-суронлар орасидан ўтишга мажбурми, пешонасида шу нарса бор шекилли-да, Ҳолбуки, биз инсоннинг комил, мукаммал бўлмоғини доимо орзу қиласиз...

— Дарҳақиқат, Сиз буюк салафлар сингари бутун ижодингиз давомида инсонни мукаммал, ўз номига муносиб кўриш орзусини илгари сурмоқдасиз. Бироқ олам ҳам, одам ҳам бу мартабадан ҳамон йироқда. Ҳозир айтганингиздек, бу масалада бундан беш юз йил аввал аҳвол қандай бўлган бўлса, балки бундан беш аср кейин ҳам шу манзара сақланаб қолавериши мумкин. Унда умид нимадан? Жамики ҳаракат, интилишлар зое кетмайдими?

— Аввало, Одам боласининг узи ўша қадим-қадим замонлардаёқ, оғзаки адабиётдаёқ, дейлик, ўша “Авесто”даёқ эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш масаласини ўртага муаммо қилиб қўйган. Ва бу ҳамон шундоқ алфозда давом этаяпти.

— Лекин, эътибор қилиб қарасак, наинки бизга ўхшаш шоирлар ва олимлар, балки Навоий ва Данте сингари даҳоларнинг гапига ҳам бирор қулоқ солмаган. Яъни инсоният шулар кўрсатган йўлдан юришимиз керак экан, деб ўзига дастуриламал қилиб олмаган...

— Лекин, шундоқ экан-да энди деб, каттакон йулни тамомила шайтонга ташлаб кетишга ҳам, ёвузликка

энди кучимиз етмас экан, ёвузлик, қўлингдан келган барча ишингни қил, Ер юзида сен ҳукмронсан, эзгуликнинг қўлидан ҳеч нарса келмади, деб ташлаб кетиш ҳам асло мумкин эмас экан. Мана шунинг учун ҳам барча замонларда, жамики тузумларда оқ ва қора деганимиз — эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш адабиётнинг, катта-кичик жамики санъат аҳлининг ижодида ўз аксини топган.

Нафақат адибу шоирлар, балки, давлатларнинг энг буюк раҳбарлари ҳамadolat йўлини тинимсиз ахтаришган, узларича қонунлар, конституциялар яратишган.

Бу ўринда яна Амир Темур ҳазратлари ёдга келади. У киши ўзининг катта қонунлари, фармонлари, уларнинг ижросини таъминлашни назоратга олиш орқали ўз фуқаролари — раиятни бошқарганлар ва бу ишда ўзига хос даражадаadolatга эришдим, дея хулоса қилганлар.

“Мен, — дейди Соҳибқирон бобомиз, — салтанатимнинг бу томонидан то нареғигача (бу дегани энди — Дехлидан то Болқонгача дегани!) бир ёш боланинг бошига бир лаган марваридни қўйиб яёв йулга солиб юборсам, у манзилга етгунча бир неча ииллар ўтади, бу бола улғаяди, лекин унинг бошидаги лагандан бир дона марварид тўкилмайдиган даражага етказдим, яъни йўлда қароқчиларнинг йулини тўсдим, йўлтўсрарларнинг дўстини қайирдим...”

Бу ўз даври — Ўрта асрлардаги гаплар. Ният эса ўша-уша —adolatни тайин этиш, яхшиликни ҳимоя қилиш!

Орадан вақтлар ўтди, замонлар, сиесатлар узгарди, турли конституциялар, қонунлар пайдо бўлди. Эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги олишув эса ҳамон тамомига етгани йўқ, балки ҳеч қачон етмас ҳам. Муҳими шундаки, бу курашда адабиёт, санъат ёлғиз эмас!

Баъзан шундоқки, мактабда дарсга кирган ўқитувчи синфдаги йигирма нафар боладан ўн тўққизтаси кулоқ солмаса ҳам, уни жон дили билан тинглашга тайёр биргина ўқувчи учун дарс ўтиши керак, дейилади ва бу тўғри ҳам. Баъзан ижодингизни битта одам куйиниб ўқиса, шунга риоя қилса, шунинг ўзи ижодкорга жуда катта баҳт бўлиши мумкин. Ҳолбуки, халқ катта дарё, унинг ичидагу жуда кўп қатламлар бор, улар орасида эса, яхши одамлар ҳам, албатта, йўқ эмас..

— Ёдимда бор — ўтган асрнинг 70-йиллари охирида “Ўзбек тили ва адабиёти” журналида бир сұхбатингиз болылган эди. Ўшанда Сиз жуда тагдор қилиб бир гапни айтгандингиз: “Ҳақиқат әгилади, букилади, лекин синмайди, дейдилар. Бироқ, ўша әгилиш ва букилишларда унинг нечанеча қобирғалари синиб, пайлари узилиб кетишини билсангиз эди...”

— Ҳа, бу бор гап, бор гап!

Ҳақиқатнинг әгилиши ва букилиши натижасида ижодкор ҳам жисмонан, ҳам руҳан майиб-мажруҳ булиши мүмкін. Жисмонан деганимки, Ойбек домла нега тилдан қолдию, қўл-оғи яхши ишламайдиган булиб қолди?.. “Маломат тошлари”да ёзган эдим:

Не деб сўзлаганким боқиб биз сари
Бетимсол Ойбекнинг ҳорғин қўзлари?..

Руҳан букилишлар адогида эса тушкун, маҳзун шеърлар, асарлар дунёга келади. Менинг ҳам ўтган асрнинг 60-70-йилларидаги айрим шеърларим мана шу “қобирға синишлар” натижаси, ўшалардан туғилган оҳу ноалар эди.

Бу кунларнинг тарихда қолгани, илойим, рост бўлсин.

— Устозларингиздан бири – Абдулла Қаҳҳор Сизнинг авлодингиз интилишлари, салоҳиятини кўриб, “Ўзбек адабиёти келажакда буюк адабиёт бўлади!” дея башорат қилган эди.

Бугун Сиз А. Қаҳҳор шу гапни айтган ёшга етдингиз. Ўзбек адабиётининг кечаги куни, бугуни ва эртанги кунини кўра олиш қувватига эгасиз. Сиз келажакдаги миллий адабиётимиздан, бугун қўлига қалам тута бошлаган фарзандларингиз, ёзувчи-шоир укаларингиздан нималарни кутасиз? Улар неларга кўпроқ эътибор беришларини истайсизу, нимадан эҳтиёт бўлишларини тилайсиз?

— Абдулла aka раҳматлининг ўша гаплари айтилишига мен бевосита гувоҳман. Ўша маҳалларда бу гап жуда уйлаб айтилган башорат эканлигини, албатта, ҳис қилганимиз. Бироқ, бугун, Абдулла Қаҳҳор ўша маҳалда мустақил бўлишимизни башорат қилган эди, десак, бу жуда таваккал гап бўлади. Йўқ, ундоқ эмас!

Абдулла ака бу гапни айтишда, менимча, битта нарсаны, муҳим нарсаны назарда тутган. Бу – халқимизнинг заҳира имкониятлари катта эканлиги, унинг истеъоддларга ниҳоятда бойлиги. Бу миллат ўз вақтида Навоийни берганлиги, Берунийни, Бобурни, Машрабни берганлиги, бу дарё ҳали оқиши мумкин ва керак эканлиги ҳақидаги ҳақиқатдан воқиф эканлиги. Бу ҳақиқат унга аҳвол ҳозиргидек абадий қолиб кетмаса керак, деганга ўхшаш ишончни ҳам берган назаримда.

Шу муносабат билан мен бугун бошқа бир гапни айтишни хоҳлардим. Бизнинг миллий мустақиллигимиз ижодкорларга буюк имкониятлар берди. Агар кишида ҳақиқатдан ҳам ота-бобосидан ўтган истеъод бўлсаю, қулида қалами бўлсаю, бирор буни ёз, буни ёзма деб зуфум қилмаётган бўлсаю, шунда ҳам агар бу ижодкор буюк бўлмаса, энди ўзидан кўрсин, десак тўғри бўлади, менимча.

Шу маънода, агар Абдулла Қаҳҳор бугун тирик бўлганида, янгишмасам, тахминан шундай гапни айтган бўларди: “Мен сенга буюк адабиёт бўласан, деган эдим. Мана энди имкониятинг бўлди, тарих сенга шу имкониятни берди, ана энди буюк бўлгин, болам!”

Агар бугун мен ёшларимизни бироз мақтасам, ишонманки, улар талтайиб кетишмайди.

Баъзан бир халқقا, авлодга баҳо берганда, биз айрим-айрим, буюк шахсларни олиб, шуларга қараб баҳо берамиз. Аслида эса, пастдаги майда-майда тоғчалар, адирларга қараб ҳам баҳо бериш керак. Зоро, уларда ҳали ўсиш, кўтарилиш имконияти, заҳираларида ишга солинмаган қувватлари бўлади. Демак, агар шу нуқтаи назар билан қарайдиган бўлсак, ўтган асрнинг 50-60-йилларининг умумий “адирлари” даражаси билан ҳозирги адабиётгманзарасининг умумий даражаси, савияси ўртасида ер билан осмонча фарқ бор.

Бугунги ёш ижодкор учун ахборотлар оқими тинимсиз келиб турибди. У хорижий тилларни билади ёхуд билиш имконияти бисёр. Демак, уша тилларда ўқиш, адабиётлар кўриш баҳти ҳам ундан узоқ эмас.

Ёшларимиз шеърияти, прозасида жуда рангдор, тагдор, образли фикрлашни, ўйларни кузатамизки, бу албатта, жуда яхши.

Лекин, уларга синчиклаб қарасангиз, негадир таржима асарларга ўхшаб кетишни ҳам сезмаслик мумкин

эмас. Шундай пайтларда мен уша, ўзимизнинг жайдари миллийлигимизни жудаям соғинаман...

Майли, буюкларга интилиш бўлсин, жаҳоннинг, ба-шариятнинг энг илгор фикрларига ошнолик бўлсин, Фарб, Европа, Америка дейсизми, майли Лотин Америкаси, майли Ойми, Марсми... даражасида фикрлашсин, лекин ўзбек фикрласин, ўзбекча фикрласин!

Агар шу “кичкинагина” шарт бажарилса, қолганига, албатта, эришамиз!

2001 йил, март

“ЮЛДУЗЛАР ЎТИГА БАРДОШ БЕРУРМАН...”

Саволлар:

1. Синфдошларингизни эслайсизми?
2. Биринчи ўқиган китобингиз?
3. Биринчи ёзган шеърингизни эслай оласизми?
4. Болалигингиизда ким бўлишни орзу қилгансиз?
5. “2” баҳо олганмисиз?
6. Қандай бола бўлгансиз: шухми, мўминми...?
7. Сизнинг назарингизда ҳозирги болалар билимга чанқоқми ёки сизнинг даврингиздагими?
8. “Мактабда муҳаббат” мавзусига қандай қарай-сиз?

1. Мен туғилиб усган Қунғиртов этакларидаги болаликни, синфдошларни эсламай бўладими. Ҳаётга ҳаммамиз бирга қадам қўйганмиз, ўн йил бирга ўқиганмиз. Ҳозир ҳаммасининг ёши улғайган, невара-чеварали одамлар. Улар билан кўришганда мактаб даврини эслалиб турамиз. Болалиқ, ўспиринлик йилларида қанақа қизиқ воқеалар булган бўлса ҳаммасини кўрганмиз. Пахта терганмиз, галла урганмиз, физкультура мусобақаларида қатнашганмиз, деворий газеталар чиқарганмиз.

2. Ўша маҳалларда, 46-47-йилларда қулимизга қандай китоб тушса ўқир эдик. Ўзбекча китоб бўладими, таржима, халқ достонларими. Радио, телевидение ёхуд бошқа томошалар бўлмаганидан кейин эрмагим китоб эди. Кўпроқ мактаб кутубхонасидан фойдаланганман.

3. Биринчи шеърлар ёза бошлаганимга нима турткы булганини аниқ билмайман, ҳар ҳолда сұзларни қофиялашга ишқибоз булиб қолганим эсимдә. Завқим тошиб ниманидир ёзгим келаверади. Она, ота, мактаб, бригадир Нодир каби гапларни ўзимча шеърга солиб айлантириб юрадим. Мендан катта акам, ҳозир у қишлоқ хужалиги соҳасида профессор, шеър ёзиб, болалар газетасига жұнтарди. Газетадан келган жавоб ҳатини акамга билдирмай ўқырдим. Ҳатнинг жавоби бундаи буларди: “Шеърингизнинг мавзуи яхши, лекин қофия, туроқлари чатоқ ва ҳоказо”. Кейин мен қофия-туроқни үрганиш учун роса китоб титардим. Шеърларим аввал туман, вилоят газеталарида босилиб чиқди. Биринчи марта республика болалар газетасида “Күшча” деган шеърим босилиб чиққан. Ұша дақиқалар, унинг қувончи сира-сира эсимдан чиқмайди. Бора-бора бу адабий машқларим ҳаётимнинг асосий мазмунига, касб-корига айланиб кетишини үйлаган эмасман.

4. Шоирлик – бу касб эмас. Бу бир тақдир дейишиди, фазилат ҳам дейишиди. Шоирликка мактаб ҳам, диплом ҳам йүқ. Болалигимда астроном бұламан, деб орзу қилардим. Жанубда, булатсиз қоп-қора осмонда юлдузлар чарақлаб қуриналади. Бутун руҳимни, қалбимни мафтун қылған ұша манзаралар. Юлдузларнинг үзи ҳамиша, ҳамма халқларда поэзиянинг асосий қаҳрамони, образи бұлан. Сеҳрли, чексиз коинот... Ҳозир ҳам астрономияга доир китобларни йиғиб юраман.

5. Ҳар хил баҳолар олғанман. Физикадан “Ричаг” деган темани айтib беролмаганман, шунда “2” олғанман. Эртасига яхшилаб тайёрланиб келғанманда, “5” га тузатғанман. “Ишқаланиш” деган тема эди. Ҳозир ҳам эсимдә. Бир жисм устида иккинчи жисм ҳаракат қылғанда пайдо булиб, ҳаракатта түсқинлик қыладиган ҳар қандай күчни ишқаланиш дейилади.

6. Табиатан ювошроқ булганим учун туполончиликтан узоқроқ юрадим. Оилада ҳам ақаларимнинг орасида кенжә эдим. Учта акам бор, кенжага аяб қараашарди.

7. У даврдаги болалар, ҳозирги болалар булар нисбий гаплар. Ҳозир ахборотлар асри дейилаяпти. Бизнинг болалик йилларимизда информация ниҳоятда кам эди. Москва, Кремль, Сталин, Ленин, партия деган гапларни қулогимизга қүйишган. Шундан бошқа ахборот йүқ эди.

Ахборот биз учун табиатнинг ўзи – турналар, кийик, юлдузлар, баҳорнинг тошқин сойлари, сувлари. Биз учун маънавий-эстетик ахборотлар мана шулар эди. Ҳозирги болалар билан бизнинг давримиздаги болаларда ер билан осмонча фарқ бор.

Ҳозир имкониятлар катта, ўқийдиган китоблар сонсаноқсиз, болалар бир неча тилларни билишади. Имконият, шарт-шароит ўзгарган булиши мумкин, лекин одам боласининг қалби минг йил олдин ҳам, ҳозир ҳам ўшаётша. Туғма равишда бир нарсалардан таъсиrlана билиш, меҳр-муҳаббат каби түйгулар инсон боласининг қалбida бор гаплар.

8. Мактабда муҳаббат – бу бор гап, бошимиздан ўтган. Бу жуда чиройли, самимий муҳаббат бўлади. Уни изҳор қилолмайсиз ҳам. Бир-бирларига хат ёзишиб юришлари мумкин, кейин ҳаётда йўллари турли томонга кетади. Лекин одамзот буни бир умр эслаб юради. Муҳаббат фалон куни келаман, фалон куни келмайман, демайди. Ёш қизчами, йигитчами улғая бошлагандан кейин секин унинг қалбida гул фунча очгандай унади. Лекин ҳар ҳолда романтикроқ, ҳақиқий соф, ҳақиқий яхши муҳаббат бўлади. Ҳаётнинг бир буюк синовлари деган ваҳимали гапларни мактабдаги муҳаббатнинг синовига рупара қилиш керак эмас. У ёш, беғубор болаликнинг соф муҳаббатидир.

2001 йил

АБАДИЯТ УМРИ

Ҳайкал поїида айтилган сўз

Парвардигори олам ер юзи ҳалқларига истеъододу салоҳият улашганда, бизнинг ҳалқимиздан ҳам ўз марҳаматини дариф тутмаган экан. Агар тарихимизга дафъатан назар ташласак ҳам бир-биридан буюк зотларга рубару келаверамиз. Масалан, ёлғиз Темур бобомизни муҳташам тарих кошонасининг устунларидан бири дейишимиз мумкин. Боболаримизнинг мӯътабар даврасида эса Алишер Навоий сиймоси, айниқса, порлаб куринади. Албатта, ҳар бир ҳалқ қайси бир замонларда яшаб ўтган бўлмасин, ўз

донгдор фарзандларини улуғлашга ҳақлидир ва түгри қиласылар. Бироқ, бу манзарага адолат юзасидан ва тамомила холислик билан ёндашадиган бұлсак, даҳолар ичидә ҳам эңг буюклари борлигига амин бўламиз. Ана шу юксак талаб ва мезон билан қаралган тақдирда ҳам Алишер Навоий даҳоси жаҳондаги эңг ғолиб ва музaffer сиймолар қаторидан жой олгусидир.

Ҳай аттанг, неча-неча замонлар буюк боболаримизга беҳурматлик қилинди, ғанимлар шу тариқа ҳалқимизни камситмоқчи бўлдилар. Бу манфур жараён қандай кечганинги унуган эмасмиз. Ҳуррият гуё тутқун дарёning бандини очиб юбордию биз яна унинг неъматларидан баҳра ола бошладик. Навоий бобомизнинг ижоди эса ҳеч қачон тинмайдиган, доимо жўшиб тургувчи улкан бир нахрдир. Навоий ҳазратлари наинки ҳалқимизнинг буюк ифтихори, балки у зотнинг ижодий мероси барча авлодларга эшиги ҳамиша очиқ мактабдир. Алишер Навоий ҳалқимизнинг савиясини, маърифий-маънавий даражасини белгиловчи зотdir.

Азиз дўстлар, Навоий сабоқларидан тўла баҳраманд бўладиган замон мана энди келди. Тарихнинг бундоқ инояти учун биз, албатта, шукроналар айтамиз. Муттасил курашлар эвазига етишган мустақиллигимизни эъзозлаймиз, барча саъй-ҳаракатларимизга раҳнамолик қилаётган юртбошимизга раҳматлар деймиз.

Навоий бобомизнинг таваллуд топганларига 560 йил тўлди. Биз учун бу катта мулдат ҳисобланиши мумкин, бироқ абадиятга дахлдор зотлар учун бу сана чексизлик йўлидаги навбатдаги бир поғонадир холос.

2001 йил, февраль

БУЮК ИФТИХОР

Ҳинд ҳалқида шундай одат бор: улар йилда бир маротаба муқаддас Ганг дарёсида чўмилишиб, покланиб оладилар. Мен ҳалқларнинг маънавий дунёларида ҳам ўз Ганг дарёлари бор, деб ўйлайман. Биз учун шундоқ табаррук уммон, шубҳасиз, Алишер Навоийдир. Биз наинки йилда бир бора, балким, ҳар куни бу сиймодан нур, зиё,

маънавий қудрат оламиз. У зотнинг меъёри-мезонларидан келиб чиқиб, атроф муҳитга муносабатимизни билдирамиз. Кўпинча, Навоий бобомиз бундоқ деганлар каби ибора бизга етарлидир, уни муҳокама қилиб ҳам ўтирумаймиз. Ахир:

Одами эрсанг, демагил одами,
Ониким йўқ ҳалқ ғамидин ғами –

деган байт барча замонлар учун бирдек шиор эмасми?

Ёки улуғ шоиримиз “Ким ёмонлиғ қилмаса, қилғонча бордир яхшилиғ” дер эканлар, бу бутун инсониятга билдирилаётган маломатли истак эмасми?

Биз, албатта, шундай улуғ мутафаккир шоиримиз борлигидан чексиз ифтихор қиласмиз. Ҳалқимиз ҳар қандай шарт-шароитда ҳам бу улуғ фарзандини фаромуш этган эмас. Ахир, ҳар икки фарзандимизнинг бири Алишерку!

Эл бошига тушган азиятларга Навоий бобомиз ҳам шерик бўлган эдилар. Кимларгадир ёқмаган сатрлари ўчириб ташланган эди. Демак, Истиқолимизга Навоий бобомиз ҳам ташна эдилар. Бугунги кунда Навоийни ўрганиш – ўз қалбимизни ўрганиш, Навоийни таниш – ўзлигимизни таниш билан баробар.

Буюк шоиримизга алоҳида эътибор бугунги кунда давлат мақоми даражасига айланганлиги миллатимизнинг баҳтидир. Бу саодатли кунлар учун Истиқолимизга шукроналар, Президентимизга минг-минг раҳматлар айтсак арзийди.

2001 ийл, февраль

ОЙБЕК ДОМЛА ТАҚДИРИ КАБИ...

... 30-йиллар охирларида қатағон тўлқинидан омон қолган Ойбек домла ҳамма фуқаролик ҳуқуқларидан мосуво булиб, ишдан қувилади. Тирикчилик манбаидан бутунлай маҳрум бўлади. Куни Зарифа опанинг арзимас хизмат моянасига қараб қолади. Ана шундай оғир дамларда Ойбек истеъодининг ашаддий мухлиси Жуманиёз Шарипов ўзи директорлик қилиб турган “Ўқувпеддав-

нашр” (хозирги “Ўқитувчи”) нашриётига домлани таклиф этиб, узбек тили ва адабиёти редакциясига муҳаррирлик лавозимига тайинлайди. Ҳозирги замон тили билан айтганда, ижодкорга шундай ижтимоий буюртма беради: “Оға, Сиз грек, рим адабиётини яхши биласиз. Ишга чиқмасангиз ҳам, уйда бу адабиётни рус китоблари асосида таржима, таҳлил ва таҳрир қилинг. Қўлёzmани пешмапеш нашриётга етказиб туринг. Хизмат ҳақи таъриф ставкасидаги ойлик маош”.

Устоз Ойбек бир йилдан ошиқроқ вақт мобанида “буюртма” устида ишлади, ниҳоят, 1940 йилда “Лотин адабиёти” номли антик адабиёт тарихи, тадқиқи, асосий асарлар хрестоматик намуналари берилган китоб-қўлланма дунёга келади...

Муқояса қилиш ўнғайсиз бўлса-да, бу воқеани эслаганимнинг боиси мен ҳам 70-йилларнинг охирларида қарийб Ойбек домла ҳолатига тушиб қолганман. Асарларим чоп этилмади, ўзим ишсиз қолдим. Тирикчилик манбаи қуритилди. Шундай мураккаб вазиятда ҳозирги Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтига, узбек тили ва адабиёти кафедрасига мени ўқитувчикликка ишга таклиф этилди. Ҳиммат номдор адабиётшунос олим, институт ректори, муҳтарам Азиз Пулатович Қаюмов томонидан бўлган. Шу зайлда бир муддат у ерда домлалик қилганман.

Бу институт билан мени кўп яхши таассуротлар ҳамиша боғлаб туради. Ҳозирги ректори Азиз Оппоқович Тураев ҳам 70-80-йилларда менга қарши компания ҳужумларида адабиёт-санъат ҳомийси бўлган камеб раҳбар сифатида бир неча бор жонимга оро кирган...

Кафедрада Иброҳим Азимов (бевақт ўтиб кетди, Оллоҳ раҳмат қилсин), Норқул Бекмирзаев, Гулчехра Расурова каби ёш, истеъодли домлалар ушанда ҳам мени ўтиргизгани жой топишолмас, ҳамюрт, ҳамشاҳаримиз деб еру кўкка ишонишмасди. Мудир Собир Мирвалиев ижодий фаолиятим учун муайян шароит яратиб берган эди...

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти менинг тақдиримга, таржимаи ҳолимга халоскор олий даргоҳ бўлиб кириб қолган...

Тошкент, Дурмон.
2001 йил, март

ЮРТИМ ОЛДИДА БУРЧЛИМАН

Азиз ватандошларим!

Шу кунларда адабиётимизга кўрсатилаётган юксак иззат ҳурмат ва ишончдан, айниқса, куни кечада Президентимиз Ислом Каримовнинг бизга эътиборидан бошим кўкларга етиб турибди. Бундай пайтларда кишининг хаёлидан кўп нарсалар кечади. Мен шулар ҳақида ўйлай-ўйлай икки жиҳатга тўхталгандай бўлдим. Уларнинг бири шукроналик бўлса, яна бири қарздорлик ҳиссидир.

Албатта, гапимнинг маъносини ватандошларим англаб турибдилар. Лекин шундай бўлса-да дилимдагини баён қилгим келаётир. Авваламбор Яратганга шукроналар бўлсинким, тириклик оламида менга ҳам тугмадек жой ажратиб, яшашнинг завқу сафосини берибди. Фарзанду зурриёдлар ато этибди. Ҳатто марҳаматини дариф тутмай шеърият деб аталган мұъжизасига ошно қилибди.

Яна шунинг учун шукроналар бўлсинким, мен бу қадим қўҳна дунёга ўзбек деб аталган қутлуғ шаҳодатнома билан келибман. Мен улуғ халқимнинг тариф-тавсифини келтираверсам қуёш довоту осмон қоғоз бўлса етмагай. Шундай буюк қудратни банди ҳолда қуриш азобларнинг азоби эмасмиди?

Ниҳоят унинг Ҳуррияти, озодлигига гувоҳ булиш менга ҳам насиб этди.

Шукронамининг яна бир бекиес томони шундаки, тарих ва тақдирнинг илтифоти или кўп азиз ва мукаррам зотларга дуч келдим, қаҳр қанчалик қаршиламасин, меҳр ҳам курдим, муҳаббат ҳам топдим. Дўстлар орасида қурташладим.

Қадимда бир шоир:

Раҳм қил давлатли султоним, мурувват чоғидир –
деб нола қилган эди. Шукроналар бўлсинки, мен ҳаётимнинг кейинги йилларида айнан раҳм ва мурувват ҳавола-
ридан нафас ола бошладим.

Карвоннинг тахти-бахти сарбонга боғлиқдир. Минг шукрки, халқим баробарида излай-излай жасур ва одил сарбонимни, йўлбошчимни топа олдим.

Менинг мавжудлигим узимга керак,
Тахтим – оиласминг балки тахтидир.

Ислом ака, Сиз бор, биз ғолиб бешак,
Сизнинг борлигингиз халқнинг баҳтидир!

Кейинги гап шуки, узини билган инсон дунё олдида ўзини ҳамиша қарздордир деб билгай. Бу қарздорлик – ота-она олдидағи қарздорлик, Ватан олдидағи қарздорлик, халқ олдидағи қарздорлик, бошингни силаган зотлар олдидағи қарздорлик. Ҳаттоки, бирор байтингни унутмай ёд этиб юрадиган бўлсалар – келажак авлодлар олдидағи қарздорликдир.

Модомики, бугун кўзинг очиқ экан, улар олдида қамишдан бел боғлаб хизмат қилиш жоиз эмасми? Магар шоир бўлсанг қаламингдан дурлар тўкилиши шарт эмасми? Умр ўткинчидир, у сувдек югурик. Улгурмоқ керак, улгурмоқ керак.

Азизларим, мени яхши кунимда қутлаб, эъзозлаб турганликларингиз учун барчангизга, хешу ақраболарга узоқ яқиндан келган ёру дўстларга, меҳмонларга бошим ерга теккунча таъзим қиласман. Элу юртим олдида бир умр бурчлиман.

Ешинг олтидами ёки олтмишда,
Майли қай иш билан машғулсан, бандсан.
Қайси кенгликдасан, қай муюлишда,
Барibir Ватанга фарзандсан.

Барчага бағрини очар шу Ватан,
Мунаввар кундузли қоронгу тунда.
У сени фарзанд деб олгаймикан тан?!
Ҳамма гап шунда.

2001 йил, 23 марта

АБАДИЯТ ҚАНИ, ДЕСАЛАР...

– Таниқли бастакор Мутал Бурҳонов, шубҳасиз, ўтган XX аср ўзбек мусиқасининг буюк намояндадаридан биридир. Не баҳтки, бу зот кейинги авлодлар билан биргаликда XXI асрга қадам кўйди, бу бизни қувонтиради. Энг муҳими шундаки, биз эришган истиқолол моҳият эътибори билан айнан Мутал Бурҳонов учун рўй берган буюк ҳодисага ўхшайди. У собиқ коммунистик мафкура

йўлидан юрган эмас. Ўзининг дилига тўғри келган оҳангларда адабиёт вакилларининг шеърлари, ғазаларини танлаб, инсон қалбига кириб борувчи кўйларни басталади, романслар ёзди. Шунинг учунки, ўтган асрнинг бепоён саҳросида ёлғиз ўзи сўмоқ йўлдан кетаётган иродали инсон бўлиб кўзимга кўринади.

М. Бурҳонов зиёли, маърифатли оиласда туғилган. Унинг тувишган акаси ўтган асрда истиқлол йўлида қурбон бўлган. Бухоро маърифатчилари қаторида отиб ташланган. Шундай оиласда дунёга келган инсон акаларининг ғояларига содиқ қолиб, ҳеч кимга буйин эгмасдан шу мустақилликка етиб келди. М. Бурҳонов ва истиқлолимиз бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, унинг истиқлол давримизда ҳаққоний равишда тарихдаги ўрни белгилаб берилди. Унга юксак мукофот “Буюк хизматлари учун” ордени берилди. Буни фақат Ислом Каримовдек йўлбошчигина қила оларди, холос. Бугун эса у худди қанот боғлагандай хурсанд. Ҳозир айтадики, бир замонлар мени пастга урганлар хоҳлайдими, йўқми бугун мен яратган мадҳияни эшитиб, ўрнидан турадилар. Демак бу – ҳақиқат, адолатнинг тантанаси, Мутал Бурҳоновнинг тўйи – адолат тўйи.

Чунончи, Алишер Навоий ижоди у кишини доим қизиқтирган. 1968 йилда у билан биргаликда Алишер Навоий поэмасини яратдик. Мустақилликка эришганимиздан кейин янги давлатимизнинг мадҳиясини яратиш ўртага қўйилди. Куплаб шоир ва бастакорлар уз асарлари билан қатнашдилар. Уларнинг ҳаммасининг уз ўрни бор, улар санъат тарихида қимматли бўлиб қолаверади. Бироқ мадҳия битта. Бу чиндан ҳам мумтоз асар. Буни асрлар шамоли енголмагай. Унда миллатнинг руҳияти, шиддати акс этган. Унинг сўзларини жой-жойига қўйиш эса менга насиб қилди. Агар ҳаётимдаги энг фурурли дамларни эслайдиган бўлсан, биринчи навбатда М. Бурҳонов билан биргаликда мадҳиямизни яратган пайтни эътироф этган бўлардим. Мен у киши билан бирга ҳамкорлик қилганимдан беҳад хурсандман.

Ҳар қандай мусиқа асари мадҳия бўлолмайди. У – халқни бирлаштира оладиган, ҳамжиҳатликка чорлайдиган юксак пафос. Уни яратишда миллатнинг, давлатнинг

ўтмиши, бугуни, келажаги мужассам булиши керак. Бастакор билан азалдан ижодий ҳамкорлигимиз туфайли бир ҳафтадан ошиқ вақт ичиде Мадҳия устида ишладик. Ва натижада бир мақсадга йўналтирилган, оҳангга, мазмунга бой, шиддатли, миллий, айни чоғда шарқона мадҳиямиз дунёга келди. Энди у халқники, давлатники. Энди у сиёсий факт. У янграётганда ҳаммамиз ўрнимиздан турамиз. Токи у абадий жаранглар экан, унга руҳ берган эгаси ҳеч қачон ўлмагай. Унинг олови, учқунлари сўнмагай.

Мутал Бурҳоновнинг 85 йиллик түйи – мадҳиямизнинг ҳам түйидир. Агар абадият қани десалар, барадла туриб, мана Мутал Бурҳонов деб кўрсатган булар эдим.

2001 йил, май

МИЛЛАТ ТИМСОЛИГА АЙЛАНГАН ЗОТ

Одам ўз ҳаётидаги воқеа-ҳодисаларни эсга олмоқчи бўлса, бу воқеа фалон йили, яъни фалон кўприк ёхуд минора қурилган йили юз берган эди, деб қўяди.

Ифтихор билан шу гапни айта оламизки, Алишер Навоий бобомизнинг қутлуғ саналари ҳам ҳаётимиз босқичларида ўлчов белгисига, поғоналарнинг рамзига айланниб бораёттир.

Мамлакатимиз маданий ҳаёти, маънавиятимиз тараққиёти ҳақида гап кетганда ҳам даражамизни ҳазрат Навоийга бўлган муносабат миқёси билан ўлчайдиган бўлдик. Навоий бобомиз меросига янгича, халқона ёндашибашга даъват этиб, Олий Мажлис сессиясида мамлакат раҳбари расман мурожаат этганларида кўнглимиздан кечган туйгуларни таърифлаб бўлмас. Ҳазрат Алишер бугунги кунга келиб, миллатнинг чинакам тимсолига айланди.

Узоқ-яқиндан келган меҳмонлар ҳам юртимизга ташриф буюришар экан, эҳтиромларини қўлида кепка ушлаган бегона ҳайкалга эмас, балки ўзбек халқининг буюклигини мана мен, деб намойиш этиб турган бобосига, Алишер Навоийсига кўргазадилар. Бунинг тагида жуда катта рамзий маъно бор. Яъни бизнинг яловимиз маънавият, эзгулик, тинчликсеварлик, инсонпарварликдир. Шеърият сultonи бутун бошли давлат дунёқарашини му-

жассам этиб турғани жақондаги ҳеч бир мінтақада учрамайды. Биз Навоий қазратларини бир дақиқа бұлса-да хәлдан фаромуш этган эмасмиз.

Инчунун, истиқололимизнинг ўн йиллиги байрами күнларіда ұтаётган ушбу маросим ҳам кишига ўзгача рух бағишлайды. Буларнинг барчаси учун аввалом бор халқимизга ва муҳгарам юртбошимизга миннатдорлик билдирамиз.

Президентимиз ташаббуси ва раҳномолиги билан бобомиз номидаги Навоий шаҳрида улуғ шоири міннегін мұхташам ҳайкали, унинг пойида шеърият анжуманлари утадиган амфитеатр, күркем бөгөн гүзіл фавворалар туркуми бўлган Алишер Навоий мажмуаси қад ростлади. Бу сингари юрт ободлиги йўлидаги бунёдкорлик ишларини ҳам ҳаётимиздаги ғоят муҳим тарихий воқеа, деб ҳисоблаймиз.

Ҳазрат Навоийдек улуғ зотни эътиқодига айлантирган халқ ҳеч қачон завол кўрмайди.

2001 йил, август

НУР ВА ЗУЛМАТ КУРАШИ

Аслида, таассуфлар бўлсинки, терроризм балоси биз учун, мамлакатимиз учун янгилик эмас. 1999 йил 16 февралда Тошкентда содир бўлган фожеадан жаҳон аҳли ҳардор. Ўшанда бегуноҳ ҳамюртларимизнинг қони тўкилди. Ўшанда бизга ҳамдард бўлганлар ҳам, чеккадан туриб томоша қилганлар ҳам, ҳатто тош отганлар ҳам бўлди. Хориждаги айрим радиоканаллар бегуноҳ одамлар ҳалок бўлгани учун таъзия билдириш ўрнига, террорчилар билан музокара олиб борилса, уларга меҳр-мурувват курсатилса, яхши буларди, қабиладаги ниҳоятда файриинсоний ва кишининг ғазабини қузғатадиган баёнотларни ҳам бергани ёдимда. Ўша маҳалларда қўпчилик, жумладан, мен ҳам, тавба, террорчи-қотилларнинг ҳам ёнини оладиган кучлар бор экан-да, деб лол қолғанмиз.

Имонли одам ёмон кунни ҳеч қачон ҳеч кимга раво кўрмайди. Аммо бизнинг хоҳиш-иродамизга қарши ұла-роқ бугун халқаро террор келтирған оғир кулфат Амери-

кадек кучли давлатнинг ҳам бошига тушди. Бир қиёслаб куринг, талафот кўламларини айтмаганда, 1999 йил 16 февралдаги Тошкент фожеаси билан 2001 йил 11 сентябрдаги Вашингтон ва Нью-Йоркда содир этилган портлатишлар ўртасида унчалик катта фарқ йўқ. Ҳар икки ҳолда ҳам халқаро терроризмнинг манфур ҳаракати оқибатида, аввали, бегуноҳ одамлар жабр кўрди.

Вашингтон ва Нью-Йоркда бир неча бор бўлганман. Бугун вайронага айланган осмонўпар бинолар жойлашган кўчалар хотирамда ўз маҳобати ва гўзаллиги билан муҳрланиб қолган. Бу кўркам иншоотларнинг вайрон этилганини, минглаб қурбонлар борлигини эшитганимда, харобаларини экранда кўрганимда ларзага тушдим.

Асримиз вабоси бўлмиш бундай жирканч иллатга қарши биргаликда курашиш ҳақида Президентимиз Ислом Каримов қарийб ўн йилдан бери халқаро минбарлардан туриб бонг урмоқда. Аслини олганда, мустақилликка эришган дамларимиздан эътиборан Ислом Каримов юритаётган сиёсат тинчлик-осойишталик сиёсати булиб келмоқда.

Минтақада барқарорлик ута нисбий бўлган оғир шароитда юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаб келаётгани, мамлакатимиз хавфсизлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлагани, шу билан бирга, ниҳоятда ҳушёр ва сергак туриб барчамизни огоҳликка тинимсиз чорлаб тургани учун биз Президентимиздан миннатдор булишимиз ва давлатимиз раҳбарининг бундай жасоратли эзгу ишларини доимо қўллаб-қувватлашимиз керак. Аслида шундай бўляпти ҳам. Халқимиз ўз Юргбошисининг ёнида жуда жисп турибди. Негаки, барча нарсанинг асоси – тинчлик. Тинчлик бўлмас экан, на мажлису машварат, на тую байрам ва на шурваю ошингизнинг бирорвга кераги йўқ.

Халқаро терроризм эса тинчликнинг күшандаси, инсоният бошига тушган қулфат. Унга барҳам берилмаса, ўз вақтида илдизи қуритилмаса оқибатлари ниҳоятда ёмон булиши мумкин. Шу сабабдан бугун Шарқу Фарб, мен катта давлат, сен кичкина, у ўртачароқ қабиладаги даъваларини йиғишишиб қўйиб шу улатга, эпидемияга қарши қўлни қўлга бериб, биргаликда курашиши керак.

Зеро, Президентимиз ўз асарларида қайта-қайта таъкидлаганларидек, терроризмнинг муайян миллати, тили, дини, давлати йўқ. Бу иллатга чалинган кимсалар ўз олдига қўйган ёвуз мақсадлари йўлида ҳаракат қиласди. Масалан, бундай мақсадлардан бири – наркобизнесни ривожлантириш бўлса, бошқаси – узига еқмаган бирон-бир тузумни ағдариб ташлаш еки илғор давлатларга моддий, ахлоқий-маънавий жиҳатдан зарар етказишидан иборат. Террорчиларнинг яна бир мақсади аламзадаликка асосланади. Ҳар бир халқ орасида учрайдиган бундай аламзадалар – вақтида ҳокимиятга интилиб етолмагач, ўз Ватанига тош ота бошлайди. Улар қарияни ҳам, аёлни ҳам, ёш болани ҳам улдириб, қириб кетаверади. Ҳатто отасини, онасини ҳам аямайди. Уларда Ватан йўқ. Демакки, улар учун Ватан деган туифу тугул, бундай тушунчанинг ўзи мавжуд эмас.

Айтилаётганидек, сунгги иилларда террорчиларнинг бошпанаси, яна-да тўғрироғи, инкубаторига айланган Афғонистондаги бундай вазият учун афғон халқи айбдор эмас. Яқин йигирма йилдан буён жафо чекаётган бу мазлум халқнинг болалари китоб нима, қалам-дафтар нималигини билмайди. Неча юз минглаб одамларнинг қаҷон охирги марта қорни тўйиб овқат егани ҳам елғиз худога аён. Улар уруш туфайли шу қўйга тушди. Биз эса минтақамиз тинч бўлишини, қўшни Афғонистон ҳам XXI аср талаблари даражасида юксалишини, ҳамкорлигимиз ривожланишини, узаро борди-келдилар бўлишини истаймиз. У юрга бориб, Алишер Навоий бобомизнинг қабрини зиёрат қилишни хоҳлаймиз.

Хуллас, террорчиликка қарши курашни, таъбир жоиз бўлса, раҳмон билан шайтон ўртасидаги кураш, деб аташ мумкин. Ёхуд бошқа қиёслар билан айтадиган бўлсак, эзгулик ва ёвузлик, нур ва зулмат, ҳаёт ва ўлим, адолат ва манфурлик ўртасида жанг кетяпти ҳозир. Шу маънода, инсониятнинг ниҳоят боши бирикиб, халқаро террор балосининг олдини олишга биргаликда бел боғлагани сайёррамиз миқёсида жуда муҳим ижобий воқеадир. Бу хайрли жараёнга Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида халқимиз ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётгани катта таҳсинга сазовор.

ОГОХ БҮЛ, ИНСОН!

Кулфатнинг қаерда ва қачон пайдо булиши баъзан ноаниқ ҳам бўлар экан. Лекин терроризм балоси эндиғина тирноғини кўрсатаётган пайтларда бизнинг Президентимиз инсониятни бир эмас, бир неча маротаба огоҳлантирганлигини ҳаммамиз биламиз. Бундай даъватларни нахот фаришталаригагина хос дейиш мумкин.

Афсуски, Ер юзидағи қўпгина салтанатлар ушбу огоҳлантиришга ўз вақтида қулоқ тутмадилар. Террорчиларнинг Афғонистон заминида ажал фабрикаси қуриб олгани, наинки бошқаларнинг, балки афғон ҳалқининг ҳам бошига бало бўлди, бу қўҳна заминнинг шўрини қуритди.

Аслида дунёда ҳеч бир ҳалқ ёки бирор дин табиатдан террорист бўлиб яралган эмас. Бу ўринда дину миллатларнинг фарқи йўқлиги барчага аён бўлди. Афсуски, ёвузликнинг ҳам тарихи узокдир. Бир замонлар Мирзо Улуғбекни қатл этган падаркуш Абдуллатиф ҳақида гапириб, Бобур Мирзо: “Бу беш кунлик ўтар дунёда кекса отасига зулм ўтказди”, деб нолиган эди.

Демакким, ёмонлик инсоният тарихида доимо ғазаб ўйғотиб келган. Бугунги кунда мусулмон ҳам, насарон ҳам, будпараст ҳам бу кулфатдан баб-баравар жафо чекдилар. Катта-кичик давлатлар ёвузликка қарши курашда бирлашдилар. Ахир, ёвузлик ва жаҳолат ҳам бирлашиб турибди-ку. 16 февраль воқеалари эса бизнинг ёдимииздан кўтарилилган эмас ва кўтарилимайди ҳам.

Кимки, бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон булса обод айлагай,

ёки:

Бир пашшага оламда еткурма зарра ҳаргиз,

дэя нидо чеккан бобомиз Алишер Навоийнинг қабри атрофларида ёвузлик ин қургани қанчалик нохуш бўлса, бу ёвузликнинг даф бўлаётгани ҳам бизга шунчалик қаноат бағишлийди.

Президентимиз ҳар бир маърузаларида қўшнинг тинч – сен тинч, дэя уқтириб келаётирлар. Дарҳақиқат, ёнгинангда бирор сенга ўқталиб турса, наинки ўнгинг, балки тушинг ҳам безовта бўлажак.

Ёвузлик чегара билмас экан. Унинг касофати минтақамиздан йироқ мұхташам ва құдратли Америкага ҳам бориб етди. Терроризмга қарши курашда Ўзбекистоннинг саъй-ҳаракатларини бугун жаҳон афкор оммаси қўллаб-қувватлаб турди. Биз барчамиз бунга гувоҳмиз. Бироқ айни маҳалда айрим сиёсий күчларнинг, айрим хорижлик матбуотчиларнинг қитмирлик билан 'миш-миш тарқатишлари кишини албатта ажаблантиради. "Ўзбекистонда уруш давом этаётими?", дега гарантисиб сурайдиганлар баъзи мамлакатларда топилади. Термизга гуё урушни ўз кўзи билан кўраман деб келган хорижлик бир мухбирнинг айтишича, у тўйнинг устидан чиқиб қолибди, юзлаб одамлар қатори текинга ош ҳам ебди.

Хўш, бундай ҳолатларни қандай изоҳдаш мумкин? Бор ҳақиқатни эса Президентимиз Олий Мажлиснинг сессиясида яна бир карра очиқ-ойдин айтиб ўтдилар. Албатта, Ер юзида ҳанузгача найрангбозлик, ичиқоралик, фаюрлик мавжуд. Уларга мустақиллигимиз ёқмайди, тинчлигимиз ёқмайди, истиқболимиз – келажагимиз ёқмайди. Улар қолган барча одамларни зўр бериб чалғитмоқчи бўладилар. Биз эса Йўлбошчимиз атрофида жипс бўлиб, Ер юзида адолат, тинчлик тантана қўлсин деймиз. Қўшни диёрларга омонлик-эсонлик сафарларини уюштириб, Навоий ва бошқа боболаримиз ҳоки-покларини зиёрат қиласак деймиз. Бироқ бу йулдаги кураш ҳали давом этар экан, демак биз ҳамма вағт, ҳар лаҳзада огоҳ бўлишимиз шартдир.

2001 йил, декабрь

XXI АСР ЎЗБЕКИСТОН АСРИ БЎЛГАЙ

Озодлик байрами арафасидаги ўйлар

1. Аждодлардан мерос бу Ватан...

Ҳаёт пайдо булганидан буён неки мавжудот, неки жонзот бўлса, барчаси доимо ўз ҳолича, ўз хоҳиш-иродасига кўра яшашга ҳаракат қиласи. Куш қаноти билан, оҳулар латиф шиҷоати билан гўзалдир. Бургутлар юксакликдан жудо бўлишдан кура ўлимни афзal биладилар.



Ўзбекистон мадҳияси муаллифлари —
Мутаваккил Бурҳонов, Абдулла Орипов



Атоқлы ёзувчи Чингиз Айтматов билан



Курсдошлар: бүлажак атоқли олим
Бегали Қосимов билан (50-йиллар)



Катта ижод бошида



Китобхонлар орасида (60-йиллар)



Устоз ва шогирд (Сирожиддин Сайид)



Кинорежиссёр Шухрат Аббосов билан



Дастхат




Мулоқот: Адабиетшүнослар Маҳмуд Сатторов ва
Дониер Бегимқұлов билан



Қарақалпоқ диёрида

Шоңд кизикчилар «Хандалак» гурхы ижодкорлари билан





Бобо ва набира
(Нуъмон Муҳаммаджонов фото лавҳаси)

Кузатувлардан аёнки, бу ёвқур қүш жароҳат топса, үзини қояларга уриб ҳалок булади.

Одам боласи шерни қафасга солиб, бўрини занжирбанд этиб, ҳеч қачон барака топмаган. Борлиқ, табиат ҳеч қачон тизгинлашга тоқат қилган эмас. Биз она табиатдан жуда кўп ҳикматларни ўрганишимиз даркор.

Она табиатга, тириклик дунёсига қилган зуғумлари туфайли одам боласи үзига жуда кўп қулфатлар сотиб олган. Сув тошқинлари, тўфон ва буронлар, фаслларнинг остин-устун булиб кетиши, иқлиминг кескин ўзгариши, зилзилаю табиий офатлар – барча-барчаси цивилизация сопқонидан табиатга отилган тошларга жавоб, аслида. Ядровий қурол-яроғлар синови, коинотга ракеталарнинг узлуксиз парвози, улкан баҳри уммонлар қаъридаги портлатишлар, оқибат-натижада кўз қўриб, қулоқ эшитмаган мутантларнинг пайдо булиши, хуллас, барчаси одамзотнинг табиат эркинлигига дахл этиши, мувозанатнинг бузилиши туфайлидир. Шу маънода, ўйлайманки, XXI аср башариятнинг бирикуви, қўлни-қўлга бериб она сайерамизни уруш балосидан, жаҳолат гирдобидан асраш-авайлаш даври бўлади...

Инсон фарзанди қадим-қадимдан эл-элатга булиниб, бир-бирини зимдан таъқиб этган, бир-бирининг отамерос ерларини босиб олиб, талон-торож қилган, ҳатто бир-бирини қулликка маҳкум этишдек жаҳолатгача бориб етган. Мен даставвал табиатга, ҳайвонот оламига нисбатан тажовуз масаласига тўхталганимнинг сабаби шуки, инсондаги шафқатсизлик аввалимбор ўз нафаси йулида тирикликка тиф санчишдан, борлиқни топташидан бошланган, деб ўйлайман. Унинг феъл-атворидаги ёвузликка мойиллик аста-секин кишилик жамиятига ҳам сингиб борди. Оқибат-натижада одамлар икки қатламга бўлинди – мустабидлар ва тобелар. Бу ҳаракат ҳатто кишилик жамияти тараққий топган XX асрда бир ҳалқ устидан бошқа бир ҳалқнинг ҳукмронлик қилишигача, яна ўз мустабидлигини инсонпарвар шиорлар билан пардалашгача бориб етди...

Қадим Шарқ жуда кўп урушларнинг, босқин ва қирғинбаротларнинг тирик гувоҳидир. Бу кўхна замин ўтмишига назар ташласангиз, нечоғли парокандаликлар соидир бўлганининг, шунинг оқибатида нечоғли жабру жа-

фолар келиб чиққанининг, қонлар дарё булиб оққанинг гувоҳи буласиз.

Мұхтарам Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, “Юртимиз неча бор таланган, босқинчилар неча бор Самарқанду Бухоро қаби қадим шаҳарларимизни ёқиб юборган. Неча бор бу миллат қирғин қилинган. Лекин, барибир, озодлик, деб яна кутарилган. Миллатнинг фидойи ўғлонлари озодлик деб ҳаётнинг юзини кўрмай ўтиб кетганлар”.

Она заминимиз қаъридан тарихнинг сўнгсиз ва изтиробли фарёди доимо силқиб туради.

Элим, юртим, озодлигим, деб оёққа қалқкан қанчадан-қанча ўтюрак аждодларимиз яқин ўтмишда ўққа учгани ҳам аен ҳақиқатдир. Элнинг олтин бошлари, миллатнинг хур фикрлари куни кечага қадар қатағон этиб келинганига тарих гувоҳ. Ким айтади, бу юрт қон тўкилмасдан, қурбонлар бермасдан озодликка чиққан, деб? Аждодлардан мерос бу Ватан беҳисоб йўқотишлар, мисли кўрилмаган талафотлар эвазига машаққатли кураш йўлини босиб ўтди ва ўз озодлигига эришди.

Давлатимиз раҳбари уқтирганидек, озодлик деганда, биз, аввало, неча-неча аждодларимиз шунга интилиб яшаганлигини, озодлик ҳисси асрлар мобайнида улар ҳаётининг мазмун-моҳиятини белгилаб келганини унутмаслигимиз лозим.

Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг бутун умри жанговар тулпор устида ўтган. Улуғ бобомиз ўз ҳалқини босқинчилар зулмидан озод этиб, қудратли салтанат тузган, она Ватан довругини дунега таратган. Жалолиддин Мангуберди қаби ёвқур баҳодирни шундай юксакликка кўтарган ҳам унинг Ватан озодлиги йўлидаги тенгсиз жасорати, ўн йиллар мобайнида Чингизхонга қарши толмасдан мардона курашгани билан изоҳланади, албатта. Шунинг учун ҳам истиқлолдан сўнг бу миллатпарвар сиймолар хотирасига чексиз хурмат ва эҳтиром курсатилди, уларнинг қаҳрамонликлари тилларда достон бўлди.

Зеро, биз доимо эзгулик тараф бўлган ҳалқмиз. Ота-боболаримиз ўзгалар бошига кулфат солишни хаёлига ҳам келтирмаган. Шу боис дунё ҳалқлари ичида ўз ўрнимиз бор, доимо бошимиз тик. Қадим-қадимдан ота-боболаримиз она заминни гуллатиш, боғ-роғлар яратиш, юртни

обод қилиш ишқида яшаган, башариятга маърифат улашган. Шундай бұлғач, биз дунёдаги әзгуликтарвар халқлардан бириميز, десак, асло хато қылмаган бўламиз.

2. Тарихий адолат тантанаси

Худога шукр, бугун ўғил-қизларимиз, набираларимиз учун хору зорликда ўтган кунларимиз ўтмиш бўлиб қолди. Менинг назаримда, мустақиллик улар учун оёғи остида ер, боши устида осмон бўлгани каби табиий бир ҳол бўлиб туюлади. Майли, уларнинг руҳиятига ўтмишнинг маҳзун кунларидан оғриниш ҳисси ўрнашмасин. Улар ҳур туғилган. Ватанни ҳур кўрган. Улар истибодд зулми ва таҳқирдан ҳоли равишда униб-үсди. Сохта мағкура сафсаталари онгу шуурида из қолдирмади. Уларнинг она Ватан деса арзигулик қуёшли Ватани бор. Она Ўзбекистоннинг жамики бойликлари, оқсоч тоғлар, дарёлар, улуғ аждодларнинг бебаҳо мероси, барча-барчаси шуларники, уларнинг ўз Она тили бор, ўз тилига эга авлодлар миллият бўлмоғи, халқ сифатида сабит яшамоқлик хусусиятига эга бўлади.

Кудратли тарихга ворис бўлган, ўз ўтмишидан фуррланишга ҳақли ўғил-қизлар улуғвор маънавий булоқлардан тафаккур чанқоқлигини қондириб, буюк қаҳрамонликларга юз буришади. Бундай камолотга етишган авлодларнинг эртанги куни ёруғ, манглайи ярқироқ, келажаги, албатта, буюк бўлади.

Президентимиз Ислом Каримов:

“Фарзандларимиз биздан кўра кучли, доно, билимли ва, албатта, баҳтли булишлари шарт!” —дея кароматли фикр айтганларида мавжуд маънавий асосларга таянган, албатта.

Истибодд даврида Ватан, тил, тарих масаласида ёш авлод доимо алдаб келинган. Катта бир халқни маънавий жиҳатдан йўқ қилиб юборишга муттасил ҳаракат қилинган.

Тарихни кўзгу дейишади. Бу кўзгуда шу ерда яшаб ўтган жамики аждодлар кечмиши, ота-боболаримиз ҳаёти намоён бўлади. Унинг юзига лой чаплаш — халқни тарихий хотирасидан мосуво этиш, демакдир.

Шўро мағкурачилари маълум даражада буни улдлай олдилар. Оталар шавкатидан фурурланмаслик, ўз наسابини билмаслик — миллий қиёфадан жудо бўлиш, қип-

Қизил гумроҳлик әмасми? Бу ҳақда ўйласанг, құрқиб кетасан киши, нимага деганда, мустабидлар сиёсатнинг энг таъсири йўлини танлаган, ҳалқлар бошига манқуртлик терисини кийдириб, қуллик ва қарамликка ялпи равища кўнигираётган эди. Кишилик тарихида бундай ситам совет ҳалқларидан бошқа ҳеч кимнинг бошига тушмаган бўлса керак. Бу, айниқса, биз учун жароҳатли ва унугли масдир. Чунки биз оқсан дарёning авлодларимиз. Аждодларимиз ўз ақл-заковати билан доимо дунёни ҳайратга солиб келган. Лекин истибод даврида “Сен ҳеч ким әмассан, омисан, ёввойисан”, деган ҳақоратга чида бекелинди. Етти иқлимга оёғи етган, ҳар ишда адолатни байроқ қилган улуғ бобомиз Амир Темурни оқсоқ ва қонхўр деб бадном этдилар. Дунё сардафтарини шеъру ҳикмат билан бойитган, юлдузларни кашф этган ҳалқни саводсизликда, маданиятсизликда айбладилар. “Сенларни шўро тузуми одам қилди, йўқса, ҳамон феодализм ботқоғига ботиб ётар эдинглар”, деб таҳқирладилар.

Оғир ўйлар кўнгилда оғриқ ўйғотади. Сиз бир тасаввур қилинг, туппа-тузук бир одам, шоир ёки ўқитувчи “ҳалқ душмани” деб бадном этилса! Чекистлар келиб, унинг ўйини тинтуб қилса, кўз ўнгидаги қизларини, аёлинни ечинтиурса...

Мен бу гапни осмондан олиб айтаётганим йўқ. Қатағон қурбони, ҳалқ таълими ходими Носир Сайдийнинг қизи Раъно Ашурбекова қон йиғлаб: “НКВД ходимлари уйимизни тинтуб қилишди, – дейди. – Биз, ёш болаларни ҳам ота-онамиз олдидаги ечинтириб кўришди.

Онам ҳомиладор эди. Унга ҳам, ечинасан, дейишли, ечинтиришди. Бечора отам: “Гулсумхон, кечир, сизларни ҳимоя қилаолмайман”, – деб жовдираб йиғлагани ҳамон ёдимда. Шундан сунг онам эс-хушидан айрилиб, руҳий касалликлар шифохонасига тушиб қолди...”

Бу қандай бедодлик? Ўша даврда бундай хурлик ва ситамларнинг чек-чегараси бўлганми ўзи?

Мустабидлар назаридаги: бутун эл “ҳалқ душманлари”дан иборат эди. Озод буламан деган ўлимга гирифтор этиларди.

Буни тушуниш мумкин, мустабид тузум ўз фанимларини қон қақшатган, аммо қатағон гирдобига тортилган оддий одамлар, минглаб, ўн минглаб бегуноҳ инсонлар –

аравакашлар ва чўпонлар, боғбонлар ва сувчилар, этикдуз ва ўқитувчилар қора ерга тиқиб юборилганига нима дейсиз? Хонумони кўйиб кетган бу бева-бечораларнинг гуноҳи нима эди? Совет ҳукуматига нима ёмонлик қилган эди улар? Қандай кечирилмас гуноҳлари учун тақдирнинг бундай “мукофоти”га сазовор бўлишган?

Яхшиямки, дунёда ўзидан ортиб ўзгаларни ўйлайдиган серҳиммат инсонлар бор.

Президентимизнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан тарихий адолатнинг жой-жойига қўйилиши, “Шаҳидлар хотираси” зиёратгоҳи барпо этилиши, озодлик фидойилари, истибдод даврининг барча қурбонлари, уларнинг ҳаёти билан боғлиқ ҳақиқатларнинг тикланиши ва хотирасига ҳурмат кўрсатилиши, истиқлол байрами арафасида қатағон қурбонлари ёд этилиши, ўйлайманки, инсонни эзгуликка даъват этувчи улуғ ҳикмат, ёшлар учун улкан ибрат мактабидир. Бу тадбир, бу маросим, айниқса, ижод аҳли қалбida бошқача туғен уйғотади. Яъни Ватанинг, халқинг учун жонингни фидо қилсанг, бу халқ, она юрт сени ҳеч вақт унутмас экан.

Қатағон ҳақида ўйласам, кўз ўнгимда бир манзара гавдаланаверади. Қиши чилласи. Изғирин. Совуқ. Аёз этни жунжиктиради. Пастқам кулба. Эшик олдида уст-боши юпун бир болакай дилдираган кўйи йўлга тикилиб турибди. Совуқ унинг суяқ-суягидан ўтиб кетган. У эса йўлдан, отасини олиб кетишган манзилдан сира кўз узмайди. Уйга кирса, қайтиб келаётган отасини кўрмай қоладигандек. Унинг истиқболига пешвоз чиқа олмайдигандек. Ичкарида эса бир бурда бўлиб, букчайиб қолган она, у ўғлини эмас, балки ўзини ишонтирмоқчи бўлган каби ҳадеб: “Отанг қайтиб келади, болам! – дейди. – Қайтиб келади!..”

Кеч киради. Бола отасининг тўнига ӯралиб, ота бўйини туйиб ухлади. Азонлаб яна отасини кутиб олгани ташқарига отилади. Бу ҳол ҳар куни давом этади, лекин отадан дарак йўқ. Кечга бориб, бола йиглайди, кўнгли ярим...

Шу боланинг ҳасрати бутун ер юзига юк бўлади. Шу боланинг ўқинчи олдида тоғлар уқаланиб кетади...

Дарҳақиқат, ўтмишнинг қаро кунларига нигоҳ ташласанг, бу кунларнинг, озодликнинг қадр-қиммати моҳи-

ят эътибори билан тула намоён булади. Ўша, миллат дея, халқ озодлиги дея ўз азиз жонларини фидо этганлар ҳам, қатағон қурбони бўлган минглаб оддий одамлар ҳам, уларнинг ортида қолган, умр бўйи хурлик ва зорлик кўрган, ҳамон дил яраси битмаган зоту зурриёдлари ҳам бу ёруғ дунёга не-не орзу умидлар билан келган инсонлар эди, аслида. Уларнинг ҳам бошқалар каби яашага тула ҳақлари бор эди, аммо зулм-зўравонлик туфайли ҳаётнинг юзини кўрмай ўтишди. Шу маънода ўтганларни ёд этиш, тирикларнинг эса ҳаётлигига иззат-хурматини жойжойига қўйиш, меҳр ва эътибор кўрсатиш улуғ халқларга, улуғ зотларга хос ҳиммат ва карамдир.

Ҳа биз қўзимиз очиқлигига тарихий адолат тантана қилганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Исли тилга олинганда етти маҳалла наридан қочиб кетгулик даражада ҳақоратланган минглаб юртдошларимиз, шулар қатори Беҳбудий, Ҷўлпон, Фитрат ва Қодирий каби юзлаб фидоийилар номини бошимизда кўтариб турибмиз. Уларнинг ҳаёт йўлини ўзимизга ибрат, деб биламиз.

Ватан озодлиги учун курашган, шу йўлда жонларини фидо этган Тумарису Широқ, Муқаннаю Маҳмуд Торобий, Жалолиддину соҳибқирон Амир Темур сиймолари доимо дилимизда, халқимиз уларга юксак эҳтиром кўрсатиб келмоқда, нимага деганда, биладики, озодлик осмондан тушган эмас.

Бунинг тасдиғи сифатида яқин ўтмишни, сунгги қатағон қурбонларини эслаш кифоя, деб ўйлайман. Бундан ўн беш йилча муқаддам халқимизни муте ва оеқости қилиш учун озмунча тажовуз қилиндими, ахир? “Ўзбеклар иши” деган айбнома қанча оиласи қон қақшатиб юборди, шаънимизни ер билан битта қилди. Одамларни “Мен порахўрман”, дейишга мажбур этишди. Бизни уюшган жиноятчиликда айблаб, дунёга жар солишди.

Хўш, бу ҳақорат нима учун керак эди?

Бутун бир халқ устидан бундай ҳукм чиқаришга кимнинг ҳаққи бор эди?

Бу адолатсизликдан мақсад – халқнинг руҳини синдириш, фурурини паймол этиш, ўзига, ўз истиқболига бўлган ишончини ўлдириш эди, холос. Аммо ўша нотинч ва мураккаб даврларда ҳам ҳақсизликка қарши қатъий ту-

риб мардонавор курашган, уз халқини күкрап кериб ҳимоя қилған шахслар бұлған, мен бунинг тирик гувоҳиман.

Президентимиз Қашқадарे вилоятида раҳбар булиб ишлаб юрган чоғларида ноҳақ жабрланған қанчадан-қанча юртдошларимизни қатъият ва жасорат билан ҳимоя қилған.

Ёдимда, бир сафар қабулига кирсам, у киши жуда ҳорғин қиёфада үтирган эканлар, стол устидаги бир тахлам қофозни мен томонга сурдилар. Бу – ноҳақ қамалған, қатағон этилған шүрпешоналар рўйхати эди.

Буларнинг айби нима? – дедилар Ислом Абдуғаниевич оғриқ ва изтироб билан. – Ҳар бирининг оиласи, фарзандлари, қариндош-уруғлари бор. Уларни бадном этишдан мақсад нима? Бу ноҳақликнинг олдини олиш, адолатни қарор топтириш, уларни озод этиш керак.

Ўшанда давлатимиз раҳбари ўз халқи, ўз миллати учун ҳар қандай оғир юмушни ўз зиммасига олишга тайёр матонатли инсон эканини юракдан ҳис этгандын. Қонсираган империя, юрсанг, нега юрасан, тұхтасанг, нега тұхтайсан, турсанг, нега тұрасан, деб, бошимизда тегирмон тошини айлантираётган бир пайтда шундай қатъият күрсатиш, замона зайлуга қарши чиқиш осон бұлған эмас. Бунинг учун халқпарварликнинг ўзи кифоя қилмас эди, бунинг учун одамга битта юрак камлик қиласынан.

Ислом Каримовни даврнинг ўзи майдонга олиб чиқди. Ү фақат Йўлбошчи сифатида эмас, балки жасоратли шахс сифатида ҳам ҳар биримизга ибрат намунасиdir. Адолатпарварликни, юрт учун фидойиликни, бағрикенгликни у кишидан ўрганишимиз даркор.

3. Мустақилликнинг ўзак томирлари

Модомики, гап мустақиллик ҳақида экан яна шуны ҳам айтиш керакки, аввало, жамиятда шахс мустақиллиги шаклланиши лозим. Яъни, одамлар онгидаги ўзгариш, усиш, қалб кенглиги ва улуғлигига эришиш мустақилликнинг ўзак томирларидир. Давр нафасини туядиган, замон рухини англайдиган, дунёвий тараққиёт тамойилларини узлаштирган юксак савияли кишилар сафининг кенгайиб бориши давлат ва жамият салоҳиятини оширади. Истиқлол йўлида собит турмоққа асос булади.

Ватанимиз асрлар мобайнида жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бұлған. Ўзбек халқининг башарият

тариҳида ўз ўрни, ўз мавқеи бор. Биз Беруний, ибн Сино, Имом Бухорий, ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний каби ўлмас мутафаккирлар ворисларимиз. Биз улуғ аждодларимиз билан ҳақли равишда ифтихор қиласиз, шу билан бирга давлатимиз раҳбари Ислом Каримов таъкидлаганидек: “Ҳар бир авлод тариҳнинг ўзига тегишли саҳифасини ўзи ёзиши лозим”.

Масалага шу нуқтаи назардан қарасак, тарих сарҳисоби олдида ўн йил киприк қоққудек лаҳза. Лекин мана шу давр ичида асрга татигулик маҳобатли ишлар қилинди. Биз ҳар соатда, ҳар сонияда онгу шууримизни янада чархлаб, башариятнинг шундоқ куз ўнгида ўсиб, улғайиб, камол топяпмиз. Бугун ўз қадрини билган, фурурини баланд тутган ҳар бир юртдошимизнинг бирдан-бир эзгу мақсади – озодликни куз қорачиғидек асрлашдан иборат. Ҳар биримиз ўз қисматимизни озод диёrimиз тақдири билан чамбарчас боғлаганмиз.

Комил бўлишга интилган халқ, албатта, ютади. Бундай халқнинг озодлиги, келажаги хавф-хатардан холи булади, аниқ қилиб айтганда, ҳар қандай шароитда ўз ҳақ-ҳуқуқини, эркинлигини, номус ва шаънини ҳимоя қила олади. Тўғри, салкам бир ярим асрлик истибдоднинг машъум асорати бир кунда шуурдан учиб кетмайди.

Қаранг, замонавий автойўл Қамчиқ довонини босиб ўтди. Автомобиль ишлаб чиқариш саноати тариҳида янги саҳифалар очилмоқда. Нефть ва газ, тўқимачилик саноати қанчадан-қанча улкан янги завод ва фабрикалар, кўшма корхоналар ҳисобига қудрат касб этди. Олтин ишлаб чиқариш саноати дунёвий миқёсда юксак поғоналарга кўтарилиди. Лекин айрим одамлар онгига сингиб қолган эски тушунчаларнинг ўзгариши ҳамон қийин кечмоқда.

Инсоннинг онги заводдаги дастгоҳнинг оддий бир мурвати эмаски, уни янгилаб, эскисини яроқсизга чиқариш мумкин бўлса. Моддий оламга одамнинг муносабати ўзгариши учун теварак атрофга у очиқ куз билан қараши, фикрлаши, мушоҳада юритиши лозим. Ҳар биримиз ўзимизга энг оддий бир ҳаётий саволни бериб қўрайлик: умримиз мазмунли ўтятпими? Қўлимиздан нима иш келади? Нимага қодирмиз ўзи? Агар қўлимиздан ҳеч иш келмаса, хўш, бунинг учун ким айбдор?

Дүпгини бир четга олиб қўйиб, уйлайлик-чи, хўш, нима учун энди биз осмондан чалпак ёғишини кутишимиз керак? Нима учун бирор келиб оғиримизни енгил қилиб беради, деб умидвор бўлишимиз керак? Лоқайд, боқибекам, танбал ва ландовур бўлганимиз учун биримиз икки бўлмаётган бўлса, бунинг учун кимни айблаш даркор?

Ўзбекистонимиз, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, чексиз имкониятлар мамлакати. Бу ўлкада ҳар бир инсон ўз салоҳиятини юзага чиқариши учун барча имкониятлар мавжуд. Мана, водийлик миришкор деҳқонларни олайлик, улар ҳатто ўз томорқасидан ҳар йили 5-10 миллион сўм даромад қилишмоқда Нега бошқа бир одам шундай қилмайди?

Андижон вилоятини бориб кўринг, бир қарич ери ҳам буш қолмаган, албатта нимадир экилган. Лекин мамлакатнинг бошқа кўпгина ҳудудларида, дейлик, унумдор, серҳосил ердан, томорқадан ҳаммаям омилкорона фойдаланаётгани йўқ. Нимага деганда, айримларнинг ишлашга бўйинлари ёр бермайди. Томорқага маккажухори экиб қушишади, вассалом, яна нолишади.

Буни қандоқ тушунмоқ керак?

Эски замонда давлатнинг қўлига қараб яшашга ўрганиб қолган бундай кишилар ўз руҳиятини ўзгартирмаса, ўзлари ҳаракат қилмаса, уларнинг турмушига файз киритиб бўлмайди. Ҳолбуки, дунёнинг бирон-бир мамлакатида Ўзбекистондаги каби хуштаъм, сархил ноз-неъматлар этишириш мумкин эмас. Бундай серунум, жаннатмонанд ўлкада яшашнинг ўзи баҳтку. Худога шукр дейишимиз, белни боғлаб ишлашимиз керак-ку, ахир?! Астойдил ҳаракат қилган, жон куйдирган ҳеч вақт кам бўлмайди...

4. Толе ўлдузининг қутлуғ зиёси

Мен дуненинг жуда кўп мамлакатларида бўлганман, бой-бадавлат кишиларни ҳам, қашшоқ, тиланчиларни ҳам кўрганман. Катта-катта шаҳарларда оч-юпун одамлар қашшоқликда даҳшатли ҳаёт кечираётганининг гувоҳи бўлиб, кузимдан тирқираб еш чиққан, юрагим упирилиб тушган. Мен очлик туфайли йўл четида ўлиб ётган одамларни, қийналиб жон берәётган баҳтиқароларни кўрганман. Жон таслим қилаётган боласида зор қақшаб

иифлаётган она бечорага кўзим тушганида, юрак-бағрим зардобга тұлган.

Пул танглайини күтарған, пул ҳукмрон бұлған, бойи беҳисоб даражада бойликка, камбағали эса ҳаддан ташқары қашшоқликка гирифтор этилған, файзу барокатдан, меҳр-оқибатдан холи, аммо озод яшаётганига ярим асрдан ошған мамлакатлар бор, бу дунёда. Мен бундай ҳаётни сира ақлимга сидира олмайман, аммо не ажабки, шундай халқлар, шундай одамлар мавжуд ер юзида. Мана шундан келиб чиқсак, бизнинг мамлакатимиз истиқоллининг дастлабки йиллариданоқ үз тараққиёт ва келажак йўлини халқчиллик асосида жуда оқилона белгилаб олган. Иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизнинг стратегик йўналишлари аниқ ва равшан. Ўзбекистон – бунёдкорлик, илм-маърифат, меҳр-оқибат, ҳиммат ва мурувват устувор бұлған, үз фарзандларининг баркамол авлод булиб вояга етишига қатъий ишонган, шунга мустаҳкам замин яратған бағрикенг мамлакатдир. Унинг ўн йиллик залворли одимлари келажаги буюк эканининг тасдиғидир.

Табиийки, Ўзбекистонимизнинг муҳташам осмон-упар иморатдек қад ростлаб, осмонга буй чузәётганини куриб, буни ич-ичидан тан олсада, аламидан уртангувчилар йўқ эмас. Улар бу юрт иқтисодий ҳалокат бухронида қолиб кетишини, йирик давлатлардан қулогигача қарзга ботиб, қуллик сиртмоғига бўйин эгишини исташади, аммо ҳеч қачон бундай бўлмайди, эгали юрт эркини бермайди. Бугун давлатимиз раҳбари илгари сураётған улуғ foялар эса улуғ инсонларни вояга етказади.

Дарҳақиқат, юрт нотинч бўлса, бошингдан ўқ учеб турса, бу тенгсиз бунёдкорлик, буюк келажак ҳақида қайғуриш у еқда турсин, ҳатто ичаётган бир пиёла чойинг ҳам заҳар-заққумга айланади. Агар кучада ўқ овози эшитилиб, уйлар аланга ичида қолса, маънавияту орзу-ҳаваслардан нима фойда? Бундай вазиятда “Кабул-Фарғона компани” каби қушма корхоналар барпо этилиши, “ЎзДЭУавто”да янги йўналиш ишга туширилиши мумкиниди, ахир? Тую тантаналар юракка сиғармиди?

Ватанимиз тинч ва осойишта, барқарор бўлгани учун, бу тинчликнинг буюк иродали посбони бўлгани учун кўнглимиз хотиржам, Мир Алишер Навоий ҳазратла-

рининг таваллуди шарафига тўй берамиз, кўркам боғ-роғлар ва муҳташам обидалар яратиб, озод юртимизни обод этамиз. Улуғ салафлар воситасида халқимизга, бир-бири-мизга иззат ва ҳурмат, ҳиммат ва эҳтиром курсатамиз. Зоро, бундай тўю тантаналар Ўзбекистонимизга ярашади.

Бу неъматларнинг барча-барчаси, шак-шубҳасиз, истиқлол туфайлидир. Бу ёруғ оламда одам боласи учун ундан кўра азиз ва табаррук, ундан кўра мўътабар ва улуғ тушунчанинг ўзи йўқ. Ўзини билган одам учун Ватанни озод кўрмоқ – энг улуғ саодатdir.

Мустақиллигимизнинг қутлуғ ўн ииллик тўйи арафасида яна шуни ҳам айтмоқчиманки, Оллоҳга ҳам, тарихга ҳам абадий бир шукронамиз бор. Бахтимизга, сиз билан бизга буюк бир Президент насиб этган. Биз унинг бошчилигида озодликка чиқдик, янги давлат барпо этдик, Ўзбекистонимиз байробини дунё узра баланд кўтардик. Унинг бошчилигида XXI асрга қадам қўйдик. Бу аср – Ўзбекистон асли, буюк келажак асли бўлгай, юртимиз тоабад нурга тўлгай, иншооллоҳ!

2001 йил, август

ВОҲА ЖАВОҲИРИ

Ҳеч шубҳа ўйқу, дунёда камдан-кам барпо этилган, собиқ Иттилоқ ҳудудида ягона бўлган, жаҳондаги энг замонавий технология ва техник ускуналар билан жиҳозланган мана шундай улкан мажмуанинг ишга тушиши наинки Қашқадарё воҳа-си салоҳиятини, айни пайтда бутун мамлакатимизнинг индустрия қудратини янги босқичларга кўтаришига бекиёс ҳисса қўшади.

Президент Ислом Каримовнинг
Шўрган газ-кимё мажмуи очилишига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқидан.

Эскилардан қолган бир гап бор: билмай туриб яхшини-яхши, ёмонни-ёмон дема. Ушбу ҳикматни ҳамма соҳада ҳам қўллаш мумкин деб ўйлайман. Ҳеч шубҳасиз, бошимизни қовуштирадиган, чексиз муҳаббат ва садоқа-

тимизга сазовор қутлуг тушунча, бу – ягона Ватандир. Биз ўз табаррук тупроғимиз жонажон Ўзбекистонимизни билиб, кўриб, севиб келганмиз. Бу севгимиз туганмас ва абадийдир. Айни чоғда мана шу қутлуг Ватанни бамисоли кафтишимизда турган гавҳардек ардоқлаб, унинг хосиятини баб-баравар истифода этишимиз шарт. Қодир табиат бизга шундоқ табаррук заминни ато этибдирки, унда ўзимиз излаган барча илоҳий жилваларни учратишимиз мумкин.

Юртимизда осмонўпар тоғлар ҳам, чексиз-чегарасиз саҳролар ҳам, айқирган дарёлар ҳам – барча-барчаси мавжуддир. Айниқса, бу олмос қирраларни ўз кўзинг билан қайта-қайта курганингда меҳринг яна бўлакча товланиб кетади. Бир вақт Хоразмдан Қорақалпоғистон томон ўтаётуб, тўлиб оқаётган Амударёга боқиб, мана бу тўртликни айтган эканман:

Кимлигимни билар эдим озрок,
Билар эдим элга суюклигимни,
Амударёни кўрганда бироқ,
Билиб қолдим буюклигимни.

Худди ўша манзилларда, яъни Уст-Юрт супаси устидан туриб, пастанда ястаниб ётган уфқларга қадар чўзилган кенгликларга боққанимда кўзимга Тожмаҳал кўрингандек булиб кетди... Хуллас, Ватаннинг ҳар бир гўшасини жаннатнинг хосхонаси дейиш мумкин. Гапларим кўпроқ она табиатимизга дахлдордир. Буюк маънавиятимизчи? Бетакрор ва гузал тилимизчи? Қадимий қадриятларимизчи? Улуғ ва муҳташам шаҳарларимизчи? Қалъяю қўрғонларимизчи?

Эҳ-ҳе... Буларнинг барчасини санаб улгуриш қийин. Гапнинг энг муҳими шундаки, мана шу қадимий ва гузал Ватан истиқдол туфайли ўз эгаларининг қўлига, халқимизнинг тасарруфига утди. Мен бир шеъримда: “Юртим сени бойликларинг-чун севган фарзанд бўлса, кечирма асло”, дегандим. Ушбу сатрлар биз империяга муте бўлган чоғларимизда ёзилган. У салтанат пешволари чиндан ҳам биз билан бойликларимиз манфаати туфайлигина муоммада бўлганлар. Ер усти, ер остидаги хазиналаримизни беаёв талаганлар. Арзимаган ахча ҳисобига неъматларимизни ўзлаштирганлар. Кечагидек эсимда: собиқ Итти-

фоқ халқ депутатлари сессиясида сўз сураб, жумладан кишишиш узумимизнинг килосини бир тийин нархлаб олиб кетаётганлигини айтмоқчи булганимда, наинки сўз беришган, балки ўқрайиб қарашган.

Аллоҳга беадад шукроналик бўлсинки, бугун барча бойлигимиз ўзимизники. Биз бойликка халқимизнинг ризқ-рузи, Ватанимиз қудратининг манбаи деб қараймиз ва шу сабабдан уни авайлаш ва кўпайтиришга ҳаракат қиласиз. Кўриниб турибдики, бу туйғу бойликка ружу кўйиш психологиясидан батамом йироқдир. Мен бугунги кунда «Юртим, бойликларинг ўзингга буюрсин, дастурхонинг мўл-кул булаверсин», деб қўйлаган бўлардим. Ана шу маънода биз ўз мустақиллигимиз билан фахрланар эканмиз, халқимизнинг мислсиз меҳнати туфайли бунёд булаётган буюк иншоотларга боқиб чексиз фахрга тўламиз. Бу табиийдир. Куни кеча Қашқадарё заминида қад кўтарган Шуртан газ-киме мажмууни бориб қўрганимда, худди Амударёга боққанимдаги каби ҳайратга тушдим. Ифтихорим ортди. Ва ана шу асно Ўзбекистоннинг оёқса туриб, жаҳонга юз тутаётганлигининг сабаби нима, деб ўз-ўзимга хитоб қўлгандек бўлдим. Ҳеч шубҳасиз, бу тарихий ҳодисотларнинг бош сабабчиси – Истиқлол. Ҳеч шубҳасиз, муаллифи ва раҳнамоси Президент Ислом Каримовдир.

Мен Шуртан газ-киме мажмуига унинг довругини аввалдан эшитиб, атайлаб кўргани келдим. Мен, албатта, иқтисодчи эмасман. Балки кўпгина рақамларни шарҳлаб беролмасман. Бироқ, муҳими шундаки, юртимизда жаҳонда тенги кам улуғ бир коргоҳ пайдо булди. Унинг бош меъмори Юртбошимиз эканлиги, яқиндагина Йўлбошчимиз ушбу мажмуанинг халқаро тақдимотида шахсан ўзлари иштирок этганликлари менга шоён бир руҳ бағишилаб турарди. Хўш, энди бу Шуртан газ-киме мажмуининг қаерда, қачон пайдо бўлганлиги ҳақида ўқувчиларимизга такрор бўлса-да, яна бир карра маълумог бериб ўтсак.

Очили дастурхон

Албаттта, ер юзидағи барча конлар ҳам бир-бирига ўхшашиб бўлса керак. Бироқ Шуртан газ конларининг ўзига хос таржимаи ҳоли бор. Такрорланмас тафсилотлари бор.

Унинг табиий равишдаги сир-синоатиу кароматини ба-
фуржа таърифлайдиган бўлсақ, қўйидаги манзара намоён
бўлар экан: тасаввур қилингки, ернинг қаъридан қандай-
дир қудратли нафас уфуриб турибди. Бу жўшқин нафасда
бизнинг кўзимиз илғайвермайдиган қанчадан-қанча мъ-
жизалар ҳам бор экан. Агар бу нафасни, яъни газни ўтоқ-
қа улаб ёқиб юборадиган бўлсақ, одатдагидек кучли алан-
га пайдо бўлар экан-у, аммо унинг таркибидаги ўша ун-
сурлар ҳам бекордан-бекор ёниб кетаверар экан. Агар бу
газни ҳафсалою илм билан оқини оқقا, кўкини кўкка
ажратиб олсақ, тамомила бошқача кўринишдаги манзара
пайдо бўлар экан. Мутахассисларнинг айтишларича, мана
шу газимиз таркибидан 148 турдан зиёд полиэтилен иш-
лаб чиқариш имконияти бор. Буни баралла очил дастур-
хоннинг ўзи десак бўлади. Буёгини ўзингиз тасаввур
қилиб кўраверинг. Шундоқ бебаҳо бисот бизда мавжуд
екан-у, уни юзага чиқариш учун курашлар жараёни қан-
доқ кечган экан? Ва ниҳоят, бу гаройиб ва улуғвор ғоя
бизнинг заминимизда аслида қачон пайдо бўлган?

Нуриддин ЗАЙНИЕВ (мутахассис) ҳикояси:

— Мен ўша пайтларда, яъни 1986 йилнинг охири — 1987 йилнинг бошларида Қашқадарё область партия қўми-
тасида ишлар эдим. Ислом Абдуғаниевич раҳбар бўлиб кел-
ган кунидаёт барча соҳалар қаторида биринчилардан бўлиб
газ саноатидаги аҳвол билан қизиқа бошладилар. Демак,
биринчи раҳбар аввалдан бу соҳанинг муаммоларини теран
ва пухта ўрганган экан. Ислом ака ишга келганларининг
учинчи куни, яъни 1986 йилнинг 30 декабрида «Шуртсангаз»
корхонасининг ёрдамчи хўжалиги мажлислар залига соҳа
мутахассисларини ўтишиб, оддий ишчилар, мутахассислар
билан суҳбатлашидилар. Ушанда шу нарса бизга ҳам яна бир
карра аён бўлдики, газимиз марказга — Москвага сув текин-
га кетар, ишчи-хизматчиларнинг ҳолидан бирор хабар олмас
екан. Ўзи газ чиқарган Қашқадарё аҳлининг атиги 4 фоизи-
гина ундан баҳраманд бўлар экан. (Бу курсаткич Ислом Ка-
римов саъй-ҳаракати билан ўша йилларда 37-40 фоизгача
кўтарилган эди). Бундан ташқари, ушбу газнинг таркиби-
даги катта миқдордаги этан, пропан каби ҳар хил бебаҳо
моддалардан фойдаланишмаган. Улар беҳудага ёниб кетавер-
ган. Собиқ Иттифоқ раҳнамолари бизда тайёр маҳсулот
ишлаб чиқарилишини, жумладан, қайта ишлаш саноати

барпо булишини мутлақо хоҳлашмаган. Ҳолбуки, Ислом Каримов Қашқадарёда иш бошлаган кезларидаёт сабиқ Иттифоқи раҳбарияти олдига буни бир неча бор қўйган, улардан садо чиқмаган. Ўзбекистонда маҳсулот ишлаб чиқарарадиган корхона пайдо бўлиб, шу атрофдаги ва бошқа муҳитлардаги бозорни касод қилиб юборишини улар яхши билишган. Шу сабабли бунинг учун ресурс ажратмай, юртимиз истиқболига гайирлик билан қарашган. Яъни Осиёда келажаги порлоқ маскан пайдо бўлишини улар, албатта исташмаган. Бунинг устига сабиқ Иттифоқда зарур технологиянинг ўзи ҳам булмаган. Четдан олишини эса улар исташмаган. Ўшанда И. Каримов «Шўртнгаз»нинг бош муҳандиси Олег Георгиевич Блюмберг ва бошқа мутахассислар – Руслан Абдуллаев, Эркин Вагапов, Ўктам Эшмуров – ҳаммамизга топшириқ бериб, жаҳондаги шу соҳага доир энг мукаммал технологияларни ўрганиб, менга таклиф беринглар, ўргана-веринглар, барибир бу муаммонинг охирига етамиз, деганлар. Ислом Абдуғаниевичнинг феъларида айтган сўзининг устидан чиқишидек буюк фазилат мавжудки, ниҳоят, юртимиз истиқтолга эришиб, у киши мамлакат раҳбари бўлгач, аввал армон булган режсаларини бирма-бир амалга ошира бошладилар. Ана шуларнинг энг оламшурулларидан бири бугун, биз кўриб турган Шўртн газ-кимё мажмуидир. Ўрни келганда мен у кишининг яна бир фазилатларини айтай. Ислом Каримов гдлянчилик даврон сурган ўша мураккаб ва таҳликали пайтлардаёт маҳаллий кадрларни ҳимоя қилишга, устиришга, тарбиялашга, ёшларимизни камол топтиришга катта эътибор берардилар. Ўзбекистоннинг ҳамма гўшаси боғ-роғ бўлишини орзу қилар ва имкони борича бу хайрли ишларга шахсан ўзлари бош-қош бўлардилар.

Ҳозир биз Шўртн газ-кимё мажмуи тарихига бевосита алоқадор булган иирик мутахассислардан бирининг сўзларини келтирдик. Демак, маълум бўляптики, дунеда ҳеч бир эзгулик ўзидан-ўзи юзага келавермас экан. Бундоқ тарихларни астойдил урганиб, қофозга туширадиган бўлсак, иирик асарлар яратиш мумкин. Дарҳақиқат, бу ерда ҳар бири адабий асар қаҳрамони булишга арзидиган замон кишилари меҳнат қилаётирлар. Эҳтимол бирининг ёши улуғроқ, бошқаси ешроқдир. Лекин уларнинг ҳаммаси ўз ишига шу қадар меҳр қўйганки, бамисоли қуш ўз ошиенига парвона бўлгани каби. Мен мажмуанинг

ўзаги ёшлар эканлигини, уларда биз орзу қилган кўпгина фазилатлар мавжудлигини кўриб ниҳоятда қувондим. Аввало уларнинг малакаси юксак, энг замонавий технологияларни мукаммал билади, хорижий тилларда bemalol гаплашади, дунёқараши кенг, маънавиятнинг хоҳлаган мавзусида мулоқот юргуза олади. Жумладан, уларнинг шеъриятимизга ҳам нечоғлик ошуфталигига узим гувоҳ бўлдим. Намангандан келиб ишлаётган Динора Осимова деган қизнинг жўшиб шеър уқишларини айтмайсизми?!

Президентимизнинг ёш авлодга ҳамиша таяниш лозимлигини уқтиришлари, яъни янги Ўзбекистонни барпо этишда уларга катта ишонч билдираётганлиги нақадар ҳаққоний эканлигини яна бир бор теран ҳис қилдим. Компьютерлар ёнида ишлаб турган ёшлар қаторида биринки хорижлик мутахассислар ҳам бор экан. Уларни гапга тортиб, ёшларимизнинг савияси ҳақида таассуротларини сўрадим. АҚШдаги «АББ Луммус Глобал» компаниясининг вакили Сливю Бордену ва франциялик Жорж Эсте саволимга жавобан бир овоздан бош бармоғини кўтариб, «оkey, оkey» дейишиди. Лабораторияларимиз ҳам юксак даражада эканлигини мамнуният билан қайд этишиди.

Биз таърифлаётган ана шу йигит-қизларимиз сафидя яқиндагина Президентимиз билан учрашиб, у кишидан оқ фотиҳа олганлар, албатта, кўп эди. Мен улардан айримларининг номларини келтириб ўтay. Одил Темиров, Акмал Асроров, Зиёда Жўраева, Гаяна Гаспарян ва бошқалардир. Буларнинг кўпчилиги Қашқадарё вилоятининг олис қишлоқларида туғилиб ўсан, яна бир қанчалари эса республикамизнинг турли минтақаларида вояга етган мутахассислардир. Мажмуанинг ҳозирги раҳбари Ҳабиулла Алиев Фарғонанинг асл фарзандидир. Ҳабиулла Маматвалиевич корхонанинг таянчи бўлган ёшлар ҳақида тўлқинланиб сузлади:

— *Йирик газ-кимё комплексимизнинг ёшлари — Президентимиз орзу қилган ёшлар. Улар нафақат ўз ишининг устаси, айни пайтда, онги, салоҳияти ўсан, маънавияти етук ёшлар. Ҳаммаси чет тилларни яхши билади. Улар озод мамлакатимизнинг бугуни ва келажагидир.*

Мен мамлакатни бақувват қиладиган ушбу корхонанинг иш жараёни билан танишар эканман, мутасаддилардан унинг шу дамлардаги фаолияти қандай кечеётир деб сурадим.

Бош муҳандис Ўқтам ЭШМУРОДОВ ҳикояси:

-- Мен мана шу комплекс қурилишида биринчи қозиқ қоқилган кундан бошлаб ишлаб келаман. Бу мажмуа ғоят қисқа фурсатда – уч ўйл ичидаги қуриб битказилди. Эсимда: қурилиш авжига чиққан палладарда одамлар ишга мурчадай (чумолидай) тармашган, бир вақтнинг ўзида 10 мингдан ортиқ киши, биргина самосвалнинг ўзидан мингга яқини, яна шунча миқдордаги бошқа техника воситалари сафарбар этилганди. Ноёб технология ускуналарини ўрнатиш ва созлашда қанчадан-қанча чет эллик мутахассислар биз билан ёнма-ён ишлаши. Мана, ниҳоят, ишни бошлаб ҳам юбордик. Бизнинг маҳсулотларимизнинг ранг-баранглигини бир тасаввур қилиб кўринг: турли уй-рӯзгор буюмлари, қошиқдан тортиб челяккача, қувурдан тортиб ғўзанинг ёпинги плёнкасигача, катта ҳажмли қоп-қанордан тортиб, кабель маҳсулотларигача, эҳ-ҳе, санайверсангиз адоги йўқ. Буларни яратиши учун кетадиган маҳнату маблағ қанчалик катта бўлмасин, улардан мамлакат кўрадиган даромад ниҳоятда улкандир. Корхонамизнинг ўзига хослигидан яна бири шундаки, ярим соат ичидаги буюртмачи хоҳлаган маҳсулотини тайёрлаб бера оламиз. Адибларимизнинг образли иборала-ри билан айтганда, бир зумда истаган таомини пишириб беришимиз мумкин.

Корхона раҳбарларининг гувоҳлик беришларича, мажмуа очилган кун қуёш чараклаб турган эди. Нуроний қарияларимиз Президентимиз билан учрашиб, дуои фотиҳа қилишганди. Дарҳақиқат, янги коргоҳнинг фаолияти ва қурилиши нечоғлик мўъжизавий, жаҳоншумул бўлмасин, унинг ҳар бир куни миллийлик, ўзбекчилик билан боғланиб кетган. Чунончи, мен ўша ерга борганимда навбатдаги маҳсулотлардан бирининг ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилиши муносабати билан қўй сўйилиб, қончиқарилиб, ош тортилаётган экан. Фузорлик мұътабар бир қария Юртбошимиз шаънига, мажмуа баракасию меҳмонлар шаънига дуолар қилди.

Хуллас, Шўртан газ-киме мажмуаси деб аталмиш достонни яна қанча-қанча қўйласак, шунчалик оз. Буюк дарё пишқириб оқа бошлади. Алномишнинг Бойчибори ўзининг қанотини кенг ёйди. Ўзим туғилиб ўсган ушбу қадрдан чўллар бағрида бамисоли мўъжизага дуч келганимни сираям яширмайман. Қурилган бу иморатларга қа-

ранг. Ҳар бири эртаклардаги саройлар янглиғ гўзал ва мафтункор. Очифини айтсам, дунёниг тараққий этган мамлакатларида шу каби даргоҳларни кўрганда ўзимизда ҳам шундоқ кошоналар қачон бунёд булар экан, деб орзу қилганмиз. Бугунги кунда ўзимизнинг Шуртанободимизда барпо булган мъжиза шаҳарчани қўз олдингизга келтиришга ҳаракат қиласай: бири биридан сулув иморатларнику айтиб ўтдим. Чўл бағрида бунёд этилган ушбу масканни қуршаб турган манзаранинг ўзини бир шеър деса бўлади. Бир ёнда соҳилида лайлаклар солланиб юрган, мавжларида ёввойи ўрдаклар қалқиб сузаётган мовий қўл. Чоратрофда нозик дид билан ўтқазилган турфа дарахтлар, бобо саксовуллар. Орадан сал вақт ўтмай бу дарахтлар бўй кўрсатса, ушбу масканнинг нечоғлик бетакрор гушага айланишини тасаввур қилиш қийин эмас. Шу соҳага тегишли рақамларнинг баъзиларини келтириб ўтсам, ортиқча бўлмас. Мажмуа атрофида 450 гектарга яқин яшил ўрмон пайдо бўлди. Қарийиб 1 миллион туп қучат ўтқазилди. Ҳар ёнда озодалик, саришталиқ. Ўрмончиларга раҳмат.

Менинг назаримда буларнинг барчасидан ҳам азизроқ бир ҳақиқат мавжуд, яъни наинки чаманзор, балки одамларимизнинг чеҳралари ҳам ўша чаманзордек барқ уриб турибди. Кузларида мамнуният, эртасига ишонч чарақламоқда. Бундай чоғда ҳаммамизга худди шу янглиғ кутаринки руҳ ва олий кайфиятни ато этган истиқолимизга, унинг буюк Меъморига миннатдорлик туйғусини яна бир карра ҳис этамиз. Яна бир карра ҳалқимиз учун, мамлакатимиз учун тинчлик ва осойишталиқ нечоғлик шарт эканлигига иймон келтирасиз.

Яна бир қувончли воқеани эслатиб ўтай, қадриятларимиз, давлатчилигимиз тимсолларининг энг муҳташами булган қадим Шаҳрисабзнинг 2700 йиллигига тараддуд кўрилмоқда.

Шаҳрисабз ҳақида икки оғиз суз. Маълумки, ушбу шаҳар Самарқанд каби ЮНЕСКОнинг қарорига кўра, жаҳондаги энг мўътабар шаҳарлар рўйхатига киритилди. Ҳақиқатан ҳам Шаҳрисабз – шаҳри Кеш наинки меъморий ёдгорликлари, балки улуғ зотларнинг зуваласи олинган кутлуг замин сифатида ҳам қадрлидир. Авваламбор, бу замин соҳибқирон Амир Темурнинг бешиги. Ушбу маънода Ҳисрав Дехлавий, Мирзо Бедил, Мирзо Голиб

сингари зотларнинг бобокалонлари яшаб ўтишган. Мен доимо такрор-такрор айтиб келаман: Шаҳрисабз ҳақида асар яратиш учун яна бир Ойбек керак бўлади. У шундоқ қутлуғ мавзу!

Қадими қўргонимизга бошқа шаҳарлар қатори Юртбошимизнинг юксак даражадаги эътиборини кўриб, билиб турибмиз. Шаҳрисабзнинг 2700 йиллигини нишонлаш юзасидан тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

Модомики, Ватан тараққиёти, халқ турмуши фаровонлиги, эл-юрт тинчлиги бош мақсадимиз экан, ушбу соҳаларда бутун мамлакатимиз буйлаб қилинаётган улугвор ишлар, қурилаётган буюк иншоотлар – барча узгаришлар ҳеч шабҳасиз мустақиллигимиз шарофати ва Юртбошимизнинг доимий раҳнамолиги туфайлидир.

Ишонч ва ифтихоримизнинг асл манбаи ҳам шунда!

2002 йил, январь

“... ҚИЛГОНЧА БОРДУР ЯХШИЛИФ”

Халқимиз ўзининг улуг фарзанди Алишер Навоийнинг номини асрлар оша қалб гавҳари янглиғ асррабавайлаб келмоқда. Бироқ бошимизга тарих солган ранжу балолар туфайли биз қадриятларимиздан узоқлашиб ҳам қолган эдик. Демакким, Навоий бобомиз ижодий мероси ҳам ёдгорлик рамзига айлана бошлаган эди.

Мана, ниҳоят замонлар эврилиб биз яна қадриятларимизга, яъниким буюк Навоига ҳам қайтадан яқинлашиб бормоқдамиз. Бу улуг жараён давлат сиёсатига айланди. Бу жараён мамлакат Президентининг диққат марказида турибди. Биргина утган йили бобомиз номидаги шаҳарда ҳазратга қўйилган улкан ёдгорлик мажмуини эслатиб ўтишим мумкин.

Навоийни англаш ўзлигимизни англаш эканлигини тобора терсанроқ тушуниб бормоқдамиз. Биз бу муқаддас кўникумаларни ёш авлодлар шуурига ҳам сингдиришга ҳаракат қилаётимиз.

Хуллас, биз энди Навоийни тушуниш даражасига кўтарилишимиз лозимлигини билиб қолдик. Тўғри, буюк

шоир ижоди олимлар тарафидан тадқиқ этилган ва тадқиқ этилаётир. Тұғри, шоир ғазаллари мусиқа оламини безаб турибди. Бирок биз бу улуғ зот ҳәети ва ижодидан келиб чиқадиган құпгина ибратларга ҳам эътибор беришимиз шарт, деб үйлайман. Авваламбор, Алишер Навоий юксак маърифат әгаси, теран маънавият соҳиби, одамийлик тимсоли бұлған улуғ шахсдир. Навоий ўз ҳәети давомида муттасил равишда турли низо ва можароларни омон-омонлик билан ҳал қилиш учун ўша давр раҳнамоларига күмак берди. Юртда тинчлик тушунчасини шиор эмас, олий зарурат деб билди ва шу йүлда курашди.

Бу улуғ шоир ижодий маҳсулидан қатын назар, бенихоя донишманд инсон эди. Айтган гапни айт, айтмас гапдан қайт, қабилида иш юритган бу доно зотнинг ҳар бир хатти-ҳаракати биз учун ибрат бұла олади. Наинки айрим шахслар, наинки айрим гуруҳлар, ҳатто баъзан ҳалқлар үртасида низою нифоқлар чиқаришга уриниб, ер юзини безовта қилаётган бугунги тұдаларга ҳам Навоий бобомизнинг күшкеларига битилган ушбу мисралар жавоб эмасми:

Оlam аҳли, билингизким,
иш эмас душманлығ, әр үлунг
бир-бириңгизгаки, әрүр әрлиғ иш.

Мен бу ўринда Навоий бобомизнинг нафақат ижоди, балки ҳәетий фаолиятлари ҳақида сұзлаётирман.

Иккинчидан, Алишер Навоий ўзининг буюк истеъдоди билан ўша даврдаёқ адабиётимизни ўртамиёначилик ботқоғидан олиб чиқиб кетди. Сүзни илоҳий деб билди. Икки сұзни бир амаллаб қофиялаб, саёз, сийқа фикрларни шеърият деб күтариб юрганлар ҳозир күп бұлғани сингари, ўша даврда ҳам мүл эди. Навоий шеърият қофия бозлиқ эмас, балким улуғ санъат эканлитини ҳар бир сатри орқали исботлади. Ҳазратнинг бирор байти йүққи, унда дохиена ташбеҳлар учрамасин. Масалан, ернинг лабига учук тошган ҳолатни Навоий, мана қандай лутфу назокат, мутойиба билан тасвир этадилар:

Эрмас учук, шакарга епишти чибин пари,
Икки лабим била они олсан дудоғидин.

Асл шеърият мактабини ўтмаганлар бугун ҳам Навоийдан үрганиб, унинг даҳоси қошида ҳушёр турсалар яхши бўларди.

Нонни азиз билган “нон” деган сузни ҳам азиз билади. Модомики, шундоқ экан, биз Навоий бобомизга наинки улуф шоиримиз, балки обрўйимиз, шону шавкатимиз, дахлеиз мартабамиз, савиямиз мезони сифагида ҳам қараймиз. Шу маънода бобомиз ҳақида бирор асар ёзишга киришгандা уни уддалай оламизми ёхуд Навоий мукофотига номзодимиз қўйилса, унга муносибмизми-йўқми – ўйлаб кўришимиз керак.

Турфа, курким, ҳалқ коми бирла
умрим бўлди сарф –

дэя ёзган шоир, ҳақиқатан ҳам, бутун ҳаёти ва ижодини ҳалққа баҳшида этган эди.

Алишер Навоий узбекнинггина эмас, балки бутун инсониятнинг буюк фарзанди бўлиб турибди. Бобомизга эҳтиромимиз туганмас ва абадийдир. Мана қўшни диёрларга тинчлик замонлари келди. Эндиликда биз улуф ҳазратнинг қабрларини ҳам обод ҳолда кўришни хоҳлаймиз. Зоро, дунёда инсонлар бир-бирларига яхшилик қиласиган замонлар етиб келди, десак булур. Бунга инсонларни тарихий вазиятларнинг ўзи ундаётир.

Навоийнинг яхшилик қиласиган экансан, ҳеч курса ёмонлик қиласа, деган нидоси бугун ҳам жаранглаб турибди:

Яхшилиғ гар қиласа, бори ёмонлиғ қиласа,
Ким ёмонлиғ қиласа, қилғонча бордур яхшилиғ.

2002 йил, февраль

ҚАЛБИМНИНГ АМРИ БИЛАН ЯШАЙМАН

— Абдулла ака, Ватанимиз истиқлонининг дастлабки 10 йили ҳам тарих саҳифасидан жой олди. Ҳалқимиз ҳаётида батамом янги тарихни бошлаб берган бу даврда юрт ва миллат тақдирида юз кўрсатган ўзгариш, янгиланиш

жараёни ижодкор сифатида Сизни бефарқ қолдирмайды, деб ўйлайман.

— Албатта, истиқдолнинг ортда қолган үн йили халқимиз тақдирида янги тарихнинг бошланиши, қадрқиммат, шаън-шавкатнинг тикланиш даври сифатида бекиёс аҳамият касб этди. Агар буни жайдари тилда ифодалайдиган бўлсак, одам одамдай ҳаётдан қониқиб, завқ олиб яшайди. Зотан, менинг ҳаётим жамият ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ экан, үн йиллик бу давр юртимиз учун ҳам ана шундай шиддатли кечди. Биз истиқдол туфайли ҳаётимизда юз кўрсатган туб узгариш, ақл бовар қилмайдиган воқеа-ҳодиса ва шаклланишнинг нафақат гувоҳи бўлдик, балки ана шу жараённинг бевосита иштирокчи-сига айландикки, биз Юртбошимиз раҳбарлигига янги даврнинг яратувчилари эканлигимиздан ҳар қанча фахру ифтихор қилсак арзиди.

— Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан 2002 йил Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилинди. Сизнинг назарингизда, бу ташабbus замирида қандай эзгу мақсад мужассам?

— Аввало, шуни айтишим керакки, утаётган йилимизнинг Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилиниши foяси халқимизнинг миллий қадриятларига тўла ҳамоҳанг, уйғун. Яна шуни айтиш жоизки, бу foя ҳам тарихий, ҳам ахлоқий, ҳам ижтимоий нуқтаи назардан чукур маъномазмунга эга.

— Халқимизда кексаларни ҳурмат қилиш, иззатини жойига қўйиш, дуосини олиш азалий фазилат ҳисобланади. Ўтган йил, яъни Оналар ва болалар йилининг Қарияларни қадрлаш йили билан ўрин алмашишида ҳам чукур рамзий маъно кўраман. Энг муҳими, буларнинг бари моҳият эътибори билан инсон манфаатларига хизмат қиласди.

— Абдулла ака, ўзбек халқи Сизни бетакрор ва хасос шоир сифатида юксак қадрлайди. Бу юртда Сизнинг дилбар шеърларингиз кириб бормаган биронта ҳам хонадон йўқ десак, асло хато бўлмайди. Сизнинг ижодингиз юзасидан кўплаб тадқиқотлар яратилган, илмий изланишлар ҳам олиб борилаёттир. Бир сўз билан айтганда, сизнинг ижодингиз ўзининг муносиб баҳосини олган ва олаёттир. Айтингчи, ўзингиз, айни шу бетакрор шеърияtingизга қандай баҳо берасиз?

— Агар утган умр йулимга назар ташласам, қизиқ ҳолни кураман: гарчи, ҳаётим давомида бетиним ижод қилиб келган бұлсам-да, яна анча вақтим бұш үтгандек түюлади. Бу кайфият қалбимдаги ижодға, шеъриятта ташналиктан туғилса керакда. Мен ҳамиша күнглім әхтиежидан келиб чиқиб, юрагимга таъсир қылған нарсалар ҳақида өзишга уринганман. Ҳар бир шеъримнинг ўзига хос тарихи бор, дейишим мумкин.

Агар ҳаётда мұжиза рўй бериб, үтган умрни қайтадан бошлаш имкони туғилса, яна шу ижод йүлини танлаган бүлардим. Фақат үтган умр йүлимда ўзимга боғлиқ бүлмаган тарзда йўл қўйилган хато ва нуқсонларни тақрорламасдим. Мен учун ижод қилиш – қалб әхтиежидир.

— Гап ижод, унинг машаққатлари ҳақида бораётган экан, таржима масаласини четлаб ўтиш мумкин эмас. Айтишларича, таржима борасида сизнинг омадингиз чопмаган дейишади. Бунга ўзингиз нима дейсиз?

— Ҳа, ҳақиқатдан ҳам шундай. Шуни айтиш керакки, таржима енгил иш эмас, унинг нозик ва ўзига хос томонлари бор. Услублар мос келмаса қийин. Айтайлик, Расул Ҳамзатовнинг шеърияти Роберт Рожедествеский таржимасида Робертга ұхшаб қолған. Унинг таржимасида биз кўниккан Ҳамзатов йўқ. Шунаقا гаплар.

— Сизнинг энг яхши таржимонларингиз кимлар?

— Наум Гребнев, Александр Файнберг, Римма Казакова, Игорь Шкляревскийлар.

— Ўзингиз ҳам таржимон сифатида самараали ижод қилгансиз...

— Шуни айтишим керакки, ҳар бир ижодкорнинг ижодида таржима муайян аҳамият касб этади. Бу ҳол менинг ижод йүлимда ҳам мустасно эмас. Мен А.Пушкин, Н.Некрасов, Л.Украинка шеъриятини ўз тилимга ўтирганман. Биргина Дантелинг “Илоҳий комедия” (“Дўзах”) асари таржимаси устида үн беш йил ишлаганман.

— Сиз қайси шоир ва ёзувчиларнинг ижодини ўзингизга руҳан яқин, деб ўйлайсиз?

— Бу ҳақда фалон ижодкор менинг руҳимга яқин деб якранг жавоб бериш қийин. Мен ўзимни файласуф деб ҳисобламайман, аммо дунёни таҳлил орқали қабул қиласман. Навоий, Саъдий сингари мумтоз шоирларнинг ижодий меросига қайта-қайта мурожаат қилишдан толиқ-

майман. Уларнинг ижодидаги мантиқнинг чуқурлиги, санъатнинг юксаклиги ҳайратга солади. А.Пушкин ва Н.Некрасов ижодини ҳар сафар мутолаа қилганимда, чексиз баҳра оламан. Абдулҳамид Чулпон, Ҳамид Олимжон,Faafur Fуломнинг алоҳида асарларига ҳурмат билан қарайман.

— Сизнинг назарингизда, маънавий ва моддий қадриятлар нимани англатади?

— Маънавий қадриятлар чексиздир. Инсоннинг энг бебаҳо фазилатларидан бири самимият, деб биламан. Эҳтимол, шунинг учун ҳам мен ҳаётда кўп марта алдан-гандирман... Эҳтимол, шу боис мен ҳаётда кўпинча ўзими-ни ёлғиз ҳис этгандирман. Албатта, дўстларим кўп, лекин руҳан яқин, ҳамфирлар кам...

Моддий бойликлар ҳақида эса, рости гап, нима де-йишни ҳам билмайман. Мен коллекционер ҳам, антиквар ҳам, самолёт, мол-мулк, супермаркет эгаси ҳам эмасман. Ростини айтсан, бойлик йиғиш, мол-мулк тўплашга кўнглимда ҳавас йўқ. Эҳтимол, бу нотўғридир, балки мол-дунё тўплаш ҳам керакдир. Билмайман.

— Инсон ҳаёти жамият ҳаётининг ажралмас бир бўллагидир. Ҳаёғда шундай воқеа-ҳодисалар бўладики, унинг силсиласи кишини нафақат ҳайратга солади, балки дунёқараши, тасаввuri ва ҳатто умр йўлини ҳам ўзгартириб юбо-риши мумкин. Айтинг-чи, ҳаётдаги қайси воқеа-ҳодиса сизга ана шундай таъсир кўрсатган?

— 1991 йилнинг 31 августида Ватанимиз мустақилликка эришиши ва ниҳоят, Соҳибқирон Амир Темурнинг буюк тарихий шахс сифатида эътироф этилиши ҳаётимда то абад унугилмас воқеа булиб қолади. Ахир, ана шу буюк бобомизга азалдан юксак эҳтиром билан қараб келганман, унинг шахси орқали дунёга назар ташланганман. Шўро замонида Соҳибқирон бобомизга нисбатан файриинсоний муносабат ҳукм суриб келди. Ахир, бобомизнинг ҳатто номини ҳам тилга олиш тақиқланган эди. Ўшанда мен биз бутун бошли ҳалқнинг қисматини маълум кимсалар ҳал этадиган файриинсоний жамиятда яшаемиз, деган ўйга борганман. Қалбимдаги ана шу чексиз ҳурматим боис мустақилликка эришгач, “Соҳибқирон” номли драмани яратдим. Бу драма ёзилгандан то бугунги кунга қадар пойтахтимиздаги Миллий академик театр саҳнасида қуийб келинмоқда.

— Сизнинг энг муқаддас орзунгиз нима? У руебга чиқдими?

— Менинг Ватаним мустақил булди. Мен бугун ўз тилимда сўзлайман, ижод қиласман ва фикрлайман. Одамзод боласи учун бундан-да катта баҳт борми?!

— Сиз тақдирга ишонасизми?

— Шуни айтишим керакки, ҳаётнинг узи мантиқий қонуниятга эга тақдирдан иборатдир. Ҳамма нарса бир-бирига мутаносиб яралган: кеча ва қундуз, уруш ва тинчлик, яхшилиқда — ёмонлик, ёмонлиқда — яхшилик...

— Баҳт деган тушунча сизга нимани англатади?

— Авваламбор, мен баҳтни виждоннинг хотиржамлигига қураман. Шундай дейману, аммо ҳаётда ўғри кимса ҳам хотиржам ухлаши мумкин. Бу вижлонни батамом йўқотиб қўигандан бўлса керак-да... Умуман айтганда, ҳар ким баҳтни ҳар нарсада кўради. Масалан, бетоб кимса баҳтни соғлиқда, фарзандсиз киши зурриёд кўришда...

— Баҳтсизлик-чи?

— Менимча, одамнинг яшашни истамай қолиши энг катта баҳтсизлик бўлса керак...

— Мұҳаббат-чи?

— Бу туйғу азалдан бор эди, бўлган ва бундан кейин ҳам яшайди. Мен ҳам бу туйғуни аввалбошида ҳис этганман, ҳозир ҳам ҳис этаяпман ва бундан кейин ҳам ундан айри тушмасам керак, деб ўйлайман.

— Сизнинг энг баҳтиёр кунингиз?

— Мен баҳтиёрликни ўзим ва атрофдагиларнинг хотиржамлиги, буйнимда бирон-бир қарзнинг йўқлиги, виждон қийналмаслиги ва барча катта-кичик ташвишлар ечимини топгани, оиланинг тинчлиги, энг мұхими, бошимиз устидаги мана шу осмоннинг сокин ва мусаффолигида қўраман.

— Сиз кўпроқ кимлар билан ҳамсуҳбат бўлишни истайсиз?

— Инсон неча ёшда бўлишидан қатъи назар, барин-бир, ҳамиша ота-она меҳрини қўмсар экан. Бу ушалмас орзу, лекин мен ҳам ота-онам набираларимни кўришини, Ўзбекистон Қаҳрамони бўлганимдан қувонишларини истар эдим.

— Абдулла ака, бугун замонавий қаҳрамон ҳақида күп фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Сиз уни қандай тасаввур қиласиз?

— Менинг назаримда, замонавий қаҳрамон, у олимми, ишчими, ким бўлишидан қатъи назар, энг аввало, бугунги давр талабини ҳис этиб, меҳнат қилаётган инсондир. Унинг ҳеч қандай ташвишу муаммоси йўқ, у айбу нуқсондан бутунлай холи десак, унчалик тўғри бўлмайди. Чунки дунёнинг ўзи мураккаб, инсон феъл-атвори эса оддий эмас. Аммо бунга қарамай, инсон ҳамиша камолотга интилиб яшаб келган. Ана шу жараёнда қўпчиликка намуна, ўrnak бўладиган инсонни замонавий қаҳрамон деб атасак тўғри бўлар.

— Абдулла ака, истиқлолнинг ўтган ўн йилида юртимизда тенгсиз ўзгаришлар юз кўрсатди. Айтингчи, истиқлолнинг йигирма беш йиллигига она Ўзбекистонимизни қандай тасаввур этасиз?

— Биз жуда ажойиб даврда яшаяпмиз. Ҳалқимизнинг бугунги бунедкорлик ва яратувчилик салоҳияти келажакка катта ишонч уйғотади. Қаранг, ҳар кун куз ўнгимизда бир янгилик намоён бўлмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгармоқда. Биз қисқа даврда кўп нарсани қилишга улгурдик. Бугун катта карvon йўлда давом этаётган экан, бу буюк келажакнинг асосларини яратиш имконини беради. Ўзбекистонимизнинг келажаги буюк бўлади. Менинг бунга иймоним комил.

2002 йил, март

ФАН ШОИРИ

Қадрдон дўстим, йирик адабиётшунос Муротбек Каримович Ҳамроев гурур қилса арзийдиган машҳур олимлар сирасига киради. Бу инсон серқирра ижодкор — шоир ва таржимон, танқидчи ва адабиётшунос, олим ва устоз, жамоат арбоби ҳамда ажойиб раҳбар эди. У ўз ишининг устаси ва ҳар бир соҳа олдида турган масалаларнинг ечимини осонликча ҳал қила оладиган топқир, зукко инсон эди. Олим қисқа умр кўрганига қарамай, салмоқли

илмий, адабий-бадиий ва педагогик мерос қолдириб кетди.

Муротбек Ҳамроевда шеъриятга қизиқиш жуда эрта уйғонди. У ўн икки ешидан бошлаб шеърлар ёза бошлади. Ўқувчилик йиллари мамлакатга түрк шоири Нозим Ҳикмат келаётганини газетадан ўқиб қолади ва унга шеърий мактуб ийллайди. Еш шоирга жавобан мана бундай хат келади: “Салом, Мурот! Шеърларингни олдим. Улар жуда жўшқин, асосийси, қалдан ёзилган. Ватанинг баҳтига омон бул”.

Ушбу илиқ сузлар ёш йигитчани илҳомлантириб юборади. Аммо ҳаёт үзгача ҳукм чиқарди... Шунга қарамай шеърият Мурот Ҳамроевнинг дилида мустаҳкам ўрин эгаллаб қолди.

1954 йили М.Ҳамроев Ўрта Осиё Давлат университетининг шарқ факультетига (уйғур-хитой бўлимига) ўқишга киради. Ўқув давридан бошлаб илмий жараёнга шўнғиб кетади, тадқиқотлар олиб боради, маъruzалар билан анжуманларда иштирок этади.

Шу билан бир қаторда Муротбек Каримович бадиий ижод ва таржима билан ҳам шуфулланади. 1957 йили унинг илк шеърий асари нашр этилади. Хоразм вилоят театрида Д.Осимов ва А.Садировнинг “Анорхон” писесаси уйғур тилидан рус тилига М. Ҳамроев томонидан таржима қилиниб, саҳнага қўйилади. Шу йилнинг ўзида ҳам тупловчи, ҳам муаллиф сифатида Муротбек Ҳамроевнинг “Шинжон шоирлари” китоби босмага тайерланади. 1958 йили олимнинг йирик илмий асарлари яратилади.

М.Ҳамроев Ўрта Осиё Давлат университетини имтиёзли диплом билан тугатиб, Қозоғистон Фанлар академияси қошидаги тил ва адабиёт институтининг аспирантурасига ўқишга киради. 1961 йили номзодлик диссертациясини ёқлади, уч йилдан сўнг эса докторлик унвонига эга булади. Унинг илк ижодий изланишларининг ўзиёқ ёш тадқиқотчининг адабиётшуносликда жуда мураккаб ва ҳали яхши ўрганилмаган муаммолардан бири – туркий халқлар адабиетида шеър шакллари муаммосига бағишлиган эди. Жумладан, “Турк шеърияти шакллари асоси”, “Уйғур мумтоз ва замонавий поэзиясида қофия” каби кўпгина илмий мақолаларида М.Ҳамроев шарқ шеъриятидаги асосий масалаларни қофия, вазн, бандлардан келиб

чиққан ҳолда тадқиқ этади. Қисқа давр ичиде олим ўзини жиддий тадқиқотчи сифатида намоён қилади. Олим турк халқлари поэзиясининг туб моҳияти, уларнинг бир асосдан, тилдан келиб чиққанлиги борасида изланишлар олиб борди. Матндан кўп тилликни яхши тушунган М.Ҳамроев адабиётшунослиқда биринчи марта турк шеърияти, унинг ўзаро мутаносиблигини чуқур ва кенг ёритиб берди. У туркий халқларнинг аниқ даврий адабиёти ҳақида маълумот бера олди, умумназарий манфаатни акс эттирувчи адабиётшунослик масаласига оид салмоқли фикрларини баён қилди. Нуфузли илмий ишлари М.Ҳамроевни таниқли шарқшунос олимлар қаторидан ўрин эгаллашига сабаб бўлди.

Муротбек Ҳамроев ва унинг ҳамкаслари томонидан уйғур мумтоз поэзияси антологияси – “Асрлар садоси” тузилди ва нашр этилди. Унда йигирма учта шоирдан ўн олтитаси биринчи марта жаҳон миқесида танилди. М.Ҳамроев уйғур поэзияси кичик антологиясининг рус тилида нашрдан чиқишига ўз ҳиссасини қўшиб, бунда у нафақат тузувчи ва муаллиф, балки таржимон сифатида ҳам иштирок этади. Уйғур поэзияси антологияси ўзбек тилида ҳам тайёрланган, аммо у ҳали нашрдан чиқиб улгурмади. Ушбу нашрда М.Ҳамроев энди ўзбек тилига таржимон бўлади.

Фолклор олимни ҳар доим ўзига мафтун этиб келган. Кўп йиллар давомида М.Ҳамроев диққат билан халқ оғзаки ижодининг намуналарини ёзиб олади. Унинг ташаббуси билан илк маротаба “Уйғур топишмоқлари”, “Уйғур латифалари”, уйғур эртаклари, мақол ва маталлари матбуотда эълон қилинган. Олим уйғур адабиёти билан фолклор орасидаги боғлиқликни тадқиқ этади. Рус тилига уйғур латифаларини, мақол ва маталларини, топишмоқларини таржима қилган.

М.Ҳамроев кўпгина ёзувчи ва шоирлар ижодини ўрганибгина қолмай, балки ўзи ҳам қобилиятли шоир ва таржимон бўлган. Қардош халқлар ижоди олимни бу тилларда нафақат шеърлар ёзишга, балки уйғур, қозоқ, ўзбек ёзувчи ва шоирларининг асарларини таржима қилишга ундаган. Кўпгина уйғур мумтоз адабиёти намояндалари М.Ҳамроев таржималари туфайли жаҳонга танилди. Залели, Билол Нозим, Новбати, Хиркати, Лут-

фулла Муталлип, Умар Мұхаммади ва бошқалар шулар жумласидандыр.

Муротбек Каримовичнинг илмий-педагогик фаолияти ҳам серқирра бўлган. У бир қатор дарсликлар, ўқув қўлланмалари, дидактика ва дарс бериш методикасига оид илмий мақолалар муаллифири.

М.Ҳамроев Ўзбекистон педагогика фанлари тараққиёти учун кўп ишлар қилган. Сўнгги етти йил давомида олим Т.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий текшириш институтига раҳбарлик қилган, республикамиздаги турли олий ўқув юртларида “Адабиёт назарияси”, “Миллий ва хорижий адабиёт” курслари бўйича маъruzалар ўқиган.

У 47 ёшида оламдан утди. Вафотидан кейин мен дустим хотираасига шеър ёздим.

Мен кўриб турибман,
Ер-осмон парчин.
Фарзандинг фигони кўкларга ўрлар.
Бир ёнда ўзбеклар эгиби бошин,
Бир ёнда болам деб ииғлар ўйғурлар,
Нима қилиб қуидинг,
О, дустим Мурод.
Наҳот улимда ҳам сен булдинг пеша,
У аҳду паймонар булди-ку барбод,
Якка ов қиласкан ажал ҳамиша.
Минглаб иил утса ҳам осмон қаърида
Тўқнашмас фалакнинг икки тўзони.
Не баҳтким, ўзбекнинг мунис бағрида
Менга дуст бўлгандинг, ўйғур ўғлони.

Нега яхшиларга нотанти ҳаёт,
Нега ганим қолиб, дўст кетар нега?
Улуғ олим эдинг, узинг айт, Мурод,
Табиат ишига бормикин эга?

Нетай, жанозангга кечикдим ўзим.
Ногоҳ у зарбадан қолдим довдираб.
Кимга хитоб аилас, Мурод, азизим,
Бокурман қабрингга энди жавдираб.

Оғир. Эслаш оғир. Аммо дўстлик, хотира ва шеърлар қолди. Мана шулар кўнгилга далда бўлади, холос.

2002 йил, май

Қадимдан ҳам жаҳон тарихида давлатлар мавжуд эканки, уларнинг рамзлари бўлган. Бу рамзлар мазкур давлат фуқароларига гўёки рухсатнома ёхуд ҳужжат ҳисобланган. Буюк Амир Темур бобомиз давлат рамзларига жуда юксак сиёсий аҳамият берганлар. Жумладан, жанг майдонида лашкардан бир нафари омон қолса ҳам, у мамлакат байроғини баланд тутсин, деб фармон берганлар. Байроқнинг эгилиши мағлубият белгиси деб қабул қилинган.

Демак, рамзлар наинки ҳужжат, балки фуқаролар руҳиятига бевосита таъсир қиладиган табаррук тимсоллардир. Ҳаттоқи Аллоҳдан бошқа топинадиган зот йўқ, дея жоҳилиятга ботган – нарсаларга ибодат қилувчиларга биринчи бўлиб қарши бош кўтарган ва гоясини мукаммал равишда адо этган пайғамбаримиз Мұҳаммад алайҳисса-лом ҳам тимсолларга бефарқ қарамаганлар. Мисол: ахир, Каъбатуллоҳ энг олий тимсол эмасми?!

Темур бобомизнинг байроқлари сингари герблари ҳам булган. У герб бир-бирига туташган олтин зилол ҳалқа шаклида эди. Унинг мазмуни, фикримизча, икки дунё ва уларни боғлаб турувчи учинчи ҳилқат бўлса керак.

Биз Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганини қайси ҳужжатларга кўра эътироф этамиш? Бу биринчи навбатда унинг рамзлари ҳисобланади. Президентимизнинг бевосита раҳнамолиги ва муаллифлигига давлатимиз рамзлари қабул қилинди. Бу рамзлар Олий Мажлис депутатлари ва умумхалқ муҳокамасидан ўтказиб қабул қилинганини барча фуқароларимиз яхши биладилар. Конституция, Президентлик, Байроқ, Герб, Мадҳия – мустақил Ўзбекистоннинг давлат рамзлари ҳисобланади. Улар юридик кучга эга бўлган тимсолларимиз. Уларнинг бирортасини эътироф этмаслик Конституциявий давлатни эътироф этмаслик белгиси сифатида қаралади. Рамзларимизнинг маънавий-маърифий куч-қудрати ниҳоятда юксакдир. Бирор спорт анжумани ёки бошқа халқаро мусобақаларда ғолиб бўлган у ёки бу давлатнинг вакили шарафига, аввало, ўша мамлакатнинг давлат байроғи кутарилади ва мадҳияси ижро этилади. Баъзан у ёки бу

мамлакат фуқаролари ватанпарварлик туйғуларини намо-
йиш қилиш мақсадида ҳатто спорт либосларига давлат
гербларининг тамғасини тушуриб кийиб юрадилар. Кенг-
роқ миқёсда қарайдиган бўлсак, агар биздан чиқсан би-
рор фазогир осмону фалакка саёҳат қилса, нимани кур-
сатар эди? У, албатта, рамзларимизни кўрсатган бўлур
эди.

Герб, умуман, мавхум тушунча эмас. У фақат ўзбек
ва Ўзбекистонга тааллуқли тимсолдир. Бир чеккасида
пахта, яна бир ёнида дон, юқорисида эса эътиқодимиз
рамзи бўлган юлдуз ва ярим ой. Ўртада табиат бизга ато
этган иккита улуг дарёмиз Сайхун ва Жайхун – Сирдарё
ва Амударё. Биз серқуёш мамлакатмиз. Шунинг учун тоғ-
лар ортидан меҳрибон қуесимиз балқиб турибди. Дар-
воқе, мадҳиямиз ҳам “Серқуёш” сўzlари билан бошла-
нади.

Яна бир гап. Ҳалқимиз бирорни дуо қилса: бошинга
баҳт қуши қўнсин, дейди. Ўша қуш Ҳумо бўлади. Шунинг
учун фарзанд туғилганда Ҳумоюн деб исм берилади. Бо-
бур мирзо ўзининг бош фарзандини Ҳумоюн деб атаган.
Гербимиз ўртасидаги Ҳумо қуши қанотларини кенг ёйиб
барчамизни ҳимоя қилиб қалқон бўлиб турибди. Ҳумо
Оллоҳ қуши, илоҳий тимсолдир.

Ҳар бир давлат фуқароси ўз рамзларини тумордек
эъзозлаши шарт. У кимса қайси миллатга ёхуд динга ман-
суб бўлмасин, ўз давлатининг шон-шавкати учун куюни-
ши табиии бўлмоғи керак. **Жумладан**, Ўзбекистон Мад-
ҳиясини ҳам давлатимиз рамзларидан бири сифатида
улуғлаймиз. Масалан, мен ушбу мадҳия матни муаллифи
бўлсам-да, энди Мадҳия қошида оддий фуқаролардан
бири бўлиб бош эгаман ва бўйсунаман. Унинг мусиқаси-
ни буюк бастакор Мутал (Мутаваккил) Бурҳонов яратди.
Мутал Бурҳоновнинг яна бошқа кўплаб асарлари ҳам
миллий мусиқамиз равнақига муносиб ҳисса бўлиб
қўшилган. У бетакрор ижодий фаолияти учун давлатимиз
томонидан кўп эҳтиромлар қўрди. Ҳаёт тақазоси шундай
бўлдики, Мутал Бурҳонов рузгор тузмади. Бу зотдан асл
зурриёд – санъати қолди.

2002 йил, июль

Дунёда энг бебаҳо неъмат саналган Озодлик, Мустақиллик ҳақида гап кетганда, улув донишмандлардан бирининг озодликка интилаётган одамни ҳеч бир куч енга олмайди, агар бутун бир ҳалқ шу йўлда оеқса қалқса, дунё тарихига дахлдор буюк ҳодиса юз беради, деган фикри ёдга тушади. Шундан ҳам кўринадики, бу дунёда озодлик, инсон фурури-шаъни, қадр-қиммати ҳамма нарсадан ба-ланд. Яратганга минг қатла шукрки, бугун ҳар бир юртдoshimiz истиқлолдан қалбига фуур чўғи тушиб, “Мен миллатман, мен озодман, менинг келажагим бор”, деган гапни барадла айтмоқда. Мана шундай олижаноб туйфу билан яшаш, ундан күч олиб, ёруғ келажакка катта ишонч билан қарап бугунги кунимизнинг мезонини белгилайди.

Кези келганда шуни айтиш жоизки, ана шундай хушсаодат пайтда киши ёдига беихтиёр кечаги шўро тузуми, ҳалқимиз бошидан кечирган беҳисоб кўргуликлар тушади. Албатта, ота-боболари дунёга маърифат улашган миллатнинг шурида зимишонлик пайдо қилишга уринган мустабид тузум учун ҳалқнинг уйғониши ўта хавфли ва қўрқинчли саналарди. Шунинг учун ҳам ёвуз тузум озодликка интилган, бу йўлда саъй-ҳаракат кўрсатган фидойи фарзандларнинг тилини кесишга, оғзини тикиб қўйишга жон-жаҳди билан урингани, шу қабиҳ ниятда қўплаб бегуноҳ инсонларнинг ёстигини қуриптани бугун ҳеч кимга сир эмас. Мустабид тузум даврида истибододга қарши бош кўтарган ҳалқимизнинг энг сара фарзандлари ўққа учди, турмаларга ташланди, хору зорликка гирифтор этилди. Беҳбудийлар, Чўлпонлар, Қодирийлар, Усмон Носирлар... минглаб ватандошлар тақдири ўта аянчли кечганини яхши биламиз. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, дунёда адабиётнинг юксак намуналарини яратишга чоғланган буюк адиблар, ҳалқнинг ёрқин юлдузлари қатағон қурбонларига айланди, ўз-ўзидан инсоният маънавиятига дахлдор маданият шўро сиёсати оловида ёнди. Уша пайтда ҳатто ҳазрат Алишер Навоий ижодини тескари талқин қилишга уринган жамиятни қандай ном билан аташ мумкин? Бу ҳалқни оммавий кўрлик, карлик, мантқуртликка маҳкум қилишдан бошқа нарса эмас.

Уша пайтда бу дунёда ўрнинг борми-йўқ — умуман, сен ҳам халқмисан — сенинг орзуларинг, келажагинг билан ҳеч ким қизиқмасди.

Дунёда маънавият дарахти илдизини чопиш, кишилар руҳиятини караҳт этишдан ортиқ жаҳолат, ёвузлик топилмайди. Шўро тузуми халқимизни ана шундай балога гирифтор этган эди.

Фақат истиқлол туфайли бу жаҳолатнинг занжири чил-чил узилди. Бугун халқимиз юрт озодлиги нақадар мўъжизавий қудратга эга эканини юртимизда юз бераетган буюк ўзгаришлар тимсолида ҳам кўриб турибди.

Энг муҳими, мустақилликнинг дастлабки йилларида муҳтарам Президентимиз маънавият соҳасига катта эътибор билан қарагани, тарихсиз келажак йўқлигини бот-бот таъкидлагани, улуғ боболаримиз яратган маънавий меросни ҳар қайсимиз ҳис қилишимиз зарурат эканлигини такрор ва такрор уқтиргани замирида улкан ҳикмат бор, албатта. Зотан ўз маънавиятидан кўнгли тўқ миллатнинг кўнглида фурур ўти ёнишини англаған Юртбошимиз ёш авлод тарбиясининг асосини ҳам буюкликка дахлдор халқ ўтмишида деб билди. Шу туфайли ёшларимиз тасаввурида буюк тарихимиз бўй-басти билан намоён бўлди. Келажакнинг мустаҳкам пойдевори яратилди. Ўғил-қизларимиз бугун шаън-шавкат, фуруру ифтихор туйғуларини кўнглига жо қилиб, дунё билан юзма-юз бўлмоқда, дунё билимларини пухта эгаллаяпти. Истиқлол ёш авлодга дунё эшикларини кенг очди, узбекнинг ўзлиги тантана қилди. Миллий мағкурамизга эгамиз. Қарашларимиз тегран. Бизга нисбатан дунёнинг ишончи тобора ортиб бора япти. Сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги, инсон ҳуқуқларининг кенг ҳимоя қилиниши — хуллас, демократик андозлар томон юз бурган озод мамлакатда энг аввало, инсон қадр-қиммати, шаън-шавкати тикланди. Иқтисодий жиҳатдан баркамолликка эришиб бормоқдамиз. Истиқлолнинг шу қисқа давридаги муваффақиятимиз дунё кўз ўнгидаги рўй бераяпти, бизни жаҳон тан олди: Ўзбекистон ишончли ҳамкор, ишончли дўст — ўз йўлида собит тураjak, хатти-ҳаракати қатъий ва шижоатли давлат!

Тарих саҳнасига озод юрт, озод миллат бўлиб чиқиб олиш, дунё халқларининг эътирофини қозониш шунчаки айтиладиган гап эмас. Агар кечаги кунга назар ташласак,

истибод даврини бир хаелдан ўтказсак, қатафону зулмларни кўз олдимизда гавдалантирасак, ихтиёрсизлик, қисматга тан бериб, ўз хуқуқимизни бировларга бериб қўйган дамларни хотирласак, бугунги Ўзбекистоннинг барча жабҳалардаги ютуғи, нафақат ўн бир йил, балки ўн бир асрға тенгдир, деган хуносага келаман. Одамлар онгидаги ўзгариш, Ватанимизнинг ободлиги, юртимизда рўй берган бунёдкорлик ишлари бунга гувоҳ. Ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкинки, озодлик бизга инсондек яшаш имконини берди, зеро, ўз юртида инсондай яшаган одамнинг эртаси умидли булади. Эртаси умидли одам шу Ватанини, керак бўлса, шу она заминни гул-гўзалликка буркашга қодир. Шундай экан, бугун Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаронинг кўнглида фаҳр-ифтихор туйфулари тўлқин урган экан, демак, она-юртимизда инсон меҳнати, интилишлари бежиз кетмаётганидан қувониш керак.

Шу билан бирга Озодлик инсон тафаккуридаги мислсиз юксалиш тимсолида ҳам намоён булади. Одамзот онгидаги кескин ўзгариш – дунёни англаш, ҳаётда яшамоқ моҳиятини англаш деб қаралади. Руҳни, тафаккурни зиндонбанд қилиб бўлмайди. Бироқ ташқи оламдан узиб ташланган одам бора-бора тушкинлик азобида қолади. Кўнглида ишонч йўқолади. Ҳаёт шу экан-да, деб қисматига тан беришга мажбур булади. Буни бутун бир ҳалқ мисолида кўрсак, яна ўша истибод даври ёдга тушади. Ҳаммани бир хил ўйлашга, бир хил фикрлашга ундан, мажбур қилган тузумда кишилар қул бўлиб яшагани айни ҳақиқат эди. Шунинг учун ҳам ўша даврдаги ёлғон мафкура нафақат бизнинг ҳалқимиз, балки бутун инсоният ҳаётига хавф солган. Ўз-ўзидан равшанки, бугун ҳалқимиз чехрасидаги тиниклик, ботинидаги хотиржамлик, тафаккуридаги ўзига хос қараш, миллий менталитетнинг шаклланиши, айтиш мумкинки, озодлик миллатимизни дунёнинг илфор ҳалқлари сафига олиб чиқди. Истиқлол – миллат шаънини ҳимоя қилибгина қолмай, унинг дунёқарашини ҳам рӯёбга чиқаради. Руҳи озод инсон ўзи яшаётган жамиятда, шу билан бирга, бутун башарият ҳаётида дахлдорлик ҳисси билан яшайди. Энг асосийси, бугунни англаш, қадрлаш, келажак йулида эзгу ишларни қилиб улгуриш ҳар биримизнинг виждан амримизга айланмоғи керак.

Зотан, одамзот дунёга фақат майда ва ўткинчи ҳаю-
хаваслар учун келмайди. Лекин ўз умрини ҳалол инсондай
яшаб ўтиш ҳар кимнинг измида. Ҳар қайсиз имко-
нимиз даражасида юл-юрт равнақига хизмат қилсак, энг
муҳими, инсон эканлигимиз, бу дунёда ўткинчи умримиз
давомида яхши из қолдириб кетишга ҳаракат қилсак,
шунинг ўзи кифоя.

Истиқлол осмондан тушган эмас, у изтироблар, кўз
ешилар, қурбонлар эвазига қўлга киритилади. Шундай бўл-
ди ҳам. Бугун мана шу йўлда собит турсак, истиқлолимиз
асосчиси Ўртбошимиз атрофида янада мустаҳкам жисп-
лашсак, ҳар қайсизим ўз қўлимиздан келадиган ишни
вижданан бажарсак, айтиш мумкинки, озодлигимизнинг
тўғри маънодаги ҳимоячисига айланамиз. Авлодларга озод
ва фаровон юртда яшаш бахти насиб қилди, шу билан
бирга уларнинг елкасида бу юрт равнақига ҳисса қўшиш
масъулияти ҳам бор.

“Нега кеча бизга беписандлик билан қарашди, нега
қадримизни ерга уришди, нега бор бойликларимизни та-
лашди, тилимиз, дину диёнатимиздан мосуво қилишга
уриндилар?”, деган савонни ўзимизга бериб кўрсак, кўп
нарсалар ўз-ўзидан ойдинлашади. Энг асосийси, бу дорил-
омон кунларнинг қадрига етмоқ, бу кунларга шукронга
айтмоқ лозимлигини англаб етамиз.

2002 йил, август

БУЮКЛИКНИНГ ОЛТИН ЗИНАЛАРИ

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат.

Бу – мустақил, демократик, ҳуқуқий
давлатдир. Бу – инсонпарварлик қоидаси-
ларига асосланган, миллати, дини, ижти-
моий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан
қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва
эркинликларини таъминлаб берадиган
давлатдир.

Ислом КАРИМОВ

— Абдулла ака, эски тузум даврида давлат тараққиёт-
ти ҳақида гап кетганда, “социализм”дан “ривожланган

социализм”га ўтилгани, “коммунизм”гача саноқли одимлар қолгани ҳақида узундан-узоқ ваъзлар қилинар ва, албатта, ҳар гал “чириб бораётган капитализм” ҳовлисига тош ҳам отиб қўйиларди. Амалда эса оддий, меҳнаткаш халқ ўз ҳаёт тарзи билан кўп ҳам уйгунлашмаган бундай қуруқ назарий мавҳумотларнинг мазмунини учалик ҳам англаб етавермасди.

Бугун давр ўзгарди, сиёsat ўзгарди, одамлар, уларнинг онг-тафаккури, орзу интилишлари ва ҳаёт тарзи туб янгиланишларга юз тутди. Ана шу залворли ислоҳотларнинг моҳиятини, Ўзбекистон ўн бир йиллик мусгақил давлатчилигининг ривожланиш тарихини, сизнингча, қандай халқчил ифодаю жумлалар ёрдамида соддагина изоҳлаш мумкин?

— Яратганга беадад шукрларки, сиз эслатган “изм”лар измидан юрмай қўйганимизга анча вақт бўлди. Ундан буён кўп сувлар оқиб ўтди, бир неча қовун пишигини курдик.

Истиқоллининг бош мазмун-моҳияти шундаки, у аввало элимизга эркинлик берди, халқимизга, юртимизга ўз тақдирини том маънода ўзи белгилаш хуқуқини берди. Шавкатли ва ёвқур аждодларимиз қонидан қонимизга; руҳидан руҳимизга кўчиб келаётган озодлик, ҳурлик атальмиш покиза ва азалий орзу умидларимизни руебга чиқариш учун бекиёс имкониятлар юзага келди.

Эндиликда Ўзбекистон ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлини танлаб олган. Бу йўл жаҳонда “Ўзбек модели” деб довруғ қозонди. Ўз истиқолол ва тараққиёт йўлимиз унинг ижодкориу ташаббускори муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳаётимизга изчил ва босқичма-босқич жорий этилмоқда.

Бугунги кунга келиб, аллақачон дунё назарига тушиб улгурган, башарият эътирофига сазовор бўлаётган ана шу мустақил тараққиёт йўлимиз турмушимизнинг барча жабҳаларида ўзининг ҳаётбахш самараларини бера бошлаганига ҳар қадамда гувоҳ бўлиб турибмиз.

— Бу йўлнинг асосида қандай ғоялар мужассам? Бу йўлдан мақсаду муддаолар не?

— Мустақил ривожланиш йўлимизнинг негизи илмий-ғоявий жиҳатдан бағоят мустаҳкам. Зотан, у истиқоллининг илк йилларида ёқ Юртбошимиз томонидан ишлаб

чиқилган ва амалда жорий этилаётган машхур бешта тамойилга асослангандир.

Муддаога келсак, бу ҳам бениҳоя аниқ ва равшан.

Биринчидан, тинчлик-осойишталиктини, барқарорликни таъминлаш, иккинчидан, Ватан тараққиети. Учинчидан, ҳалқ фаровонлиги ва ниҳоят, тўртингидан, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш энг асосий эзгу мақсадларимиздан ҳисобланади.

— Ана шу эзгу мақсадларнинг мазмун-моҳияти ҳақида батафсилоқ сўзлаб берсангиз.

— Аввало, Ватан тараққиети ҳақида. Бу — мамлакат обру эътибори, салоҳияти ва қудратини белгиловчи жуда кенг қамровли тушунчадир. Жумладан, бунда биз бозор иқтисодиётига ўтиш, илм-фан, илғор техника ва технология ривожи соҳасида дунё билан бўйлашиш, мудофаа тизимини такомиллаштириш, оламда сиёсий мавқеимизни юксалтириб боришини кўзда тутамиз.

Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон катта шиддат билан жаҳон майдонига чиқиб келди. Бунинг сабаблари бисер.

Масалан, иқтисодиётдаги ютуқларимизнинг бош сабабини қисқа фурсатларда юртимизни “хом ашё омборхонаси” деган эски тамғадан холос қилганимиз, ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этишга киришганимиздир. Бошқача айтганда, ўз саноатимизни жадал ривожлантирганимиз ва шу йул билан хом ашё сотиш эмас, балки тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш сиёсати иқтисодиётимизда устувор йўналишга айланганида, деб биламан.

Пахта яккаҳокимлигидан воз кечдик. Ерни эгаларига бердик.

Бу эса юртимизда фермер ва деҳқон ҳужаликлари фаолияти кенг ривожланишида катта омил бўлди. Миллий пулимизни жорий этдик ва замонавий банк тизими хизматини йўлга кўйдик. Нефть ва ғалла мустақиллигига Эришдик. Хориж билан иқтисодий ва савдо-сотиқ муносабатларини кенгайтирдик. Чет эллик ҳамкорларимизнинг сармояларидан бизга ҳам, уларга ҳам манфаат тегадиган тарзда, оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратдик.

Албатта, юртимизнинг бугуни ва буюк келажагини таъминлайдиган малакали кадрлар масаласини ҳам, бир зум бўлса-да, хаёлимиздан фаромуш этганимиз йўқ. Давлатимиз муттасил равишда ёшларимизнинг кундан-кун тобора янгича сурат ва сийрат касб этаётган юртимиз илм даргоҳларида, шунингдек, хорижда таҳсил олиши, мутахассисларимизнинг ривожланган ўлкаларда малака ва тажриба орттириб келиши йўлида изчил ва истиқболли саъй-ҳаракатларни амалга ошираётir.

Ташқи сиёsat жабҳасидаги залворли одимларимиз ҳам катта аҳамиятга эга. Мустақиллик йилларида дунёнинг қарийб барча давлатлари Ўзбекистонимизни тан олди, кўпчилик давлатлар мамлакатимиз билан дипломатик муносабатлар ўрнатди. Ўзаро борди-кељди учун кенг йўл очилди. Обрўли халқаро ташкилотлар билан алоқаларимиз тобора ривожланиб бормоқда.

Биргина шу йилнинг ўзида – март ойида Америка Кўшма Штатлари, июль ойида эса Япония Ўзбекистонимиз билан стратегик шериклик ва ҳамкорлик муносабатларини расмийлаштириди. Ўзбекона айтганда, эндиликда юртимиз билан бу икки қудратли мамлакат, бир-бирига тўн кийдириб биродарлашган танти инсонлар янглиф, ўзаро қиёматли дўст тутинди.

Аёнки, ҳозир жаҳонаро дўст ва ҳамкоримиз кўп. Шу билан бирга энди биз Машриқда ҳам, Мағрибда ҳам оқибатли, ишончли, оғир кунларда қўллаб-куватлайдиган, шодмон дамларимизни биргаликда баҳам кўрадиган энг яқин ва елкадош дўстларимизга эга бўлдик.

– **Абдулла ака, ана шу қучли ва илғор давлатларнинг юртимизга бунчалик катта ишонч билдириши ва умуман, дунё ҳамжамиятининг бизга очиқ ва дўстона муносабатининг сабаблари нимада, деб ўйлайсиз?**

– Жуда ўринли савол. Фикри ожизимча, халқаро майдонда эришаётган дадил муваффақиятларимиз замира, аввало, Йулбошчимиз амалга ошираётган оқилона, мардона ва ҳалол сиёsatнинг ҳаётбахш ҳосиллари мужас-самдир. Зеро, бу сиёsat халқаро ҳукуқнинг энг одил, инсонпарвар, башариятга ҳар жиҳатдан мақбул келадиган устувор тамойилларига асосланган.

Дунё давлатлари, халқлари ташқи ва ички сиёsatимизни эътироф этаётганининг боиси ҳам мана шунда,

аслида. Худди шу туфайли улар Ўзбекистоннинг келажаги, ҳақиқатан ҳам, буюклигига ишонади ва буни аниқ тасаввур этади.

Қолаверса, табиий бойликларимиз қўлами ва ҳажми, захираларимиз қўлами ва ҳажми, захираларимизнинг нечоғли улканлиги, бебаҳолиги ва хилма-хиллигини жаҳон аҳли жуда яхши билади.

Ва, ниҳоят, “Кўшнинг – тинч, сен – тинч” деган мақолнинг қамров доираси жуда кенг. Кўни-кўшни, ҳамкор давлатлар билан муносабатларда Президентимиз улардан ҳар бирининг ҳурмат-иззатини жойига қўйиб, дўстона ва ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантиришни мунтазам равишда алоҳида эътиборда тутиб келаёттир ва бу ҳам жаҳон ҳамжамиятига манзур бўлаётгани шоён ҳақиқат.

— Истиқлол ва ислоҳотларимизнинг ҳалқ фаровонлигига тутган ўрни қандай?

— Ҳалқ турмуш фаровонлиги масаласига келсак, фикрим шуки, аслида кўп хатти-ҳаракатларимиз асосида тирикчилик мажбурияти ётиши сир эмас. Осмондан чалпак ёғмаслиги – аниқ гап. Меҳнатдан мурод – самара, тер тўкишдан мақсад ҳосил ҳузурини кўрмоқдир.

Шу маънода, об-ҳавонинг турли инжиқлари, гоҳ селу дўл, гоҳ қурғоқчилик, сув тақчиллигига дуч келаётганидан қатти назар, азалдан сабр-бардошли, қаноатли, меҳнаткаш ҳалқимиз ўз дастурхони фаровонлигини ўзи яратиб келаяпти. Бунда, Президентимизнинг оқилона сиёсати натижаси ularоқ, меҳнат аҳли учун яратилаётган муҳим шарт-шароитлар фоят кўл келмоқда.

Биргина мисол. Мустақиллик туфайли эски, самарасиз “совхоз-колхоз”лар барҳам топиб, пайчилик, ижарабчилик, фермерчилик пайдо бўлди ва шаклланаяпти. Давлатимиз раҳбари кўп бор таъкидлаганларидек, албатта, ер эгасини топиши керак. Шундагина ерга эгалик қилаётган одам ўзини деб жон қўйдиради, ўзини ўзи талон-торож қилмайди, олмаган ҳосилини олдим деб “кўшиб ёзиш”лардан холи бўлади, ҳалол меҳнатига таяниб, барака куради.

Алалхусус, кечаги ташландиқ, қаровсиз ернинг бугун ҳосилдор, обод бир масканга айланишида, гуллаб-яшнашида муҳим омил бўлаётган фермерчилик каби янгича

хужалик тизимларининг мавқеи беҳад улуғ, эртаси порлоқ эканига зигирча шак-шубҳа иўқ.

Юрт бўйлаб теран ва мазмундор ислоҳотлар жадал давом этаетир. Қийинчиликлар борлиги тайин, муайян муаммоларнинг ҳали маълум муддат учраб туриши ҳам табиий. Зоро, бир тузумдан иккинчи бир тузумга ўтиш ҳеч қаҷон ҳеч қаерда осон ва енгил кечмаган. Карвон бехатар бўлмас, деган ҳикмат бежиз айтилмаган.

Бироқ, ўтган ўн йилда биз баъзи давлатлар эллик-юз йилда босиб ўтган узоқ тараққиёт йўлини жадал ўтиб келаётганимиз ҳам бор гап. Шу ўринда фаровонлик билан маънавий-маърифий дунёмиз ўзаро даҳлдор бўлган бир жиҳатга тўхталиб ўтмоқчиман. Қадимги файласуфлардан бири Сенека шундай деган экан: “Яхши одам улдирким – сопол косада овқат ея туриб, косани тилло деб билсин ёинки тилло косадан таом тотинар экан, косани сопол деб ҳисобласин”. Одамни жуда ўйлантирадиган теран фикр, магзи тўқ фалсафа-ку бу.

– Абдулла ака, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик, ободончилик ишлари ҳам фаровонлигимизнинг ўзига хос далолати эмасми?

– Бугун мамлакатимизни, ҳеч шубҳасиз, улкан курилишлар, майдонига қиёсласак, хато қилмаймиз.

Президентимиз маърузаларидан бирида андижонликларнинг фаолиятига баҳо берар эканлар, йўл четидаги гулзорлар, шинам ишкомларни қўриб қанчалик қувонгандарини айтиб ўтгандилар.

Дарҳақиқат, бундай фазилатли ишларни бажариш маблағ талаб этмайди. Бунинг учун дид ва ҳафсала бўлса кифоя. Ўзбекистон – гул диёр. Энди у бошдан-оёқ чамзорга бурканмоғи шарт. Бунинг учун бизда барча имконият мавжуд ва бу имкониятларга Истиқлол туфайли эришдик.

Ваҳоланки, ёши улуғларимиз яхши эсласалар керак, собиқ империя даврида наинки бир иншоот қуриш, гулзорлар барпо этиш, балки бирон-бир мозорни таъмирлаш учун ҳам марказдан рухсат суралар ва бундай тартибга буйсунмаган “ўзбошимча”лар албатта қаттиқ жазога мустаҳқиқ этиларди.

Ўтган ҳафтада хизмат сафари билан бир неча вилоятларда бўлдим. Биргина Жizzахнинг ўзида Саъд Ваққос

зиёрратгоҳи бунёд этилганини ёки вилоят маркази яқинидаги улкан тепаликда “Боғишамол” номли мұжизавий оромгоҳ барпо этилганини бориб күрдим.

Назаримда, атроф борлық манзарасига юксакликдан боқиб ҳайратланишини истаган кишига ҳузур бағишашиб бобида Жиззах “Боғишамол”ининг Париждаги Эйфель минарасидан кам жойи йүқ.

Хоразм вилоятининг Янгибозор тумани марказида мушоири үтказдик. Бу ердаги амфитеатрли боғ ҳам жаннатмонанд гүша бўлипти. Ёки Қорақалпоғистон Республикасида Нукус шаҳри юбилейи муносабати билан бошланиб кетган қурилиш-таъмирлаш ишлари ёинки Эллик-қалъанинг маркази Бўстондаги ободончиликларни олиб кўрайлил.

Амир Темур бобомиз таваллуд топган шаҳар – Шаҳрисабзининг 2700 йиллигини нишонлаш наинки бизнинг руҳий-маънавий бойлигимиз, балки шу каби юбилейлар муносабати билан жойларда қурилаётган, қайта таъмирлаётган қанчадан-қанча иншоотлар, барпо этилаётган боғлар, хиёбонлар – буларнинг бари аслида юрт ободлигига қўшиладиган муносиб ҳиссадир. Умуман, ҳозир юртимизнинг ҳамма гўшасида ана шундай бунёдкорлик юмушлари қизғин давом этаётир.

Айниқса, пойтахтимиздаги шаҳарсозлик ва яратувчилик ишларини чексиз ифтихор билан эслаш жоиз. Биргина “Шаҳидлар хотираси” музейи қурилиши ниҳоясига етаётгани ва энг улуф, энг азиз байрамимиз арафасида бемисл савобга дохил бундай масканнинг ишга тушажагини эслаб руҳ таскин топади, кўнгил тоғдек юксалади.

– Бундай ҳаётбахш ислоҳотлар давлат ва жамият қурилиши жабҳасида қай йўсинда ўз аксини топаётир?

– Зикр этганимдек, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш – олдимиизда турган энг эзгу мақсадларимиздан бири.

Бу борада, даставвал, юртимизда янги миллий давлатчилигимиз пойдевори яратилганига диққатингизни тортмоқчиман. Эски мағкура ҳукмронлиги давридагидан фарқли ўлароқ, Конституциямизда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими

— ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланган.

Парламентимизнинг икки палатали тизимга утиши билан боғлиқ ислоҳотлар эса бу жабҳада навбатдаги, тубдан янги босқични бошлаб берди.

Табиийки, бу каби ижобий янгиланишлар, ўз навбатида, фуқароларимизнинг ҳуқуқий маърифатини оширишни, жамиятнинг ҳуқуқий онгини юксалтиришни тақозо этади. Шундай бўлиши керакки, ҳуқуқий муносабатларга киришаётган фуқаро иложи борича адвокатга муҳтожлик сезмасин.

Ҳар бир фуқаро, содда айтганда, қонуннинг яшил чироғида юриб, қизил чироқда тўхташ кераклигини ўзи пухта билиб олсин. Фикримча, бу — ҳуқуқий давлат қуришнинг муҳим шартларидан биридир.

— Ўз навбатида, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг аҳамияти ҳақида нима дея оласиз?

— Маълумки, фуқаролик жамияти инсонлар, фуқароларнинг ўз ҳуқуқини таниши ва ўзини ўзи бошқариши принципига таянади. Олис тарихимизда фақатгина бизнинг халқимиз турмуш тарзига хос ўзини ўзи бошқариш усуллари мавжуд бўлган. Шулардан бири — маҳалла жамияти ўзининг бетакрорлиги билан дунё аҳлини ҳозирга қадар қойил қолдириб келаётир.

Маҳалла — халқ ҳокимиятининг бир куриниши, демакдир. Шу сабабли бугунги янгиланишлар жараённида ушбу ноёб жамоавий яшаш тарзига юксак эътибор билан қаралаётир. Хусусан, мустақиллик йилларида маҳалла фаолияти тамомила янгича руҳ, янгича мазмун билан бойимоқда.

— Шу ўринда ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий жабҳалардаги ислоҳотлар билан чамбарчас боғлиқ эркинлик, демократия, адолат тушунчаларини ҳам шарҳлаб ўтсангиз.

— Аввало, эркинлик тўғрисида. Конституциямизда ва қонунларимизда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари белгилаб берилган бўлиб, улар халқаро андозаларга тўла мос келади. Шунингдек, бу борада азалий миллий қадриятларимизга ҳам таянамиз.

“Темур тузуклари”да инсон эркинлиги масаласига жиддий, ўзига хос эътибор қаратилган. Инчунун, Амир

Темур ҳазратлари тўрт мучаси соғ одамларнинг тиланчилик билан машғул булишини хушламаган, уларни маош тўланадиган ишларга мажбурий равишда жалб этган. “Буюрдимки, ҳар мамлакатнинг гадоларига вазифа юклаб иш берсинлар, токи шу йўл билан гадолик расми йўқотилсинг”, дейилади тузуклардан бирида. Хотин-халаж, кексалар ва гудаклар, майиб-мажрухлар бундан мустасно ҳисобланган, албатта.

Бу уринда жамиятга зиён келтирувчи текинхўрлик, танбаллик, боқимандалик каби иллатларнинг пайини қирқишига қаратилган сиёsat устуворлиги аён.

Демократия борасида ҳам миллий ва умумбашарий қадриятларни уйғунлаштириш йўлидан бораётirmиз. Зоро, халқимизнинг неча-неча авлодлари “Диндан чиқсанг ҳам, элдан чиқма”, “Каттага ҳурматда, кичикка иззатда бўл” каби шарқона маърифатга йўғрилган ҳикматлар, ёзилмаган одоб-ахлоқ қонунлари руҳида тарбия топган.

Бир мисол келтирай. Баъзи мамлакатларда давлат раҳбарларини ҳазил-мазах қилиш демократиянинг яққол намунаси сифатида эътироф этилса, бизнинг халқимиз бундай ҳолатни айб, ҳатто ҳақорат деб ҳисоблаши ҳеч кимга сир эмас.

Худди шунингдек, миллатчилик, маҳаллийчилик, гуруҳбозлик, ошна-офайнегарчилик манфаатларини ҳимоя қилиб чиқишилару мақола ёзишлар ва уларни айнан ҳақиқат деб талқин қилиш демократиянинг қўпол бузилиши, деб биламан.

Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий ҳазратлари лутф қилганларидек:

Оғзига келганни демоқ нодоннинг иши,
Олдига келганни емоқ ҳайвоннинг иши.

Умуман олганда, ислоҳотларимизнинг ҳозирги босқичида барча жабҳаларни эркинлаштириш ва демократлаштириш масалаларига устувор вазифа сифатида қараластгани айни муддаодир.

Ва ниҳоят, адолат тушунчасига тұхталсак. Адолат, ҳақиқат тушунчаларининг катта-кичиги йўқ. Президентимиз мудом уқтирганларидек, одам боласи ҳамма қийинчиликларга бардош бериши мумкин, аммо адолатсизлик-ка зинҳор чидай олмайди.

Шу үринда, нокамтарлик бұлса ҳам, “Адолат” деб атапувлы шеъримни келтирай:

Йұқсилга дедилар: Даъвойингдан кеч,
Мана ол, сийму зар сенга кафолат.
Йұқсил улар гапин тингламади ҳеч,
Адолат, деди у фақат адолат!
Бадавлат кимсага бердилар савол,
Дедилар: Нима бор кучлироқ пулдан?
У жавоб қайтарди: Құрқаман, алжол,
Адолат ахтарған ўша йұқсилдан.

— Адолат хусусида гап бораётган экан, адолат ва бадий ижод, адолат ва ижодкор мавзууда ҳам фикрлашсак. Мустақиллик йилларида ўзбек шўро адабиёти вакиллари ижодига муносабатдек нозик масалага холисона, адолат нұқтаи назаридан ёндашилаётгани жамоатчилик хайрихолигига сазовор бўляпти...

— Яқин даврда ўтган ижодкорлар фаолиятига баҳо беришда кўхна тарихга ибрат бўлгулик муносабатни бевосита Президентимизнинг бу борадаги оқилона сиёсати мисолида кўрдик. Биз турли сабабларга кўра ўша давр мафкураси foяларига ишонч ва эътиқод қўйиб асарлар ёзган кўпдан кўп ижодкорлар, адибларнинг ҳақиқий ички дунёсини, асл орзу истакларини муносиб даражада қадрлаётимиз.

Жумладан, Faфур Fулом, Миртемирдек улуғ шоирларимизнинг ижодини баҳолар эканмиз, авваламбор, биз улардан ибратли жиҳатларнигина ахтарамиз. Faфур Fулом инсониятга қаратса меҳр ва мардоналик или “Сен етим эмассан” деб турса ёхуд Миртемир “Ўзбекистон тонгларини бедор кутган кўзларим” деб фифон этаётган бўлса, нега бу улуғ нидоларга бепарво қарашимиз керак?!

Мустақил Ўзбекистон – улкан кема. Бу кемага маънавий ҳуқуқи бор зотларнинг барчаси кирадилар. Ахир, бағрикенглик ҳалқимизга хос буюк фазилат. Лекин бу ҳолатларни суистеъмол ҳам қымаслик керак. Фикримни ёзаётган бир шеъримнинг foяси билан ифодалайдиган бўлсан: “Ҳар бир дуэлда ўлган Пушкин бўлмаганидек, ҳар бир қамалган ҳам Чўлпон эмасдир”...

— Бугунги бадий ижод жараёнининг қайси жиҳатлари эътиборингизни кўпроқ тортади? Истиқлол ва ижодкор, замонавий қаҳрамон образини яратиш масалаларига ҳам тўхталсангиз.

— Мен, кўпинча, ҳозирги ҳаваскор шоирларни йигирма йил бурунгилар билан таққослашни хуш кўраман ва уртадаги катта фарқ мени ҳар гал ҳайратга солади. Бундан йигирма йилча олдин шоир илк шеърини партияга, Кремлга, Москвага бағишлиарди. Ҳозирги навқирон шоирлар Мустақилликни, хур Узбекистонни куйлаёттир. Үз Ватанингни барадла куйлаш имконига эга булганинг — ҳақиқат қарор топганининг ошкора тасдиги эмасми!

Қолаверса, юртимизда ижод аҳлига меҳр, муносабат мудом бардавомдир. Биргина ижодкор қизларимизни тақдирлаш учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилган. Мана, олти йилдан буён Зоминда ёш ижодкорлар анжумани мунтазам равишда утказиляпти, унда янгидан-янги номлар, иқтидорлар кашф этиляпти ва ҳоказо.

Айни чоғда, амалга оширилаётган буюк ўзгаришларни ижодий таҳлил ва тадқиқ этиш, бу улуғ ишларнинг бошида турган бунёдкор ҳалқимиз меҳнатини куйлаш, бадиий тасвиrlаш, васф этиш адабиётимиз олдида катта қарз булиб турибди. Ҳақиқатан ҳам, жадал тараққий этаётган бугунги ҳаёт ижодкорларимизга нисбатан анча илгарилаб кетди. Давримизнинг улуғвор, алп одимларига тенглашиб олиш биз, ижод аҳли учун фарз ва қарз, деб уйлайман.

— **Ватан ва ижодкор. Шоирнинг, адабининг Ватансеварлиги замирида нелар мужассам, деб ўйлайсиз?**

— Ижодкор киши ҳар бир нарсага баҳо беришдан олдин уни яхши билиб олиши, теран тасаввур қила олиши лозим. Хусусан, Ватанин севиш учун ҳам уни билиш, кашф этиш даркор. Иккита хушқад терак, битта тол, чойхона ва жилдираган ариқчадан ҳам Ватан туйғусини илғаб олиш мумкин ва керак.

Бироқ, Ватанин наинки китоб орқали таниш, балким ўз кўзинг билан кўриб — тоғ-тошларга тирмashiб, дала-даштини яёв кезиб, дарё ва ирмоқларидан чанқоғингни босиб, мовии осмонига ошиқона термулиб шайдою маҳлиё бўлиб мадҳ этишга не ётсин.

Зоро, она Ўзбекистонимиз шундай ажиб бир ўлқаки унда буюк тоғлар ҳам, чексиз саҳролар ҳам, бепаён чуллару айқирган дарёлар ҳам мавжуд. Ахир, биз үз Сайхуну Жайхунимиз турганда Волгаю Миссисипиларни

куйлаб ҳам яшадик-ку! Бойсун ва Зомин тоғлари таровати қайси бир Швейцария манзарапидан кам?

— Абдулла ака, сұхбатимизнинг бошида **миллий тараққиет** иулидаги бош мақсадларимиздан бири сифатида **тинчлик-осойишталики** санаб ўтгаңдингиз...

— Албатта. Эл тинч-хотиржам, юртда тинчлик ва осойишталик барқарор бұлмаса, барча тоат-ибодатларимиздан не фойда? Ватанда тинчлик бұлсагина, түйлар татийди, қозонлар қайнайды, шұх ұланлару шодон үйин-кулгилардан диллар яйрайди. Тинчлик барқарор бұлсагина, Юрганинг отасидан тортиб оддий шоирини ҳам ҳузурбахш илхом тарк этмайди.

Шуны фуур билан айтмоқчиманки, терроризм сингари халқаро оғатни бартараф этишда мамлакатимиз, Президентимиз күрсатған ва күрсатаётган саъй-харакатлар наинки ўз юртимиз, балки она сайерамизнинг осойишталигини таъминлашда ҳам улкан ҳисса булиб турибди.

Ватанни севиши ва уни **химоя қилиш**, тинчлиги посбон булиш — инсон фарзандининг комиллигини белгиловчи энг муҳим шартдир. Яқында мамлакатимизнинг жанубий сарқадларида бўлиб қайтдим. Сафар чоғида Термиз ёнидаги Ҳайратон кўприги посбонлари билан сұхбатлашдим. Бир навқирон йигитга: “Чегарани кўриқлаб турганингда, хаёлингдан нималар кечади”, деб савол бердим.

У: “Абдулла ака, дарё ортидаги афтодаҳол одамларни кўрганимда, мен Ўзбекистондан буюк мамлакат фарзанди эканимдан, бунёдкор халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини кўриқлаб турганимдан бошим осмонга етади”, деди. Шу сингари илоҳий ҳиссият барчамизда бўлса, қанийди.

Нокамтарлик бўлса ҳам, кези келганда бир гапни айтай.

Марҳум Мутал Бурҳонов билан Ўзбекистон мадхиясини яратаетганимизда наинки қофия талаблари, балки адолат нуқтаи назаридан келиб чиқиб, матнда “Тинчлик посбони” иборасини қўлладик. Шунда Мутал ака ўзгача бир ҳаяжон билан: “Абдуллажон, сиз бу иборани баландпарвоз сўзлар деб ҳисобламанг, аслида ҳам бу бор ҳақиқат-ку”, дегандилар.

Биласизки, Шарқ шеъриятида шукроналик мавзуси доимо етакчилик қилган. Шайх Саъдий бир байтларида бу хусусида жуда нозик лутф қилғанлар. Яъни, нафас олганнингда ҳам шукр қил, нафас чиқарганингда ҳам шукр қил.

Зеро, бир дақиқа ичида нафас олмай ва нафас чиқармай ҳам қўйишиңг мумкин, деган маънони беради ўша машхур байт.

Шундай экан, биргина мамлакатимиз тинчлигини, ҳалқимиз осойишталигини изчиллик билан таъминлаб келаётганлари учун Президентимиз Ислом Каримовга мингдан-минг раҳматлар айтсак арзиди.

Жаҳондаги манаман деган не-не буюк давлатлар биз билан ҳисоблашаётган, ҳурматимизни жойига қўяетган экан, бунинг асл сабабларидан бири – бизнинг тинчлик-парвар сиёсатимизга бўлган ҳурмат ва ишончdir. АҚШдан то Япониягача – улуғ ва қудратли давлатлар, қолаверса, Бирлашган Миллатлар Ташкилогидек мўътабар ҳалқа-ро идоралар Узбекистон ва унинг Йўлбошчиси олиб бораётган сиёсатни қўллаб-қувватлаб тургани ҳам шундан далолат беради.

– **Байрамолди тијакларингизни ҳам айтсангиз.**

– Мустақиллигимизнинг ўн бир йиллик тўйини ёруғ юз билан кутиб олаётган мана шу шукуҳли паллада мен бир гапни барадла айтишни хоҳлардим. Биз, ўзбеклар наинки жаҳон ҳамжамиятидан баҳраманд бўлаётимиз, балки биз ҳам уларга тегишли қўмак бериб турибмиз. Бу улуғ жараён ҳар қанча фаҳр ва гууррга муносибдир.

Юртбошимиз комил ишонч билан Узбекистон – келажаги буюк давлат эканини эслатиб ва таъкидлаб келадилар. Биз ана шу буюкликтининг илк нишонларини кўрдик, шу буюклик сари улуғвор Йўлнинг дастлабки олтин зиналарига пойқадамимиз текканидан кўксимиз фараҳга тўла.

Адолат ва ҳамжиҳатлик – бу йўлдаги мақсад ҳамда вазифаларимиз моҳиятини белгиловчи мезонлардир. Иншооллоҳ, ушбу эзгу ниятларимизнинг барқарор бўлишида бундан буён ҳам бизга омад ёр бўлгай!

2002 йил, август

ЎЗБЕКНИНГ ЎЗ ШОИРИ

Ҳалқимиз ўзининг ардоқли фарзанди, XX асрнинг забардаст шоирларидан бири Faфур Фулом таваллудининг 100 йиллигини кенг нишонламоқда. Faфур Фуломнинг

номи, босиб утган ҳаёт йули, серқирра ижоди барчамизга яхши маълум. Шоирнинг узи бир шеърида фахру ғурур, эркалик билан айтгани сингари:

Faфур Ғулом кимлигини биласиз,
Адресимдир Ўзбекистон, шубҳасиз.

Faфур Ғулом ўз сафдошлари қаторида ғоят мураккаб, ғоят зиддиятли, таҳликали бир даврда яшаб ўтди. Собиқ империя ҳудудида, қолаверса, жаҳон миқёсида ном қозонган шоир замоннинг барча воқеа ва ҳодисаларига гувоҳ бўлди, унинг бир қисм ижоди эса ҳукмрон мафкуранинг талаблари таъсиридан четда тура олган эмас. Тарихнинг мантиқий ҳукмига кўра, мустабид империя тарқаб кетди, табиийки, унинг беомон мафкураси ҳам барҳам топди. Бироқ бу мустамлакачилик сиёсати минглаб ҳақгўйларнинг бошини ейишга улгурди, қанчадан-қанча истеъдод эгаларининг буйнига бўйинтуруғ солишга эриша олди. Ҳа, қозидан гина қилсанг, додингни кимга айтасан қабилидаги йиллар эди у пайтлар. Тағин шу ҳолатни афсус билан қайд этамизки, мадҳиябозлик кўп миллатли улкан адабиётнинг оммавий таомилига айланган эди. Не-не гўзал ташбеҳлар, чақмоқдек мисралар соғон орасидаги қаҳрабо буғдой доналариdek назардан қолиб кетар эди. Ушбу аччиқ ҳақиқатни, айниқса, бугунги ёшлар теран тушунмоқлари керак. Бунинг устига, аксар ижод аҳли табиатан ҳаддан ортиқ ишонувчан ҳалқ булади. Бир мисол келтириб ўтай. Faфур Ғуломнинг сафдошларидан бири, машҳур рус шоири Владимир Луговской умранинг охиригача денгизларда сув парилари яшашлигига чин дилдан ишониб утган. Қиёсан айтганда, ҳалққа ваъда қилинган коммунизм ҳам, кўкларга кутарилиб мақталган адолат, тенглик ҳам ўша сув париси янглиғ мавҳум бир хаёлот, мубҳам бир сароб бўлиб чиқди. Бу сиёсатнинг яна бир даҳшатли томони шунда эдики, у бутун-бутун ҳалқларни темир қафас ичидаги сақлаб, шодиёна қўшиқлар айтишга мажбур қилди. Туғрироғи, уни ўргатиб ҳам қуиди. Ўзининг ноғорасига ўйнашни хоҳламаганларни қатл қилди, қувғин остига олди. Инсонлар феълидаги машъум оқизлик, ҳasad, кўролмаслик иллатларидан усталик билан фойдаланиб, бир миллат ичидаги отани болага, акани укага

дushmanга айлантириди. Шу тариқа үзбек халқи ҳам узининг ўнлаб беқиёс фарзандларидан бевақт айрилиб қолди.

Биз бугун Абдулла Қодирий, Ҷўлпон, Фитрат, Усмон Носир тақдирларини изтироб билан эслаймиз. Ўзбекистон адиларининг бир гуруҳи билан учрашувда Ислом Каримов юқорида номлари зикр этилган сиймолар ҳақида гапириб, улар нафақат адабиёт соҳасида, балки халқимиз озодлиги йўлида тўла маънода сиесий кураш олиб борган изчил ва событқадам, эркпарвар зотлар эканлигини таъкидладилар.

Шукрким, алал-оқибат тарих бизга ҳам терс қарамади. Ўша курашлар, тўқилган қонлар ва, ниҳоят, жасур ўғлонларимизнинг кейинги даврдаги саъй-ҳаракатлари бекорга кетмади. Ўзбек халқи истиқдолга эришиб, ўз мустақил давлатига эга бўла олди. Энди унинг ҳақиқий Мустақил Конституцияси, дахлсиз байроби, туфрою мадҳияси бор. Тилимиз камситилиш ботқофидан чиқиб Давлат мақомини олди. Ўзбекистон дунёга танилди, айтиш мумкинки, жаҳоншумул давлатларининг бирига айланди. Муттасил равишда халқимизнинг кӯҳна қадриятлари тикланмоқда, номлари ҳатто тилга олиниши мумкин бўлмаган зотларнинг шон-шавкатлари қайтиб келмоқда, дин оламининг муқаддас каломлари барадла жарангламоқда.

Буларнинг барчаси фоят қутлуғ саодатdir. Биз қадимий орзуларимизга эришмоқ учун оғир йўлларни босиб ўтдик, дедик. Бироқ яқин ўтмишимизга назар ташлаганимизда ҳам, афсуски, чигал муаммоларга, зиддиятли манзараларга дуч келамиз. Бу муаммоларни эса ниҳоятда донолик, узоқни кўра билишлик билан ечиш керак бўлур эди. Президентимиз: “Биз яқин ўтмишимизни тафтиш қилмасдан, халқимизни парокандаликдан сақлаб қола олдик”, — деганларида минг маротаба ҳақлидир. Президент ўз фикрларини давом эттириб, “Мен ўтмишда кимнинг кимга ёмонлик қилганини кўзғаб, ҳозирги яхши муносабатларни бузишга қаршиман”, — дедилар. Бу чиндан ҳам оқилона сиесатdir. Албатта, рўй берган хатоликлар, гуноҳу куфриятлар биз учун сабоқ бўлмоғи шарт. Бироқ, энг муҳими, олға кетаётган озод Ўзбекистонимиз кўрган-кечиргандаридан фойдали жиҳатларнигина қабул қилиб олиб, гинахонлик ва маломатбозликка ўралашиб қолмасдан, тараққиётнинг катта йўлига чиқиб олмоқда. Хуллас, мана шундай масъулиятли довондан туриб,

халқимизнинг кўпдан-кўп донгдор вакилларига, уларнинг фаолиятлариға назар ташлай бошладик. Чунончи, Шароф Рашидовнинг Ўзбекистон учун неча ўн йиллар мобайнида қилган хизматлари муносиб равишда баҳоланди ва бу баҳо элу юрт томонидан мамнуният билан кутиб олинди.

Ўтганларнинг барчаси ҳам давр фарзандлари эдилар, лекин уларнинг халқ олдидағи хизматлари ҳам унтилмасдир. Биз яқин ўтмишда яшаб ўтган алломаларимиз, адибларимиз ижодидаги муваққат губорларни ювиб ташлаб, ёмби олтинларимизнинг асл жамолига тўйиб-тўйиб боқишимиз, уларни келажак авлодлар ҳукмига, мұхими, Вақт ҳукмига авайлаб узатмоғимиз шарт. Аслида, ҳар қандай тарихий шахсга баҳо бериш, аввало, унга қайси нүктадан туриб, қандай мақсадда ёндошишга боғлиқ. Ахир Амир Темур ва Бобур сингари зотларнинг номлари уларга маҳсус “кўзойнак” орқали қараш оқибатида қатағон этилмаганми?! Адабиёт ҳукмрон мағкуранинг хизматига мажбуран бўйсундирилган даврларга баҳо берганда ҳам уша шарт-шароитларни ҳисобга олиш жоиздир.

Албатта, бирор ижодкор бирор тузумни ёхуд бирор фирмәни муттасил мақтайвергани ёки қоралайвергани билан истеъоди юксалиб қолмайди. Истеъод, энг аввало, табиат эҳсони, Оллоҳ түхфасидир. Шу маънода Яратганинг ўзи Faфур Fуломдан марҳаматини сира-сира аямаган эди. Faфур Fулом чиндан ҳам улуғ заковат эгаси эди. Бунинг исботи шоирнинг жўшқин ва доно шеърияти, бунинг исботи – Faфур Fуломнинг түфма тафаккур соҳиби эканлиги, бунинг исботи – ёзувчи Faфур Fуломнинг ҳеч бир адабникига ўҳшамайдиган чинакам миллий халқчил прозаси – насрый асарларидир. Замоннинг назари нечоғлик синчков ва ёвуз бўлмасин, Faфур Fулом деярли ҳар бир шеърида ўзбек халқининг манфаатию обрўсини ўртага қўйиб гапирав эди. У зот халқлар ўртасидаги бегараз дўстликни куилаганда ҳам, “мен ўзбек шоириман”, “ўз халқимнинг тилиман”, деган ўтли иқрорига содик қолди. Шоирнинг фахрури фурури халқнинг миллий ифтихори билан чамбарчас боғланиб кетган эди.

“Шараф қўлёзмаси” шеъридан бир парчани эслайлик:

Қадим узбек халқисан,
Асл одам авлоди,
Миср эҳромларидан
Тарихинг қарироқдир.

Хоразмнинг ҳар фиштида
Боболарнинг ижоди
Англо-саксонлардан
Анча юқориоқдир.
Бизда логарифманинг
Мушкул муаммолари
Кўлдаги бармоқлардай
Оддий қилинганда ҳал,
Олий ирқ даъвогари
Черчиллнинг боболари
Ҳатто санай олмасди
Ўн бармоқни мукаммал.
Биз эккан пахталардан
Ер юзида бор киши
Уягини ёлганда
Устма-уст, қават-қават,
Хозирги жанобларнинг
Маърифат ва дониши
Пахта – дараҳт қўзисин
Жуни деб билган фақат.

Гарчанд шеърнинг иккинчи ярми бошқа ўзанга қараб кетган бўлса-да, шоирнинг кимларга қандай ишоралар қилаётгани шундоққина сезилиб турибди. Чорасиз шоир **миллатига** қалқон бўлгиси келади. Ўзбекистоннинг шаънига ҳануз катта-кичик тошлар отилиб турибди. Улар эндиликда нафақат шонли ўтмишимиз, балки **мустақилликка** эришган бугунги кунимизни ҳам кўролмаяптилар. Одам боласи бунчалар очофат, бунчалар ичи қора бўлmasa! Президентимиз Ислом Каримов айтгандаридек, энди ортга қайтиш йўқ, орқадаги кўприкларни аллақачон ёқиб юборганимиз.

Президентимизнинг ўтли нидосини ҳар соат, ҳар дақиқада қўллаб-қувватлаш ҳар биримизнинг ватанпарварлик бурчимиздир. Кўприкнинг нарёғидан эса, энг яхши анъаналарнигина олиб ўтмоқдамиз, холос. Миллат фурури тўла шаклланадиган пайтлар келди. Куриниб турибдики, барча ижодкорларнинг вазифалари фишт сингари бир хил қолилларга солинган шароитда қалам эгалари ўзларининг қалб сўзларини, орзую армонларини баён қилишлари сира ҳам осон кечмаган, ҳатто мумкин бўлмаган эди.

Шу ўринда айтиш керакки, ниҳоятда болажон инсон Faфур Fулом кичкинтойларга атаб талай ибратли шеърлар ёзиб қолдирди.

Асрлар мобайнида ижод аҳли турли ҳукмрон доира-ларнинг таъсирию тазиқидан қутулолган эмас. Бу тазиқу таъсир асарларнинг мазмунида гоҳо дунёвий, гоҳо хурофий тарзда зоҳир бўлар эди. Баъзи шоирлар эса бу фалваларнинг барчасидан безиб, фақат ер жамолиу табиат манзараларини куйлаб ўтганлар. Жаҳон адабиётидан бунга кўплаб мисоллар келтирса бўлади. Бироқ, дунёда шундай табаррук мавзулар ҳам борки, уларни ҳеч бир тузум, ҳеч бир сиёsat дафъатан қатағон қилолган эмас, бундай мавзулар кимнинг лафзидан чиқмасин, тарихда сира ҳам салбий маъно касб этган эмас. Булар Ватан, дўстлик ва биродарлик, тинчлик ва муруват каби мавзулардир. Айни шу маънода Faфур Fуломни Ватан, тинчлик ҳамда меҳру муруватнинг оташин куйчиси деб аташ мумкин. Шоирнинг биргина “Сен етим эмассан” шеърини эсланг. Аслида халқимизнинг ўзи ҳақиқий муруватлик халқдир, халқимизнинг ўзи меҳру саховатда яктордир, юртимиз бебаҳодир.

Ҳамма ўрганганимдан яхлит хулоса:
Ўз юртим ерида унган ҳар майса
Бегона юртларнинг гулидан афзал.

Шоир миллий фурурини халқ фазилатларини куйлаш воситасида кўпроқ намойиш этди.

Шундоқ юртда, халқнинг асл шоирида ҳам юқори-дагидек фазилатлар жамулжам бўлмоғи, албатта, табиий. Айни вақтда Faфур Fулом “бир оғиз ширин сўз нондек арзанда” лигини бошидан кечирган, етимликнинг барча фурбатларини кўриб, ҳис этиб улғайган зот эдилар. Зоро, армонли одамнинг дил изҳори ҳам доимо самимий, кўз ёшлари ҳам булоқ сувидек тозаю покиза, меҳру мурувати ҳам юрак қонидек қайноқ бўлади.

Faфур Fулом ижодининг яна бир хусусиятини таъкидлаб ўтмоқчиман. У қайси мавзуга кўл урмасин, катта миқёсларда фикр юритарди, руҳий поёни чексиз эди, бачкана, чучмал ҳис-туйгуларни ҳеч қачон яқинига йулатмасди. Бу фазилат, бу маҳорат, бу донолик шоирнинг худо берган табиатига хосдир; иккинчидан, ул зот чуқур билим эгаси; қамрови жаҳоншумул мутафаккир эдилар. Учинчи, ва балки Faфур Fулом истеъдодининг юксак парвозига толмас қанот берган зўр куч қадим Шарқ

шеъриятининг муборак нафасидир. Буни шоирнинг ўзи таржимаи ҳолида ҳам катта қониқиш билан эътироф этган эди. Саъдий ва Ҳофиз, Навоий ва Бедил девонларини бир умр кўлдан қўймаган, ўтмиш даҳоларининг минглаб байтларини ёд билган шоирнинг ўзи ҳам уларга ҳамоҳанг бўладиган ўлмас сатрлар яратиб кетди.

Faфур Fулом ижоди ҳақида сўз юритганда адибнинг насрини асарлари тўғрисида гапирмасдан бўлмайди. Faфур Fулом насрини мен ҳақиқий миллий наср деб биламан. Фикримизча, ҳар қандай халқчил асар миллий бўла олмайди, ҳар қандай миллий асар эса доимо халқчиллар. “Шум бола”, “Нетай”, “Ёдгор”, “Менинг ўғригина болам” каби қиссаю ҳангомаларни ҳеч иккиланмасдан адабиётимизнинг дурдоналари деб атаса бўлади. Ҳикоянависликнинг фоят табиий йўсини, тил ифодасининг бекиёс халқчиллиги, тенги йўқ ажойиб ҳажвиёт Faфур Fулом насрига хос бўлган энг муҳим фазилатлардир. Дарвоҷе, сатира ва ҳажвиёт ҳақида гап кетганда Faфур Fулом бу соҳаларнинг энг нодир устаси, дейиш мумкин. Кейинги пайтларда эркинликни ошкора сунистеъмол қилаётган лўттибозлар, олғирлар, извогарлар, маҳаллийчи айрмачилар болалаб кетдилар. Улар Faфур Fуломнинг шафқатсиз сатира қамчисини интизорлик билан кутиб турганга ўхшайдилар...

Ажаб ҳол: гоҳо ёзувчининг кичик бир ҳажвиясини ўқиб ҳам муаллифнинг дунёқараши, эътиқодини адашмай аниқлаб олса бўлади. Ҳалоллик, тўғрилик, инсоф, диёнат оёқ ости бўлган шароитларда Faфур Fулом сукут сақлаган эмас. У киши ҳатто, кутубхоналарда ўтмиш қўлёзмалари варақларини йиртиб қочганларнинг ҳам боплаб таъзири ни бергандилар. Масалан, Faфур аканинг китоб йиртар ҳақидаги фельветонини эсланг. Faфур Fулом ўзи мансуб бўлган жаҳон адабиетидан жуда ҳам яхши хабардор эди, таржимонлик ишининг нечоғлик бекадрлигини билсалар ҳам бу меҳнатнинг савобини четлаб ўтмаганлар. Шекспир фожиаларини она тилимизга маҳорат билан таржима қилган шоир ҳаётининг сунгги йилларида буюк Дантенинг “Илоҳий комедия”сини ўзбекчага ўгиришни орзу этгандилар. Faфур Fулом, шубҳасиз, улкан олим ҳам эди. У зот Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил этилганида, биринчилардан бўлиб академикликка сайландилар. Faфур

Фулом Шарқ адабиети ва фалсафа тарихини теран идрок этар, Навоий, Жомий, Машраб, Муқимий каби мумтоз зотлар ҳақида чуқур тадқиқотлар олиб борганди. Албатта, алломанинг айрим мақолаларида давр мафкурасининг шабадаларига дуч келамиз. Лекин Faфур Фулом илмининг асосий мағзи тафаккур хазинамизнинг мулки булиб қолди, бу хазина ҳанузгача адабиётшунослар учун мұътабар манбаидир.

Хозир биз Марқазий Осиё деб атаётган минтақа халқлари Faфур Фуломни айниқса ардоқлар, туркійзабон қардошларимиз шоирни бошларига күтарар әдилар. Қайси бир йили Абдулла Түқай түйи муносабати билан Қозон шахрига борганимда татар ипташларимиз Faфур аканинг у юрга келгандарига соғ татар тилида ажойиб маъруза қылганини зур мамнуният билан эслагандилар. Faфур Фулом, шунингдек, форс-тожик тилини ҳам пухта биларди.

Үтган асрнинг деярли барча етакчи ижодкорлари Faфур Фулом билан дүст ва камарбаста әдилар. Булар – Пабло Неруда, Файз Аҳмад Файз, Самад Вурғун, Мирзо Турсынзода, Собит Муқонов, Берди Кербобеев, Константин Симонов ва бошқалардир. Баъзан уйлаб қоламан. Агар, фалон йилларда яшагансан, тирик юргансан, деб юқоридаги сиймоларни ҳам бирваракайига рад қила бошласак, умуман, адабиётга ҳожат қоларми кан? Таққос, албатта, нисбий бўлади, лекин кўпчилигимиз уша йилларни кўрдик-ку. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳис-салом, “тавбанинг эшиги ҳамиша очиқ”, деганлар.

Faфур Фулом доимо халқ орасида яшади, ўзбекнинг еттидан етмиш яшаригача Faфур акага чексиз ҳурмат билан қаради. У кишини юракдан севарди. Дунёning томир уришини сезгирилик билан илғай оладиган адабимиз кўплаб публицистик мақолалар яратди. Бугун Истиқололимизни Faфур Фулом нечоғлик ифтихор билан, нечоғлик зур кўтаринкилик билан мадҳ этиши мумкинлигини тасаввур қиласа бўлади.

Эҳтиёж ҳамда вазият одамларни бир-бирига яқинлаштиради. Жаҳонда зулмкашлик овозлари ўқтин-ўқтин эшитилиб турган пайтларда давлатимиз мустақиллигини кўз қорачиғидек авайлаб сақлаш, бу йўлда ҳамжиҳат булиш бизга сув билан ҳаводек зарурдир. Ушбу муқаддас бурчни Президентимиз ҳам бизга қайта-қайта таъкидлаб

турибдилар. Ҳаёт муаммоларини ойдинлаштиришда, рақибларимизга жавоб беришда адабиётнинг аҳамияти жуда катта. Демоқчиманки, устоз Faфур Fуломнинг мислсиз файрати, фаоллиги биз учун ибрат бўлмоғи керак. Бунинг учун ҳам аҳиллик лозим. Бунинг учун ҳам ягона Ватан, ягона миллат тушунчаси зарурлигини замон талаб қилаётир. Бир-иккита шахснинг дийдори аллергия қўзгайди, деб қозон-товоқни бўлак қилиб олиш тўғри бўлмайди-ку! Қариялар давраларга фотиҳа берганларида, жамоага хотиржамлик қаторида кўпинча, кенг феъл, кетмас давлат тилайдилар: Ана шуларни биз абадий шиорлар, десак будали. Модомики, Ватан ҳамда миллат манфаатлари бизни ҳар қачонгидан ҳам кўра мустаҳкамроқ жипслаштириши керак экан, биз кўпроқ келажакни кўзлаб, ёш авлодларга ибрат бўлмоқни ўйлаб асарлар ёзишимиз, шунга қараб иш тутмоқлигимиз лозим. Унутилмас устозларимизнинг руҳлари ҳам биздан шуларни сўраб турибди, деб ўйлайман.

Улуғ одамлар дунёдан ўтганларидан кейин ҳам улар ҳақидаги турли мақомдаги хотиралар мавжланиб тураверади. Чунончи, баъзи бировлар бу эзгу ишга ғоятда масъулият билан ендашадилар, баъзи бировлар эса марҳумларни ўзларининг торгина дунёқараишларига мослаштириб олмоқчи буладилар. Баъзан эса оддийгина луттибозликлар ҳам учраб қолади. Улуғ шоиримизнинг айrim машхур шеърларини тепасида туриб “еэдириб” олган, яъни “доя”лик қилганларнинг сони ҳам ўн-үн бештага етгандир-ов... Нима бўлган тақдирда ҳам одамлар кимгадир талпинишлари, ундан ҳазар қилгандан кўра минг бора афзал-ку!

Faфур Fулом номи ҳақиқатан ҳам халқимиз орасида эртак қаҳрамони янглиғ яшаб қолди. Биз Faфур Fуломнинг номини кимлардандир ҳимоя қилмоқчи эмасмиз. Биз Faфур Fулом шаънига соҳта мақтовлар еғдириш ниятидан ҳам йироқмиз. Ҳа, Faфур Fулом уз замонасининг фарзанди эди. Шоир бир шеърида: “Кремль саройида минбардаги узбекман”, – деган экан, биз учун ҳозирги кунда “ўзбек” ибораси азиздир! Вақт кўрсатдик, ҳақиқий ижодкорнинг ўрнини, хотирасини турли минбарлардангина эмас, халқ қалбидан ахтармоқ керак экан. Зоро, ҳар қандайин соғдил ижодкор ўз халқига, албатта, баҳту саодат, тинчлигу хотиржамлик тилайди. Халқимизнинг

турфа фазилатлари, унинг меҳнатсеварлиги, тантилиги, бағри кенглиги, Ўзбекистон гулзорларининг таровати улуғ шоиримизга тутанмас илҳом, юксак сурур баҳш этди, турли зилзилаю оғатлар, йўқотишлар эса уни беҳад изтиробга солди. Биз ана шу жиҳатларни ҳеч қачон эсдан чиқармаслигимиз керак.

Faфур Fулом ўзбек халқининг миллий ўз шоири эди ва шундай булиб қолди.

2002 йил

БУ ВАТАННИНГ СИРА ТЕНГИ БЎЛМАС

— Абдулла ака, мана Мустақиллигимизнинг ўн бир йиллигига ҳам етиб келдик. Халқимиз, мамлакатимиз ўтган вақт орасида қанча довонларни босиб ўтди. Ва яна қанчадан қанча оғир довонлардан ошаётирмиз. Ифтихор қилишга арзигулик ишларимиз кўплигидан, шу озод Ватан фуқароси эканлигимиздан ҳар қанча фахр этсак арзийди. Шундай эмасми?

— Кечагина хурриятимизнинг ўн йиллигини ўтказган эдик. Мана бугун, шукрки, ўн бир йилликни ҳам нишонламоқдамиз. Эртага, индинга ўн икки, ўн уч, ўн беш, юз йилликларни ҳам нишонлаймиз.

Мустақиллик, наинки иқтисодий, наинки ижтимоий, балки сиёсий воқеадир. Фазодан қарасанг Қуванинг аноридек кўзга ташланадиган сайёрамизда ўзбекларнинг қадимда ҳам, ҳозирда ҳам ўз ўрни бор. Мана шу ҳудуд ўзбекники, Ўзбекистонники, деган паспорту гувоҳномани бизга Истиқдол берди. Унинг раҳнамою ташкилотчилари тарих тарафидан юборилишини биз энди англаб қолдик. Ўйлаб кўрайлик: Ўзбекистон тарихида Марказқўмнинг не-не биринчи котиблари яшаб ўтмадилар. Бироқ шижаат ва қатъият ҳамда зафар Юртбошимиз тарафидангина амалга ошли.

Бу ниҳоятда улуғ тарихий ҳодисадир. Ўзбеклар тарихида Истиқдол борасида сўз кетар бўлса, аввалги замонлардан ёлғизгина соҳибқирон Амир Темурни эсга олиш мумкин. Орадаги давларда-чи? Бошқа хонлар, амирлар, шоҳлар йўқмиди? Бор эдилар. Лекин Бобурдек

истеъдодли шахс Ватанида эмас, Ҳиндистонда ҳукмронлик қылди. Эсга олайлик: бир мулк учта хонликка бўлинди. Бухоролик бир ўзбек бошқа хонликдаги бошқа бир ўзбекни сўйиб келди...

Президентимиз Мустақиллик осмондан тушган неъмат эмас, деб тўғри айтадилар. Не-не курашлар, фидойиликлар эвазига Истиқлолга эришдик. Маълум бўладики, шахснинг тарихдаги ўрни ва роли, албатта, буюkdir. Кемани дарфа қаёққа бошласа, у ўша ёққа қараб сузади.

— Байрам арафасида бунёдкор ҳалқимиз яна бир улуг ният рўёбга чиққанига гувоҳ бўлди. Қизилкум сахросидан ўтиб, Навоий ва Нукус шаҳарларини туташтирган янги темир йўл фойдаланишга топширилди. Шу тарихий воқеа-нинг иштирокчиси сифатида кўнглингиздан қандай туйгулар кечди?

— Ошни бир кун ейсан. Бу қурғур ошқозон икки соатдан сўнг яна очқаб турибди-да. Бироқ қурилган иншооту иморатлар-чи? Миллатнинг шавкати, қудрати, улуғлигини белгилайди! Биргина мисол. Яхшиямки, Самарқанд Регистонини Темурийлар қуриб кетибди. У ҳаузназача бизнинг шон-шавкатимиздир. Ошлар эса ейила-веради... Шу маънода Истиқлол йилларида юз берган ва юз бераётган буюк үзгаришлар, наинки имкониятимиз натижаси, балки келажагимиз пойdevорини таъминлайдиган улуғвор ишлардир.

Президентимиз “Ўзбекистон – келажаги буюк давлат”, дер эканлар, биринчи навбатда, кўтарган байроғимизни кимга қолдириш ҳақида ўйлайдилар. Ҳозирги кунда минглаб ўспириналаримиз жаҳон мактабларида таълим олиб, билган-ўргангандарини ўз Ватанига сафарбар қилишга шайланмоқдалар. Бугунги Ўзбекистонни улкан курилиш майдонига қиёслаш мумкин. Кун ё ҳафта ўтмай янги бир иншоот ишга тушиб турибди. Гўзаллиги ва салобати ҳатто Тожмаҳалга қиёслагулик Давлат консерваторияси, Миллий театримиз қад кўтарди. Куни кеча бир гурӯҳ ижодкор дўстларимиз билан, Сиз айтган, Навоий – Учқудук – Нукус темир йўлиниң биринчи йўловчилари бўлдик. Ушбу тарихий воқеа, наинки иқтисодиётимизни, балким жаҳонда сиёсий мавқеимизни яна бир бор мустаҳкамлади. Биз энди, наинки пахта, дон, нефть ва газ мустақиллигига эришдик. Айни чоқда, коммуникация ва

бошқа ҳаракатланиш жабҳаларида ҳам тӯла мустақилликни қўлга киритаётгиз. Хуллас, энди ўзбекнинг бошқалардан тили қисиқ жойи йўқ.

Шу поездда кетаётib, менинг хотирамда бир манзара муҳрланиб қолди. Яъниким Қизилкумни кесиб ўтиб, Туртқул, Элликқалъяю Нукусга яқинлашаётганимизда ўша манзилларга шиддат билан талпинаётган поездимизни Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон байроқларини ҳилпиратган чавандозлар от елдириб кузатиб бордилар. Буни қаранг: Элликқалъя деган машхур бир туман бўлсаю унинг ёнидан ҳозиргача темир йул ўтмаган экан. Аҳоли тамомила стихияли равишда яшаб келган. Йўл чеккасида йўловчи машиналарга ялинган ёхуд қўшни давлат худудидан қатнашга мажбур бўлиб, юз марта “ренген”дан ўтган... Энди эса уларнинг жаҳонга туташган ўз йўли, ўз поезди бор.

Мен Ватанимизни тоғлари, дарёлари, водийлари ва воҳалари тимсолида кўриб, фахрланиб келганман. Лекин шунаقا ҳам улуғ чўлларимиз бор эканки, уларнинг бағрига бир неча Европа жо бўлиши мумкин. Ёхуд Бахмал деб аталган чегара туманимиз-чи?! У ерда, менинг назаримда, беш-олти Швейцария жой була олади. Келажагимиз шу қадар муҳташамки, тинчлик ва омонлик бўлса, Ўртбошимиз тамойиллари изчиллик билан амалга оша борса – бу Ватанинг сира тенги бўлmas!

Ўзбекистонимиз жаҳонга юз тутди. Жаҳон ҳам бизга юз тутди. Ер деб аталган планетанинг мана ман деган салтанатлари бизга асосли равишда ҳурмат ва эътибор билан қарай бошладилар. Президентимиз Ислом Каримовнинг Америка Қўшма Штатлари ва Японияга қилган сафарлари ва сафарлардан келиб чиққан ойдин натижалар қаноатимизнинг олий исботи бўла олади.

– Абдулла ака, улуғ байрам арафасида Президентимиз Фармонига биноан жуда кўп юртдошларимиз Ватанинг мўътабар унвонлари, орден ва медалларига сазовор бўлдилар. Улар орасида ёзувчилар, адабиётчи олимларимизнинг ҳам номларини кўриб жуда хурсанд бўлдик.

– Мен, биринчи навбатда, адибларимизга кўрсатиляётган ишончу мурувват учун Ўртбошимизга барча ёзувчилар номидан раҳмат айтишни ўз бурчим, деб биламан. Бу йил ҳам қаламкашлар сийландилар. Улуғ хизматлари

муносиб баҳоланиб, уюшма аъзоси, таниқли адабиёт-шунос олим, устозимиз Озод Шарафиддинов Ўзбекистон Қаҳрамони бўлди. Бу катта гап.

Тўрт мучали соғ одамки, күпинча, боқимандалик бўйинтуругини кийиб олади. Ҳайрон қоламан: кўзойнак ўрнида лупа билан ишласа-да, ҳар ҳафта, ҳар ойда Озод ака ўзининг ҳақиқатгўй мақолалари билан, халқимиznинг маънавиятини юксалтиришга бевосита хизмат қилаётган ажойиб таржимонлик фаолияти билан ҳаммага ўrnak бўлди. Назаримда, қаҳрамонлик Озод акага жуда ярашади!

Самарқандда бир кекса адабимиз Бобомурод Даминов яшаб ижод қилади. У киши Толстой бобонинг ешига етган. Бобомурод аканинг бошидан кўп кунлар кечди. Экологияни ҳимоя қилгани учун фазабга учраб, қамалиб ҳам чиққан. Иродаси мустаҳкам бу одам барча муҳтожлигу қийинчиликларни енгиб ўта олди. Баҳоли қудрат ва лекин тўхтовсиз ижод қилди. Бугун Бобомурод Даминов “Эл-юрт ҳурмати” орденига сазовор бўлди. Бу ҳам адолатнинг исботи эмасми?! Ёхуд таниқли публицист-ёзувчи Алиназар Эгамназаровни олайлик. Миллатимиз тарихидағи қора кунларни тадқиқ этиб, бир неча китоблар ёзди. Унинг хизматлари ҳам муносиб баҳоланди – Алиназар ҳам орденбой бўлди.

Хуллас, сийланган ёзувчилар ҳақида фахр-ифтихор билан яна кўп гапларни айтиш мумкин. Бироқ ҳаёт шундоқ шиддат билан олға кетмоқдаки, афсус, ижод аҳли сал орқароқда юрибди. Давр талаб қилаётган, даврнинг ўзи етишириб берган янги замон қаҳрамонларининг қиёфалари биз орзу қиласиган даражада яратилмаяпти. Демак, биз бурчлимиз. Демак, биз қарздормиз.

– Шу ўринда Олий Мажлисимиznинг бугунги сессияси ҳақидаги таассуротларингиз билан ҳам ўртоқлашсангиз.

– Менинг депутат, парламент аъзоси сифатида тилагим битта. Биз қабул қилаётган қонун ва қарорлар ниҳоятда долзарб ва ҳаётийдир. Ҳамма гап унга амал қилишда. Биз Олий Мажлис сессиясида қонунларни қабул қилар эканмиз, наинки бугунни, балки келажакни ҳам ўйлаб иш юритаётимиз. Шундай экан, оддий фуқароми ёхуд давлат муассасасида ишлаётган раҳбару мутахасси-си, ким бўлишимиздан қатъи назар қонунларни хурмат

қилишимиз керак. Унга риоя этиб яшаш инсоний маданиятимиз белгиси бўлсин.

Бизнинг оёғимизга иккита занжир тушов бўлиши мумкин. Бири – бюрократия, иккинчиси – таъмагирлик. Яъни таъма билан иш юритиш. Шу уринда яна бир иштибоҳни айтиб ўтишни хоҳлайман. Муроджон, сизнинг саволингизга жавоб берасетиб, боқимандалик ҳақида жиндай гапиргандай бўлдим. Дарҳақиқат, кўпгина одамларнинг қўли меҳнатдан чиқиб кетганлиги сир эмас. Уларнинг баъзилари ўзи туғдирган болаларга бериладиган нафақа ҳисобидан кун кўриб келганлар. Уларга фалон сўтих ер ажратиб берилса-да, ўша ерни гумай ва қамиш босиб ётиди. Унақа шахслар ҳанузгача давлатдан хомтама бўладилар, меҳнатга бўйинлари ёр бермайди. Ахир, бир жўяқ помидор ёхуд бодринг эксанг – бу ўзингнинг неъматинг-ку! Бу уринда солиқчи ёки божхоначини айблаш бекор.

Ер шарига бир назар ташланг: Голландия деган бир мўъжиза мамлакатга дуч келасиз. Бу мамлакат аҳолиси ҳар қарич, ҳар метр ерни атрофини қуршаган денгизу океандан тортиб олади. Лекин шу мўъжаз Голландия энг фаровон мамлакатлардан биридир. Бунинг сири нимада? Унинг аҳолиси ўзини яхши таниб олган. Ҳуқуқий демократик давлат – бу, ўз-ўзини таниш демакдир. Бизнинг, наинки оддий деҳқонимиз, балки барча фуқаромиз ўзини танимоги керак. Миллий фурур ва миллий донолик билан яшамоги керак.

– Халқимиз бугун мана шу улуғ байрамимиз гўзал ташвишлари билан яшамоқда. Сиз ўзингиз бир шахс сифатида бу байрамни қандай нишонлайсиз?

– Энг азиз ва энг улуғ байрамимизни мен барча тантаналарнинг ҳам отаси, ҳам онаси, деб биламан. Мустақиллик байрами мавжуд бўлмаса, Наврӯз ҳам бўлмас эди-да. Мен ушбу улуғ санани бундан бўён, наинки расмий майдонларда, балки ҳар бир хонадонда нишонланишини хоҳлайман. Ноўрин бўлса ҳам бир мисол келтириб ўтай: бир замонлар Грузияга сафар қилган эдим. Ўша сафар Сталиннинг туғилган кунига тўри келди. Биз Жугашвили туғилган қишлоқقا, унинг музейига йул олдик. Қарангки, музейгача бўлган бир-бир ярим чақирим масофада кўчанинг ҳар икки тарафида яшаётганлар эшиги ол-

дидаги хиёбонда стол тузаб, пишлоғу шаробларини текинга тарқатиб турар эдилар. Бу манзаранинг ижтимоий-сиёсий моҳияти ўз йўлига. Лекин ўша гуржиларниң парварлигига қойил қолганман.

Эй, дўстим! Неча юз йил тутқун бўлган ҳалқинг озод бўлсаю, Хурриятга эришсаю нега сен уни байрам қилмайсан! Нега ҳар бир хонадонда ош тортилмайди. Ахир, рамазон ёхуд қурбон ҳайитда бойу камбағал баробар туриб, бир-бирларини йўқлайдилар-ку!

Ахир, бу – Ватан байрами-ку!

Ўз хонадоним ҳақида гапирадиган бўлсам, ҳар йили, албатта, бола-бақра, невара-чевара, қуда-анда, куёв-келинлар – барчамиз ўзимиз хоҳлаган бир манзилда йиғилишиб, бир-биримизни қутлаймиз. Даствурхонга топганимизни қўямиз ва улуғ байрамимизни нишонлаймиз.

2002 йил, август

МАЪРИФАТЛИ ИНСОН УЗОҚНИ КЎЗЛАЙДИ

– Аввало биринчи устозингиз ҳақида эсласангиз.

– Ҳар бир инсон ҳам, у келажакда қайси касбда ишламасин, илк бор мактабга қадам кўйган дамларини, кўлига биринчи бор қалам тутқазган муаллимини фахр билан эслаб юради. Бу, табиий .

Ҳақ йулида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила.

Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз танж ила, –

деб Навоий бобомиз айтганлар. Бу сўзларниң тагида жуда катта мантиқ бор. Шу маънода мен ҳам мактабда ўқитган устозларимни ҳурмат билан тилга оламан. Бугун уларниң бирлари ҳаёт, бирлари эса дунёдан кўз юмган, лекин уларниң угитлари дилимда ҳалиям чақнайди.

“Ойнаи жаҳон” орқали бериладиган “Синфдош” кўрсатувини мунтазам, мароқ билан кўриб бораман. Унда мактабни битирганига 20, 30, 40 йил бўлган синфдошлар ҳозирда ишлаётган ёки нафақадаги ўқитувчилари билан учрашиб, ҳамсуҳбат бўлишади. Ана шу ҳаяжон томошабинларга, шу жумладан менга ҳам қаттиқ таъсир қиласди. Қаранг, бир синфда бирга ўқиган синфдошларниң бири

вазир, бири академик ва яна бири машхур ижодкор бўлиб етишади. Лекин, синфда улар ҳаммаси баб-баравар бўлишган. Энди, емон одамлар қандай пайдо бўлади, деган табиий бир савол туғилади. Улар ҳам ер тагидан қўзиқориндай отилиб чиқмайди, ўша синфда кўкаради. Шунинг учун қайси маҳаллами, ё қишлоқданми, ҳамма нафратланадиган инсон чиқса, ҳеч ким уни танимаймиз дея ўзини олиб қочишади. Ҳатто, қариндошлари ҳам тан олишмайди. Агар бирор-бир номдор, обрули, бадавлат инсон чиқса, унинг эгаси кўпаяди. Яъни унинг тоғаси, жияни, маҳалладоши, ўқитган ўқитувчиси ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолади. Бунга табиий равища очиқ кўз билан қарайдиган бўлсак, шундай қизиқ бир манзаранинг гувоҳи бўламиз. Бир вақтлар бу ҳақда мен бир шеър ҳам ёзганман. Энг асосий гап шундаки, кимлардир ёлғон-яшиқни қўшиб-чатиб инсоннинг яхши хислатларини кўпиртириб фахрланиб юришса, майли. Лекин бу киши бизда эмас, биз уни танимаймиз, деб одамлар тонадигандан худо сақласин! Шу маънода мен қанчалик халқимга хизмат қилолган бўлсам, барига устозларимнинг мени тўғри йулга бошлаб, илм берганидан деб биламан.

— **Улғаяётган истиқлол фарзандлари бугун қайси жиҳатлари билан кўзга ташланмоқда?**

— Юртбошимиз Олий Мажлиснинг ҳар бир сессиясида улғаяётган ёш авлод ҳақида фикр билдириб, жуда кўп ҳаётий мисоллар келтириб ўтадилар. Ҳозирги фарзандларимиз ўтган мафкура даврининг доҳийлари, йўлбошчиларини, уларнинг номларини билишмайди. Масалан, Москва нима деса, Россия деган давлатнинг пойтахти дейишади. Ленин ким деса, билмайман эшитганим йўқ, деб айтишади. Демак, у мафкура бугун бизнинг обҳавомизда йўқ. Илк мустақиллик даврида, яъни 1991 йил мактабга қадам ташлаган фарзандларимиз бугун битиришди. Уларнинг саводи янги давр руҳи билан чиқмоқда. Бугун улар ўз она тилида бемалол, ифтихор билан гаплашиб, қатор хорижий тилларни ҳам ўрганишга чоғланмоқдалар. Демакки, дунёдаги барча миллатларнинг фарзандлари билан бўйлашиб, илм уфқида парвоз қилишмоқда. Бу ҳали мана шу борадаги тараққиётнинг бошланиши, илк пиллапоялари дейиш мумкин. Шуни ҳам айтиш керакки, уларнинг тарбиясидаги маънавий-маърифий

йўл-йўриқлар — менталитетимизга хос бўлган, ота-боболаримиздан мерос қолган муқаддас анъаналаримиздир. Фарзандларимизнинг бекаму кўст вояга етишларида бу анъаналар ниҳоятда зарур. Бу уларни турли қинғирқишиқ йўлларга кириб кетишдан сақлади.

Кузатишимиз мумкин, бугун аксарият давлатларда, жумладан Россияда ҳам қизиллар партияси, сариқлар партияси дб ном олган турли намойишлар оммавий тус олган. Бизнинг мамлакатимиздаги тинчликнинг гуркираши эса болаларимизнинг осойишта ҳаётнинг қадрига етиб, келажак сари дадил одимлаши учун энг ажойиб неъматдир. Бу эса, шубҳасиз, ҳукуматимиз олиб бораётган одил сиёсатнинг меваси, деб биламан.

Яқинда Фарғона вилоятида бир гуруҳ ёзувчилар билан ёшлар ўртасида шеърият кечасини ўтказдик. Ана шу ерда юзлаб қизларимизнинг атлас кўйлакларда гүё лолазордек яшнаб, бизни қарши олишлари, шеърлар айтиб истеъодини намойиш қилишларини кузатган одамнинг ички оламини беихтиёр фахр туфуси қамраб олади. Ҳар бирининг юзида ҳаё, ибо, самимият балқиб турибди. Булар истиқлол фарзандлари-ку! Фарзандларимизнинг кўзи тўқ бўлиб ўсишини хоҳлайман.

— Ёш ижодкорларга муносабатингиз қандай, Ёзувчилар уюшмаси томонидан уларга қанақа қулайликлар яратилган?

— Бугун улар учун эшиклар кенг очиқ, имкониятлар кўп. Албатта, савияли, асл ижодкор ёшларнинг ижоди ҳалқимиз томонидан қадрланмоқда. Буни очиқ айтиш керак. Биз ёшлигимизда, айни ижод қиладиган давримизда кўп ҳадиксирадик. Негаки, газета муҳаррири нима деркан, бу сўзни цензура олиб ташламасмикан, “ҳалқим”, “миллатим” деб ёзсан, балога қоламиз-ку, деган қўркув бор эди. Ёхуд “Совет кишиларининг ҳаммаси баҳтли” каби ибораларни ҳадеб такрорлайверадик. Ҳозир уларни бунақангичеклашлар йўқ. Ижоднинг ҳамма томони очиқ. Ёзувчилар уюшмаси тасарруфида ҳам ёшлар учун адабий тўгараклар бор. Шеърхонлик кечалари уюштирилади. Китёблар, тупламлар чоп этиш имконияти бор. Ижодий маънода айтадиган бўлсан, бирор-бир мамлакат ёшлари ҳаммаси оммавий равишда шоир ҳам, олим ҳам бўлиб кетмайди. Бу мумкин эмас. Бу ҳолат кулгули ҳам туюлади.

Шеър ёзмайдиган инсон ҳам кам. Орасида шоири сараланиб чиқади ўзи. Маҳалла стадионида тўп тепмаган бола борми? Нега уларнинг бариси футболчи бўлиб кетмайди. Энди ижод ҳам шундайки, инсон ўзининг қалби, руҳий эҳтиёжи учун ижод қиласи. Бундан бойлик орттираман, деган инсондан жўяли бир ижодкор чиқсан эмас, бундан кейин ҳам чиқмайди. Ижоднинг этагидан маҳкам тутиб, қочмасдан, иқтидорини чархлаб борган инсонгина ижодкор була олади. Бир сўз билан айтганда, меҳнат қиладиган одамнинг талтайишга вақти бўлмайди. Мен ёшларнинг меҳнаткаш бўлиб ўсишини истайман.

— Онангиз вафотидан кейин бор изтиробингизни “Онажон” шеърингизга солгансиз. Сунгра олти ой мобайнада қўлингизга қалам олмасдан, ижодингиз яна авж олган экан...

— Албатта, ўлим ҳақ. Айни йигитлик давримда онамнинг қазоси юрагимга биринчи зарба бўлиб қадалган. Энди гана улғайиб, буй чўзаетган маҳалларим ҳали хонадонимизга ўлим шарпаси кирмаган эди. Бу мусибатдан анча таъсирланганман. Ўша изтиробларимни шеърга киритганман. Тўғри шундан сунг анча вақт ўзимга келолмай юрганман. Бундай ғамни, айниқса, инсон ёш бўлса кутариши қийин бўларкан. Ҳаммамиз ҳам ота-онага суюниб қолганмиз. Лекин айтинг-чи, ким марсия ёзсан, дейди? Мен истайманки, ҳеч бир ёшнинг бошига бундай кулфат тушмасин. Ота-онаси борлар қадрлаб, дунёдан ўтган бўлса, уларни эслаб юришларини тилайман.

— Замон тақозоси билан айрим шеърлар ёзишга мажбур бўлгансиз. Ҳозир улардан бутунлай воз кеча оласизми?

— Ўша маҳаллар шундай бир давр бўлганки, бундай ҳолатлар ҳамма ижодкорнинг бошидан ўтган:Faфур Фулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Миртемир каби шоирлар ҳам бу йўлдан ўтганлар. Буни ҳамма билади. Энди масаланинг иккинчи бир томони шуки, ҳарбийлар тилида “парол”ни айтиб, чегарадан ўтиб олиб, билганини қилиб юраверган. Ўша даврлардаги “партия”, “Ленин”, “Москва” деган сўзлар ҳам шу “парол”га ўхшарди Яъни, “Ленин”ни кўшмаса, шеърни чиқармасди. Нега, деб савол бериш ҳам мумкин эмасди. Бу шундай бир муҳокама қилинмайдиган ҳақиқатга айланганди. Шунга амал қилиш

қатъий равишда талаб қилинарди. Энди бир қисм шоир-ижодкорлар борки, умрини фақат шуни күйлашга бағишилаган. Лекин улар ҳам Ленин гоясининг бундай аҳволга олиб келишини ўйлаганми, ўйламаганми... Шундай қилиб, 74 йиллик бу жараён ўтди. Ўша шеърлардаги “Ленин”ни шундайгина олиб кўядиган бўлсак, барибир халқ-қа айтилган олқиш ёки ифтихор қолаверади. Ўша даврда қурилган кўприкни “буни Ленин қурган” деб бирор бузиб ташламайди-ку, ёхуд қудуқни кўмиб ташламайди-ку. Бу шундай бир мафкура бўлган. Шу мафкурага ҳақиқатан ҳам қўлига қилич олиб, сидқидилдан хизмат қилган корандалари – улар бошқа одамлар.

– Болаликнинг тотли дамлари, аввало мактаб, кейин эса талабалик даврида кечади. Уларга қайсиdir маънода “руҳ” бағишлиб, вояга етказишда ўқитувчиларнинг ўрни бекиёс. Бу борада устозлар фаолиятини қандай баҳолай-сиз?

– Ҳар ким ўзининг касбини яхши кўриши, севиши керак. Масалан, врач ўз соҳасини севиши учун беморни яхши кўриши керак. Бу дегани касални яхши кўриш дегани эмас, шифо улашиб учун ҳазар қилмасдан, ширин сўз билан, меҳр билан даволаши лозим бўлади. Ёхуд архитектор ҳам мустаҳкам уй қуриши керак. Мен илгари бир воқеани эшитганман. Бир архитектор шаҳарда катта бир уй қурган. Битгандан кейин унга шу ўйдан квартира беришган. У эса олмаган. Ўзи қурган уйга ўзи кирмаган. Демак, у билади, уйнинг қай даражада қурилганини. Шу сингари ўқитувчининг касби ҳам шарафли ва масъулиятли. У ўша масъулиятни ҳис қилиши лозим. Тўғри, синфда 30 нафар ўқувчи бўлса, ўқитувчи ўзи битта. 30 нафар ўқувчининг 30 та оғзи ва 60 та қулоги бўлади. Уларнинг феъли ҳам ҳар хил. Бундай пайтда ўқитувчига оғир бўлиши мумкин. Лекин, ўқитувчиларнинг чин дилдан қила-диган меҳнатларига тўғри баҳо берилишини, ҳалол бўлишларини истайман. Ўқитувчи ҳар қандай ортиқча хабарларни ўқувчиларга айтишдан, чойхона, молхонадаги воқеаларни гапириб беришдан тиийлиши керак, деб ўйлайман. Бозордаги турли миш-мишлару дийдиёларнинг уларга кераги йўқ. Ўқувчилар аслида тўғри йўлдан учётган оққушлар, тўғри бўлиб унаётган навниҳоллардир. Уларнинг бадиий дидини тарбиялаш керак.

- Қаҳрамон сифатида болаларга ўйтларингиз.
- Истиқлолимизга ҳам эндиғина 11 йил бўлди. Бу тарих олдида жуда қисқа давр. Шу йиллар ичida Ўзбекистон ер юзида шу қадар обруға эришдики, бу ўз-узидан бўлган эмас. Қайсики давлатнинг фуқаролари ер ости ва ер усти бойликларини қўшиб, жар солиб ҳайқириши мумкин. Лекин унинг эгаси ақдли бўлмаса, фуқароларининг ўзи салоҳиятли, етук бўлмаса, барибир, юксалиш урнига инқироз бўлаверади. Шу боис, **БУЮК ЎЗБЕК ҲАЛҚИГА**, унинг **Юргбошисига** тасаннолар айтса арзийди. Шу ҳалқнинг фарзандларига эса буюклик ярашади. Бу — ота мерос. Мен хоҳлайманки, ҳар бир форумда бирор ўзбек олимни кўзга ташланиб турса... У қашфиётлар қилиши лозим. Унинг дарсликларидан жаҳон олимлари ҳам фойдалансинлар. Бунинг учун эса камолот зарур. **Маърифатли жамиятда узоқни кузловчилар** кўпаяди. Шунинг билан бирга, меҳнат қилишдан аввал у қадрлана дими, йўқми, шуни ҳам ўйлаб қадам босадиганлар бисёр бўлади. Ёшларга ўйтларим шу.

2002 йил, сентябрь

ҚАШҚАДАРЁ – МУҚАДДАС ЗАМИН

Соҳибқирон Амир Темурдек зотларни дунёга келтирган бу муқаддас заминда ўз куч-құдратига ишонған, иродаси тоғ қояладек мустаҳкам одамлар билан елкама-елка ишлаб, улар билан нон-түзни баҳам күрган күнларим ҳеч қачон ёдымдан чиқмайди.

Ислом Каримов

Мен шу чўллар қўйнида туғилиб топдим камол,
Кўхна сардобаларда кўмилиб қолди дардим.
Лекин нар арслондан сут талаб қылган мисол
Олиш шаҳар, тоғлардан илҳомимни ахтардим.

Ҳозир бу кенг дунёга, замоннинг шакли-шамойилига назар ташлаб, кўпинча уни муқоясалар дунёси, деб атагинг келади. Бир вақтлар ёзган юқоридаги байтларим эсимга тушар экан, мен ўз умрим давомида кўрган-кечиргандаримни нималаргadir таққослагим келаверади.

Үтган асрнинг эллигинчи йилларида биз ўқиган мактаб хоналари эсимда. Уларни бугун тасвиrlасам ҳозирги ёшлар ишонмаслиги мумкин. Зах, пастак синф хоналарида юпунгина бир ҳолда дийдираб ҳарф ўрганганимиз. Ҳатто гаройиб манзаралар ҳам учраб турарди: баъзан ўша каталакдек синфларда бирваракайига тўрт синф ўқувчилари биргаликда сабоқ олаверардик. Олд қаторда биринчи синф, кейинги қаторда иккинчи синф ва ҳоказо тартибда. Албатта, ўқитувчимиз ҳам бириула тўрт хил мавзудан гапираверарди.

Ушбу хотиралар хаёлимга дафъатан келгани йўқ. Мана, ҳозиргина Усмон Юсупов туманида – кечаги чўлнинг қоқ марказида қурилган Жейнов саноат коллежини кўриб қайтдим. Бундай гузал ва маҳобатли иморат дуненинг ҳар қандай мамлакатида наинки эътироф, балки ҳавас ҳам қилиниши мумкин.

Мен ҳозир коллежда ўқувчилар учун яратилган шарт-шароитларни бирма-бир санаб ўтирумайман. Бу ерда маҳсус жиҳозланган компьютер, кимё лабораторияси ва тил ўрганиш хоналари ҳам мавжуд. Спорт заллари-ку, алоҳида бир мавзу.

Мени шу ўринда ажиб бир ҳиссият чулғаб олди. Бу гаройиб даргоҳга қадам қўйган одам ўзини беихтиер бошқача сеза бошлайди. Тоза, озода кийиниб, юванибтараниб, гузал фикрлар билан тўйиниб, астойдил билим олгиси, муносиб ва фурурли ўқувчи бўлгиси келади.

Очиғини айтганда, ҳозирги куннинг талаби ҳам худди шундоқ. Янги даврнинг янги авлоди, узбекнинг қора кўз фарзандлари ўзларини ҳеч кимдан кам эмаслигини ҳис қилган ҳолда мана шу каби даргоҳларда таълим олиш имкониятига эгадирлар.

Бу имкониятлар қаёқдан пайдо бўлди? Ахир, улар осмондан тушган эмасдир? Буни болаларимиз балки билар, билмаса эртага билишади. Лекин, катта ешдагилар бу тафовутни аниқ-тиниқ ҳис қиладилар деб ўйлайман.

Мамлакатимизда мен юқорида айтган сингари коллеж ва лицейларнинг сон-саноғи йўқ. Таққослайман десанг, ўқув даргоҳларидан бошқа неча-неча иншоотлар катта-кичик завод, корхоналар, йўл ва кўприклар бор.

Албатта, бу ифтихорларимизнинг биринчи манбаи – мустақиллигимиз яратган буюк имкониятдир. Лекин бу

имконият ҳам ўз-ўзидан яралиб қолмади-ку! Уни кимлардир меңнатиу фидойилги билан тайёрлади, бунёд этди. Айниқса, Қашқадарे вилоятининг кейинги даврлари тарихига бир қур назар ташлайдиган бўлсак, жуда кўп ибратли воқеаларга, унугимас сабоқларга рўбару келамиз. Яъни Қашқадаре аҳли ўзига хос бетакрор, долғали йулларни босиб ўтди. Улар энг оғир даврларда ҳам ҳалқ учун, оддий инсонлар учун куйинган, бошини силаган оқсоқолларнинг номларини миннатдорлик билан эслайдилар.

Халқимизда бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукур қил, деган ажойиб нақл бор. Қашқадарёликлар фикр қиласиган кунларни ҳам, шукур қиласиган кунларни ҳам курди. Бу вилоятда қанчадан-қанча кайвонилар ишлаб ўтдилар. Биридан ундоқ, иккинчисидан бундоқ хотира қолди. Мен юқорида гапни таққосдан бошлаган эдим. Ана энди шу фикримни оидинлаштиришга бир оз ҳаракат қилас.

Менинг ижодкор булиб бир қадар шакланган пайтларим ота юртим Қашқадарёда Ислом Абдуганиевич Каримов раҳбарлик қилган ийларга тўғри келган. Мен ўша ийлари ҳам унча-мунчани фаҳмлайдиган ёшда эдим. Вилоятда юз бераетган кескин ўзгаришларга кўпчилик қатори гувоҳ ҳам бўлганман. Ўшанда ҳалқ адолат тикланаетгани ҳақида қониқиб гапира бошлаган эди. Ахир, ўйлаб кўринг, вилоятда парокандалик, гуруҳбозлик, ҳақсизлик ва талон-тарожлик гуллаган, давлат деган «амакимиз»га бирор одам ишонмаётган, ҳурмат ўрнини қўрқув ва нафрат эгаллаган, эртанги кунга ишонч қолмаган, қисқа қилиб айтганда, вилоят таназзул ботқоғига ботган бир пайтда Ислом Каримов биринчи раҳбар булиб келгач, юқоридаги сингари иллатларни қуритиб оддий ҳалқ манфаати учун фидойилик кўрсатаётганда ҳалқ албатта: «Ана энди адолат тикланмоқда» деган эди-да.

Биринчи раҳбарнинг ҳалқ тинчлиги, хотиржамлиги ва фаровонлигидан бўлак манфаати бўлган эмас. Ўша жараёнларни эслатувчи унлаб, юзлаб мисолларни келтиришимиз мумкин. Келинг, нокамтарлик бўлса ҳам гапни ўзимдан бошлай қолай. 70-ийлар охирида нима бўлдию «Жаннатга йўл» деган пъеса ёзиб кўйдим. Бу асар ҳали қўлезма ҳолидаёқ бошимга бало бўлди. Эмишким, асарда совет тузуми бузиб кўрсатилган. Порахурлик айтилган.

Қисқаси, муаллифни жазолаш шарт. Бу ҳақда Марказий кўмита раҳбари номига бир гала қаламкаш «устоз»ларим айбнома етказишига ҳам улгуришган эди. Она ролини ижро этаман деган халқ артисти Сора Эшонтўраеванинг ёдлаган сўзлари жой-жойида қолиб кетди. Қисқаси, гап кўпайди, шундок шароитда Қашқадарё вилоят театри ушбу асарни саҳнага олиб чиқди. Унинг тақдимотида, қарангки, вилоятнинг биринчи раҳбари Ислом Абдуганиевич Каримов қатнашдилар ва мен билан ёнма-ён ўтириб спектаклни томоша қилдилар. Не баҳтки, бу инсон менинг «шўрпешона» асарим ҳақида илиқ гаплар айтдилар. У киши фикр билдириш билан чекланмай, эртаси куни вилоятнинг жами бюро аъзолари спектаклни келиб куриши ҳақида кўрсатма бердилар. Кейинги оқшом ўзбек тилини мутлақо билмайдиган русийзабон котиб ҳам асарни келиб кўрган.

Йиллар ўтди. Бу камтарин асаримнинг йўли очилиб, кўпгина театрларда қўйилди. Лекин унга кимдир биринчи йўл очмагандаги оқибат нима бўларди? Ўзим билан боғлиқ шунга ўхшаш жуда кўп мисолларни келтиришим мумкин.

Шу ўринда бошқа юртдошларимнинг ҳам хотира ва эътирофларини келтириб ўтсан жоиз бўлар деб ўйлайман. Бу оқсоқолларнинг кўпчилигини яқиндан танийман. Уларнинг наинки исми шарифларини, балки фаолиятларини ҳам Юртбошимиз ҳанузгача эсдан чиқарган эмаслар. Мени ~~фоятда~~ ҳайратга солган бир жиҳат шулки, Президентимиз номларини эъзозлаб турган кишиларнинг ҳаммаси бир-бирига ~~фоятда~~ ўхшаш.

Бу ўхашлик нимадан иборат? Уларнинг барчаси меҳнаткаш, содда, ишонувчан, оқкўнгил, фидойи, қаноатли инсонлар. Ана шулардан бири Муҳаммади Рўзиев бўладилар. Бу киши узоқ йиллар вилоят сув хужалиги ташкилотларига раҳбар бўлиб катта-кичик сув курилиши иншоотларида югуриб-елиб хизмат қилганлар. У кишининг феъллари шундоқки, каттага ҳам, кичикка ҳам баббаробар, астойдил алласанг алданадиган боладек содда. Айни чоғда, ишига пухта, ҳалол-пок, гапнинг индаллосини айтиб қўя қоладиган ажойиб шахс. У кишининг фаолиятида бўлиб ўтган қизиқ бир лавҳачани сизга эслатиб ўтай. Шу денг, вилоятми, республика миқёсидами катта-кон анжуман бўлаётган экан. Бир вақт кутилмаганда Му-

ҳаммади Рўзиевга сўз бериб юбориши. Энди Рўзиев вилоят ҳақида жуда қамровли гаплар айтиши керак-ку! У, албатта, ҳар жиҳатдан пухта, салобатли маъруза бўлиши шарт эди-ку. Муҳаммади aka минбарга чиқа солиб: «Қашқадарё... Эҳ-ҳе...» деганча минбардан тушиб кетаверибди. Ана шу биргина «эҳ-ҳе»да Қашқадарёнинг маҳобатию, имконияти билиниб турганлигини ўша анжуман иштирокчилари ҳам сезиб, пайқаб олган бўлсалар, ажаб эмас.

Ҳа, Муҳаммади aka ана шундоқ тўғрисуз, устамонликни билмайдиган яхши одам.

Куни кеча мен Муҳаммади акани қўргани бордим. Оқсоқол лабларида ўша-ўша беғубор табассум, мамнуният билан ўтирибдилар. Гурунгимиз ўтган-кетган ҳар хил хотиралар билан бошланиб кетди. Албатта, Муҳаммади аканинг хотира бисотида истаганча аччиқ ҳам, чучук ҳам топилади. Бироқ суҳбатдошим ёдида муҳрланиб қолган қўпгина ибратли ҳикояларни қулфи дили очилиб сўзлай бошлади.

Мана, **Муҳаммади Рўзиев** ҳикоясидан бир шингил:

— Биз Ислом aka билан кўп дала кезганмиз. У киши чангу тупроқни писанд қилмай, иш қайнаб турган ерга тикка кириб кетаверарди. Марказдан келадиган бўлар-бўлмас топшириқларга қараб ўтирмасдан, халқнинг фикрига қулоқ солиб қарор чиқаради. Бир мисол келтириб ўтай. 1987 йилнинг баҳори эди. Ёғин-сочин кўп бўлди. Сел келди, дарёлар тошди. Қалқамага кўп сув тушди. Сув омбори тошадиган бўп қолди. Теварак-атрофда қанчадан-қанча қишлоқ. Худо кўрсатмасин, тўғон бузилиб сув босса, ҳамманинг бўладигани бўлади. Барча раҳбар шу ерда. Тошкентдан министрлар ҳам келган. Ҳамманинг боши қотган. Пойтахтдан келган вакилнинг таклифи кўпчиликка ёқмади. У қишлоқлардан одамларни кўчиришни таклиф қилди. Вақт тифиз эди. Шунда Ислом Абдуғаниевич бирдан-бир жўяли фикрни айтдилар. Яъни, сув омбори ёнидан қўшимча ташламалар қурамиз, дедилар. Ҳаммамиз бу фикрни маъқулладик ва уни бажаришга дарҳол киришдик. Эсимда, ўша кунлари Ислом aka оёқда резина этик, дала кийимида вагончада бизнинг ёнимизда бўлдилар, руҳимизни қутардилар. 250 куб метрлик хавфсизлик қувури қурилиб, муқаррар ҳалокатнинг олди олинди. Ҳа, у киши ҳамма раҳбарга ибрат бўладиган кўп ишларни амалга оширдилар.

Дарҳақиқат, вилоятнинг қайси бир туманига борманг, қайси бир соҳа вакили билан суҳбатлашманг, ўша йиллар ҳақида тўлиб-тошиб гапирадилар. Бири-бирига ўхшамаган, ибратли воқеаларни эсга оладилар. Мана, феъл-автори Муҳаммади Рузиевга қуйиб қўйгандек ўхшаб кетадиган «Муборак» қоракўл наслчилик ширкат хужалиги раҳбари, туркман оғамиз Ҳайитмурод Оқмаматовнинг гапига қулоқ солайлик. У киши раҳбарлик қилаётган хўжаликнинг ҳам тарихи узоқ. Бир замонлар йўқ бўлиб кетиш даражасига келган. Вилоят раҳбари Ислом Каримовнинг қатъияти ва ёрдами туфайлигина бу хўжалик сақлаб қолинган.

Ҳайитмурод ака ҳам бошидан кўп нарсаларни ўтказган. У киши айтиб берган бир воқеа Бедил ёзса арзигулик рубоийга мавзу бўларди. Шароит тақозоси билан Ҳайитмурод ака бир ёш, гапга чечан йигитни каттароқ лаозимга тавсия этган экан. У йигит лавозимга ўтирибди ҳам. Лекин биринчи ишини Ҳайитмурод аканинг ўзига хужум қилишдан бошлабди. Кейинроқ бу нокас ҳамма ёқقا қора чаплай бошлагач, албатта, тегишли жазосини олиб кетган.

Ҳайитмурод ака бу воқеаларни кулибгина эслайди. Ҳа, одам боласини аниқ билиш қийин экан-да. «Мол оласи ташида, одам оласи ичида» деган нақл тўғри экан. «Бир қарасам қамалиб кетадиган чутим бор, —деб эслайди у. —Ислом Каримов мени асраб қолдилар. Ноҳақ тұхматлар, ўринсиз ҳужумлардан ҳимоя қилдилар. Сиз кўриб турган мана шу стол атрофида Ислом ака билан кўп ҳам-суҳбат бўлганман. У киши хўжалигимиздаги чўпон-чўликларни номма-ном билардилар.

Сизлар эшитган бўлсангиз ҳам бир гапни айтиб ўтай. Ўша йиллари юқоридагилар бирданига Қашқадарё вилоятини тугатамиз деб қолишиди. Шунча ери, гази, фалласи, пахтаси, чорваси бор каттакон вилоятни-я! Ислом Абдуғаниевич наинки менга ўхшаган айрим одамларни, балки бутун бир вилоятни сақлаб қолдилар ўшанда.

Ана қаранг, рўпарангида савлат тўкиб турган чойхонамиз ҳам Ислом аканинг таклифи билан қурилган. Наврўзи олам қатағонга учраб турган бир пайтда, Ислом ака унинг номини «Наврўз» деб қўйинглар, дегандилар.

Мен ҳозир бир қарашда номдор булмаган, оддий меҳнаткаш юртдошларимнинг гапларини келтириб ўтдим.

Ҳайитмурод ака каби фидойилар яшаб турган мана шу ҳудуд Муборак номи билан ҳам машхурдир. Бу жойдаги йирик нефть ва газ комплексининг кучга тўлиб, оёққа туриши бевосита Ислом Каримовнинг узоқни мўлжаллаб юритган фаолияти билан боғлиқдир. Бу комплекс мустақиллик йилларида халқимиз мулкига айланиб, мамлакатимиз белига қувват бўлиб турибди. Президентимизнинг бевосита раҳнамолиги билан равнақ топмоқда. Бу ерда Юргашимизнинг тарбиясини олган кўпгина жонкуяр инсонлар меҳнат қилмоқдалар. Кон бошқармаси мутахассисларининг аксарияти маҳаллий кадрлардан иборат. Жуда катта ифтихор ва мамнуният билан айтиб ўтишим шартки, Ислом Абдуғаниевич ўша йиллардаёқ маҳаллий аҳоли орасидан кадрлар тарбиялашга жуда катта эътибор берган эдилар. Бу йўлдаги турли таъна-дашномаларни дадил қайириб ташлаганлар. Мана бугун бу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бериб турибди.

Менинг бу сафарим Ислом Абдуғаниевичнинг Қашқадарёга ташриф буюрган кунларига тўғри келди. Ҳеч шубҳасиз, Ислом ака, ўша ташриф кунлари ҳам оддий одамлар билан мулоқотда бўлдилар, дала кездилар. У киши билан учрашган ҳар бир қашқадарёлик ўз ҳаяжонини яшира олмай, мамнун юрганлигининг гувоҳи бўлдим. Шу ҳудудда юриб, дўст-биродарларни ютуқлари билан табрикламай кетишим асло мумкин эмас эди, албатта. Сафардош укаларим билан бирга Жейнов деган азим манзилга йўл олдик. Жейнов наинки Қарши даштидаги, балки мамлакатимиздаги қадимий масканлардан бири. У ерда 20 мингга яқин аҳоли истиқомат қиласи. Демак, ўз вақтида ечилиши ниҳоятда зарур шунча муаммо ва савол ҳам мавжуд бўлган.

Ислом Абдуғаниевич жейновликларга аввал ҳам, ҳозир ҳам катта эътибор кўрсатиб келмоқда. У кишининг берган йўл-йўриқлари туфайли хўжалик оёққа турди. Мен юқорида айтиб ўтган маҳобатли коллеж ҳам мана шу жойда қад ростлаган. Замонавий сут заводини қўраман, десангиз ҳам Жейновга боринг. Истроил технологияси асосида қурилган мазкур корхонада ўн икки хил аъло сифатли маҳсулот олинар экан: сут, қатиқдан тортиб, йогурт, пишлоқ, бринза ва ҳоказо. Барча хилини жамласангиз, каттакон дастурхонга сифмайди. Хўжаликнинг ғалласию

пахтасини гапирмай құя қолайлық. Унинг бөг-роғларини айтмайсизми? Сархил мева-чеваларни қайта ишлайдиган завод ҳам қурилиш арафасида. Жейнов марказида ажойиб маданият саройи қад ростлаб турибди. Саройнинг қурилиши, ҳатто нақшлари ҳам Ислом аканинг маслаҳати ва күмаги туфайли бунёд бўлган. Яқиндагина Ўзбекистон Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлган Муродилла Саидовъ ана шу хўжаликка раҳбарлик қиласди.

Айни пайтда заҳматкаш ҳалқимиз ҳақида сўз юритар эканмиз, машъум йилларда пахтакорларимиз бошига тушган қулфатларни эсламай иложимиз йўқ. Гдлянчиларнинг ёвуз кирдикорлари тарихини бугун ҳамма яхши билади. Йиртқич тўданинг ҳамласига даставвал қашқадарёликлар дуч келган эди. Ўша оғир йилларда вилоятнинг биринчи раҳбари бегуноҳ фуқаронинг ҳимояси учун мардонавор курашди, ҳибсга олингандарнинг тақдири билан муттасил шуғулланди. Хурланган бир аёл раҳбарнинг қабулига ҳасрат билан кирганды, Ислом аканинг кўзи дафъатан онаизорнинг бармоқларига тушади. Унда гдлянчилар юлиб олган узукдан қолган оппоқ оқарган излар шундоққина билиниб турар эди. Шу ҳолатни кўргандаёқ раҳбар бутун фожеани англаб етган эди. Ислом Каримовнинг матонати туфайли минглаб юртдошларимиз рўшноликка чиқди, адолат тантана қилди...

Қашқадарё учун бу йил баракали келди, дейиш мумкин. Балки кимлар буни омадга ҳам йўяр. Бироқ, омад ҳақида менинг фикрим шуки, агар у келса – бор, келмаса – асли йўқ нарса. Албатта, онажонимиз табиатнинг муруватига ҳаммамиз ҳам кўз тикамиз. Бироқ ёмғир икки далага бир еққани билан уларнинг бирида мўл ҳосил, иккинчисида эса ҳеч вақо унмаслиги мумкин. Қашқадарёликларнинг бугунги эришиб турган ғалабалари замирида шак-шубҳасиз, одамларнинг фидокорона меҳнати ётибди. Чидам ва саботи ётибди. Қаноати ётибди. Фидойилиги ётибди.

Агарки ибратли анъаналарга, сабофу тажрибаларга таяниб, ҳалқ билан бамаслаҳат иш қўрилса, унинг самараси баланд бўлишини юқорида биз эслатган воқеалар тасдиқлаб турибди.

Қашқадарё ҳалқи азалий меҳнаткаш ҳалқ. У қайси бир соҳага кўл урмасин уддасидан чиққан. Мен ҳозир

унинг олис тарихи ҳақида сұзлаб үтиromoқчи әмасман. Биргина Темур бобою Шахрисабзни эсга олсақ, бутун бир тарих күз олдимизга келади. Мана, Шахрисабзнинг 2700 йиллик түйини ҳам нишонлаб турибмиз. Шахрисабз деганда менинг хаёлимдан қўп маҳзун ўйлар ўтади.

Шахрисабз азим шаҳар, гул шаҳар,
Темур юрти – қадим шаҳар, бўл шаҳар.

Ажабо, шундоқ қадимий ва бетакрор шаҳар, Амир Темурдек зотнинг маскани, не-не буюк шоиру мутафаккир олимларнинг зуваласи олинган юрт, Оқсанордек буюк меъморий кошоналар бунёд бўлган саждагоҳ макон нега қўп йиллар давомида одамлар назаридан четда турди?

Мана шу муаммолар ҳам Ислом Абдуғаниевичнинг эътиборида эди. Эсимда, ўша йиллари биз Ислом ака билан Шахрисабзга ўтаётганимизда мен «Ҳув анави тоғларнинг этагида Алпомиш от сурган» деб қолдим. Ислом ака эса: «Дарҳол таклиф билан чиқинглар. Мен Алпомишининг ҳайкалини ўрнатаман», дедилар. Лекин шўро даври Ёзувчилар ўюшмасининг бундай таклифни беришга журъати етмас эди.

Худди шу Шахрисабз йўлларида, Қашқадарё қирғоқларида, катта йўлнинг шундоққина четида иккита ташландиқ қабр бўлиб, халқ уларни Тоҳир-Зухроники дер эди. Ана шу қадамжо, худди ўша оғир йилларда, шахсан Ислом Каримовнинг бошчилигида обод қилинди. Тоҳир ва Зухрога – муҳаббат тимсолларига ажойиб ёдгорлик ўрнатилди. Атроф-тевараги гулзор қилинди. Ҳозирги кунда кимки шу йўлдан ўтса, мазкур ёдгорликни зиёрат қиласи. Келин-куёвлар атайлаб келишиб, аҳду паймон қилалилар.

Ахир бу беназир хизмат-ку, беназир ибрат-ку!

Истиқлол йилларида Шахрисабзнинг қадимий шаҳар сифатида ЮНЕСКО тарафидан расман эътироф этилишининг, энг мўътабар ёдгорликлар сирасига, яъни «Бутунжаҳон мероси рўйхати»га кириши ўз-ўзидан содир бўлган әмас. Мен буни яхши биламан. Шу кунларда Шахрисабз, қадим Кешнинг қадди яна кўтарилиб, жаҳонга кўз-кўз қиласидиган даражага етишиб турибди. Мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан келган таъмирловчилар, ус-

та наққошларнинг астайдил меҳнатлари албатта таҳсинга сазовор. 2700 ёшли кӯхна Кешимиз бундан буён жаҳоншумул Буюк Ипак йўлиниң шоҳ бекатларидан бири бўлиб қолажак.

Дилимда гапларим қўп. Езадиган хотираларим бисер. Ҳозиргача айтганларим катта тарихнинг айрим варақлари, холос. Қашқадарё вилояти яна оёққа туриб келаётir. Муҳтарам Президентимизнинг бутун мамлакат бўйлаб бошлаган ислоҳотлари ўз самараларини бераетир. Қилинадиган ишлар ҳам, албатта, қўп.

Боболарим юрти, отам маскани
Онамнинг муборак ҳоки барқарор.
Бир фарзанд мисоли қутлайман сени
Эй, оташ заминдан яралган диёр!

2002 йил, август

ЎЗЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

Ҳар йили милодий ҳисоб билан 9 феврални халқимиз ажиб бир интиқлик, гўзал ҳаяжон, ифтихор ва қониқиш билан кутиб олади. Етти ёшдан ётмиш яшаргача барча юртдошларимиз бир-бирларини қутлаб, “Бугун бобомизнинг туғилган кунлари”, деб кўядилар.

Мамлакатимизда бирон бир фуқаро йўқки, Навоий бобомиз ҳақида гап очилганда, у зотнинг бирон фәзилатини айтмаган бўлса. Шубҳасиз, бобомизни даҳо шоир дейиш баробарида ҳазратнинг улкан арбоб эканлигини ҳам эслайдилар. Фаолиятлари ҳақида гап кетганда, у зотнинг сулҳпарвар эканликларини албатта таъкидлайдилар.

Дарҳақиқат, ер юзида яшаб ўтган не-не улуғ шоирларнинг ҳаётини кўз олдимизга келтирсан, улар орасида Алишер Навоий ўзгача бир нур билан чулғанганд ҳолда на-моен бўлади. Ҳаёлпарастлик бўлса-да, бир гапни айтгим келаётir: агар вақти замон дафъатан эврилиб, Навоий бобомизнинг дийдорлари насиб этиб қолсайди, мен у киши билан нималар ҳақида, қандай тарзда сўзлашишни яхши билардим. Демоқчиманки, бобомизнинг феълу атворлари ҳам, нимани ёқлаб, нимани рад этишлари ҳам бизга

фоятда таниш бир ҳолга айланиб қолган. У зот тұла маңнода үзимизнинг одамга айланиб кетгандар.

Бугунги күн пиллапояларидан туриб, Навоий даврига назар ташлайдиган бұлсак, күпгина воқеа ва ҳодисаларда, айрим муаммоларнинг шаклу шамойилида үшашликтар борлигини кузатиш мүмкін. Жумладан, мамлакатнинг тинчлиги, раъият – фуқаронинг осойишталиги ҳозирги замонда ҳам долзарбелигіча турибди. Алишер Навоийнинг наинки ижоди, балки фаолияти ҳам мана шутинчлик, мана шу осойишталиктен таъминлаш билан боғлиқ ҳолда кечгандығыни яхши биламиз. Дейлик, үша чөвлар Балхдами ехуд Астрободдами бирор бузғунчилик юз берган бұлса, әндилекда улар қай бир жойларда терроризм күринишида намоён бўлаётир ва ҳоказо.

Күриниб турибдик, инсон болалари ва улар уюшган жамиятларнинг муаммолари ҳануз үзининг идеал даражадаги ечимини топған эмас. Үша замонларда бўлгани сингари, ҳозирги кунларда давлат үз сарҳадларини қўриқлашга мажбур. Ҳозирги кунларда ҳам Ватан ҳимояси ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи бўлиб қолмоқда. Алишер Навоийнинг мана бу байтини эслайлик:

Иёлу Ватан узра то жони бор,
Киши ҳарб этар токи имкони бор.

Ушбу байтнинг мазмуни, шоирнинг даъват ва хуласаси эскирган эмас, эскирмайди ҳам. Биз Мустақиллигимизнинг таянчи ва суюнчиғи бўлмиш үз миллий армиямизни шаклантириб турибмиз. Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий бош қўмондони Ислом Каримовнинг куни кеча нашр этилган “Миллий армиямиз мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир” номли китобларида мамлакатимиз тинчлигини, мустақиллигимиз барқарорлигини таъминлаш борасидаги бурч ва вазифаларимиз аниқ-тиниқ баён этиб берилган.

Магарки, ушбу саъи-ҳаракатларимиздан Алишер Навоий хабардор бўлғанларида, у зот фаолиятимизни нафақат тушунган, балки дилдан қўллаб-қувватлаган бўлар эдилар.

Навоий бобомиз бизнинг ифтихоримизгина ўзлигимиз тимсолига айланиб кетган, десам янглишмаган бўлман. Яъни Навоийга эҳтиром кўрсатган одам, шубҳасиз,

ўзбек халқига эҳтиром кўрсатган бўлади. Ёхуд, аксинча, бобомизнинг шаънига фаюрлик билан қарайдиганларнинг мақсади миллатимизни камситишга уриниш деб ҳисобланмоғи керак. Ушбу хуносаларимиз авваламбор ўзимизга тегишлидир. Юртбошимиз миллий қадриятларимизни тиклаш ва эъзозлаш борасида муттасил, изчиллик билан иш олиб бормоқдалар. Ана шу қадриятларимизнинг улуғвор ва муҳташам сафида Навоий сиймоси ярқираб кўзга ташланиб турибди.

Замонлар оша халқимиз билан ҳамқадам бўлиб келайтган Алишер Навоий ҳазратларига қуллуқ ва таъзим баробарида, у зотга муносиб ворис бўлмоқлик биз учун энг олий шарафдир!

2003 йил, февраль

ЯПОНЛАР ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИ ЮКСАҚ ҚАДРЛАЙДИ*

Биз, Шарқ одамлари бир-биrimizni тушуниш, бир-birimiz bilan bordi-keldi қилиш учун ilgarilari учинчи давлатга “салом” бериб ўтишга мажбур эдик. Масалан, Ҳиндистон, Хитой ёки Японияга борадиган йўлимиз ҳам Москвадан ўтарди ва ҳоказо.

Истиқлол шарофати ўлароқ, биз бутун жаҳон bilan ҳамқадаммиз. Юртимизнинг тарихини, маданиятини ўрганишга бутун дунёда интилиш қучли. Япон халқида эса бундай қизиқиш яна ҳам катта. Биргина мисол, Сурхондарёнинг Фаёзтепа, Қоратепасидаги ноёб, илдизлари минг йилларга бориб тақалувчи буддавийлик динига оид тарихий ашёлар Кунчиқар юрт кишиларида катта қизиқиш уйғотган.

Японларнинг урф-одати, анъаналари, турмуш тарзи ўзбекларнига жуда ўхшаб кетади. Кунчиқар юрт халқи ўзининг фавқулодда истеъоди, тиришқоқлиги bilan жаҳонни лол қолдирмоқда. Мен япон адиллари bilan суҳбатда ал-Беруний, ал-Хоразмий, Мирзо Улугбек каби буюк аждодларимиз замонавий илм-фанга асос соганини

* Японияга сафар арафасида ЎзА мухбирига берилган интервью.

қайта-қайта ҳайрат билан эътироф этганларининг кўп бор гувоҳи бўлганман. Бундан, адбатта, ҳар биримизнинг юрагимиз фахрга тўлиши табиий. Лекин фақатгина ўтган боболаримизнинг обруси билан чекланиб қолмаслигимиз керак. Бугун ўғил-қизларимиз мустақил юртнинг фарзанди сифатида дунёning энг илфор давлатлари, жумладан, Японияда таълим олиб, малака ошириб, ишлаб қайтмоқда. Бу саъи-ҳаракатларнинг самараси ҳозирнинг ўзидаеқ қўзга ташланмоқда. Юртимизда япон тилини пухта ўргатувчи кўплаб илм даргоҳлари фаолият олиб бормоқда. Тошкентда муazzам Япон боғи барпо этилди. Ўзбекистон жаҳоннинг илфор давлатлари қаторидан жой олишга интилаётган экан, бу ўринда Япониянинг тажрибаси, босиб ўтган тараққиёт йўли намуна бўлишга арзиди.

Энди бевосита адабиётимиз хусусида гапирсак, япон ижодкорларининг кўплаб роман, қисса, шеърлари она тилимизга таржима қилинган. Икки халқнинг дунёни таниши, уни бадиий образларда ифода этиш усуслари деярли ўхшаш. Японлар гўзалликни ниҳоятда нозик тушундиган ва уни ана ўшандай гўзал ҳолатда шеърга тушира биладиган халқ.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан жамиятимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жаҳонда тобора эътибор қозонмоқда. Буни таъминлаётган санъат, спорт каби омиллар анчагина. Ўзбек адабиётида ҳам жаҳонга тарғиб этишга арзигулик жиҳатлар кўп.

Кейинги йилларда бадиий асарлар она тилимизга инглиз, немис, француз, ҳинд, япон тилларидан бевосита таржима қилинмоқда. Ўз навбатида, ўзбек адибларининг кўплаб асарлари хорижда нашр этилмоқда. Ўзбекистоннинг бугунги халқаро нуфузи туфайли хорижда мамлакатимиздаги адабий жараёнга ҳам қизиқиш тобора кучаймоқда. Адабий алоқаларни янада ривожлантириш, турли мамлакатлар ижодкорлари билан ҳамкорлик ришталарини йўлга қўйиш пайти келганлигини, бундай хайрли ва масъулиятли ишларга давлатимиз раҳбари катта эътибор берәётгани диққатга лойиқ. Бу масъулиятли вазифани бажаришга кўмаклашиш мақсадида уюшманизда Халқаро алоқалар ва бадиий таржима кенгаши ту-

зилган. Бу эса халқаро адабий алоқаларни янада ривожлантиришга, соҳадаги ишларни мунтазам ва изчил йўлга қўйишга имкон яратади.

Ўзбек адилари япон адилари ижодидан яхши хабардор. Нашриётларимиздан олинган маълумотларга қараганда, сўнгги йилларда Ўзбекистонда япон адиларининг асарлари 24 марта китоб ҳолида нашр этилган. Улар орасида Кобо Абэ романларидан тортиб, япон шеърияти намуналаригача бор. Ойбек, Сайд Аҳмад, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов сингари адиларимиз ижодларида Япония мавзуси акс этган асарлар кўп. Айни чоғда япон олими Эйжи Мано “Бобурнома”ни япон тилига таржима қилиб, изоҳлари билан нашр этиди. Комацу Итару ўзбекча-японча луғат тузди. Яна бир япон олими Кумацу Абдурауф Фитрат ҳаёти ва ижоди бўйича тадқиқот олиб бормоқда. Кўпгина япон олимлари Ўзбекистонда илмий, назарий тадқиқотларини давом эттироқдалар. Президентимизнинг бевосита эътиборлари туфайли япон археолог олими Кюдзо Като мамлакатимизнинг юксак нишони – “Дўстлик” орденига сазовор бўлди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Сафаримиз асносида Японияда зиёлилар, олимлар, езувчилар билан мулоқотлар, олий ўқув юртларида учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилади. Япон халқи ўзбек халқининг ҳурмат-эътиборини юксак қадрлайди. Кўҳна ва бой тарихимиз, маданиятимиз каби адабиётимизга ҳам чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан ёндошади. Сафар мобайнинда кўпроқ миллий адабиётимиз, айниқса, мустақиллик даври адабиёти билан Кунчиқар юрт ихломандларини танишириш ниятидамиз. Ўз навбатида, мазкур мамлакат адиларининг мурод-мақсадлари нималардан иборат, улар инсон феъл-атворининг қайси жиҳатларини таҳлил этаётирлар, замонавий адабиётда қандай анъана ва тамойиллар бор, деган саволлар туғилади. Албатта, шу саволларга жавоб топиб, уларни адиларимизга ва кенг китобхонларимизга етказсак, фойдадан холи бўлмайди.

2003 йил, июнь

КУНЧИҚАР МАМЛАКАТ МҮЖИЗАЛАРИ

— Абдулла ака, аввало, зиёратлар қабул бўлсин...

Сиз Японияда юрган пайтингизда матбуотда “Жаҳон” агентлиги тарқатган бир хабар босилди. Унда сизга Япониянинг Хачиоджи шаҳридаги Сока университети профессори унвони берилганлиги ҳақида ёзилганди. Японияга ушбу воқеа бўйича таклиф этилганмидингиз? Ёки сафардан кўзланган бошқа мақсадлар ҳам бормиди?

— Сока университетидаги учрашув сафар дастуридаги тадбирлардан бири эди. Японияга мен жуда кўп режалар билан борган эдим. Маълумки, утган иили Юртбошимиз Ислом Каримов Японияга расмий ташриф билан борганларида кўп соҳалар бўйича ҳамкорлигимизни, жумладан, адабий соҳалардаги алоқаларни кенгайтириш кераклигини таъкидлагандилар. Японияликлар ҳам ўзаро ҳамкорлигимизни қўллаб-қувватлаган эдилар. Ўшанда мен Японияга боришни, шу вазифалар рўебга чиқишида ёзувчиларимиз ҳам ҳисса қўшишини ўйлагандим. У ерда “Япония жамғармаси” мавжуд, у жуда нуфузли жамғарма. Илмий, адабий ёки санъат соҳасидаги алоқалар ҳам шу жамғарма орқали бажарилади. Японияга сафаримни ҳам ушбу жамғарма таъминлади. Бунда Япония элчиси жаноб Каватонинг хизмати катта бўлди.

Сафарим 15 кунга мўлжалланган булиб, ҳар бир кун, соат, дақиқаларгача белгиланган эди. Япониянинг иирик-иирик шаҳарларида бўлдим, университетларида учрашувлар ўтказдим. Етакчи ёзувчиларию ноширлари, жамоат ва давлат арбоблари билан кўришдим, ўзбек адабиётидан таржима қилган таржимонлари билан учрашдим. Таассуротлар катта.

— Япониянинг жуда тараққий этган мамлакат эканлигини яхши биламиз. Дастреб нималар эътиборингизни тортди?

— Таассуротларимдан дастребкиси шундан иборатки, японлар бизнинг ҳалқимизга жуда катта ҳурмат билан қаарар экан. Бизнинг Президентимизни ниҳоятда ҳурмат қиласканлар. Мамлакатимиз имкониятлари ҳақида чукур маълумотга эга эканлар. Барча-барча соҳаларда улар Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиш истагида. Улар бизни

ўзларига ниҳоятда яқин ҳалқ сифатида қарайдилар. Бир сұхбатда мендан “бизнинг адабиётимизда қуёш ва аёл тимсоллари етакчи, сизлардачы?” – деб сұрашди. Бизнинг адабиётимизда ҳам аёл мавзуси, ёруғлик, яхшилик, олижаноблик, назокат мавзулари устувор. Она ҳақида ёзмаган бирон шоирни топиш қийин, – дедим.

– **Турмуш тарзидаги қай жиҳатлари бизга яқинроқ?**

– Күпчилик ҳолаттарда... Жуда яқинлик, хонтахта атрофида ерга тұшак ёзіб үтирадилар, айрим сүzlари ҳам жуда ўхшаш. Масалан, ота, күкрак каби сүzlар учрайди. Япон олимлари билан сұхбатда бир мулоҳазани айтишиди. Жуда ҳам қадим замонларда инсоният у еқдан бу ёққа күчиб юрган вақтларыда бизнинг аждодларимиз бирга юришганлар. Кейинчалик биз бу ерга, улар эса Шарққа, шу оролга кетишган. Қандайдир ҳақиқат борга ўхшайды, бу гапларда. Чunksи, урф-одатларимиз, күнглимиz бир-бirimizgа жуда яқин. Илмий, тарихий, лингвистик тадқиқоттар ушбу тахминларни эътироф этади.

Кейинги давларга назар ташлайдиган бўлсак, яқинлигимизни исботлайдиган бошқа мисолларни ҳам учратамиз. Иккинчи жаҳон урушида япон ҳарбий асиrlarининг кўп қисми Ўзбекистон ҳудудига жойлаштирилган. Улардан ҳозир 43 нафари ҳаёт экан. Уларнинг кўпчилиги Япония-Ўзбекистон дўстлик жамияти аъзоларидир. Улар Ўзбекистонда утган ҳаётларини эслаб, ҳалқимиздан миннатдор. “Курилишларда ишлаётганимизда ўзбек ҳалқи бизни очдан ўлиб кетмасин деб соқчиларнинг кўзларини шамфалат қилиб, деворлардан ошириб, бизга нон, туршак, майиз беришарди. Кейин бизнинг қабрларимизни ҳам ўзбек ҳалқи ҳеч қачон таҳқирлаган эмас. Мозорларимизнинг атрофини ўзбеклар қабристони ўраб олган, гўёки ўзининг бағрига олиб турғандек...” Улар яна бир воқеликни жуда миннатдор бўлиб, ёдга олишли. “Навоий” театрини бизнинг японлар қуришган. Театр биносидаги лавҳада японлар асир дейилмаган, бу лавҳанинг биринчиси сизнинг давлат тилингизда, иккинчиси япон тилида, кейин эса инглиз, рус тилларida ёзилган. Биз ўзбек ҳалқидан, жаноб Каримовдан бир умр миннатормиз.”

Дарҳақиқат, японлар билан ўзбеклар ўртасида ҳеч қачон совуқчилик тушмаган. Қадим замонларда ҳам, ҳозир ҳам орамиздан қора мушук ўтмаган ва иншоолло

утмагай. Японлар бизнинг мустамлакачилик зулмida яшаганимизни, халқимиз ўзлигини, гурурини сақлаб қолганини яхши билишади. Японлар бизни Марказий Осиёда энг қадимий, энг маърифатли халқ, деб эътироф этишади. Буюк боболаримиз обрў-эътиборларини эъзозлашади. Сурхондарёда япон ва ўзбек археологлари олиб бораётган ишлардан ҳам улар яхши хабардор. Тошкентда бунёд этилган “Япон боғи” уларга маълум. Ҳамкорликда үнлаб қушма корхоналар ишләётгани, бу стратегик щерикчиликнинг янгидан янги қирралари кўзга ташланаётгани ғоят қувонарли ҳол эканлигининг гувоҳи бўлдим.

— Кетишингиздан олдин Японияда бобомиз Алишер Навоийга ёдгорлик қурилишини маслаҳатлашиб курамиз дегандингиз. Бирор тўхтамга келиндими?

— Сока университети президенти жаноб Икеду XX асрнинг йирик файласуфларидан ҳисобланади. Олдин ҳам мен у одамдан хатлар олганман. Унинг айрим шеърларини таржима ҳам қилганман. Университет навоийхонлик кечасини ўtkазиб тураркан. У ерда Рембрант, Микеланжело, Толстой каби улуғларнинг ҳайкаллари бор. Улар қаторида бобомиз Алишер Навоийнинг ҳам ҳайкалини қўйишишмоқчи.

Шу ўринда Япониядаги элчимиз Мирсобит Очилов Навоий ҳайкалини ўрнатиш масаласида кўп елиб-юрганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Ўзбек ҳайкалтароши ҳозир иш устида. Шунингдек, Навоий асарларини япон тилига таржима қилиш юзасидан ҳам келишиб олдик. Бошқа кўп ёзувчиларимиз асарлари ҳақида ҳам гапириб бердим. Уларга япон адабиётидан қилинган таржималар ҳақида айтдик, курсанд булишди. Агар Япония мавзуси сизларни қизиқтирса, марҳамат ёзувчиларингиз, таржимонларингиз келишсин, ёрдамизни аямаймиз, дейишиди.

Яна бир гап, уларда Нара деган шаҳар бор. Япониянинг биринчи пойтахти. Кейингиси Киото, ҳозиргиси Токио. Нара шаҳри билан Хива шаҳрини биродарлаштириш масаласида элчимиз иштирокида анча суҳбатлашдик. Нара шаҳрининг мэри жуда ақлли, яхши одам экан. Ўзбекистон ҳақида хайриҳоҳлик билан жуда кўп нарса сўради.

— Абдулла ака, ўзбекистонлик тадбиркорлар, талабалар билан ҳам учрашибсиз деб эшитдим...

— Осако деган иирик шаҳарда Ўзбекистон ресторани бор. У ерда узбекча сўзаналар дейсизми, карнай-сурнайми, дуторми, танбуру чилдирма осиглиқ турибди. Хонтахталар атрофида лулаболишлар... Айтишларича, кунига 50-60 хўранда ташриф буюаркан. Тўйлар ҳам бўларкан, албатта узбек таомлари тортиларкан.

Токио университетида катта адабий учрашув бўлди. Элчимиз билан бирга бордик. Ўзбекистонга келиб фан номзодлигини ёқдаган олимлар, жумладан, Фитрат ижоди бўйича илмий иш олиб бораётган мутахассислар, тилшунослар ҳам йифинда қатнашди. Бизда уқиб кетган япон ёшлари жуда катта иштиёқ билан узбек тилида саволлар беришди ва узбек тилида мен билан суҳбатлашишди.

“Япония жамғармаси” президенти жаноб Фудзи билан учрашув ҳам мароқли бўлди. Бизнинг сафаримизни юштирган бу киши жуда доно ва кўпни кўрган зот экан. Унинг айтишича, тарихда Япония бир муддат ҳарбий юшмалар таъсирига тушиб қолган. Кейинчалик асосий эътиборни иқтисодни ривожлантиришга, ички бозорни ўз маҳсулотлари билан тўлдиришга қаратган. Замонавий технологияни яратишга жиддий киришилган. Шу орқали жаҳонда ўз ўрнига эга бўлган.

Япония ҳозир дунёдаги энг тараққий этган давлатлардан бири. Айни пайтда режаларингиз қанақа дея сурадим. “Биз энди интеллектуал экономикани яратишими керак”, деди у. Менимча, бу жуда ҳам муҳим гап. Интеллектуал экономика... Уни ўзбекчада нима дейиш мумкин? Иқтисодий салоҳият, ақл-заковат чўққисими?...

— Қадимда лемурлар, атлантлар цивилизацияси ўтган. Улар ақл-фикр кувватидан фойдаланишни ўрганиб, мўъжизалар яратишган. Японларнинг ҳозирги орзулари ўшаларни эслатмайдими?..

— Япон мўъжизаси ҳақида мен кўп эшигандим, уқигандим. Кунчиқар мамлакатида бўлганимда эса мен Япония мўъжизаларини янгидан кашф қилдим. Япония мўъжизаси — бу юртнинг зийрак, тиришқоқ, истеъдодли, хушфеъл одамлари экан.

Жаноб Фудзи билан узоқ суҳбатлашдик. Ўзбекистонда улар жамғарма бўлимини очиш ниятида эканлар. Бу жуда ҳам муҳим. Бу дегани бирор масала юзасидан Японияга бориш шарт эмас, Тошкентнинг ўзида уни битказиши мумкин деганидир.

— Телефонда гаплашганимизда Япониянинг Ўзбекистондаги олдинги элчиси Накаяма хоним билан ҳам учрашганингизни айтгандингиз...

У билан бир неча бор сұхбатлашдим. Опамиз учрашувларимизда ҳам қатнашди. У доимо Ўзбекистон ҳақида меҳр-муҳаббат, ҳурмат билан жүшиб гапирап эди. Накаяма хоним “Ўзбекистонда ўтказган даврим, ҳаётимдаги энг баҳти кунларим, умрим охиригача ёдимдан чиқмайдиган кунларим бўлди”, деган гапларни кўп айтаркан. Президентингизга менинг саломимни, эҳтиромимни етказинг, деб тақрор-тақрор илтимос қилди. Ҳозир Накаяма хоним Япония ҳукуматида маҳсус маслаҳатчи экан.

Киото шаҳрида “Бобурнома”ни япон тилига таржима қилган олим Эйжи Мано билан учрашдик. У Ўзбекистон тарихи ҳақида ҳаяжонланиб сўзларкан, “Бобурнома” нашрини жуда қадрлашини билдириди. Янги нашрдан беш-олти нусха юборишимизни илтимос ҳам қилди.

— Абдулла ака, Японияга биринчи боришингиз бўлса керак? Дастребки таассуротларингиз қанақа бўлди?

— Мен 15 кун давомида уларнинг телевидениесида зўравонлик, ваҳшийлик тўғрисидаги, шарм-ҳаёсиз фильм ёки кўрсатувни учратмадим. Уларда назокат, эзгулик ниҳоятда қадрланар экан.

Яна бир эътибор берганим, одамларнинг рангги тоза. Кўчаларида чиқиндиларни кўрмадим. Улар жуда самимий, кунгли очиқ, камтар одамлар. Ўзбекча қилиб айтганда, олифтагарчиликни билишмайди.

— Сиз Токиодан телефон орқали “Карвон” сарлавҳали тўртликни узатгандингиз. У қандай туғилганди?

— Бир вақтлар, шўро замонида Америкага боргман. Ўшанда бизга уқтиришиб, баланд-баланд иморатларга маҳлиё булиб қараманглар, чиройли нарсаларга тикилиб қолманглар, дейишган. Кейинчалик англадимки, бошқаларга нописанд қараш, ўзгалар ютуғини тан олмаслик шўро салтанатининг сиёсати экан. Биз ундеймиз, биз бундаймиз, эртага коммунизм қурамиз, дея ваъзхонлик қилинаркан. Охир-оқибат нима бўлгани ҳаммага маълум. Ҳозир совет империясидан қутилган миллатлар, элатлар тараққиётни янгидан бошладилар. Ҳозир бизнинг болаларимиз хорижда ўқишаётпти, улар кўп нарсаларни ўрганишяпти.

Японияда ўқиётган ёшларимиз билан бўлган учрашувда уларга Беруний бобомизнинг бир гапини айтиб

бердим. Яъни: “Эй фарзанд, сен бобонг қурган иморатга бир ғишт қўйгин, шунда бобонгнинг ишини давом эттирган буласан”.

Мана энди Ўзбекистон катта йулга чиқди. Шуро замонида утираверган эканмиз-да!..

— Абдулла ака, нима деб ўйлайсиз, хорижда, жумладан Японияда ўқиётган болаларимиз ота-оналари уларга умид билан қарашаёттанини, эртанги кунимизни уларга ишонганимизни ҳис этишаяптими?

— Талабаларимизни элчихонамизга тұпладик. Самимий сұхбатлашдык. Сизлар бу ерларда үрганғанларингизни юртда амалга оширасизлар, шунинг учун Президент ишониб сизларни бу ерларга юборди, дедик.

Тұгриси, бу учрашувдан жуда хурсанд бұлдым, фурурландым. Болаларимизнинг кайфияти яхши. Ҳар бирлари тезроқ үқишни битириб, Ватанга қайтиб, әлга хизмат қилишни ўйляяпти.

— Абдулла ака, мана сиз Япониядан келганингизга бир ҳафтача бўляяпти. Таассуротлар тиниклашгандир. Япон халқи шаънига нималар дейишни истайсиз?

— Япониянинг бу қадар юксалишига бириңчи галда ўзини ўзи танигани олиб келди. Иккинчи, яна бир муҳим ютуғи уларнинг ҳамжиҳатлигига. Япон халқи тараққиётда ўзининг иулини топиб олган халқ.

Юртбошимиз айтғанларидек, әл бир бутун бұлса, мақсад бир бұлса, Ватан манфаати йулида ҳамма фидойи бұлса, миллат ҳеч кимдан кам бўлмайди. Бунинг мисолини жумладан Японияда курдим.

— Абдулла ака, табиийки, муҳлисларингиз сиздан янги шеърларни кутишади.

— Ижодкорлар қаерда булмасин, қалам-дафтарини енида олиб юради-ку. Мен у ерда кўпгина шеърлар ёздим...

— Киши Ватандан узоқда юрганда ўз юртини энтикиб эслайди. Юрт билан боғлиқ ҳар бир воқеадан ҳаяжонланади. Японияда юрганингизда Ўзбекистон билан боғлиқ энг таъсирчан ҳолат ҳақида гапириб берсангиз?

— Киото шаҳрида булганимда ярим тунда телефон жиринглади. Телефон гўшагини кўтартсам: “Бобожон, яхшимисиз!” деган сўзларни эшишиб ғалати ҳолга туш-

дим... У менинг 12 ёчли набирам Шоҳруҳнинг овози эди... Бу овоз дунё билан гаплашиш имконига эга бўлган янги Ўзбекистоннинг овози эди!..

2003 йил, июль

ВАТАН ИЧРА ВАТАН

Менинг бу жойларга келмоғим ҳам шарт, ҳам фарз. Одатдагидек, яқинда ҳам Қашқадарёга бордим. Наинки қадим дунёни, балки бугунги буюк сиймоларнинг ҳам меҳру муҳаббатини жалб қилиб турган авлие шаҳар – “илму адаб қуббаси”га қадам қўйдиму бобо юртим Шаҳрисабз манзараларини юксакдан туриб кузатгим келди.

Вертолёт ҳайдовчиси ёшгина ўзбек йигити экан.

– Ҳай, ука! – дейман. – Бу машинадан қўрқмайсанми? Унинг ғалати қилиқлари йўқми!

– Биз ўқиганмиз, Абдулла ака, – дейди у кулиб. Унинг моҳирлигига қойил қола-қола, бобомизнинг муҳташам ҳайкалию улуғ Оқсаройни, бетимсол Шаҳрисабзни кўкда уч марта айланиб кузатдим. Беихтиёр кўзимдан тирқираб ёш чиқди. Негаки, катта муҳит орасида Оқсарой самовий бир обида сифатида кўзга яққол ташланиб турарди. Унинг шундоқ рўпарасида шу юртнинг буюк фарзанди Амир Темур ҳазратларининг салобатли ҳайкали. Атроф гулзор, хиёбон. Айниқса, вертолётдан қараганда бу манзара мутлақо бошқача кўринар экан.

Мен “пирилдоғи”ни чапдастлик билан бошқараётган укамдан “Яна бир айлантири”, деб илтимос қилдим. Менинг ниятим аён эди. Худди ана шу буюк ҳайкал ҳамда Оқсарой рўпарасида Шаҳрисабзнинг 2700 йиллик тўйини нишонлаётиб, Юртбошимиз ёнида утириб, ушбу унutilmas манзарага назар ташлаганим, бу муҳгашам ўлка тарихию унинг бугуни ҳақида ўйлар сурганим хотирамга тушди.

Ўшанда Президентимиз Шаҳрисабзнинг 2700 йиллиги муносабати билан гапираётиб, ўзлари ишлаган, синашта Қашқадарё халқи ҳақида унutilmas гапларни айтган эдилар: “Мендан бу юртнинг энг ҳақиқий бойлиги

ҳақида сұраса, ҳеч иккіланмасдан, Яратганинг назари түшгән бу юртнинг асосий бойлиги мана шу заминда яша-ётган бағри кеңг мард ва ориятли, күп-күп қийинчилик ва синовларда тобланған, яхшиликни ҳеч қачон унутмайдыган Қашқадарё эли ва халқи, деб жавоб берған булур әдим.

Мен сиз, қашқадарёлик қадрдонларим билан елкама-еика, ҳамфир бўлиб меҳнат қилған, ҳаётимнинг азиз дамларига айланған кунларимни ҳеч қачон унутмайман. Ўша мураккаб даврда сизлар менга билдирган ҳурмат ва ишончни, таъбир жоиз бўлса, менга қанот берганингизни умрбод миғатдорлик билан эслайман”.

Юртбошимизнинг ушбу сўзлари вилоят халқига бир умр қанот булишига шубҳа йўқ.

Қашқадарё, менинг назаримда, иккита нуқтаи назар билан қарашга арзигулик диер. Биринчиси – унинг ўтмиши. Бу, албатта, ҳазрат Соҳибқирон, қолаверса, Кешу Насаф тарихи. Иккинчиси, бу вилоятдан истиқдол фояларини қалбига сингдирған яна бир улуғ зот чиқди. Ушбу тарих бевосита Мустақиллик ва Ислом Каримов сиймоси билан боғлиқ. Юртбошимизнинг Қашқадарё вилоятидаги фаолияти ҳақида яратилиши керак бўлган тадқиқотлардан бири Поён Равшановнинг “Қашқадарё: истиқдол арафасида”асари бўлди.

Мамлакат раҳбарияти ушбу вилоятни ҳеч қачон эътибордан четда қолдириған эмас. Ўзим гувоҳман: айрим раҳбарларни ишга қўяетиб, Юртбошимиз: “Бир йилдан сунг ишнинг натижасини сизлардан сўрайман”, – деб айтардилар. Афсуски, ушбу юксак ишончни ҳар ким ҳам оқладай олмади. Бунинг сабабини юртдошларимдан сураганимда улар: “Биз улуғ раҳбарларни кам кўрдик. Аввал-гиларнинг фожиаларию қийинчиликларини енгид, бизга йўл қўрсатган Ислом Каримов бўлди”, – дейишди.

Мен Қашқадарё тупроғида туғилған бир одам сифатида айта оламанки, бу халқ ҳалолликни ниҳоятда яхши кўради. Поён Равшановнинг “Қашқадарё: истиқдол арафасида” китобида бир лавҳа бор. Унда айтилишича, Ислом Каримов Қашқадарёдан “Ўзбекистон раҳбари сифатида Тошкентга йўл олганида узи билан олиб кетган бор “кўч-кўрон”и “Волга”нинг орқа юкхонасига жой бўлган, у ҳам бўлса, кийим-кечак ва китоблар эди холос”.

Қашқадарёликлар бундай пок ва ҳалол инсонни унутмайди ва умрбод қадрига етади. Юртбошимиз ҳам

ҳанузгача қашқадареликларни, унинг оддий меҳнаткаш одамларини эсга олиб турадилар. Бу ўринда уларнинг вазифаси, миллатининг мутлақо аҳамияти йўқ. Мироб Мұхаммад Рузиев, чорвадор Ҳайит Оқмаматовларнинг номларини айтиб ўтишим мумкин. Қашқадарёга йўллари тушганда эса, албатта, Шаҳрисабзга тушиб ўтадилар. Ҳуллас, ислоҳотлар, мафкура, жамият муаммолари бутун мамлакат миқесида қандоқ назарда турган бўлса, жумладан Қашқадарё ҳам Юртбошимизнинг муттасил эътиборларида турибди.

Президентимиз инсон учун маънавий қашшоқлик кулфат эканлигини доимо уқтириб келадилар. У киши Қашқадарёга кейинги келганларида ҳам иқтисод ва бунёдкорлик соҳасидаги ютуқларни, яқиндагина 2700 йиллигини нишонлаган шаҳарни янада ободонлаштириш борасидаги ишларни таъкидлаган ҳолда маънавий камолотга етишиш зарурати, одамларни маънан ва руҳан уйғотишга эътиборни жалб этдилар. Дарҳақиқат, ифодали қилиб айтганда, пул топсангу ақл топмасанг, ақл топсангу уни ишлатадиган йўриқ топмасанг, қийин-да.

Хуш, Қашқадарё ўзининг нимаси билан машхур?

Биринчиси – газ. Сўнг паҳта. Паҳтакорларимиз мудом бир гапни такрорлайдилар: “Паҳта одамнинг ўзига ўхшайди”. Унга қарамаса бўлмас экан. Сал эътибор қиласангиз сўлиб қолади. Эркалик қилади...”

Миллион йиллик суз эрур
Паҳта бизнинг лугатда.
Жўякларда бошланган
Оналар тўлғоқ дарди.
Мабодо ўсимликка
Забон битса, албатта,
Паҳта нави даставвал
Ўзбекча гапиради.

Яқинда Вазирлар Маҳкамасининг “2003 йил ҳосили паҳта хом ашёсини сақлашни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Дарҳақиқат, паҳта ўзбекнинг боласи. Ҳукумат қарорида кўрсатиб ўтилган баъзи мисоллар кишида ниҳоятда ноҳуш таассурот уйғотади. Айрим чегара туманларида баъзи кимсалар ҳалқ мулкини – паҳтамизни бели оғримаган қўни-қўшниларга пулламоқда эканлар. Ё алҳазар! Одамлар

пахтани ҳам үгирилашга қўл урибдими – бу фоят ёмон аломат! Бундай кўнгилсиз воқеалар Қашқадарёда учрамаган ва учрамасин ҳам.

Мен камтарин бир ижодкор сифатида қулимга қалам олибманки, жумладан пахта ҳақида ҳам ёзиб келаман. Бу табиий. Чунки унга халқимизнинг фидойи меҳнати, кўз нурию армонлари сингиб келаётир. Шу боис ҳар йили пахта мавсуми ҳеч биримизни лоқайд қолдирмайди. Албатта, қашқадарёликларнинг ҳам мамлакат олдида юзини янада ёруғ қиласиган омиллардан бири пахтадир. Қашқадарёдаги пахтачиликнинг ривожи бутун вилоятдаги умумий ишлар, ислоҳотлар даражаси билан боғлиқ. Жумладан, ўтган йили ҳам Қашқадарёда пахта учун астойдил меҳнат қилингану, бироқ йиғим-терим техникасини сафарбар этишга эътибор берилмаган. Оқибатда терим мавсуми чўзилиб кетиб, қиши-қировли кунларгача одамлар, талабаю ўқувчилар даладан чиқолмай қолган. Бу ҳолнинг маънавий, ахлоқий, сиёсий жиҳатини ўйлаб кўрсангиз, даҳшатга тушишингиз мумкин. Ахир худди шундоқ манзаралар собиқ тузум вақтида содир бўлганлигини надомат билан эслаб турардик-ку. Шунинг натижасида ер ҳам шудгордан қолиб, келаси йил экин-тикинига зимдан зарба урилган.

Қашқадарёликлар шундай бир шароитда бу йилги пахта тараффудини кутиб олган эдилар. Бунинг устига баҳор ҳам кечикди. Ҳўш юқорида айтиб ўтилган асоратлардан қутулиш учун нима ишлар қилинди? Албатта, меҳнат, лекин у оқилона меҳнат эди. Фермерларга эрк берилди. Деҳқоннинг ҳурмати жойига кўйилди. Оқибатда мўл ҳосил етиштирилди. Ана шу ҳосилни йиғиштириб олиш учун катта меҳнат бораётган айни кунларда кўплаб туманларда бўлдим. Қашқадарё пахтакорларининг ҳаёти билан боғлиқ бугунги манзаралар бундоқ: даставвал терим машиналарига кенг йўл берилгани кўзга ташланиб турибди. Машиналарнинг пахта тергани учун деҳқон тўлайдиган маблағ эса чора-тадбирлари топилиб, тенг ярмига арzonлаштирилибди. Масалан, Ўзбекистон Қаҳрамони Муродулла Саидов раҳбарлик қилаётган “Жейнов” жамоа-ширкат хужалиги ўтган йили терим машиналаридан деярли фойдаланмаган экан. Бу йилги мавсумда Муродулла ака ўзларидаги терим машиналарига қўшимча сифатида бош-

қа туманлардан ҳам “Кейс”ларни олиб келди. Бунинг натижасида баъзи қунлари йиллик режанинг ўн бир фоизигача миқдорда пахта тайерланди. Йиллик режа ўн саккиз кунда бажарилди. Саккиз минг тоннадан ортиқ ҳосилнинг ҳаммаси аъло навли пахта эди. Бундай интилишни “Миришкор” жамоа-ширкат хўжалиги мисолида ҳам кўрдик. Вақтдан ютиш, ҳосилни ўз вақтида, нобуд қилмасдан йиғиштириб олишдан келадиган тушум, нақд фойда эса ҳалқники.

Президентимиз муттасил равишида фермерлик ҳарекатини кенг қулоч ёйдиришга эътибор бериб келадилар. Фермернинг ҳаётимиздаги ўрни фахрий меҳмонникига ўхшаб қолмаслиги керак. Фермерлик қийинчиликни ҳам, муваффақиятни ҳам бошқалар билан баб-баравар елкасига кутарувчи жабҳадир. Мен Нишон туманидаги иккита фермер ҳақида гапиришни хоҳлардим. Уларнинг бири Тўра Раҳмонов. У аллақачон режаларини уддалаб қўйганига қарамай, айрим далаларидан гектарига етмиш центнерга етказиб хирмон кўтарди. Пирмат Каримов эса биринчи теримнинг ўзидаёқ қирқ центнердан ҳосил олди. Булар фермерликнинг нонини ҳалол еяётган ҳақиқий ер фарзандлари. Улар тупроқнинг тилини билишади. Шунинг учун ҳам замин улардан баракаси, саховатини дариф тутмайди. Вилоят ҳокими уларга ерларга яна ер қўшиб олишни, хўжалигини кенгайтиришни тавсия этди. Улар зироатчилигимизнинг хосиятли қалдирғочлари дидирлар.

Иншооллоҳ, юқорида биз санаб ўтган омиллар натижасида вилоят хирмони орзу қилинганидек юксак бўлар. Бунинг натижаси эса жуда ҳам жозибалидир. Яъни ҳалқимизнинг дастурхони яна ҳам тўкин булади. Дехқон ва унинг фарзандларининг китоб ўқиш, саёҳат қилиш, дам олиш, даволаниш, уй-жой қуриш, тўйлар қилишга вақти бемалол бўлади. Узун тунлар гап-гаштак билан Алпомишхонлик қилишга, курашу кўпкарини қизитишга нима етсин.

Хозир қашқадарёликларнинг руҳияти баланд. Вилоятга шу жойда униб ўсган Нуриддин Зайнев раҳбар қилиб қўйилди. Ундан Қашқадарё ҳалқи рози. Ҳамманинг мақсади Юртбошимиз қўйган вазифаларни бажариш. Вижданан бажариш. Бир замонлар мен эшитувдимки, Усмон Юсупов Ўзбекистонга раҳбарлик қилган йилларда

бундай деган эканлар: “Агарки, бирор вилоятимизга үз аравасини үзи тортиш тұғри келса, бу ишни ягона Қашқадарे вилоядын уддалаган бұларди”. Бугун энди, албатта, замонлар үзгарды.

Бугун воҳада иқтисодий ва маънавий-маърифий жабхада руебга чиқарилаётган ишларнинг бутун манзараси кўз олдимда. Мана биттаси: вилоят кутубхонасининг янгидан таъмирланиб, қирқта компьютер, кичик босмахона, нусха кўчириш техникалари, бой китоб фонди билан таъминлангани, Интернет орқали жаҳон кутубхоналарига боғлангани – бу Қашқадаре маънавий ҳаётидага мисли кўрилмаган воқеа. Қарши Давлат университетининг компьютер мажмуида эса дунёдаги исталган мамлакатнинг энг машҳур дорилғунулари билан, уларнинг бой китоб заҳиралари билан бир зумда алоқа боғлаш имконияти яратилган. Кўқдалада янги коллеж биноси фойдаланишга топширилди. Чиялда қуриляпти. Шахрисабзда эса ёшлар спорт мажмуи қад росламоқда. Шахрисабз – жаҳоннинг кўрки бўлган шаҳар. Оқсарой яққол кўзга ташланиши учун унинг атрофидаги кўчалар кенгайтирилмоқда. Ўйсозлик равнақ топиб, янги турар жойлар қурилиши изга тушиб бормоқда.

Қашқадарёни биз қадимият ўлкаси, дедик. Китоб туманининг Хўжа Илмконидаги бетакрор коризлар. Қаршидаги кўхна Еркўрғон, Муборакдаги машҳур Занжирсарой қадри бир-биридан қолишмайдиган табаррук ёдгорликлардир. Шахрисабзга-ку тариф йўқ. Икки оғиз сўз Насаф ҳақида. Ҳозирги маълумотларга қараганда, ўрта асрларда ушбу шаҳарда юздан ортиқ Насафий нисбалик алломаю ижодкорлар утган экан. Бу хусусида юртбошимиз айтган мана бу сўзларга эътибор берайлик: “Ҳар қандай юрт ўзининг буюк фарзандлари, шу заминда яшаб ўтган азиз авлиёлари билан табаррук ва муқаддасдир. Қашқадарё заминида бундай инсонлар жуда кўп ўтган. Биргина қадими Насаф шаҳрида ўнлаб фозил зотлар етишиб чиққани бунинг ёрқин далилидир. Афсуски, бу улуғ зотларнинг номларини, уларнинг бебаҳо меросини ҳали купчилик билмайди. Қашқадарё воҳасида камол топган мана шундай улуг аждодларимизнинг тарихини, фаолиятини, маънавиятимиз хазинасига қўшган ҳиссасини ҳар тарафлама үрганиш, тарғибу ташвиқ қилиш олимларимиз, биринчи галда, қашқа-

дарёлик зиёлиларнинг бурчидир". Таниқли арабшунос олим Убайдулла Уватовнинг китобида Абу Ҳафс ан-Насафий, Абул Муъйин ан-Насафий, Абул Барокат ан-Насафий, Абул Ҳасан ал-Паздавий каби ўнлаб машхур алломаларнинг илмий мероси тадқиқ этилган. Қаршининг номи унчалик қадимий эмас. Бу номни шаҳарга XIII асрда мўғуллар қўйган. Азалда эса у Нахшаб деб аталган. Шаҳар VII асрдан буён Насаф деб юритилган.

Фикримизча, шаҳар ўзининг дунё илм хазиналарида сақланаётган ана шу қадимий номи билан аталса жоиз бўларди. Қашқадарё Амир Темур ватани. Вилоят ҳам шу улуғ номга сазовор, десак янгишмаймиз.

Мамлакат вилоятлари бўйсирасида ўз обру ва эътиборига эга булган Қашқадарё катта йўлга чиқиб олаётганига ишонгим келади. Модомики, унинг истиқболи мамлакат истиқболи билан эш экан, унинг ҳар бир қадамига омад тилаймиз.

2003 йил, октябрь

ФАҚАТ УЙҚУДА ТИНЧ БЎЛИШИМ МУМКИН!

— Катта муваффақиятларни қўлга киритган, юқори чўққиларни забт этган, шону шухратнинг таъмини татиб кўрган инсонсиз. Ана энди кўп йиллик меҳнат ҳосилининг баракасидан баҳраманд бўлиб, маънавий ҳордиқ чиқариш вақти келди... деб бошқалар ўйлади, аммо Сиз яна енг шимариб, ўзингизни ишга урдингиз. Нимага?

— Ижодкор одам учун “дам олиш куни ва таътил” деган гап ҳеч қачон бўлган эмас. Масалан, бирор-бир шоир: “Бугун якшанба, мен бугун шеър ёзмайман. Бугун мен ҳаётдан узилганман” деб айтмайди-ку. Ижодкор учун ижод — бу фалончи кундан пистончи кунгача бўлган ижодий “командировка” эмас.

— Яна бир савол “нимага” сўзи билан боғлиқ. Болалигинизда, ўспиринлигинизда, ёшлигинизда қандай уйхаёллар Сизни қўйнарди ва “нимага” деган саволга жавоб топишга ҳаракат қиласмидингиз?

— Болалик вақтимда кўпроқ хаёл сурар эдим. Юлдузларни, кенгликларни яхши кўрардим. “Нимага?” деган

саволларни эса үзимга кейинчалик бера бошлаганман. Тошкентга ўқишига келганимда, бу савол мени қайтакайта қийнайверарди. “Сароб” деган шеъримда бу ҳақда ёзганман. Китоблардаги ҳаёт ва бизнинг ҳақиқий ҳаёт тамоман бошқа-бошқа экан. Шунда менинг фифоним чиқиб, “Нимага?” деган саволни кўп берганман. Нимага? Масалан, китобларда менинг она тилим, гүёки, хурматли тил деб ёзиларди. Ҳаётда эса мен тамоман аксини курдим. Нимага? Китобда ҳамма одамлар яхши деб ёзиларди, ҳаётда қарама-қарши вазиятга дуч келдим. “Нимага?” деган савол яна туғилди.

Саволларимга жавоб топа олмасдим. Шундан сунг бари шеърда қуюлиб келди. Менимча, одамга бошидан ҳаёт қандай эканлигини айтиш керак. Бу дунё “хурозқанд шимиб” юрадиган дунё эмаслигини маълум қилиш керак. Бу гаплар менга айтилмаган, ҳаётда тамоман аксини курдим. Бир шеърим бор: “Онажоним, мен сенинг қабринг томон тилпиндим. Нетай онажоним, сендан яқин одам тополмадим”. Чиндан ҳам, қай бир маънода, мен онамдан яқин одам тополмадим бу дунёда. Оилада мен кенжа эдим, кўп оғирликларни кўрган эмасман. Умуман олганда, оиласиз ўзига тўқ эди. Ундан ташқари, мен ўсган томонлар катта шаҳарлардан анча узоқ жойлашган эди. Табиатга жуда яқин эдим. Фирромлик нима эканлигини билмайдиган одамлар ичра вояга етгандим. Ўша ерлардан узоқлашганимдан сўнг, бу дуненинг фирромликларига дуч келдим. Бу менга жуда қаттиқ таъсир қилган. Шунинг учун шеърларимда мунг, алам, пессимизм кўп учрайди.

— Узи шоирларни “ҳавои, хаёлпараст” дейишади. Ўн олти яшар бўлган Орипов Абдуллада юқоридаги хусусиятлар бўлганми?

— 16 ёшимда мен Университетнинг биринчи курс талабаси эдим ва ўша ёшимда шаклланган шоир бўлганимни ҳам инкор этмайман. Аммо ҳавои ва хаёлпараст бўлганман деёлмайман. Йўқ, мен умримда гул кутариб, хаёлларга берилиб юрган одам эмасман. Жудаям ҳиссиётга бериладиган, чучмал туйгуларни ёқтирадиган одам ҳам эмасман. Дилемнинг тубида бир нарсани яхши кўришим мумкин. Ҳали-ҳамон шундайман.

Тузум ўзгаради, аммо инсон ўзгариши, қийин. Инсон ўзгариши — бу узоқ жараён. Буни комиллик дейи-

шарди. Минг йиллардан бери инсон комилликка интилган, аммо ҳали етишолмади. Етишиши мумкин ҳам эмас. Шунинг учун муроса қилиб, яшашга тұғри келади.

— **Тахминан 1965-1980 йилларда ижодингиз сербара-ка, илхом чашмаси туганмас эди. Үша өзгеларнинг муваффақияти нима билан боғлиқ бўлган деб ўйлайсиз?**

— Биласизми, у пайтлар ташкилий ишларга у қадар қизиқмагандим. Нашриётда мусаҳҳиҳ бўлиб ишлаган вақтларим ҳам, иш мен учун бор-йўғи мажбурият эди, қаердадир ишлаш керак бўлгани учун ишлардим. Ҳар куни битта-иккитадан шеър ёзардим. У вақтлар жуда яхши гонорар тұлашарди. Биласизми, иккита шеърнинг пуллига битта қуй берарди (*кулади*). Яна пулни деб шеър ёзган экан деб ўйламанг.

Одамлар илхомни “қанот қоқиб кетган фаришта” деб ўйлайди. Бекор гап! Мен учун илхом — изтироб. Илхом — фожиа ҳам. Қалбни қузғатган нарсани илхом деб атаса бўлади. Қизиқ, нимага уни гўзал қилиб “илхом” дейилади? Ахир у одамнинг қалбини тилиб, уни мувоза-натдан чиқаради. Ана шу илхом бўлади!

Ўзига илхом ахтариб юрган шоирларни эса ижодкор деб ҳисобламайман. Улар гўёки қўлга тўрва кўтариб, дала-да машоқ териб юрганларга ўхшайди. Бундай “илхом ахтариш” сохта йўлдир. Агар ҳаётнинг ўзи билан аралашиб яшаса, натижада бир нарса чиқиши мумкин.

Одам ўзини ким деб ҳисобламасин, умр дея атальмиш дарёга ташланган хас-чўпга ўхшайди. Ана шу дарёнинг тулқинлари қайси томон оқса, сиз ҳам қарши чиқолмаган ҳолда оқим бўйича оқаверасиз. Мен ҳаётда жуда кўп қийналдим. Биласизми нима учун? Мен кўпинча нопок, ярамас одамларга дуч келганман. Қулимга қалам олганимдан то шу қунга қадар қора ҳасад изимдан қолмайди. Айрим вақтларда ўйлайман: “Фақат уйқуда тинч бўлишим мумкин!”

Атрофимда икки турдаги одамлар мавжуд: бири ҳурмат қилиб муомала қиласи (*бу энг яхшиси*), иккинчиси эса мажбурият туфайли. Ҳозир аксарият ҳолларда менга мажбурият туфайли мурожаат қилишади. Нега бундай экан, билмайман. Буни одамларнинг ўзидан сўраш керак. Мен эса билмайман. Бу билан ҳурмат қилиб, севадиган инсонлар йўқ демоқчи эмасман. Улар бор. Ана ўшалар дилимдаги меҳни ушлаб туради.

Юқоридаги барча фикрларим хаёлни ғалаён қилганида, шеър номли кучли уммон ичимдан отилиб чиқади. Балки юқорида қайд этилган йилларда ушбу ғалаён анча кучли бўлгандир?

— Боксчиларнинг қонун-қоидаларига қўра, айни юқори чўққига чиққанида боксчи ўз фаолиятини тутатиши керак. Айтинг-чи, кенг қамровли шеъриятда шундай йўл тутиш мумкини?

— Йўқ, қозонида маҳсулоти тугаб қолган инсонларгина шундай қилиши мумкин. Заҳираси, хурмачаси қуриб қолган инсонлар, одамларга айтадиган гапи қолмаган одамлар шундай қилиши мумкин. Қалб ҳали-ҳамон бор бўлса, каллага чақмоқдайин фикр келиб турса — ёзмай туролмайсиз. Тўғри, баъзи бирорлар шеър ёзиш қонун-қоидаларини билади, қофиялай олади, аммо манбаси қуриб бўлган, ҳеч нарсаси қолмаган. Аммо атайин “Бўлди, булоқни беркитаман. Энди ёзмайман” дейиш нотўғри. Дунёдан таъсиrlаниш сўнса, ялқовлана бошласа, тўхташи мумкин. Дунёдаги ўзгаришларни ўзининг антенналари билан қабул қила олса, радиосини қанақасига учирив кўяди? (*Кулади*).

— Аксарият ижодкорлардан асарлари ҳақида сўрашса, улар: “Энг қизиқарли асаримни ҳали ёзганимча йўқ”, — дейди. “Биринчи муҳаббатим”, “Сен баҳорни согинмадингми?” асарларининг муаллифи ўзининг шоҳ асарини ёзиб бўлдими ёки келажакка ҳам умид боғлаяпсизми?

— Мен асарни “шоҳ” ва “гадо”сига ажратмайман. Ҳаёт нимани буюрса, мен ўша нарсани ёзаман. Ўзи шоир ҳалқи охирги асарини — энг яхши асар дея ҳисоблайди. Эрнест Хемингуэйнинг бир гапи бор: “Мен бир асар ёзишга киришганимда, худди бир йўлбарс билан овда олишгандайин асар билан олишаман. Уни енгиб булгач эса, иккинчи йўлбарс ови ҳақида ўйлагандайин, кейинги асарим ҳақида ўйлайман”. Қаранг, қандай қизиқарли таққослаш. Ахир овчи: “Бўлди энди, овга чиқмайман”, демайди-ку!

Менинг ҳаётимда келажак билан боғлиқ жудаям кўп нарсалар бор. Ҳозир бир пьеса ҳақида ўйлаб юрибман. Инсониятга бўлган бор ғазабимни, нафратимни, ишончимни, муҳаббатимни айтиб кетишни жудаям истайман.

— Сулолангизда ишингизнинг давомчиси борми?

— Йўқ... (қатъяят билан) Йўқ! Ҳатточи фарзандларим орасида. Улар катта шаҳар муҳитида ўсишди, уларнинг қизиқишлари бошқа. Футбол, телевизор, дүсти-биродарлар — уларнинг қизиқишлари шу билан чегараланиб қолади. Балки қалбларида шеъриятга бўлган қизиқиш қачонлардир туғилгандир ҳам, аммо бўлган бўлса ҳам, ҳозир чир сўниб кетган. Уларда поэзияга иштиёқ ва лаёқат йўқ.

— “Одамзот боқий яшашга ҳақли эмас” деган фикрни “Ҳаким ва ажал” асарида олға сургандингиз. У вақтдан буён неча йиллар ўтди, қанча тажриба орттирилди. Ҳозирчи, ушбу мавзудаги фикрларингиз қандай?

— Одамзот мангу яшашга ҳақлимиси? Одамзот қалбини Оллоҳ шундай яратганки, у мисоли бир тўлмаган косага ўхшайди, у ярим қилиб яралган.

Менинг севимли ёзувчим Лев Толстой айтган эди: “Ёзувчи, олимларга ҳайкал қўйишади. Ўша ҳайкал қўйишганда, қўкрагидан тепасига қўйишин, унинг пасти ҳеч кимга керак эмас. Қўкрагидан юқорида эса юрак, онг, тафаккур бор”. Одамзот умр бўйи қўкрагидан пастига қулоқ тутиб, ҳаётини утказади. Одамнинг феъл-атворида, хатти-ҳаракатларида нафс мавжуд. Шунинг учун у фаришта эмас. Тўғри, онг ва тафаккурнинг ўзи мукаммалми деб сўраш мумкин. Йўқ, улар ҳам мукаммал эмас. Ана ўша онгнинг ўзида ҳасад, хусумат вужудга келади. Ҳозир ер юзида кечаетган барча салбий жараёнлар инсоннинг номукаммал эканлигидан.

— Нимага ишониб яшайсиз?

— Авваллари нимага ишонишни ҳам билмасдим. Чорасиз қолганимда муҳаббатга суюниб, шеърлар ёзардим. У ҳам бўлса ёшлиқ, маълум мавсум билан боғлиқ ҳолат эди. Энди атрофимга қараб... (ўйланиб) ... қараб, умуман ишонишга ҳеч нарса йўқлигини кўриб, Оллоҳда тұхтадим. Инсоният учун бошқа чоранинг ўзи йўқ! Аммо бундай холосага келишим учун нимага менга мунчалар кўп қийноқ, азобларни Оллоҳ берганини ҳали-ҳамон тушунолмадим. Лекин бошқа нарсани жудаям яхши тушундим — қўлдан келганча яхши ишни қилиш керак, қўлдан келганча кечиримли бўлиш керак, бағри кенг бўлиш керак!

2003 йил, октябрь

ОЛИЖАНОБ ИНСОН

Кенгга – кенг, торга – тор дунё, дейдилар. Инсон яшар экан, турли соҳаларда фаолият олиб бориши мумкин. Энг муҳими, у ўзи танлаган касбга меҳру муҳаббатини, фидойилигини ва файрат-шижоатини баҳшида этса, ҳеч шубҳасиз, унинг бу саъй-ҳаракатлари изсиз кетмайди. Аксинча, ҳаётда, одамлар орасида қадр-қиммат топади, утган умрига шукр дейди.

Мен бу фикрларни бежиз айтаётганим иўқ. Яқин қадрдоним Оқил аканинг ўтган табаррук умр йўлини хаёлимдан кечириб, шундай хулосага келдим.

Оқил Умрзоқович Салимов улкан давлат ва жамоат арбоби, йирик олим, устоз ва мураббий. Бу мўътабар сиймонинг номи тилга олинганда беихтиёр хаёлимиздан тарихимизнинг машъум саҳифалари, қанчадан-қанча сокин ва шиддатли воқеалар ўтади.

Мен Оқил акани ўтган асрда Ўзбекистон раҳбариятида фаолият юритган йилларидан биламан. Энди маълум бўлдики, имони бут, қалби пок инсонни ҳеч қанақа давр найранглари ўзгартириб юбора олмас экан. Одамларнинг қусури учун ҳамиша ҳам жамият жавоб беравермагани каби жамиятнинг қусури учун ҳам гоҳида айрим одамни жавобгар дейиш ногўридири.

Халқимиз тарихига назар ташласак, баъзи манзаралардан афсус-надомат чекасиз. Айниқса, маҳаллийчилик ва гуруҳбозлик, зулмкашлик ҳамда такаббурлик каби иллатлар ҳар бир кўнгли пок, диёнатли инсонни изтиробга солиши тайин. Бу фикрларни таъкидлашдан муддао шуки, Оқил ака ҳамиша ана шундай қусурлардан устун турган, ҳар қандай вазиятда ҳам юксак инсоний маданиятни сақлаб қола олган мўътабар инсондир. Унинг феълида, муомаласида юксак маданият ва жозиба мавжуд.

Оқил ака XX аср ўзбек халқи тарихида ўз изини қолдирган, собиқ салтанатлар адолатсизлиги қурбони бўлган генерал Жўрабек хонадонида камол топган улуғ зотдир. Шунинг учун ҳам ҳаммага ҳамиша қўлидан келганча яхшилик қилди ёхуд яхшилик тилади. Унинг тили билан дили бир. Оқил ака ниҳоятда холис фикрлайди, ҳар қандай вазиятда ҳам имкон қадар адолатни ҳимоя қилиб келганлар.

Давларнинг турли мураккаб босқичларида Оқил Салимов ёзувчиларимизга ҳам дилдан хайриҳо булиб келганлар. Шу боис адилларимиз ҳам Оқил акага ҳамиша катта ҳурмат билан қарайдилар.

Оқил ака педагог, олим, раҳбар сифатида катта ҳаёт йўлини босиб ўтди. Шогирдлар тарбиялади, олий таълим ривожига катта ҳисса қўшди. Бу соҳадаги ислоҳотларга бош-қош бўлди. Бугун ҳам у киши сафда ва сафимиизда. Истиқолимизни мустаҳкамлаш борасидаги саъи-ҳаракатларда ёшларимизга ибрат ва намуна кўрсатиб, фаолият олиб бораётирлар. Қулимиизни кўксимиизга қўйиб, ҳамиша шундай улуғ булиб қолинг, азиз Оқил ака! – деймиз.

2003 йил, декабрь

ИБРАТ МАКТАБИ

Бундан тахминан бир ярим ой олдин Вазирлар Маҳкамасининг давлатимиз раҳбари Ислом Каримов имзолаган ва Фанлар академиямизга бағишлиланган қарори матбуотда эълон қилинганди эди.

Хукуматимизнинг ушбу эътиборли ҳужжатида Академиямизнинг ҳаётдаги мавқеи юксак баҳоланади. Жумладан, унда ўз илмий мактабларини яратадиган машҳур олимларимиз борлиги таъкидлаб ўтилди.

Дарҳақиқат, шундай. Илмий мактабини вужудга келтирган устоз олимларни илм-фаннынг қўпгина йўналишларида учратишими мумкин. Шахсан ўзим адабиёт соҳасининг вакили булганлигим учун адабиётшунослик ва адабий-бадиий танқидчилик йўналишидаги муҳтарам устоз олимлар тўғрисида гапиришим осонроқ кечади.

Масалан, атоқли адабиётшунос академик М. Кушжоновни илмий-адабий тафаккур жабҳаларида ҳақиқатдан мактаб яратадиган олган олим ва адабий танқидчи десам, шакшубҳасиз, кенг адабий жамоатчиликнинг фикрини ифодалаган бўламан.

“Мактаб” тушунчасини мен бу уринда фақат миқдорий маънода қўлламаяпман. Яъни ҳурматли домламиз илм соҳасида нечта фан доктори ва нечта фан номзоди етказиб берганлигини назарда тутаётганим йўқ. Ҳолбуки “илмий мактаб” дейилганида, гоҳида мана шундай ста-

тистикани алоҳида мезон қилиб олиш ҳолатларига ҳам дуч келиб турамиз. Аслини айтганда, домла М. Қўшжонов ҳам юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш борасида фахрланса арзигулик натижаларга эришган. У кишининг илмий раҳбарлигида адабиётшуносликда 5 нафар фан доктори ва 14 нафар фан номзоди етишиб чиққанлигини эслашимиз кифоя.

Лекин гап фақат шунда эмас. М. Қўшжонов илмий мактаби ҳақида гап кетганида, энг аввало, шуни таъкидлашимиз керакки, бу устоз олим адабиётшуносликда илфор илмий тамойилларни жорий этди. Масалан, бадиият таҳлилини ўз тадқиқотларида белгиловчи илмий-эстетик қадрият даражасига кутарди.

Бежизга адабиёт аҳли М. Қўшжоновни “Маҳоратшунос олим” деб гапиришмайди. М. Қўшжонов илмий мактабининг ўзига хослиги ва салмоғи ана шунда.

Ўтган йилларда А. Қодирий, Ойбек, А. Қаҳҳор каби улуғ адибларимиз тўғрисида жуда кўплаб тадқиқотлар яратилган. Бундан кейин ҳам яратилади. Лекин худди шу устоз адиблар ижодининг бадиият оламини чуқур, батафсил, қизиқарли ва ниҳоятда ўқишли оча олган М. Қўшжоновнинг илмий-таҳлилий китоблари бундан кейин ҳам ўз қадрини сақлаб қолади, улар аҳамиятини йўқотмайди, деб ишонаман.

М. Қўшжонов адабий танқид майдонида ҳам ҳамиша катта обруга эга бўлиб келди. Домламиз адабий танқидчи сифатида ибратли шахсий сифатлари билан ажраблиб туради. У киши ниҳоятда ростгўй, одил сўзли, гўзаллик туйғуси теран шаклланган, ҳақиқий адабиётни сохта адабиётдан бехато ажрата оладиган ўтқир дидли адабий танқид намояндасидир.

Адабиётда мен мансуб бўлган авлод 60-йилларда ўз сўзини айта бошлади. Бизнинг изланишларимиз осон кечмади. Изланиш мashaққатларининг бир чеккаси ҳали ёш эканлигимиз, тажрибасизлигимиз билан боғлиқ бўлса, янада оғир томони — собиқ шўро даврининг мафкуравий-сиёсий тазииқлари билан изоҳланади. Мана шундай шароитда адабиётдаги ёшларнинг ривож-равнақ топиши адабий танқидга ҳам боғлиқ эди. Аммо, аксар ҳолларда мавжуд мафкура ва уни ўзига қурол қилиб олган адабий танқид тез-тез бошимизга маломат ёғдириб туради. Масалан, менинг “Жаннатга йўл” номли, ҳажвий руҳли асарим “Муштум” журнали сонларида кетма-кет босилаётган

бир пайтда ана шундай аралашувлар оқибатида тұхтагиб күйилди, Лекин бу майдонда адабиётнинг ҳалол, забардаст намояндалари ҳам бор эди. Ўша кунларда ана шундай ажойиб инсонлардан бири М.Құшжонов жонимга оро кирганлигини эсламасдан үтольмайман. Бу устоз адабиётшунос ва яна бир қатор адабиётчилар “Жаннатга йұл” достонини құлесма ҳолатда ўқиб чиққанлари сабабли, унинг журналда тұла босилиб чиқиши учун қанчалар курашганлиги ҳали-ҳамон менинг едимда. Мен муҳтарам домламиздан кейинги ижодий ийдім мобайнида ҳам күпдан-күп рухий ва ижодий мадад қурған одамман ва үндән чексиз миннатдорман. Ўйлайманки, М. Құшжоновга ана шундай миннатдорчилик сұзларини менинг тенг-қурларим, масалан, Ш.Холмирзаев ва бошқа бир қагор езувчилар, шоирлар ҳам сидқидилдан изхор этишга тайёрдирлар.

Умуман айтганда, М.Құшжоновнинг ҳаёт ва ижод ийді ҳар бир ижодкор учун ибрат мактаби бўла олади.

Матеқуб ака ёшлигидан далада тер тұкиб ишлади. Шириң нонни дастурхонга қўйгунга қадар булган заҳматли меҳнат таъмини ўсмир вужудида түйди. Бели оғримай нон еяётганлар бундай меҳнат баҳтини ҳеч қачон ҳис эта олмайдилар.

Билимни болалиқдан қадрлаган бұлажак олим са-водсизликни тугатиш курсларида ўқитувчилек қилди. Тошкент, Самарқанд, Тошовуздаги ўқитувчилар институтларыда таҳсил олди.

М. Құшжонов 1942 йилда Иккинчи жаҳон урушига сафарбар этилди. Фашизмнинг инсониятга қилған таж-вузига қарши олиб борилған мардонавор жангларда иштирок этди. Урушдан кейинги йилларда ўзини тұла-тұқис илм олишга ва адабий фаолиятга бағищлади. Бу майдонда фаннинг забардаст арбобларидан бирига айланди.

Матеқуб Құшжонов нафақат ўқитувчи, мураббий ва олим, балки моҳир адиб ҳамдир. У илмий фаолият билан биргаликда бадиият соҳасида ҳам самарали ижод қилди ва ижод қилаёттир. Айниқса “Дагиш”, “Аlam” деб номланған хотира китoblари, қатор эсселари Матеқуб Құшжонов ижодининг ерқин намуналари ҳисобланади.

Муҳтарам олимимиз “Халқ сўзи” газетасида эълон қилинган “Олмос жилолари” номли мақоласида ҳақиқий бадиий асарни олмосга үхшатади. Чин асар олмос сингари серқирра булади. У ҳамиша нур сочиб, жилоланиб

тураверади, дейди домла. Таъбир жоиз бўлса, Матеқуб аканинг илмий-адабий асарларини ҳам ана шу олмосга ўхшатиш мумкин. Бу асарлар ҳам ўзбек адабиётида жилоланиб тураверади.

Домланинг халқимиз ва адабиётимиз олдидағи беминнат хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳақиқий аъзолигига сайланди. “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан мукофотланди.

Матеқуб Қўшжонов узининг айни 85 ёшида қирчиллама йигитдек бардам ва бақувват, самарали ижод қилаётir. Биз устозни қутлуғ ёшлари билан чин юракдан самимий муборакбод этамиз. Тани жонларига соғлиқ-омонлик, янада узоқ ва саодатли умр тилаб қоламиз.

2003 йил, декабрь

БОБОСИ НАСРИДДИН АФАНДИЮ, ОТАСИ ФАФУР ФУЛОМ

Устозимиз Faфур Fуломнинг машхур “Шум бола” қиссасидаги Шумгина бола ҳар бир ўзбек хонадонининг ўз боласига айланиб кетган десак лоф бўлмас. Балки у жаҳондаги қўпгина элларнинг остонасидан ҳатлаб ўтиб уларнинг ҳам арзандасига айланиб қолди.

Fафур Fулом бу эркатой қаҳрамонини ўзи ҳам суйиб қолиб, унинг ҳангомаю саргузаштларини умр бўйи завқ билан ҳикоя қилди.

Хўш, Шум бола ким ўзи?

Халқимизда азалдан Насриддин Афандию Алдаркўсалар бор эди. Улар ҳозир ҳам соғу саломат, фаолиятларини маҳорат билан давом эттироқдалар. Лекин у даврнинг бир кемтиги бор экан. Ўша кемтикни Шум бола тўлдирди. Энди у нафақат Faфур Fуломнинг, балки халқимизнинг, неча-нечча элларнинг севимли қаҳрамонидир.

Бу гаройиб шумтакамиз ҳақида фильмлар яратилиди, спектакллар қўйилди. Неча-нечча чапдаст рассомлар унинг қиёфасини турфа шаклу шамойилларда чизиб ҳам курдилар. Чунончи, марҳум рассом Телман Муҳамедовнинг Шум боласи ҳамманинг эсида. “Шум бола”нинг хорижда чоп этиш тайёрланган ушбу нашрига эса Шум бола ва

унга тақдир йўлиқтирган кимсаларнинг афт-ангиларини рассом Бобур Исмоилов катта иштиёқ билан дўндириб чиза олган.

Шум боланинг феъл-автори қаерда шаклланган? У қаёқдан чиқиб қолди? Халқимиз азалдан ҳазилу мутойибани ниҳоятда ардоқлаб келган. Бу ҳаётсеварликнинг белгисидир. Умуман, ҳар қандай инсон ҳаётидаги фоят кулгили, мутойибали вазиятлар учраб турадики, бундай ҳолатдан унча-мунча одам масхара бўлмасдан қутулиб чиқиши қийин. Бизнинг шум боламиз эса ҳар қандай “қалтис” шароитлардан наинки қутулиб чиқади, балки ўша шароитни ўзи ҳам зудлик билан яратади. У ниҳоятда топафон, ҳозиржавоб, зукко бола, доно бола! Масалан, Шум бола хасис, қурумсоқ бир бойнинг роса адабини берганини эсланг, ахир, ўша бой Шум боланинг жазосига лойик эдиди.

Шум бола наинки қулгили, балки фоят фожиали ҳодисаларга ҳам дуч келади. Купинча бу мурғаккина жон адолатсизликлар билан рупара бўлади. Уларга чорасиз равишда ўзига хос йўсинда жавоб беради. Бироқ ҳар қандай шароитда ҳам ўз йўлини топа олади. У лақицлатадиган одамларнинг аксарияти қаллоб, товламачи, бебурд, алдамчи, кўкнорихаёл кимсалар.

Шум боланинг асл табиатида эса бузғунчилик, дилозорлик йўқ. Унинг ҳаёти китобхонда раҳм ҳам уйғотади, айни чоғда унинг шумликларидан мириқиб куласиз ҳам. У, албатта, эркатой, тантик эмас. Ниҳоятда камбағал, йўқсил оиланинг аъзоси. Лекин ичидаги файрат, кутилмаган шумликлар тўлиб-тошиб ётибди. У ўрни келганда шурлик онасини ҳам аямайди. Бироқ унда адолат ва шафқат ҳисси устувор. Булоқ сувига ҳам тош отсанг сачрайди, лекин ифлос қилмайди. Шум бола ҳам ўша булоққа ўхшаш – тоза.

Бу беозор, бегараз болакайни халқимиз чин дилдан яхши кўриб қолди. Унинг ролини ижро этган актёрларни, улар ўйнаган бошқа ролларидан қатъи назар, то ҳануз меҳр билан Шум бола деб кўрсатадилар. Биз Шум бола қаёқдан пайдо бўлди, деган савонни қуигандик. Унинг таржимаи ҳоли, ижтимоий мұхити ҳақида қисқагина бўлса ҳам баён қилдик. Аслида унинг бобоси Насриддин Афандиу, отаси Faфур Ғулом. Қаҳрамонимизнинг халқона та-

биятига жило бериб, образини яратган китоб муаллифи-нинг ўзлари бўладилар.

Унутилмас устозимиз Faфур Fuлом ниҳоятда до-нишманд, закий ва топқир зот эдилар. У кишининг етим-ликда бошидан кечирган фам-андуҳлари қаторида меҳру мушфиқликлари, шухчанлигу нуқтадонлиги тўлалигича Шум бола сиймосига кўчган, десак янглишмаймиз. Шу-нинг учун ҳам биз бу қаҳрамонимизни Шумгина бола, до-ногина бола, деб атадик. Шум болага бугунги кунда ҳам саргузашт топилади. У сизнинг доимий ҳамроҳингиз бў-лишига шак-шубҳа йўқ.

2004 йил, февраль

ЯХШИЛИК ҚАЬБАСИ

— Абдулла ака, бир қараашда Аёл ҳақида айтилмаган гап йўқдай. Энг яхши ғазаллар, энг яхши асарлар Аёл гузаллиги, муҳаббати, она меҳри ҳақида. Аммо улар ҳақида ҳамиша янги гап айтиш мүмкин. Сизнинг хузурингизга бу-гун шу истак билан келдик.

— Биз кўриб турган ва кўрмаган, ақлимиз, тафак-куrimиз билан идрок этадиган дунёларни табиий бир куч, бир қудрат бириктириб туради. Шунинг учун турли сайё-ралар, юлдузлар бир-бирига урилиб парчаланиб кетмайди.

Инсониятни ҳам бирлаштириб, умумлаштириб тура-диган бир ҳиссиёт бор. Бу — муҳаббат, меҳр туйғуси. Назаримда, бу туйғунинг сарчашмаси Аёл, дояси она! Аёл, она бўлмаса, меҳр-муҳаббат туйғуси йўқдай. Инсоният адашиб кетадигандай, йўлинни йўқотадигандай...

Шунинг учун нафақат шоирда, балки ҳар бир ин-сонда Аёл ҳақида ҳар кун, ҳар соат жуда янги бўлмаса ҳам яхши гап топилади. Ва улар бу яхши гапга ҳамиша муно-сиб.

— Сизга маълум, бугун худди зиёлилар, ишчилар, деҳқонлар деганимиздай ҳалқимизда тадбиркорлар қатлами шаклланмоқда. Улар орасида аёллар ҳам кўп. Баъзан аёл-лар шаҳду шиддатли бўлиб, тортишиб, айтишиб ўз табиий фазилатларидан узоқлашиб кетаяптилар, деган гапларни эшлиб қоламиз. Шу фикрга Сизнинг муносабатингиз?

— Жанговор аёллар ойдан тушган эмас. Улар ҳамма замон ва маконларда бўлган. Уларни Америка ва Овропо тарихчилари Амазонкалар деб атаганлар. Аммо яна бир жиҳатига эътибор бериш керакки, французларнинг Жанна Д'Аркларидан аввалроқ бизнинг Тумарис момомиз тарихга кирган. Демакким, жанговарлик аёлларимизга худди латофат, худди назокат каби момомерос фазилат. Ёки Бибихоним оқила, тадбиркор аёл бўлмаганда соҳибқирон Амир Темурдай улуф инсон жанггоҳларда уни ёнида олиб юрармиди?

Бизда ўз ичкариси — аҳли аёли ҳақида ёзиш расм бўлмаган. Аёл худди ички либосдай асралган. Шунинг учун уларнинг тадбиркорлиги ҳақида тарихларимизда у қадар кўп маълумот йўқ. Аммо Самарқанд каби тенгсиз шаҳарлар яралганда ёки “Тиб қонуни”дай буюк асарлар яратилганда “Аёл йўқ эди” дей олмаймиз-ку. У бор экан, оқилалиги, тадбиркорлиги ҳам бўлган. Аммо шу ўринда яна бир гапни айтишни жоиз биламан. Тадбиркорлик — бу илм, фаросат, заковат билан бошқариладиган фаолият. Инсонни табиий гўзал фазилатларидан узоқлаштирадиган фаолиятни “тадбир”, деб атаб бўлмайди. Уларни балки товламачилик, балки олибсотарлик, балки яна бошқа номлар билан аташ керакдир.

Тадбиркорлик одам боласига, шу жумладан, аёлга ҳам мардоналик бағишлайди, обру-эътиборли қиласди. Агар сиз ноиложликдан қоп қўтариб шаҳарма-шаҳар юрган ёки мардикор бозордаги аёллар ҳақида сўраётган бўлсангиз, улар учун, энг аввало, ўз эркаги, қолаверса, оға-иниси, ўғил фарзандлари жавоб бериши керак.

Мен ҳам шоир сифатида маълум даражада улар ёнида ўзимни жавобгар ҳис этаман. Ахир улар менга ҳам бегона эмас. Аёл зотининг ойлаб уйига келмаслиги, таниш, нотаниш жойларда “ит ётиш, мирза туриш” тарзида ҳаёт кечиришини жамият ҳам, хонадон ҳам ҳазм қилолмайди. Бу — муқаддас қадриятларимизга хилоф саналади.

Тинч хонадонни нотинч қилишга арзийдими шу топган беш-үн тангаси?! Хуллас, бу фақат Сиз билан менинг орамизда эмас, мамлакат қўламида ўйланаетган, ҳамманинг диққат-эътиборида турган масала.

— Ўз-ўзидан сұхбатимиз Аёл, оила, фарзанд тарбияси масалаларига келиб туташмоқда.

— Биз жаҳонга чиқаяпмиз, техника асрида яшаяпмиз. Фарзандларимизни мустақил, дадил қилиб тарбиялашимиз керак, деймиз. Айни пайтда улар үзимизга ҳам ушаб туриши керак. Андишли, кенгфеъл, катталарни иззат қиласынан... Қандай қилиб фарзандларимизда бу икки қутбни үйғунлаштирамиз? Шу ёруғ дунеда яшаётган одамнинг қуёшдан нур, дарёдан сув, гулдан ранг, хушбүй қарзи бор. У ота-онадан, дўстидан қарздор. Аммо энг катта қарзи — фарзандидан. Чунки фарзанд унинг юзи, имконияти, қурби-қудратини кўрсатувчи жон. Уни иссиқдан ҳам, совуқдан ҳам асраш керак.

Бу дунёда энг кўп меҳр ҳиссини үйғотувчи ҳам Аёл ва бола. Мехрталаб ҳам шу иккови. Жасорат, мустақиллик, дадиллик, меҳр-шафқатга, иззатга зид туйғулар эмас. Бизга бу борада тайёр ибратлар бор. Соҳибқирон Амир Темур ниҳоятда қаттиқўл инсон бўлғанликлари тарихдан аён. Агар қаттиқўл бўлмаганларида шундай улуғ салтанатни бошқара олмас эдилар. Аммо улар фарзандларини шу қадар катта муҳаббат билан севганлар, фарзандлари бевақт қазо топғанларида ҳафталаб ер бағирлаб ётиб йифлаганлар. Ёки Алишер Навоий бобомизни олайлик, не-не фақиру ҳақиқларга паноҳ бўлғанлар. Аммо кези келганда нечоғли жасоратли сатрлар битганлар:

Жаҳон ганжига шоҳ эрур аждаҳо,
Ки утлар сочар қаҳр-ҳангомида.
Анинг коми бирла тирилмак эрур
Маош айламак аждаҳо комида.

Ушбу холосада фоят улуғ ҳикмат мавжуд. Демоқ-чиманки, болаларимизда ҳам журъат билан андишани, қатъият билан раҳмдилликни үйғунлаштирмоғимиз керак. Аммо журъат — бетгачопарлик, андиша — қўрқоқлик, дадиллик — ёвузлик, раҳмдиллик — ожизликка айланмасин. Меъер, мезон, бўлсин. Мен ишонаманки, бизнинг оқила опа-сингилларимиз мезонни билишади!

— Абдулла ака, Сиз шеърларингиз, асарларингизда кўп иллатни беаёв фош этасиз. Ҳасад, ичиқоралик... Аммо аёлларга келганда “мунис”, “мехрибон” сифатларини кўп ишлатасиз. Уларга қаттиқ тегадиган гап қилмайсиз. Бу уларни аяганингиз учун бўлса керак? Шундайми?

— Аёл, она ҳаммамизга ҳаёт ато этган зот. Куч-кудратига шубҳа йўқ. Аммо уни гулдай нозик деймиз. Аслида гузаллик, поклик ҳам ҳимояга эҳтиёждандир.

— Бу дунёдаги барча хом сут эмган бандалар каби аёлнинг ҳам нуқсонлари бордир, балки? Масалан, мен баъзан аёлларимизнинг турмуш ташвишлари билан ҳаддан зиёда ўралашиб қолаётгандаридан хавотирга тушаман. Уй-ховли, тўй-тўйчик, орзу-ҳавас...

— Орзу-ҳавас... Орзу-ҳавас ҳам керак. Аммо ҳаёт фақат сарпо йигиш, куда кутиб-кузатишдан иборат эмас. Юрт мустақил бўлиб, жаҳон билан бўй бўйлашнаяпмиз. Оналаримизнинг биринчи галдаги вазифаси – болалари, қизларини келажакда бирорвга мутеъ бўлмайдиган қилиб тарбиялаш. Фақат манти қасқонда манти пиширишни ўрганган билан XXI аср қизи баҳтиёр бўлиб кета олмаслиги мумкин. У тил, техника ўрганиши керак. Демоқчиманки, мен ҳам аёллар ҳақида кўп уйлайман. Аёллар ўзлари ўзларига кўзгу бўлишсин. Биз оталар, оғалар улар учун яхши амаллар қиласлий, яхши шеърлар ёзайлик.

— Абдулла ака, бу йил – Мехр-муруват йили...

— Мехр-муруватнинг тенги йўқ. У худди сув, нур, ҳаво каби ҳам жисмоний, ҳам руҳий эҳтиёж. 1979 йилда “Самовий меҳмон, беш донишманд ва фаррош кампир қиссаси” номли шеър ёзганман. Унда самодан бир жонзот ерга тушади. Бешта донишманд унинг сир-саноатини синамоқчи бўлиб, бор билимларини ишга солади. Аммо ҳеч нарсани эплай олишмайди. Фаррош – оддийгина, нон-насибасини ер супуриб, тозалиқдан топадиган кампир жонзотнинг бошини силаса, қимиirlайди, кўзларига нур инади. Албатта, меҳр – кесакдан гул ундиради. Муздан тўлқин яратади. Мехр қўшилмаган яралмиш инсониятга душман. Чунки у қаҳрдан бунёд бўлади.

— Сиз хориж сафарларида кўп бўласиз. Хорижлик аёллар билан ўзимизнинг аёлларимизни қиёслайсизми? Ўрганадиганимиз кўпроқми ё ўргатадиганимиз?

— Албатта, ҳамма ҳалқларда эркаклару аёлларнинг ўзига хос фазилатлари бор. Японларнинг меҳнаткашлиги, болаларининг истеъдодига эътибори, немисларнинг тежамкорлиги, вақтни қадрлаши... Тўғри, ўз аёлларимизни ўзгалардан кўпроқ биламиз, аммо бир ҳақиқат борки, дунёда бизнинг мақом ашулаларимиздан сеҳрли бошқа бир наво йўқ. Ип билан игнадан баҳордай кашта тўқий оладиганлар қанча экан дунёда. Самарқанднинг қуёшдай нонини яна ким ёпа олади! Ҳар онанинг ўз алласи бор,

лекин “гул ичидан таңлаб олган гули райхоним, алла...” дейилармикан бошқа бир халқнинг алласида? Ҳар ким бирорвнинг яхисига ҳавас қилсан, аммо үзига қупроқ ишонсан. У мендан зўр, мен ундан камман, деган ақидага қаршиман. Одам, шу жумладан, аёл ҳам үзини беҳад хурмат қилиши керак.

2004 йил, январь

ЯХШИ ОДАМЛАРНИ КЎРСАМ ҚУВОНАМАН

— Абдулла ака, адабий гурунгларда ўтган асрнинг 60-йиллари ижтимоий ҳаётда юз берган янги бир эпкин ҳақида тез-тез эслаб турилади. Адабиётимизда воқеага айланган бирқанча шеърларингиз айни шу ийлларда яратилган эди. Бугун ўша даврдаги ижодингиз, адабий жараён, мұхит ҳақида хотирлаганингизда, кўнглингиздан қандай туйғулар кечади?

— Аввалинбор, киши ўзи ҳақида бирон нима дейиши одобдан ҳисобланмайди. Адабий жараён эса фақат бир шахснинг иштироки билан шаклланиб қоладиган воқелик эмас. Бундай пайтларда, одатда, мұхит ёхуд имкониятлар таҳлил қилиниши мүмкін. Адабиётимизда ўтган асрнинг қарийб ярмидан кўпи урра-уррачилик, ғоябозлик даври бўлган эди, десак тўғри булади. Адабий жараёнга ялпи назар ташлаганда шундай таассурот туғилиши табиийдир. Бироқ ўтган асрнинг олтмишинчи ийларида собиқ мамлакат маънавий ҳаётида қандайдир ўзгаришлар бошланган эди. Бу силжишлар ўша даврда майдонга чиққан шоирлар ижодида, айниқса, бўртиб кўрина бошлади. Рус адабиётида Евтушенко, Вознесенский, Аҳмадулина сингари шоирлар пайдо бўлди. Янги эпкиннинг хосияти шундан иборат бўлдик, бундай ижодкорлар қаттиқ танқидга учрасалар ҳам, лекин қамалмадилар.

Мұхитдаги энг катта ютуқ мана шундан иборат эди. Бизниkilар ҳам, шубҳасиз, Москва соатига қараб иш тутардилар. Биз ҳам дилимизни очиб, айрим шеърларимизни унда-бунда эълон қила бошлаган эдик. Эркин Воҳидов каби шоирларнинг нафасида янги баҳор шабадалари уфуриб турарди.

Ўзим ҳақимда гапирадиган бўлсам, баъзи мисолларни келтириш билан чекланаман. “Тилла балиқча”, “Биринчи муҳаббатим” каби шеърларимиз ошдан чиққан тош янглиғ ўша давр мафкурасининг тишини қарсиллатгани сир эмас. Бу шеърларга қўйилган айбларни эшилса, бугунги кунда ёш бола ҳам қулиб юбориши мумкин, жумладан, “Мен кимга суюнгайман, биринчи муҳаббатим” сатрини катта мажлисларда тилга олишиб, “партияга суюн, давлатга суюн” қабилидаги қўрсатмалар билан “сийлашган”.

Албатта, ўша инсонлар ўз нуқтаи назарларини табиий равишда ҳимоя қилмоқда эдилар. Бу ҳолни бир қадар тушуниш мумкин. Бироқ энг ёмон жиҳат шундан иборат эдики, жамиятдаги жуда катта қатламнинг онги, дунёқарashi, даража-савияси, борингки, бутун борлифи ўша давр тарбияси асосида шаклланиб бўлган эди. Мен уларни ўзимча меҳрдан йироқ, юлдузлар ҳидини билмайдиган темир одамлар, деб атаган эдим. Ажабланарлиси шундаки, улар бошқача фикрлаш мутлақо мумкин эмас, деб чин дилдан ишонардилар.

Бу – биринчиси. Иккинчи ва балки ҳеч қачон йўқолмайдиган бир иллат – ҳасад бўлиб, бу ёвуз туйғунинг тантана қилишига ўша давр ажойиб шарт-шароит яратиб қўйган эди. Яъни ҳасад ғоявийлик қалқони ва наизаси билан қуролланган бўлиб, у ўзига ёқмаган қар қандай филни ҳам қулатиши мумкин эди.

60-йиллар адабий муҳитининг ижтимоий-сиёсий башараси мана шундай эди. Лекин дунёда ҳалқ деган, фақат ўзига ўзи ҳисоб бера оладиган, дидига хиёнат қилмайдиган куч ҳам мавжудки, ҳақиқий адабиёт фақат унга таянади. Шу маънода ҳалиги шеърларни қурултойларда қанчалик қоралашмасин, жумладан, талабалар баралла ёддан айтиб юришар, ҳатто қўшиқ ҳам қилишганди. Бизга куч ва ишонч бағишилаган, албатта, ихлосмандларимиз эдилар.

Бундан буёғи адабиётимиз босиб ўтиб келаётган йўллар ҳаммамизга маълум. Адабиётнинг ялпи тараққиёти, ҳеч шубҳасиз, давр ва ҳалқ нафаси яратган иқлимга кўп жиҳатдан боғлиқ. Аммо адабиёт шундоқ бир соҳа эканки, уни айрим шахслар истеъоди, меҳнати самара-

лари белгилаб бераркан. Ахир, ёзувчилик аслида индивидуал иш-ку!

Бирор бир шахсга табиат маълум бир иқтидор бермаган бўлса, ҳеч бир тузум қонун ё фармон билан уни ато этолмайди. Дейлик, кимнингдир феълида ҳасад, ичиқоралик, маҳаллийчилик, гурӯҳбозлик, майдакашлик каби иллатлар устувор бўлса, уни **бу** каби қора тамғалардан “Ёзувчилар уюшмасига аъзо”лик гувоҳномаси фориғ эта олмайди-ку. Барибир, одам боласи ўз табиатига кўра жамоа бўлиб яшайдиган жонзотлар туркумига киради. Шундоқ экан, каттакон халқ манфаатлари қулоч ёзган шароитда майда-чуйда хатти-ҳаракатлар бора-бора кўмилиб кетиши шубҳасиз. Биз адабиётнинг катта йўналиши ҳақида фикр юритганимизда, асосан, катта ҳақиқатларни, тарихнинг муҳим бурилиш йўналишларини кўзда тутамиз. Ана шундай энг иирик, айтиш мумкинки, халқимиз учун ҳаёт-мамот жараёни мустақиллигимиз булди.

Мен адабиётимизда турли ҳис-туйғулар, ранг-баранг мавзулар, услублар гуллаб-яшнашининг тарафдориман. Бироқ у саъй-ҳаракатлар халқимизнинг манфаатини, борингки, тақдирини белгиловчи туйғуларга ҳамоҳанг бўлиши шарт. Дейлик, ҳозирги баъзи қийинчиликлар туфайли бирор мактаб биноси таъмирланмай турган бўлса – **бу**, мустақиллик ўзини оқламади, деган хулоса чиқаришга асос бўлолмайди-ку.

Бундай мисоллар, агар адабий асарга айланса борми, у ҳеч шубҳасиз, эс-хуши жойида бўлган ҳар қандай китобхоннинг ғашига тегади, тажрибасиз ёшларни эса чалғитади.

Мен ушбу фикрларим билан “Келинг, ҳамма ишимиз беш”, дея эртаю кеч “Яшасин Истиқлол!” деб жарсолиб юрайлик, демоқчи эмасман. Орзуим шулки, аввалимбор, адабнинг нияти тўғри бўлсин.

Адабиётнинг қадр-қиммати биргина ният тўғрилиги билан белгиланмаслиги ҳам бор гап. Адабиёт мақоми, даражасини унинг нечоғли маҳорат билан яратилган санъат асарлари белгилайди. Шу маънода неча ўн йиллар оша минглаб асарлар силсиласида юксак маҳорат билан яратилган камдан-кам ижод намуналаригина китобхонни ҳайратга солиб келмоқда. Улар – Қодирий романлари, Ойбек, Қаҳҳор,Faфур Гуломнинг баркамол ижод намуналари. Мен шу ўринда шеърият хусусида фикр юритиб бир

гапни айтиб ўтмоқчиман. Модомики, шоир ўз ўчогида ўзи ёқсан оловда ўзининг еғида ўзи қоврилиб таом пишираётиди экан, унинг қўшни ўчоқ билан нима иши бор? Яъни бирор шоирнинг услуби ёхуд оҳанги буткул шеъриятда етакчилик қилишга даъво қилмаслиги керак. Ижод маҳсулининг баҳосини китобхонлар беради, деган қадимий хуласага ҳам беписанд қарамаслик лозим.

— **Ҳаётингизнинг катта бир даври XX асрнинг суронли йилларида кечди. Ижодингизда муҳим воқеа бўлган энг етук асарларингиз ҳам ўтган асрда яратилди. Янги зарварақлар билан бошланган янги асрда ижодкор сифатида нималарни ҳис қиласайпсиз?**

— Ўтган асрда ҳаммамиз ҳам баҳоли қудрат ижод қилдик. Чекланишлар бўлган бўлса, ҳаммага баравар бўлди. Ўша пайтлар ҳаммамиз бирданига бақир-чақир қилиб, тилимизга эркинлик қани, миллатимизга эркинлик қани, деб талаб қилардик. Бу талаблар оммавий равишда кечди. Кўп нарсаларга эришдик ҳам. Эркинлик нашидасидан баҳраманд бўлдик. Бироқ, назаримда, баъзи бир инсонлар бу буюк ўзгаришларни, эврилишларни етарлича баҳоламаётгандек, ҳис қилмаётгандек. Ахир, тилимизга эркинлик берилди, буюк алломаларимиз хотираси қадр топди, эъзозланди, анъаналаримиз тикланди.

Энди, яшаш тарзидаги тафовутга келсак, иқтисодий тараққиётнинг ўз қонуниятлари бўлади. Ҳамма бир хилда бой ёки бир хилда камбағал бўлиб қолиши мумкин эмас.

Юрт мустақил бўлди. Бироқ ижодкорлар орасида ҳам, бошқа соҳада ҳам якка-ярим нолиганларни эшитиб қолсам, ажабланаман. Бундайлар ҳеч қачон рози бўлмайдилар, оппозицияни ўзларига баҳт деб биладилар. Бу тоифа инсонлар ўтган асрда ҳам ўша байроқни кўтариб юрган, ҳозир ҳам шу байроқни кўтариб юрибди, бундан кейин ҳам шундайлигича қолади. Инсоният азалдан комилликка интилган, бироқ тўлалигича комил бўлолмаган ҳам. Мақсадга кўчадиган бўлсак, бизни қувонтирадиган бир катта ҳақиқат бор, бу ҳам бўлса, катта бир қадимий ҳалқ ўзининг асрий орзусига эришди. Ихтиёри ўзида бўлди, давлат ўзиники бўлди, тили ўзиники, оиласи ўзиники, бозори ўзиники, мозори ўзиники.

— **Энди мавзуни бир оз ўзгартирган ҳолда бевосита ўзингизнинг ижодингиз, руҳиятингизга боғлиқ бўлган са-**

воллар билан сұхбатимизни давом эттиреңсак. Ижодингизда узоқ муддатли танаффус бўлса, қандай ҳолатга тушасиз?

— Танаффус икки-уч сабаб боис булиши мумкин. Лекин ижодкорнинг юраги уриб, ақли ишлаб турган бўлса, унга ҳеч ким танаффус беролмайди. Агар башарти қўли ёзолмай қолган тақдирда ҳам қалб тирик бўлса, у ижод қилишдан тўхтамайди. Ижод бу газета учун ёзиш дегани эмас, албатта. Чунки ижодкор истаган пайтда ўз туйғуларини тўкиб солаверади. Она алласини гарчи қоғозга туширмаса-да, асрлар давомида алла айтиш тўхтаб қолмаган. Шу маънода айтадиган бўлсак, гарчи шоир баъзан ижод қилишдан тўхтагандек бўлиб кўринса-да, унинг қалбида сукунат ҳукм сурмайди. Аҳмад Яссавийдек буюк авлие ернинг тагида ҳам ижод қилишдан, тафаккур юритишдан тўхтамади. У яратган юксак маънавий хазинадан инсоният асрлар давомида баҳраманд бўлиб келмоқда. Айтилганлардан хуоса қилиб гапирадиган бўлсак, ижодий танаффус икки ҳолатда булиши мумкин. Бири ижодкор дунёдан куз юмса, иккинчиси фикрлашдан тўхтаса. Қалбни ҳеч ким буйруқ билан тўхтата олишга қодир эмас.

— **Ҳаётда нималардан илҳомланиб яшайсиз?**

— Ижоднинг асосида иккита нарса ётади. Завқ ва илҳом. Завқ ҳайвонотда ҳам бўлади. Масалан, қушлар бир-бирига илтифот қиласди. Кўркам боғ ёки гулзорда завқ билан хониш қиласди. Лекин инсон завқининг замира, агар у ижодкор буладиган бўлса, жуда катта маънавий манба ётади. Англаб қилинган завқ илҳомга туртки бўлади. Асли Илҳом инсон қалбидаги туйғулар мувозанатининг бузилишидир. Мувозанат бузилгандан кейин қалб жумбушга келиб, тил сўзлайди, кўзда ёш қалқади. Илҳом фақат қувонч эмас. Шоир изтиробли сатрлар ҳам битади, қўшиқлар тўқийди. Ҳаётда нималардан илҳомланиб яшайсиз, деган саволингизга келсак, яхши одамларни курсам қувонаман. Дили тоза, пок инсонлар билан Ҳиротгача пиеда кетишга тайёрман. Ҳазрати Хизр ҳам ўшадир, дин ҳам ўша, эътиқод ҳам ўша. Бундай одамлар, афуски, кўп эмас. Ҳаёт яхши одамларни ҳар доим ҳам бирбирлари билан учраштиравермайди.

— **Ижод эркинлигини сиз қандай тушунасиз?**

— Ўзим ижодкорман ва ўз навбатида ижодкорлар уюшмасининг раҳбариман. Бу саволингизга мен икки томондан жавоб беришга ҳаққим бор. Биринчидан, ижодкор

сифатида, иккинчидан, шу ижодкорларнинг талабига жавоб беришга мажбур бўлган идоранинг раҳбари сифатида. Собиқ шуролар даврида ким шеър, ҳикоя ёки роман ёзса, уша тузум мафкураси талабига қараб баҳо бериларди. Ҳозир раҳбар сифатида мен бирорта ёзувчини чақириб мана бундоқ ёзгин, ундоқ ёзгин, деб буйруқ беролмайман.

Ижод эркинлигидан нолийдиган инсонларни эса ношукур одамлар деб ҳисоблайман. Чунки улар камчиликни ўзларидан қидиришмайди, балки ўзларига жуда юқори баҳо берган ҳолда айюҳаннос солишади. Эркинлик оғизга келган гапни гапиравериш, кўнгилга келган ишни қиласавериш дегани эмас, албатта. Маймуннинг чизган суратини санъат асари деб кўргазмага қўйиш эркинликка кирмайди. Эркинлик ҳақида ким гапиряпти, қанақа шахс гапиряпти, қайси муҳитда гапиряпти, қанақа даражадаги одам фикр билдирияпти – шунга қараб ҳукм чиқариш туғри булади. Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ҳар бир муайян одамлар гуруҳи орасида одоб-ахлоқ, сиёсий-ижтимоий, маънавий мезонлар ва уларни қабул қилиш даражаси бир хил бўлмайди. Шу боис фикрларда, нуқтаи назарларда тафовут бўлиши табиий.

– **Абдулла ака, ўзингизга маълум, бу йил Президентимиз томонидан “Мехр ва мурувват йили” деб эълон қилинди. Сиз мазкур йил бундай номланишининг қандай ижтимоий-маънавий аҳамияти бор, деб ўйлайсиз?**

– Ҳар бир ишнинг ўз камолот даври, тараққиёт босқичи булади. Шу маънода гапирадиган бўлсанк, Мустақиллигимизнинг ун уч йили давомида ҳам ижтимоий-сиёсий, ҳам маданий-маънавий ҳаётимизда улкан ютуқларга эришдик. Бу каби ютуқларга эришмасдан, маълум бир тараққиёт босқичини босиб ўтмасдан туриб мустақиллигимизнинг дастлабки ийлариданоқ “Мехр ва мурувват йили” деб эълон қилиб юборилса, менимча, нотабий бўларди. Шунинг учун айнан мазкур йилимизнинг Юртбошимиз томонидан шундай номланишини тараққиёт белгиси, қолаверса, камолот белгиси дейиш мумкин. Мехр-мурувват бизнинг олий даражадаги қадриятимиз. Уни юртимиз буйлаб яна бир карра кенг ёёмиз ва тараннум этамиз.

Она юртимизга, она ҳалқимизга, улуг аждодларимиз хотирасига, Ҳазрати инсонга бўлган буюк муҳаббатимизни ифода этиб, қалбимиздаги мурувват ва саховат туйғусини янада олий мақомга кўтарамиз.

2004 йил, март

БЕЗАВОЛ ИЖОЛ

Чинакам шоирнинг қалбida аллақандай соҳир күш доимо сайраб туради, деган гапни кўп бора эшигандик. Ўша қүш айнан Муҳаммаджоннинг, Муҳаммад Юсуфнинг юрагида ошён қурганига мен астойдил ишонганман. Унинг кўзлари ҳам, чехраси ҳам ҳамиша латиф бир қўйни хониш қилгандай эди.

Ватан ҳақида жуда кўп ёзилган. Ёзилгани яхши, албатта. Бироқ ёзмоқ билан ёзмоқнинг фарқи бор. Муҳаммаджон укамиз бир шеърида “Юртим, сени иддаолар қилмай севаман” деб айтганда қанчалар ҳақ эди. Дарҳақиқат, у ўз элини, халқи, Ватанини чин фарзанддай, бегараз, сидқидилдан яхши кўрар эди. Шу меҳрнинг натижаси улароқ, унинг шеърияти ҳам худди шундоқ beminnat ва бегараз шеърият сифатида майдонга келди. Ва бу оқкўнгил, осмонқалб укамиздан худди шундай шеърият ёдгор қолди.

Мен Муҳаммаджон билан узоқ йиллар мобайнида ёнма-ён яшадим, ёнма-ён ижод қилдим, ёнма-ён ишладим. Ҳали ёшлик йилларидаёқ бунчалик кўп муҳлис ортирган, дуст-оғайниси бисер ижодкорни кам қўрганман. Санъаткорларку унинг ҳар бир мисрасини созга солишига тайёр эдилар.

Буларнинг сабаби нимада? Биринчи навбатда, Муҳаммаджон яхши инсон эди. Яхши инсонларга эса бошқалар ҳамиша талпинадилар. Одамдан одам узоқлашишини Худойим ҳеч кимга кўрсатмасин.

У обру талашмас, иззатини суроқлаб югуриб юришдан орқиларди. Худди шундоқ яхши инсонгина яхши ижодкор булиши табиий ва қонунийдир. Шу каби юксак фазилатлари сабаб Муҳаммад Юсуфни халқимиз ардоқлади. Юртбошимиз оталарча меҳр кургазди. Унинг хизматларини Давлатимиз муносиб баҳолади. У Ўзбекистон Халқ шоири эди.

Муҳаммад Юсуф қисқа умр кечирди. Ундан чинакам бетакрор ижодий мерос қолди. Ҳақиқий маънодаги барҳаётлик, завол билмаслик Муҳаммад Юсуф ижодига ҳам таллуқли бўлгай десам, иншооллоҳ хато қилмагайдирман.

2004 ийл

ЭРТАНГИ КУН ИШОНЧИ

Яқында бир гурух ижодкорлар Мустақиллигимизнинг яқинлашиб келаётган ўн уч йиллиги муносабати билан ҳаётимиз, хусусан, адабиётимиз ҳақида **Фикр** алмашдилар. Албатта, бу сұхбатнинг барча тафсилоти бир газеттанинг ҳамма саҳифаларига жо бўлиши қийин. Мазкур гурунгда, асосий гап, адабиётимиздаги замонавийлик ҳақида, ҳалқ чиндан ҳам севиб үқийдиган назмий ва насрый асарлар яратишимиш тўғрисида борди. Дарҳақиқат, ҳалқимизнинг ҳам, Юртбошимизнинг ҳам маънавият ва адабиёт аҳли олдига қўяётган ҳаққоний талаб ва истаклари шуни тақозо этади. Мен айни чоғда бошқа бир муҳим фикрга дикқатингизни тортмоқчи эдим.

Маълумки, биз ҳар иили икки умумхалқ байрами — Наврӯз ва Мустақиллик байрамларини нишонлаймиз. Агар Наврӯз байрамининг сал олдинроқ бошланганини эътиборга олсак, ҳозиргача нақди билан йигирма беш маротаба улуғ саналарни бошимиздан ўтказибмиз. Агар бу саналарнинг моҳияти, уларни ташкил этиш йўлидаги қилинган меҳнат сарҳисоб этиладиган бўлса, бу — жилд жилд китобга айланган бўлар эди. Балки, вақти билан ушбу тарих саҳифалари мутахассислар томонидан атрофлича ўрганилар.

Ахир ҳазилакам гапми, неча замонлар ўтиб, тарихда биринчи маротаба — умумхалқ майдонида Соҳибқирон Амир Темур, имом ал-Бухорий, ал-Фарғоний каби улуғ зотларнинг сиймолари пайдо бўлдилар. Унутилган, унугилаёзган ёки унугилишга маҳкум этилган не-не ҳалқ қўшиқлари, лапарлари, мумтоз ашулаларимиз, ўлмас санъаткорларнинг овозлари баралла жаранглади. Ҳаётимизни қамраб олувчи, айниқса, Истиқололга тегишли мавзулар асосида янги-янги шеърлар, янги-янги қўшиқлар яратилди. Ҳатто ҳалқ асқиялари ҳам четда қолган эмас. Биз босиб ўтган ушбу ижод довонларини **Фаҳр** билан эслаймиз ва уни янада юксакроқ поғонага кўтаришга ҳаракат қиласиз. Лекин шу ўринда уринли бир иштибоҳ пайдо бўлиши мумкин. Яъни, биз гоҳо уз-ўзимизни билиб-билмай тақрорлаб қўимаётимизми? Биз ижодкорларни, балки пешволарни ҳам шу масала жиндек ўйлантириши табиий эмасми? Мана шу ўйловнинг ўзи мени foят қувонтиради.

Яъни, биз қадам-бақадам тараққиет йўлидан бораётимиз. Бизни бугунги кунимиз наинки қаноатлантиради, балки эртанги кунимиз янада умидвор қилаётир. Халқимизнинг шонли ўтмишини, шаҳарларимизнинг бокий умрини, мусиқамизнинг бетакрор садоларини бир дақиқа бўлса ҳам унутмасдан, айни чоғда янгилик яратишими зарурати ойдин булиб қолаётир. Тұғри, эстрада соҳасида жиддий изланишлар бошланган ва у ўз самараларини ҳам бермоқда. Лекин уларнинг орасида алмойи-алжои матнлар билан аралашиб кетган истеъодсиз тақлидгүйлик ҳам шиддат билан от суриб бораётиди. Шубҳасиз, биз уларнинг барчасини нозик дидли халқимизга тавсия қилишдан ор қилишимиз керак. Албатта, ҳукуматимиз тарафидан тузилган маҳсус ижодий комиссия күп ва хұп ишларни амалга ошираётир. Аёнки, ҳеч бир ижодкор үзини Миртемир ё Комилжон Отаниёзовдан кам өфгламайди. Бундай орзунинг бўлмаганидан бўлгани яхши. Лекин дунёда адолат ва инсоф деган түйғулар, мезонлар ҳам бор-ку?! Агар бирор шоир эртага үзини Навоий ёхуд Румий деб эълон қиласа, биз қандай аҳволга тушган булаардик?

Албатта, кўпчилик баҳоли қудрат ижод қиляпти. Баъзи бир мисоллар келтиришим, Улугбек Ҳамдам, Луқмон Бурихон сингари ёш адиларнинг романлари, Хосият Рустамова шеърларини айтишим мумкин. Анъанавий Зомин семинари эса бундан буен адабий атамага айланиб кетди ва ҳоказо.

Катта дарё, шубҳасиз, тўлиб ва пишқириб оқади. Унинг юзасида турли ҳас-ҳашак ва тўнкалар ҳам қалқиб юриши мумкин. Менимча, бизга ўтган даврдан қолган хүнук “мерос”лардан бири қуидагичадир: у бизни мақтога уч қилиб қуиди. У бизга гуруҳбозлик сингари иллатни “эсадалик” қилиб қолдирди. Баъзан бирор истеъодли шоирни мақтаб қўйсанг, уни сенинг қариндошингга чиқариб юборишлари ҳеч гап эмас. Мабодо танқид қилиб қўйсанг, охиратгача олишадиганлар ҳам учрайди.

Мен, албатта, ушбу гапларни қандайдир фожиавий кайфият билан айтаетганим йўқ. Ижод тарихида бундай ҳоллар кўп учраган. Муҳими, биз катта йўлга чиқиб олдик. Биз энди нимани қуилашни яхши биламиз ва истиқболимизни тұғри тасаввур қила оламиз, лекин ҳамма гап бу мавзуларни қандоқ даражада, қай кўламда етказиб қуйлай олишда.

Мұхтарам Юртбошимиз биздан — ижодкорлардан замон билан ҳамнафас юришни талаб қиласа эканлар, биз ушбу талабни наинки қалам аҳлигі, балки бутун маңнавияту маданиятга, жумладан, саңнага ҳам таалуқли, деб биламиз. Халқимиз умумхалқ сайилларида минг йиллар олдин үтган унүтилмас боболаримиз сиймолари қошида, аввало, Мустақиллигимиз даврида эриша олган ютуқларимиз тимсолларини күришни хоҳлайды. Биргина Рустам Қосимжоновнинг қаҳрамонона шижаати мамлакатни оек-қа турғазиб юборди-ку!

Минглаб мактаб ва коллежлар барпо этилаётір. Уларга беҳисоб маблағ сарф қилинмоқда. Бу маҳобатли одимлардан халқимиз тұла хабардор бұлиши керакми-йўқми? Бутун жаҳон Ўзбекистонни пахтакорлар үлкесі деб билган. Бугунги кунда Ўзбекистон наинки пахтакор ёки ғаллакор, балки энг етук қурувчилар мамлакатига ҳам айланди. Курилаётган йўллар, қўприклар, кошонаю корхоналарнинг сон-саноғига этиш қийин. Қишлоқ хўжалигимида тарихан биринчи маротаба фермерлар қатлами пайдо бўлди. Ёшлиаримиз билан эса дунёning ҳар қандай олифта авлоди ўйлашиб гаплашадиган бўлиб қолди.

Куни кечагина Қашқадарёда үзим гувоҳи бўлган баъзи воқеаларни айтиб ўтай:

“Тошгузар — Деҳқонобод — Бойсун — Қумқурғон” темир йўли қурилиши бошланганидан хабарингиз бор. Унинг Тошгузар — Деҳқонобод қисми қуриб битказилди. Ҳукумат комиссияси аъзолари қаторида поезднинг биринчи йўловчиси бўлдим. Деҳқонободга поезд келиши ҳеч кимнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган. Бундай ҳодисани хаёли чек билмас бахши шоиrlар ҳам ўйлаб топишлари даргумон эди. Деҳқонободдаги иифинда бир замонлар шу туманда раҳбар булиб ишлаган, ҳозир эса вилоят “Нуроний” жамғармаси раиси Январ Иноятов бир воқеани хотирлаб қолди. Ўша йиллари қайсидир мажлисда Январ aka сўз олиб, “Деҳқонободга ҳам газ келармикин?” деганида залдагилар: “Газ дейсан-а, ҳали тепловоз ҳам сурарсан!” дея хо-холаб кулишган, орзуманд одамни масхара қилишган экан.

Хуш, энди нима бўлди?! Бу ҳам тарихнинг буюк истеҳзоларидан бири эмасми?!

Биз эртаси куни Қарши шаҳрида барпо этилган “Журналистлар уйи”нинг очилиш маросимини утказдик.

Очиғини айтсам, энг замонавий андозада бунёд этилган бундай кошонани бу яқин минтақаларда күрмаганман. Бунақаси Токио, Женева каби шаҳарлардагина учрар эди.

Менинг ушбу кузатувларимни бошқа вилоят раҳбарлари, саховатли ҳомийлар ҳам ўқиб қўйсалар, фойдадан холи бўлмас.

Мен бундоқ мисолларни ўнлаб эмас, юзлаб келтиришим мумкин. Биргина Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти-нинг Ўзбекистондаги жаҳоншумул йигини дунёнинг унчамунча такаббур сиёсатчисини ҳам ҳушёр қилиб қўйди. Афсуски, терроризм деган бало, бамисоли парранда гриппидек, унда-бунда учраб турибди. Унга нописанд қараш мумкин эмас. Ахир, елкасида чумоли ўрмалаб қолса, Ал-помиш ҳам гувраниши, кўрпасига бурга кирса, Ойбарчин ҳам аччиғланиши табиий эмасми?

Муқаддас динимизни ўзларига ниқоб қилиб олиб, одамкушлиқ билан шуғулланаётган хунрезларга менинг берадиган баҳоим битта: улар пайғамбаримиз Мұҳаммад алайҳиссалом ҳазратларининг шахсан ғанимларидир! Негаки, саҳобаларнинг берган хабарларига кўра, пайғамбаримиз ўзларидан кейин иккита соҳта пайғамбар пайдо бўлишини, лекин уларнинг қўлларидан ҳеч нарса келмаслигини айтиб кетган эканлар. Маълум бўлишича, бугунги бузуқилар айнан ўшаларнинг давомчилари ҳисобланади. Ушбу маълумотлар, жумладан, машҳур исломшунос олим Алихонтўра Соғунийнинг «Тарихи Мұҳаммадия» асарида ҳам келтириб ўтилган.

Ўзини портлатиб юборадиган худкушларга келсак, муқаддас китобларда таъкидланишича, улар охиратда ҳам худди шундай жазога мустаҳиқ бўлар эканлар, яъни улар ҳар зумда муттасил равища портлаб турар эканлар.

Сувни лойқалатиб, балиқ тутишни ўйлаётган айрим қора кучлар бекорга хомтама бўлмасинлар. Юртбошимиз ҳалқимизни, жаҳон жамоатчилигини муттасил равища огоҳликка чорлаётгандари бежиз эмас. Бузғунчиларнинг бундай бедодликларидан одамларнинг сабр косаси тўлиб турибди. Қўйиб берсангиз, уларнинг ҳисоб-китобини ҳалқнинг ўзи ҳам тўғрилаб қўйиши ҳеч гап эмас.

Карвон бехатар бўлмас, деганлар. Дарё бўлсанг, дарёдайин қилиқ қил, деган гап ҳам бор. Мен дунёдаги кўпгина динларнинг муқаддас китоблари билан чуқур танишиб чиққанман. Уларнинг бирортасида ҳам Ер юзида

Иблис ҳукмрон бўлади деган башорат йўқ! Ахир инквизициялар ҳам ўтди, фашизм ҳам, мудҳиш қамоқ лагерлари ҳам ўтди. Булар ҳам ўтади! Ин ҳам мегузарад!

Энг қадимги тамаддун вакилларидан қолган қўхна битиклардан бирида (“Фалакиёт” китоби) қўйидаги гаплар ёзилган. Мен унинг ўзбекча таржимасини келтираяпман: “*Урусвати биладики, Биз Кураш ҳақида куп гапирамиз. Дарҳақиқат, Кураш бошбошдоқлик (хаос)ни бартараф этиши сифатида ҳамиша гўзалдир. Тараққиёттинг шундан бошқа ўғли йўқ, лекин шу оддий ҳақиқат ҳам турлича талқин этилган. Галчалар исён қиласилар-да, ўзларининг ҳаракатсизлик ва фикрсизликка асосланган аллақандай дунёларини кўкларга кўтарадилар. Мунофиқлар ўзларининг жанжалтўполонларини кураш деб атайдилар. Ниҳоят, муттаҳамлар ўзларининг ёвуз ниятларини яшириш учун ўтакетган мантиқсиз муқоясаларни шайлаб қўядилар. Дарҳақиқат, Буюк Курашни тушуниши учун улчаб кўриш, тош-тарозуни тўғри қўйиш керак. Инсон улуғлик қаёқда-ю майдалик қаёқдалигини ҳисоблаб кўриш учун ўзининг жамики ўлчов асбобларини қўлига олсин! Кичикни каттага боғлай олиш керак. Асалари ўз уясисиз ёлғиз яшаб курсин-чи, қани! Майдасимоб зарраларининг ўзаро бирлашиб яхлит бир бутунни ҳосил қилиши ибратли эмасми! Шунингдек, қум тўзони ҳам ҳаракат тезлигига қараб тегишли манзара ҳосил қиласиди. Табиат ибрат намуналарини беради ва бу заҳираларда бошбошдоқлик, тартибсизликка қарши кураш зуҳур кўрсатади. Умумжсаҳон воқеаларига ҳам шундай қарамоқ керак, акс ҳолда тарихнинг буюк даврларини илғамай қолиши мумкин.*

Кўпгина қимматли тушунчалар ўзгартирилади. Одамлар муҳаббатнинг — бу самовий жозиба кучининг буюк аҳамиятини тушунмайдилар. Улар ўз қаричлари билан ўлчайдилар ва ўзларининг талқинларини худбинона тиқиширадилар. Улар муҳаббатни зулм-зўравонлик деб биладилар, аммо бу билан гузал муҳаббат кушининг қанотларини қайирадилар, холос.

Мутафаккир қанотли Музаффариятни кўрсатиб дейдик: «Кўзларингизни очиқ ва тоза тутинг, акс ҳолда Ёруғлик қаердалигини билолмай қоласиз».

Бугунги кунда куп нарса шахснинг ўзига боғлиқ булиб қолди.

Илоё, Раҳмоннинг ўзи қўлласин!

2004 йил, август

Куни кеча Қашқадарे вилояти мамлакатга пахта топшириш бўйича шартномавий режани биринчи бўлиб адо этди. Бу ғалаба билан Президентимиз Қашқадаре меҳнаткашларини қутлади.

Вилоят меҳнаткашларининг ушбу зафари ўзини ҳар томонлама ўнглаб келаётган воҳа учун муҳим ютуқдир. Юртдошларимизга маълумки, яқиндагина Президентимиз мамлакат жанубий вилоятлари, жумладан, Қашқадареда бўлиб қайтдилар. Ушбу сафарда иштирок этиш бизга ҳам насиб қилди. Қашқадарёнинг тараққий топишида Юртбошимиз доимий раҳнамолик қилиб келаётган эканлар, сафар таассуротларимни, кўнгилдан кечган баъзи ўйларими ни сиз газетхонлар билан баҳам кўрмоқчиман.

Қашқадаре сафарини Юртбошимиз Қаршидаги сержантлар мактабидан бошладилар. Ҳарбий соҳада сержантлар энг муҳим бўгин ҳисобланар экан. Яъни улар оддий аскарнинг тарбиясию юриш-туриши билан бевосита шуғулланар эканлар. Шу боисдан ҳам Президентнинг – Олий Бош қўмандоннинг ушбу мактабга эътибори бежиз эмас эди. Юртбошимиз мактаб ҳаётининг барча жабҳалири билан қизиқдилар. Чунончи, машқ қилаётган йигитларнинг маҳорат даражаси, савияси, кайфияти қандай эканлигига алоҳида эътибор қаратдилар. Ҳатто мактабнинг ошхонаси, ётоқ жойларини ҳам ўз кўзлари билан кўрдилар. “Командир, албатта, командир, лекин сержант – бу, устоз! Янги келган аскарга худди бир мураббий каби ҳаётни, муомалани ўргатади. Бу шу қадар масъулиятли иш”, деб айтдилар Юртбошимиз.

Қашқадаре ўз юртим бўлса-да, лекин ушбу сафар чоғида кўп нарсани ўргандим, катта ўзгаришлар жараёнига гувоҳ бўлдим. Жумладан, мен фермерликнинг моҳиятини энди чуқурроқ англагандек бўлдим. Аввало, Қашқадарёда бутун-бутун ширкат хўжаликлари, ҳатто айрим туманлар тўкис фермерликка ўтган. Ана шулардан бири – Қамаши туманида фаолият кўрсатадиган Ойбек исмли фермер йигит билан танишдик. У менинг ўғлим тенги, полвонкелбат йигитча экан. Президент у билан меҳрибонларча бафуржা сұҳбат кўрдилар. Ойбекнинг ишлари ҳар жиҳатдан тўкис экан. Етиштирган пахтаси мўл, оладиган

фойдаси аниқ. У үз даромади ҳақида гапириб, бир неча миллион сўмларни тилга оляпти.

Аслида ҳам ҳар қандай жамиятни тутиб турадиган жиҳат, бу – манфаатдорлик. Манфаатдорлик қинғир йул билан бойлик орттириш дегани эмас, албатта. Бола-чақам деб, орзу-умид билан яшашнинг ўзи бўлмайди. Демак, меҳнат қилгандан сўнг унинг манфаати бўлиши керак. Бу борада фермерликнинг аҳамияти бекёёс. Энди дилимдан ўтган иккинчи гап шуки, қанийди, ҳамма йигитларимиз ҳам укамиз Ойбек сингари ҳалол ризқ-насиба, бойлик берадиган бир ишнинг бошини доимий тутсалар! Афсуски, кераксиз машғулотлар билан ўралашиб юрганлар ҳам йўқ эмас. Фермер Ойбекнинг эса бугунидан ҳам, эртасидан ҳам кўнгли тўқ. Ер меники, дейди у.

Яккабоғ туманидаги Жуман Михлиев номли ширкат хўжалигининг пудратчиси Қўйли Ҳасанов даласида ҳам худди шундоқ манзаранинг гувоҳи бўлдик. Президентимиз Қўйли ака билан ҳам сұхбатлашди. Ҳақиқатан, қилинган меҳнат ўз самарасини кўрсатиб турибди. Далада ҳосил мул, шартномада белгиланган бандлар бажарилган бўлса-да, лекин ер ҳали терилмагандай булиб турибди. Президентимиз паҳтаси қийғос очилган бир тупғузадаги чаноқларни санаб чиқдилар ва Қўйли акадан “Ерга чигитни қачон қадагансиз?”, деб сўрадилар. У “10 мартда”, деб жавоб берди. Сўнг Юртбошимиз: “Мана шу далаларда бундан ўн беш йил муқаддам чигитни 5 апрелда эккан эдик. Сиз бир ой ютибсиз!”, дедилар.

Мен шу уринда Ислом аканинг бу далаларга меҳр қўйиб, ўн беш йил аввалги бир санани ҳам – 5 апрелни ёдда сақлаб юрганларига қойил қолдим! Сафар давомида зироатчилигимиздаги, халқ турмушидаги бугунги ўзгаришлар жараёни билан боғлиқ кўпгина ҳаётий сабоқлар хаёлимдан кечди. Президентимиз айтганларидек, одамлар ер билан тиллаша олсагина, ер ҳам улардан марҳаматини дариф тутмас экан. Ахир ота-боболаримизни ҳам шу она ер боқиб келган-ку! Бугун ер ўзининг ҳақиқий эгасини топди. Бошқача айтганда, ерга, она заминга ҳақиқий эгалик ҳисси бойлик, фаровонлик яратишнинг боз омили бўлиб қолаётгани энг муҳим сабоқdir.

Маълумки, Тошгузар-Кумкўрқон темир йўлининг Деҳқонободгача бўлган қисми қуриб битказилди. Мен бу

янги йўлда қатнаган илк поезднинг дастлабки иуловчила-ридан бири бўлганман. Бу сафар эса ушбу йирик иншоотни Президентимиз билан биргаликда бориб кўрдик. Бу йўлнинг ҳам ўз тарихи бор. Президентимиз Қашқадарёда биринчи раҳбар бўлиб ишлаган ўша йиллардаёқ шу жойлардан темир йўл ўтказишни кўнгилларига туккан эканлар. Бу ҳақда Деҳқонободда кўп йиллар масъул бўлиб ишлаган Январ Иноятов ҳам эсладилар. Ниҳоят, Ислом аканинг ўша йиллардаги орзулари ўзларининг раҳнамолигида бугунги кунда рӯебга чиқаяпти.

Бу темир йўл Ўзбекистонни жаҳон билан боғлайдиган йуллардан бири, унинг аҳамияти бекиёс. Президент темир йўл шарофати билан бу жойлар янада гуллаб-яшнашини, бунинг учун эса муайян ишлар амалга оширилиши шарт эканлигини уқтириб ўтдилар. Чунончи, темир йўлга хизмат кўрсатувчи иш ўринлари, янги мутахассислар тайёрлаш учун маҳсус мактаблар очиш лозимлиги, темир йўл бекатларини ичимлик сув билан таъминлаш, улар атрофини ободонлаштириш зарурлигига ҳам алоҳида эътибор қаратдилар.

Шу ўринда яна бир Фикр менинг хаёлимда қаттиқ урнашиб қолди. Юртбошимиз “Бундан буен иморатларни пишиқ фиштдан мустаҳкам қилиб қуинглар”, деб тайинладилар. Очиғини айтганда, аввалги замонларда пишиқ фиштдан иморат солиш анчагина даҳмазали иш эди. Фиштин иморат қурган одамни “майда буржуазия”га чиқариб юборишлари ҳеч гап эмас эди. Энди эса, қураётган иморатларимиз қиёфаси ҳам ўзгариб боряпти: ҳар бир туманда коллеж бинолари, спорт комплекслари ярақлаб турибди. Мамлакатимиз раҳбари бугунни ва эртани, кейинги истиқболни ҳам уйлаб, иш тутишлари, албатта, ҳаммазининг ҳам баҳтимиздир.

Шу ўринда яна бир тарихий воқеани қайд этиб утишимиз жоиз. Яқинда Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлаш юзасидан ҳукуматимиз қарори чиқди. Бу эса, наинки Қашқадарё, балки бутун Ўзбекистонимиз ҳаётидаги мұхим воқеа ҳисобланади. Зеро, Қарши шаҳрининг тарихи давлатчилигимиз тарихи билан узвий боғлиқдир. Демак, қашқадарёликларнинг шу тўй муносабати билан амалга оширадиган эзгу юмушлари ҳали бисёр. Бу йўлда юртдошларимга куч-ғайрат ва омадлар тилайман.

Мамлакатимиз раҳбарининг Қашқадарे вилояти пахтакорлариға йўллаган табригига шундай сўзлар бор: “Мен қашқадарёликларнинг мардлиги, қийинчиликларда тобланганлиги, ор-номусилигини, сўзида қатъий туриш, юритидан фахрланиш фазилатларини ўз тажрибамдан яхши биламан ва юксак қадрлайман”.

Бу сўзлар, албатта, ҳар бир Қашқадаре аҳлига куч-ғайрат бағишлайди, илҳом ато этади.

Президентимиз учрашувларимиз мобайнода халқдан, оқсоқоллардан кўпдан-кўп эзгу дуолар олдилар ва айни чоғда ўзлари ҳам уларни чин дилдан, самимий дуо қилдилар. Юртбошининг дуоси эса, албатта, ижобат булади!

2004 йил, октябрь

СЕН ЎЗИНГ ЭНГ ОЛИЙ КОШОНАМ

Файласуф шоиримиз Мақсуд Шайхзода «Тошкентнома» асарида қўйидаги сатрларни битган: «Шаҳарлар боқийдир, умр ўткинчи». Албатта инсон умри билан шаҳар умрини қиёслаш қийин. Чунки шаҳарлар умри бир неча минг йиллар билан ўлчанади. Лекин миллион-миллион умрларнинг омухтаси, уларнинг қолдирган ёдгорликлари, қурган иморатлари шаҳар қиёфасида авлодларга эсадлик бўлиб қолади.

Шу маънода бизнинг Тошкент шаҳримиз дунёдаги энг қадимий ва энг кўркам шаҳарлардан бири сифатида ном қозонган. «Румо, Париж, Лондонга алишмайман кўхна Шош...» деган сатрлар ҳам Fafur Fулом қаламига мансубдир. Агар шаҳримиз Тошкентнинг ўтмишига назар ташлайдиган бўлсак, бу жуда ҳам катта китоб ёзишга тўғри келадиган бир таржимаи ҳол бўлар эди. Бундай китоблар ёзилган ва ёзилаётир. Бироқ ҳар бир шаҳарнинг ўзининг тарихида балқиган даври, юзага чиққан даври, йигитлик, кўркамлик, юксаклик поғоналари бўлади. Бизнинг тарихимизни қайси минг йилликлардан бошласак ҳам у албатта шаҳарсоз халқ бўлиб чиқади. Яъни у тинимиз иморат қурган. Аслида бунинг тагида катта ижтимо-

ий-сиёсий маъно ҳам борки, шаҳар, қўрғонлар давлатчиликнинг муҳим белгиси ҳисобланади. Кўчманчи халқлардагина муқим шаҳар, қўрғонлар учрамайди.

Қадимий шаҳарларимизнинг энг улуғларидан бири ҳеч шубҳасиз Тошкент шаҳри – Чоч, Шош номлари билан машхур булиб келган ва у тарихда Буюк Ипак йўлида жойлашган энг катта савдо йули ҳам ҳисобланган. Шаҳримизнинг қадимий осори атиқаларини ҳамшаҳарларимиз яхши биладилар. Бироқ халқимиз тарихида кўпгина фожеалар ўтди. Босқинчилар даставвал шу шаҳарни босдилар. Мана шу шаҳардан туриб Ўзбекистон бўйлаб ўзларининг мустамлакачилик сиёсаларини юргиздилар. Мана шу жойда ўзбек халқининг ифтихори бўлмиш зиёлиларни қатл этдилар, қувғин қилдилар.

Ҳар бир миллатда бўлгани сингари бош шаҳарга зиёлилар ҳам, олимлар ҳам талпинадилар, йигиладилар. Шу маънода ўтган асрда бизнинг Тошкентимиз халқимизнинг, Ўзбекистоннинг асосий катта шаҳри сифатида ном қозонди. Бу ерда турли мағкуралар, турли ташкилотлар пайдо бўлди. Ёзувчилар, олимлар, кино, рассомлик санъатининг намояндалари бу ерда ижод қилдилар. Тошкент оламга танилди. Хорижликлар ҳам шаҳримизни кўриб ўзбек халқи ҳақида бой тасаввур орттириб кетдилар. Бизнинг кийинишимиз, яъни атлас кўйлакдаги қизларимизни кўриб, ёхуд дуторчиларимизни, ҳофизларимизни тинглаб, тўйларимизни куриб, ўзбек халқининг яшаш тарзи билан танишиб, яхши тасаввур билан қайтдилар. Бу гапларнинг ҳаммаси албатта халқнинг менталитетига – феълу атвoriga боғлиқ бўлган ўлмас анъаналар, ўлмас қадриятларга киради. Лекин мана шу қадриятлар ҳам ўтган асрдаги мағкуранинг таъсирида қолди, бу қадриятларга ҳам ҳужум бошланган эди. Сир эмас, кўпгина воқеалар аввало пойтахтдан бошланади. Балиқ бошидан дейилгани каби. Масалан, Наврўзга ҳужум, еки дағн маросимлари, инсон хотирасини беҳурмат-қилишга ҳаракат юз берди-ю, унинг урнига халқ қабул қила оладиган бир жўяли foяни қўя олмадилар.

Шаҳримизнинг бошига кўп кулфатлар тушган. 1966 йил зилзиласи кечагидек ёдимиизда. Шаҳримиз вайрон бўлди. Бироқ халқ пароканда бўлмади. Бу ерда атоқли,

улуг одамлар яшаб ўтдилар, ижод қилдилар. Ойбек, Faфур Фулом, Абдулла Қаххор, Ўрол Тансиқбоев, Юнус Ражабий, Ботир Зокиров, Ҳабиб Абдуллаев ва бошқалар ўз халқига мана шу шаҳарда яшаб туриб хизмат қилдилар. Улуғ ифтихоримиз шундаки, халқимиз неча минг йиллар орзу қилган катта воқеа – Мустақиллик Тошкент шаҳрида эълон қилинди. Ва бу шаҳар бизнинг Мустақил Ўзбекистонимиз пойтахти сифатида қайтадан жамол қўрсата бошлади.

Президентимиз Тошкент шаҳрида Мустақилликни эълон қилганларидан буён мана 13 ийлдирки, Истиқоллиниг бош байрамини Тошкентда ўтказамиз. Энг муҳими, Юртбошимизнинг олдимизга қўйган талаблари, халқимизга тавсия қилаётган эзгу фикрлари ва мақсадлари авваламбор пойтахтда амалга ошади. Бунга бир неча ўнлаб мисолларни келтириш мумкин. Сир эмас, бир йил олдин Тошкентда бўлган киши иккинчи йили шаҳrimизни таний олмайди. Пойтахт улкан қурилиш майдонига айланди. Эски шаҳардаги синчли иморатларнинг озгина қисми сақланиб қолган демасак, шаҳар тамомила янгиланиб кетди. Энг улкан кўприклар, осмонупар бинолар, ер ости йуллари, метро, юзлаб коллеж, лицейлар, мактаб бинолари қад ростлаяпти. Буларнинг барчаси пойтахт қиёфасини белгилайди. Бу ерда нашр этилаётган китоблар, мусиқа соҳасидаги ютуқларни эслашимиз мумкин. Консерватория биноси. Дафъатан қараганда машҳур Тожмаҳални ҳам эслатади. Яқиндагина эса маҳобатли тасвирий санъат галереяси бунёд этилди. Ўзбек миллий меъморчилиги, қадриятларимизнинг қайта тикланиши, авваламбор Тошкентдан бошланди. Шаҳидлар хотирасига бағишлаб қурилган зиёратгоҳ, мен буларни номма-ном санашим мумкин. Шу йўсинда Тошкент XX аср охири, XXI асрнинг бошида тамомила катта йўлга чиқиб олди.

Унинг бош меъмори ҳеч шубҳасиз Президентимиз Ислом Каримовдир. Мен Тошкентда 40 йилдан ортиқроқ вақтдан буён истиқомат қиласман. Эски кўча-кўй, чойхона, гузарлар ҳаммаси ёдимда. Энди булар ҳаммаси ўзгариб кетди. У вақтлар биз трамвайнинг гийқиллашини шеър қилиб ёзардик. У поэзия бўлиб эшитиларди қулогимизга. Энди эса шаҳrimиз жаҳондаги жуда ҳам катта, манаман

деган улуф пойтахтлар билан беллашадиган даражага етди. Тошкентимиз гўзал, кўм-кўк яшил шаҳарга айланди. Энди очиғини айтиш керак, ҳар бир шаҳар, ҳар бир мамлакатни ҳам кимлигини унинг халқи, аҳолиси белгилайди. Аҳолисининг бағрикенглиги, юзи очиқлиги унинг обрўсидан дарак беради. Ўзбек халқини меҳмондўст халқ деб дунёга танитган шаҳарлардан бири албатта Тошкент шаҳридир.

Мана, бизнинг шаҳримизда ҳам тонгда, пешинда турли маъракалар муносабати билан халққа ош тортадиган одатларимиз бор. Булар кечаги ёки бугунги гаплар эмас. Лекин бу тўйлар, маъракалар эндиликда ҳеч бир ҳадиксиз, гўзал маросимга айланаштирилган. Шаҳримизга келган меҳмонларнинг неча-нечаси бу маъракаларда қатнашадилар. Бизда ер юзида учрамайдиган бир турмуш тарзи борки, у маҳалла дейилади. Маҳалла бизнинг Ўзбекистонимиздагина мавжуд. Айниқса Тошкентда маҳалла жамиятдаги энг катта, обрўли механизмлардан бирига айланди. Шаҳар ҳокимиятиянинг ҳам бажарадиган вазифалари, юмушлари алал оқибат албатта маҳалла манфаатларига бориб тақалади. Чунки маҳаллада халқ яшайди. Ҳамманинг хизмати – шоирнинг шеъри ҳам, бастакорнинг сози ҳам, маҳалла ичрадир. Ана шу тариқа Тошкент кундан кунга тараққий этиб, ривожланиб боряпти. Буларнинг ҳаммаси шахсан Юртбошимизнинг раҳнамолиги остида юз бераётир. Биргина қўприк қуриш буйича ер юзида бизнинг олдимизга тушадиган бошқа халқ йўқ, десак тўғри булади. Худди шу каби мисолларни нафақат Тошкент, мамлакатимизнинг барча минтақаларида ҳам учратиш мумкин. Қишлоқ гузарлари мисолида ҳам айтиш мумкин.

Бугунги ўзбек йигит-қизлари бундан 15-20 йил илгариги ёшлардан қош-кўзи билан фарқ қилмайди албатта. Балки қалби, ақли, дунёқараси билан кескин фарқланади. Ҳозирги ёшларимиз Англиядами, Америкадами, Германиядами, ҳар қандай манаман деган ёш билан суҳбатлашадиган бўлса, уларга бас кела олади. Компьютер деса компьютери бор, болаларимиз бир эмас, бир неча тилларни биладилар. Кийиниш маданияти гўзаллашмоқда. Миллий қадриятлар асосида тарбия олган янги ўзбек зиёлиси пайдо булаётир. Улар дўппини ҳам яхши биладилар, галстукни ҳам.

Яна бир гап. Ер юзида мамлакатни танитадиган турли фаолиятлар бор. Улардан бири спорт! Бизнинг курашнинг ҳам тарихи беш минг йилга бориб етади. Бугун спортнинг юзлаб турлари мавжуд. Мана, шуролар даврида битта гроссмейстер нарекда турсин, спорт устаси чиққан эмас. Йўл берилмаган. Биргина Руфат Рисқиев чиққанди. У ҳақда маҳсус китоб ёзилди. Мана, бугунги кунга келиб Рустам Қосимжоновни бутун жаҳон таниди. Тошкентнинг «Ўқчи» маҳалласидан чиққан бу чемпион билан ҳар қанча фахрланиш мумкин. Отаси, онасига, мураббийларига раҳмат.

Мен шуни айтмоқчиманки, одам аввало ватанпарвар бўлиши керак, халқини севиши керак, иккинчидан, одам-одамга хайриҳоҳлик билан қараши керак. Истеъоддни Оллоҳ берган бир неъмат деб қадрлаш керак. Президентимиз Рустамжонга гроссмейстер бўлишидан олдин компьютер совға қилгандилар. Ана шунда Рустамжон «Мен албатта жаҳон чемпиони бўламан» деб ваъда берганди. У ваъдасининг устидан чиқди. Кўз олдимиизда юз берган тарих бу. Демак, одамга ишониш керак. Одамга ҳурмат ва ишонч керак. Ана шунда миллат қанот ёзади, ана шундагина миллат гуллаб-яшнайди. Афинада ўтган олимпиаданинг мўътабар совриндорлари билан ҳам албатта фахрланамиз.

Тошкент бутун мамлакатнинг пойтахти. Бу ерга ҳар куни юзлаб вагонларда минглаб одамлар келади ва ўнлаб самолётларда ўн минглаб одамлар келиб қўнади. Ва шунча одам бу шаҳардан бошқа жойларга парвоз қиласди. Одам қаергаки борса, биринчи таассуроти қандай бўлса, охири ҳам шундай бўлади. Менинг бир шеърим бор. Унинг мазмуни бундоқ: «Агар посбоннинг қовоғи уюлган бўлса, жаннатга ҳам тортмайди оёқ». Шунинг учун мэзбоннинг чехраси очиқ бўлсагина, унинг хонадонида файз бўлади, обрў булади. Дунёда ҳамжиҳатлик фақатгина жўяли яшаш учунгина эмас, балки тинчлигимиз учун ҳам керак. Бир-биримиздан доимо хабардор бўлиб туришимиз шарт. Мамлақатимизни ёмон кўзлардан Худонинг ўзи асрасин, деймиз.

Илоҳим Тошкентимизга ҳеч қачон кўз тегмасин. Бу ўзимизнинг Тошкентимиз, ўзимизнинг пойттахимиз. Бу

ерда бизнинг Оқсаройимиз жойлашган. Мамлакатимизнинг раҳнамоси Президентимиз бу жойда мамлакатимизни бошқариб, Фармонлар чиқарадилар. Бу ерда Олий Мажлисимиш ўз фаолиятини олиб боради. Бу ерда Ўзбекистон ҳукумати ишлайди. Бу ерда ўнлаб, юзлаб жамоат ташкилотлари хизмат қиласди. Ана шулар қаторида бизнинг Ёзувчилар уюшмаси ҳам шу жойда. Биз шаҳримизга фойдамиш тегса, қувонамиш.

2004 йил, 5 ноябрь

КҮНГИЛ ОЛАМИГА ЗИЁРАТ

Маълумки, ўтган асрда, мустабид шўро тузуми даврида ўтмишимиз, миллий қадриятларимизга панжа орасидан қаради. Вульгар социализм – элу юрт тарихи, жумладан, халқ маданияти, миллий ифтихорини белгилайдиган улуф сиймоларга бир ёқлама муносабатда бўлиш, уларнинг тарихий ўрнини менсимаслик, номларини кўмиб, оёқости қилиш бу тузумнинг асл шакл-шамойилини кўрсатар эди. Фақат истиқлол туфайлигина тарихимиз кўксига ҳам шамол тегиб, қанчадан-қанча улуф номлар, табаррук сиймоларнинг шону шарафи номуносиб маломатлар, чанг-губорлардан фориг бўлди. Биз бугун баралла “Она Ватан!” демоқдамиш, элизимзинг ор-номуси дея кўксимизни тўлдириб, фахру гурур билан сўйлаётимиз. Бунинг боиси, албатта, истиқлолимиз шарофатидандир.

Бутун Хурросон ва Мовароуннаҳрда обру-эътибор қозонган, етти иқлимда “Оlam фақирлари ҳимоячиси” унвонига етишган, бир эл, бир миллатнинг маънавий-маърифий тимсолига айланган улуф шайх Xожа Аҳрор Валий ким бўлганлар? Шайх Абдураҳмон Жомий “Каъбаи мақсуд” деб улуғлаган, ҳазрат Алишер Навоий “Тариқат кутби” дебон тавозелар қилган, Бобур мирзонинг тушларига кириб, фориғлик йўлини кўрсатган бу зоти шариф ҳақида, мана, салкам олти юз йилдан бери “афсонавий-илоҳий ҳикоят-ривоятлар” халқ орасида муттасил айтиб келинмоқда.

Мана бугун Ҳақ дея ўтган, халқ деб куйинган сиймолар учун ҳақ қарор топди. Ҳазрат Алишер Навоий

иборалари билан айтганда, бутун уфқлар ичра тоқ пир ҳақида муносиб, аниқ сұзлар айтылмоқда. Динда ҳам, сиесатда ҳам энг аввало ақылликни, халқпарварлық, сулх-парварлықни асосий мақсад деб билған Хожа Ахрор Валий ҳазратларининг бутун ҳаёти, маслак ва эътиқоди айни шу эзгу амал йулида сарф бўлди, ул зотнинг умри-ҳаёти, авлодлару наслларга ибрат бўлгулиkdir.

Биз улуф ватанимизнинг истиқболига, авлодларнинг маънавий камолотига айнан шундай буюк аждодларимизнинг кўнгил ойнаси орқали қараймиз. Шу маънода таникли ва заҳматкаш шоиримиз Омон Матжоннинг улуф аждодимиз ҳақидаги “Халоскор руҳ” номли асари фоят меҳр билан, юксак масъулият ҳам маҳорат билан ёзилганини, шакл ҳам мазмун жиҳатдан адабиётимизда бир янгилик эканлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Мазкур асар, албатта, уз-узидан ёзилган эмас. Муаллиф қўп тарихий манбаларни ўрганиб, ўз кечинмаларини кўнгил оловида пишишиб, катта меҳнат сарфлаган. Шу сабабдан шоиримизнинг ушбу зиёратлари муборак бўлгай, деймиз, ўқувчиларни ҳам бу зиёратлардан баҳраманд бўлмоқларига ти-лақдошмиз.

2004 йил

ИЛМДА ҚЎРИҚ ОЧГАН ОЛИМ

Мен Бегали билан тенгдош эдим. У унугилмас дўстимни ўсмирлик, ўспириналлик йиллариданоқ яхши биламан. Биз бирга ўқидик, униб ўсдик. Илм-ижод бобида биргаликда баҳоли қудрат хизмат қилдик. Куни кечагидай едимда: Биз, Бегали билан бирга олис Қашқадарёдан Тошкентга дорилғунунга ўқишга келдик. Бу ерда кириш имтиҳонларини топшириб, ўқишга қабул қилиндиқ. Ҳеч эсимдан чиқмайди – биз, Бегали билан иккаламизнинг ҳам жуссамиз кичиккина, нозик қадди-қоматли ўспириналар эдик. Ўша маҳалдаги университет ректори, улуф олим академик Обид Содиқов бизларга “Болаларим, тагин бир йил ўзларингни жисмоний чиниқтириб келсаларинг яхши бўларди, ҳали жудаям кичкина экансизлар” дегандилар.

Биз эса, йуқ, домла, биз ўқигани келдик, ўқишга қурбимиз, қувватимиз етади, деб туриб олганмиз. Хуллас, мана шу тариқа Тошкентдай шаҳри азимда ижара уйларда туриб, иссиқ-совуқ қунларни биргаликда бошдан кечириб ўқидик, таълим олдик. Бегали курсимизнинг энг пешқадам, энг зийрак, зеҳни ўткир талабаларидан эди. Мен қуидаги бир мисолни келтириб ўтмоқчиман: бизга адабиёт тарихидан профессор Фулом Каримов домла дарс берар эдилар. Биз ҳали 2-курс вақтимиздаёқ (бу энди 59-йилларнинг гапи, 60-йилларнинг гапи) домла Алишер Навоийдан байтлар айтиб, шуни ким шарҳлаб беради, деб сўрадилар. Шунда Бегали биринчи бўлиб қўл кўтарарди ва унинг шарҳлари жуда мукаммал чиқар эди шекилли, домла раҳматлик қўзойнагини чаккага қўйиб, Бегалидан кўп нарсаларни сўради – қаерда ўқиган, қачон ўқиган. Кейинги дарсларда ҳам домла Бегали билан фикрлашадиган, уз саволларига жавоб сурайдиган бўлдилар. Бунинг сабаби Бегалининг ўзида туғма бир зеҳн, уқув, ўткир қобилият бор эди. Ўқишини битирмасимизданоқ Бегали Қосимовни Фулом Каримов домла ўзининг ҳақиқий шогирди сифатида эътироф этди ва Бегали умр бўйи тадқиқ этган жадидлар даври адабиётини ўрганишга, уз раҳбарлигига илмий иш олиб боришига фотиҳа этди. У маҳалларда жадидчилик даври ҳақида наинки ёзиш, жуяли гаплар, фикр айтиш, балки барага гапириш мумкин эмас эди, десам тўғри бўлади. Чунки жадидчиликдан ўша давр мафкураси чўчир эди. Сабаби жадид дегани янгилик дегани булиб, бу жамиятни янгилаш учун бел боғлаган ўзбек-туркий зиёлиларнинг ҳаракати эди.

Шу боисдан ҳам Туркистон жадидчиларининг отаси ҳисобланмиш Маҳмудхўжа Беҳбудий ва кейинги бир қатор шоир-езувчилар – Абдулла Авлоний, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Тавалло, Сўфизода ва бошқа маърифатчи жадид адилларимиз ижоди у маҳалларда ўрганилмаган, ҳали унга қўл тегизилмаган эди. Бегали мана шу ниҳоятда мушкул бир тарих саҳифамизга дадиллик билан кириб борди ва биз бугун барага ўқиб-урганаётган адабиётимизнинг ўша даврдаги жуда мураккаб катта бир бўғинини фанимизга, илмимизга қайтадан яратиб, халқимизга, илм аҳлига тавсия қилди. Бу иш осон кечган эмас. Бунинг

учун Бегали Қосимов бормаган кутубхона, изламаган манба қолмади. У бир қарасангиз Қозонда, бир қарасангиз Уфада, бир қарасангиз Петербург ёхуд хорижда булиб, ўша давр адабиети вакилларига тегишли материалларни ахтарди, уларни топди.

Энди тадқиқотчилардан тадқиқотчиларнинг, менимча, албатта фарқи булади. Сабаби – бунинг учун қийинчиликлардан чўчимаслик ва жуда синчковлик баробарида жуда чуқур, теран тафаккур эгаси бўлиши ҳам керак. Шуманнода Бегали Қосимов наинки ўзи ўрганган давр адабиётини, балки умуман адабиётни, умуман маънавиятни ниҳоятда теран тушунган улуғ бир шахс эди. У мумтоз адабиёт дейсизми, замонавий адабиётми, шеъриятми, адабий танқидми, ҳамма-ҳамма соҳага баб-баравар қизиқарди. Ва уларга ўз фикрларини билдиради. Мен дўстим раҳматликнинг меҳнаткашлагини ниҳоятда қадрлаганимдан ва унга доим қойил қолиб, ўзимнинг дилимдаги сўзларимни унга изҳор этар эдим. Ҳар бир ёзган шеъримга Бегалининг фикрини, муносабатини билишга умидвор бўлиб туради.

Бегали Миллий университетимизда қирқ йилга қадар дарс берди, юзлаб шогирдлар етиштириб чиқарди. Кафедра мудири сифатида миллий ўйғониш даври адабиёти деб аталган бир соҳани мукаммал бир фаолиятга келтира олди. Бегали тузган дарслер, ёзган қўлланмалар, монографиялар – буларнинг ҳаммасида энг муҳими, холислик, яъни объективлик ва талабчанлик қўзга ташланади. Б.Қосимов ижодига, илмий тадқиқотларига назар ташласак, унда бирорта ортиқча варақлар, гаплар эмас, ортиқча сўзни ҳам учратмайсиз. У ҳар бир сўзнинг масъулиятини, илмий жиҳатдан қадр-қўймматини теран истифода қиласиб эди. Ва мен ҳаётимда бундай ҳалол, пок ва тўғрисуз инсонни жуда кам учратганман.

Мана, истиқлол, мустақиллик даври ҳаммамиз учун катта имкониятларни, ижодий уфқларни яратиб берди албатта. Лекин ўз соҳасида айнан Бегали учун мустақиллик жуда катта имкониятларни очиб берди. Сабаби, истиқлолгача бўлган мафкура Б.Қосимов ўрганган давр адабиётини қабул қилишни истамасди. Қабул қилганда ҳам атрофга олазарек қараб, ишонқирамай муносабатда бўлишарди

улар, жадидлар ва уша давр, ўтган аср даври маърифат-парварлари фоялари тагида албатта, озодлик фоялари бор эди. Ҳуррият, истиқол фоялари барқ уриб тураг эди. Ана шунинг учун ҳам улардан чўчишарди. Шунинг учун истиқол, мустақиллик даври Бегали илмий ижодининг янада равнақ топишига, камол топишига бебаҳо бир имконият берди. Бу йилларда Бегали тухтовсиз, тинимсиз илмий тадқиқотлар олиб борди, ижод қилди. Кейинги даврларда бизда албатта, турли унвонларга эга бўлган ёзувчилар, шоир, олимлар кўп. Бироқ жаҳонда уларнинг эътироф этилишида бармоқ билан санарли шахсларни айтила олишимиз мумкин бўлади. Шу маънода Бегали Қосимовни хорижий мамлакатлардаги тадқиқотчилар жуда чуқур билимли, теран тадқиқотчи, улкан олим сифатида тан олдилар ва Бегали Қосимов ижодидан, илмий ишларидан энг ишончли манба сифатида фойдаланиб келдилар ва ҳозир ҳам шундоқ.

Энди бу ҳаёт дегани кўз очиб юмгунча утиб кетар экан. Ўтмиш шоирлари айтгандай ўнгингдан чапингга боққунча бўлмас ёхуд Саъдий айтганидек, нафас чиқарсанг ҳам шукур қил, нафас олганда ҳам шукур қил, чунки у нафасни чиқармаслигинг ҳам мумкин, қайта олмаслигинг ҳам мумкин, деган гаплар минг йиллар аввал айтилиб келган. Шу сингари, яъни одам ҳаётда лаҳзалик меҳмондай гап экан, яъни тириклик дунёсида.

Мана, менинг дўстим, тенгдошим ҳаётни эрта тарк этди, уша кунларда мен изтироб билан бу бардошлиқ, кўнгли пок дўстимни хотирлаб кўп ўйларга толдим:

Тонгларим тирадир, оқшомлар пурғам,
Бир-бир кетаётир жўраларим ҳам.

Бировин иулини касаллик тўssa,
Бировин ииқитди фам билан гусса.

Бошига тушса ҳам қанчалик савдо,
Ношукур бўлмади улар, ажабо!

Мен тирикликнинг ўзининг мантиқига шукроналик билан қарасам-да, лекин одам дилида армон барибир сунмайди. Яъни энди катта йўлга чиқиб, қийинчиликларни енгиб, катта ижод йўлига чиқсанда карвоннинг бирдан тухтаб қолиши, наинки алам қилади, балки кишига катта зарба булиб туюлади.

Мен ҳаётнинг пасти баландини, қўпчилик дусти ёрлар, оғайнилар ҳаётини, умрини кузатиб шундай хуносага келаманки, яшаш билан яшаб ўтишнинг фарқи катта. Кинши албатта бир-бирига ёруғлик тилайди. Бу табиий, лекин унинг якунида қўзга ташланадиган энг муҳим жиҳати шуки, қандай яшадинг ва нима қолди деган савол кўндаланг бўлиб олдимизга чиқади. Шу маънода Бегали жуда мазмунли ҳаёт кечирди. У меҳнат нашъасини, олимлик Фурурини, завқини тўла татиб кўрди. У илмий ижодида тарихимиз учун, адабиётимиз тарихи учун янги йўлларни, ўрганилмаган қуриқларни очишга улгурди. Бу Бегалининг қолдирган илмий меросидир. Бундан кейинги шу даврни ўрганадиган ҳар қандай тадқиқотчи, ҳар қандай олим Бегали Қосимов меросига, унинг китобларига мурожаат қилмасдан бир қадам ҳам қўя олмайди. Уни айланиб ўтиш мумкин эмас. Шунинг учун, унинг китоблари, наинки ёшлар, наинки мутахассислар учун балки маънавиятимизни қадрлаган барча ҳалқимиз учун баб-баравар қимматли, қадрлидир.

Бегали дўстимдан ажойиб етук фарзандлар қолди. Мен уларни кўрганимда дўстимнинг самимий, очиқ чеҳрасини қайтадан кўргандай бўламан. Бегалининг ўзи илму фанимиз даврасида ҳам, дўсту ёрлари назарида ҳам, айниқса биргаликда ўсиб улфайган мен каби дўстлари учун дам ҳамиша тириқ, ҳамиша барҳаёт.

2004 йил, декабрь

ЭЛ-ЮРТИНГГА МУНОСИБ БЎЛ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонучилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги дастурий маъruzасида давлатимиз раҳбарининг ҳалқимиз истикдол йилларида ҳаётбахш ислоҳотларимизнинг муайян босқичларида эришган ютуқларга якун ясалиб, яқин келажакда амалга ошириладиган асосий вазифалар белгилаб берилди. Эришган ютуқларимизнинг ҳам, амалга оширишни ният қилиб турган хайрли ишларимизнинг ҳам кўлами беҳад кенг, аҳамияти жуда катта, моҳияти эса

ниҳоятда теран. Қайси соҳани олманг, хоҳ иқтисодий-ижтимоий, хоҳ маънавий-маърифий йўналиш бўлсин, барча жабҳада мустақиллик йилларида улкан ўзгаришлар юз берганига гувоҳмиз.

Бу мамлакатимизда ҳукм суроётган мустаҳкам тинчлик-осойишталиктининг самарасидир. Биз, аввало, ана шу бебаҳо неъмат — тинчлик ва осойишталик учун шукроналик айтмоғимиз керак. Шу таҳликали замонда бунга эришиш ўз-ўзидан булаётгани йўқ. Буни ҳар биримиз билмоғимиз ва қадрига етмоғимиз лозим. Юртимиздаги тинчлик ва осойишталик Президентимиз юритаётган оқилона сиёsat натижасидир.

Бироқ, ҳалқимиз эришаётган ютуқларни қўролмаётган, юртимиздаги тинчлик-осойишталика раҳна солишга уринаётганлар ҳам йўқ эмас. Бундай кучлар, биринчи галда, ҳали етарлича ҳаёт тажрибасига эга бўлмаган, оқ-қорани яхши танимайдиган ёшларни тўғри йўлдан оғдиришга ҳаракат қилаётгани ҳам сир эмас.

Шунинг учун биз, ёши улуғлар — ота-оналар, устоз-мураббийлар, маҳаллалар оқсоқоллари фарзандларимиз тақдирига бефарқ бўлмаслигимиз, таълим-тарбия ишига енгил-елпи қарамаслигимиз керак.

Бу дунё бозорга ухшайди. Кимdir унга бораётган бўлса, кимdir қайтаёттир. Бозордан қайтаётганлар — биз, ёши улуғлар, турмушнинг аччиқ-чучугини татиган, ҳаётий тажрибага эга одамлардирмиз. Бозорга бораётганлар эса онгу-шуури, дунёқараши ҳали тўла шаклланмаган, масъум ёшларимиз. Ҳалқимизнинг одатига кўра, биз бозорда курганларимизни унга бораётганларга айтишимиз керак: «Ўгри-ёлғончи, фирибгарнинг домига тушиб қолма, адашма, эҳтиёт бўл!» — дея огоҳлантиրмоғимиз шарт.

Мен орзу қиласанки, қанийди ҳар бир ота-она бу дунёдан кетар чоғида фарзандини ёнига чақириб: «Мен сени ҳалоллик билан улғайтирдим. Бошингни кўтариб юр! Эл-юртингга муносиб бўл!» дея олса. Бундай ота-онанинг икки дунёда ҳам юзи ёруғ булиши шубҳасиз.

Мустақиллик фарзандлари — руҳан янги авлод. Билимда ҳам, илмда ҳам, яшашу интилишда ҳам дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган йигит-қизлар. Улар тўн ҳам кияди, галстук ҳам тақиб юради. Истиқлол туфайли миллий

ўзлигини тўла англаб етиш имкониятига эга, дунё билан бемалол тиллашаётган ва тенглашаётган баҳтли авлод.

Юртбошимиз айтадики, фарзандларимиз биздан кўра билимли, ақдли, доно ва албатта, баҳтли булишлари шарт. Бугун Ўзбекистонда ҳамма нарса ана шу улуғ мақсадга иўналтирилган. Юртимизнинг қайси бир вилояти, қайси бир туманига борманг, ойдай ярқираб турган муҳташам коллежларга кўзингиз тушади. Мен кўпинча уларни Ҳиндистонда Бобурийлар барпо этган, дуненинг етти мўъжизасидан бири — Тож Маҳалга үхшатаман. Уларда оддий чўпону дехқоннинг, ишчию хизматчининг фарзандлари замонавий билимларни эгаллаяпти. Бобомиз Хоразмий ўйлаб топган алжабр асосида яратилган компьютерни урганаяпти.

Дарвоҷе, даҳолар ҳақида гап кетганда таъкидлаб ўтай: улуғларни бирордан қарз оладиган жойимиз йўқ.

Чорвадор аҳли орасида шундай нақл юради. Етим қўзи кўринган қорани онам деб изидан эргашиб кетаверар экан. Биз ҳеч қачон етим қўзи бўлмаганмиз ва бўлмаймиз ҳам. Фарзандларимиз, аввало, ана шу олий ҳақиқатни яхши англаб етишлари керак. Беруний, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур каби боболарини таниган ўспиринга қандайдир чет эллар радиолари ақл ўргата олишига ишонмайман. Хорижда, айниқса, Шарқ мамлакатларида «Мен имом Бухорийнинг юртиданман!» десангиз, сизни барча бошига кўтаради. Чунки, Куръони каримдан кейинги китоб — Ҳадиси шарифни яратган зот ўзбек олимидир.

Оққан дарё оқаверади, деган ҳикматга ўзимиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Ўтган 14 йил мобайнида Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти даврасида буш турган уз үрнини эгаллади. Бизни ҳурмат қиласидилар, биз билан ҳисоблашадилар. Булар ўз-ўзидан рўй бергаётгани йўқ, албатта. Бунинг замирада буюк ва фидокорона меҳнат, улкан маданият ва иродаси улуғ Шахс турибди.

Юртимиз истиқололининг ўз муаллифи, яловбардори бор. Бу яловбардор Ислом Каримовдан бошқа одам бўлганида Ўзбекистон деб аталмиш улкан кемани ким билсин қайси томонларга бошлаб кетиши, халқимизнинг бошига не бир кулфатлар солиши мумкин эди. Юртбоши-

миз йўл бошидаёқ Узбекистонимиз тараққиётининг беш тамойилини белгилаб берди ва бугун халқимиз ундан оғишмай олға бормоқда.

Баъзан ошдан тош, гуручдан курмак қидириш ҳоллари учраб туради. Дейлик, бирор вилоятнинг узоқ қишлоғидаги мактаблардан бирининг синфидаги бирор партасиңган бўлса, уни мамлакат миқёсидаги нуқсон-муаммога айлантиргувчилар зумда топила қолади. Лекин Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ана шундай мактабларни бутунлай қайта таъмирлаш, янгиларини қуриш учун 1,3 триллион сўм ажратилганини улар билармикан? Албатта, билади. Аммо, билмасликка олади. Бугун мамлакатимиз улкан қурилиш майдонига айланганини бутун жаҳон қўриб турибди.

Бу Юртбошимизнинг: «Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва кам бўлмаймиз ҳам!» дея фахр-ифтихор билан айтган гапларини ёдга солмайдими. Ўтган йили Самарқанд шаҳрида «Ёшлар маркази» очилганида мен доноларча айтилган бу гапни бот-бот эсладим. Негаки, ёшларнинг замонавий қасридан сал нарида қадими Регистон қад ростлаб турибди.

Биз қадимдан тузиб, экиб-ундириб, яратиб ўрганган бунёдкор халқмиз. Бундай иншоотларни кўчманчи халқлар қура олмаган, билъакс, давлатчилиги, илму маърифати мустаҳкам, жаҳон тамаддуни тараққиётига ўз таъсирини кўрсата олган халқ, миллатгина қура олган.

Эришаётган ютуқларимизни кўролмаётган кучларнинг нияти — ёшларимизни турфа найранг билан ўз домига тортиш. Бири келиб демократияни ўргатаман, деб чалғитади. Иккинчиси — динни. Асл мақсади эса халқнинг ўртасига қутқу солиш, болани — отага, каттани — кичикка, халқни давлатга қарши қўйиш.

Бундай «мехрибонлар»нинг айримлари халқимиз демократия борасида эришган ютуқларни ўзларича тафтиш қилмоқчи бўладилар. Фарбда «ясалган» қолипларини олиб келиб бошимизга қўндиromoққа уринадилар. Бошқача айтганда, гўё ўзбек ўглонидан шотландиялик эркаклар каби юбка кийиб юришни талаб қиласилар.

Ҳар бир халқнинг ўз миллий либоси, анъаналари бўлгани каби, демократияга ҳам ўзига хос ёндашуви бўли-

ши табиий. Масалан, демократия ва адолат билан иш юритувчи маҳалла муассасаси, тушунчasi фақат Ўзбекистонда, узбекларда бор. Маҳаллаларимиздаги одатга кўра, оқсоқоллар фикрига қулоқ солиш диктатура эмас, ҳурмат, одоб белгисидир. Ҳурмат-иззат булмаган жойда демократиядек мұътабар тушунча шаллақиликка айланмайдими! Дейлик, мен Оврупога бориб, бу ерда маҳалла йўқ экан, демак, демократия ҳам йўқ, десам, қандоқ бўларкин.

Динни узларининг ёвуз мақсадлари йўлида ниқоб қилиб олган айрим оқимлар вакиллари аёлларни, оналарни фарзандларига, оиласига қарши қўйишга уринаётгани янада аянчли.

Халқимиз фақат Аллоҳ билан онага топиңиб келган. Бу аёлга, онага нисбатан буюк ҳурмат ифодасидир. Отабоболаримиз онасининг, қизининг қулини совуқ сувга урдирмасликка уринган, аҳлу аёлини аяган. Бугун шу анъана давом этаетганини кўрган айрим демократия пешволари: Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари чекланган, деб жар солишдан уялмаяпти.

Бугунги ёшлар Farбдан бошпана излаб юрган «доҳийчалар»дан, Афғонистонда бангиларга ютурдаклик қилиб умр ўтказаётган чаламуллалардан эмас, Ўзбекистонимизнинг байроғини баланд кутараётган Рустам Қосимжонов, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Ирода Тўлаганова каби йигит-қизлардан ибрат олсинлар!

Одам тоққа қоқинмайди, тошга қоқинади. Илоё, тошга қоқинмайлик.

Агар барчамиз ҳамжиҳат ва аҳил бўлсак, Ватанимизни сўйсак, Юртбошимизнинг атрофида янада жипслашсак, узбекни ҳеч ким енголмайди. Душман орамиздан чиқади. Унинг номи маҳаллийчилик, гуруҳбозлик ва бефарқлийдир. Тарихни унутмайлик: бир хонлигимизни ёв босганида қолган икки хонлигимиз томошабин бўлиб қараб тургани — миллатнинг бўлинишига аянчли мисол эмасми!

Инсоннинг табиати шу: турмушдаги муаммолар дарҳол ечилиб, Аловуддиннинг дастурхонидаги каби ҳамма нарса бир зумда муҳайё булишини истайди. Лекин фишт устига фишт қўйиш учун ҳам фурсат керак-ку!..

Ўзбек кураши илгари чет-чеккада, тўй-ҳашамда эс-

га тушадиган машфулот эди. Истиқолимиз шарофати билан унга давлат эгалик қилди. Унинг дунё бўйлаб кенг ейилишида Президентимиз Ислом Каримовнинг ўзлари бош-қош. Бугун саксонга яқин мамлакат курашни спорт тури сифатида расман тан олган ва кураш бўйича ўз миллий федерацияларини тузган. 12-13 йил илгари бундай гаплар тушимиизга ҳам кирмас эди.

Бир куни самолётда сафардан қайтаётган әдим. Ёнимдаги ҳамроҳим қўшни мамлакатлардан бирининг вакили экан. Қулидаги газетага имо қилиб, мақтаниб қолди: «Кўринг, бизда демократия мана шундай кенг тарқалган». Қарасам, ўша мамлакат раҳбарининг эшакка миндириб чизилган масхарали расми.

«Президент — юртнинг отаси, — дедим, — ўзларинг — бутун халқ — овоз бериб сайлагансизлар. Кишининг ўз отасини масхара қилиши Шарқда демократия мезони эмас, ўтакетган адабсизлик ҳисобланади. Шарқ Фарбдан ўзининг донолиги ва назокати билан ажралиб туради. Каттага ҳурмат, кичикка иззат эса ана шундай доноликнинг бир кўриниши. Отангни масхара қилганинг учун мақтанма-да, ошна.»

Ҳамроҳим қулидаги газетани фижимлаб ташлади: «Юртимга борайин, шу газетанинг редакторини ейман!»

Биз, ўзбеклар робинзонлар эмасмиз.

Мамлакатимиз ҳудудида археологик қазишмалар олиб борган баъзи олимлар Чагониён, Ерқўргон, Кампиртепа каби жойлардан топилган ашёларни бутпарастлик, оташпарастлик сингари ташқи дунё таъсирларининг ўзига хос кўриниши сифатида таърифлайди. Аслида эса улар Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон тамаддуни — цивилизацияси мавжуд бўлганлигидан яққол далолатдир. Бу тамаддун замирауда туб жой аҳолисининг манфаатлари, маънавий-маърифий, маданий анъаналари ўз ифодасини топган.

Бунга ким шубҳа қиласа, неча минг йиллик қалъа-қасрларимизни, қадимий форлардан топилган ранг-баранг расмларни бориб кўрсин. Энг қадимий шахмат тошлари бизнинг заминимизда топилган. Суяқдан ясалган энг қадимий най илк бор ўзбек заминида наво таратган. Буларнинг бари ўзининг мустақил давлатчилиги, гуркираб ри-

вожланган маданияти, тамаддуни мавжуд жойдагина пайдо булиши мүмкін. Шунинг учун ҳам шаҳарларимизнинг ёши бир-биридан катта чиқаверади. Ёши аниқланмаган неча құрғонларимиз эса навбат қутыб турибди.

Фарзандларимиз үзларини улуг халқнинг фарзанди сифатида ҳис қылғанида мана шундай жиҳатларга әътибор берсін.



ТАРЖИМАЛАР



ДАНТЕ АЛИГЬЕРИ
ИЛОХИЙ КОМЕДИЯ
АЎРОФ

БИРИНЧИ ҚЎШИҚ

Энди хуш сувларда қўтаргум елкан,
Даҳо иқтидорим чарх урар тагин,
Ғаддор мавжларда у адашиб елган.

- 4 Васф этай иккинчи салтанат бағрин.
Руҳлар бу манзилда покланиб расо
Топарлар абадий хилқатнинг хайрин.
- 7 Созим ўликларга жон этсин ато,
Муқаддас музалар – берингиз мадад.
Калиопа үзи қуллаб доимо,
- 10 Бир ҷоғлар лиранинг торин бешафқат
Ҳакка пора-пора айлаган маҳал
Торга қайта бошдан бергандай рафбат.
- 13 Шарқнинг зумрадидек қувончбахш, ял-ял,
Оlam туви қадар тиниқ ва теран
Юксак ҳаволардан руҳ топиб сайқал,
- 16 Яйраб чақнаганди чашмим ҳам бирдан,
Кўзим толиқтириб, қаддим этган ё
Зулматдан қутулган эдим ахийран.
- 19 Муҳаббат чароғи у – гўзал Зуҳро
Шарқни қулгуси-ла этди нурафшон,
Қошида Балиқчи буржи ҳам қаро.
- 22 Нигоҳим қаратдим қутбга томон,
У ёнда инсонга илк бор сочган нур
Тўрт юлдуз чарақлаб бўлди намоён.
- 25 Замин ҳам уларнинг нуридан масурп.
О, шимол ёқдаги ташландик диёр,
Ул шуъла бизларнинг бошда йўқ эрур.

- 28 Ўша эллар сари боққач мен бу бор
Шимолий қутбга ташладим нигоҳ.
Етти оға-ини бекитмиш узор.
- 31 Қаршимда қария қўринди ногоҳ.
Муҳтарам эди у, бамисли ўғил
Назарида падар шундайдир, биллоҳ.
- 34 Соқоли кўк ола ранггадир мойил,
Соқолга чулғашган эди батамом
Кўксига осилиб тушган қўш кокил.
- 37 Муқаддас тўрт юлдуз нури бардавом
Ёритиб турарди чеҳраи олин.
Юзи офтоб мисол – хулласи қалом.
- 40 У деди силкитиб паҳмоқ соқолин:
“Сўқир шаршараға ўтказган кимдир?
Ва кимсиз? Айтингиз бу ҳолнинг фолин.
- 43 Ҳодий ким? Заминнинг қоронғу, басир
Мудҳиш қаватидан чиқдингиз қандоқ?
Машъалани қайдан топдингиз, ахир?
- 46 Дузах иўриқларин енгибсиз мутлоқ,
Е пайдо булдими янгича расм –
Сабийлар қошимга келмиш бесўроқ?”
- 49 Раҳбоним у томон солди-ю разм
Менга имо қилди, эггин дея қад,
Тиз букишни менга айтди устозим.
- 52 Деди: “Келганим йўқ ўзимча минбаъд,
Самодан ўтиндиги менга бир аёл
Манов ҳамроҳимга бергил, деб мадад.
- 55 Бизларнинг қисматни, қизиқиб алҳол,
Билмоқчи экансан – ироданг қонун,
Бажо айлагумдир, келмас ҳеч малол.

- 58 Ажал уни чулғаб олмаган бутун
Роса яқинида күрсатғанди бўй,
Бир баҳя қолганди ўлмоғи учун.
- 61 Баён этганимдек, ба амри моҳрӯй,
Мадад учун бордим қошига жадал,
Зулматдан утказдим топиб бир йўл, жуй,
- 64 Гуноҳкорлар қавмин курсатдим тугал.
Истайман, назардан ўтказсин бир-бир
Сенинг маҳрингдаги қавмларни бу гал.
- 67 Нечоғ сарсон бўлдик – этмасман тасвир,
Сенинг хузурингта етишдик, ё руҳ,
Мени самовий сас қўллади, ахир.
- 70 Унинг ташрифига кўргаз таважжуҳ,
Унинг истагани озодлик, бильякс
Озодлик дегани умрбахш шукуҳ.
- 73 Сен эркнинг қадрини билардинг, хуллас
Утиқда ўзингни ўлдирдинг, илло
То машҳар ҳур бўлиб қолай, дея бас.
- 76 Биз ҳеч бир йўриқни бузмадик, аммо,
Бу – тирик: Миноснинг менга дахли йўқ
Жойим Марцияга яқиндир, зеро.
- 79 Марция сен учун оҳ чекар тулиқ.
Унинг ҳурмати деб, о, руҳ покдомон.
Бизга илтифот қил, айлагин қуллук.
- 82 Еттита қасринг бор, берсанг гар имкон
Кирайлик, Марция қошида мен то
Сенинг ҳам шарафинг айлайн баён”.
- 85 У деди: “Тириклиқ чоғимда, оё,
Марция этганди шунчалар мафтун, –
Бажардим, унинг-чун не бўлса раво.

- 88 Энди орамизда ёвуз бир тұлқин,
Рұхимни забт этган сеҳрли құдрат.
У аәлга энди лоқайдман лекин.
- 91 Самовий хоним гар буюрмиш хизмат
Менга шу етарли, ортиқча савол,
Ортиқча далолат, ортиқча ҳасрат.
- 94 Қамиш камар билан белин боғлаб ол,
Сұнгра юзларини юргин яхшироқ.
Ғубор ҳам қолмасин, бұлсин пок, ҳалол.
- 97 Жаннат осмонининг ажиб, ярқироқ
Тұдасига мансуб хос фаришта бор,
Мумкин әмас унга бу ҳолда боқмоқ.
- 100 Оролнинг теграси үралған қатор,
Пастда уммөн мавжи жүшар доимо
Ботқоқлик әқалаб ўстган қамишзор.
- 103 Сербарг ёхуд заранг набобот асло
У жойда күкармас, бор бунга сабаб:
Мавжга дош беролмас улар мутлақо.
- 106 Қайтаркан, юрмангиз сира у тараф;
Тоғ томон элтади Сизни қайси роҳ –
Билиб олажаксиз офтобга қараб”.
- 109 У ғойиб бұлғанди, мен булса, эвоҳ,
Даст туриб отилдим устоз бағрига,
Не гап? – деган каби ташладим нигоҳ.
- 112 У деди: “Жилаілик энди нарига,
Юр болам, бу жойлар қия-әнбағир,
Айланиб тушамиз адирларига”.
- 115 Тонғга тоб беролмай, зулумот базүр
Ёришиб келарди: Ташладим назар
Ва күзга қуринді долғали баҳр.

- 118 Кимсасиз нишабдан кетдик сарбасар,
Бамисли адашиб йүлин топган зот
Үзини биз янглиғ шодумон сезар.
- 121 Шудринглар насимда бўлмайин барбод,
Ҳали қуримасдан, офтоб тафти-ла
Баҳслашган жойларга етганда устод
- 124 Шудрингли майсанни босди кафти-ла;
Устоз муродини англағ ўша зум
Унга яқинлашиб бордим шахт ила.
- 127 Ва тутдим ёш ювган яноғим, юзим;
Рухсорим покланди, балки умрбод
Дўзах изи унда топганди тўзим.
- 130 Кимсасиз соҳилга чиқдик икки зот,
Бу жойда ҳеч кимса асло, ҳеч қачон
Қайта йўл юрмаган, из солмаган бот.
- 133 Бовужуд, устозим қамишдан чунон
Камар тўқиб берди. Ажаб! Во, ажаб!
Узилган поянинг ўрнида шу он
- 136 Пайдо бўлар эди янгиси, ёраб!

ИККИНЧИ ҚЎШИҚ

Офтоб - кўз илғамас, келмоқда эди,
Кудуси шарифга ҳозир рўбару
Айни чоғ биз томон елмоқда эди.

- 4 Тун эса қўлида тутиб тарозу
Чиқиб келар эди дарёи Гангдан
Кундузга ғолиблиқ қилмоқдайди у.
- 7 Аврора чеҳраси оқ-алвон рангдан
Сўлғин тортар эди энди тобора,
Сарғайиб борарди узор норавшан

- 10 Туардик субҳидам балқан жой аро,
Мисоли ноаён йўлда сарфароз
Лекин беҳаракат зотдек бечора.
- 13 Тонг чоги магрибда уммон узра соз
Қуюқ ҳаволарда Миррих ялтираб
Қирмизи барқ билан ёнгандай нохос.
- 16 Шуъла куз олдимда кетди ялтираб.
Мавж узра шундоқ тез чопардики нур,
Ҳеч бир шиддат унга қелолмас тараф.
- 19 Тулқинлар сатҳидан кўз узиб бир қур
Хитоб қилмасимдан устозга ҳали
Нур порлаб, ёрқинроқ бўлганди зуҳур.
- 22 Сал ўтмай атрофга оппоқ жилвали
Нур сочиб бир шуъла кўринди ҳайҳот.
Тубан кетди бири ўша маҳали.
- 25 Устозим жим эди, лек ўша заҳот
Англадим қанотдир шуъла шубҳасиз.
Қайиқчи кимлигин фаҳм этди устод.
- 28 Деди хитоб айлаб: “Юкин чўкиб тиз,
Тангри малаги бу, ошгунингча тоғ
Улар бундан буён учрагай тез-тез.
- 31 Қара, покдомон зот магурдир не чоғ!
Эшкак, елкан билан йўқ зарра дарди,
Қанот билан сузар уммонда мутлоқ.
- 34 Қара, у қанотин кўкка кўтарди,
Унга суюнч эрур абадий қудрат
Жўн бўлса, қанотин бот-бот силкарди”.
- 37 Ҳар қанот қоққанда ёришиб талъат
Илоҳа келарди сузиб биз томон.
Боқмоққа менда ҳеч қолмади ҳолат.

- 40 Ерга қараб қолдим, қайиқ шу замон
Қирғоққа қадалиб тұхтади енгил.
Сувда ҳам изи йүқ, шунчалар равон.
- 43 Дарға турар эди – самовий расул,
У ҳақда сұзламоқ үзи саодат;
Бор эди юз нафар мардум ҳам аҳил.
- 46 “Ix enitu Israel”, – дейишиб якқат
Барчаси баробар қилишди дуо.
Нарғи Забурдан суръа, тиловат.
- 49 Хоч тутиб ижозат этгач у сиймо
Қирғоққа ёпрылди жамъи издиҳом.
Малак-чи ортига кетди шу асно.
- 52 Билгисиз диәрга боққанча тамом,
Анқайиб қолди-ку тұда бир нафас.
Гүё янги нарса этган каби ром.
- 55 Офтоб нурларини сочиб басма-бас
Осмондан ҳайдади буржи Жаддини;
Күеш күтариlgан пайт эди, хуллас.
58. Оломон бизларга ёриб дардини
Деди: “У томонга чиқармиз қандоқ?
Билмасмиз мутлақо йўлнинг ҳаддини”.
- 61 Вергилий дедики: “Биз ҳам сиз сиёқ
Ушбу диёр ичра мисли мусофир.
Илк бора қўйғанмиз шу жойга оёқ.
- 64 Биз сиздан аввалроқ бўлғанмиз ҳозир
Хатарнок йўллардан утдик-ки ҳай-ҳай
Қолган йўлни ҳолва деса ҳам арзир”.
- 67 Халойиқ тураркан биздан кўз узмай
Нафас олишимни қолиши пайқаб,
Ранглари оқариб кетди бутунлай.

- 70 Зайтун бутоги бор чопарга қараб
Хөвлиқиб югурап жамъики одам
Нима гап эканин олгани сұраб.
- 73 Халойиқ үшандоқ хүшнуд, серкарам
Термулиб қолдилар менга маҳлиә
Фаромуш этишди йүл ташвишин ҳам.
- 76 Сафидан ажралиб бирори ҳатто
Менга қучоқ очиб ташлади одим,
Мен ҳам ҳурматини айладим бажо.
- 79 Бовужуд сояни оғушга олдим,
Уч бора бағримга босай дедим, ох,
Ҳар сафар ўз күксим қучоқлаб қолдим.
- 82 Хижолат чекишим пайқади арвоҳ,
Кулимсаб орқага чекинди дарров
Мен ҳам яқинлашиб бордим баногоҳ.
- 85 Яқин келма деди, рубарў икков
Таниб қолдим уни бешубҳа, бешак.
Фурсат сақла дедим мен билан бирров.
- 88 У деди: “Руҳ тандан бўлмасдан бўлак
Севгандим; Севаман мен сени ҳамон.
Тўхтайман: хўш, энди сендан сўрасак?”.
- 91 Дедим: “О, Каселла, бу манзил томон
Қайта келмоқ учун этганман сафар.
Шу ҷоқҷача қайда тутгандинг макон?”.
94 Деди: “Юз берганмас гина ё қадар,
Малак кимни қўйиб, олди кимнидир,
Мен-чи, кутиб турдим навбат бир қадар.
- 97 Малак раъии билан бир амри тақдир.
Барчани уч ойнинг ичиде аниқ
Бу жойда қилгуси ҳозиру нозир.

- 100 Наҳри Тибр сувлари тахир ва аччиқ
Уммон суви билан қўшилган жой бор
У ердан келтириди мени ҳам қайиқ.
- 103 Мавжларда елмоқда ҳозир шиддаткор;
Ахерон гар кимни этмаса қабул.
Малак қайиғига ўтқазар зинҳор.
- 106 Дедим: “Сен қўшиқлар куйлардинг, мақбул,
Түғёни дилимга бағишлиб ором,
Сўнмаган бўлса гар иқтидор буткул
- 109 Руҳимга ҳаловат айлагил инъом.
Тириклик тарзим-ла юрибман-ку то,
Ҳориб, чарчаганман буткул, батамом!”.
- 112 “Муҳаббат сирлашар, дилимга ошно”,
Куйлаб юборди у жўшиб шодумон.
Ҳануз юрагимда жаранглар садо.
- 115 Устод, мен - икковлон ва хуш оломон
Тинглар эдик уни маству мустафриқ,
Қолмовди наздимда бошқа ҳеч армон.
- 118 Тинглардик, дилларда ҳаяжон тўлиқ.
Улуғвор қария қилди зўр даъват:
“Танбаллар! Бепарво тинглайсиз қўшиқ.
- 121 Йўлга чиқишига ҳам қилингиз рағбат.
Тангри дийдорига бўлмоқчун ноил.
Куфрдан пок бўлмоқ зарурдир албат”.
- 124 Каптарлар дон-дунга бўлганда машғул
Шундоқ безътибор юаралар кибор.
Мағрур ғув-ғувин ҳам унутиб буткул.
- 127 Ва лекин нимадир чўчитса зинҳор
Учиб кетадилар ташлаб дон-дунни
Гўёки зарурроқ ишлари ҳам бор.

- 130 Фур мардум бошида қўрдим шу кунни,
Қўшиқ ҳам эшитмай қолдилар қочиб,
 Зот, гўё, югурар, билмай тахминни.
- 133 Ва демак, бизлар ҳам қолгандик шошиб.

УЧИНЧИ ҚЎШИҚ

Чуваган тўдани янграган даъват
 Қоя этагига элтди шу замон
 Тафтиш этар унда бизни ҳақиқат.

- 4 Мен устоз ёнида қолдим бегумон.
 Қайга ҳам борардим бир ўзим ёлғиз,
 Ахир ким кўрсатар йўлни тоғ томон?
- 7 Устоз койир эди ўз-ўзин сўзсиз.
 О, покдил зотларнинг асл вижданни
 Сизда сал куфр ҳам қолдиргай чўнг из.
- 10 Устоз секинлатди шаҳди равонни.
 Яъни шошиб юрмоқ ножоиз бир ҳол.
 Маҳдуд шуурим ҳам ўша замони
- 13 Идроким касб этди тийрак бир аҳвол.
 Денгиздан қўккача юксалган улкан
 Қояга чамалаб қарадим дарҳол.
- 16 Ортимдан қирмизи барқ сочиб турган
 Кун нури тўсилди дуч келиб менга.
 Қаршимда соямни кўргандим бирдан.
- 19 Боқиб ўз қўлкамга – қора заминга
 Ростдан титраб кетдим – қолдим деб танҳо.
 Фақат менинг соям куринди нега?
- 22 Мен томон юзланди ҳодийи доно:
 Деди: “Ваҳимага берилдинг абас,
 Мен борман, сен ёлғиз эмассан асло.

- 25 Бир чоқ соя солған танам бу нафас
Етар Неаполда - ҳозир унда кеч.
Ҳоким Брундузидан күчирилган, бас.
- 28 Куланкам йүк эса ҳайрон қолма ҳеч,
Нур ахир осмоннинг қатларидан ҳам
Ўтиб кетади-ку бетухтов, печ-печ
- 31 Ва лекин қаҳратон, жазира, дард-ғам
Бизнинг сийратга-да жорий этилмиш
Шундоқ йўруқ берган раббано, эгам.
- 34 Уч хилда намоён ягона равиш
Хилқатни гўёки айламак идрок
Инсон ақли учун кулгили бир иш.
- 37 Duia етар сенга, о инсон, бебок.
Ҳар нени қўзингга аён қилса гар
Бунёд этармиди Марямни афлок?
- 40 Кўрдинг, ташналиқда ўтди не зотлар,
Чорасин ахтарди гарчи мардона
Лекин чанқоқликда қолдилар баттар.
- 43 Афлотун, Арасту ва бошқа яна
Кўплар бор”. Жим қолди устоди комил
Лабида изтироб қотди гирёна.
- 46 Тош ўнгури энди кўринди адл
Жарликларга тўла ҳад эди яққол.
Танг қолар қошида ҳар қандай эпчил.
- 49 Леричедан Турбий томонга йул сол,
Қанча қийналмагин, бунга нисбатан
Уни зина деса бўлар bemalol.
- 52 Устоз тухтаб деди: “Йуқми дафъатан
Жарлик орасида пастқамроқ бир жой,
Сакраб ўта олсак токи устидан?”

- 55 Ерга боққанича устоз ҳайнаңой
Үйлаб турар эди чора-ю тадбир.
Қия нишабликка боқдим паепай.
- 58 Арвоҳлар тизилиб бамисли занжир
Биз томон келарди оёғин судраб.
Имиллар, уларга гүё барибир.
- 61 “Боқсанг-чи, – дедим мен устозга қараб,
Ташвиш чекаберма бекордан-бекор,
Йұлни ановлардан олармиз сұраб”.
- 64 Устознинг чеҳраси ёришди бисер,
Деди: “Юришлари ростдан ҳам танбал,
Борайлик, ўшалар йўл бошлар зинҳор”.
- 67 Гуруҳ йироқ эди биздан, филмасал,
Минглаб қадам босдик орада аммо
Тош отса етқулик йўл қолган маҳал,
- 70 Саф қатор оломон ўша ҳамоно
Қояға қапишиб тўхтади, тинди
Ҳайратдан лол қотган кимсадек гүё.
- 73 Вергилий уларга боқиб утинди:
“Ҳақиқат қўйнида юрибсиз мудроқ
Иншолло, имонга лойиқсиз энди.
- 76 Бормикан биз учун бирорта сўқмоқ,
Нишабдан айланиб чиқолсак тоққа
Оқилга ҳар лаҳза ғанимат мутлоқ”.
- 79 Қўйлар қўтонидан чиқар ўтлоққа
Анвал бири сўнгра ўзгаси қур-қур.
Дарҳол тутинарлар хас-чўп емоққа.
- 82 Бирининг ортидан эргашар улар.
У тўхтаса тўхтар барчаси албат.
Нега бундоқ бўлди? Этмаслар зухур.

- 85 Тұдани бошлаган зотлар ҳам энди
Фикрчан, мулойим ташлашиб нигоҳ.
Яқынлаб келганди бизга ниҳоят.
- 88 Лекин бокидилар-ки күн нури ногоҳ
Түсилиб, күринди менинг күланкам
Соямга күзлари тушган эди, воҳ.
- 91 Олддаги чекинди чучиб чинакам,
Қолғанлар ҳам ортга ташлади үзни
Нега? Улар учун сабаби мубҳам.
- 94 “Майлига, олдинроқ бошлайин сүзни:
Барҳаёт инсон бу күланкаси бор.
Үша таҳайюрга солмоқда Сизни.
- 97 Лекин бовар қилинг гапимга зинҳор:
Самовот йуриғи, олий ирода
Унга бу сафарни этган ихтиёр”.
- 100 Устоз фикрин шундоқ қилди ифода.
Улар деди: “Юринг биз билан бир саф”.
Күллари билан ҳам этди ишора.
- 103 Бири сүз бошлади мен томон қараб:
“Майли ким бүлмагин, лекин бу ён бок,
Танишмасми сенга рафторим, ажаб?”
- 106 Юзига тикилиб қарадим узок,
Малларанг, келишганса нигоҳи ойдин.
Қош устида чандық бор эди бироқ.
- 109 Танимаслигимни айтдым дилдан чин;
“Қара-чи, — деди у ишора айлаб,
Күрдим күкрагида жароҳат изин.
- 112 Табассум бирла сұнг сұзға очди лаб.
“Манфредман, Костанцага асл набира.
Тириклик мулкига қайттанда, шу гап:

- 115 Қизимга салом айт, қизимни сұра.
Сицилия, Арагон фахри эрур у,
Айтгил, ишонмасин миш-мишга сира.
- 118 Икки бор ажалға келдім рубару,
Сұнгра йиғлай-йиғлай жон этдім таслим
Мудом кечиримли даргоҳға, ёху.
- 121 Менинг гуноҳларим эди құп азим;
Ва лекин құллагай қодири мажид
Кимки паноҳ истаб тавба қылса ким.
- 124 Климент сайлаган козенлик зоҳид
Фиққдан бўлсайди зарра хабардор
Мени хор қилмасди бамисоли ит.
- 127 Беневенто кўкрагин ёнида зинҳор
Ётган булар эди сунгагим бутун.
Чўнг дўнглик булғанди теппамда мозор.
- 130 Энди-чи, сунгагим қилдилар сургун,
Верде соҳилида жойимдир яйдоқ,
Бир кофир қавмида этдилар нигун.
- 133 Умид дараҳтида бирорта япроқ
Қолган бўлса агар, тангри серкарам
Авф этгай, кечириб, бушатгай сиртмоқ.
- 136 Ҳар қалай, черковдан ким узса қадам,
Гарчанд қилсин сұнгра тавба тазарру,
Мана шу нишабга келгай сұнгги дам.
- 139 Ўттиз бор осийлик муддатини у
Ўтагай, узгалар айлаб тиловат,
Дуо қилиб турса – тағин яхши-ку.
- 142 Шоҳидсан, қай тахлит менинг бу қисмат,
Холимдан қизимни этсанг хабардор
Берган булар эдинг менга құп мадад.
- 145 Мен учун уларнинг дуоси даркор”.

ТҮРТИНЧИ ҚҰШИҚ

Дилимиз мулкининг бирор чеккасин
Эгаллаб олса гар шодлик ё кулфат.
Фаромуш этгаймиз қолган барчасин.

- 4 Уша бир түйғуга бұлгаймиз улфат.
Шу йүсін сақвни ҳам тушунмоқ мүмкін.
Чунки қалбимизда түйғулар қат-қат.
- 7 Гоҳи дикқатимиз зоҳир ё ботин
Айрим бир нарсага жалб бўлур фаол.
Шунда унут қолар замон, вақт, очун.
- 10 Замонга бир түйғу боғлиқдир, алҳол;
Руҳ эса бошқа бир нуқта билан банд.
Бунда ўзга ҳолат, унда бошқа ҳол.
- 13 Манфред бирла мен сұзлашиб ҳарчанд
Ушбу тушунчага инондим осон.
Куещ күтарилиб қолганди баланд.
- 16 Биз учун хос йўлни топишган замон
“Бу жойдан ўтгайсиз” дея баробар
Қичқирди ҳалиги танбал оломон.
- 19 Токда узум боши ранг олган чоғлар
Четанинг каттароқ тирқишига гоҳ,
Боғон эҳтиётдан тиканак боғлар.
- 22 Устоз иккаламиз бош тиққан у роҳ
Ўша түйнукчалик келгай, ҳойнаҳой.
Ўз йўлида кетди тўдаи арвоҳ.
- 25 Сан-Лео ва Ноли деб аталгай жой
Ёки Бисмантов бор - йўли серхатар;
Бунда-чи, беқанот аҳволинггавой.
- 28 Лекин шундай қанот бўлсин муқаррар;
Токи у руҳингга беролсин мадад.
Чорларди юксаклик мени жилвагар.

- 31 Қояда борардик ошиб қанча ҳад;
Кутарилдик қат-қат тизмалар узра
Таяниб тошларга навбат-банавбат.
- 34 Ясси құттармага чиқдик биз сүнгра.
Жарлик канорига бордик яқынлаб.
Дедим: “Қайға устоз, жарлик-ку тегра?”
- 37 Деди: “Тоғ тизмаси силсила бүйлаб
Келабер изма-из, учрагунча то
Оқыл йўлбошли зот – ҳодий боматлаб”.
- 40 Илғаб бўлмас эди чўққини асло,
Доира чорагин кесган ўқдан ҳам
Қияроқ эди бу нишаб мутлақо.
- 43 Бовужуд, толиқиб ташларкан қадам
Дедим устозимга: “Боққил, о, падар,
Қояда бир ӯзим қолгум, қил ёрдам”.
- 46 Деди: “Интилиб боқ ҳув жойга қадар”.
Турарди тепада тағин поғона
Атрофин ураган тиғдор қоялар.
- 49 Устоз даъватидан бўлиб мардона
Юксакка тирмашдим яна чоғланиб
Амаллаб, оёғим қўйдим у ёна.
- 52 Шарққа юз бурганча, бир нафас қониб
Тин олдик, бамисли ҳориган сайёх
Ўтган йўлларига боқар қувониб.
- 55 Бўм-бўш канорага ташладим нигоҳ,
Сўнг боқиб самога, қотдим лол, ҳайрон.
Офтоб сўл томонда кўринди ногоҳ.
- 58 Бильякс офтоб нури биз ва Аквилон –
Шимол орасида бўлганди пайдо.
Шоир ҳайратимни пайқади аён.

- 61 Деди: “Шуълаларин сочган күкаро
Кўзгунинг қошида жавзо турса гар.
Аниқ ҳол қошингда бўларди ифшо.
- 64 Етти оғайнинг яқинлаб буржлар
Айланган бўларди — рухсори алвон.
То кун узгартмаса йўлин муқаррар.
- 67 Бунинг сабабини англарсан осон.
Тасаввур айлагин, биз турган тоқقا
Тескари жойлашган у қўхи Сион.
- 70 Унинг ҳам, бунинг ҳам осмони бошқа
Лекин уфқи битта; Фаэтон бебаҳт
Аробасин сургай ҳар икки ёқса.
- 73 Юлдузлар ҳадидан ўтар у фақат,
Бунда — бир тарафдан, — ундан бир тараф.
Фарқлаб олажаксан кейинроқ албат”.
- 76 Дедим: “Илк мартаба сўзларинг тинглаб
Англаб турмоқдаман барчасин равшан.
Мафхум этолмасдим мен аввал қараб.
- 79 Офтоб билан қишининг ораси бўлган,
Буюк коинотнинг муқим нуқтаси
Ёйинки экватор дея аталган.
- 82 Ҳад бизга кўринди ярим кечаси
Яхудийлар учун у жануб демак.
Гар мушкул бўлмаса, гапнинг сираси,
- 85 Айт, яна қанчалик йўл юрмоқ керак.
Шунчалар баландки бу қоя, деввор.
Кўз сира илғамас, осмондек юксак”.
- 88 Деди: “Ушбу тоғнинг ўз ҳикмати бор,
Унга кўтарилимоқ душвор даставвал.
Сунгра чиққан сари чекмайсан озор.

- 91 Оқим бүйлаб сузган кемадек дангал
Хар босган қадаминг енгил бұлса то,
Гавдангни құтарса юксакка жадал.
- 94 Билгилки, йұлимиз топмиш интиҳо;
У ерда тарқагай чарчоқ, машаққат.
Менинг измимдаги жавоб шу, илло”.
- 97 У тингач, бир овоз келди шу фурсат:
“Үша манзилингга етгунча ҳали
Хордиқ олгинг келар неча-неча қат”.
- 100 Бурилиб қарадик ўша маҳали
Чап ёнда турарди улкан ҳарсанғтош
Пайқамаган әдик уни аввали.
- 103 Яқынроқ бордик биз, ҳарсанғга ёндош
Сояда ётарди бир тұда одам.
Афти-ангоридан ялқов, қовоқбош.
- 106 Ҳолдан тойған каби бири жуда ҳам,
Икki құли билан ўраб тиззасин
Орасига тиққан бошин әгіб ҳам.
- 109 Устозимга дедим: “О, шоён таҳсин,
Манов зот шунчалар эканки ялқов,
Асл ялқов шундай бұлмоғи мумкин.
- 112 Биз томон бурилиб, күз қисиб меров
Хорғин назар солиб деди: “Чиқа қол,
Магарам шунчалик ботирсан ва дов”.
- 115 Мен уни танидим; ҳаяжондан лол
Күксимда нафасим гупурар эди.
Хар нечук, ёндашиб бордим бемалол.
- 118 Бошини у секин қутариб деди:
“Оlam тархин роса айладинг таҳлил,
Қуёш сұл томонга дүнарми энди?”

- 121 Мавхұм гаплари-ю рухсори мажхұл
Чиндан ҳам күлгига әди сазовор.
Дедим: “О, Белаква, қисматинг мақбул.
- 124 Лекин, айт, бу ерда туришдан не бор?
Бошқа ҳамроҳларинг күтапсанми ё
Эски ҳолатингга тушдингми такрор?”
- 127 Деди: “Йүл юришдан борми ҳеч маъно?
Дарбоза олдида тургувчи малак
Сарсон булишимга йүл қўймас асло!
- 130 Менинг бош устимда шу хилқат, фалак
Айланар умримча яна бир бора.
То тавбам имонга дўнгунча бешак.
- 133 Худо раҳм солған юраклар зада
Дуо айласалар наф топгум бироқ
Бошқасини само тингламас сира”.
- 136 Устоз бу орада кетганди йироқ,
Чорлади: “Қайдасан? Кутарилди кун,
Ўтди меридиан ҳаддидан чароқ.
- 139 Марокаш томонга чўкмақдадир тун”.

БЕШИНЧИ ҚЎШИК

Мўмин мусоғирдек устоз ортидан
Борардим тарқ этиб арвоҳлар сафин.
Бири мени кўриб қичқирди бирдан:

- 4 “Қаранг, пастдагининг сўл, ён тарафин,
Унинг вужудидан нур үтмас минбаъд.
Баийни тирикдек тутар жуссасин!”
- 7 Унинг сузларига бурдиму диққат,
Қайрилдим, арвоҳлар турарди ҳайрон
Нур тўсган танимга боқиб серҳайрат.

- 10 Устозим лутф этди: “Наҳот оломон
Турса юрагингга ғулғула солиб
Уларга парво ҳам қилма ҳеч қачон.
- 13 Юргил, узларица вайсасин қолиб
Асрий, туфонларга боқсан беписанд
Собит минорадек турабер ғолиб.
- 16 Инсон ўз аҳдига берар доим панд;
Ҳар зумда ўзгарар ундаги фикр,
Бири ривож топса - күхнаси парканд”.
- 19 Не важ кўрсатардим демоқقا узр?
“Ҳозирман”, дедим мен тортиб хижолат,
Ҳис этиб, устозим тутганин маъзур.
- 22 Юксак қиялиқда айни шу фурсат,
Арвоҳлар тудаси бўлди намоён.
“Miserere”дуосин айлаб тиловат.
- 25 Менинг ҳаётлигим пайқагач аён
Уларнинг қушиги ҳасрат тўла “оҳ”
Бўғик, чўзиқ сасга айланди шу он.
- 28 Улардан вакилдек иккита арвоҳ
Кимсиз деб югурди биз томон атай.
Нечук келдингиз деб бу ён бандоҳ.
- 31 Устозим дедики: “Жавобимиз шай,
Токи қолганларга берингиз хабар
Ҳамроҳим тирикдир, мен Сизга айтай.
- 34 Унинг кўланкаси чўчитса агар,
Жуда ҳам жўн эрур буни шарҳ этмоқ;
Илтифот қилсангиз у мадад айлар”.
- 37 Кўкда юлдуз кўчса ё чақса чақмоқ,
Ёйинки кечки ёз булут карвони
Бундай юрганин курмовдим мутлоқ.

- 40 Теппага чопишиди ўша замони;
Мисоли йүртишган бир даста аскар
Еприлди қайтадан тұп оломони.
- 43 Шоириң сұз қотди: “Тұдани баттар
Бу ёнга қисмоқда халойиқ саф-саф.
Тинглаб юргин, сендан мадад тилашар”.
- 46 Ортдан қичқирдилар: “Рұхинг боматлаб
Маъвога ошиқар, тирик мутлақо;
Қадаминг секинлат, юр бизга қараб.
- 49 Назар сол, танирсан бизни мабодо,
Мужда ҳам әлтартсан заминга балки?
Бунчалик шошмагил, тингла бизни, о!
- 52 Биз ажал топғанмиз шамширдан балки
Сүнгги фурсатгача әдик гуноҳкор.
Күк нурға тұлғанда, баҳтимиз шулки,
- 55 Тавба айладик биз неча-неча бор.
Ажалға бош әгдик имон бирла бут;
Энди висол тиляб чекармиз оҳ-зор”.
- 58 Дедим: “Танымасман Сизни бовужуд,
Лекин, айтинг, недур Сизларнинг истак?
Хол құдрат, айласам рұхингиз масъуд.
- 61 Хилқатдан хилқатга олиб үтажак
Йұлбошли ҳодийнинг ҳаққи ҳурмати,
Сизнинг хизмат учун тайёрман бешак”.
- 64 Бири деди: “Йүқдир онт зарурати!
Эзгу тилагингга қылурмиз бовар,
Адо эта билсанг – шул энг қиммати.
- 67 Мадад сұраб, илк мен сұз бошласам гар,
Карл мулки билан Романья аро
Фанога қадаминг құйғанинг пайтлар,

- 70 Мени ёдга олгил, шулдир муддао;
Гуноҳдан мутлақ пок бўлмоғим учун
Менинг ҳаққимга ҳам этсинлар дуо.
- 73 Фаноликман, аммо умримга якун
Сўнгги жароҳатни берган ўзга ер
Антенорлар унда ҳокимdir бу кун.
- 76 Ёмонлик тилаган эмасдим ҳеч бир;
Эстенинг дилида кин ва адоват
Адолатдан кўра келганди кабир.
- 79 Оръякода қуршов бўлганим фурсат,
Қочиб қолсайдим гар Мира томонга.
Тирик юрар эдим Сиз каби албат.
- 82 Йиқилдим қамишзор, ботқоқ маконга,
Кўрдим, балчиқзор-у атроф теварак
Тўлди томиримдан отилган қонга”.
- 85 Бошқаси сўз бошлаб деди: “Ул юксак
Чўққида кушойиш топганда орзу
Мени ҳам ёдингга олурсан андак.
- 88 Монтефельтро графи Бонконте — мен бу,
Мени унумишилар, ҳатто рафиқам,
Жованни эсламас, нигун ҳолим шу”.
- 91 Дедим: “Бир ҳодиса мен учун мубҳам,
Кампальдинодан сен бўлгансан ғойиб,
Гўёки номаълум сенинг қабринг ҳам?”
- 94 Оҳ чекиб деди у: “Аркъяно оқиб
Камальдоди бўйлаб тушади тубан
Казентен бандларин ювали тошиб.
- 97 Ўзгарар дарёning номи шу билан.
У ерда бўғзимдан едим жароҳат.
Келдим якка-ёлғиз, қонга беланган.

- 100 Мария мулкига етганим фурсат
Күзимда нур сүнди, тил қотган, бежон.
Сингдим ўша ерда заминга абад.
- 103 Етказ одамларга: мени сүнгги он
Жаннат фариштаси олиб кетганди.
Дұзах посбони-чи, чарс, әқавайрон
- 106 Мени талаб айлаб ғавғо этганди.
Деганди: “Рұхини олдинг әгаллаб,
Вужудини үзим этгайман банди”.
- 109 Вокифсан, күкка буғ учғач ҳаволаб,
Совиб, қайта бошдан әққунича то
Осмонда кезарди түзғиб, бурқираб.
- 112 Евуз ирода-ю ақл бұлған жо
Иблис заковатин ишга солди хұб.
Заминда бошлади тұфонлы ғавғо.
- 115 Айни завол ҷоғи, ғазабға тұлиб
Пратоманъодан тизмага қадар
Воҳани туманға чулғади борҳо.
- 118 Осмонда рутубат тараптап баттар,
Жала қуйиб берди, ошиб нишаб-кир.
Айқириб оқди сув. Беҳуда, бесар,
- 121 Воҳа юзасини тұлдириб охир
Дарёға етгунча солди туполон.
Айқаш-үйқаш қылди ҳар ённи тақири.
- 124 Соҳилда ташландик бир ашёсимон
Мурдамни Арнога әлтди Аркъяно.
Очиқ күзларимни юмған сүнгги он.
- 127 Қулим құксимдайди – хоч каби гүё.
У ҳам өзилганди, бутана нахр
Қаърига тош каби этди мени жо”.

- 130 Учинчи арвоҳ ҳам деди бесабр:
“Тириклик мулкига борганда токим,
Унут бўлгандан сўнг машаққат, жабр
- 133 Мени ҳам хотирла, Пиядир отим.
Съенада ҳаёт, Мареммеда, оҳ,
Никоҳдан ўтдиму, ажалим топдим.
- 136 Менга ўйланган зот баридан огоҳ”.

ОЛТИНЧИ ҚЎШИҚ

Уч тош деган ўйин оёқлаб бўлгач,
Ёлғиз ўзи қолиб ютқазган одам
Соққа ота бошлар, тажанг, дили ғаш.

- 4 Голиб ёнида-чи жамоатдир жам,
Кимдир рўпарада, орқада кимдир,
Кимдир гапга солар туртиб дамбадам,
- 7 Ютган кетаберар, тинглашга мажбур,
Жавобини берса – тинчийди қулоқ,
Улардан шу тахлит қутулган ахир,
- 10 Издиҳомда эдим мен ҳам ўшандоқ;
Жуда улкан эди ушбу оломон
Ваъда беравериб қутулдим, бироқ.
- 13 Гин ди Такко бошин олган беомон
Аретинликни ҳам кўрдим сафқатор
Чўкиб ўлган зот ҳам кезарди гирён.
- 16 Федерико Новелло ёлборарди зор;
Марцукко фарзанди – пизанлик йигит,
Отаси қотилни авф этган хайркор;
- 19 Граф Орсо ҳам бор сафда боумид,
Ўзин айтишича, ҳасад қурбони
Пьер де ла Бросс – бу ерда событ.

- 22 Брабант хонимча то бўлса жони
Тинмай қилиб турсин тавба-тиловат.
Йўқса дўзах бўлгай унинг макони.
- 25 Тарк этдим уларнинг сафин ниҳоят,
Ўзга зот Сизларга тиласин имон
Тезроқ толеингиз кулса деб шояд,
- 28 Дедим: “Эсимдадир, о, пир нурафшон,
Назмингда демишсан – тиловат, дуо
Ҳақ ҳукмин юмшатмас асло, ҳеч қачон;
- 31 Арвоҳларда эса айни муддао:
Улар муножоти кетгайми бекор.
Шеъринг маъносини уқмадимми ё?”.
- 34 Устоз деди: “Фикрим сатримда ошкор;
Назар солсанг агар холи, росмана
Мановлар оҳи ҳам кетмагай бекор.
- 37 Ҳакамнинг раъи ҳам яхлит, ягона:
Барҳаёт инсонлар айлаган дуо
Арвоҳга савобдан бергай нишона.
- 40 Шеърим яралган чоф дуолар асло
Гуноҳни поклашга этмасди хизмат.
Кўкка овози ҳам етмасди, илло.
- 43 Лекин шубҳа тортиб, чекма машаққат:
Хаёл ва ҳақиқат аро сочган нур
Масъума бекадан сўраб кўр албат.
- 46 Уқдингми, гап ҳозир ким ҳақда эрур.
У Беатричедир, тоғ узра шодон,
Сени кутаётириг фоятда масрур”.
- 49 Дедим: “Йулга энди чиқайлик чаққон,
Толиққан эмасман зеро унча ҳам.
Пардасин ёймоқда шом аллақачон”

- 52 Устозим дедики: “Интилиб кам-кам
Бугун йўл босгаймиз, мўл эмас бироқ.
Ҳовлиқа бермагил элдан муқаддам.
- 55 Чўққига қадарли масофа узоқ;
Ҳозир тоф ортига бекинган қуёш
Ҳали неча бора кўрингай порлоқ.
- 58 Олдинда қандайдир ёлғиз, сўққабош.
Руҳ бизни кузатиб турибди сокин.
Кўмак берар балки, топар бир илож”.
- 61 Ломбардлик арвоҳга боргандик яқин,
Бизни кутар эди у кибор сиймо,
Кўз ташлаб атрофга беписанд, ботин.
- 64 Ўзи ҳақда бир сўз демади аммо.
Хордиқ олаётган нарра шер мисол
Назар солар эди мағрур, пурзиё.
- 67 Йўлбошли устозим йўллади савол,
Кўрсат деб чиқишига қулайроқ бир роҳ
У бизнинг сўроққа бурмади хаёл.
- 70 Эл-юрт борасида сўз қотди арвоҳ.
“Мантуя” деганда Вергилий энди,
Арвоҳ масканидан туриб кетди, воҳ.
- 73 У гапга киришиб шундоқ ўтинди:
“Юртдошинг эрурман, бу мен Сорделло!”
Улар бир-бирининг бағрига инди.
- 76 Италия, муте, ҳасратли маъво,
Бўронда бошвоқсиз қолган кемасан.
Элга паноҳ эмас, гўшасан расво!
- 79 Севикли диёрга меҳрини равшан
Изҳор этаётир шавкатли бу руҳ.
Унга сендан бир сас кифоя экан.

- 82 Сенда-чи тириклар гуруҳ ва гуруҳ,
Бир девор остида бир-бирин ғажир.
Бағрингда доимо қирғин ва андуҳ.
- 85 Шурлик юрт, күз очиб қарагин ахир.
Шаҳру қишлоғингга ташлагил назар,
Топилармикан бир жони тинч фақир.
- 88 Юстиниан сенга урганди эгар,
Энди эса бўй-бўш турибди ўрин.
Салт бўлсанг чекмасдик алам бу қадар.
- 91 Сифинган пиrimiz о, Сиз аҳли дин,
Сизга уқтиради қалом ҳар маҳал
Кесар тушмасин деб асло эгардин.
- 94 Кўряпсизми, не чоғ чарсдир бу байтал.
Сизлар жиловини тутгандан буён
Ниқтов ҳам, сўлиқ ҳам қилмади амал.
- 97 Салтанат бошида сен Альберт олмон,
Узангига маҳкам ўрнатмай оёқ,
Жиловни бўш кўйдинг, от қочди сарсон.
- 100 Илоё бошингда чақилсин чақмоқ,
Балолар ёғилсин, токи умрбод,
Ворисинг танидан кетмасин титроқ!
- 103 Мамлакат боғлари бўлди-ку барбод;
Сен отанг икковлон боқдинг бепарво,
Чўнтак қаппайтириш Сизларнинг мурод.
- 106 Келиб назар солгин, хокисор сиймо,
Мональди, Филиппески, Каппеллетти,
Монтекки – кезарлар кўз ёши дарё!
- 109 Аҳли саройингда диёнат битди,
Боққил, бизлар гувоҳ зўравонликка.
Мурғак Сантафьорни зулумот тутди!

- 112 Келиб назар солгин Румо шүрликка,
Фарәд чекаётир бир бева мисол.
Кесарим тарк этди, қолдик деб якка.
- 115 Қанчалик иноқмиз, келиб назар сол!
Бизга күринмасанг, ҳасратимиздан
Жирканмоқ учун ҳам майли қарай қол.
- 118 Тилайман, Дийда – он ҳазратимиздан,
Одамзот, хочқурбон шаҳидлар ҳаққи,
Оқил назарингни узмагил биздан.
- 121 Қисмат хазинангнинг тубида балки,
Биз каби хокисор бандалар учун
Тайёрлаб қўйгансан шодлик, ҳаттоки.
- 124 Итальян мулкига эга қўп бугун,
Тарафдор қавмидан ҳар қандай галварс
Марцелнинг турқига кириши мумкин.
- 127 Менинг Флоренциям – юртим муқаддас
Сенга тегмас сира мазкур маломат.
Арбобдир, пешводир сенда ҳар бир кас.
- 130 Купларнинг дилида пинҳон ҳақиқат,
Ошкор этмоқлиқдан қўрқарлар бироқ,
Сенинг-чи тилингга кучгандир файрат.
- 133 Иш деса кўпларнинг тоқатлари тоқ.
Сен-чи, айтмаса ҳам тайёрсан мудом,
Уддалайман дейсан ҳар ишни ҳар чоқ.
- 136 Сабаб бор тантана қилсанг, вассалом;
Ювошсан, эсинг бут, бисотинг ҳам мұл,
Демак баҳойимда мен ҳақман тамом.
- 139 Бир чоқ ҳақ-хуқуққа ахтаришган йул
Спарта, Афина қошингда гудак
Беҳуда иш билан бўлишган машғул.

- 142 Гузал қоидалар тузарсан бешак
Октябрда олсанг режасини гар,
Ноябрда бари унутилажак.
- 145 Қонуну тартибот, ақча, рутбалар
Сал фурсат үтмаёқ бўлғувси абас.
Аъзои баданинг ҳатто ўзгарар.
- 148 Ҳолингни тасаввур айла бир нафас,
Англарсан, яшашинг бамисли бемор.
Партўшак устида ётса ҳам пайваст,
- 151 Зарра ороми йўқ, тўлғанар бедор.

ЕТТИНЧИ ҚУШИҚ

Ростлаб олгунимча нафасимни то
Уч-тўрт бор қутлади Сорделло тагин
Сўнг деди: “Сиз кимсиз? Нечук муддао?”

- 4 Пир деди: “Вергилий менман. Тинглагин
Авфга лойиқ зотлар бунда йўқ маҳал
Октавиан таним этганди дафн.
- 7 Бошқа тариқатда эдим, филмасал
Нури илоҳийдан қолдим бенасиб”,
Устознинг жавоби шу бўлди тугал.
- 10 Бирор мўъжизакор нарсага боқиб,
Тушимми ўнг дея турар гоҳ инсон
“Ростми ё рўё?” дер гумонга ботиб.
- 13 Сорделло ҳайратга тушганди чунон
Бошин қуи эгиб, юрди илгари
Устозни бағрига босгали чандон.
- 16 У деди: “О, лотин элин сарвари,
Бердинг тилимизга сен ўзинг қудрат.
Элтдинг шаҳрим шаънин авлодлар сари,

- 19 Билмам, васлинг менга тұхфами, шафқат,
Дұзахда бұлдингми? Қай жойида хүш?
Саволим шул сенга, этсанг гар рухсат”.
- 22 Устозим дедики: “Дұзахнинг нохуш
Барча қабатларин ошиб келдим мен,
Само үзи берди күч ҳамда юмуш.
- 25 Офтоб шуъласидан ғофил әдим мен,
Сен ҳозир нуридан бұлган умидвор
Хуршиднинг маъносин кечроқ билдим мен.
- 28 Пастда бир макон бор, бандалар зинҳор
Азобмас, зулматдан чеки shadedи ғам.
Нидо қилишмайди, чеки shadedи зор.
- 31 У жойда гұдаклар бўлишгандир жам,
Улар фано топган масъумлик ҷоғи
Лекин шўр қисматга шерик улар ҳам.
- 34 Бошқа зотлар ҳам бор у ерда дөғи,
Уларни муқаддас уч унсур эмас
Жалб этган табииат тўртта сабоги.
- 37 Мен ўша маъвода жойлашганман, бас
Бизга аросатнинг йўлини кўрсат.
Кўрсатгин бирор роҳ – яқин, бешикаст”.
- 40 Деди: “Бу жойларни қабатма-қабат,
Пасту баландини кезмоғим мумкин.
Ҳамроҳингиз бўлай, то бордир қувват.
- 43 Вақт анча кеч булиб қолди-ку лекин
Тунда тоғ устига чиқмоқлик душвор.
Бирор жой топайлик олмоқ учун тин.
- 46 Ўнгда – йўлимизда бир тўп арвоҳ бор.
Висоли сен учун юпанч ва ҳузур
Мен сени у жойга элтмоққа тайер”.

- 49 Устозим дедики: “Сабаби недур?
Тунда кутарилса юксакка бирор
Бошқаси не учун монелик қилур.
- 52 Ерга чизиқ тортиб Сорделло дарров
Деди: “Күряпсанми, бекингач офтоб
Музлатар сени бу сарҳад беаёв;
- 55 Ҳам бунинг устига тун ёйган ниқоб,
Қадам босмогингга бермагай имкон
Ночорлик туфайли ғайрат ҳам хароб.
- 58 Пастга тушмоқлик-чи қулай ва осон
Уфқнинг ортида турса ҳамки кун
Қабатлардан ошиб тушгайсан равон”.
- 61 Устоз уни тинглаб фоятда мафтун
Деди: “Бошла бизни ўша манзилга,
Токи, айтганингдек, бўлурман мамнун”.
- 64 Алқисса, уччовлон отландик йўлга
Дуч келдик ўқондек ковакка бироқ.
Шундоқ жойлар учрас бунда ўнг-сўлда.
- 67 Киргаймиз, – деб қолди у дилкаш арвоҳ, –
Гуёки тоғ бизга очмишdir кўксин.
Фурсат ўтказгаймиз унда то сабоҳ”.
- 70 Фадир-будир сўқмоқ чўзилиб узун,
Водий қирғоғига элтди, ўша жой
Бир қисми тепалик эди бус-бутун.
- 73 Тилла-ю нақшнигор ва зар ҳойнаҳой,
Ҳозир майдаланганд ярқироқ зумрад,
Ёйинки ложувард таратган чирой –
- 76 Барча-барчасининг рангидан минбад
Соз эди бу ерда ўсган ўт ўлан.
Беҳтарроқ эди у ва олий беҳад.

- 79 Табиат бу ерда барқ урган, қулган;
Турфа хүшбүй исдан, ранглардан, хуллас
Ақл бовар этмас ҳол барпо қылган.
- 82 Чаманзор ичидә рухлар шу нафас,
“Salve, Regina”ни күйлар үлтириб.
Үзлари ниҳону келар овоз, сас.
- 85 Мантуялик ҳамроҳ бизга юз буриб
Деди: “Офтоб ҳали ботганича йүк,
Кутсак бўлур дангал шу ерда туриб.
- 88 Арвоҳлар қўрингай бу ердан тулиқ,
Томоша айлангиз улар рухсорин.
Гуруҳ ӯраб олса қўринмас аниқ.
- 91 Анови ғамгин зот бир замон орин
Писандада айлаган, үлтирад баланд.
Қўшиқ ҳам куйламас, бузмас қарорин.
- 94 Қайсар Рудольф уни этсайди писанд
Итальян юртини тикларди магар.
Энди-чи тикламоқ мушкулдир ҳарчанд.
- 97 Молдава Лабага сувларин қуяр,
Лаба-чи денгизга; Шу ҳаднинг шоҳи.
Қайгули Рудольфни юпатмоқ булар.
- 100 Оттокар ӯшадир; йўргакда чоғи,
Венцеслов – соқолдор ӯғлидан кўра
Шавкатлироқ бўлган; бунинг – йўқроҳи.
- 103 Ҳув кимса – гап билан эрур овора,
Дилкаш бир зот икков қурмишлар суҳбат.
Гербини топтаган, маҳв бўлган тўра.
- 106 Бири ўз кўксига мушт ураг фақат;
Униси bemордек қашлаб ёноғин,
Оҳ тортар ва хуфя чекар надомат.

- 109 Зулмкаш фарангни эслашар ҳорғин
Бири қайнатаси, бири падари
Булар тортаётир бадбаҳтнинг дөғин.
- 112 Мана бу тўнка-чи мағрур назарли
Бурундор кимсага бўлаётир жўр.
Уни қуршаганди не эзгу – бари.
- 115 Уларнинг ортида ўлтирган мағрур
Ўспирин қўлига тегса эди тахт.
Деса бўлар эди мана бу, – арзир.
- 118 Бошқаларга насиб этмади шул баҳт
Яков ва Федерик подшо бўлди гар,
Лекин шон уларга боқмади ҳеч вақт.
- 121 Шоҳларга берилган шавкат ва зафар
Доим ҳам бутоққа бормагай етиб
Бунга улуғ қудрат фақат мұяссар.
- 124 Шундай маломатга қолгандир ботиб,
Педро ёнидаги бурундор подшо.
Унинг ҳам зурёди ғам чекар ётиб.
- 127 Костанца эри-ла фарҳр этса расо
Икки кундошидан фарқли қанчалик.
Бу ҳам авлодидан шунчалик авло.
- 130 Танҳо Генрих мана англиялик
Қироллар ичра энг мўмин, божўя.
Авлоди фазлга бўлолган молик.
- 133 У маркиз Гульельмо боққанича лол,
Тубандан тепага қарайди фақат;
Унинг-чун қасд олди Александрия.
- 136 Маҳв бўлди Канавез ҳамда Монферрат”

САККИЗИНЧИ ҚҰШИҚ

Сайёх айрилиқнинг ҳасратин туяр.
Айни чоғ, соҳилда қузатган дўст-ёр
Хаёлига келиб, юпаниб қўяр.

- 4 Янги сайёх эса ишққа гирифтор
Йироқ оҳангларга тутади қулоқ,
Оҳангда кечмиш кун ғами гүё бор, —
- 7 Ногоҳ эътиборим бурдим уша чоқ,
Арвоҳлар сафидан биттаси туриб,
Ишора айлади кел деб берироқ.
- 10 Арвоҳ кунчиқарга юзини буриб,
Гүё шивирларди кўкка беором.
“Борлиғим – сен” деди юкина туриб.
- 13 “Te lucis ante” – таралди қалом.
Қаломки ғоятда латиф, сеҳркор
Ўзимни унутдим тинглаб батамом.
- 16 Қолган арвоҳлар ҳам уша беозор,
Сирли тиловатни этдилар бажо.
Гумбази олийда назар ва узор.
- 19 Ўқувчим, бу ҳолга назар қил, оё,
Шу қадар тиниқдир асли ҳақиқат.
Уни фаҳм айламоқ жўндири мутлақо.
- 22 Кўрдим, қанча-қанча соҳиб салтанат,
Ранглари қув учган юввош ва фақир.
Кўкка термулишиб, кутарди фурсат.
- 25 Кўрдим, самовотдан айланиб гир-гир,
Тусиб келар эди икковлон малак.
Дастида иккита оташин шамшир.
- 28 Барра майсадан ҳам яшилроқ кўйлак
Яшил қанотларнинг эпкинларида
Нозик мавжланарди, титрарди андак.

- 31 Бири тепароқда – биздан нарида,
Бири рұпарадан турди мұаллақ.
Арвоҳлар-чи қолди қүршов қаърида.
- 34 Құнғир соchlарини пайқадим, филҳақ;
Юzlари шунчалик әди пурзиё
Чидаб бұлmas әди боққанды мутлақ.
- 37 Малаклар ҳақида деди Сорделло:
“Мария ёнидан тушмиш икковлон
Аждардан бизларни асраш муддао”.
- 40 Мен эса атрофга күз ташлаб гирён,
Үзимни сақлашға излардим пана.
Ёнимда бұлса ҳам сұянчик ёрон.
- 43 Сүз бошлаб дедики Сорделло яна:
“Тушайлик шавкатли арвоҳлар сари,
Васлингиз уларға қувонч, тантана”.
- 46 Энди юрган әдим уч қадам нари,
Бир арвоҳ тикилди таниған мисол.
Таъқиб этар әди мени назари.
- 49 Гарчи чүккан әди айёми завол
Лекин бир-биримиз танитмоқ учун
Тун ҳам күттарғанди пардасин хиёл.
- 52 Евүқлашар әдик икков ҳам беун
О, Нино, қанчалик бұлдим баҳтиёр
Сени пок гурухда күрдим шу йұсун!
- 55 Икков навбат билан дил этдик изҳор,
У деди: “Беадад уммонлар ошиб
Қачон тоғ бағрида топдинг сен қарор?”
- 58 Мен дедим: “Ҳасратли маскандан қочиб,
Гарчи ахтарурман үзға бир мурод,
Лекин ҳаёт юкин юрибман ташиб”.

- 61 Менинг сўзларимни эшитган заҳот
Сордэлло иккиси ортга тисланди
Улар ҳайрат ичра қотганди, ҳайҳот.
- 64 Бири Вергилийга томон юзланди.
Бошқаси қичқирди: “Куррадо, қўзғал!
Қара, нечоғлик бой тангрининг панди!”
- 67 Бири боқиб деди менга шу маҳал:
“Худо ёрлақаган севикли банда,
.....

ТЎҚҚИЗИНЧИ ҚЎШИҚ

Қария Тифоннинг маъшуқаси боз
Субҳидам қўшкига чиққанди яшнаб.
Дўстин оғушини унутиб паққос

- 4 Тож унга шуълалар сочарди яйраб.
Думин бураб бизга даф этган мудом,
Мижози совуқ ул маҳлуққа ўхшаб.
- 7 Биз турган манзилда чўккан эди шом
Тун икки қадамин қўйганди ҳатто.
Учинчи шаҳдга ҳам шай эди тамом.
- 10 Бовужуд, жуссамда бор Одам Ато,
Бешовлон йигилган ўтлоқда бир зум.
Узаниб мудрабман, ҳорибман расо.
- 13 Тонгни қаршиларкан қалдирғоч мастьум
Айтади бетўхтов фамгин валфажри.
Олис кечмиш каби аламу зуғум.
- 16 Бизнинг тафаккур ҳам шунинг сингари,
Номатлуб ўйларни этганда унут
Зийрак торта бошлар дам утган сари.
- 19 Туш кўрдим – тушимда олтинранг бургут
Теппамда турганмиш муаллақ ва шай
Ташланмоқ қасдида сақлармиш сукут.

- 22 Наздимда, шу нафас мен борган бу жой
Ганимед тарк этган жойга ўхшармиш,
Булутлар ортига учгум ҳойнақой.
- 25 Ўйлардим: “Эҳтимол ваҳшатли бу қүш,
Фақат шу манзилда қила билар ов.
Акс ҳолда ўлжага билдирмагай ҳүш”.
- 28 Бургут бошим узра чарх уриб дарров
Олиб уча қолди мени баландга.
Рұпарамда күрдим даҳшатли олов.
- 31 Бизни чулғаб олди оташ-аланга,
Үйғониб кетгандим, у олов рүё
Даҳшатли куч билан урилгач танга.
- 34 Қаерга, қай ҳолда ва қайси асно
Келиб қолганини билмаган Ахилл.
Күз очиб даҳшатга тушган мутлақо.
- 37 Бұлма деб Хироннинг құлида сабил
Онаси Скирга элтганди ухлоқ,
Юнонлар қулига тушган гар ўғил, –
- 40 Үйқу мени ногоҳ тарк этгани чоқ
Сесканиб кетгандим ўшандан баттар.
Босганди совуқ тер, баданда титроқ.
- 43 Енимда туарди Вергилий раҳбар
Уч соат бўлмишки тик келган қуёш
Рўпарада денгиз ялтирап яксар.
- 46 Бузруквор дедики: “Қўрқма, қил бардош,
Ҳадикка йўл берма, журъат бўлсин ёр,
Манзилга ёнашдик, йўл бўлди адош.
- 49 Аросат, ниҳоят, қўргузди узор:
Кириш жоий ана, туйнукка ўхшаш.
Атрофни ўраган қоялар қатор.

- 52 Сенинг руҳинг ҳали мудрарди яккаш
Ёришиб қолганди ойдин субҳидам.
Келди ҳузуримга бир аёл дилкаш.
- 55 Деди: “Лючиядир исми шарифам.
Атай ташриф қилдим, келдим мен бу ен
Ухлаб ётган зотга берай деб ёрдам”.
- 58 Сени олиб учди юксаклик томон,
Пастда қолди руҳлар, Сорделло қолди,
Учдим ортингиздан мен ҳам бегумон.
- 61 Бу жойга сен билан құнгач тин олди
Ва бу ён имлади дилбар нигоҳи.
Фойиб бұлды сұнгра, хоб ҳам йүқолди.
- 64 Шубҳаларни енгиб инсон идроки
Хақ йүлни ҳис этган замон чинакам
Қатыяят касб этгай буткул сиёқи.
- 67 Менинг ҳам ташвишим топғанди барҳам.
Қия тепалиқдан үрладик юксак.
Йүлни бошлар эди устоз муҳтарам.
- 70 Азиз китобхоним, гувоҳсан бешак,
Нечоғ юксалтирдим вужудни, алқол,
Санъатим ҳам шундоқ бұлмоғи керак.
- 73 Даставвал қуринди мана бундоқ ҳол:
Қояда бор эди қопқора бұшлиқ
Құра ё деворнинг ёриғи мисол.
- 76 Қопқани құргандым қаршимда аниқ.
Ү ерда уч хил ранг, уч пиллапоя
Ва дарбон бор эди лаблари юмиқ.
- 79 Қопқани құриқлаб, айлаб ҳимоя
Эңг юксак зинада турарди дарбон,
Юзидан нур ёғар биланиҳоя.

- 82 Кўлида шамшири ялтираб чунон,
Офтоб нурларини акс этар эди,
Сал бўлса этгудек кўзни ногирон.
- 85 Дарбон иккимизга сўз қотиб деди, –
“Аитингиз, чиқмайин бирор-бир **ғавғо**
Не бор Сизга бунда? Ким мадад берди?”
- 88 Устозим дедики: “Недир муддао
Билгайдир самовий, ҳодий бир аёл.
Бизни бошлаб келган ўшадир танҳо”.
- 91 “Унинг имдодига келтирманг малол,
Пиллапояларга қўйингиз оёқ” –
Такаллуф айлади дарбон куп хушҳол.
- 94 Мармардан ясалган илк зина – оппоқ.
Текис ҳамда порлоқ, равон шу қадар
Аксимни қўрдим мен унга боққан чоқ.
- 97 Иккинчи тош зина қуюкка менгзар.
У ён-бу ёнидан дарз кетган ҳатто,
Ранги – қора тортган қирмиздир аксар.
- 100 Учинчisi эса – тошдир энг аъло,
Тарашланган эди қатъий ва событ.
Ранги – чўфдек алвон, қон мавжи гўё.
- 103 Олмос остоnанинг устида сокит
Тангри худайчisi турап сервиқор,
Қуий зиналарга қараб, бетма-бет.
- 106 Юксакка бошларкан мени бузруквор
Дилимдаги гапни айтди ўзимга:
“Дарбозани очсин, – деди у – ёлбор!”
- 109 Табаррук хок пойин суртиб кўзимга
Очгин деб ёлбордим чўкканимча тиз.
Юкиндим – уч бора уриб қўксимга.

- 112 Қилич учи билан – эканки жоиз –
Пешонамга чизди Рни етти бор.
Ва деди: “Ювиб кир, қолмасин то из”
- 115 Ранги кул сепилган заминдек чипор.
Дарбоннинг уст-боши шунақа тахлит.
Ёнидан чиқарди калитлар қатор.
- 118 Олтин ва қумушдан – иккита калит;
Оқ ва саригини навбатма навбат
Узатар экан у уқдирди яхлит:
- 121 “У ёки бу калит – ишлатган фурсат,
Тушмаса ва ёким буралса юмшоқ
Билингки, уриниш бефойда минбаъд.
- 124 Бири қимматроқдир; үзгасин бироқ
Қобил қўллай билиш эмасдир осон.
Ақлу билим керак бу ишда қўпроқ.
- 127 Калитларни Пётр топширгани он
Деганки: “Гар хато қилсанг ҳам, фақат
Ёлбориб келганни киргиз баимкон”.
- 130 Қопқа табақасин сураркан ҳазрат
Яна бир нарсадан айлади огоҳ,
Кимки куз югуртса – қувилган, минбаъд.
- 133 Дарвоза туруми жаранглаб ногоҳ
Бусага устидан сурилди нари.
У яхлит маъдандан ясалган, эвоҳ.
- 136 Метелдан мосуво у Тарпей қасри
Очилиш олдидан, ҳоли ночор, танг.
Овоз чиқармаган бунинг сингари.
- 139 Боқдим тараган чоғ гувлаган оҳанг
Йироқдан шод-хуррам шовқинлар аро,
Тиловат садоси келарди аранг.

- 142 Бошимиздан ўтган таниш ҳол гүе,
Орган овозига жўр бўлиб ҳар дам
Тиловат қилишса, ўқишиша дуо,
- 145 Баъзан тушунасан, баъзида мубҳам.

Ҳ ◊ Ҷ

И З О Ҳ Л А Р

Биринчи құшиқ

4. *Иккінчи салтанат* – яғни Аъроф. Данте уни Океаннинг уртасида жанубий ярим шарда қад ростлаган кесилган конус шаклидаги улкан төс сифатида тасвирлаиди. Данте тоғнинг ясси чүққисига Ердаги Жаннатнинг бүм-бүш үрмөнини жойлаштиради.

7. *Созим ўлукларга жон этсин ато* – чунки абадий үлем соҳасини – Дузахни тасвирлаиди.

9-12. *Калиопа...* – Фессалия подшоси Пиернинг тұқызы қызы ашула айтиш санъатида музалар билан мусобақалашишга журъат этади, бироқ шармандаси чиқарылып ҳаккага айлантирилади. Тұқыз музанинг эңг каттаси бұлған эпик поэзия музаси Калиопа илохалар тарафыда туриб күйлайди (Метам., V, 294-678).

22. *Күтбуга томон* – яғни осмоний қутбуга, ушбу үринде жанубий қутбуга нигохни қаратиши.

23-27. *Тұрт қолдұз* (А., 91-92; XXXI, 106) қадимги дунёнинг тұрт «асосий» («табиий») әзгулиги (донишмандлик, адолат, мәрдлик ва холислик).

23. *Үенда инсонга илк бор сочған нур* – яғни Ердаги Жаннатда маскан құрган Одам Ота ва Момо Ҳаво назарда тутилади.

31. *Қария* – Кичик Катон (әрамиздан аввалғи 95-46 یиллар) Рим Республикасининг охирғи пайтларидаги давлат арбоби. Римнинг ҳало-катта учрашини бошдан кечиришни хоҳламасдан үзини үзи ҳалок қилған. Данте уни Аърофнинг құрықчисига айлантиради. Аърофнинг чүққисида, Дантенинг фикрича, руҳ әркінлікка чиқади.

41. *«Сүқір шаршара»* - ер ости дарёси, шоирлар мана шу дарे буйлаб Дұзаңдан баландға күтариладилар.

58. *Ажал уни үлгаб олмаган бутун* – 50-60-күшиқларда адашғанларга таҳдид құлувчи маңнавий үлем назарда тутилади.

71. *Үнинг истагани озодлик...* – ахлоқий покланиш воситасида мұшарраф булинадиган маңнавий әркінлік. Фуқаровий әркінліксіз эришиб булмайдиган ушбу әркінлікка Катон ўз ҳәётини баҳшида этған (73-75-күшиқлар).

77. *Минос* – Вергилий Лимбада макон құргани боис Миносга бүйсунмайды.

78. *Жошим Марсияга яқындыр, зоро* – Катоннинг хотини Марсия яшайдиган жой.

80. *Үнинг ҳұрмати деб...* – Катон Марсияни үз дүсті Гортензияға беради. Гортензиянинг вафотидан кейин «үнинг Марсияси» сифатида үлмоқ истагида аел яна Катонға қайтади.

82. *Етти қасринг бор...* – яғни Аърофнинг етти доираси.

88. *Евуз бир тұлқин...* – Аърофни құршаб олған Ахерон тұлқынлари.

94. *Қамиш камар биләп белин боғлаб ол* – ярашиш рамзи бұлған қамиш камар билан белни боғлаш назарда тутильмоқда.

Иккінчи құшиқ

1-3. Дантеға күра Аъроф тоғи ва Куддуси шариф ер диаметрининг қарама-қарши четларida жойлашған. Шу сабабли уларнинг горизантты умумий. Шимолий ярим шарда ушбу горизантни кесиб үтадиган

самовий меридианнинг чўққиси Қуддуси шарифнинг устидан утади. Тасвирланаётган соатда Қуддуси шарифда кўриниб турган қуеш тез орада Аърофда пайдо бўлмоқ учун уфққа бош қуяди.

4-6. *Тун эса...* – ўрта асрларда Қуддуси шариф шимолий ярим шарда Шимолий қутб билан экватор оралигига жойлашган ҳамда гарбдан шарққа томон атиги 180° узунликка чузилган қуруқликнинг энг ўртасидадир Ер шарининг қолган туртдан уч қисми Океан суви билан қопланган. Узоқ шарқда гарбдан шарққа томон оқадиган Ганг этаги, узоқ гарбда – Геркулис қозиги, Испания ва Марокаш Қуддуси шарифдан бир хил иироқликдадир. Қуддуси шарифда офтоб чиққанда, Ганг томонда тун босиб кела бошлади. Йилнинг тасвирланаётган фаслида, яъни баҳорги кун тенглиги пайтида тун қулида тарозуни тутиб туради, яъни Овна буржидаги күёшга қарши туриб Тарозу буржидаги туради.

16. *Шуъла кўз олдимда кетди ялтираб.* – Данте ўлганидан кейин яна Аъроф тоғларида, нажот соҳилида пайдо бўлиш иштиеқида ёнади.

46. “In enitu Israel” (лотинча) – «Исройл [Мисрдан] чиққанда».

56-57. *Осмондан ҳайдади буржи Жаддини.* – Офтоб чиққанда Жаддини буржи меридианда эди, энди эса гарбга оға бошлади.

86. *Таниб қолдим уни бешубҳа, бешак.* – Данте ўз дўсти, бастакор ва хонанда Каселланинг соясини таниб қолади.

91-92. ...бу манзил томон

Қайта келмоқ учун этганман сафар. – ўлимдан кейин Аърофда, сўнгра эса Жаннатда бўлмоқлик учун.

112. «Мұхаббат сирлашар, дилимга ошно» - «Базм»нинг тўртинчи трактини очиб берадиган Дантенинг канционларидан бири шундай бошланади.

119. *Улуғвор қария* – Катон.

Учинчи қўшиқ

25-27. Император Августнинг ҳукмига кура *Брундузида* (Бриндизида) ўлган (эрамиздан аввалги 19-йил) Вергилийнинг жасади *Неаполга олиб келинади ва ўша ерда дағн этилади*. Аърофда саҳар пайти эканида Неаполда оқшом тушган булади.

40. *Кўрдинг* – яъни «инсон» зоти (37 қушиқ).

49. *Леричиедан Турбий томонга ўйл сол* – қарама-қарши нуқталар, Лигурий денгизининг шарқий ва гарбий, тоғли соҳили.

58. *Арвоҳлар тизилиб бамисли занжир* – черковдан четлатилган, бироқ улими олдидан ўз гуноҳлари учун таъба қилган одамларнинг руҳлари. Улар «осиёлик муддати»дан ўттиз марта кўп бўлган муддатда Аърофга киришни кутадилар.

113. *Манфред* – Неаполь ва Сицилия қироли (1258-1266 йиллар), Фридрихнинг ўғли, Костанцанинг набираси, папаликнинг ашаддий душмани булганлиги учун черковдан четлатилган. Манфред папаликка қарши жангда Беневенто яқинида ҳалок бўллади (1266 й.) ва қироллиги Карлга ўтади.

115. *Қизимга салом айт, қизимни суро* – 1282 йилда Сицилияни эгаллаган Педро III Арагонскининг беваси Костанца.

117. *Айтгил, ишонмасин миш-мишга сира* – черковдан четлатилган Манфред Дузахда эканлигига.

127-132. Манфред Беневентодаги кўприкда дағн этилган бўлиб, бу ердан ўтаетган душман қўшинининг ҳар бир жангчиси жасур қиролга

хурмат бажо этиб, унинг қабрига тош ташлаши натижасида бутун-бир дүнглик ҳосил булади. Коэнц шаҳрининг архиепископи папа Климент IV нинг иродасини бажо келтириб, Манфреднинг хокини Верда даресининг бошқа қирғоғига кучиради.

Тұрттынчи құшиқ

1. *Дилимиз мулкининг бирор чеккасин* – яъни эшитиш аъзомиз ёки күзимизни.

25-26. *Сан-Лео, Ноли, Бисмантов* – Италияning боришиң қийин бўлган тоғли жойлари.

58. *Аквилон* – шимол шамоли. Бу ўринда шимол маъносида.

69. *Сион* – яъни Қуддуси шариф.

80. *Буюк коинотнинг муқум нуқтаси* – ўнинчи осмон.

104. *Сояда ётарди бир тўда одам* – Булар ўлимдан олдинги энг сунгги лаҳжаларгача тавба тазарру қилишдан эринган одамлар.

123. *Белаква* – флорентиялик, Данте у билан дўст бўлган ва унинг гитарада чалган кўйларини севган.

Бешинчи құшиқ

24. “*Miserere*” – (лотинча) – псалом (псалтирдаги диний құшиқлар еки оятлардан бири): «[Менга] раҳм-шафқат қил».

64. *Бири деди*.- Бу Якопо дель Кассеро. 1298 йилда Оръякода Адзонинг малайлари томонидан ўлдирилади.

75. *Антенорлар* – падуанликлар, чунки Падуяга троянлик Антенор томонидан асос солинган деб ҳисобланади.

80. *Мира* – Оръяко ва Падуя ўртасидаги шаҳарча.

90. *Жованни* – Буонконтенинг беваси.

94. *Аркъяно* – Казентино вилоятидаги дарё, Арнонинг irmoғи.

97. *Ўзгарар дарёнинг номи шу билан* – яъни Аркъяно Арнога қўйиладиган ва уз номини йўқотадиган жой.

133-136. *Пия деи Толомеи, съенлик*, Нелло деи Паннокъескига турмушга чиқсан ва у *Мареммадаги қасрларидан* бирида рашқ қилиб маҳфий равишда ўлдириган.

Олтинчи құшиқ

14. *Аретинлик* – съенлик қароқчи рицар *Гин ди Такко* томонидан боши танасидан жудо қилинган судья Бенинкаса.

15. *Чукиб ўлган зот* – душманларни таъқиб қилиб ёки бўлмасам ўзи қочаётib сувга чукиб ўлган аретинлик Гуччо Тарлати.

40. *Шеърим яралган чоғ* – яъни мажусийлар оламида.

60. *Ламбордлик ароҳ* – Сорделло, XIII аср шоири. Вергилий сингари Мантуюда туғилган бўлиб зуравонлик билан ўлдирилган.

88. *Юстиниан* – Византиялик император (527-565 йиллар), унинг даврида Рим ҳукуқи кодекси ҳолига келтирилади.

118. *Дий (Юпитер)* – «Исо»нинг ўрнига.

126. *Марцел* – Юлий Цезарнинг сиёсий душмани. Бу ўринда: императорлик ҳокимиютигининг нуфузли рақиби маъносида.

Етгинчи қүшиқ

6. *Октавиан* – император Август.
35. *Муқаддис* уч унсур – эътиқод, ишонч, мұхаббат.
83. «*Salve, Regina*» (лотинча) - «Маликага шон-шарафлар бұлсın», черков мадхияси
115. *Үспирин* – Педро III нинг катта үғли, Альфонсо III
119. *Яков II* Арагонский ва Федерико (Федерик) II Сицилинский – Педронинг иккинчи ва учинчи үғиллари.

Саккизинчи қүшиқ

13. «*Te lucis ante*» (лотинча) – черковда кечки пайт айтиладиган тилюватнинг дастлабки сұздари: «Сендан, оламнинг ниҳоясидан... [илтимос құламиз...].

Тұққизинчи қүшиқ

- 1-6. *Қария Тифоннинг маъшуқаси* – икki хил талқын құлиш мүмкін: 1) Троян шақзодаси Тифоннинг маъшуқаси - Аврора; 2) Данте Тифонни рафиқаси, яна маъшуқаси, субхидам билан ажратиб күрсатади.

- 7-9. *Түн икki қадамин құйғанды ҳатто.* – *Биз турған мансилда, яъни Аъроф тоғида түн бошланғандан бери икki соат үтди ва ҳатто учинчи соат охирламоқда.*

10. *Бовужуд, жуссамда бор Одам Ато...* – яъни чарчоқ босган танага әгалік қилиб, Вергилий ва бошқа соялар уйқуга әхтиеж сезмайдилар.

11. *Бешөвлөн* – яъни Данте, Вергилий, Сорделло, Нино Висконти ва Коррадо Маласпина.

- 22-24. *Ганимед тарк этган жойға ўшшармии* – яъни Иде Фригийский тоғига.

30. *Рұпарамда күрдім даҳшатлы олов.* – ұаво гумбази билан Ой гумбази оралиғида жойлашған деб ҳисобланадиган олов шари.

- 34-39. *Қаерға, қай ҳолда ва қайси асно*

- Келиб қолғанини билмаган Ахилл. – Ахелл үсмирлик чоғида кентавр Хироннинг құлида тарбияланған. Уннинг онаси, маъбуда Фетида унга урушла нобуд булиш хавф солаестғанлығини сезиб, ухлаб етган чоғида *Скир* оролига олиб келади. Бироқ бу ерда уни Улісс ва Диомед айерлик билан пайқаб қоладилар.

113. *Етти P* (лотинча *recessatum* - гуноқ сүзининг бириңчи ҳарфи) – Аъроф тоғига күтарилиш баробарида улардан софланиш лозим булған еттита ашаддий гуноҳни англатади.

136. *Метелдан мосуво у Тарпей касри* – Рим Капитолиясининг Тарпей тик қояси. У ерда давлат хазинаси сакланған. Цезар ушбу хазинани унга беришларини талаб қылғанда халқ трибуни Луций Цецилий *Метелл* рад жавобини берган ва Цезар уни куч ишлатиб очған.

ВАТАН

Макон бўлди менга шу тупроқ,
Бунда еллар тинмагай бир пас.
Дўстлар, мени кечиринг, бироқ
Бу жой менинг ватаним эмас.
Тонгда туриб мен ҳам, одатим —
Йўл оламан ишимга томон.
Ишчи эрур менинг ҳам отим
Улар билан мен ҳам ёнма-ён.
Мен уларга дўстман-биродар,
Фикри дилим улар билан эш.
Лекин, лекин бу жойни дўстлар,
Мен Ватаним деёлмасман ҳеч.
Дўстлар, менинг ватаним ўён,
Унда қирлар кетгунча лола.
Юртим узра мовий осмон
Шуълалардан тўкар шалола.
Атрофини олмишdir қуршаб
Юксак сувлар ва Пирин тоғи.
Дўстлар, менинг ватаним ўша
Унда мудом ҳаёт тўлғоғи.
Унда пихта¹ куйлар исённи
Буронлардан ҳатто кучлироқ.
Жуда юксак юртим осмони,
Эгей ётар пойида мудроқ.
Куйлар бўлсам гар сени, Ватан,
Етармикан сўз кучим маним.
О, қон эмиб, исёнда ўсган
Она юртим, ғариб Ватаним!



¹ Пихта — қайрагочнинг бир тури

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Абдулла Ориповнинг «Адолат» нашриегида чоп этилаетган мазкур «Адолат кўзгуси» китоби 2000-2001 йиллардаFaфур Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида босиб чиқарилган 4 жилдлик «Танланган асарлар»нинг мантиқий давомидир, яъни ушбу нашрни маълум маънода «Танланган асарлар»нинг бешинчи жилди деб ҳисоблаш мумкин. Чунки мазкур тупламга шоирнинг 2001 йил февраль ойидан 2005 йил, февралига қадар ёзилган шеърлари, мақола ва суҳбатлари хронологик тартибда киритилди.

Шоир ижодининг энг илк даврларида Қарши тумани газетасида эълон қилинган, бироқ ҳеч бир тупламларига киритилмаган уч шеър ҳамда 1960 йил бошида ёзилган қораламалардан танлаб олинган шеърлар, шунингдек 1985 йилда ёзилган, бироқ 2004 йил 1 декабрда эълон қилинган «Ўзбеклар» достонидан парча ҳамда утган асрнинг саксонинч-тўқсонинч ийларида вақтли матбуотда эълон қилинган, бироқ техник ва шунга ухаша сабабларга кура «Танланган асарлар»нинг тұртингич жилдига кирмай қолган айrim мақола ва суҳбатлар ҳам ушбу тупламга киритилди.

Устоз Озод Шарафиддинов ушбу китобнинг бошланишида берилаетган «Мувашшаҳ» эссесида мазкур шеър матнини келтирганларидан кейин: «Лекин уни шу пайтгача эълон қилишга истиҳола қилиб келдим. Аввало, шоирнинг ўзи бирор китобига киритар, деб уйладим. Билмадим — хаёлидан фаромуш булғанми ё бошқа бирон сабаб биланми Абдуллајон китобига киритмади. Ўзим эълон қиласерай десам, назаримда, мақтанчоқлик қилаётгандай туюларди. Энди ешим фалон жойга етганда шундай нобёб бир лирик шеърни ҳеч кимга кўрсатмай босиб ётаверишим инсофдан эмас экан. Шу важдан шоирнинг ўзидан ижозат олиб, уни эътиборингизга ҳавола этмоқдаман», деб ёзадилар. Ушбу мувашшаҳ биринчи марта 1978 йилда нашрдан чиқсан «Юзма-юз» китобининг 153-бетида ҳамда «Танланган асарлар» (2000 й.) 1-жилдининг 139-саҳифасида эълон қилинганлигини қайд этмоқ жоиз. Бироқ мувашшаҳнинг асл матнини тиклашда устознинг «фаромуш»лиги бебаҳо хизмат қилғанлигини мамнуният билан таъкидлаймиз. «Мувашшаҳ»нинг эслатиб ўтилган нашрлардаги матни билан Озод ака тавсия этаётган матнини қиеслаб бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин. Сарлавҳасиз, бағишловсиз эълон қилинган олдинги вариант:

* * *

*Оҳ уриб ҳар ёнда изғийди шамол,
Замон макон бермай уни қистайди.
Орзуси фақат шул: у ҳам тоғ мисол
Дили ором олиб ётмоқ истайди.
Аросатда инграр тоғлар ҳам, аммо
Кўҳистон бағрида тополмас илож.
Армон қиласир у ҳам, шамолдай гүё
Мовий кенгликларда ёсса м дер қулоч.*

О.Шарафиддиновнинг эссесида келтирилган вариант:

МУВАШШАХ

Ох уриб ҳар ёнда изгийди шамол,
Замон макон бермай уни қистайди.
Орзуси фақат шул — у ҳам тоғ мисол
Дили ором олиб ётмоқ истайди.
Асопатда инграр төглар ҳам аммо,
Күхи замонадан тополмай илож.
Армон қылар у ҳам: шамолдай гүе
Мовий кенгликларда ёэсин дер қулоч.

Биргина «асопат» сўзининг «аросат»га ёки «Кўхи замона»нинг «Кўхистон»га алмаштирилиши шеър мазмунига қанчалик катта таъсир кўрсатганлигини пайқаш қишин эмас. 1978 йилда юртни тутқунликда, асопатда деб айтишнинг мутлақо имкони йўқ эди, албатта. 2000 йилги нашрда шеър матни тузатилмаганлиги — бу энди тузувчининг «фаромушлиги» тұғрироғи, асл матндан бехабарлиги, албатта. Бу бир мисол. «Танланган асарлар»нинг шеър ва достонлар жой олган биринчи ва иккинчи жилларига тартиб беришда ана шунга үхашаш үз вақтида «замона» таҳрир қылган бир қанча шеърларнинг асл матнини тиклашга ҳаракат қылғанлигимизни зуқко шеърхон пайқаган деб умид қиласиз. Яна «Мувашшах»га қайтар эканмиз, Озод ака келтирган вариантнинг охирги мисрасидаги «ёэсин» сўзи ўрнига тушмагандек. Тиниш белгилар қўйилишида ҳам фарқ мавжуд. Биргина мана шу сўз сал узгартирилиб «ёэсам» деб олинса (олдинги нашрларидаги каби) шоир ўзининг иккичи (учинчи эмас) тўплами — «Кўзларим йўлингда»ни О.Шарафиддиновга тақдим этаетиб битган бағишлиов — «Мувашшах»нинг узил-кесил нусхаси қўйидагича бўлади:

МУВАШШАХ

Озод ақага

Ох уриб ҳар ёнда изгийди шамол,
Замон макон бермай уни қистайди.
Орзуси фақат шул: у ҳам тоғ мисол
Дили ором олиб ётмоқ истайди.
Асопатда инграр төглар ҳам, аммо
Кўхи замонадан тополмай илож.
Армон қылар у ҳам, шамолдай гүе
Мовий кенгликларди ёсам дер қулоч.

1967 йил

«Танланган асарлар»нинг тўртинчи жилдида берилган изоҳларда шоирнинг ўзбек тилида ва бошқа тилларда мамлакатимизда ва чет элларда нашр этилган китоблари хронологик тартибда кўрсатилган эди. Эндиликда ушбу рўйхатнинг давоми қўйидагича куриниш олади:

А.Орипов. **Бир қарасам...** «Академия» нашриёти, Тошкент, 2001 й. Босма табори 3,0.

А.Орипов. **Митти юлдуз**. «Маънавият», Тошкент, 2002 й. (1965 иилда «Ёш гвардия» нашриётида (ҳозирги «Янги аср авлоди» нашриётида) чоп этилган илк түпламнинг қайта нашри). Нашриёт табоби 1,14.

А.Орипов. **Шоир юраги**. «Маънавият», Тошкент, 2003 й. Нашриёт табоби 2,46.

А.Орипов. **Мехр**. *Tўртликлар*. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. Тошкент, 2004 й. Нашриёт ҳисоб табоби 2,3.

А.Орипов. **Опајоним she'riyat**. Шеърлар ва достон. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. Т.: 2004, Нашриёт ҳисоб табоби 4,7.

А.Орипов. **Кўзмунчоқ**. «Маънавият», Тошкент, 2005 й. Нашриёт ҳисоб табоби 4,50.

А.Орипов. **Адолат кўзгуси**. «Адолат» нашриёти, 2005 й. Нашриёт ҳисоб табоби 25,5.

А.Орипов. **Men nechun sevaman O'zbekistonni**. Faфур Фулом номидаги нашриёт-матбаа уйи. 2005 й. Нашриёт ҳисоб табоби 20,0.

* * *

Кўйида эссе, шеърлар, мақолалар ва сұхбатларнинг илк марта эълон қилинган манбалари келтирилади.

О.Шарафиддинов. Мувашшаҳ. Эссе //«Қишлоқ ҳаёти», 2003 йил 119-126-сонлари.

ШЕЪРЛАР

Ик шеърлардан

Кўшиқлар. Хаёллар. Ноз. Қарши туманининг “Пахтакор” газетасида 1959 йил 30 августда Орол Муминовнинг оқ. Йули билан эълон қилинган. Шоирнинг олдин нашр этилган ёч бир түпламига киритилмаган.

Шафақ. Мажнунтол. Киндиқ қони тўқилган жой. Икки дараҳт. “Ширин сузу...”. “Соат янглиг...”. Кўклам. Дўстимга. Гейне. “Эшитаман тонглар...”. Эриган булат. – Шоирнинг илк дафтарларидан олинган ушбу шеърларнинг барчаси биринчи марта эълон қилинмоқда.

Ўзбеклар. //2004 йил, 1 декабрда “Халқ сўзи” ва “Езувчи” газеталарида эълон қилинган.

Мураббий. Тахминан 1990-йилларнинг бошида езилган. Биринчи марта “Шоир юраги” түпламида (“Маънавият”, Т.: 2003 й., 108-бет) эълон қилинган.

Озод Республикам. //“Respublika”. 1998 йил, 1 сентябрь.

Навоий. //“O'zbekiston ovozi”. 2001 йил, 10 февраль.

Бахт. //“Езувчи”. 2001 йил, 24 март.

Ҳамма гап шунда... //“Езувчи”. 2001 йил, 24 март.

Ватан учун яшайлик. //Биринчи марта “Шоир юраги” түпламида (32-бет) эълон қилинган.

Саҳарлик. //“Халқ сўзи”. 2001 йил, 21 ноябрь.

Огоҳлик. //“Ўзбекистон адабиети ва санъати” газетасида 2001 йил, 7 декабрда “Огоҳ бўл инсон!” мақоласининг охирида сарлавҳасиз эълон қилинган.

Ота ва бола. Қўмиқ билан суҳбат. Сайҳалар. Севишиганлар. Жонибек. Сўз. //“O‘zbekiston ovozi”. 2001 иил, 13 декабрь.

“Муҳаббат ҳиссини...”. //“Ёзувчи”. 2002 иил, 7 март.

Дўстлик. //“Халқ сўзи”. 2002 иил, 16 январь.

Қашқадарё. //“Халқ сўзи”. 2002 иил, 30 январь.

Ёзгин, дедилар. //“Халқ сўзи”. 2002 иил, 8 март.

Термизим. //“Ёзувчи”. 2002 иил, 29 март.

Универсиада. //“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”. 2002 иил, 24 май.

Санъатим. //“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”. 2002 иил, 5 июль.

Бу йўллар. //“Халқ сўзи”. 2002 иил, 24 август.

Ўн биринчى дур. Вагандош. Яхши одам. Чала иморат. Зиёрат. Жаннат күши. Илтижо. Осон эмас. Ривоят. Эътироф. Қўмсаш. Устоз (*Газетада “Тўртлиқ” сарлавҳаси билан берилган*). //“O‘zbekiston ovozi”. 2002 иил, 13 август.

Тошкентим. “Тошкентим, Тошкентим...”. //“Тошкент оқшоми”. 2002 иил, 30 август.

Бўлдило. Адолат қўзгуси. Юпанч. Мутойиба. Шеър. //“Халқ сўзи”. 2002 иил, 27 сентябрь.

Муаллим. //“O‘zbekiston ovozi”. 2002 иил, 1 октябрь.

Үгит. //“O‘zbekiston ovozi”. 2002 иил, 5 октября.

Омад. //“O‘zbekiston ovozi”. 2002 иил 10 октября.

Савоб. //“O‘zbekiston ovozi”. 2002 иил, 15 октября.

Жаннат. //“O‘zbekiston ovozi”. 2002 иил, 19 октября.

Армон. //“O‘zbekiston ovozi”. 2002 иил, 17 октября.

Инсон. //“O‘zbekiston ovozi”. 2002 иил, 29 октября.

Халқ. //“O‘zbekiston ovozi”. 2002 иил, 22 октября.

Қадр. //“O‘zbekiston ovozi”. 2002 иил, 16 ноябрь.

Хусумат. //“O‘zbekiston ovozi”. 2002 иил, 12 ноябрь.

Шайтон. //“O‘zbekiston ovozi”. 2002 иил 21 ноябрь.

Вақт. //“O‘zbekiston ovozi”. 2002 иил 9 ноябрь.

Оқсарай. //“O‘zbekiston ovozi”. 2002 иил 5 ноября.

Эпиграмма. //“O‘zbekiston ovozi”. 2002 иил 28 ноября.

Ёлғон. //“O‘zbekiston ovozi”. 2002 иил 26 декабрь.

Сўқмоқ. //“O‘zbekiston ovozi”. 2003 иил, 23 январь.

Лайлак ул-қадр. //“O‘zbekiston ovozi”. 2002 иил, 3 декабрь.

Жумбок. //“O‘zbekiston ovozi”. 2002 иил, 12 декабрь.

Совфа. //“O‘zbekiston ovozi”. 2003 иил, 7 январь.

Афанди. //“O‘zbekiston ovozi”. 2002 иил, 17 декабрь.

Илтижо. //“O‘zbekiston ovozi”. 2002 иил, 21 декабрь.

Тилак. //“O‘zbekiston ovozi”. 2003 иил, 1 январь.

Даъво. //“O‘zbekiston ovozi”. 2003 иил, 21 январь.

Мехр. //“O‘zbekiston ovozi”. 2003 иил, 11 январь.

Дунё. //“O‘zbekiston ovozi”. 2003 иил, 16 январь.

Посбон. //“O‘zbekiston ovozi”. 2003 иил, 14 январь.

Диалектика. //“O‘zbekiston ovozi”. 2003 иил, 6 февраль.

Ҳикмат. //“O‘zbekiston ovozi”. 2003 иил.

Қарз. //“O‘zbekiston ovozi”. 2003 иил, 11 феврарь.

Каромат. //“O‘zbekiston ovozi”. 2003 иил, 25 январь.

Буюклиқ. //“O‘zbekiston ovozi”. 2003 иил, 30 январь.

Оллоҳнинг ишлари. Фалати мантиқ. //“O‘zbekiston ovozi”. 2003 иил,

- Биз.** //“O'zbekiston ovozi”. 2003 йил, 20 февраль.
- Пастназар.** //“O'zbekiston ovozi”. 2003 йил, 1 апрель.
- Аёл.** //“O'zbekiston ovozi”. 2003 йил, 8 март.
- Она.** //“O'zbekiston ovozi”. 2003 йил, 11 март.
- Шукр.** //“O'zbekiston ovozi”. 2003 йил, 15 март.
- Навруз.** //“O'zbekiston ovozi”. 2003 йил, 22 март.
- Дарл.** //“O'zbekiston ovozi”. 2003 йил, 31 май.
- Сабоқ.** //“O'zbekiston ovozi”. 2003 йил, 17 апрель.
- Омонаст.** //“O'zbekiston ovozi”. 2003 йил, 8 апрель.
- Орият.** //“O'zbekiston ovozi”. 2003 йил, 22 апрель.
- Хаёт.** //“O'zbekiston ovozi”. 2003 йил, 6 май.
- Хотира.** //“O'zbekiston ovozi”. 2003 йил, 10 май.
- Бутунлик.** //“O'zbekiston ovozi”. 2003 йил, 17 май.
- Меҳмон.** //“O'zbekiston ovozi”. 2003 йил, 22 май.
- Ҳасса.** //“O'zbekiston ovozi”. 2003 йил, 3 июнь.
- Япон.** Будда. Рухият. Ибрат. Осакода ўзбек чойхонаси. //“O'zbekiston ovozi”. 2003 йил, 5 июль.
- Карвон.** //“O'zbekiston ovozi”. 2003 йил, 17 июнь.
- Япон.** //“O'zbekiston ovozi”. 2003 йил, 21 июнь.
- Маргаба.** //“Халқ сўзи”. 2003 йил, 19 август.
- Гумон.** //“O'zbekiston ovozi”. 2003 йил, 22 июль.
- Ўзбек нони.**//Биринчи марта “Ўзбекистон адабиети ва санъати” газетасининг 2003 йил, 15 август сонида Ж.Жабборов, Т.Низом, Н.Нарзуллаев, М.Абдуллаевларнинг Қашқадарёда ўтказилган маданият кунлари якунларига багишланган “Зарралари зар Ватан” материалида эълон қилинган.
- Софингч.** Мактуб. Тойчоқ. Ором. Маргаба. Дипломат. Тұлин ой. Му-соғифир. Қора юрак. Елғизлик. Хатолик (Түртлик газетада “Хурсандчилик” сарлавҳаси остида эълон қилинган). //“Халқ сўзи”. 2003 йил, 19 август.
- Хадя.** //“O'zbekiston ovozi”. 2003 йил, 10 июль.
- Дипломат.** //“O'zbekiston ovozi”. 2003 йил, 15 июль.
- Виждан.** //“O'zbekiston ovozi”. 2003 йил, 20 сентябрь.
- Элликқалъя** //“Халқ сўзи”. 2003 йил, 26 август.
- Она юрт.** //“Халқ сўзи”. 2003 йил, 14 октябрь.
- Иқрор.** //“Халқ сўзи”. 2003 йил, 18 октябрь.
- Кўзтумор.** Менинг ҳасратларим. Нокослар (Тўртлик, газетада “Давра” сарлавҳаси билан эълон қилинган). //“O'zbekiston ovozi”. 2003 йил, 20 ноябрь.
- Бозор.** //“O'zbekiston ovozi”. 2003 йил, 27 ноябрь.
- Мехр.**//“O'zbekiston ovozi”. 2003 йил, 11 декабрь.
- Савол.** //“O'zbekiston ovozi”. 2003 йил, 20 декабрь.
- Яна Андижон.** //“Туркистон”, 2003 йил, 20 декабрь.
- Садоқат.** //“Халқ сўзи”, 2004 йил, 14 январь.
- Зувала.** //“O'zbekiston ovozi”. 2004 йил, 17 февраль (“Мехр”номи билан берилган).
- Келинони.** //“Халқ сўзи”. 2004 йил, 6 март.
- Яшил новда.** Оллоҳ марҳамати. Эврилиш. Комиллик. Тилсим (Туртликка газетада “Инсон қавми” деб сарлавҳа қўйилган). Ҳақиқат.//“Халқ сўзи. 2004 йил, 18 март.
- Насиҳат.** Тавба. Кошки. Нодон.//“Ўзбекистон адабиети ва санъати”. 2004 йил, 2 апрель.

Шамбала. //“Тафаккур”. 2004 йил, 3-сон.
Сафар. //“O’zbekiston ovozi”. 2004 йил, 20 май.
Таянч. //“O’zbekiston ovozi”. 2004 йил, 5 июнь.
Хавотир. //“O’zbekiston ovozi”. 2004 йил, 3 июль.
Дийдор. //“O’zbekiston ovozi”. 2004 йил, 29 май.
Ҳақиқат. //“O’zbekiston ovozi”. 2004 йил,
Асқад Мұхтор. Биринчи марта “Ўзбекистон овози” газетасыда 2004 йил 8 апредла “30 март, Дурман” сарлавҳаси билан чоп этилган. Китоб нашрига “Тафаккур” журналининг 2004 йил 3-сонида эълон қилинган матн асос қилиб олинди.
Бирдамлик. //“Халқ сүзи”. 2004 йил, 20 июль.
Эътироф. //“Халқ сүзи”. 2004 йил, 30 сентябрь.
Англаш. Икки қария. Қаноат. Имом.//“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”. 2004 йил, 19 ноябрь.
Даъво. Наполеон. Ҳаммуалиф. //“Езувчи”. 2004 йил, 1 декабрь
“Ўзбекистон ҳаво йўллари” мадҳияси. Биринчи марта эълон қилинмоқда.
Шоирлар ва юлдузлар. // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”. 2005 йил, 1 январь.
Эр йигит. // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”. 2005 йил, 14 январь.
Кирқ биринчи усул. Киноновелла. //Биринчи марта эълон қилинмоқда.

МАҚОЛА ВА СУҲБАТЛАР

Севинч-дардим – бари Ваганим. //“Шарқ юлдузи”. 1987 йил, 11-сон, 154-162-бетлар. Филология фанлари доктори Баҳтиёр Назаров билан сұхбат.

Агар бошым зарур бўлса...//“Ватан” газетаси, 1993 йил, 31 август-8 сентябрь, №35.

Виждан бўйруғи. //“Халқ сүзи”. 1994 йил, 7 апрель.

Ҳаётгий дастур. //“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”. 1997 йил, 13 июнь.

Комилликнинг синов мактаби. //“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”. 1998 йил, 13 февраль.

Хурриятни авайланг. // “Маҳалла”. 1998 йил, 28 ноябрь. Суҳбатдош: Собир Жаббор.

Китоб – нажог фаришгаси. //“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”. 2000 йил, 21 апрель.

Жонғилолик. //Ҳ.Худойбердиева. Сайланма. Т.: “Шарқ”, 2000. 5-15-бетлар.

“Яхшилар ичра Ватан...” //“O’zbekiston ovozi”. 2000 йил, 10 февраль.

Катта ҳақиқатлар тантанаси.//“Марказий Осиё маданияти”. 2001 йил, март, 9-сон. Суҳбатдош Раҳмон Кўчқор.

“Юлдузлар ўтига бардош берурман”//“Синфдош” журнали. 2001 й., 3-сон, 1-бет.

Абадият умри.//“O’zbekiston ovozi”. 2001 йил, 10 февраль.

Буюк ифтихор.//“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”. 2001 йил, 9 февраль.

Ойбек ломла тақдири каби... //“Гулистон” журнали. 2001 йил, 3-сон.
Юртим оллида бурчиман. //“Езувчи”. 2001 йил, 24 март.

Абадият қани, десалар... //“Халқ сүзи”. 2001 йил, 15 май. Фофур Жабиев ёзиг олган.

Миллат тимсолига айланган зот. //“Ўзбекистон адабиети ва санъати”. 2001 йил, 25 август.

Нур ва зулмат кураши. //“Халқ сүзи”. 2001 йил, 6 октябрь.

Огоҳ бўл, инсон! //“Ўзбекистон адабиети ва санъати”. 2001 йил, 7 декабрь.

XXI аср Ўзбекистон асри бўлгай. //“Халқ сүзи”. 2001 йил, 25 август.

Воҳа жавоҳири. //“Халқ сўзи”. 2002 йил, 30 январь.

“...Қилғонча бордур яхшилиғ”. //“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”. 2002 йил, 8 февраль.

Қалбимнинг амри билан яшайман. //“Езувчи”. 2002 йил, 7 март. Суҳбатдош: Ольга Калинина.

Фан шоири. //“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”. 2002 йил, 3 май.

Рамзинг – қанотинг. //“Ўзбекистон адабиети ва санъати”. 2002 йил, 5 юль.

Озодлик – дунёда энг улуг неъмат. //“Инсон ва қонун” газетаси. 2002 йил, 2 август.

Буюкликнинг олтин зиналари. //“Халқ сўзи”. 2002 йил, 7 август. Суҳбатдош: Фулом Мирзо.

Ўзбекнинг уз шоири. //Faфур Фулом. Танланган асарлар. F.Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Т.: 2003. 5-12-бетлар.

Бу Ватаннинг сира тенги бўлмас. //“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”. 2002 йил, 30 август. Суҳбатдош: Мурод Абдуллаев.

Маърифатли инсон узокни кўзлайди. //“Ma’rifat”. 2002 йил, 28 сентябрь. Суҳбатдош: Фофур Жабиев.

Кашқадарё – муқаддас замин. //“Халқ сўзи”. 2002 йил, 30 октябрь.

Ўзлигимиз тимсоли. // “Ўзбекистон адабиети ва санъати”. 2003 йил, 7 февраль.

Японлар ўзбек адабиёгини юксак қадрлайди. //“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”. 2003 йил, 20 июнь. Назокат Усмонова ёзиг олган.

Кунчиқар мамлакати мўъжизалари. //“O’zbekiston ovozi”. 2003 йил, 5 юль. Суҳбатдош: Сафар Остонов.

Ватан ичра Ватан. //“Халқ сўзи”. 2003 йил, 18 октябрь.

Фақат уйқуда тинч бўлишим мумкин! //“Тасвир”. 2003 йил, 30 октябрь. Суҳбатдош: Назира Иноярова.

Олижаноб инсон. //“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”. 2003 йил.

Ибрат макгаби. //“Халқ сўзи”. 2003 йил, 11 декабрь.

Бобоси Насриддин Афандию, отаси Faфур Гулом. // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”. 2004 йил 6 февраль.

Яхшилик қаъбаси. //“Саодат”. 2004 йил, 3-сон, 4-5-бетлар.

Яхши одамларни қўрсам қувонаман. //“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”. 2004 йил, 19 март. Суҳбатдошлар: М.Абдуллаев, С.Шодиева. Суҳбатнинг биринчи саволга берилган жавобдан бошқа қисми дастлаб “ХО’JALIK VA HUQUQ” журналининг 2004 йил 1-сонида (43-45-бетлар) “Мехр-муруват – камолот белгиси” сарлавҳаси билан эълон қилинган.

Қалбни буйруқ билан тұхтатиб бўлмас. //“Тошкент оқшоми”. 2004 йил, 5 май. Шаҳло Ҳошимова суҳбатлашган.

Безавол ижод. //“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”. 2004 йил, 7 май.
Эртанги кун ишончи. //“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”. 2004 йил,
27 август.

Унугилмас сафар. //“Халқ сўзи”. 2004 йил, 14 октябрь.

Сен ўзинг энг олий кошонам. //“Тошкент оқшоми”. 2004 йил, 15
декабрь.

Кўнгил оламига зиерат. //“Ma’rifat”. 2004 йил, 25 декабрь.

Илмда қўриқ очган олим. //Биринчи марта эълон қилинмоқда.

Эл-юртингга муносиб бўл. //“Халқ сўзи”. 2005 йил, 15 февраль.

ТАРЖИМАЛАР

Данте Алигьери. Илоҳий комедия. Аъроф. //Биринчи қўшиқ биринчи марта “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида 1988 йил 16 декабрьда эълон қилинган, кейинчалик “Ишонч қўприклари” (Т.: Faфур Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989, 135-140-бетлар) киритилган. Қолган қўшиқлар биринчи марта эълон қилинмоқда. Саккизинчи қўшиқ таржимаси туттаданмаган.

Н. Вапцаров. Ватан. //“Ўзбекистон маданияти”, 1966 йил, 7 сентябрь.

СОҲИР ШЕЪРИЯТ

Ҳар қандай соҳада бўлгани сингари шеъриятда ҳам истеъдоднинг қанот ёзишида оила муҳити, атрофдаги одамлар, табиат ўз таъсирини утказмасдан қолмайди. «Кечалари осмондаги юлдузлар хаёлимни узоқ-узоқларга олиб кетар эди. Қандай қилиб шеър тўқиганимни билмай қолганман. Мен нимани кўриб, ҳис этган бўлсан, шуни қаламга туширишга ҳаракат қилганман», деб қайд этади шоирнинг ўзи.

Бундан қирқ йил муқаддам ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетасида чоп этилган «Фарзанд» номли очеркда Қашқадарёнинг Косон туманида истиқомат қилувчи Ориф ота Убайдулла ўғлининг ибратли ҳаёт йўлига назар ташланган, у киши ўзининг хайрли ишлари боис қишлоқ жамоаси ўртасида обрў-эътибор топганлиги, серҳосил боғ-роғлар барпо этганлиги ҳақида сўз юритилганди. Очерк-лавҳада фарзандлар ҳам ота изидан бориб эл кори хайрига ярайдиган қобил, ўқимишли инсонлар бўлиб етишаётганлиги, катта ўғли Халил жамоат ишлари билан банд бўлса, ўртанча ўғиллар – Мели тарих, Рассоқ қишлоқ хўжалиги соҳасида илм билан машғуллиги, энг кичик фарзанднинг эса шеър ёзишга иштиёқи баланд эканлиги маълум қилинган эди.

Орадан йиллар ўтди. Пиру бадавлат Ориф ота узоқ ва сермазмун умр кечирди. Катта ўғиллари хўжалик иши ва илм соҳасида таниқли, обрули шахслар бўлиб етишишди. Шеър ишқида ёнган кенжак ўғил эса бугунги кунда улкан шоир ва жамоат арбоби сифатида элга танилди, халқимизнинг фахри, миллатимизнинг рамзига айланди. Бунгача эса ўсмир Тошкент Давлат университетининг (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети) журналистика факультетида таҳсил олади. Дорилфунундаги жўшқин ҳаёт, адабиёт тўгаракларидағи қизғин мунозаралар, Озод Шарафиддинов, Матёқуб Кўшжонов каби адабиёт ва истеъдод фидойиларининг сабоқлари еш шоир ижодининг ўзлигини топишида, камолга етишида муҳим омил булди. Устозлардан бири – Озод Шарафиддинов унинг шеърларига “Шарқ юлдузи” журнали саҳифалари орқали оқ ийл тилади: “Кунлардан бирида университетда олдимга ўрта бўй, қорамагиз бир йигитча келди-ю, ийманиб туриб, бир даста шеърини

ўқиб беришимни илтимос қилди. Мен шеърларни уйга олиб кетиб, эринибигина ўқий бошладим. Негаки, бунаقا илтимослар кўп бўларди, лекин шеърлар қўпинча уртамиёна даражадан ошмас эди. Бу гал ҳам шундайдир-да, деб уйлаган эдим. Йўқ, ундаи бўлмади. Ўқиганим сари, деярли ҳар бир шеър қандайдир латиф мусиқилиги, фикрий равшанлиги, образлилиги билан эътиборимни тортди. Шеърларни ўқиб бўлгач, менда шундай таассурот қолдики, гўё шу шеърларда самимий ва пок қалб яширгану мен ҳозир улар билан ҳамсухбат бўлдим”.

Кейинчалик дастлабки таассурот адабиётшунос олимни алдамаганлиги аён бўлди. Жонажон шеърият унинг учун қисматга айланди, “топган тож-тахти” бўлди, шеърият қасрида “меҳмон бўлиб эмас, балки бир умр қолди”.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти соҳиби, Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати аъзоси Абдулла Ориповнинг илк шеърлар тўплами – «Митти юлдуз» 1965 йилда нашр этилди. Шундан кейин «Кўзларим йўлингда», «Онажон», «Руҳим», «Ҳайрат», «Юртим шамоли», «Юзма-юз», «Сурат ва сийрат», «Йиллар армони», «Ишонч қўприклири», «Сен баҳорни соғинмадингми», «Қуш тили», «Муножот», «Ҳикмат садолари», «Дунё», «Ибодат», «Сайланма», «Савоб», «Бедорлик», «Mustaqillik qo'shiq'i», «Бир қарасам» каби уттиздан ортиқ шеърий китоблари чоп этилди. Ўзбекистон мустақиллигининг ўнинчи йиллиги кўкламида – айни Наврӯз кунлари тўрт жилдлик «Танланган асарлар»и босилиб чиқди. Шунингдек, унинг шеърлари Фарб ва Шарқ халқларининг кўплаб тилларига таржима қилинди, рус тилида еттига шеърий тўплами Москва ва Тошкент нашриётларида босилиб чиқди, «Ҳур улкам» тўплами Истанбулда турк тилида, тоҷик ва уйғур тилларида шеърий тўпламлари Душанбе ва Урумчидаги нашр этилди.

Анъаналарга бой узбек шеъриятининг ўтган асрнинг иккинчи ярми ва ҳозирги асрдаги ривожланиш даврида Абдулла Орипов ўзининг алоҳида ўрнига эга. У ўз шеърияти билан узбек адабиётини янги босқичга кўтарди, миллатнинг ўзлигини англашига, миллий тафаккурни янада юксалтиришга беқиёс катта ҳисса қушди, ўз адабий мактабини яратди. Унинг илк ижодидан бошлаб то бугун-

ги қунгача она юртимиз Ўзбекистонга бўлган юксак муҳаббат, ватанпарварлик, асрий қадриятларимизни кўз қорачиғидек асраш руҳи сингдирилган шеърлари, фазалу достонлари чуқур фалсафий кечинмаларга, безовта ўйлар ҳосиласи бўлган, қалб призмаси орқали утган теран образли мушоҳадаларга бойдир.

«Шеъриятни сеҳр ва жозиба ҳамда юксак фикрларнинг гўзал бир омухтаси деб ҳисоблайман»- дейди яна шоир. Демак, шеърият – сеҳр-жозиба ва юксак фикрларнинг уйғунлиги! Ва “Қарши қўшифи”да образли ифодаланганидек, дард, армон, ўқинч фарзанди, машаққатли меҳнат, тинимсиз изланишлар меваси.

Ҳақиқий шеърни тушунтириб, изоҳлаб бериш қишин, уни фақат ҳис қилиш мумкин холос деган гап юради. Бу фикрда жон бор, албатта. Бироқ, шундай бўлса-да донғи «икки дарё оралиғида» қолиб кетмаган бу мўъжизавий шеъриятнинг ўзига хосликлари, айрича хусусиятлари нималардан иборат? Абдулла Орипов ижодининг илк тадқиқотчилиридан бири Норбой Худойберганов унинг шеърларини мўъжизага қиёслаган эди. Бу гап ҳам рост. Чунки ҳар бир чинакам шеър йўқлиқдан бор буладиган тирик бир мавжудотга ўхшайди. Фарқи фақат абадий яшашида.

Еш шоир ўзи шеъриятга кириб келган палладарда урф бўлган соҳта кутаринкилик, мадҳиябозликка зид ўлароқ катта бир ижтимоий дардни, инсон ва миллатнинг озодлиги армонини шеъриятимизга олиб кирди, ўзига хос мушоҳада, фикрлаш тарзи, идрок этиши орқали уни янги ғоявий-эстетик мазмун билан бойитди, янги бир поэтик бўғиннинг бошловчиларидан бири бўлди. Дастребки шеърларида ёқ фикрлашдаги ўзига хослиги, асаб толалари-дек таранг сатрлари билан кўпчиликни бирдай сеҳрлаб кўйди. Бу мўъжизали эди.

Атоқли олим, шоирнинг ёшлиқдан дусти Бегали Қосимов ҳаётининг сўнгги қунларида (2004 йил 31 август) куйидагиларни қайд этган: «Шоир шеъриятга кириб келган йиллариданоқ мавжуд ҳукмрон ақидалар, фикрлар, атамалар, қиёслар билан, биз ўрганиб кетган, қон-қонимизга, суяқ-суягимизга сингиб кетган тушунчалар билан баҳсга киришгандек бўлади. Уларни мұҳокама доирасига олиб чиқади. Масалан, «Булбулим» шеърини олайлик. Бу

унинг 60-йилларда катта шеъриятга чиқиш йўлидаги шеърларидан.

Булбул қандай эди таъриф-тавсифда? Булбул сайрарди, айрилиқдан нола қиласарди. Абдулла эса мана шундай фикр-қарашлар билан баҳсга киришади. **Айтадики:**

Бирор сени нола деди,
бирор деди оҳ-фиғон,
Булбул тилин булбул билар.
мен билмасман, булбулжон.

Бу энди ҳар нарсага реал, тұғрима-тұғри қараң ҳақидаги гап. Ҳар бир тушунчани тағтиш қилиш, янгиңа бир қараңлардан келиб чиқиб баҳолаш, ёндашиш борасидаги буюк бир истак эди».

Хаётта ва тарихга, ҳар бир нарсага, воқеликка янгиңа қараң, баҳсга киришиш «Мен нечун севаман Ўзбекистонни», «Тилла балиқча», «Дорбоз», «Ўзбекистонда куз», «Темир одам», «Отелло», «Аәл», «Уйқу», «Баҳор», «Сароб», «Авлодларга мактуб», «Арманистон», «Генетика», «Маломат тошлари» сингари шеърларнинг барчаси учун хос эди. Бу руҳ «Минораи Калон тепасидаги лайлак», «Совға» каби шеърларга ҳам хосдир. 1968 йилда ёзилган «Минораи Калон тепасидаги лайлак» шеърида тарих тақазоси билан Бухорои шарифни беклар, амирлар ташлаб кетганды, ҳатто уни булбуллар, товуслар ҳам тарк этганды, фақат лайлак бу шаҳарни ташлаб кетмаганды ҳақида сўз юритилади. Шеър ажабким, қушнинг «оёқлари ғўзага үхшар, қанотлари эса пахтадек оппоқ», деган тимсол-ўхшатиши билан хулосаланади. Агар ўша йиллари ғўза, пахта деганда Ўзбекистон, ўзбек халқи тушунилганлигини эсласак, шеърдаги тимсолнинг маъносини бир қадар англағандек булемиз. Яъни шоир зулм исканжаси, мустабид тузум чангали қанчалик қаттиқ қисилган булмасин, халқ абадий эканлиги, Ўзбекистон ўз байроби, ўз туғига эга бўлган мустақил мамлакатга айланиши орзу-истагини поэтикалаштиради. Ёки «Арманистон» шеъридаги мана бу мисраларни олайлик:

Менинг ҳам руҳимда аждодлар оҳи,
Менинг ҳам қонимда қилич занги бор,

Минорлар эмас бу – фалакқа қасам,
Қасоскор боболар кетмишлар санчиб.

Ҳайратомуз, мақоми юксак, ҳар бир суз, ҳар бир товуш чатнаб турган бу мисраларда Ватаннинг ўтмиши, бугуни ва эртаси параллел чизиқларда кесишиди. Соҳибқирон Амир Темур барпо этган ва бошқа буюк аждодларимиз саъй-ҳаракати пайваста бўлган улкан давлат маҳобатини, ёвқур боболаримиз нафаси ва қатъиятини ҳис қилгандек, шўролар давридаги (шеър ёзилган пайтдаги) муте ва Қарам ҳолатимиздан кўйингандек буламиз, айни замонда буюк аждодларимизнинг қасоскор руҳи Ватан ҳурлигига ундаётгандек. Ватан тарихини теран мушоҳада қилмай, халқ дардини, инсоннинг ботиний кечинмалари ни чуқур ҳис этмай туриб баланд мақомли байтларнинг туғилиши душвор. «Тарих жуда мураккаб, шафқатсиз, — дейди шоир биз билан сұхбатда (1997 йил, 28 сентябрь). - Кино тасвиirlарини қайта ўчириб, қайта ёзиш мумкин. Тарихни эса қайта ёзиб бўлмайди. Энди шеъриятга кела-диган бўлсан, ҳар қандай даврда, ҳар қандай тузумда аба-дий яшашга ҳаққи бўлган, ўлмай яшайдиган асарлар ёзиш мумкин. Бунга мисоллар кўп. Бунга үзимизнинг улуғ Навоиймиз ижоди, Шекспир трагедиялари мисол. Бу улуғ зотларнинг асарларини ҳар қандай тузумда ҳар қандай миллат ўқиди ёки саҳнага қўяди. Буни нима таъминлайди? Санъаткорлик, юксак маҳорат таъминлайди. Гап фа-қат мавзуда эмас».

Бадиий тафаккур янгилиги, халқнинг ўтмиши ва бу-гунини янгича поэтик идрок ва таҳлил этиш, чуқур ин-соний дард олтмишинчи йиллар ўртаси шеърияти учун янгилик бўлди. Биқиқ муҳитни ериб чиқиш учун тарих инъом этган имконият Абдулла Ориповни майдонга келтириб чиқарди.

Шоирнинг мустақилликкача битилган шеърларида Узбекистонга буюк муҳаббат, юртни озод кўриш орзуси уфуриб туради, она халқ улуғланади. Ўзбекистон Қаҳрамони Тўлепберген Қаипбергенов сўзлари билан айтганда, ҳатто жаҳон шеъриятида Халқ ва Ватан мавзуи Абдулла Орипов шеъриятидагидек теран нафас, қамров ва юксак шеърий санъат билан қаламга олинмагандир.

Ижодда мукаммалликка, халқчиликка, миллийликка ўтган буюк салафларнинг бадиий оламини инкишоф этиш баробарида халқ ижоди баҳрларидан озиқланмай

Эришиш қийинлиги аён гап. Нафсиlamбрини айтганда, «шоир бўлиш қийин, шоир бўлиш оғир» эди «бундай буюкларнинг каҳкашонида». Юракка илоҳий руҳ билан кирган шеър ишқи ва қадрини юксак сақлаб, унга қалб қўрини бағиашлаш туфайлигина шеърият бустонида из қолдириш мумкин эди. Абдулла Орипов ижодининг аввал бошиданоқ шеъриятнинг миссиясини, халқ ҳаётидаги ўрнини чуқур англаб етди.

Шоирлик фақат қувончу шодликларни қаламга олиб қолишдан, мадҳиябозлиқдан иборат эмас, чинакам шеъриятда энг аввало ҳаёт ҳақиқатига содиклик, оламнинг меҳвари бўлган инсоннинг қалб кечинмалари, қўнгилнинг энг нозик, инжа, пинҳоний ўртанишлари ўз ифодасини топмоғи, шоир юрак таржимонига айланмоғи даркор:

Шоир дилига қўлма ҳавас, бут эса бағринг
Шоир юрагин доимо вайрон ёзажакмак.

Шу боисдан ҳам:

Оҳ, шоир умрига ҳавас қўлмагил,
У қуюн ичидан унган бир дараҳт.

Бироқ шундай эса-да, шеърият бир мұъжиза, унинг сехру жозибаси чинакам шоирни умр буйи таъқиб этади:

Ахир нима қиласай, чорласа сирлар,
Ахир нима қиласай, шеър ёзгим келса!..

Моҳиятан шоирнинг бутун ижодининг марказида ҳамиша инсон турари, унинг сир-синоати, баъзан англаб бўлмас хатти-ҳаракатлари, юксаклиги ва тубанлиги туфдирган ҳайрат мужассамлашади.

Бироқ шоир инсон тасвирида абстракт муаллақликдан жуда йироқ. Унинг ўлмас мавзудаги шеърларини инсон руҳияти ва маънавияти ҳақидаги тизгинсиз, зиддиятли фалсафий ўйлар дейиш мумкин. Шоирнинг кичик бир тўртлигими ёки «Генетика», «Маломат тошлари», «Қўриқхона», «Учинчи одам», «Тафаккур монологи», «Виждон», «Денгизга», «Бир танишим ҳақида баллада», «Диалектика» каби салмоқли шеърларими, ёки бўлмасам «Жаннатга йўл», «Ҳаким ва ажал», «Ранжком», «Соҳибқирон» каби катта жанрдаги шеърий асарларими - уларнинг барчасида инсон маънавияти, эътиқоди, яхшилик ва ёмонлик, гузал-

лик ва қабиҳлик, диёнат ва имонсизлик, меҳр ва муно-фикалик, шукроналик ва баҳиллик, ҳавас ва ҳасад ўртасидаги қураш, дунёни софлаш, комил инсонғояси жозибали, эҳтиросли, фалсафий теран ифодаланганлигини кўрамиз. Бу шеърларнинг ҳар бири узоқ изланишлар, ижод «тўлғоқлари», олижаноблик ва разиллик қаршисида ҳайратга тушиш, инсондаги турфа, бутунлай қарама-қарши ҳаракатлар олдида баъзан иложсиз таслим бўлиш маҳсули сифатида юзага келган. («Мен ҳар гал каттароқ бир шеър ёзишга киришганимда баҳайбат ҳайвон билан жангга киришаётгандек бўламан», дейди шоир.) Ижодкор доимо ўзи яшаб турган даврнинг «юрак уриши»ни ҳис этишга, инсоннинг ички оламини бадиий инкишоф этишга, унинг мураккаб руҳий олами манзараларини чизишга ошиқади, ҳар бири ўзига хос бир “сайёра” бўлган, юрагида, ўю фикрида сўз билан ифодалаш мушкул тилсимотлар яширинган инсон қалбини куйлаш мудом шоир дилини безовта қилиб келади.

Ўзида Ватан, тил, миллат, башар каби умуминсоний тушунчаларни мужассам этган инсонни мукаммал қўриш, унда инсоф, меҳр, диёнат, адолат, виждан каби матлаблар тобора ноёблашиб бораётгандигидан ташвишга тушиш, уларни асраршга чақириш, инсоннинг гоҳо идрок қилиш мушкул бўлган саъй-ҳаракатларидан ёқа ушлаш, айни замонда умумий, бироз мавхумроқ инсонни куйлашдан аниқ бир инсонга, айтайлик, шундай ёнма-ён яшаб турган қўшнингнинг ички оламига нигоҳ ташлашга ўтиш, яъни инсонни бадиий-фалсафий талқин қилиш баробарида конкрет-ҳиссий идрок этиш туйғуси, истаги шоир ижодида инсон талқинининг ҳарактерли хусусиятларидир.

“Узлат” шеъри лирик қаҳрамоннинг умидсизлик, чорасизлик ҳолатлари чулғаб олган пайтдаги кечинмалари жуда теран ифодалаб берилган шеърлардан биридир. Умуман А.Орипов шеърларида ёлғизлик тез-тез тилга олинади. Дўсту душманнинг макру ҳийаллари, фирибгарлиги зада қилган қалб ёлғизликни истайди. Унинг қўзига дунёда ҳеч нарса собит эмасдек туюлади. Лирик қаҳрамон ёлғиз қолишни истайди, у туда-туда давралар, издиҳомлардан тўйган, дили маҳдуд, узлат излаб гирён кезади. Нечун? Нега? Саволга лирик қаҳрамоннинг ўзи ҳам жавоб излайди.

Аниқ бир образдан фалсафий мушоҳада томон бо-риш, одатий бир ҳолнинг ички маъносини кўра билиш Абдулла Ориповнинг шеърий услуби учун хосдир. Шоирнинг энг сара шеърларида оддий гапдек туюлган ҳар бир сўз, ҳатто тиниш белгиси шеър олдига қўйилган ижодий ниятни рўёбга чиқаришга хизмат қиласди. Унинг кўпчилик шеърлари монолог шаклида, лирик қаҳрамоннинг эҳтиросли, зиддиятли уй-фикрлари асосига қуриласди. Худди шундай услуг товланишларини «Уйқу», «Қўриқхона», «Маломат тошлари», «Учинчи одам» каби шеърларда кўриш мумкин. Шоир «Уйқу» шеърини ун, ун беш йиллаб муттасил давом этадиган летаргия уйқуси деталидан фойдаланиб ёзган. Лирик қаҳрамон қўнгли ўртанган пайтлар узоқ йиллар ухлаш хоҳишини баён қиласди. Нима учун? Бунинг сабаби эҳтиросли мисраларда аен була боради:

Майлига, олис йил ухлайн, лекин
Энг қуттуғ саҳарда куз очсан қайта.
Балки ер юзида қолмас эди зам,
Бундан ҳам ёруғроқ бўларди дуне.

Шу тариқа сатрма-сатр «нотинч аср»нинг жароҳатлари, дардлари, зиддиятлари қофозга тўкила боради. Лирик қаҳрамоннинг яккаю ёлғиз нияти шу асрнинг, даврнинг фарзанди сифатида уни соф, бокира ҳолда қуриш. Шоир ўз поэтик мақсадини рўёбга чиқариш учун хилмажил бадиий воситалардан, чунончи қаршилантириш, зидлаш, кескин коллизиялар яратиш йулидан боради:

Асрим, самоларда ёқолдинг чироқ,
Юлдуз қилиб отдинг фазога узни.
Қўзгата олмадинг ўрнидан бироқ
Аскар елкасида турган юлдузни.

Шу биргина турт сатрда йигирманчи асрга хос зиддиятлар лўнда, образли ифодалаб берилган. Инсоният фан-техника тараққиети соҳасида мислсиз ютуқларга эришиб, ҳатто тубсиз осмон қаърини ағдар-тунтар қилишга, космик кемаларни учришга, не-не ихтиrolар, кашфиётлар қилишга, дарёларнинг узанини саҳроларга буришга муваффақ бўлди. Бироқ инсонлар бир-бирларини тушуниб етишга, мудом дустлиқда, биродарликда яшашга ўргана олмадилар, ҳаётда разил кимсалар бўлмаслигининг удасидан чиқа олмадилар. Инсониятнинг энг зур ақл эгаларининг фикри-зикри омма-

вий қирғин қуроллари яратишига қаратылды, дунёning құдратли давлатларда лак-лак қүшин душман ҳамласини бартараф этишига шай ҳолда тутиб турилди. Мана шундай комилликка дағыға этувчи, маңнавиятни улуғлашша йұналтирилған, даврнинг үткір муаммоларини күтариб чиққан шеърлар шоир бутун ижодининг марказий мавзуларидан бирини ташкил этади.

Шоир ҳақиқий шеърият Вақт деган буюк ҳакамнинг синовига дош бериши лозимлигини ҳам терән ҳис қиласы: «Үзини билған инсон дунё олдидә үзини ҳамиша қарздордир деб билгай. Бу қарздорлық – ота-она олдидаги қарздорлық, Ватан олдидаги қарздорлық, халқ олдидаги қарздорлық, бошингни силаган зотлар олдидаги қарздорлық».

Шоирнинг үтли шеъриятыда Ватаннинг үтмиши, бугунни ва әртаси акс этиб туради.

“Халқ”, “Ватан”, “Түркістан болалари”, “Ўзбек бойининг баёноти”, “Бедорлик”, “Олий неъмат”, “Ўзбекистон асли” каби шеърларда Ватан мавзусининг янги қырралари очиб берилди, юртнинг корига яраган эзгу фазилатли инсонлар образи яратылды. Бу шеърларнинг мазмун-муңдарижасини Ватан ва халқ шаънига мадхия айтиш, мавжуд реалликни шунчаки таъкиллаш ташкил этмайды. Халқ, миллат, Ватан ғояси, тарих, түрли фалсафий түшүнчалар үйлаб топылмаганлығы, шоир қалбидан сизиб чиққанлығы учун ҳам бу шеърларда жаҳон тамаддунига салмоқты ҳисса құшган қадим юртнинг, “жонида бир гавҳар бор”, қонида “иймон нури доимо оқиб турған”, “каттакон йүлға чиққан” халқ кечмиши ва истиқболи манзаралари чизилади, масъулиятли, бугунга хос хусусиятлар бадий гавдалантирилади, инсон ва жамият, инсон ва табиат мавзусидаги азалий үйлар давом эттирилади. Истиқдолнинг қадрига етиш, Ватанни күз қорачигидек асраш, үтмиш сабоқларидан қатып хulosса чиқарыб, ниҳоят “оломонлик” психологиясини иткітиб ташлаб, ҳақ-хұқықини, жаҳонаро қадрини таниған халқ булишга дағыват, келажаги буюк Ўзбекистоннинг саодати унинг фарзандларининг яққаламлигіда эканлығы ҳиссий-образы Иүсінда ифодалаб берилади.

Шоирнинг кейинги йилларда өзилған «Ўзбек нони», «Она юрт», «Ўн бириңчи дур», «Иқрор», «Күзтумор» сингари шеърларининг үзак томирини яна ўша ўлмас мавзу – она Ўзбекистон, она халқ тақдирі, истиқболига қайғуриш, мустақил Ватаннинг жаһонаро қад ростлашига чуқур ишонч руҳи устуворлық қиласы:

Умр тугар балки, туганмас шода,
У инсон умридан фузун, зиёда.

Бу ҳурлик маржони қолмагай ярим,
Уни тұлдиради набираларим.

Индивидуаллик, хусусийлик билан умумийлик жипс чатишиб кетиши шоир шеъриятининг айрича хусусиятларидан биридир. Қаламга олинган мавзу, объект биргина шоирға тегишлидек, айни замонда у умум учун ҳам хос, күпчиликнинг ўю фикрлари, қараашлари, ҳис-түйгулари ифодаси эканлигини «Бұлдило», «Сағарлик», «Оллохнинг ишлари», «Ёлғизлик», «Менинг ҳасратларим», «Икки қария» каби шеърлар мисолида күриш мүмкін.

Бадий таржима шоир ижодининг иккинчи қаноти. Адебнинг буюк итальян шоири Данте Алигьери “Илохий комедия”си таржимаси бу жанрда ҳам Абдулла Орипов, ҳам умуман узбек бадий таржимачилиги санъати учун юксак чүккى ҳисобланади. Құлингиздаги “Адолат құзгуси”да жаҳон мұмтоз адабиети дурдонасининг “Аъроф” қисмидан түққиз құшиқ янгидан таржима қилинганки, бу асар – балогат палласидаги Абдулла Орипов ижодининг энг янги поэтик нафаси эканлиги билан құмматлидир.

Үткір сатирик оҳанг шоир ижодининг белгиловчи хусусиятларидан биридир. Китобдан үрин олган «Фалати мантиқ» шеърида ижодининг дастлабки даврида ёзилған «Илфор ишчи ва чаққон мұхбир қиссаси» шеъридаги каби жамиятдаги иллатлар устидан аччиқ истеҳзо янграйди.

Үз фикрини баён қилишда коинот унсурларидан, фазовий нисбаттардан фойдаланиш, самовотни ҳис қилиш, улкан чексизликдан туриб «она сайёра» жамолига назар ташлаш, ундаги қусурлардан мулзам булиш шоир ижодига доимо хос усул. «Бузилиб кетган жаҳон»да «одамзот charted» учмаслигига тавалло «Шамбала» шеърининг лейтмотивини ташкил этади. «Шоирлар ва юлдузлар» шеърида йироқ юлдудың шоирға хаёлан мурожаат қилиш орқали мавхумликдан аниқлик сари юз буради – бугунги кунда она сайёра кўксидаги оғриқли яралар изтиробидан безовталиқ қофоз юзига тўкилади:

Оҳ, у содда шоир, билсин қаёқдан,
Гўзал бу сайёра синоатларин.
Мафтункор курингай тоқи равоқдан,
Яшириб ҳисобсиз жароҳатларин.

Унинг багри бутқул заққумга тұлық,
Инсон деган жон зот етган бошига.
Күксидан тарапар мунгли бир қүшиқ,
Тавалло қылар у үз Қуёшига.

Абдулла Ориповнинг фаол ижтимоий фаолияти ҳам эътиборлицидир. У Ўзбекистон ёзувчиларининг раҳбари сифатида ижодий кучларнинг саъи-ҳаракатини миллий мустақиллик мафкураси манфаатларига сафарбар қилишда, еш ижодкорларни тарбиялашда ибратли ишларга бош-қош бўлмоқда. Анъанага айланиб бораётган Зомин, Элликқалъа учрашувлари еш истеъдолларни рӯёбга чиқаришда ўзига хос мактаб вазифасини ўтамоқда.

Шоирнинг мустақиллик йилларида, шу жумладан кейинги икки йил ичидә ёзилган миллий мафкура муаммолари га багишланган долзарб мавзулардаги бадиий публицистикаси, сұхбатлари, нутқлари ҳам алоҳида аҳамият касб этади. «Яхшилар ичра Ватан...», «Бир неъматки, жондан-да тотли!», «XXI аср Узбекистон асри бўлгай», «Воҳа жавоҳири», «Озодлик – дунёда энг улуғ неъмат», «Буюклиknинг олтин зиналари» яқинда матбуот саҳифаларида эъзоз қилинган «Элъортингта муносиб бул» сингари бадиаларда Ватан тақдирига шикасталик, бир фуқаро сифатида куйинчаклик, дунё ҳамжамиятида қад ростлаётган озод, мустақил, келажаги истиқболли мамлакатимизнинг ютуқларидан фахрланиш, айни чоқда ўтиш даври мураккабликларини енгиб ўтиш муаммолари, турли ошкора ва яширин ғанимларининг фирибларидан оғоҳликка даъват барқ уриб туради.

Шоир барча шеърларининг ёзилиш тарихини, уларга нималар турткы бўлганлигини адашмай айтиб бериши мумкин. Чунки уларда мутафаккир мушоҳадасидан ўтган, ҳиссий идрок этилган ҳаётнинг ўзи акс этган. Шеъриятда шоир шахси характеристи мұхим ўрин тутиши аен. Буюк санъаткорларнинг асарлари ҳақида гап борганда «бу шеърларни хусусан Ҷўлпон ёки Усмон Носир ёзиши, бу романларни фақат Абдулла Қодирий ёки Ойбек яратиши мумкин эди», дейишади. Шу ақидага амал қилинадиган бўлса, фахру гурур ва қатта қоникиш билан бундай шоҳ сатрларни, мақоми юқсан соҳир, мўъжизавий шеърларни фақат Абдулла Орипов ёзиши мумкин, деймиз.

Дониёр Бегимкулов

Шеърлар

<i>Илк шеърлардан</i>	
Кўшиқлар	42
Хаёллар. Ноз. Шафақ	43
Мажнунтол	44
Киндик қони тўкилган жой	45
Икки дараҳт	46
Кўклам. Дўстимга	47
Гейне	48
Эриган булут	49
Ўзбеклар	50
Мураббий. Озод Республикам	53
Навоий. Бахт. Ҳамма гап шунда	54
Ватан учун яшайлик. Саҳарлик	55
Огоҳлик. Ота ва бола	56
Қўмиқ билан сұхбат. Сайёҳлар	57
Севишганлар. Жонибек	58
Сўз. Ватандош	59
Эътироф. Дўстлик	60
Қашқадарё. Езгин, дедилар	61
Термизим. Универсиада	62
Санъатим	63
Үн биринчи дур. Яхши одам	64
Чала иморат. Зиёрат	65
Устоз. Жаннат куши. Илтижо	66
Осон эмас. Ривоят. Қўмсаш	67
Тошкентим	68
Бу йўллар. Бўлдило	69
Адолат кўзгуси. Юпанч	70
Мутойиба. Шеър. Муаллим. Үгит	71
Омад. Савоб. Жаннат. Армон	72
Инсон. Халқ. Қадр. Ҳусумат	73
Қиёфа. Хатолик. Шайтон. Вақт	74
Оқсаной. Эпиграмма. Елғон. Сўқмоқ	75
Лайлал ул-қадр. Жумбоқ. Совға. Афанди	76
Илтижо. Тилак. Фалати мантиқ	77
Даъво	78
Меҳр. Дунё. Посбон. Диалектика	79
Ҳикмат. Қарз. Каромат. Буюклиқ	80
Нусха. Жумбоқ. Исм. Оллоҳнинг ишлари	81
Яхшилик	82
Биз. Шикоят. Пастназар. Аёл	83
Она. Шукр. Наврӯз. Дард	84
Сабоқ. Омонат. Орият. Туш	85

Ҳаёт. Хотира. Бутунлик. Мөҳмон.	86
Ҳасса.	87
Япон оҳанглари. Япон	88
Будда. Руҳият. Ибрат.	89
Осакода узбек чойхонаси. Карвон. Япон	90
Мартаба. Гумон.	91
“Женева дафтари”дан	
Софинч. Мактуб. Тоичоқ.	92
Қора юрак. Ёлғизлик.	93
Ҳадя. Мусоғир.	94
Дипломат	95
Ором. Үзбек нони	96
Тўлин ой. Элликқалъа. Виждон. Она юрт.	97
Иқрор. Кузтумор	99
Менинг ҳасратларим	100
Нокаслар. Бозор. Кошки. Мехр	101
Савол. Яна Андижон...	102
Садоқат. Зувала. Комиллик	103
Келиноиي. Тилсим	104
Ҳақиқат. Насиҳат	105
Яшил новда	106
Оллоҳ марҳамати. Эврилиш	107
Тавба. Нодон. Шамбала	108
Сафар. Таинч	109
Хавотир. Дийдор. Ҳақиқат	110
Бирдамлик. Англаш. Эътироф	111
Икки қария. Қаноат	112
Имом. Даъво. Наполеон. Ҳаммуалиф	113
“Узбекистон ҳаво иуллари” мадҳияси	114
Шоирлар ва ўлдузлар	115
Эр иигит	116
Қирқ биринчи усул. Киноновелла	117

Мақола ва сұхбатлар

Севинч-дардим – бари Ватаним.	120
Агар бошим зарур бўлса...	140
Виждон бўйруғи	142
Ҳаётий дастур	144
Комилликнинг синов мактаби	147
Ҳурриятни авайланг	149
Китоб – нажот фариштаси	158
Жонфидолик	159
“Яхшилар ичра Ватан...”	171
Катта ҳақиқатлар тантанаси.	173
“Юлдузлар ўтига бардош берурман...”	178
Абадият умри	180
Буюк ифтихор	181
Ойбек домла тақдири каби	182
Юртим олдида бурчлиман.	184
Абадият қани, десалар...	185

Миллат тимсолига айланган зот	187
Нур ва зулмат кураши	188
Огоҳ бўл, инсон	191
XXI аср Узбекистон асри булгай	192
Воҳа жавоҳири	203
“...Қилғонча бордур яхшилиғ”	211
Қалбимнинг амри билан яшайман	213
Фан шоири	218
Рамзинг – қанотинг	222
Озодлик – дунёда энг улуғ неъмат	224
Буюкликнинг олтин зиналари	227
Ўзбекнинг ўз шоири	239
Бу Ватаннинг сира тенги булмас	248
Маърифатли инсон узоқни кузлайди	253
Қашқадаре – муқаддас замин	258
Ўлигимиз тимсоли	267
Японлар ўзбек адабиетини юксак қадрлайди	269
Кунчиқар мамлакат мўъжизалари	272
Ватан ичра Ватан	278
Фақат ўйкуда тинч булишим мумкин!	284
Олижаноб инсон	289
Ибрат мактаби	290
Бобоси Насриддин Афанди-ю, отасиFaфур Ғулом	293
Яхшилик каъбаси	295
Яхши одамларни кўрсам қувонаман	299
Безавол ижод	305
Эртанги кун ишончи	306
Унутилмас сафар	311
Сен ўзинг энг олий кошонам	314
Кўнгил оламига зиёрат	319
Илмда қуриқ очган олим	320
Эл-юртингга муносиб бўл	324

Таржималар

Данте Алигьери. Илоҳий комедия. Аъроф.	
Биринчи қўшиқ	332
Иккинчи қўшиқ	336
Учинчи қўшиқ	341
Тўртинчи қўшиқ	346
Бешинчи қўшиқ	350
Олтинчи қўшиқ	355
Еттинчи қўшиқ	360
Саккизинчи қўшиқ	365
Тўққизинчи қўшиқ	367
Изоҳлар	373
Н. Вапцаров. Ватан	377
Шарҳ ва изоҳлар	378
Д. Бегимқулов. Соҳир шеърият	386

АДОЛАТ КЎЗГУСИ

Ўзбек тилида

Муҳаррир
Бадиий муҳаррир
Мусаҳҳих
Саҳифаловчи

*Махмуд Сатторов
Темур Саъдуллаев
Бахтиёр Эргашев
Дилдора Исамуҳамедова*

Босишга 21.02.2005 йилда рухсат этилди. Қофоз бичими 84x108 ^{1/32.}
Босма табоги 25,0+0,5 вкл. Нашриёт ҳисоб табоги 20,83.
Адади 5000 нусха. 1222-сонли буюртма.
Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурилаги
иҳтинослаштирилган “Адолат” нашриёти.
Манзил: 700170, Тошкент, А.Муҳиддинов кучаси, 26-үй.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кучаси, 41.

Шеър ўқиган ёш йигит – Абдулла Орипов
ҳақиқиүй шоир! У ўзбек халқининг ифтихорига
айланади.

Расул ҲАМЗАТОВ

Абдулла Орипов. Шоир! Шоир бўлганда ҳам
анов-мановлардан эмас. Худо бутун қилиб
бергандардан. Зур!

МИРТЕМИР

Ўзбекларга хос донишмандлик, бағрикенглик,
ҳокисорлик ва андиша Абдулла Орипов поэзиясига
сингиб кетган.

Евгений ЕВТУШЕНКО

Абдулла Орипов лирикасида қадимий ўзбек
шеъриятига хос энг гўзал жиҳатлар музжассам-
лашган. У ўзбекнинг рамзи бўлган ижодкор.

Улжас СУЛАИМОНОВ

Қадрли Абдулла!. Доимо навқирон, доимо
ростгўй, ҳақ сўзли ва ҳар галгидай гўзал шоир
булиб колишингни тилайман.

Андрей ВОЗНЕСЕНСКИЙ

Давлат мадҳиясини яратиш камдан-кам
ижодкорга насиб этадиган баҳтдир. Абдулла
Ориповнинг ҳар бир ўзбекистонлик қалбидан жой
олгани шубҳасиз.

Лойик ШЕРАЛИ

Эскирмас, тұзимас сүз соқибларидан бири Абдулла Ориповдир. Үнинг илк шеърлари халқ қалбіда қандай акс-садо берган бұлса, әңг янги сатрлари ҳам шундай сөхрли құдрат билан жааранглаб турибди.

Эркин ВОХИДОВ

Мен танқидчи әмасман, табиатшуносман. Шоирни – Абдулла Ориповни ўрганмоқ учун, табиат менга ёшлигимни қайтариб бергудек бұлса, албатта адабиетшунос бұлардим. Фақат Абдулла Ориповни ўрганиш учунгина шу соғаны дилімга, шууримга жо қилиб олган бұлардим.

Жұра САИДОВ,
академик

Абдулла Ориповнинг шеъриятимиз осмонида пайдо булишини чақмоққа ўхшатадилар. Тұғри! Аммо чақмоқ үчади, құдратли истеъдод сочған нур эса – умрбоқиү! Абдулла Орипов шеъриятининг довруғини момоқалдироққа ўхшатадилар. Рост! Аммо момоқалдироқ гулдуроси тинади, қалбларни мафтун этған шеъриятнинг садоси эса – абадиү!

Иzzат СУЛТОН,
академик

